

1352
001
4-10



Ўрта Осиё олимлари қомуси


Тошкент – 2007

Узба.
001
4-80

Тузувчи: Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад

ЎРТА ОСИЁ ОЛИМЛАРИ ҚОМУСИ

Проф. З.И. Мунавваров
тахрири остида



Имом Бухорий республика
илмий-маърифий маркази нашриёти
Тошкент - 2007

Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон, жаҳон цивилизациясига салмоқли улуш қўшган минглаб олимларнинг ватанидир. Мисрлик тадқиқотчи 9-р Абдуллоҳ Саад томонидан тузилган ва эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу қомусда ана шундай олимлар хусусида сўз боради.

Масъул муҳаррир: З.И. Мунавваров

Махсус муҳаррир: Н.И. Жабборов

Таржимонлар: З.И. Мунавваров, С.Р. Иноғомов, Н.И. Жабборов,
У. Уватов, И. Усмонов, С. Оқилов, А. Юсупов

Техник муҳаррир: А.Р. Умаров

Ушбу қомус Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳомийлигида нашр этилди

ISBN 978-9943-308-02-2

© Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007

СУЗБОШИ

«Узбекистан — алломалар юрти» деган иборани барчамиз кўп эшитганмиз, кези келганда, ўзимиз ҳам ғурур билан айтаемиз. Зеро, ушбу сўзлар замирида шундай улкан ҳақиқат ва ибратли эътироф ётадики, уларга сазовор бўлиш дунёдаги санокли ўлкаларгагина насиб этган. Лекин тарих гардиши билан ушбу ҳақиқат узоқ йиллар давомида хаспўшлаб келинди, унинг умуминсоний аҳамияти атайлаб пастга урилиб, талкин этилди. Мана, бугун, алҳамдулиллоҳ, замон ўзгарди: халқимиз истиқлол нашидасини сурмоқда, барча моддий ва маънавий хазиналарига ўзи эгалик қилмоқда. Жумладан, нафақат мусулмон оламининг ривожини, балки умуминсоний тараққиётнинг юксалишига беназир ҳисса қўшган аллома аждодларимизни янгидан кашф этмоқдамиз.

Қалбимизга завқу сурур бағишлайдиган жиҳатлардан бири шундаки, бу ишда хорижлик дўстларимиз ҳам бизга холис ёрдам бермоқдалар. Ана шундай инсонлардан бири — мисрлик истеъдодли олим, дунёга машҳур «ал-Азхар» университетининг собиқ талабаси, ҳозирда эса, профессори, доктор Абдуллоҳ Абдулхамид Сааддир. Қўлингиздаги нашр — олимнинг кўп йиллик машаққатли, шу билан биргаликда, мазмун-моҳияти билан эзгуликка йўғрилган илмий изланишларининг маҳсулидир. Унинг эзгулиги шундаки, қомус мозийда араблар томонидан «Мовароуннаҳр» деб аталган ўлкамизнинг

умуминсоний тамаддундаги алоҳида ўрнини янада тиниқлаштиради, юртимиздан етишиб чиққан алломалар жаҳон илму фани тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссанинг ҳақиқий залворини ойдинлаштиради. Масаланинг иккинчи тарафи — ушбу асар қалбимиздаги энг нозик ҳиссиётларни жунбушга келтириб, аждодларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб ворис бўлиш, мазкур заминга мансубликдан ғурурланиш туйғуларини уйғотади. Оддий қилиб айтганда, ватанпарварлик дея аталмиш олий инсоний фазилатни мустаҳкамлайди. Бунинг учун муаллифга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, оз.

Таъкидлаш жоизки, А. Саад билан ҳамкорлигимиз Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси таъсис этилган 1998 йилдан бошланган эди. Ўзбекистонда бундай муассаса тузилгани ҳақидаги хабарни эшитган олим Мисрда унинг бўлимини ташкил этиш, шу тарика улуғ алломанинг илмий меросини ўрганишни янада чуқурлаштириш, буюк муҳаддиснинг киндик қони тўкилган юртнинг ўтмиши, бугуни ва келажакка оид боғлиқ ишлар ҳамда режалардан араб жамоатчилигини вакиф этишда биз билан ҳамкорликка тайёр эканлигини изҳор қилди. Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида А. Саад бу йўлда катта жидду жаҳд кўрсатди, ибратли ишларни амалга оширди, жумладан, Сиз, муҳтарам ўқувчига тақдим этилаётган қимматли тадқиқотни ниҳоясига етказди. Унинг айрим

Сўзбоши

қисмларини тегишли араб нашрларида чоп эттирди: бу билан янги Ўзбекистоннинг араб ва мусулмон дунёсидаги эътирофига амалий ҳисса қўшди. Аллоҳ таоло ҳеч бир яхшилиқни ажрсиз қолдирмас, зеро, Қуръони каримда таъкидланганидек, **«Агар (шундан кейин) эзгу иш қилсангиз - ўзларингизга эзгулик қилган бўлурсиз».** (Қуръони карим, 17:7)

Ҳар қандай қомусий тадқиқотни амалга ошириш — бениҳоят мураккаб жараён. Айниқса, узок ўтмиш ва турли ўлкаларда фаолият кўрсатган олимларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган энциклопедик қомус тузиш кишидан том маънодаги билимдонлик, туганмас сабру матонат, чексиз фидойилик ва ҳақиқий меҳнатсеварликни талаб этади. Ана шундай фазилатларнинг биратўла бир кишида жамулжам бўлиши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Шунинг учун ҳам бундай қомусларнинг сони оз, шунинг учун ҳам бундай қаҳрамонликни амалга оширган сиймоларнинг табаррук исмлари тарих зарварақларига абадулабад мукрланиб қолади. Асарлари мазкур қомус учун асосий манба бўлиб хизмат қилган Абдулкарим ас-Самъоний, Ёкут ал-Ҳамавий, Ибн Халликон, Ҳожи Халифа, Ризо Каҳҳола ва бошқалар ана шундай улў алломалар жумласига кирадилар.

Демак, мазкур қомуснинг тузилишида йўл кўрсатувчилик вазифасини бажарган асарлар — ас-Самъонийнинг «Китобу-л-ансоб» («Насабнома китоби»), Ибн Халликоннинг «Вафаёту-л-аъён» («Таниқли кишиларнинг

вафотномалари»), Ҳожи Халифанинг «Кашфу-з-зунун ан асоми ал-кутуб ва-л-фунун» («Китоблар ва илмлар билан боғлиқ шубҳаларнинг ечими»), Ёкут ал-Ҳамавийнинг «Муъжаму-л-булдон» («Мамлакатлар қомуси»), Ризо Каҳҳоланинг «Муъжаму-л-муаллифин» («Муаллифлар қомуси») каби йигирма бешта энг муҳим ва асосий манбалар унда келтирилган маълумотлар нақадар ишончли эканининг қатъий исботидир. Ўрта асрларда битилган мазкур асарларнинг ҳар бири ўн ва ундан ортиқ жилддан иборат китоблар экани, уларнинг жами эса, икки юздан ортиқ жилдни ташкил этиши назарда тутилса, ушбу ишонч янада кучаяди.

Қўлингиздаги қомусда жами 972 *нисба* {*нисба* — арабча *нисбатун* сўзидан келиб чиққан, о дат да, муайян олимнинг туғилган жойи, юрти, эли, қабиласи ва бошқа белгилари билан боғлиқ илмий таҳаллусидир) берилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига мансуб олимларнинг исми шарифи, имкон бўлган тақдирда, туғилган ва вафот этган саналари, ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси ҳақида маълумотлар, келтирилган. Иложи борича, ҳар бир олимнинг қаламига тегишли асарларнинг номи зикр этилиб, уларнинг қисқача мазмуни баён қилинган.

Табиийки, турли *нисбалар* остида келтирилган олимларнинг сони бири-бирдан фарқланади. Масалан, айрим *нисбалар* остида (№ 3, 11, 15, 16 ва ҳоказо) биргина олим зикр этилган бўлса, баъзиларида (№ 329, 447, 497, 194, 108 ва ҳоказо) ўнлаб, ҳатто юздан ортиқ олимлар ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Бундан мамлакатимиз тарихий

Сўзбоши

тараққиёти давомида муҳим роль ўйнаган ўзига хос илмий ва маданий марказларнинг жуғрофияси ва кучи ҳақида ҳам хулоса чиқариш мумкин. Хоразм Маъмун академияси, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва мадрасаи олияси, Бухородаги Мир Араб ва Тошкентдаги Қўқалдош мадарасалари каби юзлаб илму ирфон марказларининг қандай шаклланишини чуқурроқ билиб олса бўлади.

Шу тариқа, мазкур қомусдан 2700 нафардан зиёд олиму уламолар ҳақидаги қисқача маълумотлар жой олган. Улар УШ-ХІХ асрларда яшаб, ижод қилган аждодларимиз бўлиб, бундан Ўзбекистон заминида илму фан тараққиёти, маърифат зиёси ҳамиша мунаввар бўлиб келгани, энг оғир дамларда ҳам юртимизда бунёдкорлик тўхтаб қолмагани ҳақидаги мантиқий хулоса келиб чиқади.

Масаланинг яна бир муҳим тарафи борки, уни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Қомусда келтирилган аллома аждодларимиз фақат диний илмлар билан шуғулланибгина қолмасдан, балки уларнинг фаолияти бугун биз дунёвий ва аниқ фанлар деб номлайдиган соҳаларнинг беистисно барча тармоқлари, яъни тариху фалсафадан бошлаб, кимё, тиббиёт ва математикагача, ҳаттоки давлат ва жамият қурилиши масалаларигача бўлган кенг қўламини ўз ичига қамраб олгандир. Улар ижодининг жуда катта қисми ханузгача тадқиқ этилмай, номаълум бўлиб қолаётгани назарда тутилса, бизни келгусида қанчадан-қанча кашфиётлар кутаётгани маълум бўлади.

Гарчи ушбу тўплам «Ўрта Осиё олимлари қомуси» деб номланган

бўлса-да, унда айрим Кавказорти худудлари номларидан ясалган *нисбали* олимлар ҳам учрайди. Бунинг сабаби эса, айрим ҳолларда, бундай кишиларнинг олим сифатида шаклланиши Мовароуннаҳрда кечгани бўлса, бошқа ҳолларда, уларнинг илмий изланишлари Ўрта Осиё билан боғлиқ экандир. Бу ҳол қомусда қамраб олинган давр, айниқса ўрта асрларда, умуман Ўрта Осиё ва, хусусан унинг «юраги» Ўзбекистоннинг, жаҳондаги энг нуфузли илмий-маданий марказлардан бири бўлганини кўрсатади. Шу билан баробар, тўпламдан жой олган олимларнинг мутлақ кўпчилиги айнан Ўрта Осиёдан чиққан алломаи замонлар-улуғ аждодларимиз эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тўпламнинг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири — унда келтирилган анчагина олимларни санокли тадқиқотчиларгина билиши, баъзан эса, ҳатто улар ҳам билмаслиги билан боғлиқ. Китобдаги кўплаб олимларнинг кенг жамоатчиликка номаълумлиги, ҳатто узбек ва рус тилларидаги қомусий нашрларда ҳам учрамаслиги унинг илмий-амалий қимматини янада оширади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қомусий нашр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон — умумжаҳон цивилизацияси бешиklarидан бири» деган фикрининг амалдаги яна бир ҳужжати-тасдиғидир.

Китобнинг узбек ва араб тилларидаги матни биргаликда нашр этилмоқда. Бунинг ҳам сабаблари бор.

Сўзбоши

Уларнинг энг биринчиси муаллифнинг истаги билан боғлиқ. А.Саад ўз китобини яқунлар экан, бизга мурожаат қилиб, уни араб ва узбек тилларида бир пайтда нашр этиш ғоясини таклиф қилди ҳамда бу заруратни қомусдаги маълумотлар ҳам араб, ҳам узбек ўқувчиси учун бирдек муҳимлиги билан асослади. Дарҳақиқат, бундай соғлом мантиққа эътироз билдириш қийин.

Иккинчи сабаб шу билан боғлиқки, унда келтирилган асарларнинг номи, айрим ҳолларда, рамзий-мажозий маъноли сўзлар бирикмасидан иборат. Ана шундай асарларнинг харфий ёки сўзма-сўз таржимаси ҳар доим ҳам муайян асарнинг мазмун-моҳиятини адекват тарзда ифода этолмайди. Бунда таржимонни айблаш ноўрин, зеро, унинг тасарруфида бундай асарлар мазмуни ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ. Шу боне, баъзан, муайян асарлар номининг таржимаси билан боғлиқ англашилмовчиликлар ҳам пайдо бўлиш эҳтимоли йўқ эмас. Ана шундай ҳолатлар юзага келган тақдирда, қурби етган киши аслиятга, яъни асарнинг арабча матнига мурожаат қилиш имконига эгадирки, бу, хусусан тадқиқотчилар учун бениҳоя муҳимдир. Қолаверса, Марказий Осиё тарихининг ўрта аерлар ва янги даврларидаги араб ва форс тилларининг илму фан ҳамда адабиёт майдонидаги алоҳида мақоми туфайли қомусда зикр этилган асарларнинг мутлақ кўпчилиги айнан ана шу икки тилда битилган. Ҳар иккала тилнинг асосини эса, араб ёзуви ташкил этади. Бу арабча матннинг ўқувчи тасарруфига қўйилиши аҳамиятини янада оширади.

Мазкур нашрни муҳтарам ўқувчига тақдим этар эканмиз, унинг дунё юзини кўришига алоҳида ҳисса қўшган азиз инсонларга ҳам самимий ташаккурлар билдиришни ўз бурчимиз деб биламиз. Бунда мамлакатимизнинг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси ходимларининг хизматлари айниқса катта эканлигини таъкидлашни истар эдик.

Ушбу нашр мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий-маънавий ва маданий-маърифий қадриятларни тиклаш, умумжаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиш ва эъзозлаш билан боғлиқ кенг қамровли ишларга қўшилаётган камтарона ҳисса бўлади, деган умиддамиз. Хусусан, у олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, Марказий Осиё тарихи, илму фани ва маданиятини ўрганишга ихтисослашган илмий тадқиқот муассасалари ва уларнинг мутахассислари, қолаверса, юртимиз ўтмиши билан қизиққан ҳар бир ўқувчи учун қимматли маънавий манба бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Зеро, у нисбатан яқин ўтмишда тарихимизнинг замон зайлига мослаштириб талқин қилинган, баъзан, ҳатто, сохталаштирилган саҳифалари ҳақидаги ҳақиқатни аллома аждодларимиз ёзиб қолдирган асл манбалардан билиб олишга етаклайди.

**З.И.Мунавваров,
сиёсий фанлар доктори,
профессор**

ҚИСҚАРТМАЛАР

(а.с.) — алайҳиссалом

(р.а.) — раҳматуллоҳи алайҳи

(с.а.в.) — саллаллоҳу алайҳи ва саллам

ваф. — вафоти

тав.— таваллуди

м.а.— милодий аср

ҳ.а. — ҳижрий аср

м.й.— милодий йил, милодий йили, милодий йилда, милодий йилнинг

ҳ.й. — ҳижрий йил, ҳижрий йили, милодий йилда, ҳижрий йилнинг

Т. — тахририят

Муаллиф қомусга топонимларни ва олимларнинг нисбаларини араб тили талаффузига мослаштирган ҳолда киритган ёки айнан шу тарзда иқтибос қилган: Масалан, у Нишопурни «**Найсабур**», Паздавийни «**Баздавий**», Пойкандийни «**Байкандий**», Озарбайжонни «**Азарбайжон**», Исфижобийни «**Исбижобий**», «**Асбижобий**», Ромитанийни «**Ромисаний**», Заргаронийни «**Заркароний**», Ахсикатийни «**Ахсикасий**», Рудакийни «**Рувзакий**» тарзида қайд этган. Таржимада бундай номларни имкон қадар ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилдик.

Қомусда ҳар бир олимнинг таваллуд топган ва вафот этган санаси ўша олимнинг исми шарифидан кейин баъзан фақат ҳижрий тақвимда — «**Али ал-Абрийнакий (440-523 х.й.)**», баъзан эса ҳижрий-милодий тақвимда — «**Аҳмад ал-Омулий (333-421/944-1030)**» имкон қадар тўлиқ кўрсатилган. Баъзан эса, мазкур саналардан фақат маълум бўлгани ёки ўша олим ҳаёт бўлган йиллар кўрсатилган: «**Муҳаммад ал-Омулий (ваф. 753/1352 й.)**», «**Аҳмад ал-Омулий (ваф. 299 х.й.)**», «**Муҳаммад Аҳмад ал-Ардабилиий (тав. 810/1399 й.)**», «**Асрам ал-Азжохий (тав. 470 х.й.)**», «**Абдуллоҳ ал-Бухорий (747/1346 йилда ҳаёт бўлган)**», «**Али ал-Ўзгандий (405 х.й.да ҳаёт бўлган)**» ва ҳоказо. Шу билан биргаликда, муаллиф қомусда айрим олимлардан кейин муайян санани кўрсатиб, унга аниқлик киритмаган, масалан, «**Муҳаммад ан-Нақшбандий (791/1389)**», «**Муҳаммад ал-Бухорий (619/1222)**». Биз ҳам таржимада арабча матн шаклини имкон қадар сақлаб қолишга ҳаракат қилдик.

Ҳар бир муаллифнинг исми шарифидан кейин унинг ҳаёти, фаолияти ва мероси ҳақидаги маълумотни қамраб олувчи лавҳа якунида келган қавс ичидаги рақамлар орқали ўша маълумотнинг қайси манбадан олингани кўрсатилган. Бунда дастлабки рақам манбанинг номини, икки нукта (:)дан кейин келадиган рақам жилдини, ажратиш (/) аломатидан кейин келадиган рақам эса унинг саҳифасини англатади. Манбалар эса бири икинчисидан қуйидаги белги (;) орқали ажратилган. Масалан, Хошид ал-Оғизуний ҳақидаги лавҳадан кейин шундай рақамлар берилган: (2: 1/266; 11: 1/194). Демак, ушбу маълумот учун «Муъжаму-л-булдон» (1-жилд, 266-бет) ва «ал-Ансоб» (1-жилд, 194-бет) каби манбалар асос бўлган ва ҳоказо.

д Манбалар рўйхати

Қомусга асос қилиб олинган асосий манбалар рўйхати

- 1 Китобу урафо ва машойих
- 2 Китобу муъжами-л-булдон
- 3 Китобу вафаёти-л-вафаёт
- 4 Китобу муҳаддисин
- 5 Китобу уламо ва нужум
- 6 Китобу ҳукамо ва атиббо
- 7 Китобу муаррихин ва жуғрофийин
- 8 Китобу доирати-л-маориф
- 9 Китобу таҳзиби-л-камол
- 10 Китобу-т-тарихи-л-кабир
- 11 Китобу-л-ансоб
- 12 Китобу- ш-шуаро
- 13 Китоб ад-давъ ал-ломиъ
- 14 Китобу табақоти-л-фуқаҳои-ш-шофиъийин
- 15 Китобу кашфи-з-зуннун
- 16 Китобу вафаёти-л-аъён
- 17 Китобу муъжами-л-муаллифийн
- 18 Китобу мутакаллимин ва фуқаҳо
- 19 Китобу уламои адаб
- 20 Китобу жавомиъи-л-ҳикоёт
- 21 Китобу сияри аъломи-н-нубало
- 22 Китобу-л-фихрист
- 23 Китобу ал-жавоҳир ал-музия
- 24 Китобу ҳадияти-л-орифин
- 25 Китобу шазароту-з-заҳаб

АЛОҒИЗУНИЙ

«Оғизун»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Ҳошид ал-Оғизуний (ваф. тахм. 250 х.й.)

(Абу Абдуррахмон) Ҳошид ибн Абдуллох ибн Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Айман ибн Абдуллох ибн Мурра ибн ал-Аҳнаф ибн Қайс ас-Саъдий ал-Оғизуний. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 250 х.й.да вафот этган (2: 1/266; 11: 1/194).

2. Абдулвоҳид ал-Оғизуний (ваф. тахм. 200 х.й.)

(Абу Абдуллох) Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Айман ибн Абдуллох ибн Мурра ибн ал-Аҳнаф ибн Қайс ат-Тамимий ал-Оғизуний — юкорида номи зикр этилган Абу Абдуррахмон Ҳошиднинг бобоси. Қудамо имомлардан бўлган, Оғизун қишлоғида яшаган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 200 х.й.да вафот этган. (2: 1/74; 11: 1/64, 194).

АЛОФИРОНИЙ

«Офирон»дан ясалган

нисба. У — Насафдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар игу қишлоққа мансубдирлар:

1. Абдуллох ал-Офироний (ваф. 1321/1903 й.)

(Абу Солим) Абдуллох ибн Муҳаммад ал-Офироний ал-Ҳасаний — фозил одам бўлган. Асарларидан: «Фихрист» («Кўрсаткич») (17: 2/273).

2. Муҳаммад ас-Сағир ал-Офироний (ваф. 1138/1726 й.)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ас-Сағир ибн Муҳаммад ибн Абдуллох ал-Офироний ал-Марокаший — асли офиронлик муаррих, адиб, Мароқашдаги ал-Мавло Исмоил салтанатидаги давлат арбобларидан бўлган. Унинг асарларидан: «Сафва ман инташара мин ахбори сулаҳои-л-қарни-л-ходий ашара фи давлати-с-саъдия фи мароқаш» («Мароқашдаги саъдийлар давлати ҳақида ўн биринчи аср солихларининг хабарларини тарқатганларнинг энг саралари»), «ал-Малик ас-сахл фи шарҳи тавшиҳи ибн Саҳл» («Бандлари турлича қофияланган Ибн Саҳл шеърларининг шарҳи ҳақидаги «Малик ас-Саҳл» номли асар) (17: 3/603).

3. Муҳаммад ал-Офироний (1080-1140/1669-1728)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Сағир ал-Офироний — факих, муҳаддис, хофиз, муаррих, адиб, шоир, нахвшунос ва баёншунос олим бўлган. Тахм. 1080 х.й.да Мароқашда таваллуд топган. Тахм. 1140 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Шарҳу-т-тавших» («Бандлари турлича қофияланган шеърларга шарҳ»), «Тальату-л-муштарий фи тавбати-з-Замахшарий» («Замахшарийнинг тавбаси ҳақидаги Муштарий — Юпитер сайёрасининг чиқиши»), «ал-Ифодот вал-ишорот» («Ифодалар ва ишоралар») (17: 3/648).

4. Ал-Васир ал-Офироний

(Абу Мусо) ал-Васир ибн ал-Мунзир ибн Жанак ал-Офироний ан-Насафий. У «Калому-з-зуҳход» («Зохидлар каломи»)ни ривоят қилган (2: 1/74; 11: 1/64).

5. Муҳаммад ибн Самъон ал-Офироний (ваф. 413/1023 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Самъон ал-Офироний — факих бўлган. Бухорода муқим яшаган ва 413 х.й. шаввол ойида, ёши саксондан ошганда, шу ерда вафот этган (11: 1/65).

6. Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Офироний (ваф. 422 Х.й.)

ал-Офироний/ал-Олувзоний/ал-Олийний/ал-Омулий

(Абу Ахмад) Мухаммад ибн Акмад ибн Амру ибн Наср ибн Ҳомид ал-Офироний. 422 х.й.да Офиронда вафот этган (11: 1/65).

1. Аш-Шаъбий ал-Офироний (ваф. 383/993 й.)

Абулфазл аш-Шаъбий ибн Абдуллох ибн Мансур ибн Наср ибн Форис ал-Офироний, лақаби — Шох. У бандаргоҳлардаги байроқларни йиғиб юрвчи ва кўп ҳадис айтувчи шахе бўлган. 383 х.й. муҳаррам ойининг бошида вафот этган (11: 1/65).

8. Жаброил ал-Офироний

(Абу Мухаммад) Жаброил ибн Авн ал-Офироний — кудамолардан ва Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг дўсти ҳамда Насафда турган вақтда, унинг айтганларини ёзиб олувчи бўлган (11: 1/65).

9. Абдулмалик ал-Офироний (ваф. 388/998 й.)

Абуттайиб Абдулмалик ибн Исҳоқ ибн ал-Мухтадий ал-Офироний — адиб ва шоир бўлган. Марвга борган ва у ерда фақиҳ бўлиб етишган. 388 х.й. шаъбон ойининг иккинчи ўн кунлигида вафот этган (11: 1/65).

10. Абдуссалом ал-Офироний (ваф. 400/1010 й.)

Абу Тамом Абдуссалом ибн Исҳоқ ибн ал-Мухтадий ал-Ҳомидий ал-Офироний — шофиъий фақиҳ, адиб ва шоир бўлган. 400 х.й.нинг шаввол ойида вафот этган (И: 1/65).

11. Мухаммад ал-Офироний ал-Ҳомидий

(Абу Бакр) Мухаммад ибн Ахмад ибн ал-Офироний ал-Ҳомидий. У уламолардан ҳадис айтган (2: 1/269).

3

АЛОЛУВЗОНИЙ

«Олувзон»дан ясалган нисба. У — Сарахсдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Сура(т) ал-Олувзоний

Сурат ибн ал-Ҳасан ал-Олувзоний. У Абу Ҳанифанинг замондоши (шогирди) — Мухаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийдан ҳадис ривоят қилар эди (2: 1/75; И: 1/65).

4

АЛОЛИЙНИЙ

«Олийну»дан ясалган нисба. У — Хорқон дарёсининг куйи оқимида жойлашган Марвдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Фирот ал-Олийний

Фирот ибн ан-Назр ал-Олийний. Фазилятли

нуроний кудамолардан бўлган. У уламолардан, уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/75; И: 1/66).

2. Талха ал-Олийний

Абу Мансур Талха ибн Разик ибн Асад ал-Олийний — шу қишлоқнинг кудамоларидан ва ўн икки нақибнинг бири бўлган. Абу Муслим уни Ҳиротнинг хироҷ солиғи учун масъул шахе этиб тайинлаган. Орадан кўп ўтмай хаворижлар уни қатл қилганлар (11: 1/66).

3. Мисъаб ибн Разик

Мисъаб ибн Разик ибн Асад ал-Олийний — юкорида номи зикр этилган Талханинг биродари бўлган (11: 1/66).

4. Тохир ал-Олийний

Тохир ибн Мухаммад ибн Сулаймон ал-Олийний — сермахсул шоир бўлган (11: 1/66).

5

АЛОМУЛИЙ

«Омул»дан ясалган нисба. «Омул» исми икки мавзеъ мавжуд бўлиб, шулардан биринчиси — Табаристон «Омул»и. У Табаристондаги энг катта шаҳар бўлиб, ислом бу ерга алқ дафъа кириб келганда, бу ердаги ах,олидан икки минги қурооланган эди. Иккинчиси — Жайхуннинг

«Омули». Бу ҳам Марвдан Бухорога олиб борувчи йўл устида, Жайхуннинг ғарб қисмида жойлашган машхур шах, ардир. Уни «Омули замм», «Омули Жайх,уп», «Омули-л-мафоза» («Сақро Омули») ва «Омули-ш-шатт» («Сох,ил Омули») деб атайдилар. Куйидаги олимлар шу қишлоқдан етишиб чиққан:

1. Аҳмад ал-Омулий (333-421/944-1030)

Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Хорун ибн Муҳаммад ал-Ҳасаний ал-Омулий — Аллоҳ таолога қаттиқ суянувчи имом, тилшунос, нахвшунос ва фикҳшунос олим бўлган. Қуръоний илмлар ва шеърийат билан шуғулланган. Табаристон Омулида туғилган ва халифаликка байъат қилинган. Арафа куни Билинхода вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарху-т-тажрид» («ат-Тажрид шарҳи»), «Китобу-л-ифода» («Ифода китоби») (17: 1/130).

2. Аҳмад ат-Табарий (ваф. 275/888 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Табарий ал-Омулий ал-Халилий — муҳаддис бўлган, уни «Ғулом Халил» деб атаганлар. Бағдодда яшаган ва шу ерда ҳадис айтган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Вусул ила маърифати-л-усул»

(«Усулни англаб етиш йўллари»), «ал-Кашф» («Кашф»), «Фазоилу амири-л-муъминийн алайҳиссалом» («Амиру-л-муъминийн алайҳиссаломнинг фазилатлари») (17: 1/270).

3. Жавод ал-Омулий (ваф. 1303/1886 й.)

Жавод ал-Омулий аш-Шийъий. Унинг «Минҳожу-л-киром» («Иззат-икром кўрсатиш дастури») номли асари бўлган (17: 1/509).

4. Ал-Ҳасан ат-Табарий (698/1299 йилда ҳаёт бўлган)

(Имодуддин) ал-Ҳасан ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ат-Табарий ал-Мозандароний ал-Омулий ал-Астрободий — мутакаллим ва усул ал-фикҳ билан шуғулланган олим бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Асрору-л-имомат» («Имомлик сирлари»), «Муъжизату-н-набий вал-аъимма» («Пайғамбарнинг муъжизалари ва имомлар»), «ал-Минҳаж фи фикҳи-л-ибодат» («Ибодатга оид фикҳ ҳақидаги дастур»), «Накзу-л-маъожим ли Фахриддин ар-Розий» («Фахруддин ар-Розийнинг асаридаги мавҳум жумлаларга ойдинлик киритиш ва ножоиз ҳукмларни инкор этиш»), «Нахжу-л-Фурқон ила хидояти-л-

имон фи-л-фикҳ» («Фикҳдаги соғлом имонга олиб борувчи қуръоний йўл») (17: 1/572).

5. Ҳайдар ал-Омулий (770/1368 йилда ҳаёт бўлган)

Ҳайдар ибн Ҳайдар ал-Хусайний ал-Омулий — мутасаввиф бўлган. Унинг «Манбаъу-л-асрори-л-илоҳия бирасми-л-хуфрати-л-жалолия фи-т-тасаввуф» («Тасаввуф ҳақидаги жалолий жоҳ расми билан боғлиқ илоҳий сирларнинг манбаи») номли асари бор (17: 1/663).

6. Ҳайдар ал-Омулий (787/1385 йилда ҳаёт бўлган)

Ҳайдар ибн Али ибн Ҳайдар ибн ал-Алавий ал-Хусайний ал-Мозандароний ал-Омулий — кўпроқ Омулий нисбаси билан танилган муфассир, муҳаддис, фақиҳ, суфий ва мутакаллим. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Муҳит ал-аъзам фи тафсири-л-Қуръони-л-карим» («Қуръони карим тафсири ҳақидаги улкан уммон»), «Фассу-л-фусус фи шарҳи фусуси-л-ҳикам» (Ибн ал-Арабийнинг «Фусусу-л-ҳикам» асарини шарҳлаш ҳақидаги нодир дурдоналар), «Жомиъу-л-асрор» («Сирлар

ал-Омулий

хазиnasi»), «Манъу-л-анвор фи-р-риёз фи илми-т-тажвид» («Тажвид илмидаги бўстонларга нурлар таратишни ман этиш»), «Талхису-л-истилохоти-с-суфия» (ал-Кошоний қаламига мансуб «Тасаввуф истилохотлари» асарининг қисқача мазмун-моҳияти»), «ал-Бахр ал-хизам фи тафсири Қуръони-л-аъзам» («Қуръони аъзам тафсири ҳақидаги уммоний бахр») (17: 1/664).

7. Иззуддин ал-Омулий (X ҳ.а./XVI м.а.)

Иззуддин ал-Омулий — олим ва фақиҳ бўлган. Али ибн Х.ИЛОЛ ал-Жазоирийдан илм ўрганган. У таълиф қилган асарлардан: «Шарҳу на х жи - л - б а л о ғ а» («Нахжу-л-балоға» асари-га шарҳ), «ар-Рисола ал-хусайния фи-л-усули-д-диния» («Диний асослар ҳақидаги Хусайний рисоласи») (17: 2/375).

8. Али ал-Омулий (1298-1355/1881-1937)

Али ибн Ахмад ибн ал-Хусайн ал-Хусайний ал-Алавий — «Мумтозу-л-уламо» — «Уламоларнинг сараси» (Абулҳасан) лақаби билан машҳур бўлган фақиҳ. Келиб чиқиши жихатидан Омугла мансуб бўлган имом. Бомбейда таваллуд топган. Маълум бир муддат Карбалода истикомат қилиб, у ердаги

уламолардан илм ўрганган. Ҳиндистоннинг Лакхнав шаҳрида вафот этган. Унинг асарларидан: «Китоб фи-л-фатово» («Фатволар ҳақидаги китоб»), «Расоил фи-л-ижтиҳод ва исботи-н-нубуввати ва-л-имомат» («Ижтиҳод, пайғамбарлик ва имомликни исботлаш ҳақидаги рисоалар») (17: 2/392).

9. Али ал-Омулий (1220-1306/1805-1888)

Али ибн Қурбон Али ибн Қосим ибн Муҳаммад ибн Али ал-Омулий ал-Киний — асли келиб чиқиши Мозандарондаги Омугдан бўлган олим, лекин баъзи боболари Техроннинг шимолидаги Кин қишлоғида муқим яшаганлар. У ҳам Кинда туғилиб, шу ер да ўқиш-ёзишни ўрганган. Сўнгра Ирокка кўчиб борган ва у ердаги аҳли илмга мансуб фозилу фузалолар ҳузурида илмини камолига етказиб, ижтиҳод қилишга ижозат олган. Сўнгра Техронга қайтиб борган ва у ердаги хосу омнинг ишончини қозонган. Одамлар ундан ўрнат олганлар. Муҳаррам ойининг 27 куни вафот этган. Унинг асарларидан: «Талхису-л-масоил фи-л-фикҳ» («Фикҳий масалаларнинг қисқача мазмун-моҳияти»), «Таҳқику-л-далоил» («Далилларни текшириб кўриш» деб номланган

шарҳ), «Тавзиҳу-л-мақол фи илми-д-дирия ва-р-рижол» («Билиш илми ва одамлар ҳақида айтилган фикр-мулоҳазаларнинг баёни») (17: 2/471).

10. Муҳаммад ал-Омулий (ваф. 750/1349 й.)

(Шамсуддин) Муҳаммад ал-Омулий — ақлий ва нақлий илмлар билан шуғулланган олим. У Шерозга ташриф буюрган ва тахм. 750 х.й.да вафот этган. У тасниф қилган кўпгина асарлардан: «Нафоису-л-фунун ва ароису-л-уйун» («Илм-фаннинг нафис жихатлари ва манбаларнинг келин-чаклари»). Муаллиф мазкур асарда илм-фаннинг усул ал-фикҳ, фуруъ ал-фикр[^], манқул ва маъқул каби барча соҳаларини жам қилган (17: 3/139).

11. Муҳаммад ат-Табарий (ваф. 525/1131 й.)

Муҳаммад ибн Абулқосим ибн Муҳаммад ибн Али ал-Омулий, ал-Кажий ат-Табарий аш-Шиъий ал-Имомий — Бағдодда муқим яшаб қолган фозил инсон (Имодуддин). Абу Али ат-Тусийдан илм ўрганган ва тахм. 525 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Бишорату-л-Мустафо ли-шиъати-л-Муртазо» («Муртазо Алининг шиъалиги ҳақидаги Пайғамбар башорати»), «Шарҳу масоили-з-зариъа,

ал-Омулий

аз-зуҳд ва-т-тақво» («Оклаш, зуҳд ва тақво масалаларига шарҳ»), «ал-Фарж фи-л-авқот ва-л-махраж би-л-баййинот» («Куёшнинг чиқиши аниқ кўриниб турган вақт билан бошқача услубда аниқданган вақт ўртасидаги оралиқ вақт») (17: 3/531, 598).

12. Муҳаммад ал-Исфандиёрий (750/1349 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Исфандиёрий ал-Омулий — муаррих олим бўлган. Унинг асарларидан: «Тариху Табаристон» («Табаристон тарихи») (17: 3/627).

13. Муҳаммад ал-Омулий (ваф. 753/1352 й.)

(Иззудин) Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Омулий — фозил одам бўлган. Унинг асарларидан: «Шарху куллиёти-л-Қонун» (Ибн Сино қаламига мансуб бўлган «ал-Қонун фи-т-тибб» тўпламига шарҳ), ~«Нафоису-л-фунун фи ароъиси-л-уйун» («Илм-фанларнинг нафис жихатлари ва манбаларнинг келинчаклари» — форсча) (15: 6/159; 17: 3/701).

14. Муҳаммад ал-Омулий (744/1343 йилда ҳаёт бўлган)

(Шамсуддин) Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Али ибн Юсуф ал-

Кокиёний ал-Хуроний ал-Анзоний ал-Омулий — шоир, луғатшунос, усул ал-фикх ва илм-фаннинг бошқа соҳалари билан шуғулланган олим. Унинг қаламига мансуб бўлган кўпгина асарлар бор (17: 3/707).

15. Иброҳим ал-Омулий (ваф. 295 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Бишор ал-Омулий. У бошқалардан, ундан эса бошқалар ҳадис айтганлар. 295 х.й.да вафот этган (2: 1/77).

16. Абдуллоҳ ал-Омулий (ваф. 269/882 й.)

(Абу Абдуррахмон) Абдуллоҳ ибн Ҳаммод ибн Айюб ибн Мусо ал-Омулий. У бошқалардан, ундан эса уламолар ҳадис айтганлар. 269 х.й. рабиъу-с-соний ойида вафот этган (2: 1/78; 11: 1/67).

17. Халаф ал-Омулий

Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ал-Омулий (2: 1/78).

18. Аҳмад ал-Омулий (ваф. 299 х.й.)

Аҳмад ибн Абдат ал-Омулий ўзигача бўлган уламолардан, ундан эса бошқа уламолар ҳадис ривоят қилганлар. 299 х.й.да вафот этган (2: 1/78; 11: 1/67).

19. Мусо ал-Омулий

Мусо ибн ал-Хасан ал-Омулий. У уламолар айтган

ҳадисларни тинглаган ва, ўз навбатида, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/78).

20. Ал-Фазл ал-Омулий

(Абулаббос) ал-Фазл ибн Аҳмад ибн Саҳл ибн Сайд ибн Тамим ал-Омулий. Бухорода ҳадис айтган, уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/78; 11: 1/67).

21. Убайдуллоҳ ал-Омулий (338 х.й.да ҳаёт бўлган)

(Абу Муҳаммад) Убайдуллоҳ ибн Али ал-Омулий. Бағдоддаги Яҳё бозорида 338 х.й.да ҳадис айтган (11: 1/67).

22. Муҳаммад ал-Омулий

(Абу Сайд) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Алавия ал-Омулий (2: 1/78; 11: 1/67).

23. Ал-Лайсий ал-Омулий

(Абу Наср) ал-Лайсий ибн Жаъфар ибн ал-Лайсий ал-Бухорий ал-Омулий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/67).

24. Исҳоқ ал-Омулий

(Абу Яъқуб) Исҳоқ ибн Яъқуб ибн Иброҳим ибн Исҳоқ ал-Омулий. У Бағдодда ҳадис айтган ва ундан бошқалар ҳадис айтганлар (2: 1/78).

ал-Омулий/ал-Абрийнакий/ал-Абғарий/ал-Абҳарий

25. Аҳмад ал-Омулий
Аҳмад ибн Мухаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳорун ал-Омулий (2: 1/78; 11: 1/67).

6 АЛАБРИЙНАҚИЙ

«Абрийнак»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Одамлар уни «Ибрина» деб х,ам атайдилар. Қуйидаги бир жамоа олимлар ту к,ишлоқдан этишиб чикк,анлар:

1. Али ал-Абрийнакий (440-523 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Мухаммад ад-Дихон ал-Абрийнакий — ёқимтой, кўп нарсаларни ёд олган солиҳ фақиҳ бўлган. У парҳезкор, такводор, хушсуҳбат ва илм аҳлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса уламолар ҳадис ривоят қилганлар. Таваллуди тахм. 440 х.й.да ёки ундан илгарироқ содир бўлган. 523 х.й.да Қаринин (Марв водийсидаги кичкина шаҳарча)да вафот этган (2: 1/93; 11:1/73).

2. Ал-Ҳасан ал-Абрийнакий

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Аҳмад ат-Тоъий ал-Абрийнакий — араб тили, грамматикаси ва бадиий нафосатини яхши билгувчи олим бўлган (11: 1/73).

3. Ал-Ҳасийн ал-

Марвазий

(Абу Абдуррахмон) ал-Ҳасийн ибн ал-Мусанно ал-Абрийнакий ал-Марвазий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис тинглаганлар (11: 1/73).

7 АЛАБҒАРИЙ

«Абғар»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги қишлоқ ёки бир неча туташ қишлоқлардан иборат туман. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Холид ас-Самарқандий

(Абу Язид) Холид ибн Карда ал-Абғарий ас-Самарқандий — хофиз ва олим бўлган (2: 1/96; 11: 1/75).

2. Мухаммад ал-Абғарий

(Абу Абдуллоҳ) Мухаммад ибн Мухаммад ибн Имрон ал-Абғарий — Сомонийлар ҳукмронлиги даврида саройда котиблик қилган. Етук ва комил инсон бўлган (2: 1/96).

8 АЛАБҲАРИЙ

«Абх,ар»дан ясалган нисба. У — Қазвин, Занжон ва Ҳамадон оралиғидаги ақолиснинг қаммаси хушсурат ва ах,ли суннага мансуб бўлган машқур шаҳар. Мабодо бирор-бир

қукмдор унинг халкига зулм ёки тўск,инлик к,илгудек бўлса, асло зафар куча олмаган. Бу жойни 24 х,й.да — Усмон ибн Аффон разияллох,у анх,у даврида ибн Озиб фатх, цилган. Бу ердан жуда кўп моликий уламо ва фақиҳ,лар этишиб чиққанлар. Жумладан, к,уйидаги олимлар Анас ибн Молик фикрларини қўллаб-қувватлаганлар:

1. Абдуррахмон ал-Абҳарий (730/1330)

Абдуррахмон ибн Умар ал-Абҳарий — муҳаддис бўлган. Унинг «Мишкотул-анвор фи анвоъи улуми-с-сунан» («Сунна билан боғлиқ илмларнинг турлари ҳақидаги нурларнинг тағзамини» ва 730 х.й.да тасниф этилган бошқа асарлари бор (17: 2/102).

2. Абдулазиз ал-Абҳарий (ваф. 843/1439 й.)

(Имодуддин) Абдулазиз ибн Мухаммад ибн Абдулазиз ал-Абҳарий — муҳаддис бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Минҳожу-л-мишкоти ала мишкоти-л-масобийх фил-ҳадис» (Ҳадис илмидаги «Мишкоту-л-масобих» асари тағзаминининг дастури» (17: 2/167).

3. Мухаммад ал-Абҳарий (ваф. 673/1274 й.)

Мухаммад ибн Аҳмад ал-Абҳарий (Абу Абдуллоҳ) — қозилардан

ал-Абҳарий

бири бўлган. Унинг асарларидан: «Кофияту-н-нухуз фи масоили-аруз» («Аруз масалалари ҳақидаги камолотнинг етарли даражаси»), «Лавомиъу-л-масоил фи матолиъи-р-расоил» («Рисолаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги масалаларнинг ёрқин лавҳалари») (15: 6/131; 17: 3/45).

4. Муҳаммад ал-Абҳарий (289-375/902-986)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Солих ибн Умар ибн Мисъаб ибн аз-Зубайр ал-Абҳарий ал-Моликий — фақиҳ, кори, донишманд, Молик ибн Анас мазҳабини шархлашга оид кўпгина асарлар мусаннифи, муҳаддис, усул ал-фиқҳ соҳаси бўйича етук олим бўлган. Унинг Молик ибн Анас мазҳабини тушунтириш ва унга қарши чиққанларга раддия тарзида ёзилган асарлари бор. Ўз давридаги замондошларининг пешвоси бўлган. У Бухрон, Бағдод ва Куфада ҳадис тинглаган. Молик ибн Анас мазҳабидаги пешволик у билан биргаликда ниҳоясига етган. Шунингдек, у ўз давридаги барча олимларнинг улуғи бўлган. Бирор-бир киши ундан олдин гапирмаган. Агар козийу-л-қузот

билан биргаликда бир мажлисда ўлтирадурғон бўлса, бош қози доимо уни ўзининг ўнг томонига ўтказган, ундан кейин гувоҳлар ва фақиҳлар ўтирганлар. У қозилик қилишдан воз кечган. Тоғли Абҳарда 289 х.й.да таваллуд топган. Бағдодда истиқомат қилган ва шу ерда фақиҳ бўлиб етишган, қироат ва иснод илмларини эгаллаган. Бағдодда ҳадис айтган ва 375 х.й.да шу ерда вафот этган. Унинг асарларидан: «Шарху мухтасари ибн ал-Ҳакам» (Ибн ал-Ҳакам «Мухтасари»га шарх»), «ар-Радд ала-л-Музнӣй фи салосина масъала» («Ўттиз масала ҳақида ал-Музнӣйнинг фикрларига қарши битилган раддия»), «Китоб фи усули-л-фиқҳ» («Фикҳ илмининг асослари ҳақидаги китоб»), «Фазлу-л-Мадина ала Макка» («Мадинанинг Маккага нисбатан устувор фазилати»), «Шарху китоби Абдулҳаким ал-Кабийр ва-с-сағийр» (Абдулҳакимнинг «Катта ва кичик ҳукмлар китоби»га шарх») (11: 1/77, 78; 15: 6/50; 17: 3/455).

5. Муҳаммад ал-Абҳарий (588/1192 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Абҳарий — луғатшунос олим бўлган. Унинг асарларидан: «Китобу-л-ҳадоик» («Боғлар ҳақидаги китоб»)

(17: 3/619).

6. Ал-Муфаддал ал-Абҳарий (ваф. 663/1264 й.)

Ал-Муфаддал ибн Умар ибн ал-Муфаддал ал-Абҳарий (Асируддин) — файласуф (ҳаким), мантиқшунос ва фалакиётшунос олим бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Ҳидоят-л-хикмат» («Хикмат илмидаги тўғри йўл»), «Танзилу-л-афкор фи таъдили-л-асрор» («Сирларни ўзгартириш ҳақидаги фикрларнинг нозил бўлиши»), «Шарху Исағувчи» («Исағучи рисоласи»га шарх»). Сўнгги икки асар мантиқ илмига оид. «Дироят-л-афлок ва-з-зижи-ш-шомил» («Фалак ва ялпи зиж сирларини англаш»), «Кашфу-л-ҳақоик фи таҳрири-д-дақоик» (Фалсафа илмидаги «Нозик масалаларни таҳрир қилишга оид ҳақиқатларнинг кашф этилиши»), «ал-Мажистий фи-л-ҳайъат» («Фалакиёт илми ҳақидаги Алмагест рисоласи»), Фалак илми ва мўътадил зиж ҳақидаги учта рисола (15: 6/469; 17: 3/904).

7. Муҳаммад ал-Моликий ал-Абҳарий (289-375 х.й.)

(Имом Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Солих ибн Умар ибн Мисъаб ибн аз-Зубайр ибн Саъд ибн Каъб ибн Аббод ибн ан-

Наззол ибн Мурра ибн Убайд ибн ал-Ҳорис ибн Тамим ал-Моликий ал-Абҳарий ат-Тамимий — моликий фақиҳ бўлган. У моликий мазҳаб ҳақида бир неча асарлар тасниф қилган ва ўз давридаги замондошларининг пешвоси ҳисобланган. Перҳезкор, тақводор ва зуҳд аҳлидан бўлган. Бағдодда қозилик қилишга даъват этилганда, у бундан воз кечган. 289 ҳ.й.да туғилган ва 375 ҳ.й.да вафот этган (2: 1/106).

8. Абдурраҳмон ал-Абҳарий (ваф. 342 ҳ.й.)

(Абу Бакр) Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Алавия ал-Абҳарий — қози бўлган. Шощда қозилик қилган, Бухорода яшаган. Хуросондаги жабрдийдаларнинг шикоятлари билан боғлиқ ишларни бошқарган. Ёлғончи бўлган, мансабини суистеъмол қилган. 342 ҳ.й.да Тошкент дарвозасининг ташқарисида вафот этган (11: 1/78).

9. Абдулворис ал-Абҳарий

(Абулмакорим) Абдулворис ибн Абдулмунъим ал-Абҳарий — фозил адиблардан бири бўлган. Абулало ал-Маъаррийга шогирд бўлиб, ундан адабни ўрганган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/

78).

10. Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Абҳарий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Тоҳир, одамлар уни Абдуллоҳ Тоҳир деб ҳам атаганлар — энг машҳур суфий шайхлардан бири бўлган. Аш-Шиблий даврида зоҳир ва ботин (тариқат, ҳақиқат) илмларидан сўйлар эди. У барча томонидан суюкли бўлган. Ҳадисларни ёзиб олар ва уларни ривоят қилар эди (2: 1/106).

11. Саид ал-Абҳарий

Саид ибн Жобир ал-Абҳарий — Жунайднинг дўсти. У аш-Шиблий даврида ҳаёт бўлган (2: 1/106).

12. Муҳаммад ибн Исо ал-Абҳарий

Муҳаммад ибн Исо ал-Абҳарий — Қазвинда муқим истиқомат қилган. Одамларни амри маъруфга даъват қилиб, уларни ёмон ишлардан сақлаган. Унга куняси («Абу Абдиллоҳ»)ни айтиб мурожаат қилганлар. Одамлар орасида эса «Саффор» («хуштакчи») номи билан маълум бўлган (2: 1/106).

13. Абдулвоҳид ал-Абҳарий (443 ҳ.й.да ҳаёт бўлган)лган)

(Абу Наср) Абдулвоҳид ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Халаф ал-Мукрий ал-Абҳарий — 443 ҳ.й.да Исфаҳонга

келган ва у ердаги шайхлардан ҳадис айтган Исфаҳоннинг илм аҳлига мансуб бўлган бир жамоаси у ҳақда ёзиб қолдирган (2: 1/106).

14. Ал-Ҳусайн ал-Абҳарий

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн Абдурраззоқ ибн ал-Ҳусайн ал-Абҳарий — қози бўлган. Шайхлардан ҳадис айтган (2: 1/106).

9

АЛ-АБИВАРДИЙ

«Абивард»дан ясалган нисба. У — Хуросондаги Сарахс билан Насо оралиғида жойлашган шаҳар. Шаҳар 31 ҳ.й.га Абдуллоҳ ибн Омир томонидан фатҳ этилган. Қуйидаги олимлар шу шаҳарга мансубдирлар:

1. Ҳасан ал-Абивардий (761–816/1360–1413)

(Абу Муҳаммад, Ҳисомуддин) Ҳасан ибн Али ибн Ҳасан ас-Сарахсий ал-Абивардий аш-Шофиъий — келиб чиқиши жиҳатидан абивардлик бўлган ва илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатган шофиъий олим. Абивардда туғилиб, шу ерда нашъу намо топган. Саъд ат-Тафтазоний билан доимо бирга бўлган. Бағдодга борган ва у ерда бир жамоадан илм ўрганган. Шундан сўнг Исфаҳонга

ал-Абивардий

борган ва риёзиёт (математика) илмини ўрганган. Маккада яшаган ва жумоду-л-увло ойининг 13-куни Яманнинг Таизида вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Хошия ала шарҳи Қутбуддин ар-Розий ли матолиъи-л-анвор фи-л-мантиқ ли-л-Армавий» («ал-Армавийнинг мантиқ илми ҳақидаги «Матолиъу-л-анвор» асарига Қутбуддин ар-Розий томонидан ёзилган шарҳга хошия-изоҳ»), «Рабиъу-л-жинон фи-л-маъоний ва-л-баён» («Маъно ва баён илми ҳақидаги жаннат боғларининг баҳори») (17: 1/566).

2. Абдулҳаққ ал-Абивардий (ваф. 542/1148 й.)

Абдулҳаққ ибн ал-Фазл ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Абивардий — аттор, муҳаддис ва ҳофиз бўлган. Унинг Қуръони каримга битган тафсири бор (17: 2/59).

3. Али ал-Абивардий (ваф. 966/1559 й.)

Али ибн Аҳмад ал-Абивардий аш-Шофиъий — мутакаллим бўлган. У «Машҳад ар-Ризавий»га келиб, шу ерда муқим истикомат қилган. Асарларидан: «Исботу-л-вожиб» («Вожибнинг исботи»), «Равзату-л-жинон фи-л-ҳикмат» («Ҳикмат ҳақидаги жаннат

боғи»), «аш-Шаворик фи-л-калом» («Калом илми ҳақида ёрқин фикрлар») (17: 2/390).

4. Али ал-Абивардий (ваф. 551/1156 й.)

Али ибн Исҳоқ ал-Абивардий ал-Ховуроний (Авхадуддин) — шоир ва файласуф бўлган. Унинг асарларидан: «ал-Бишороту фи шарҳи-л-ишорот» (Ибн Синонинг «Шарҳу-л-ишорот» асари ҳақидаги башоратлар»), «Девони шеър» («Девон») (17: 2/404).

5. Муҳаммад ал-Абивардий (457-507/1065-1113)

(Садруддин, Абулмузаффар) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ибн ал-Хасан ибн Мансур ибн Муовия ал-Умавий ал-Анбасий ал-Муъовий ал-Абивардий аш-Шофиъий — адаб ҳақидаги жозибадор ва кенг маъноли асарлар муаллифи, адиб, шоир, тилшунос, насабшунос, муаррих олим ва фозил инсон бўлган. У бир жамоадан, бошқа бир жамоа эса ундан ҳадис тинглаган. Хуросондаги Абиварда таваллуд топган ва ёши улғайганда рабиъу-л-аввал ойининг 25-куни Исфажонда захарланиб, вафот этган. У тасниф қилган кўп сонли асарлардан: «Зоду-р-рифок фи-л-муҳодароти-

л-мухталиф ва-л-муъталиф» (Арабларнинг насаблари ҳақида ўзаро мое келувчи ва бир-биридан фарқ қилувчи фикрлар хусусида битилган «Ихтилоф ва мурасага оид маърузалар ҳақидаги ўзаро биродарлик озуқаси» номли асар), «Табакоту-л-илми фи кулли фан» («Хар бир фан соҳасидаги олимларнинг табақалари»), «Девону шеър» («Девон»), «Тариху Абиварда ва Насо» («Абивард ва Насонинг тарихи»), «Кавкабу-л-мутаъаммал» («Орзулар сайёраси», унда хаёл-фантазиялар васф этилган), «Девону мажмуъ қасоъид мухтора» («Танланган шеърий қасидалардан тузилган девон»), «Шарҳу-л-қасоиди-н-наждиёт» («Нажда қасидаларининг шарҳи», унда насаблар баён этилган), «Қабсату-л-ажлон фи насаби оли Аби Суфён» («Абу Суфён авлодларининг насаби ҳақида тез ўзлаштириладиган билим»), «Нухзату-л-хофиз» («Хофизнинг қулай фурсати»), «ал-Мужтабий мина-л-мужтабий» («Танловчидан танловчи»), «Табакоту-л-илми фи кулли фан» («Хар бир фан соҳасидаги олимларнинг табақалари»), «ад-Дурра ас-самина» («Қимматбаҳо гавҳар»), «Саҳлату-л-қорих» («Кекса айёрнинг кинояли кулгиси»),

12 ал-Абивардий

«Девону шеър» («Девон»), «ан-Наждиёт» («Наждий касидалар»), «Талувву-л-хамоса» («Мардлик тепалиги»), «Буғяту-ш-шодий фи илали-л-аруз» («Аруз иллатлари ҳақида хониш қилувчининг мақсади»), «Шарху-л-қасоиди-н-наждиёт» («Нажда қасидаларининг шархи», унда насаблар баён этилган), «Таржимату-с-салафий фи ахбори Жоҳиз» ^«Жохдз хабарлари ҳақидаги салафийнинг таржимаси»), «ад-Дурра ас-самина» («Қимматбаҳо гавҳар»), «Таъиллату-л-мақрур фи васфи-л-барди ва-н-нийрон» («Совуқ ва оловни васф қилиш ҳақидаги совукни сезадиган кишининг важхи») (2: 1/110; 3: 71; 15: 6/81; 16: 674; 17: 3/47).

6. Муҳаммад ал-Абивардий (601-667/1205-1269)

(Зайнулдин, Абулфатх) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Абивардий — муҳаддис ва хофиз бўлган. Қоҳирага келиб, шу ерда яшаб қолган. Дамашқда истиқомат қилган, ўзи учун луғат тузган. Жумоду-л-увло ойида Қоҳирада вафот этган (17: 3/51,631).

7. Ал-Маъофий ал-Абивардий (ваф. 360/970 й.)

(Абуннаср) ал-

Маъофий ибн Хузайм ал-Абивардий ал-Хузаймий — Абивард ахлидан бўлган адиб ва шоир. Бухорода кўпгина лавозимларда ишлаган ва у ердаги фозил раҳбарларга хизмат қилган. Унинг асарларидан: «Маҳосину-ш-шеър» («Шеърнинг фазилатлари»), «Аҳосину-л-маҳосин» («Эзгуликларнинг энг яхшиси»), «Дивону шеър» («Девон»), «Муъжаму-ш-шуйух» («Шайхлар комуси») (15: 6/128; 17: 3/896).

8. Юсуф ал-Абивардий (ваф. 400/1010 й.)

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Муҳаммад ал-Абивардий — Хуросон ахлидан бўлган фақиҳ. У Тохир аз-Зубодийдан илм ўрганган. Тахм. 400 х.й.да вафот этган. Асарларидан: «Китобу-л-масоил фи-л-фикҳ» («Фикҳдаги масалалалар китоби») (15: 6/550; 17: 4/179).

9. Муҳаммад ал-Варроқ ал-Абивардий

(Абу Тохир) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ал-Аббос ибн Мусо ибн Иброҳим ал-Варроқ ал-Абовердий. Халқ орасида у «Ибн Аби ал-Қутрий», яъни «Абулқутрийнинг ўғли» номи билан танилган. Бағдодга келган ва шу ерда ҳадис айтган. Тўғрисиъ ва ишончли одам

бўлган (11: 1/70).

10. Аҳмад ал-Абивардий (359-425/970-1034)

(Абулаббос) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Сайд ал-Абивардий — шофиий фақиҳлардан бири, ширинсўз ва илмда собитқадам инсон бўлган. Гўзал шеърлар айтган. Бағдодда истиқомат қилган ва у ерда қозиликни бошқарган. Сўнгра узлатга берилиб, ўзининг ижоди билан шуғулланган. «Ар-Рабиъ», маҳалласида ўқиган ва «ал-Мансур» жомеъ масжидида фатволар билан шуғулланадиган тўғараги бўлган. Хуросон ўлкасида ҳадис эшитган. Бироқ унинг қози Али ибн ал-Қосимдан Х,амадон ва Райда ёзиб олганларини айтмаганда, бошқа эшитган ҳадисларидан деярли биронтаси ҳам тасарруфида сақланиб қолмаган. Ўз вақтида рўза тутган, ифторлик учун энг кўп истеъмол қиладиган неъмат, асосан, нон ва туздан иборат бўлган. Фақир бўлган, лекин одамларга кўп мурувват кўрсатган. Таваллуди 359 х.й.да содир бўлган ва 425 х.й. жумоду-л-охира ойида вафот этган. Жасади эртаси куни «Бобу харб», яъни «Уруш дарвозаси» деб аталадиган қабристонга дафн этилган (11: 1/79, 80).

ал-Атшандий/ал-Ажниқоний/ал-Ахсикатий

10 АЛАТШАНДИЙ

«Атшанд»дан ясалган нисба. У — Насаф қишлоқ^аридан бири. Бу қишлоқдан хўйидаги олимлар етишиб чишқанлар:

1. Муҳаммад ал-Атшандий

(Абулмузаффар) Муҳаммад ибн Ахмад ибн Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Нуъайм ибн ал-Фазл ибн Саҳл ал-Котиб ал-Атшандий ан-Насафий — фасоҳат, риторика, назм ва наср соҳаларида машҳур бўлган. Ҳадисларни тинглаган ва Бухоро уламоларидан уларни ёзиб олган. Фикҳ илмида Абу Ҳанифа ва калом илмида муътазиллийлар тарафдори эди. У — ҳадису-р-рубобийёт соҳиби, яъни исноди бири бошқасига ривоят қилғувчи тўрт ровийдан иборат ҳадислар (ҳақидаги китобнинг) муаллифи (2: 1/111; 11: 1/81).

2. Муҳаммад ал-Атшандий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Агшандий ан-Насафий. У Абу Сайд ал-Фарёбийдан Муҳаммад ибн Тамим ал-Фарёбий тўқиган мавзуъ (тўқима) ҳадисларни ривоят қилган (И: 1/81).

11 АЛ-АЖНИҚОНИЙ

«Ажниқон»дан ясалган нисба. У — Сарахсдаги қишлоқлардан бири. Одамлар уни Ажниқон деб ҳам атаганлар. Қўйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Ажниқоний

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ал-Ажниқоний — машҳур мунозарачи олимлардан бири бўлган. Уламолардан иборат бир жамоа ҳузурда фақиҳ бўлиб етишган ва ўзи ҳам кўпчиликни фақиҳ қилиб тарбиялаган (11: 1/60).

12 АЛАХСИКАТИЙ

«Ахсикат»дан ясалган нисба. У — Фарғона диёридаги шах, ар. У — Мовароуннах, рнинг энг озода ўлкаси. Бу ўлкадан ўтмишда х, ам, бугун ҳам адаб ва илм ақлига шансуб бўлган кўплаб уламолар етишиб чиққанлар. Қўйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Ахсикатий (466-528/1074-1134)

(Абу Рашод, Зулфазоил) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Қосим ибн Аҳмад ибн Ҳазийу ал-Ахсикатий —

адиб, муаррих, ширинсухан инсон ва ширали шеърлар муаллифи бўлган. Хуросондаги кўпчилик фозиллар ундан таълим олиб, етук олим ва адиб бўлиб етишганлар. У султонларнинг саройларига номалар ёзиб турган. У тасниф қилган асарлардан: «Китоб фи-т-тарих» («Тарихи Аби Рашод», яъни «Абу Рашод тарихи» номи билан машҳур бўлган «Тарих ҳақидаги китоб»), «Шарҳу девони сақати-з-занд» (унинг «аз-Завоид» — «Қўшимчалар» деб номлаган «Зиндиқлик сарқитлари девонига шарҳ»), «Китоб фи қавлиҳим казаба алайка казо» («Уларнинг сени бундай деб алдаган сўзлари ҳақидаги китоб»), «Дивону шеър» («Девон») (2: 1/148; 11: 1/95; 17: 1/289).

2. Муҳаммад ал-Ахсикатий (ваф. 644/1247 й.)

(Ҳисомуддин) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ахсикатий ал-Ҳанафий — фикҳ илмининг усул соҳаси билан шуғулланган ханафий фақиҳ бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Мухтасар фи усули-л-фикҳ» («ал-Мунтахаб» — «Сайланма» номи билан машҳур бўлган «Усул ал-фикҳ ҳақидаги мухтасар китоб»), «ал-Ҳисомий» («Ҳисомуддин китоби»),

алАхсикатий/ал-Озарбайжоний/ал-Арбанажний

«Мифтоху-л-усул» («Усулнинг калити»), «Ғоят-т-тахқиқ» («Текширишни.нг чегараси»), «Дақоик-л-усул ва-т-табйин» («Усул ва баён этишнинг нозик кирралари») (17: 3/663).

3. Муҳаммад ал-Ахсикатий (ваф. 520/1126 й.)

(Абулвафо) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Ахсикатий — муаррих, истеъдодли тилшунос ва мазмунли шеърлар муаллифи бўлган. Пархезкор, салоҳиятли, хушсийрат инсон бўлган. Кўпгина асарлар тасниф қилган, айниқса, тарих ва уни англашга оид китобларни ҳеч бир қийинчиликсиз битган. Ахсикасда ҳадис тинглаган. 520 ҳ.й.дан бироқ кейин «Сахдон»нинг энг чекка жойида вафот этган. Асарларидан: «ат-Тарих» («Тарих») (2: 1/148; 11: 1/95; 15: 6/85; 17: 3/667).

4. Нух ал-фарғоний ал-Ахсикатий

(Абу Исмаил) Нух ибн Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Амру ибн ал-Фазл ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳорис ал-Фарғоний ал-Ахсикатий — фарғоналик навқирон йигит бўлган. У бир неча бор Насафга ташриф буюриб, у ердаги ва Бухоро шайхларидан ҳадис ёзиб олган. Сўнгра у ерни тарқ этиб, ҳадис

излаб Ироққа борган. Ироқ, Шом ва Хуросонда ҳадис тинглаган (2: 1/148; 11: 1/95).

13

АЛОЗАРБАЙЖОНИЙ

«Озарбайжон» дан ясалган нисба. У — Ироқдаги тоғдан кейин келадиган ўлка, ундан кейин ғарб томондан Арманистон ўлкаси келади. Бу жой илк маротаба Умар ибн ал-Хаттоб разияллох, у анху х, укмронлиги даврида Хузайфа ибн ал-Ямон томонидан фатх, қилинган. Сўнгра Усмон ибн Аффон разияллоху анх, у даврида ал-Валид ибн ал-Муғйра томонидан иккинчи маротаба фатх, этилган. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Кисравий (1367/1947 йилдан кейин вафот этган)

Аҳмад ал-Кисравий ал-Азарбайжоний (ал-Озарбайжоний — Т.) — ҳуқуқ соҳасидаги олимлардан бири, қозилиқни бошқарган, матбуот соҳасида ишлаган ва Техронда қатл этилган. Унинг араб тилидаги асарларидан: «ат-Ташаййуъ ва-ш-шиъа» («Шиалиқ ва шиъалар») (17: 1/232).

2. Абулфатх ал-Маръаший (ваф. 1150/

1737 й.)

Абулфатх ал-Хусайний ал-Маръаший ат-Тасужий ал-Озарбайжоний — фақиҳ, усул ал-фикх соҳасидаги етук олим бўлган. Унинг асарларидан: «Китоб фил-иншоот» («Иншолар ҳақидаги китоб») (17: 2/610).

3. Муҳаммад ал-Озарбайжоний (1248-1322/1832-1904)

Муҳаммад ибн Фазл ибн Али аш-Шаробиёний — «Шаробиёний фозил» ва «Мулло Муҳаммад ал-мукаррар» номлари билан танилган усул ал-фикх соҳасидаги етук олим. У Озарбайжон қишлоқларидан бири бўлган «Шаробиён»да таваллуд топган. Нажафда Хусайн ат-Турк ал-Кухдан илм ўрганган. Озарбайжон ва Кавказда Мирзо Шерозийдан кейин устозига таклид қилган ва унинг сабоқларини такрорлаган. Нажафда Муҳсин ал-Амин ал-Омилийдан ҳадис тинглаган. Рамазон ойининг 18-куни вафот этган (17: 3/588).

14

АЛАРАБНАЖНИЙ

«Арабнажн»дан ясалган нисба. У — аввалги Сўғд, х,озирги Самарканд ноҳ,иялардан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансуб-

дирлар:

1. Аҳмад ал-Арбанажний (ваф. 369/979 й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн Рижоъ ибн Ҳанаш ал-Арабнажний — келиб чикиши Самарқанднинг Сўғдидан бўлган, ханафий фақиҳ. Падари бузрукворидан ҳадис ривоят қилган. Арабнажинда қозилик қилган. Ривоятлари ҳам ўзи ҳам чакки бўлмаган. 369 х.й. рабиъу-с-соний ойида вафот этган (2: 1/169; 11: 1/104).

2. Муҳаммад ал-Арабнажний (ваф. 293 х.й.)

Муҳаммад ибн Қутн ибн Усмон ибн Абдуллоҳ ибн Осим ибн Холид ибн Курра ибн Мушриф ал-Ҳамадоний ал-Арабнажний — кизиқарли ривоятлар айтувчи, меҳр-оқибатли, фозил инсон бўлган. Кўп ёзган. 293 х.й.да вафот этган (11: 1/104).

**15
АЛАРЖИЙШИЙ**

«Аржийш»дан ясалган нисба. Аржийш — «Буюк Арманистон»нинг

Халлот яқинидаги энг йирик ноҳ,ияларидан бирига қарашли қадимий шах,ар бўлиб, ах,олисининг аксарияти христиан динига эътиқод қилувчи арманлардан иборат. Қуйидаги олим шу жойга

мансубдир:

1. Али ал-Аржийший (Абулҳасан) Али ибн Муҳаммад ибн Мансур ибн Довуд ал-Аржийший — солиҳ фақиҳ бўлган. У Аржийшдаги вилоятлардан бири — Абу Исҳоқ хонақоҳида туғилган. Шофиъий фақиҳ бўлиб етишган. Ҳалабдаги «аз-Зужожин» мадрасасида художўйликда, келган ризқу насибасига қаноат қилиб кун кечирган, меъёридан ортиқчасини мутлақо қабул қилмаган, «бас, менга шу етиб ортади», деган. Ўта тақводор ва сокинликни хуш кўрадиганлардан бўлган (2: 1/173).

**16
АЛАРХАСИЙ**

«Архас»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоқдан чиққан:

1. Ал-Аббос ал-Архасий Ал-Аббос ибн Абдуллоҳ ал-Архасий ёки ар-Рихсий. У уламолардан, ундан эса уламолар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/174; И: 1/107).

**17
АЛАРДАБИЛИЙ**

«Ардабил»дан ясалган нисба. У — Озарбайжондаги энг машх,ур шах,арлардан. Ислом динидан илгари

х,ам бу шах,ар — ноҳ,иянинг цасабаси бўлиб, унинг кўпчилиги ах,олиси илм билан шуғулланган. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Аҳмад ибн ал-Ақо ал-Ардабилий (1290-1350/1873-1931)

Аҳмад ибн ал-Ақо бобо ал-Ардабилий — олим бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Ғаноиму-д-дахри фи аҳкоми-л-усбуъи ва-ш-шаҳри» («Ҳафта ва ой ҳукмлари ҳақидаги даврнинг инъоми»), «Танзиху-л-илал фи аҳкоми-л-халал» («Янглиш ҳукмлардаги иллатлардан покланиш»), «Т а к м и л а т у - л - мутааммилийн фи шарҳи т а б с и р а т и - л - мутаъаллимийн» («Т а б с и р а т у - л - мутаъаллимийн» шарҳи ҳақида фикр ю р и т у в ч и л а р н и н г қўшимчаси»), «Вазифату-л-ҳажжож фи мустажоби-л-ҳаж ва-л-мазорот фи Макка ва-л-Мадина ва-ш-Шом» («Макка, Мадина ва Шомдаги мазорларни зиёрат қилиш ва ҳаж амалларини адо этиш ҳақидаги ҳожиларнинг вазифалари») (17: 1/106).

2. Аҳмад ал-Ардабилий (ваф. 993/1585 й.)

Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ардабилий — илм-фаннинг турли соҳаларида

22 ал-Ардабилий

фаолият олиб борган олим. У таълиф қилган асарлардан: «Ҳадиқату-ш-шиъати фи тафсили аҳволин-набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва-л-аъиммати алайҳими-с-салом» [«Пайғамбар (с.а.в.) ва имомлар (а.с.) ахволининг тафсилоти ҳақидаги шиъаларнинг бўстони»], «Жамъу-л-фоидати ва-л-бурҳон фи шарҳи иршоди-л-азҳон» («Иршоду-л-азҳон» шарҳи ҳақидаги исбот ва фойдага оид фикрлар тўплами», «Шарҳу илоҳиёти-т-тажрид» («Илоҳиёту-т-тажрид»га шарҳ»), «Зубдату-л-баён фи шарҳи оёти аҳкоми-л-Қуръон» («Қуръони карим аҳкомлари жо бўлган оятларни шарҳлаш ҳақидаги энг сара баён»), «Таълиқот фи шарҳи-л-мухтасари-л-аздий» («Мухтасару-л-аздий» шарҳига қўшимча изохлар») (17: 1/250).

3. Исҳоқ ал-Ардабилий (ваф. 1055/1645 й.)

Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Ардабилий ал-Ҳанафий — ханафий қозилардан бўлган. «Рисола ала-л-иштибоҳ ва-н-назоир» [Ибн Нажимнинг «Иштибоҳ ва-н-назоир» («Шубҳалар ва ўхшашликлар») китобига раддия тарзида ёзилган рисола] — унинг қаламига мансуб асардир

(17: 1/339).

4. Исмоил ал-Бадрий (763/1362 йилда ҳаёт бўлган)

Исмоил ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бадрий ал-Ардабилий. Унинг даъват ва зикрлар ҳақидаги «Анису-л-қулуб ва ғояту-л-матлуб» («Кўнгилларнинг ёқимли дўсти ва сўралганнинг авж нуктаси») номли асари бор. Муаллиф мазкур асарни 763 х.й.да «ал-Ақсо» масжидида ёзиб тугатган (17: 1/359).

5. Ҳасан ал-Ардабилий (ваф. 1294/1877 й.)

Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Ардабилий — фақиҳ бўлган. У муҳаррам ойининг 24-куни Ардабилида вафот этган. Жасадини Ҳоизга олиб бориб, ўша ерга дафн қилганлар. Унинг асарларидан: «Симору-л-фирор фи-л-фикҳи-л-исломий» («Қочокликнинг исломий фикҳ ҳақидаги самаралари») (17: 1/558).

6. Ҳусайн ал-Ардабилий ал-Абҳарий (ваф. 950/1543 й.)

Ҳусайн ал-Ардабилий ал-Абҳарий — суфий уламолардан бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Ҳошия ала шарҳи-л-азуди ли мунтаҳийи-с-суал ва-л-амал фи илмай усул ва-л-жадал» («Усул ва жадал илмлари ҳақидаги савол ва умидлар юзасидан якуний хулоса

чиқаришга ёрдам берувчи шарҳга ёзилган хошия-изоҳ»), «Шарҳ ала рисола фи исботи-л-вожиб» (Даввонийнинг «Вожибнинг исботи ҳақидаги рисоласига шарҳ») (17: 1/603).

7. Ҳусайн ал-Алоҳий ал-Ардабилий (ваф. 950/1543 й.)

Ҳусайн ибн Абдулҳаққ ал-Ардабилий — эл орасида «Алоҳий» номи билан танилган, илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб борган олим. 950 х.й.да, ёши етмишдан ошганда, Ардабилида вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарҳу таҳзибу-л-усул» (аллома Тафтазонийнинг «Таҳзибу-л-усул» асарига шарҳ»), «Ҳошия ала шарҳи-ш-шамсия ли-л-Қутби-р-Розий» (Қутб ар-Розийнинг «Шамсия рисоласи шарҳи»га ёзилган хошия-изоҳ»), «Шарҳ ала шарҳи таҳрири Иқлидис фи-л-ҳандаса» (Евклиднинг «Геометрия ҳақидаги таҳрири шарҳи»га ёзилган шарҳ»), «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири»), «Шарҳу исботи-л-вожиб» (Даввонийнинг «Исботу-л-вожиб ҳақидаги рисоласига шарҳ») (17: 1/614).

8. Ҳафс ал-Ардабилий (ваф. 339/950 й.)

Ҳафс ибн Умар ал-Ардабилий (Абулқосим) —

мухаддис, хофиз, Озарбайжон аҳлига мансуб сайёҳ бўлган. Сайру сафар қилган ва асарлар тасниф этган (17: 1/648).

9. Али Акбар ал-Ардабилий (1269-1354/1853-1935)

Али Акбар ибн Мухсин ал-Ардабилий — отасининг кўлида нашъу намо топган олим. Дастлабки таълимни ўз юртида олгач, Ироққа борган. У ерда Ҳабибуллоҳ ар-Руштий ва бошқаларга шогирд тушиб, илм ўрганган. Сўнгра Ардабилига қайтиб борган. Ардабилида фикҳ, усул, ҳадис, калом ва илм-фаннинг бошқа соҳалари бўйича йирик олим сифатида эътироф этилиб, катта шухрат қозонган. Унинг асарларидан: «Рисолату авомили-н-нос» («Одамларнинг омиллари ҳақидаги рисола»), «Баъс ва нушур» («Қайта тиклаш ва номутаносиблик»), «Фатху-л-улум» («Илмларнинг фатҳ этилиши»), «Кайфияту-т-таълим ва-т-таъаллум ли дини-л-ислом» («Ислом динини ўрганиш ва ўқитиш йўллари») ва хоказо (17: 2/395).

10. Али ат-Табризий ал-Ардабилий (677-746/1278-1345)

Али ибн Абдуллоҳ ибн Абулхасан ал-Ардабилий ат-Табризий аш-

Шофиъий (Тожуддин, Абулхасан) — тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, арифметика, геометрия, калом, грамматика ва табобат каби илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатган шофиъий олим. Озарбайжондаги Ардабелида туғилган. Табризда истиқомат қилган. Аввал Бағдодга, сўнгра Маккага бориб хожи бўлган. Шундан сўнг Мисрга борган. Бу ерда бир жамоадан ҳадис эшитган ва кўпгина ҳадис китобларини қўлга киритган. Одамларни илм-фаннинг усул, фикҳ, грамматика, тафсир, риторика, мантиқ, жадал, фароиз, математика, геометрия, алгебра каби соҳалари билан шуғуллантирган. «Ҳисомия» мадрасасида даре берган ва тўғарақлар очган. Талабаларининг сафи кенгайиб борган, одамлар эса мураккаб саволларни ундан сўраб билиб олганлар. Тафсир, ҳадис, усул ва маъқул каби илм соҳалари бўйича асарлар тасниф этган. Кейинчалик Шаҳризўр, Султония ва Мароғага сафар қилган. Ундан кейин Бағдодга, у ердан Маккага, сўнгра Тайиба (Ясриб)га борган. Шундан сўнг 722/1322 й.да Қоҳирага кириб борган ва шу ерда рамазон ойида вафот этган. У тасниф қилган

асарлардан: «Хошия ала шарҳи-л-ҳовийи-с-сағийр ли-л-Қазвиний фи фуруъи-л-фикҳи-ш-шофиъий» (Шофиъий фикҳнинг соҳалари ҳақидаги Қазвинийнинг «Шарҳу-л-ҳовийи-с-сағийр» асарига хошия-изоҳ»), «Мабсуту-л-аҳком фи тасҳихи ма йатааллаку би-л-калим ва-л-калом мин шарҳи Кофияти ибн ал-Ҳожиб» («Ибн ал-Ҳожиб қаламига мансуб «Шарҳу кофия»даги жумлалар ва ибораларга тегишли тузатишлар киритиш ҳақида батафеил баён қилинган ҳукмлар»), «Мухтасару улуми-л-ҳадис» ли ибн ас-Салоҳ» (Ибн ас-Салоҳ қаламига мансуб «Улуму-л-ҳадис» китобининг қисқартирилган шакли»), «ат-Тазкира фи-л-ҳисоб» («Арифметикага оид тазкира») (17: 2/466).

11. Умар ал-Ардабилий (ваф. 570/1174 й.)

Умар ибн Муҳаммад ибн Хизр ал-Ардабилий (Муъинуддин, Абу Жаъфар) — суфий бўлган. Дамашққа келиб, шу ерда муқим истиқомат қилган. Мосулда туғилган ва динни мунаввар айлаган. Унинг асарларидан: «Васийлату-л-мутаъббидийн фи сийрати саййиди-л-аввалийн» («Илк саййидларнинг сийрати хусусида художўйларга хос услуб») (17: 2/573).

12. Исо ал-Ардабилий (ваф. 1100/1689 й.)

Исо (хон) ал-Ардабилий — Исфахондаги мажлисларда кироат қилган фозил инсон. Хиндистонга бориб, у ер да йигирма йилга яқин истикомат қилган. Тахм. 1100 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Фавоиду ва таълиқот» («Фойдалар ва таълиқалар») (17: 2/590).

13. Фараж ал-Ардабилий (ваф. 749/1348 й.)

Фараж ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абулфараж ал-Ардабилий атт-Шофиъий (Нуруддин, Абу Муҳаммад) — факих, фикх илмининг усул соҳаси бўйича етук олим бўлган. Табризда фалсафий категорияларни ўқиб ўрганган, сўнгра Дамашкка келган ва шу ерда шаҳид кетган. Жасади «ал-Боб ас-сағийр» — «Кичик дарвоза» мазорига дафн этилган. Унинг асарларидан: «Ҳақоиқу-л-усул фи шарҳи минҳожил-л-вусул» («Байзовийнинг усулу-л-фикхни ёритишга бағишланган «Мақсадга етиш. дастурини шарҳлаш»га оид усулларнинг ҳақиқатлари»), «Шарҳ қитъа мин минҳожил-л-толибийн» (Нававийнинг шофиъий фикх соҳаларига бағишланган «Талабалар дастури» асарига бир қитъага шарҳ») (17: 2/618).

14. Муҳсин ал-Ардабилий (ваф. 1294/1877 й.)

Муҳсин ибн Абдуллоҳ ал-Ардабилий — факих бўлган. Отасининг тижоратидан бешиб, Ҳоизга қочиб борган ва «Завобит» асарининг муаллифи Иброҳимдан таҳсил олган. Муҳаррам ойида Ардабилида вафот этган. Унинг жасадини Ҳоизга олиб бориб, ўша ерга дафн қилганлар. Унинг асарларидан: «Китоб фи-л-фикҳ» («Фикҳга оид китоб», ўн тўрт жилддан иборат бўлган бу асарни *чгуьдзг&Цткт-* уз и «Симору-л-фирор», яъни «Қочоклик мевалари» деб номлаган) (17: 3/20).

15. Муҳаммад Аҳмад ал-Ардабилий (тав. 810/1399 й.)

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳилол ибн Иброҳим ал-Ардабилий сўнгра ал-Қоҳирий аш-Шофиъий (Рукнуддин, Абу Язид) — факих бўлган. Тахм. 801 х.й.да Жаблада туғилган. Унинг асарларидан: «Шарҳу-л-минҳожил-л-аслий» («Асл дастур шарҳи», муаллифнинг ўзи ушбу асарни «Ниҳояту-л-вусул» («Мақсадга етишнинг якуни» деб номлаган), «Шарҳу-л-ҳовий» («Ҳовийу-л-фатово»га ёзилган бу шарҳ «Кенг кўламли шарҳ» деб аталади, муаллифнинг ўзи

уни «Таҳриру-л-фатово» («Фатволарни таҳрир этиш» деб номлаган), «Шарҳу-л-масобийх» (ҳадислар ҳақидаги «Мишкоту-л-масобийх»га шарҳ») (17: 3/108).

16. Муҳаммад Амин ал-Ардабилий (875/1470 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Амин ас-Саидий ал-Ардабилий — «Мир Абулфатҳ» номи билан машҳур бўлган фозил инсон. Қозизода ар-Румийдан илм ўрганган. У таълиф қилган асарлардан: «Ҳошия ала шарҳи одоби-л-фозил» («Фозил инсон одоби ҳақидаги шарҳга хошия-изоҳ»), «Ҳошия ала шарҳи Қозизода ли-аш-коли-т-таъсис» (Шамсуддин ас-Самаркандийнинг «Ашқолу-т-таъсис» асарига Қозизода Румий томонидан ёзилган шарҳга хошия-изоҳ»), «Ҳошия ала шарҳи-т-Табризий» («ат-Табризий шарҳига хошия-изоҳ»), «Ҳошия ала қисми-л-мантик мина-т-тахзиб ли-т-Тафтазоний ва ала шарҳи таҳзиби-л-мантик ли-Жалолуддин ад-Даввоний» (Тафтазоний қаламига мансуб «Таҳзиб»нинг мантикка оид қисмига ва Жалолуддин Даввонийнинг «Таҳзибу-л-мантик» шарҳига хошия-изоҳ»), «Ҳошия ала шарҳи-л-одоби-л-аздия» («Шарҳу-л-одоби-л-аздия»га хошия-изоҳ») (17: 3/142).

ал-Ардабилий

17. Муҳаммад Ҳасан ал-Ардабилий (1278-1348/1861-1930)

Муҳаммад Ҳасан ибн Муҳаммад Али ал-Мусовий ал-Ардабилий ан-Нажафий — усул ал-фикҳ соҳасида етук олим бўлган. Тахм. 1278 х.й. Ардабилида таваллуд топган ва ўша ерда ўсиб-улғайган. Ўз юртидаги фозил одамлардан бошланғич таълим олган. Сўнгра Нажафга борган. У ерда Муҳаммад Козим ал-Яздий ва бошқа олимлардан сабоқ олган ва шаввол ойида шу ерда вафот этган. Жасади «ас-Салом» водийсига дафн этилган. Унинг фикҳ асослари ва соҳалари ҳақидаги маърузалари бор (17: 3/235).

18. Муҳаммад Тохир ал-Ардабилий (1091/1680 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад Тохир ибн Муҳаммад Толиб ал-Ҳусайний ал-Ардабилий ал-Машҳадий — одамларни яхши билгувчи фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «Китобу-р-рижол» («Машхур инсонлар ҳақидаги китоб»), муаллиф ушбу китобни 1091 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/367).

19. Муҳаммад ал-Ардабилий ар-Румий (980-1036/1572-1627)

(Жамолуддин)
Муҳаммад ибн Абдулғаний ал-Ардабилий сўнгра ар-

Румий — «Ғанизода» номи билан танилган муфассир, фақиҳ ва наҳвшунос олим. Айтишларича, у тахм. 886 х.й.да вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Хошия ала анвори-т-танзил» (Байзовийнинг тафсир илми ҳақидаги «Анвур-т-танзил» асарига ҳошия-изох»), «ал-Анвор фи-л-фикҳи-ш-шофиъий» («Шофиъий фикҳдан таралган нурлар»), «Шарху-л-унмузаж ли-з-Замахшарий фи-н-наҳв» (Замахшарийнинг наҳв илми ҳақидаги «ал-Унмузаж» асарига шарх»), «ар-Рисола ал-қаламия» («Қаламий рисола») (15: 6/213; 17: 3/417).

20. Муҳаммад ибн Бобавия ал-Ардабилий (тахм. 1100/1689 й.)

Муҳаммад ибн Али ал-Ҳусайн ибн Мусо ал-Қамий ал-Ардабилий — «Ибн Бобавия» номи билан танилган муҳаддис, усул ал-фикҳ соҳасида етук олим бўлган. Унинг асарларидан: «Тасхиҳу-л-асонид» («Иснодларга ўзгартиришлар киритиш») (17: 3/507).

21. Юсуф ал-Ардабилий (ваф. 779/1377 й.)

Юсуф ибн Иброҳим ал-Ардабилий, аш-Шофиъий — Ардабили аҳлига мансуб муҳаддис ва фақиҳ бўлган. Тахм. 779 х.й.да ёши тўқсондан ошганда

вафот этган. Унинг асарларидан: «ал-Анвору ли-амали-л-аброр фи фуруъи-л-фикҳи-ш-шофиъий» («Шофиъий фикҳ ҳақида улуғларнинг амалидан таралган нурлар»), «Шарху-л-масобийх ли-л-Буғавий» (Буғавийнинг «ал-Масобийх» асарига ёзилган шарх», ушбу шарх уч жилддан иборат) (15: 6/558; 17: 3/139).

22. Захируддин ал-Ардабилий (ваф. 930/1524 й.)

Захируддин ал-Ардабилий ал-Ҳанафий — «Қозизода» номи билан машхур бўлган олим ва адиб. Ажам ўлкаларидаги уламолардан илм ўрганган. Султон Салим Табризга Шох Исмоилни қатл қилиш учун бостириб кирганида, уни ўзи билан биргаликда Рум диёрига олиб кетган. Рабиъу-с-соний ойида Қохирада қатл қилинган. Унинг асарларидан: «Мухтасару вафаёти-л-аъён» («Вафаёту-л-аъён» асарининг қисқартмаси») (17: 2/21).

23. Яъқуб ал-Ардабилий (ваф. 381/991 й.)

(Абулхусайн) Яъқуб ибн Мусо ал-Ардабилий. Бағдодда яшаган ва шу ерда ҳадис айтган. Ишончли, тўғрисўз инсон, шофиъий мазҳаби бўйича фозил фақиҳ бўлган. 381

ал-Ардабилий/ал-Арзакиёний/ал-Арзанжоний

х.й. рабиъу-л-аввал ойида Бағдодда вафот этган (11: 1/107).

24. Абдулвахҳоб ал-Ардабилий (ваф. 415/1024 й.)

(Абу Зарқа) Абдулвахҳоб ибн Муҳаммад ибн Айюб ал-Ардабилий — зоҳид шайх бўлган. 415 х.й. ражаб ойида якшанба куни Форс диёрида вафот этган (11: 1/107).

25. Жаъфар ал-Ардабилий (342 х.й. да ҳаёт бўлган)

(Абу Муҳаммад) Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Ардабилий. 342 х.й. да ҳадис излаб, Исфаҳонга келган. Уламолар ундан ҳадис айтганлар (11: 1/107).

18 АЛАРЗАКИЁНИЙ

«Арзакиён»дан ясалган нисба. У — Бухоро ах,лидан бўлган, қвлиб чиқиши шу жойга мансуб бобонинг исми шарифи. У:

1. Муҳаммад ал-Арзакиёний (ваф. 344/955 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Наср ибн Бобож ал-Арзакиён ал-Арзакиёний ал-Бухорий — Бухоро ахлидан бўлган, Али ибн

Абу Толиб разияллоху анхудан исломни қабул қилган. Бухоро ва Бағдодда ҳадис тинглаган. Хуросон ва Ироққа борган. Шайхларнинг энг донишманди бўлган. Ўғли ундан ҳадис ривоят қилган. 344 х.й. шаъбон ойида вафот этган (11: 1/110).

19 АЛАРЗАНЖОНИЙ

«Арзанжон»дан ясалган нисба. Уни «Арзанкон» деб х,ам атайдилар. У — одамларнинг самимийлиги ва эзгуликларитиш кўплиги билан машхур бўлган Армения ўлкасидаги обод, яхши шах,ар. Бу ерда мусулмонлар х,ам бўлиб, улар шах,ар ах,олисининг авёнлари дурлар. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Иброҳим ал-Арзанжоний (ваф. 724/1324 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн ал-Ҳусайн ал-Арзанжоний — суфий бўлган. Унинг «Сирожу-с-сойирийн» («Йўловчилар чироғи») номли асари бор (17: 1/20).

2. Аҳмад ал-Арзанжоний (ваф. 800/1398 й.)

Аҳмад ал-Арзанжоний (Бурхонуддин) - Арзанжон қозиси бўлган. Ҳалабда ўқиган. У тасниф

қилган асарлардан: «Ҳошия ала-т-талвийх» («Талвийхга ҳошия-изоҳ». муаллиф уни «ат-Таржих», яъни «Афзал кўриш» деб номлаган), «Иксийру-с-саодат фи-т-тасриф» («Тасрифга оид саодатнинг умрбоқий шарбати») (17: 1/100).

3. Аҳмад Номий ал-Арзанжоний (1314/1896 йилда ҳаёт бўлган)

Аҳмад Номий ибн Абдуррахмон Номий ал-Арзанжоний ал-Ҳанафий — келиб чиқиши Арзанжондан бўлган. Унинг «ат-Таҳонийу-л-хамдийёт» («Ҳамдга йўғрилган табриклар») номли Султон Абдулхамидни қутлашга бағишланган қасидалардан иборат асари бор (17: 1/168).

4. Умар ал-Арзанжоний (871/1467 йилда ҳаёт бўлган)

Умар ибн Абдулмуҳсин ал-Арзанжоний ал-Ҳанафий (Важихуддин) — муҳаддис, нахшунос, усул ал-фикҳ бўйича етук олим бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Ҳадойику-л-азҳор фи шархи ҳадо йиқи-л-анвор (Соғонийнинг ҳадис илмига оид «Шарху ҳадойиқи-л-анвор» асари ҳақида гуллар боғи». муаллиф мазкур асарни 871 х.й.да ёзиб тугатган), «Шарху усули-л-Баздавий» («Паздавийнинг

«Усулу-л-фикх» асарига шарх»), «Хошия ала-л-фавоиди-з-зиёъия» (Абдуррахмон Жомийнинг ўз ўғли Зиёвуддинга бағишлаб ёзган араб тили нахвига оид «ал-Фавоид аз-зиёъия» асарига хошия-изоҳ», «Манокибу Аби Ханифа» («Абу Ханифа манокйби») (17: 2/565).

5. Файзуллох ал-Арзанжоний (ваф. 1323/1905 й.)

Файзуллох ал-Арзанжоний, ар-Румий ал-Ханафий — фозил инсон бўлган. Сука шаҳрида тахсил олган ва шу ерда вафот этган. Унинг «Тасхиху-л-албоб» («Гавҳарларни тартибга солиш») номли асари бор (17: 2/633).

6. Муҳаммад Содик ал-Арзанжоний (ваф. 1223/1808 й.)

Муҳаммад Содик ибн Абдуррахим ибн Сулаймон ибн Абдуллатиф ал-Арзанжоний, ар-Румий, ал-Ханафий — «Муфтизода» номи билан машҳур бўлган мантикшунос, риторик (баёнчи) олим. Константинополда вафот этган. Унинг асарларидан: «Хошия ала-л-хусайния фи-л-адаб» («Адаб ҳақидаги «ал-Хусайния»га хошия-изоҳ»), «Хошия ала шарҳи-л-Кутб ли-ш-шамсия фи-л-мантик» («Мантик илмига оид

Қутбуддиннинг «аш-Шамсия» рисоласига хошия-изоҳ»), «Шарҳ ала шарҳи-л-истиора ли-Исомиддин ал-Исфирайний фи-л-балоға» («Исомуддин Исфирайнийнинг балоғат илмига оид «Шарҳу-л-истиора» асарига шарх») (17: 3/349).

7. Муҳаммад ар-Румий ал-Арзанжоний (ваф. 784/1382 й.)

(Шарафуддин) Муҳаммад ибн Абдуллох ал-Арзанжоний, ар-Румий — муҳаддис бўлган. Унинг асарларидан: «Шарҳу машориқи-л-анвори-н-набавия мин Саҳиҳи-л-ахбори-л-муствафия» (Сағонийнинг «Машориқу-л-анвори-н-набавия мин Саҳиҳи-л-ахбори-л-муствафия» — «Танланган хабарларнинг ишончли тўпламидан набавий нурларнинг таралиши» асарига шарх») (15: 6/171; 17: 3/429).

8. Муҳаммад ал-Хилватий ал-Арзанжоний (ваф. 879 х.й.)

Муҳаммад Баҳоуддин ал-Арзанжоний, ал-Хилватий — Саййид Яҳё аш-Ширвоний халифаларидан бўлган. 879 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Мақомоту-л-орифийн ва маъорифу-с-соликийн» («Орифларнинг мақомлари ва солиқларнинг билимлари», туркий назмда

битилган асар) (15: 6/209).

**20
АЛАРЗАНИЙ**

«Арзан»дан ясалган нисба. У — Армениянинг Халлот яцинидаги энг обод ноқиясиш қарашли машҳур шах, ар. Ах, ли илмдан бўлган бир қавм шу шақарга мансубдир:

1. Салома ал-Қумий ал-Арзаний (ваф. 339/950 й.)

Салома ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Арзаний, ал-Қумий, аш-Шиъий (Абулхасан) — факих бўлган. Бағдодда истикомат қилган. Шомга борган ва яна Бағдодга қайтиб келиб, шу ерда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Маносику-л-ҳажж» («Ҳаж амаллари»), «ал-Ғийба» («Ғийбат»), «ал-Мукниъ фи-л-фикҳи-ш-шиъий» («Шиалик фикҳи ҳақида етарли маълумот берувчи китоб»), «Кашфу-л-хайрат» («Хайратнинг кашф этилиши») (17: 1/773).

2. Яҳё ал-Арзаний (ваф. 512/1118 й.)

Яҳё ибн Муҳаммад ал-Арзаний (Абу Муҳаммад) — адиб, нахвшунос, тилшунос, Бағдод ахлидан, тез ва чиройли ёзадиган хаттот бўлган. Унинг нахв илми ҳақидаги асари ва шеърлари бор (17: 4/112).

ал-Арзаний/ал-Арсобандий/ал-Арфудувий/ал-Армавий

3. Иёш ибн Иброҳим ал-Арзаний

(Абу Ғассон) Иёш ибн Иброҳим ал-Арзаний — бадий жихатдан етук шеърлар, чиройли ва бехато ёзув устаси бўлган. Унинг наҳв илми ҳақидаги «Муқаддима» номли асари бор. У уламолардан ҳадис айтган (2: 3/349; И: 1/111).

21 АЛАРСОБАНДИЙ

«Арсобанд»дан ясалган нисба. У — Марвга яқин бўлган бир қишлоқ, Бу қишлоқдан илм ахлига мансуб бир тоифа, жумладан ҷуйидаги олимлар етишиб чиққанлар:

1. Муҳаммад ал-Арсобандий (512/1118)

(Фахруддин Абу Бакр) Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Арсобандий, ал-Ҳанафий — мазкур қишлоқдан, факих, усул ал-фикҳ соҳасида етук олим ва козилардан бўлган. Марвда Абу Ханифа (Р-а.) тарафдорларининг пешволиги у билан биргаликда ниҳоясига етган. Олийҳиммат, сахий, хушхулқ ва камтарин инсон бўлган. 512 х.й. рабиъу-л-аввал ойида вафот этган ва жасади «Ҳасийн» мазорига дафн этилган. У таълиф қилган асарлардан: «ал-Усул фил-фикҳ» («Фикҳ илмининг асослари»), «Амолий»

(«Имло қилинган ҳадислар»), «Шарҳу-л-жомий-л-кабийр» (Шайбонийнинг фикҳ илмининг соҳалари ҳақидаги «ал-Жомий ал-кабийр» асарига шарҳ), «Мухтасару тақвими-ладилла» (Абу Зайд Даббусий қаламига мансуб «Тақвиму-адилла» асарининг қисқартирилган шакли») (2: 1/181; 11: 1/112; 15: 6/83; 17: 3/257).

2. Муҳаммад ал-Арсобандий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Арсобандий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/112).

3. Муҳаммад ал-Арсобандий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Имрон ибн Жаъфар ибн Мусо ибн Файруз ал-Арсобандий — тўғри, ишончли ҳадисларнинг таянчи, бу соҳа бўйича обрў-эътиборли инсон ва ровийлардан бўлган. Унинг ривоятлари мавжуд тўпламлар: «Китобу-с-сунан» (Ҳасан ибн Али ал-Ҳалвонийнинг ундан ривоят қилиб ёзган «Китобу-с-сунан» тўплами) (2: 1/181; 11: 1/112).

4. Ҳадия ал-Арсобандий
Ҳадия ибн Абдулвахҳоб ал-Арсобандий. Маккага ёндош бўлган жойда ўттиз

йилдан ортиқ вақт мобайнида истиқомат қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис тинглаганлар (11: 1/112).

22 АЛАРФУДУВИЙ

«Арфуду»дан ясалган нисба. У — Самарканд туманларидан бўлган Карманага қарашли Бухоро йўлидаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Арфудувий (ваф. 380 х.й.)

(Абу Аҳмад) Муҳаммад ибн Маҳфуз ал-Арфудувий — фозил шайх бўлган. Имом ал-Бухорийнинг «Китобу-т-тарихи-л-авсат» асарини ундан эшитганлар. Шахсан унинг ўзи тўқиб айтган биронта ҳам ривоят бўлмаган. Унинг ўзи ҳам, диёнати ҳам чакки бўлмаган. Тахм. 380 х.й.да вафот этган (2: 1/183; 11: 1/114).

23 АЛАРМАВИЙ

«Урмия»дан ясалган нисба. У — Озарбайжондаги серсаховат, кўх,на ва йирик шах,ар. Қуйидаги олимлар шу шах,арга мансубдирлар:

1. Али ал-Армавий (ваф. 835/1432 й.)

ал-Армавий

Али ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ал-Армавий ал-Ҳанбалий (Зайнуддин) — фозил инсон бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Жавохиру-т-табсира фи илми-р-равоя» («Ривоят илмига оид дурдона изоҳлар») (17: 2/396).

2. Муҳаммад ал-Армавий (ваф. 656/1258 й.)

(Тожуддин, Абулфузайл) Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ал-Армавий аш-Шофиъий — қозилардан бўлган усулшунос фақиҳ. Мухаррам ойида Бағдодда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Ҳосилу-л-маҳсул фи усули-л-фикҳ» («Усул ал-фикҳ ҳақида йиғилган маълумотларнинг хулосаси») (15: 6/126; 17: 3/252).

3. Маҳмуд ал-Армавий (594-682/1198-1283)

(Сирожуддин) Маҳмуд ибн Абу Бакр ибн Ҳомид ибн Аҳмад ал-Армавий, ат-Танухий, ад-Димашқий, аш-Шофиъий — усулшунос фақиҳ, мутакаллим, файласуф (ҳаким), мантиқшунос, қози, келиб чиқиши жихатидан Озарбайжон ўлкасидаги Урмия шаҳрига мансуб инсон бўлган. Мосулда ўқиган, Дамашқда яшаган, Қунияда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарху-л-важиз» (Имом

Ғазолийнинг шофиъий фикҳ соҳалари ҳақидаги «ал-Важиз» асарига шарҳ), «Лавомиъу-л-асрор фи шарҳи лавомиъи-л-анвор» (Мантиқ илмига оид «Шарху лавомиъи-л-анвор» ҳақидаги сирларнинг жило-ланиши), «Талхису-л-арбаъин фи усули-д-дин» (ар-Розий қаламига мансуб «Дин асослари ҳақидаги арбаъин» асарининг қисқача маъмуни-моҳияти), муаллиф уни «ал-Лубоб», «Ўзак» деб атаган), «Шарху-л-ишорот» (Ибн Синонинг мантиқ ва фалсафа ҳақидаги «ал-Ишорот» асарига шарҳ), «Мухтасару-л-маҳсул» (Фахруддин ар-Розий қаламига мансуб фикҳ илми асослари ҳақидаги «ал-Маҳсул» асарининг қисқартирилган шакли), муаллиф уни «ат-Таҳсил» деб атаган), «Китобу баёни-л-ҳаққ» (Фалсафага илмига оид бўлмаган «Ҳақ баёни ҳақидаги китоб»), «Таҳсилу-л-усул мин китоб «ал-Маҳсул» («ал-Маҳсул» китобидан фикҳ асосларини ўқиб ўрганиш») (15: 6/406; 17: 3/801).

4. Маҳмуд ал-Армавий (646-722/1248-1322)

Маҳмуд ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ал-Ҳасаний ибн Яҳё ибн ал-Ҳусайн ал-Армавий (Сафиюддин) — суфий,

муҳаддис ва тилшунос олим бўлган. Ҳадис излаб, кўп жойларга борган, кўп эшитган ва ёзиб олган. Жумоду-л-охира ойида вафот этган. Унинг асарларидан: «Зайлу-н-нихоя» (Ибн ал-Асирнинг ғариб ҳадислар ҳақидаги «ан-Нихоя» асарига қўшимча), «Мухтасару шарҳи-с-сунна» (ал-Буғавий қаламига мансуб «Шарху-с-сунна»нинг қисқартмаси), «Таҳзибу-л-муҳкам ва-л-муҳити-л-аъзам» (Ибн Сайдининг тил хусусидаги «Мустаҳкам тарбия ва улкан муҳит» асари) (17: 3/801).

5. Ал-Ҳусайн ал-Армавий (ваф. 460 х.й.дан кейин)

(Абу Абдуллоҳ) ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад аш-Шувайх ал-Армавий, аш-Шофиъий — асли мазкур Урмия шаҳридан, кейинчалик Мисрга келиб, шу ерда муқим яшаган ва ҳадис айтган. Бағдод, Басра ва бошқа шаҳарларга бориб, ҳадис тинглаган. 460 х.й.дан кейин Мисрда вафот этган (2: 190; 11: 1/115).

6. Муҳаммад ал-Армавий (457-547 х.й.)

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Умар ибн Юсуф ал-Бағдодий ал-Армавий — Шайх Абу Исҳоқ аш-Шерозий хузурида шофиъий фақиҳ бўлиб

ал-Армавий

етишган. Кўп баҳс-мунозаралар олиб борар ва ўз мазхабининг қарашларини ҳимоя қилар эди. Офул шаҳрида қозилик маҳкамасини бошқарган. Узоқ умр курган, замондошлари нариги дунёга равона бўлгандан кейин ҳам у ҳамон ўша шайхлардан ривоят қилишда давом этаверган. 547 х.й.нинг ражаб ойида вафот этган (2: 1/190; 11; 1/116).

7. Музаффар ал-Армавий

Музаффар ибн Юсуф ал-Армавий — кўп тарбияли инсон бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис айтганлар (2: 1/191).

8. Юнус ал-Армавий

Ал-Армавий — «Девон» котибларининг моҳир устаси, фозил инсон ва зарринқалам котиб бўлган. Бағдодда Носируддин Юнус ибн Музаффар ибн Юсуф учун девон хизматини бошқарган (2: 1/191).

9. Муҳаммад ал-Армавий (ваф. 536 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Умар ал-Армавий — хушсийрат ва фозил фақиҳ бўлган. Шайх Шерозий ҳузурда фақиҳ, бўлиб етишган. Ўзи эътиқод қилган мазхабнинг қарашларини ҳимоя қилган. Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида

яшаган ва фикҳ илмидан сабоқ олган. Гарчи келиб чиқиши бўйича ровийлардан бўлса ҳам, лекин исми шарифи бошқа бир исмга қўшилиб, чатишиб кетгани учун биронта ҳам ҳадис ривоят қилмаган. 536 х.й.да вафот этган (11: 1/115).

10. Наср ал-Армавий

(Абулфатх) Наср ибн Аҳмад ибн Санот ал-Армавий — фозил фақиҳ бўлган. Марвга келган ва қозиликни бошқарган. Ўз дастхати билан шеърӣ қитъалар битган (11: 1/116).

11. Ал-Фараж ал-Армавий

(Абуррух) ал-Фураж ибн Абу Бакр ибн ал-Фураж ал-Армавий — келиб чиқиши жихатидан Урмия шаҳри аҳлига мансуб хушсийрат, салоҳиятли, солиҳ ва фозил фақиҳ бўлган. Навкон Қавс ҳузурда фақиҳ бўлиб етишган, сўнгра Марвга келган. Имло ҳақида бир китоб ёзган. Шеър ҳақида ундан кўп нарсаларни ёзиб олганлар (11: 1/116).

12. Муҳаммад ал-Армавий

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Қахтон ибн Абу Абу Абдуллох ал-Армавий — серсармоя, пиру бадавлат, солиҳ шайх бўлган. Тижорат қилиш учун денгизга чиққан

пайтда, у чиққан кема парчаланиб кетган. Шундан сўнг одамлар кўп нарсаларни йиғиб олганлар ва ундан қочиб, Нишопурдаги «ал-Ғуз» («Ўғузлар») ғорида паноҳ топганлар. Бухоро, Марв ва Сарахсда ҳадис тинглаган. У хушсийрат инсон бўлган (11: 1/116).

13. Нуъайм ал-Армавий (ваф. 460 х.й.)

(Абуттаййиб) Нуъайм ибн Мусофир ибн Жаъфар ал-Армавий — Урмия шаҳрининг қозиси бўлган. Бағдодга келган ва шу ерда кўп ҳадис тинглаган. Ўз навбатида бошқалар ҳам ундан ҳадис тинглаганлар. 460 х.й.да вафот этган (11: 1/116).

14. Абдулғаффор ал-Армавий

(Абу ннажиб) Абдулғаффор ибн Абдулвоҳид ал-Ҳофиз ал-Армавий. «Мухтасару-л-ҳосил мина-л-маҳсул» (Фахрудд^{III} ар-Розийнинг «ал-Маҳсул» асаридан йиғилганларнинг қисқартмаси») (2: 1/191).

15. Муҳаммад ал-Армавий (644-715 х.й.)

(Сафиюддин) Муҳаммад ибн Абдурраҳим ибн Муҳаммад ал-Армавий ал-Ашъарий. Ҳинд ва Рум диёрларига сафар қилган, у ердан Дамашққа ўтган ва то ўлгунича шу ерда истиқомат қилган. 644 х.й.да туғилган ва 715 х.й.да

вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ар-Рисола ас-сунния фи-л-усул» («Усул ал-фикҳ хақида сунний рисола»), «Зубдату-л-калом фи илми-л-калом» («Калом илми хақида айтилган гапларнинг сараси»), «ал-Фоиқ фи усули-д-дин» («Дин асослари хақида мўътабар китоб»), «Ниҳояту-л-вусул ила илми-л-усул» («Усул ал-фикҳни ўрганишдан кўзланган якуний мақсад») (15: 65/143).

24 АЛ-АРМАНИЙ

«Армения»дан ясалган нисба. У — Бусфуржон ўлкасидаги шах, ар. Исломи дини бу шах, арни фатх, этгунига қадар, у румликларнинг қўлига асло тушмаган. Ах, ли илмдан бўлган бир қавм, жумладан қуйидаги олим ту шах, арга мансубдир:

1. Исо ал-Арманий

(Абу Абдуллоҳ) Исо ибн Молик ибн Шамар ал-Арманий. Миср ва Мағрибга сафар қилган (2: 1/193; 11: 1/117).

25 АЛАРВОЪИЙ

«Арво»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар ту жойга мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Марвазий

(Абулаббос) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умайра ибн Умар ибн Яҳё ибн Салим ал-Арвоъий ал-Марвазий. У адабиёт ва тил билан боғлиқ кўп нарсаларни ёд олган эди. У янгиликлар ва нодир воқеалардан доимо хабардор, қизиқарли ва ибратли хикоятларни билгувчи, хуснихат соҳиби ва фозил олим бўлган. «Китобу-с-самир ва-н-надим» («Сухбатдош ва надомат чекувчи китоби»)ни тасниф этган. Табобат илмига кўп даъво қилгувчи бўлган. Ҳадис излаб, Ироқ ва Ҳижозга борган, кўп ҳадисларни ёзиб олган (11: 1/117).

2. Аҳмад ал-Арвоъий

(Абулфазл) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Арвоъий (11: 1/118).

26 АЛАЗЖОҲИЙ

«Азжох»дая ясалган нисба. У — Сарахс ноҳияларидан бўлган Хобирондаги қишлоқлардан бири. Сарахс — фойзли диёр бўлиб, ундан бир жамоа имомлар етишиб чикдан. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Асрам ал-Азжоҳий (тав. 470 х.й.)

(Абу Бакр) Асрам ибн Муҳаммад ибн Асрам ал-Азжоҳий ал-Мукрий —

қори, парҳезкор ва солиҳ инсон бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 470 х.й.да туғилган (2: 1/200; 22, 11: 1/119).

2. Муҳаммад ал-Азжоҳий (ваф. 543/1148 й.)

(Абулфатх) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муовия ал-Азжоҳий — Азжохдаги жомеъ масжиднинг имом-хатиби, олийжаноб, саховатпеша, ҳадисларни кўп билгувчи, солиҳ фақиҳ бўлган. 543 х.й.нинг сафар ойида Азжохда вафот этган (2: 1/200; 11: 1/119).

3. Абдулкарим ал-Азжоҳий (ваф. 486 х.й.)

(Абулфазл) Абдулкарим ибн Юнус ибн Муҳаммад ибн ал-Мансур ал-Азжоҳий — парҳезкор, фозил имом ва шофиъий мазҳабига эътиқод қилгувчи фақиҳ бўлган. У Нишопур ва Марвда фақиҳ бўлиб етишган. 486 х.й.да вафот этган (2: 1/200; 11: 1/119).

4. Абдулжаббор ал-Азжоҳий (ваф. 530 х.й.)

(Абу Бакр) Абдулжаббор ибн Али ибн Сайд ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳарб ал-Азжоҳий — харбий, фақиҳ, имом, хушсийрат, фозил ва олийжаноб инсон бўлган. 530 х.й.да вафот этган (11: 1/119).

5. Муҳаммад ал-Азжохий

(Абулфазил)

Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Азжохий ал-Харбий — юкорида зикр этилган (Абу Бакр)нинг ўғли. Фақиҳ бўлган. Уламолар Сарахсда ундан ҳадис тинглаганлар (11: 1/119).

27

АЛАЗКИЁНИЙ

«Азкиён»дан ясалган нисба. У — Бухоро аҳлига мансуб бўлган бир бобонинг исми шарифи. Илк эътиқоди мажусий бўлган бу инсон Али ибн Абу Толибдан ислом динини қабул қилган. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Азкиёний (ваф. 344/955 й.)

(Абу Абдуллох)

Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн ал-Ҳасан Бобож ибн ал-Азкиён — Бухоро аҳлидан бўлган. Ирокқа борган. Бухоро, Бағдод ва бошқа жойларда ҳадис тинглаган. 344 х.й.нинг шаъбон ойида вафот этган (11: 1/123).

28

АЛАСБОНИКАСИЙ

«Асбоникас»дан ясалган нисба. У — Мовароуннахрдаги Исфижоб шаъраларидан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Асбоникасий (ваф. 360 х.й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Зоҳир ибн Ҳотам ибн Рустам ал-Асбоникасий — адиб, серҳиммат, саховатпеша, салоҳиятли, ишончли ва фозил одам бўлган. Тахм. 360 х.й.да вафот этган (2: 1/204; 11: 1/127).

2. Ал-Ҳусайн ал-Асбоникасий (ваф. 390 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Зоҳир ибн Ҳотам ибн Рустам ал-Асбоникасий — юкорида номи зикр этилган Абу Наср биродарининг ўғли. Самарқандда фақиҳ бўлиб етишган ва Асбоникасга борган. Арифметика ва фароиз илмларини чуқур билгувчи фозил фақиҳ бўлган. Самарқанддан Асбоникасга кўчиб борган ва ўша ерда 390 х.й.да вафот этган. Фараб ва Исфижобда уламолардан ҳадис ёзиб олган. Самарқандда эса уламолар ундан ҳадис ёзиб олганлар (11: 1/127).

3. Сайд ал-Асбоникасий (ваф. 380 х.й.дан кейин)

(Абулҳасан) Сайд ибн Ҳотам ибн Адий ал-Асбоникасий — парҳезкор, фозил шайх ва шофиъий фақиҳ бўлган. Узоқ вақт Самарқандда яшаган ва шу ерда фақиҳ

бўлиб етишган. Унинг ўғли — ал-Ҳасан шу ерда туғилган. Сўнгра туркий ўлкаларга борган ва 380 х.й.дан кейин Асбоникасга ташриф буюрган ва шу ерда вафот этган (11: 1/128).

4. Зафар ал-Асбоникасий (ваф. 320 х.й.дан кейин)

Зафар ибн ал-Лайсий ибн Қулли ас-Суғрий ал-Асбоникасий — асли Исфижобдан, ишончли ҳадисларни ўзига яраша тарзда ривоят қиладиган фақиҳ бўлган. 320 х.й.дан кейин вафот этган (11: 1/128).

5. Муҳаммад ал-Асбоникасий (ваф. 375 ёки 376 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Суфён ал-Асбоникасий — шофиъий фақиҳ бўлган, маълум бир муддат Насаф ҳукуматида хизмат қилган. Парҳезкор ҳукмдорлардан, уларнинг энг афзали ва покдомони бўлган. Имом аш-Шофиъий (р.а.)нинг авлодидан, кам ҳадис айтувчи бўлган. 375 ёки 376 х.й.да Сўғдда вафот этган (11: 1/128).

29

АЛАСБАСКАСИЙ

«Асбаскас»дан ясалган нисба. У — Самарқанд ноқиясидаги қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоқда мансубдир:

1. Ахмад ал-Асбаскасий
(Абу Ҳомид) Ахмад ибн Ҳомид ибн Бакр ал-Асбаскасий. У улмолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/205; 11: 1/129).

30 АЛИСТОНИЙ

«Истон»дан ясалган нисба. У — Самарканд қишлоқларидан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоҳда мансубдирлар:

1. Солих ал-Ҳазоъий ал-Истоний

Абу Шуъайб Солих ибн Умар ибн ал-Аббос ибн Ҳамза ибн Амру ибн Аъян ал-Ҳазоъий ал-Истоний. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/206; 11: 1/129).

2. Исо ал-Ҳазоъий ал-Истоний

Исо ибн Умар ибн ал-Аббос ибн Ҳамза ибн Амру ибн Аъян ал-Ҳазоъий ал-Истоний — юкорида номи зикр этилган Солихнинг биродари. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/129).

31 АЛАСТАРСАНИЙ

«Астарсан»дан ясалган нисба. У — туркии ўлкалардан

бўлган Қошғар билан Ҳўтан оралиғидаги имшар. Қуйидаги олим шу шах,арга мансубдир:

1. Ахмад ал-Астарсаний

(Абу Наср) Ахмад ибн Муҳаммад ибн Али ал-Астарсаний ал-Бозкандий. Бағдодга борган ва у ерда ҳадис айтган. Астрободда ҳадис тинглаган. У уламолардан, ахли илмга мансуб бўлган бир жамоа олимлар эса ундан ҳадис тинглаганлар (2: 1/208).

32 АЛАСТУҒДОДИЙЗИЙ

«Астуғдодийза»дан ясалган нисба. У — Нахшаб ноҳиясига қарашли Насафдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Абдулазиз ал-Астуғдодийзий (408"-456 ёки 408-457 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Осим ибн Рамазон ал-Астуғдодийзий — Нахшабий номи билан машхур бўлган ҳофиз уламолардан. Ҳадисларнинг иснодларини яхши билган ва дастхати билан кўп нарсалар битган. Кам ҳадис айтган. Узок вақт Исфаконда яшаган. У Насаф, Самарқанд, Марв, Балх, Сарахс, Басра, Бағдод, Шероз, Рамла, Байту-л-

муқаддас, Сур, Миср, Искандария ва бошқа ўлкаларда ҳадис тинглаган. 408 х.й.да туғилган. 456 ёки 457 х.й.да Нахшабда вафот этган (2: 1/208; 11: 1/133).

2. Муҳаммад ал-Астуғдодийзий (ваф. 378/989 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Осим ибн Рамазон ибн Али ибн Афлах ибн Космона ал-Астуғдодийзий — Насаф ахлидан бўлган солих инсон ва фозил факих. 378 х.й. зу-л-хижжа ойининг ўртасида вафот этган (11: 1/133).

3. Муҳаммад ал-Астуғдодийзий (ваф. 425 х.й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Осим ал-Астуғдодийзий — юкорида номи зикр этилган Абу Бакрнинг биродари. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 425 х.й. ёшлигида вафот этган (11: 1/133).

4. Муҳаммад Ҳамдон ал-Астуғдодийзий (ваф. 439/1047 й.)

(Абу Аҳмад) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абунназр Аҳмад ибн Абулқосим Ҳамдон ал-Астуғдодийзий — солих ва босиқ шайх, одобли олим бўлган. Ҳазнага борган ва у ерда Султон Маҳмуд Сабуктегиннинг баъзи

фарзандларини тарбиялаш билан вдуғулланган. Сўнгра. ўз ватанига қайтиб, шу ерда муқим яшаб қолган. Фақат ибодат билан машғул бўлган. 439 х.й. рабиъу-лаввал ойида вафот этган. Жанозасига Насаф қасабаси ва кишлоқларидан кўп одам келган (11: 1/134).

33 АЛ-УСРУШАНИЙ

«Усрушана»дан
ясалган нисба. У — Мов ароуннаж, р д аги Самарқандга шарашли шаҳар. Бу ердан илм-фаннинг турли соқалари бўйича етук олимлар етишиб чиққанлар. К,уйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Усрушаний (ваф. 632/1235 й.)

(Маждиддин, Абулфатх) Муқаммад ибн* Маҳмуд ибн Хусайн ал-Усрушаний, ал-Ханафий — ханафий факих бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Фусул фи фуруъи-л-фикҳи-л-ханафий» («Ханафий фикҳ соқалари ҳақидаги фасллар»), «Жомиъу ахкоми-ссифор» («Болаларга оид ҳукмлар тўплами»), «ал-Фатово» («Фатволар»), «Курратул-айнайни фи ислоҳи-д-дорайни» («Икки уйни ислоҳ этиш ҳақидаги

кўзнинг қорачуғи») (15: 4/19; 17: 3/702; 18: 11).

2. Юнус ал-Усрушаний

(Абу Сайд) Юнус ибн ал-Фазл ал-Усрушаний — факих, фозил ва ҳимматли инсон бўлган. Усрушанада ундан фозил ворислар қолган. Ўзи Самарқандга борган ва у ерда ҳадис айтган (11: 1/142).

3. Муҳаммад ибн Амру ал-Усрушаний (ваф. 404/1013 й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Амру ибн Сулаймон ал-Усрушаний — Бухорода қозиликка хизмат қилган, ўз билими билан бошқалардан яққол ажралиб турувчи олим бўлган. Самарқандда қозиликни бошқарган ва қозилик мансабини эгаллаб турган пайтда, 404 х.й.нинг сафар ойида, шу ерда вафот этган (11: 1/142).

4. Мутриф ал-Усрушаний

(Абу Бакр) Мутриф ибн Жумхур ибн ал-Фазл ал-Усрушаний — хожи бўлиб Бағдодга келган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, уламолар ундан ҳадис айтганлар (11: 1/142).

5. Ҳомид ал-Усрушаний

Ҳомид ибн Абу Ҳомид ал-Усрушаний — хожи бўлиб Хуросонга келган ва Нишопурда ҳадис айтган (11: 1/142).

АЛИСФАРАНЖИЙ

«Исфаранж»дан
ясалган нисба. У — Самарқанд туманларидан бўлган Сўғддаги қишлоқлардан бири. К,уйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Исфаранжий

(Абу Зайд) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Исфаранжий — «Байтул-илм»дан бўлган фозил ва навқирон олим, хушсухбат инсон, фикҳ илмини чуқур билгувчи факих. У ёқимли шеърлар битган ва кўп нарсаларни ёд олган (2: 1/212; И: 1/145).

АЛИСФАСИЙ

Айни пайтда
«Сибсвалзон» деб дам аталадиган «Исфас»дан ясалган нисба. У — «Фоз» як,инидаги Марв қишлоқларидан. К,уйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Холид ал-Исфасий

Холид ибн Руқод ибн Иброҳим ад-Духлий ал-Исфасий — адиб, шоир, котиб, олим ва фозил инсон бўлган (2: 1/213; 11: 1/146).

АЛИСФИЖОБИЙ

«Исфижоб»дан
ясалган

нисба. У — туркий
ўлкаларнинг аввал-
бошида жойлашган
Матриц заминдаги йирик
шаҳар. Унинг х,удудида
бир улкан вилоят, х,ар
қайсиси бир шах,арга
монанд кўп цишлоқлар
мавжуд бўлган.
Аҳолисининг эътиқоди
мустах,кам, олий-
жаноблиги аниқ-тиниқ
кўриниб турган.
Уларнинг тақводорлиги,
ибодати ва исломга
эътиқоди янги узилган
ж,осилдек тотли ва
пўрмагно калимадек
ёқимли бўлган. Улар
ўзларининг худудларини
қаттиқ муқофаза
циладилар ва урф~
одатларига доимо риоя
этадилар. Улардан
бидъат асло зух,ур
этмаган. Қуйидаги
олимлар шу жойга
мансубдирлар:

1. Ал-Ҳасан ал-Исфижобий (ваф. 380 х.й.дан кейин)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Муаддиб ал-Мукрий ал-Исфижобий — обрў-эътибори йўк ишончсиз одам бўлган, бу ҳақда кўп гапирганлар. Ҳисоб-китоб қилганда, доимо кўшиб ҳисоблар, бировлар айтган ҳадисларни ўғирлаб олар, умрида асло учрашмаган, кўзи кўрмаган одамлардан ҳадис айтар эди. 380 х.й.дан кейин вафот этган (2: 1/214; 11: 1/147).

2. Аҳмад ал-Исфижобий (ваф. 480/1087 й.)

(Абуннаср) Аҳмад ибн Мансур ал-Исфижобий, ал-Ҳанафий — ҳанафий факих бўлган, қозиликни бошқарган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарху мухтасари-т-Таҳовий» («Мухтасару-т-Таҳовий»га шарх), «Шарху ала китоби-с-садри ибн Моза ала тартиби-д-даббос ли-л-жомиъи-с-сағийр» ли-ш-Ш а й б о н и й » [Шайбонийнинг «ал-Жомий ас-сағийр» («Кичик тўплам»)ига асалчи тартибида садруш-шариъа ибн Моза таълиф этган китобга шарх], «Шарху-л-кофий» («ал-Кофий»га шарх) «Фатово» («Фатволар»). Мазкур асарларнинг барчаси ҳанафий фикхнинг соҳаларига бағишланган (17: 1/311).

37

АЛИСКОРАНИЙ

«Искоран»дан ясалган нисба. У — Дабусия як,инида жойлашган Самарканд Сўғдидаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Бакр ал-Искораний

Бакр ибн Ҳанзала ибн Анумард ал-Искораний ас-Сўғдий. У уламолардан, ундан эса ўғли ҳадис

ривоят қилган (2: 1/215; И: 1/148).

2. Муҳаммад ал-Искораний (ваф. 370 х.й.дан кейин)

Муҳаммад ибн Бакр ибн Ҳанзала ал-Искораний ас-Сўғдий. У отаси — юкорида номи зикр этилган Бакрдан ҳадис ривоят қилган. 370 х.й.дан сўнг вафот этган (2: 1/215; 11: 1/149).

3. Юсуф ал-Искораний

Юсуф ибн Халаф ибн Ҳорун ибн Ҳотам ал-Искораний. Уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/149).

38

АЛ-АСМАНДИЙ

«Асманд»дан ясалган нисба. У — Самарқанд-даги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар игу цишлоқца мансубдирлар:

1. Муҳаммад ибн Абдуррашид ал-Асмандий (ваф. 488/1095 й.)

(Алоуддин, Абу Ҳомид) Муҳаммад ибн Абдуррашид ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн ас-Самарқандий ал-Асмандий — ҳанафий факих ва муфассир бўлган. Унинг асарларидан: «Таълиқа» (Бир неча жилддан иборат «Таълиқа»), хилоф илми ҳақидаги таснифлар ва тафсир (17: 3/409).

**ал-Исмайсний/ал-Аштобдийзакий/ал-Аштохавсатий/ал-Уштуржий/
ал-Иштихоний**

39

АЛИСМАЙСНИЙ

«Исмайс»дан ясалган нисба. У — Самаркандга якин ерда жойлашган Кошония кишлокларидан. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Исмайсний (ваф. 320 х.й.дан олдин)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн ан-Назр ал-Исмайсний. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 320 х.й.дан олдин вафот этган (2: 1/224; 11: 1/156).

40

АЛАШТОБДИЙЗАКИЙ

«Аштобдийза»дан ясалган нисба. Дастон дарвозасига туташиб кетган Самарқанддаги катта мақалла. Куйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Солиҳ ал-Аштобдийзакий

Солиҳ ибн Маҳмуд (Муҳаммад) ибн ал-Ҳайсам ал-Аштобдийзакий — юқорида номи зикр этилган Муҳаммад ибн Солиҳнинг падари бузруквори. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/162).

2. Сайҳоы ал-Аштобдийзакий

(Абу Муҳаммад) Сайҳон ибн ал-Ҳусайн ибн Ҳозим ал-Муаддаб ас-Самарқандий ал-Аштобдийзакий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/161).

3. Муҳаммад ад-Дорамий ал-Аштобдийзакий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Жаъфар ад-Дорамий, ас-Самарқандий, ал-Аштобдийзакий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/162).

41

АЛАШТОХАВСАТИЙ

«Аштохавсат»дан ясалган нисба. У — Марвдаги кишлоклардан бири. Куйидаги олим шу кишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Аштохавсатий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Аштохавсатий — солиҳ, зоҳид, салоҳиятли ва такводор инсон бўлган (2: 1/232; 11: 1/162).

42

АЛУШТУРЖИЙ

«Уштурж»дан ясалган нисба. У — Марвнинг юқри қисмидаги қишлоқ. Куйидаги олимлар игу ишлода мансубдирлар:

1. Шоҳ ибн ан-Наззол ал-Уштуржий (ваф. 301/914 й.)

(Абулқосим) Шоҳ ас-Саъдий ал-Уштуржий. Айтишларича, у — ан-Наззол ибн Абда ибн Ҳузайфа ал-Уштуржийнинг ўғли. Уштурж қишлоғида унинг фозил фарзандлари бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 301 х.й. рамазон ойида вафот этган (2: 1/232; 11: 1/162).

2. Умайр ал-Уштуржий

(Абу Нуъайм) Умайр ибн Муҳаммад ибн Сахтавия ал-Уштуржий — хофиз бўлган (11: 1/163).

3. Ал-Фазл ал-Уштуржий

(Абулҳасан) ал-Фазл ибн Умайр ибн Асам ибн ал-Мунтажиъ ибн Амру ас-Саъдий ал-Марвазий ал-Асмий ал-Уштуржий — адаб ва балоғат илмларини пухта эгаллаган, ўта ишончли инсон бўлган. Ироқ ва Ҳижозга борган (11: 1/163).

43

АЛИШТИХОНИЙ

«Иштихон»дан ясалган нисба. У — Самарканд Сўвдидаги ўта покиза ва куркам, сўлим гўшаларию боғ-роғлари, экин экиладиган далаларию майсазорлари, дарахт-ларию мевалари кўп бўлган серх,осил ва шинам кишлоқ. Ах,ли илмга мансуб бўлган кўп сонли жамоа, жумладан

қуйидаги олимлар шу
қишлоққа мансубдирлар:

**1. Муҳаммад ибн
Матта ал-Иштихоний
(ваф. 381 ёки 388 х.й.)**

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Матта ал-Иштихоний — фикх илмида Имом аш-Шофиъий (Р-&.) издошларига мансуб имомлардан, зоҳид ва фозил инсон, Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомийъ ас-саҳийх» («Ишончли тўплам») китобидан ҳадис айтганлардан бўлган. 381 х.й. ражаб ойининг бошида вафот этган. Бу санани 388 х.й. деб ҳам айтадилар (2: 1/233; 11: 1/163).

2. Наср ал-Иштихоний

(Абуллайс) Наср ибн ал-Фатҳ ибн Аҳмад ал-Иштихоний. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/164).

44

АЛУСРУШАНИЙ

«Усрушана»дан ясалган нисба. У — Сайхун (Сирдарё) ва Самарканд оралиғида жойлашган Мовароуннахрдаги катта ишқар. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ҳаким ал-Усрушаний

(Абу Талха) Ҳаким ибн Назр ибн Хониж ибн Хандабик ал-Усрушаний — Усрушана аҳлидан бўлган. У уламолардан,

уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/141).

45

АЛУШФУРҚОНИЙ

«Ушфурқонядан ясалган нисба. У — «ар-Руз» қишлоқларидан. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Усмон ал-Ушфурқоний (471-549 х.й.)

Усмон ибн Аҳмад ибн Абулфазл ал-Ушфурқоний ал-Ҳасарий — хушсийрат, ҳар бир ишни қойилмақом адо этадиган фозил йўлбошчи, Ушфурқондаги жомеъ масжиднинг имоми бўлган. Тахм. 471 х.й.да туғилган. 549 х.й.да вафот этган (2: 1/235).

46

АЛУШМИЙУНИЙ

«Ушмийундан»дан ясалган нисба. У — Бухоро қишлоқларидан бири. Айтишларича, унда шундай мақалла бўлган. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Ҳотам ал-Ушмийуний

(Абу Абдуллох) Ҳотам ибн Қадид ал-Ушмийуний — Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий шайхларидан бўлган. Ундан Имом ал-Бухорий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/238; 11: 1/169).

2. Нух ал-Ушмийуний
(Абу Аҳмад) Нух ибн Мансур ал-Ушмийуний ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/169).

47

**АЛУШНОНИЙ/
АЛУШНАҲИЙ**

«Ушнах»дан ясалган нисба. Қуйидаги олимлар шу нисбага мансубдирлар:

**1. Умар ал-Ушноний
(ваф. 339/950 й.)**

Умар ибн ал-Ҳасан ибн Молик аш-Шайбоний, ал-Бағдодий (Абулҳасан) — «ал-Ушноний» нисбаси билан танилган муаррих. Тахм. 339 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Фазоилу Али ибн Аби Толиб» («Али ибн Абу Т о л и б н и н г фазилатлари»), «Мақталу Ҳусайн ибн Али» («Ҳусайн ибн Али қатлномаси»), «Мақталу Зайд ибн Али» («Зайд ибн Али қатлномаси»), «Китобу-л-хайл» («Отлар хақидаги китоб») (17: 2/557).

2. Муҳаммад ал-Ушноний

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Амру ибн Ҳафс ал-Ушноний — «Ушна» қишлоғидан бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис

ривоят қилганлар (2: 1/239; 11: 1/171)

3. Абдулазиз ал-Ушнахий (ваф. тахм. 550/1155 й.)

(Абулфазл) Абдулазиз ибн Али ал-Ушнахий аш-Шофиъий — шофиъий фақиҳ бўлган. Али ибн Исҳоқ Иброҳим ибн Али ал-Файрузободийдан фикҳ илмини ўрганган ва унинг хузурида фақиҳ бўлиб етишган. Абу Жаъфар ибн Муслимадан ҳадис тинглаган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Фароиз ал-ушнахийя» («Ушнахийнинг фароиз илмига қўшган ҳиссаси»). Тахм. 550 х.й.да вафот этган (2: 1/239; 17: 2/164).

**48
АЛАФРАХШИЙ**

«Афрахш»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Афрахший (301-384 х.й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Исроил ибн Мустаъжир ал-Афрахший ал-Бухорий — раису-л-уламо ва уларнинг пешвоси, келиб чиқиш жихатидан эса Бухоро ахлидан бўлган. «Исмоилий» номи билан танилган. 301 х.й.да туғилган ва 384 х.й. рамазон ойида вафот

этган. У саксон тўрт йил умр курган (2: 1/270; 11: 1/196).

2. Муҳаммад ибн Азкар ал-Афрахший

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Ҳотам ибн Азкар ал-Афрахший — эл орасида «Ибн Ҳайс», яъни «Ҳайснинг ўғли» номи билан танилган Бухорий шайхларидан бири. Ҳадис айтган (И: 1/196).

**49
АЛАФШАВОНИЙ**

«Афшавон»дан ясалган нисба. У Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Афшавоний (Абусннаср) Аҳмад ибн Иброҳим ибн Абдуллох ибн Асад ибн Комил ибн Холид ал-Афшавоний. У уламолардан ҳадис ривоят қилган (2: 1/275; И: 1/198).

2. Хол (Холид) ал-Афшавоний

(Абу Аҳмад) Хол ибн Абу Карома ал-Афшавоний. Айтишларича, у — Холид ал-Бухорий. Уни «Холон» деб атаганлар. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/198).

**50
АЛИФШИРҚОНИЙ**

«Ифширк,он»дан ясалган нисба. У —

Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ал-Аббос ал-Афширқоний

(Абулфазл) ал-Аббос ибн Абдуррахим ал-Афширқоний аш-Шофиъий — фозил адиб ва фақиҳ бўлган. Самарканд ва Насога борган, Насаби араблардан бўлган олим эди. Ҳадис ва фикҳга оид битиклари бор (2: 1/275; 11: 1/198).

**51
АЛАМДИЙЗИЙ**

«Амдийза»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Бишор ал-Амдийзий

(Абу Башр) Бишор ибн Абдуллох ал-Амдийзий ал-Бухорий — асли «Амдийза» қишлоғидан. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/299; 11: 1/208).

**52
АЛАМИН**

«Амонат» сифатидан ясалган нисба. Ах,ли илмга мансуб бўлган бир жамоа олимлар шу сифат билан тавсифланганлар. Улардан бири — қуйидаги олимдир:

1. Исҳоқ ал-Амин

(Абу Саҳл) Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Амин ал-Марвазий. У Бухорода Абдурраззоқ китобидан ҳадис айтган (11: 1/211).

53

АЛАНБАРДУВОНИЙ

«Анбардувон»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ал-Анбардувоний (ваф. 449/1075 й.)

(Абу Комил) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Басийр ибн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Басийрий ал-Анбардувоний. Эл орасида у кўпроқ «Басрий» номи билан маълум бўлган. У Муҳаммад ибн Абу Идрис ал-Журжоний ва бошқалардан ҳадис эшитган. Насаблар билан шуғулланган олим, шу ҳақда маълумотларни жамлаган ва бир китоб тасниф қилган ҳамда уни «ал-Музохот ва-л-музофот фи-л-асмои ва-л-ансоб» («Исмлар ва насаблар ҳақидаги қўшимчалар ва ўхшашликлар») деб атаган. Кейин унга кўп тузатишлар киритган. У ўз фикрларини аниқ-тиник ифода эта олмайдиган ва кўп хато қиладиган инсон бўлган. 449 х.й.да вафот

этган (2: 1/306; 11: 1/213; 17: 1/283).

54

АЛАНЖОФИРИНИЙ

«Анжофирийн»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Умар ал-Анжофириний (ваф. 326 х.й.)

(Абу Ҳафс) Умар ибн Жазийр ибн Хайдам ибн Шашбал Хуморшер ал-Анжофириний ал-Бухорий — анжофиринлик адиб. 326 х.й.да вафот этган (2: 1/307; И: 1/214).

55

АЛАНДОҚИЙ

«Андоқ»дан ясалган нисба. У — Самарқанд қишлоқларидан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Ал-Ҳасан ал-Андоқий

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Али ибн Сабоъ ибн Наср ал-Бакрий ас-Самарқандий ал-Андоқий. У кўпроқ «Ибн Абулҳасан» ва «ас-Сибоъий» номлари билан танилган (2: 1/308; 11: 1/215).

2. Муҳаммад ал-Андоқий (ваф. 370 х.й.дан кейин)

(Абу Мансур) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Наср ибн Сабоъ ад-Дехқоний ал-Андоқий — усули ишончли, эшитиш қобилияти яхши бўлган ҳадис асхобларидан. 370 х.й.дан кейин вафот этган (11: 1/215).

56

**АЛАНДАХУЗИЙ/
АННАХЗИЙ**

«Андахуз»дан ясалган нисба. У — Балх билан Марв оралиғида жойлашган қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Юсуф ал-Андхузий (440-530 х.й.)

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Аҳмад ан-Нахзий — Бухорода фикҳ илмини ўрганган ва у ерда бир муддат яшаб, Муҳаммад ал-Барқий ва бошқалардан ҳадис эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 440 х.й.да таваллуд топган ва 530 х.й. Андхузда вафот этган (11: 5/472). (2: 1/308).

57

АЛ-АНДАДИЙ

«Андадий»дан ясалган нисба. У — Насаф қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

ал-Андадий/ал-Андаробий/ал-Андағаний/ал-Андакий/ал-Андоконий

1. Мухаммад ал-Андадий

Мухаммад ибн ал-Фазл ибн Аммор ибн Сокин ибн Осим ал-Андадий. У илм ахлидан, ундан эса ўғли ва набираси хадис ривоят қилганлар (2: 1/216).

58

АЛАНДАРОБИЙ

«Андроб»
(«Андароба»)дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Андаробий

(Абу Абдуллоҳ) Аҳмад ибн Абу Умар ал-Андаробий — «Аҳмад аз-зоҳид» номи билан танилган кори, энг кўп хадис тинглаган инсон бўлган. Унинг кироат илми ҳақида тасниф қилган асарлари бор (17: 1/216).

2. Аҳмад ал-Андаробий

Аҳмад ал-Каробисий ал-Андаробий. У илм ахлидан, олимлар эса ундан хадис тинглаганлар (2: 1/309; 11: 1/216).

3. Аҳмад ал-Андаробий

(Абу Зарр) Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Молик ибн Исмоил ат-Термизий ал-Андаробий — Термиз ахлидан бўлган. Андаробда қозилик маҳкамасини бошқаргани учун унга Андаробий нисбаси берилган. Ироққа бориб, у ердаги уламолардан хадис

тинглаган. Сўнгра Бухоро ва Насафга бориб, у ерларда хадис айтган (11: 1/216).

59

АЛАНДАҒАНИЙ

«Андатнядан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аббод ал-Андағаний

Аббод ибн Усайд ал-Андағаний — зоҳидлардан ва ибн ал-Муборак билан хамнишин бўлган (2: 1/310).

2. Мухаммад ал-Андағаний (548/1153 йилда қатл қилинган)

(Абу Бакр) Мухаммад ибн Абдуррахим ал-Андағаний — фозил фақиҳ, ҳалол баҳс-мунозара олиб борувчи инсон бўлган. Ўша пайтларда солиқ илми ва илм сардорлари учун фикх илми жомеъда аҷамий тилда ўқитилар ва ваъз ҳам қилинар эди. 548 х.й. ражаб ойида туркийлар (мамлуклар) хужум қилган вақтда қатл қилинган (11: 1/216).

60

АЛАНДАҚИЙ

«Андақ»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Абдулкарим ал-Андакий (400-481/1009-1088)

(Абулмузаффар) Абдулкарим ибн Абу Ханифа ибн ал-Аббос ал-Андакий — хушсийрат, камтарин, фозил фақиҳ ва пархезкор зоҳид бўлган. 400 х.й.дан сўнг туғилган ва 481 х.й. шаъбон ойида вафот этган (2: 1/310; 11: 1/217).

2. Ал-Ҳасан ал-Андакий (460-552/1068-1157)

(Абу Мухаммад) ал-Ҳасан ибн ал-Хусайн ал-Андакий — юқорида номи зикр этилган Абдулкаримнинг набираси, ўша пайтдаги муридларни тарбия қилиш учун яхши тариқатга эга етук шайх бўлган. Берган ризқ-насибаси учун Аллоҳ таоло ҳаққига мудом дуои хайрлар қилиш, ибодатда бардавом бўлиш, риёзат чекиш, суннага риоя қилиб, одобни Пайғамбар (с.а.в.)дан ўрганиш — Имом Юсуф ибн Айюб ал-Ҳамадоний издошларига, айниқса, Хоразм ва Бағдод сафарида унга хамроҳ бўлган муридларига хос сифатлардан эди. 460 х.й.дан кейин таваллуд топган. 552 х.й. 26 рамазонда вафот этган (11: 1/217).

61

АЛАНДУКОНИЙ

«Андукон»дан ясалган нисба. У — Фарғона ва

ал-Андоконий/ал-Аншамийсаний/ал-Анқалиқоний/ал-Анисуний/ал-Авданий

Сарахсдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Умар ал-Андоконий (480-545/1087-1150)

(Абу Ҳафс) Умар ибн Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Андаконий ал-Муқрий ал-Фарғоний ас-суфий — хушсийрат ва солиҳ инсон, олийжаноб шайх ҳамда Қуръони каримни кўп тиловат қилувчи қори, Каломуллоҳ қироати ва ривоят бўйича етук олим бўлган. Кўпчилик ундан сабоқ олган. Сўнгра Кошонга бориб, у ердаги хонақоҳ фақиҳларига хизмат қилган. Бухоро ва Марвда ҳадис тинглаган. Тахм. 480 х.й.да Андиконда туғилган ва Фарғонада нашъу намо топан. Кейинчалик 504 х.й.да Марвга борган ва у ердаги қишлоқлардан бири — Кошонда 545 х.й. жумоду-л-увло ойида вафот этган (2: 1/310; 11: 1/217).

2. Муҳаммад ал-Андоконий (726-777/1326-1375)

(Камолуддин) Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад Қажжож ибн Юсуф ибн Аммод ибн ал-Ғозий ал-Андаконий. У 726 х.й. шаъбон ойида Фарғонанинг Андикон кншлоғида туғилган ва шу ерда нашъу намо топан. Сўнгра ўлка бўйлаб сафар

диёри ва Озарбайжонга борган. У тасниф қилган асарлардан: Ақоид илмининг оғриқли нукталари ва дин асосларининг қонуниятлари узра зиё таратувчи ҳамда инсон қалбидаги сирларни зангорлардан тозаловчи «Сидқу-л-калом фи илми-л-калим» (чиройли муқоваланган «Калом илми ҳақидаги ишончли гаплар») номли асар, муаллиф уни 777 х.й. ражаб ойида ёзиб тугатган (15: 6/170).

62

АЛАНШАМИЙСАНИЙ

«Аншамийсан»дан ясалган нисба. У — Насаф қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Ҳамид ал-Аншамийсаний

(Абулҳасан) Ҳамид ибн Нуъайм ал-Аншамийсаний — фақиҳ бўлган. Кўп ҳадис эшитган ва солиҳ одам бўлган (2: 1/315; 11: 1/219).

63

АЛАНҚАЛИҚОНИЙ

«Анқолиқон (Анқалиқон)»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Музаҳхир (Мутаҳхир)

Музаҳхир (Мутаҳхир) ибн ал-Ҳакам (Абу Абдуллоҳ) ал-Байъ ал-Анқалиқоний — илм ва Қуръон ахлидан, Али ибн ал-Ҳусайн ибн Воқид китоблари ва Муқотил тафсирини ривоят қилувчилардан бўлган. Ундан Муслим ибн ал-Ҳажжож ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Умрини илму Қуръонга бахшида қилган инсон бўлган (2: 1/322; 11: 1/222).

64

АЛ-АНИСУНИЙ

«Анисун»дан ясалган нисба. У — Бухоро қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Наср ал-Анисуний

(Абуллайс) Наср ибн Зоҳир ал-Анисуний ал-Бухорий. У илм ахлидан ҳадис ривоят қилган, бир жамоа олимлар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/324; 11: 1/224).

65

АЛАВДАНИЙ

«Авдана (Авдан)»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Довуд ал-Авданий (ваф. тахм. 320/932 й.)

Абу Сулаймон Довуд

ибн Хррун ал-Авданий, ал-Ханафий — факих, илм-фаннинг баъзи соҳалари билан шуғулланган олим, асли Авданадан, Бухоро кориларидан бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Зикру-с-солихийн», («С.олихлар зикри»), «Фазоилу-л-Қуръон» («Қуръони карим фазилатлари»), «ал-Жавоҳир ал-музния» («Адо бўлган гавҳарлар»), «Ихдосу-з-замон» («Замоннинг ўзгариши»), «Ажрору-л-баҳоим» («Хайвонларнинг тортиши») (2: 1/329; 11: 1/226; 15; 4/16; 17: 1/702).

2. Муҳаммад ал-Авданий (ваф. 385/995 й.)
(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Басир (Наср) ибн Варақа (Варко) ал-Авданий — ўз давридаги аш-Шофийий издошларидан бўлган имом. У доимо илм излашни ёқлаб чиқар ва уни кенг кўламда ёйишни хоҳлар эди. У умрининг сўнгги дамигача шу талабига содик қолган. У вафот этганда, уйдан ўзи ва бир неча дафтардан бошқа бирон-бир нарса чикмаган. 385 х.й. рабиъу-л-аввал ойида Бухорода вафот этган (2: 1/329; 11: 1/226).

3. Аҳмад ал-Авданий (ваф. 303 х.й.)

(Абу Мансур) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Авданий, ал-Бухорий —

аҳли илмнинг баъзилари ундан ҳадис айтган. 303 х.й.да вафот этган (2: 1/329; 11: 1/226).

66 АЛ-ЎЗГАНДИЙ

«Ўзганд»дан ясалган нисба. У — Фарвона нож,иясидаги шаҳар. Қуйидаги олим шу шах,арга мансуб:

1. Али ал-Ўзгандий (405 х.й.да ҳаёт бўлган)

(Абулҳасан) Али ибн Сулаймон ибн Довуд ал-Хатибий ал-Ўзгандий — 405 х.й.да Ҳамадонга келган. У уламолардан, уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/333).

67 АЛ-ЎШИЙ

«Ал-Ўший»дан ясалган нисба. У — Фаррона нох,иясидаги шах,ар. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Али ал-Ўший (ваф. 569/1174 й.)

Али ибн Усмон ал-Ўший — Мовароуннаҳр ўлкаларидан Фарғона диёридаги Ўш шаҳрига нисбат берилган — илм-фаннинг баъзи соҳаларида фаолият олиб борган усулшунос факих. У тасниф қилган асарлардан: «Машорику-л-анвор фи шарҳи нисоби-л-ахбор ли тазкирати-л-ахёр» («Нисобу-л-ахбор ли

тазкирати-л-ахёр» — «Улуғ зотларнинг тазкираси учун хабарларнинг асоси» номли асарнинг шарҳидан таралаётган нурлар»), «Шарҳу манзумати Умар ан-Насафий фи-л-хилоф» (Хилоф илми ҳақидаги «Умар ан-Насафийнинг манзумасига шарҳ», шарҳловчи уни «Мухталифу-р-ривоя» деб номлаган), «Қасида ёъийя» («Ёъий қасида»), «ал-Қасида ал-ломия» (Дин асосларини ёритишга бағишланган «Ломли қасида», муаллиф уни «Бадъу-л-амолий» («Имло қилишнинг ибтидоси») деб атаган (17: 2/469; 18: 4).

2. Муҳаммад ал-Ўший (ваф. 513/1119 й.)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Холид ал-Фарғоний ал-Ўший, ал-Ханафий — ханафий факих бўлган. Бухорода яшаган. Х,ожи бўлиб, Бағдодга борган ва унинг аҳлидан ҳадис эшитган. 612 х.й.да Бухорога қайтиб келган ва 613 х.й.да шу ерда вафот этган. Унинг асарларидан: «Маносикул-Холидий» («Холидий амаллари») (2: 1/334; 15: 6/84; 17: 3/84).

3. Имрон ал-Ўший

Имрон ибн Мусо ал-Ўший — Фарғона диёридаги Ўш шаҳридан (2: 1/334; 11; 1/228).

4. Масъуд ал-Ўший
(ваф. 519/1126 й.)

Масъуд ибн Мансур ибн Мурсал ал-Ўший. Самарқандда яшаган. Фозил факих бўлган. Ўзи, ўғли, аҳди аёли'хаммалари 519 х.й. зу-л-ҳижжа ойининг қоқ ярмида бир кечада вафот этганлар (2: 1/334; 11: 1/228).

68
АЛИХРИЖИЙ

«Их,риж»дан ясалган нисба. У — Озарбайжондаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Яъмур ал-Ихрижий

Яъмур ибн ал-Ҳасан ибн ал-Музаффар ал-Мунший ал-Ихрижий — адиб бўлган. Унинг қаламига мансуб кизиқарли рисоалар бор (2: 1/337).

2. Абдулваҳҳоб ал-Ихрижий

Абдулваҳҳоб ибн Яъмур ибн ал-Ҳасан ибн ал-Музаффар ал-Мунший ал-Ихрижий — юқорида номи зикр этилган Яъмурнинг ўғли. У падари бузруквори сингари фозил ва етук арбоб бўлган (2: 1/337).

69
АЛИЙБСАНИЙ

«Ийбсан»дан ясалган нисба. У — Нахшаб қишлоқларидан бири.

Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Юсуф ал-Ийбсаний
(478-552/1085-1157)

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Яъқуб ал-Ийбсаний — у ҳақдаги маълумотларни эшитиб, уни шундай нисбага мансуб деб топганлар. У хушсийрат, такводор қори ва фозил шайх бўлган. 478 х.й. сафар ойида туғилган ва 552 х.й.да вафот этган (2: 1/342; 11: 1/234).

2. Маймун ал-Ийбсаний

(Абулмуъин) Маймун ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Ийбсаний — юқорида номи зикр қилинган Абу Яъқуб биродарининг ўғли (11: 1/234).

3. Муҳаммад ал-Ийбсаний (ваф. 425/1034 й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Ғоним ал-Ийбсаний. Ҳадис тинглаган ва айтган. 425 х.й. жумодул-охира ойининг 19-куни вафот этган (11: 1/234).

70
**АЛИЙЗУЖИЙ/
АЛ-ИЙЗЎЖИЙ**

«Ийзуж» («Ийзўж»)дан ясалган нисба. У — Самарқандда, тоғ ёнбағирларида жойлашган қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Ийзужий (ваф. 387 х.й.)

(Абулхусайн) Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Ийзужий (ал-Ийзўжий) — «ас-Самарқандий», «аш-Шовзорий» деб зикр этилган. У Абулқосим ал-Ҳаким билан ҳамнишин бўлган. Абулқосим ал-Ҳаким айтган кўпгина хикमतлар ва жумлаларни унинг ўзидан эшитиб, ўрганган. 387 х.й.да вафот этган (2: 1/343; 11: 1/237).

71
АЛИЛОҚИЙ

«Илоқядан» ясалган нисба. У — туркий ўлкаларга туташиб кетган Шош диёридаги шах,ар. Аллох, (навари тушган) шах,арларнинг энг озодаси ва яхшиси. Тоғлари олтин ва мисга бой. Бу ердан бир жамоа имомлар етишиб чишанлар, уларнинг энг машҳурлари куйидагилардир:

1. Муҳаммад ибн Юсуф ал-Илоқий (428/1037 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

(Шамсуддин) (Шарафуззамон, Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Юсуф ал-Илоқий — Ибн Синонинг шогирди, табиб ва файласуф бўлган. Унинг асарларидан: «Китобу-л-лавоҳика» («Иккинчи даражали лавҳалар китоби»), «Китоб фи иъдоди-л-вифк»

ал-Илоқий/ал-Бобоний

(«Келишувга хозирлик кўриш ҳақидаги китоб»), «Китобу-л-хайвон ва мухтасару-л-қонун» (Ибн Сино қаламига мансуб «Тиб қонунлари» китобининг қисқартмаси»), «ал-Асбобу ва-л-аломот фи-т-тибб» (Тиб илми ҳақидаги «Касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва белгилари»), «ал-Фусул ал-илоқия фи куллиёти-т-тибб» («Табобат қомусидаги Илоқий таълиф этган фасллар») (15: 6/71; 17: 3/149, 780).

2. Жаъфар ибн ар-Розий (IV х.а./XV м.а.)

(Абу Мухаммад) Жаъфар ибн Аҳмад ибн Али ал-Қумий — Рай шаҳрига келиб, шу ерда муқим яшаб қолган. «Ибн ар-Розий ал-Илоқий» номи билан машҳур бўлган муҳаддис ва фақиҳ. Унинг асарларидан: «Жомиъу-л-аҳодиси-л-мусалсилот» («Ровийлари уч кишидан иборат бўлган ҳадислар тўплами»), «ал-Аъмол ал-мониъа мин духули-л-жанна» («Жаннатга киришга тўсиқ бўладиган амаллар»), «Адабу-л-имом ва-л-маъмум» («Имом ва унга муктадо этган қавмга хос одоб-ахлоқ мезонлари»), «Китобу-л-ғоёт» («Охирги даражалар китоби») (17: 1/486).

3. Тохир ал-Илоқий (ваф. 465/1072 й.)

(Абуррабиъ) Тохир ибн Абдуллоҳ ал-Илоқий — шофиъий фақиҳ ва имом бўлган. Марв, Нишопур ва Бухорода фақиҳ бўлиб етишган. Абу Исҳоқ ал-Исфироийнидан усул ал-фикҳни ўрганган. Шош аҳли ундан фикҳ илмини ўрганган. У ўз устозлари ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. 465 х.й.да тўксон олти ёшида вафот этган (2: 1/347; 11: 1/238).

4. Мухаммад ибн Довуд ал-Илоқий (ваф. 539/1144 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Мухаммад ибн Довуд ибн Аҳмад ибн Ризвон ал-Илоқий ал-Хатиб — Фарғонанинг Илок аҳлидан бўлган хатиб. Маълум бир вақт Марвда истиқомат қилган ва Али ал-Хасан ибн Масъуд ибн ал-Фиро йўлини маҳкам тутган. Сўнгра Нишопурга кўчиб ўтган ва шу ерда яшаган. Али Мухаммад ибн Яҳё ал-Жизийга қарши таълиқалар битган, доимо биродарларининг оғирини енгил қилиш истагида бўлган. Шунингдек, ҳар бир ишни қойилмақом қилиб адо этгувчи, серсаховат, хушсийрат, олийжаноб ва солиҳ фақиҳ бўлган. Ал-Фуровий, Абдулмунъим ал-Қушайрий, Зоҳир аш-Шаҳомий ва уларнинг табақасидаги бошқа уламолардан ҳадис тинглаган. Кейинчалик Марвга келган ва 539 х.й.

рабиъу-л-аввал ойида вафот этгунига қадар шу ерда истиқомат қилган (2: 1/347; 11: 1/238).

5. Наср ал-Илоқий (ваф. 370 х.й.дан кейин)

(Абу Салма) Наср ибн Мухаммад ибн Ғариб аш-Шоший ал-Қоид ас-Суфий ал-Илоқий — Илок раҳнамоларидан бири бўлган. Шошда яшаган. Химматли ва фозил инсон бўлган. Ҳажга борган, ҳадис айтган ва одамлардан кўп нарсаларни ёзиб олган. Самарқандга хожи бўлиб келган ва «Боби дастон» («Дастон дарвозаси») яқинидаги подшоҳ саройида турган. 370 х.й.дан кейин вафот этган (11: 1/239).

72

АЛБОБОНИЙ

«Бобон»дан ясалган нисба. У — Марв ўлкасидаги мах,алла. Уни «Бой Бобон» деб ҳам атайдилар. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдилар:

1. Исмоил ал-Бағдодий (ваф. 1339/1920 й.)

Исмоил ибн Мухаммад Амин ибн Салим ал-Бобоний — асли, туғилган ва яшаган жойига нисбатан ал-Бағдодий, яъни бағдодлик, муаррих, адиб, китоблари кўп бўлган олим. Унинг асарларидан: «Изоҳу-л-

макнун фи-з-зайл ала кашфи-з-зуннун» (Илм-фан соҳалари ва китобларнинг исмлари ҳақидаги «Кашфу-з-зуннун»га кўшимча»га оид пинҳон сирнинг изоҳи», ушбу изоҳ икки жилддан иборат), «Х,адияту-л-орифийн» («Орифларнинг тухфалари» — муаллифларнинг исми шарифлари ва тасниф этган асарлари ҳақида икки жилддан иборат асар) (17: 1/377).

2. Абда ал-Бобоний Марзавий (ваф. 244 х.й.)

(Абу Сайд) Абда ибн Абдурраҳим ибн Ҳаббон ал-Марзавий. Кўп ҳадис тинглаган. Ироқ, Миср ва Шомга сафар қилган. Миср диёрида истикомат қилган ва шу ерда ҳадис айтган. 244 х.й. Дамашқда вафот этган (2: 1/360; 11: 1/240).

73

АЛБОБОНИЙ

«Бобу-л-абвоб»дан ясалган нисба. У — Озарбайжондаги шах, ар. Уни Дарбанд деб х, ам атайдилар. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Абдулмуътий ал-Бобий (1221-1296/1806-1879)

Абдулмуътий ибн Абдулқодир ал-Бобий. Асли келиб чиқишига қараб, нисбаси — ал-

Бобий ва яшаган жойига қараб эса, нисбаси — ал-Ҳалабий бўлган. Арифметика, фароиз, нахв, тасриф ва илм-фаннинг бошқа соҳаларида фаолият олиб борган олим. Муборак рамазон ойининг иккинчи куни вафот этган. У таълиф этган асарлардан: «Шарху назми-л-ужрумия» (Умритийнинг нахв илми ҳақидаги «Назм-л-ужрумия» асарига шарх), «Шарху мутуни-л-Иззий» (Тасриф илми ҳақидаги «Иззий матнлари»га шарх), «Шарху мутуни-с-саховия» (Арифметика ҳақидаги «Саховий матнлари»га шарх) (17: 2/315).

2. Зуҳайр ибн Нуъайм ал-Бобий

Зуҳайр ибн Нуъайм ал-Бобий — муҳаддис бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/363).

3. Иброҳим ал-Бобий

Иброҳим ибн Жаъфар ал-Бобий — муҳаддис бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/363).

4. Ал-Ҳасан ал-Бобий

Ал-Ҳасан ибн Иброҳим ал-Бобий — муҳаддис бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/363).

5. Ҳилол ал-Бобий

Ҳилол ибн ал-Алоъ ал-Бобий — муҳаддис бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/363).

6. Зуҳайр ибн Муҳаммад ал-Бобий

Зуҳайр ибн Муҳаммад ал-Бобий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/363).

7. Муҳаммад ибн Ҳишом ал-Бобий

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Ҳишом ибн ал-Валид ибн Абдулҳамид ал-Бобий. У эл орасида «Ибн Аби Имрон ал-Бобий», яъни «Абу Имрон ал-Бобийнинг ўғли» номи билан танилган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/363).

8. Ҳабиб ал-Бобий

(Абулҳасан) Ҳабиб ибн Фаҳд ибн Абдулазиз ал-Бобий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/363).

9. Муҳаммад ибн Абу Имрон ал-Бобий

Муҳаммад ибн Абу Имрон ал-Бобий ас-Сақафий — асли «Бобу-л-абвоб»дан. Барзаъага келиб, шу ерда муқим яшаб қолган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/363).

74

АЛ-БОБИДАСТОНИЙ

«Боби Дастон»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги машх,ур қишлоқ. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. **Али ал-Бобидастоний (ваф. 368 х.й.)**

(Абулҳасан) Али ибн ал-Ҳасан ибн Наср ибн Хуросон ибн Абдуллох ибн Талха ибн Қайс ибн Саълаба ибн Молик ибн Хешон ал-Қайсий ал-Бобидастоний — ўта ишончли, обрў-эътиборли, фозил, асҳобу-р-раъйга мансуб факихлардан, доимо ҳадис излаш ва илм олишни хоҳловчи инсон бўлган. Эшитганлари ишончли ва аниқ-тиниқ, танлаган у сули — яхши, асарлар ёзиш, ҳисоб ва фикҳ илмида мохир инсон бўлган. 368 х.й.да Самарқандда вафот этган (2: 1/365; 11: 1/240).

75

АЛ-БОБШЕРИЙ

«Бобшер»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. **Иброҳим ал-Бобшерий (ваф. 306 х.й.)**

Иброҳим ибн Аҳмад ибн Али ал-Бобшерий. У уламолардан, уламолар

эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 306 х.й.да вафот этган (2: 1/366; 11: 1/242).

76

АЛБОБИШИЙ

«Ал-Бобиши»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. **Иброҳим ал-Бобиший (ваф. 303 х.й.)**

(Абу Исҳок) Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Исҳок ибн Абдуллох ибн Ҳайдар ибн Зорий ал-Асадий, ал-Бобиший. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 303 х.й.да вафот этган (11: 1/242).

77

АЛБОБАҚАРОНИЙ

«Бобақарониядан ясалган нисба. У — Марвнинг юзоргги қисмида жойлашган қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. **Аҳмад ал-Бобақароний**

(Абулҳасан) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо ал-Бобақароний. Ироқка борган ва Бағдодда ҳадис тинглаган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/366; И: 1/242).

78

АЛБОБУКИСИЙ

«Бобу Кис»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги яхши мах,алла. Уни «Дарвоза-и Кае» деб х,ам айтайдилар. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. **Иброҳим ал-Бобукисий (ваф. 257/871 ёки 259/873 й.)**

(Абу Исҳок) Иброҳим ибн Исмоил ибн Жаъфар ибн Довуд ибн Юсуф аз-Зоҳидий ал-Бобукисий ас-Самарқандий — Самарқанддаги «Мураббаъ» («Квадрат») работи биносини бошқарган. Ўз юртидаги фозиллик ва зоҳидикнинг намояндаларидан бўлган. 257 ёки 259 х.й. 11 рамазонда жума куни вафот этган (2: 1/366; 11: 1/242).

79

АЛ-БОБИЙ

«Бобах»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. **Иброҳим ал-Бобий (ваф. 548/1153 й.)**

(Абу Исҳок) Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Исҳок ал-Асадий, ал-Бухорий ал-Бобий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 548 х.й.

рамазон ойида вафот этган (2: 1/371; 11: 1/245).

2. Юсуф ал-Бобий

Юсуф ибн Абу Солих ал-Бобий — эл орасида «Рўш» номи билан танилган, асли Бухоро рустоқидаги Бобах қишлоғидан бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/244).

80

АЛБОТИКРУВИЙ

«Ботикру»дан ясалган нисба. У — Жайх, ун соҳлидаги йирик қалъа. Қуйидаги олим шу шалъага мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Ботикрувий

(Абулфатх) Муҳаммад ибн Акмад ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Абдулазиз ал-Ботикрувий (2: 1/371).

81

АЛБОЖХУСТИЙ

«Божхуст»дан ясалган нисба. У — Марвнинг юқори қисмидаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ан-Нуъмон ал-Божхустий (ваф. 548 х.й.)

(Абу Саҳл) ан-Нуъмон ибн Муҳаммад ибн ан-Нуъмон ал-Аккор ал-Божхустий — тақводор, таҳажжуд намозини кўп

ўқийдиган солих шайх бўлган. Бутун умри оғир меҳнат, пешона тери билан топилган ҳалол ризқ-рўз касб этишда ўтган. 548 х.й.да вафот этган (2: 1/372; 11: 1/245).

82

АЛБОДАНИЙ

«Бодан»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Боданий (ваф. 267 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Жаъфар ибн Ғазвон ал-Боданий ал-Бухорий. Ирокқа борган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 267 х.й.да вафот этган (2: 1/377; 11: 1/249).

83

АЛБОЗИҒАЙСИЙ

«Борзирайс»дан ясалган нисба. У — Хирот ва Марварруз х,удудидаги қишлоқларни қамраб олувчи ноҳ,ия. Айтишларича, Борзигайс эфталитлар давлатининг пойтахти бўлган, кейинчалик Халид ибн Абдуллоҳ, ал-Ҳанафий уни Усмон ибн Аффон разияллох,у анх,у даврида фатх, этган экан. Қуйидаги олим игу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ал-Бозиғайсий

Аҳмад ибн Амру ал-Бозиғайсий — Бозиғайсининг қозиси, ишончли, мустақим ҳадис айтувчи инсон бўлган. Нишопурда яшаган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/378; 11: 1/250).

84

АЛБОЗАНИЙ

«Ал-Бозаний»дан ясалган нисба. У — Сараҳсга қарашли Хоброндаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Абу Абдуллоҳ ал-Бозаний (ваф. 549/1154 й.)

Абу Абдуллоҳ ал-Бозаний — солих, навкирон йигит, Майҳанадаги энг мохир хаттот бўлган. Кўп ҳадис тинглаган. Ўғузлар (Мамлуқлар) уни 549 х.й. рамазон ойида қатл қилганлар (11: 1/251).

85

АЛБОРОБИЙ

«Бороб» («Фороб» — Т.)дан ясалган нисба. У — Сайх, ун дарёсининг ортидаги Матриц ўлкаларидан бўлган кенг х,удудли ноҳдя. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Яхё ал-Боробий (ваф. 425/1034 й.)

(Абу Закариё) Яхё ибн Аҳмад ибн Абу Закариё ал-Боробий — адиб, тилшунос ва тилнинг софлиги учун курашувчи пешво олимлардан бири бўлган. Мовароуннаҳрдаги Фороб ахлидан бўлган бир жамоа унинг ҳузурда ўкиб ўрганиб, етук олим бўлиб етишганлар. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Унинг асарларидан: «ал-Масодир фи-л-луғати» («Тил ҳақидаги манбалар») (2: 1/379; 11: 1/251; 17: 4/86).

2. Исмоил ал-Жавҳарий

(Абу Наср) Исмоил ибн Ҳаммод ал-Жавҳарий — тил ҳақидаги «Китобу-с-сахийх» («Ишончли китоб») асарининг муаллифи бўлган (2: 1/379).

3. Исҳоқ ибн Иброҳим

Исҳоқ ибн Иброҳим — тилшунос олим, «Девону-ладаб» («Адаб девони»)нинг муаллифи бўлган (2: 1/379).

86**АЛБОРОНИЙ**

«Борон» («Заррату Борон»)дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ал-Ҳотам ал-Бороний

Ҳотам ибн Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Бороний. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/379; 11: 1/251).

87**АЛ-БОРДИЗИЙ**

«Бордиз(и)дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Ал-Ҳасан ал-Бордизий (ваф. 326 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн ал-Дахҳоқ ибн Мутир ибн Ҳаннод ал-Бордизий ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 326 х.й.да вафот этган (2: 1/379; 11: 1/252).

2. Яъқуб ал-Бордизий (ваф. 309/921 й.)

(Абу Исҳоқ) Яъқуб ибн Исроил ибн Абуссамийдаъ ал-Бордизий — Бордизах қишлоғидан. Хуросонга борган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 309 х.й. жумоду-л-увло ойида вафот этган (11: 1/252).

88**АЛБОРИСКАСИЙ**

«Борискасядан ясалган нисба. У — Шошдаги шаҳарлардан бири. Қуйидаги олим шу шаҳарга мансубдир:

1. Аҳмад ал-Борискасий

(Абу Аҳмад) Аҳмад ибн Ҳаммод аш-Шоший ал-Борискасий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/379; 11: 1/253).

89**АЛБОРКАСИЙ**

«Боркас»дан ясалган нисба. У — Усрушанадаги қишлоқлардан бири, кейинчалик Самарканд тасарруфига ўтган. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Уҳайд ал-Боркасий

(Абу Сайд) Уҳайд ибн ал-Ҳакам ибн Худош ибн Арфаж ал-Муаллим ал-Боркасий — боркаслик ўқитувчи. Кейинчалик бу ердан Самарқанддаги маҳаллалардан бири — Варсанинга кўчиб борган ва ўша ерда яшаган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/380; 11: 1/254, 255).

90**АЛБОРБОБОЗИЙ**

«Борбобоз» («Борнобоз»)дан ясалган нисба. У — Марвдаги Шористон (Шах,ристон — Т.) дарвозасига як,ин жойлашган мах,ал-лалардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Базий ал-Борбобозий
(Абулқосим) Базий ибн ал-Ҳайсам ал-Борбобозий — ўз маҳалласининг оқсоқоли, масжидда муаззин, аскиябоз-қизикчиларнинг устаси фаранги бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/380; 11: 1/255).

91 АЛБОЗИЙ

«Боз» («Фоз»)дан ясалган нисба. У — Марвдаги маҳдлалардан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Зиёд ал-Бозий
(Абу Иброҳим) Зиёд ибн Иброҳим ал-Бозий аз-Зухлий ал-Марвазий — Фоз қишлоғидан бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис айтганлар (2: 1/382; 11: 1/257).

2. Салом ал-Бозий
(Абулмунзир) Салом ибн Сулаймон ал-Бозий — Садюр қишлоғидан бўлган. У тобиийларни яхши билган ва улардан ҳадис ривоят қилган. Тобиийларнинг энг узок умр курган намояндаси бўлган (11: 1/257).

3. Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Бозий
(Абулаббос) Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн ал-Аббос ал-Фозий ал-

Марвазий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/257).

4. Аҳмад ал-Фозий
(Абу Жаъфар) ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Фозий ат-Тажий — адиб бўлган. Абу Исмаил ал-Ибодий ва бошқалар ундан адабни ўрганганлар. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар ва кўп нарсаларни ёзиб олганлар (11: 1/258).

5. Муҳаммад ибн Ҳамдавия ал-Фозий (ваф. 327/939 й.)
(Абу Наср) Муҳаммад ибн Ҳамдавия ибн Саҳл ал-Фозий ал-Мутаввийий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 327 х.й. ражаб ойида вафот этган (11: 1/258).

92 АЛБОЗКАНДИЙ

«Бозкандядан ясалган нисба. У — Туркий ўлкалардан бўлган Қошғар билан Хўтан оралиғидаги шах, ар. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ал-Бозкандий
(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад Али ал-Астарсаний ал-Бозкандий. У бир жамоа уламолардан ҳадис тинглаган (2: 1/382).

93 АЛБОҒИЙ

«Боғ» (уни «Бог», «Барзан» деб ҳам атайдилар)дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Исмоил ал-Боғий
Исмоил ал-Боғий — шу қишлоқнинг аҳлига мансуб қудамолардан бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/387; 11: 1/263).

94 АЛБОҒНОБОЗИЙ

«Боғнобоз»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Боғнобозий
(Абу Амру) Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Боғнобозий — зоҳид бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2:1/387).

95 АЛБОФИЙ

«Боф»дан ясалган нисба. У — Хоразмдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдуллоҳ ал-Бофий (ваф. 398 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бофий — Бағдодда яшаган адиб, Имом ал-Бухорий ҳадисларини пухта биладиган шофиъий фақиҳ бўлган. Айниқса, наҳв илми ва адабни, бадиий тил ва унинг нозик жиҳатларини яхши билган. Унинг бадиий асарлари ва таъсирчан шеърлари бор. Ўз хоҳиши билан шеърлар айтадиган, бадиъиятни намоён эта оладиган ибораларни топиб айта оладиган ширинсўз нотик бўлган. Хатиб бўлиб фаолият кўрсатган ва ривоят т а ф а к к у р и й кўшимчалардан холи узундан-узоқ китоблар ёзган. 398 х.й.да вафот этган (2: 1/388; 11: 1/264; 15: 1/317; 25: 3/115).

96

АЛБОКУВБИЙ

«Боку» деб х.ам аталадиган «Бокув-ба»дан ясалган нисба. У — Хазарон Дарбандининг Ширвон яқинидаги ўлкаларидан бири. Қуйидаги олим игу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Бокувбий (340-428/951-1037)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Бокувия аш-Шерозий ал-Бокувбий. Бобоси

туфайли унга шу нисба берилган. Суфий ва кўп ҳадисларни биладиган уламолардан бўлган. 340 х.й.дан кейин вафот этган. Суфийликка оид ҳикоялардан тўплам тузган. Абу Бакр ибн Халаф ундан ривоят қилган. 420 х.й.да Шерозда вафот этган. Унинг асарларидан: «Ахбору-л-орифийн» («Орифлар айтган хабарлар»), «Бидоятү холи ал-Хусайн ибн Мансур ал-Х,аллож ва ниҳоятүху» («Мансур Халлож таржимаи ҳолининг ибтидоси ва якуни») (И: 1/267; 17: 3/431).

97.

АЛБОЛОЪИЙ

Айни пайтда «Куволо» деб ҳсгм аталадиган «Боло»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аммора ал-Болоъий

(Абулҳасан) Аммора ибн Итоб ал-Болоъий — Ибн ал-Муборакнинг дўсти бўлган (2: 1/390; 11: 1/276).

98

АЛ-БОЛҚОНИЙ

«Болқон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қ,ишлоқ,лардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Болқоний (478-557 х.й.)

(Абулфатҳ) Муҳаммад ибн Абу Ханифа ан-Нуъмон ибн Муҳаммад ибн Абу Осим ал-Болқоний. У «Абу Ханифа» номи билан танилган. Олим шайх бўлган. Илму-н-нужумни билиши ва маёт қилгувчи шароб ичишига карамасдан Қуръони карим (Китобуллоҳ)даги тарихлару воқеаларни яхши билган ва Унга мудом кунт қилган. 478 х.й.да таваллуд топган ва 557 х.й.да вафот этган (2: 1/392; 11: 1/269).

99

АЛБОЛУЖИЙ

« Болужузжон » дан ясалган нисба. У — С а р а х с д а г и қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Хорижа ал-Болужий

(Абулҳажжож) Хорижа ибн Мисъаб ибн Хорижа ибн ас-Зубаъий ал-Болужий — шу қишлоқ аҳлидан бўлган. Унинг падари бузруквори Мисъаб эса ҳазрат Али разияллоҳу анҳу билан биргаликда сафма-саф шаҳодат келтирган. Уни Хорижа деб атаганлар, чунки онаси ўлиб қолгандан кейин уни марҳуманинг қорнидан чиқариб олганлар. Ибн ал-Муборак унга иззат-икром кўрсатган ва у ҳақда яхши

ал-Болужий/ал-Болузий/ал-Бонабий

гаплар айтган. Ибн ал-Муборак ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/392; 11: 1/269).

100 АЛ-БОЛУЗИЙ

«Болуз»дан ясалган нисба. У — Насодаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу қишлоқда мансубдир:

1. Ал-Ҳасан ал-Болузий (ваф. 303 х.й.)

(Абулаббос) ал-Ҳасан ибн Суфён ибн Омир ибн Абдулазиз ибн ан-Нуъмон ибн Ато аш-Шайбоний ан-Насавий ал-Болузий — ҳимоясиз қолган ҳадис, фикҳ ва адаб илмлари бўйича ўз даврининг пешво олими бўлган. «Ал-Муснад ал-кабийр» («Катта муснад»), «ал-Жомий» («Тўплам»), «ал-Муъжам» («Комус») каби асарларни тасниф қилган. Шох асарлар ёзган ва улуғ уламолар учун китоблар тасниф қилган. У Хуросондаги шох асарларни ривоят қилувчи ровий бўлган. Куфа ва ундан бошқа жойларда — Ибн Абу Шийбадан «Мусаннифот ибн ал-Муборак» («Ибн ал-Муборак тасниф қилган асарлар» ва «ал-Муватто а л - к а б и й р » «Соддалаштирилган катта тўплам», ал-Мусайб ибн Возихдан «ас-Сунан» («Сунналар»), Мухаммад

ибн Абу Бакр ал-Мукаддаимидан «ат-Тафсир» («Тафсир») каби шох асарлар ёзган. Туркий халқларга тегишли мулклардан бўлган Хуросонга борган. У ерда Али ибн Ҳажар билан Абулаббоснинг хужрасида яшаб, унинг ҳузурини ҳадис ўқиби ўрганган. 303 х.й.да вафот этган (2: 1/392; 11: 1/270).

101 АЛБОНАБИЙ

«Бонаб»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Ҳалвон (Жалвон) ал-Бонабий

(Абуттаййиб) Ҳалвон (Жалвон) ибн Самра ибн Моҳон ибн Хоқон ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн ал-Ҳаким ибн Абулосс ибн Умайя ал-Бонабий ал-Бухорий — обид, парҳезкор ва зоҳид бўлган. Бағдодга келган ва шу ерда муқим яшаб, ҳадис айтган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/393; 11: 1/272).

2. Вакиъ ал-Бонабий ал-Бухорий

(Абу Суфён — Абу Толиб) Абдуллоҳ ибн Вакиъ ибн Аҳмад ибн ал-Мунзирр ал-Ҳамадоний ал-Бонабий ал-Бухорий. У

уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/393; 11: 1/273).

3. Аҳмад ал-Бонабий

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Саҳл ибн Абдуррахмон ибн Тархун ал-Бонабий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/273).

4. Ал-Ҳусайн ал-Бонабий

(Абу Абдуллоҳ) ал-Ҳусайн Мухаммад ибн Қурайш ал-Бонабий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/273).

5. Аҳмад ибн Закариё ал-Бонабий

(Абу Мухаммад) Аҳмад ибн Мухаммад ибн Закариё ибн Қутн ал-Ансорий ал-Бонабий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/273).

6. Яъқуб ал-Бонабий

(Абу Юсуф) Яъқуб ибн Юсуф ибн Қутн ибн ал-Жунайд ибн Иброҳим ибн Машдуд ал-Ансорий ал-Бонабий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/273).

7. Ал-Ҳасан ал-Бонабий (ваф. 296 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Мухаммад ибн Маъруф ал-Бонабий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис

ал-Бонабий/ал-Бовардий/ал-Боёний

ривоят қилганлар. 296 х.й.да вафот этган (11: 1/273).

8. Ал-Ҳасан ал-Бонабий (ваф. 338/949 й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бонабий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 338 х.й. рабиъу-с-соний ойида вафот этган (11: 1/273)

9. Ал-Ҳусайн ал-Бонабий (ваф. 347 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн Муҳаммадон ибн Хашвия ал-Бонабий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 347 х.й.да вафот этган (11: 1/273).

10. Сайд ал-Бонабий (ваф. 326/938 й.)

(Абу Сайд) Сайд ибн Исмаил ибн Умар ибн Рижо ибн Самра ибн Моҳон ал-Бонабий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 326 х.й. шаввол ойида вафот этган (11: 1/273).

102

АЛ-БОВАРДИЙ

«Бовард»дан ясалган нисба, уни «Обивард» деб х,ам атайдилар. У — Хуросондаги Сарахс билан Насо шах,арлари оралиғида жойлашган шах,ар. Бу шах,ардан имомлар ва мух,аддис уламолардан иборат бир жамоа, шу жумладан

хуйидаги олимлар етишиб чиққанлар:

1. Абдуллох ал-Бовардий (ваф. 410 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Укайл ал-Бовардий — ўта муътазилий бўлган. Муътазилага муккасидан кетган. Исфаҳонда истиқомат қилган ва шу ерда ҳадис айтган. 410 х.й.да вафот этган (2: 1/396; 11: 1/274).

2. Ал-Ғамр ал-Бовардий

(Абу Аҳмад) ал-Ғамр ибн Муҳаммад ибн Абдуррахмон ибн ал-Ғамр ибн Ибод ибн ан-Нуъмон ал-Бовардий. Бағдодга келган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/274).

3. Муҳаммад ал-Бовардий (ваф. 350 х.й.)

(Абу Саҳл) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Бовардий — факих бўлган. 297 х.й.да Бағдодга келган ва шу ерда муқим яшаб, ҳадис айтган. 350 х.й.да вафот этган (11: 1/274).

4. Абдуллох ал-Бовардий

(Абу Муҳаммад) Абдуллох ибн Аҳмад ибн Хузайма ал-Бовардий. Бағдодга келган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, уламолар

эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/275).

5. Муслим ал-Бовардий (ваф. 292/904 й.)

(Абу Абдуллох) Муслим ибн Абдуллох ибн Мукаррам — асли хуросонлик бўлган муаддиб, у эл орасида «ал-Бовардий» номи билан танилган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 292 х.й. муҳаррам ойида вафот этган (11: 1/275).

103

АЛБОЁНИЙ

«Боён»дан ясалган нисба. Насафдаги машх,ур дах_а. Уни «Сиккату Боён», яъни «Боён дах,аси» деб х_ам атайдилар. Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий хам Насафга келганида шу даҳада турган. Уламолардан иборат бир жамоа шу дах,адан етишиб чиққан. Қуйидаги олим шулар жумласидандир:

1. Муҳаммад ал-Бовардий (ваф. 367 х.й.)

(Абу Яъло) Муҳаммад ибн Абу Толиб ибн Носир ал-Боёний — араб тили ва адабини пухта биладиган имом бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 367 х.й.да вафот этган (2: 1/396; 11: 1/276).

ал-Бутхазоний/ал-Бутаниний/ал-Бажворий/ал-Бужайрий

104
АЛБУТХАЗОНИЙ

«Бутхазон»дан
ясалган нисба. У —
Насафдаги қишлоқ.
Куйидаги олим ту
қишлоққа мансубдир:

1. Ал-Ҳасан ал-
Бутхазоний ан-Насафий
(491-551/1097-1156)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн
Абдуллоҳ ибн Муҳаммад
ибн ал-Ҳасан ал-
Бутхазоний ал-Мукрий
ан-Насафий — насафлик
қори, обрў-эътиборли,
олийжаноб, покдомон,
хушсийрат, солиҳ инсон
ва фозил шайх бўлган. 491
х.й. муҳаррам ойининг
бошида Бутхазонда
туғилган ва 551 х.й.дан
кейин Насафда вафот
этган (2: 1/398; 11: 1/279).

105
АЛБУТАНИНИЙ

«Бутанин»дан
ясалган нисба. У —
Самарканд Сўғдидаги
Дабусия нох,иясига
царашли цишло^лардан
бири. Куйидаги олимлар
шу қишлоққа
мансубдирлар:

1. Жаъфар ал-
Бутаниний

Жаъфар ибн Муҳаммад
ибн Баҳр ал-Бутаниний. У
уламолардан, уламолар
эса ундан, ҳадис ривоят
қилганлар (2: 1/399; 11: 1/
281).

2. Ал-Қосим ал-
Бутаниний

Ал-Қосим ибн Жаъфар
Муҳаммад ибн Баҳр ал-
Бутаниний. У — юқорида
номи зикр этилган
Жаъфарнинг ўғли. У
уламолардан, уламолар эса
ундан ҳадис ривоят
қилганлар (2: 1/399; 11: 1/
281).

106
АЛБАЖВОРИЙ

«Бажвор»дан ясалган
нисба. У — Марв
шах,рининг қуйи к,исмида
жойлашган катта
мақалла. Уни «Бажвор»
мах,алласи деб х,ам
атайдилар, чунки
мах,алланинг бошланиш
қисми сувга туташган.
Куйидаги олим шу
мақаллага мансубдир:

1. Ал-Ҳасан ал-
Бажворий

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн
Муҳаммад ибн Сахлон ал-
Хайёт ал-Бажворий —
солиҳ шайх бўлган.
Бажворда яшаган (2: 1/405;
11: 1/286).

107
АЛБУЖАЙРИЙ

Кичкина қоринчаси
бўлган бобо —
«Бужайр»дан ясалган
нисба. Ушбу нисбага эга
бўлган олимларнинг
машқурлари к,уйида-
гилар:

1. Умар ал-Бужайрий
(223-331 х.й.)

(Абу Хафс) Умар ибн
Муҳаммад ибн Бужайр
ибн Хозим ибн Рошид ал-
Ҳамадоний ал-Хушүфғий
ас-Сўғдий ал-Бужайрий
— «ал-Жомий ас-сахих»
(«Ишончли тўплам»)нинг
муаллифи бўлган. 223
х.й.да таваллуд топган ва
331 х.й.да вафот этган. У
уламолардан, уламолар эса
ундан ҳадис ривоят
қилганлар (11: 1/286).

2. Муҳаммад ал-
Бужайрий (ваф. 268/882
й.)

(Абу Умар) Муҳаммад
ибн Бужайр — юқорида
номи зикр этилган
Умарнинг падари
бузруквори. Ундан ўғли
ривоят қилган. 268 х.й.
шаъбон ойида вафот этган.
У уламолардан, уламолар
эса ундан ҳадис ривоят
қилганлар (11: 1/286).

3. Муҳаммад ибн Умар
ал-Бужайрий (ваф. 345/
956 й.)

(Абулҳасан) Муҳаммад
ибн Умар ал-Бужайрий —
юқорида номи зикр
этилган Умарнинг ўғли
бўлган. У отасидан, ундан
эса бошқалар ривоят
қилганлар. 345 х.й. рабиъул-
л-аввал ойида вафот этган.
У уламолардан, уламолар
эса ундан ҳадис ривоят
қилганлар (11: 1/287).

4. Аҳмад ал-Бужайрий
(ваф. 372/982 й.)

(Абулаббос) Аҳмад ибн
Муҳаммад ибн Умар ал-
Бужайрий — юқорида

ал-Бужайрий/ал-Бухорий

номи зикр этилган Умарнинг набираси бўлган, У бобоси ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. У бобосидан «ал-Жомиъ» («Тўплам») ва «ас-Сафина» («Кема») асарларини ривоят қилган. 372 ҳ.й. рабиъу-л-аввал ойида вафот этган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/287).

108 АЛБУХОРИЙ

«Бухоро» шах,ридан ясалган нисба. У — йирик шах,арлардан иборат к,адимий шах,ар бўлиб, бундан икки минг йил ёки ундан х,ам кўпроқ, вақт муқаддам нашъу намо топган. Бугун у — мустақил Ўзбекистон Республикасини ташкил қилувчи ўн икки вилоятнинг бири бўлган Бухоронинг маркази. Ривоятларда айтилишича, ушбу шах,ар илк бор Каёнийлар сулоласига мансуб бўлган к,ах,рамон Сиёвуш ибн Кайковус ибн Қайқубод томонидан бунёд этилган. У шах,арнинг ичиди мустах^ам кўрғон — Арк цурган. Исломи келиб, бу ердан зоҳид ва уламолар зухур этгандан кейин Бухоро «Қуббатул-ислом», яъни «Исломининг гумбази» ва «ал-Жомиъ ас-сах,ийх,» («Ишончли тўплам»)

тўпламининг муаллифи — Имом ал-Бухорийнинг киндик цони тўкилган табаррук замин сифатида «Бухоро-и шариф» деб васф этила бошлаган. Бухоро шах,ри шўролар даврида х,ам ўзининг бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб кенг тарқ,алган университетлар, мадрасалар ва мактаблар учун ислом оламида катта ну фу зга эга бўлган етакчи ва мух,им илмий-маданий марказ сифатидаги илмий-маданий фаолиятини асло тўхтатмаган. Ундаги олий ўшув юртли ва мадрасалардан фуқаролиги ва миллати турли-туман бўлган минг-минглаб уламолар етишиб чик,к,анлар. Куйидаги олимлар шулар жумласидандир:

1. Муҳаммад ал-Бухорий (1041-1110/1631-1698)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мавҳаб ал-Бухорий, ал-Бурҳонпурий, ал-Ҳиндий, ал-Ҳанафий, ан-Накшбандий — муҳаддис, муаррих ва факих бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Тарғибу-л-ҳасанот ва тарҳибу-с-саййиъоти» («Эзгуликлар тарғиботи ва ёвузликлар даҳшати»), «Жомиъату-д-далоил» («Далиллар тўплами»), «Хулосату-р-расоил фи фазоили

Макка» («Макка фазилатлари ҳақидаги рисолаларнинг хулосаси»), «Хулосату-с-сияр фи-т-тарих» («Тарих ҳақидаги сийратлардан келиб чиқадиган хулоса»), «Рисола фи-л-ҳажж ва-л-умра» («Ҳажж ва умра ҳақидаги рисола») (17: 3/690).

2. Абдуллох ал-Муснадий (229/844)

(Абу Жаъфар) Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Жаъфар ибн ал-Ямон, ал-Жуъфий, Мавлоҳум (уларнинг мавлоси) ал-Бухорий — муҳаддис ва хофиз бўлган. Унинг асарларидан: «Муснаду-с-сахоба» («Саҳобалар таянчи») (17: 2/284).

3. Абдулваҳҳоб ал-Бухорий (932/1526)

Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ал-Бухорий, кейин ал-Моликий, ал-Ҳиндий, ал-Ҳанафий — суфий ва муфассир бўлган. Унинг асарларидан: «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири») (17: 2/338).

4. Сафийуддин ал-Бухорий (1200/1786)

Сафийуддин ал-Бухорий, ал-Ҳанафий — муҳаддис ва муаррих бўлган. Банорасда вафот этган. Асарларидан: «ал-Қавл ал-жалий фи таржимати-ш-шайхи Тақийуддин ибн Таймия ал-Ҳанбалий» («Шайх

ал-Бухорий

Тақиюддин ибн Таймия ал - Ҳ а н б а л и й н и н г таржимаи ҳоли ҳақида айтилган аниқ сўзлар») (17: 1/804).

5. Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 850/1446 й.)

(Шамсуддин) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бухорий, ал-Ҳанафий — фақиҳ, фароиз илми бўйича олим ва мутакаллим бўлган. Шомда яшаган. 850 х.й.да вафот этган. Унга «аш-Шайх ал-Бухорий», яъни «Бухорий шайх» деб мурожаат этганлар. Унинг асарларидан: «Шарху дуруру-л-бихор фи фуруъи-л-фикҳи-л-ҳанафий» («Ҳанафий фикҳнинг соҳалари ҳақида уммонларнинг қаъридан териб олинган дурлар шархи», муаллиф уни «Фуруру-л-афкор» деб атаган), «Шарх ала назми-с-сирожия фи-л-фароиз» («Фароиз илми ҳақидаги «Назму-с-сирожия»га шарх»), «Китоб фи усули-д-дин» («Дин асослари ҳақидаги китоб»), «ал-Муршид» (ат-Тафтазоний қаламига мансуб «Иршоду-л-ҳодий» шархи ҳақидаги «ал-Муршид» — «Раҳнамо» номли асар) (15: 4/67; 17: 3/691).

6. Маҳмуд ал-Калободий ал-Бухорий (644-700 х.й.)

Ал-Ҳофиз Шамсуддин Абулало Маҳмуд ибн Абу Бакр ибн Абулало ал-

Калободий ал-Бухорий ал-Ҳанафий — илми фароиз билан шуғулланган олим. 644 х.й.да туғилган ва 700 х.й.да Мординда вафот этган. Унинг асарларидан: «Ҳаллу-л-фароиз фи шарҳи назми-с-сирожия» («Шарху назми-с-сирожия»даги фароиз илми билан боғлиқ масалаларнинг ечими»), «Давъу-с-сирож фи шарҳи-с-сирожия» («Шарху-с-сирожия» ҳақидаги чирокнинг ёғдуси»), «Муштабиҳу-н-насаб фи асмоъи-р-рижол» («Одамларнинг исми шарифларидаги шубҳали насаблар»), «Муъжаму-ш-шуйух» («Шайхлар комуси»), «ал-Минҳож ал-мунтахаб мин давоъи-с-сирож» («Чирокдан таралаётган зиёлардан танланган дастур») (15: 4/406).

7. Абдуллоҳ ал-Бухорий (747/1346 йилда ҳаёт бўлган)

Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Маҳмуд ал-Бухорий, ал-Маҳбубий, ал-Ҳанафий — «Садру-ш-шариъати-л-асғару», яъни «Кенжа Садру-ш-шариъа», фақиҳ ва усулшунос олим бўлган. Унинг асарларидан: «Танқиҳу-л-усул» («Усулларни иллатлардан тозалаш»), «Таъдилу-л-улуми фи аҳкоми улуми-л-фикҳия» (Фикҳий илмлар ҳақидаги «Таъдилу-л-улуми», яъни «Илмларга

тузатишлар киритиш» деб номланган китоб) (17: 2/296; 18: 10; 19: 14).

8. Али ал-Бухорий (1134-1221/1722-1806)

Али ибн Аҳмад ибн Тақиюддин ал-Бухорий, ал-Маданийу-л-асли, ал-Маккий — асли Мадинаи мунавварадан бўлган, кейинчалик Мисрга бориб, ўша ерда муқим яшаб қолган олим, адиб ва шоир. Ўзига шайхлик мазҳабида бўлган. У «ал-Қаббоний» номи билан танилган. Маккада туғилган. Кейинчалик Мисрга келган. Унинг асарларидан: «Бадиъия ва шарҳу» («Яратувчанлик ва унинг шарҳи», муаллиф уни «Мароқийу-л-фараж фи мадҳи олами-д-дураж» — «Даражалар оламининг мадҳидаги қувноқлик босқичлари» деб атаган), «Нафху-л-икмом» (Унинг калом илми ҳақидаги манзумасига ёзилган «Нафху-л-икмом» — «Енгларга дам солиш»(?)) — номли шарх), «Девону-ш-шеър» («Девон») (17: 2/391).

9. Аҳмад ал-Калободий (323-398/935-1008)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн Рустам ал-Бухорий, ал-Калободий — муҳаддис ва ҳофиз бўлган. Жумоду-л-охира ойида вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Иршод фи маърифати

ал-Бухорий

рижולי ал-Бухорий» («Бухорий шайхларини билиш хақидаги кўрсатма») (15: 4/88; 17: 1/260).

10. Суҳайл ал-Бухорий (341/952 йилда ҳаёт бўлган)

Саҳл ибн Абдуллоҳ ал-Бухорий — фозил инсон бўлган. Унинг «Сирру-с-силситати-л-алавия» («Алавий силсиланинг сири») номли асари бор (17: 1/802).

11. Муҳаммад ал-Бухорий (619/1222)

(Заҳируддин, Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар ал-Бухорий, ал-Ханафий — фақиҳ, усулшунос олим ва қозилардан бўлган. Бухорода ҳисоб-китоб ишларини бошқарган. Унинг асарларидан: «ал-Фатово аз-заҳирия» («Заҳируддин фатволари»), «Фавоид ала-л-жомийи-с-сағийр» [(Шаҳид кетган Ҳисомуддин қаламига мансуб «ал-Жомий ас-сағийр» («Кичик тўплам»)га фойдали шарҳлар] номли асар, шарҳловчи уни «ал-Фавоид аз-заҳирия», яъни фикҳ илми ҳақидаги «Заҳирий фойдалар» деб номлаган] (15: 6/111; 17: 3/88; 18: 11).

12. Маҳмуд ал-Бухорий (ваф. 570/1174 й.)

(Бурҳонуддин, Ибн Моза) Маҳмуд ибн Аҳмад ибн ас-Садр аш-шариъа аш-Шаҳид ал-Бухорий — шаҳид кетган «Садр аш-шариъа» унвонли олимнинг ўғли ва фақиҳ бўлган. Тахм. 570 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «ал-Мухит ал-бурҳоний фи-л-фикҳ» («Фикҳ илми ҳақидаги Бурҳонуддин уммони»), «аз-Заҳира ал-бурҳония фи-л-фатово» («Фатволар ҳақидаги Бурҳонуддин хазинаси»), «Татиммату-л-фатово» («Фатволарга қўшимчалар»), «Шарху-л-жомийи-л-кабийр» («ал-Жомий ал-кабийр» — «Кичик тўплам»га шарҳ») (17: 3/795; 14: 22).

13. Умар ал-Лайсий (ваф. 466/1074 й.)

Умар ибн Али ибн Аҳмад ибн ал-Лайсий ал-Бухорий (Абу Муслим) — муҳаддис, ҳофиз ва сайёҳ бўлган. Маълумотлар тўплаган ва асарлар тасниф этган. 466 х.й.да Жузистонда, бошқа бир ривоятда айтилишича, ал-Аҳводда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Жамъу байна-с-саҳихайни ал-муснад ва-с-саҳийх» («ал-Муснад» ва «ас-Саҳийх» номли икки ишончли тўплам уйғунлашган асар») (17: 2/566).

14. Муҳаммад ал-Бухорий (839/1435)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бухорий, ал-Хазаржий, аз-Замузий — фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «ал-Масотиъу-л-анвор фи истихрожи ма фи ҳадисил-исроъ мина-л-асрор» [«Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Маккаи мукаррамадан Қуддусга тунги саёҳати асносида намоён бўлган сирлар ҳақидаги ҳадисдан олинган фикрларга ойдинлик киритувчи нурларнинг порлаши»] (17: 3/618).

15. Муҳаммад ал-Кашмирий (1057-1130/1647-1718)

Муҳаммад Мурод ибн Али ал-Кашмирий ал-Бухорий ан-Нақшбандий — муфассир ва суфий бўлган. Ёшлигида Дамашққа, у ердан Рум диёрига борган ва ўша ерда вафот этган. Унинг асарларидан: «Жомийу-л-муфрадоти-л-куръония» («Қуръоний муфрадотлар тўплами»), «Рисола фи-т-тариқатин-нақшбандия» («Нақшбандия тарикати ҳақидаги рисола») (17: 3/710).

16. Алам ал-Бухорий (950/1543)

Алам ал-Бухорий (аш-Шариф Мир) — фозил инсон бўлган. Константиноплда вафот этган. Унинг асарларидан:

ал-Бухорий

«Шарху-л-фавоиди-л-ғиёсия» (Риторика ҳақидаги «ал-Фавоид ал-ғиёсия» асарига шарх») (17: 2/385).

17. Ҳасан ал-Қунужий (1210-1253/1795-1837)

Ҳасан ибн Али ибн Лутфуллоҳ ал-Бухорий, сўнгра ал-Қунужий, ал-Ҳиндий — факих ва мутакаллим бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Ихтисос фи-л-худуд ва-л-қисос» («Ҳад ва чегирмалар ҳақидаги мутахассисликни касб этиш»), «Таквияту-л-якин фи-р-радди ала ақоидии-л-мушрикийн» («Мушрикларнинг ақидаларини рад этишга бўлган ишончни кучайтириш»), «Нуру-л-вафо фи миръоти-с-сафо» («Сафолик кўзгусида кўринган вафо нури»), «Ҳидоят-л-муъминийн» («Мўминларни тўғри йўлга бошлаш»), «Равзату-л-уламо», («Уламолар бўстони») (17: 1/571; 7: 20).

18. Ал-Ҳасан ал-Қаттон (465-548/1073-1153)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Аҳмад ал-Қаттон ал-Марвазий ал-Бухорийу-л-асли — келиб чиқиши нуқтаи назаридан бухоролик бўлган, адаб, табобат ва бошқа илмлар билан шуғулланган тилшунос ва насабшунос олим. Гарчи асли Бухородан бўлса-да, лекин

туғилган ва вафот этган жойи Марв бўлган. Унинг асарларидан: «ад-Давҳа фи-л-ансоб» («Насаблар ҳақидаги катта дарахт»), «ар-Расоил фи-т-тибб» («Тиббий рисоалар»), «ал-Фавоид» («Фойдалар») (17: 1/571).

19. Али ал-Қунужий (1248-1307/1832-1890)

Али ибн Ҳасан ибн Али ибн Лутфуллоҳ ал-Ҳусайний, ал-Қунужий, ал-Бухорий — унга «Садик Ҳасан» деб мурожаат этганлар. Ҳадис айтган. 19 жумлоду-л-увлода туғилган ва ражаб ойида вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Хутта фи зикри-с-сихохи-с-ситта» («Олти ишончли тўпламни зикр этиш ҳақидаги режа»), «Тахрижу-л-васоё мин хабаё-з-завоё» (Қосим ал-Хоразмийнинг «аз-Заваё ва-л-хабаё фи-н-нахв» — «Нахв илмидаги аниқ ва пинхон жиҳатлар» асаридан ихтиёрий хулосалар чиқариш») (17: 1/571).

20. Али ал-Бухорий (666/1267)

Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бухорий, аз-Зарир (Ҳамидуддин, Абулҳасан) — адиб, нахвшунос, факих ва усулшунос олим бўлган. Унинг асарларидан: «Мухтасару-н-нахви» («Нахвнинг қисқартмаси»), «Китобу-л-аруз» («Аруз

китоби»), «Шарху-л-ғояти» («ал-Ғоят» шарҳи), «Таълиқа ала усули-л-Баздавий» (Паздавийнинг «Усулу-д-дин» асарига таълиқа, яъни қўшимча шарх») (17: 2/491).

21. Тоҳир ал-Бухорий (482-542/1089-1147)

Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ар-Рашид ал-Бухорий, ал-Ҳанафий (Ифтихоруддин) — факих бўлган. Бухорода туғилган ва жумоду-л-увло ойида Сарахсда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Хулосату-л-фатово» («Фатволарнинг хулосаси»), «Хизонату-л-воқийот ва нисобу-л-факих» («Воқеалар хазинаси ва факихнинг асоси») (14: 39; 17: 2/9).

22. Муҳаммад ал-Бухорий (381/991)

(Абу Бақр) Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Каморий ал-Бухорий, ал-Ҳанафий — фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «ал-Фавоид фи-л-фикҳ» («Фикҳ ҳақидаги фойдали маслаҳатлар») (14: 4; 17: 3/588).

23. Муҳаммад ал-Бухорий (991/1583 йилда ҳаёт бўлган)

(Алоуддин) Муҳаммад ибн Абдулбоқий ал-Бухорий, ал-Маккий (Абулмаъолий) — адиб, насрда китоб ёзадиган ижодкор, хатиб ва козилардан бўлган. 991

ал-Бухорий

х.й.да Мадина шахрида хатиб бўлган. Унинг асарларидан: «ат-Тироз ал-манкуш фи маҳосинил-л-хубуш» («Хабашларнинг яхши одатларига нақш бўлган намуна»), муаллиф мазкур асарни 991 х.й.да ёзиб тугатган ва уни «Нузхату-н-нозир ва сулвату-л-хотир» («Нозирнинг сайр қилиши ва хавф солувчининг таскин топиши» деб атаган), «Икду-л-фароид фима нузума мина-л-фавоид» («ал-Фавоид»дан назм этилган нодир дурлар шодаси») (17: 3/382).

24. Салоҳ ал-Бухорий (785/1383 йилда ҳаёт бўлган)

Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорий. Унинг қаламига мансуб бўлган асарлар: «Анису-т-толибийн ва уддати-с-соликийн фи маноқиби Баҳоуддин» (Баҳоуддин Нақшбанд маноқиби ҳақидаги «Толибларнинг дўсти ва солиқларнинг дастури», муаллиф ушбу асарни қуйидаги тўрт жуздан: «биринчиси — валийлик таърифи ҳақида, иккинчиси — Алоуддин ал-Аттор маноқиби ҳақида, учинчиси — Баҳоуддин маноқиби ҳақида, тўртинчиси — имомликнинг зикри ҳақида» — иборат қилиб тузган ва уни 785 х.й.да ёзиб тугатган) (15: 4/ 197; 17: 1/842).

25. Иброҳим ас-Саффор (ваф. 534/1139 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор ал-Бухорий, ал-Ханафий — мазкур Исмоилнинг ўғли бўлган. У калом илмининг олимларидан бўлиб, «аз-Зоҳид ас-саффор» номи билан машхур эди. У — мазкур Абу Иброҳимнинг ўғлидир. У хушомадгўйликдан узок, султонларга таъсир ўтказиш ва подшоҳларнинг қаҳрини кўзғатишда бамисоли отаси каби диёнатли ва зоҳид имом бўлган. Узок муддат Марвда яшаган ва Мовароуннаҳр ҳокимлигини ҳам эгаллаган эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 534 х.й.нинг 26 рабиъу-л-аввалида Бухорода вафот этган. Унинг асарларидан: «Талхису-л-адиллати ли-кавоиди-т-тавҳид» («Тавҳид илми қоидалари ҳақидаги далилларнинг қисқача баёни») (11: 3/548; 17: 1/14).

26. Аҳмад ар-Риғзамуний (414-493/1022-1100)

Аҳмад ибн Абдурраҳмон ибн Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ар-Риғзамуний ал-Бухорий — «Қози Жамол» номи билан танилган (Абу Наср), Бухоро уламолари ва қозиларидан бўлган. Шаввол ойида туғилган ва рамазон ойида Бухорода

вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Ғуруру-ш-шурут ва дуруру-с-сумут» («Хом шартлар ва шода дурлар») (17: 1/165).

27. Аҳмад ас-Саботий (447/1055)

Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Собит ас-Саботий ал-Бухорий — фақих ва фароиз илми бўйича етук олим бўлган. Бағдодда таҳсил олган ва ўша ерда вафот этган. У таълиф этган асарлардан: «ал-Муҳаззиб фи-л-фароиз» («Фароиз илми бўйича тарбия берадиган китоб») (17: 1/177).

28. Аҳмад ас-Сулаймоний (311-404/923-1014)

(Абулфазл) Аҳмад ибн Али Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Анир ас-Сулаймоний, ал-Пойкандий. Бир қанча юртларга сафар қилган. Уз даврида иснод келтириш, ёдлаш ва ишончли ҳадисларни келтиришда унга тенг келадигани бўлмаган. Кўплаб катта ва кичик асарлар яратган. Ҳар ҳафтада бирон нарса ёзар ва уни Пойканддан Бухоро жомеъ масжидига олиб борар ва у ерда ҳадис ўрганар эди. У уламо-лардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 3у-л-қаъда ойида вафот этган (11: 3/286; 17: 1/207).

29. Аҳмад ас-Собуний (580/1184)

Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакр ас-Собуний ал-Бухорий, ал-Ҳанафий (Нуруддин, Абу Муҳаммад) — фақиҳ ва мутакаллим бўлган. Бухорода сафар ойининг 6-куни вафот этган. У тасниф қилган асарлар: «ал-Кифоя фи-л-хидоя» («Ҳидоя» ҳақида етарли маълумот берувчи китоб»), «ал-Бидоя ва-н-нихоя» («Ҳидоя»нинг боши ва охири»), «ал-Муғний» («Қаноатлангирувчи китоб»). Мазкур асарларнинг барчаси дин асослари ҳақида (14: 41; 17: 1/304).

30. Исҳоқ ас-Саффор (ваф. 405/1014 й.)

(Абу Наср) Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Шийс ибн Наср ибн ал-Ҳакам ал-Адиб ас-Саффор ал-Бухорий — Бухоро ахлидан бўлган йирик фақиҳ, араб тили бўйича таниқли олим ва шоир. Унинг илм ҳақидаги байтлари (шеърлари) Бухорода ҳозиргача ўқилади. Илмнинг турли соҳаларига оид ҳадисларни ўрганган. У Маккада узок муддат яшаган ва кўп асарларини шу шаҳарда яратган. Унинг илми Маккада кенг тарқалган эди. Унинг асарларидан: «ал-Мадҳал ила Сибавайҳ» («Сибавайҳ наҳвига кириш»), «ал-Мадҳал ас-сағийр фи-н-наҳв» («Наҳв илмига оид ихчам кириш»), «ар-Раъд

ала ҳамза фи ҳудуси-т-тасқийф» («Талаффузда хижолаар содир бўлиши ҳақида ҳамзага раддия»), У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 405/1014 йилда Тоифда вафот этган (11: 3/547; 17: 3/340).

31. Исҳоқ ал-Бухорий (ваф. 206/821 й.)

(Абу Ҳузайфа) Исҳоқ ибн Бишр ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Солим ал-Бухорий — муаррих бўлган. Балхда туғилган. Бухорони ватан тутиниб, шу ерда истикомат қилган. Илму маърифатда пешво, ўта истеъдодли фақиҳ бўлган. Бухорога мансуб бўлган ва 206 х.й. шу ерда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Китобу-л-футуҳ» («Фатҳлар китоби»), «Китобу-р-ридда» («Муртадлик ҳақидаги китоб»), «Китобу-л-жумал» («Жумлалар китоби»), «Китобу сиффийн» («Сиффин китоби»), «Китобу-л-мубтадиъ» («Бошловчи учун қўлланма-китоб»), «Манзума арабия фи-т-тасриф» («Тасрифга оид арабча манзума») (17: 1/340).

32. Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 1173 х.й.)

Муҳаммад Ашраф Мир Абу ал-Барака ал-Бухорий — нақшбандия тариқатининг улуғларидан, таҳаллуси «якто», яъни

«ягона» бўлган. Маккаи мукаррамага келиб, шу ерда муқим яшаган ва 1173 х.й.да шу ерда вафот этган. Унинг асарларидан: «Девон» (форсча шеърлардан тузилган «Девон») (15: 6/332).

33. Асъад ас-Сайрафий (1088/1677)

Асъад ибн Юсуф ибн Али ас-Сайрафий ал-Бухорий (Мажидуддин) — фақиҳ бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Фатово ас-сайрафия» («Сайрафий тузган фатволар») (17: 1/353).

34. Ал-Ҳусайн ал-Бухорий (ваф. 774/1372 йилдан олдин)

Ал-Ҳусайн ибн Ҳажжож ас-Сифноқий ал-Бухорий ал-Ҳанафий — фақиҳ, ва усулшунос олим бўлган, кўпинча «ал-Ҳисом» номи билан аниқланган. Бағдодга борган. Марвда вафот этган. Унинг асарларидан: «Шарху-л-хидоя фи фуруъи-л-фикх» («Фикх соҳалари ҳақидаги «Хидоя»га шарх»), «Шарху усули-л-фикх» (Ахсикатийнинг фикх асослари ҳақидаги «Усулу-л-фикх» асарига шарх») (17: 1/606).

35. Ал-Ҳусайн ал-Ҳалимий (338-403/949-1012)

(Абу Абдуллоҳ) ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳалим ал-

ФО ал-Бухорий

Бухорий аш-Шофиъий — факих, мухаддис, мутакаллим ва адиб бўлган. Бухорода туғилган ва шу ерда нашъу намо топган. Бухорода қозиликни бошқарган. Рабиъу-л-аввал ойида вафот этган. У тасниф этган асарлардан: «Минхожу-д-дин фи шаъби-л-имон» («Имон аҳли ҳақидаги дин дастури», салкам уч жилддан иборат), «Оёту-с-соат ва ахволу-л-қиёмат» («Қиёмат ҳақидаги оятлар ва унинг ахволи») (14: 1/350; 17: 1/607).

36. Салим ал-Бухорий (1268-1347/1851-1928)

Салим ал-Бухорий, ад-Димашкий — олим ва адиб бўлган. 1268 х.й.да Дамашқда туғилган. Усманийлар қўшинида фатволар бўлимини бошқарган. Биринчи жаҳон уруши тугагандан кейин, аввало, Шўровий Кенгашига, сўнгра Маорифнинг катта Мажлисига аъзо, кейинчалик уламолар кенгашига раис қилиб тайинланган. Араб илмий жамиятига аъзо қилиб сайланган. Жумоду-л-увло ойининг ўнинчи куни Дамашқда вафот этган. У таълиф этган асарлар: «Рисола фи адаби-л-бахси ва-л-мунозарати» («Баҳс-мунозара ва тадқиқот олиб бориш ҳақидаги рисола»), «Халлу-р-румуд фи ақоиди-д-дуруз»

(«Дурузларнинг ақидаси ҳақидаги рамзларнинг хал бўлиши») (17: 1/777).

37. Тохир ал-Бухорий (504/1110)

Тохир ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ал-Бурхоний ал-Бухорий, ал-Ҳанафий — факих бўлган. Унинг асарларидан: «Фатово» («Фатволар»), «Фавоид» («Фойдалар») (17: 2/9).

38. Абдуррахим ат-Тамимий (382-461/992-1068)

(Абу Закариё) Абдуррахим ибн Аҳмад ибн Наср ибн Исҳоқ ибн Мазоҳим ибн Ғиёс ибн Амру ат-Тамимий ал-Бухорий — Мисрга келиб, шу ерда муқим яшаган. Мухаддис, ҳофиз ва сайёҳ бўлган. Рабиъу-л-аввал ойида туғилган. Мағрибу Машрикда ҳадис тинглаган ва ўзи ҳам ҳадис айтган. Сўнгра Мисрда истикомат қилган ва шу ерда ҳадис айтган. Ҳофизлардан бўлган. Ҳаврода вафот этган. Унинг қаламига мансуб бўлган асарлар: «Рисолату-р-рихлати ва асбобуҳо» («Рихлат ва унинг сабаблари ҳақидаги рисола»), «Рисола «Ло илоҳа иллоллоҳ ва савобуҳо» («Ло илоҳа иллоллоҳ» калимаси ва уни тўғри айтиш ҳақидаги рисола»), «Муштабаху-н-нисбати» («Шубҳали нисбалар») китобида

Абдулғаний ибн Саиддан ҳадис айтган (2: 1/422; 17: 2/129).

39. Абдуррахим ал-Бухорий (1103/1692)

Абдуррахим ибн Абдуллоҳ ар-Ромитаний ал-Бухорий . ан-Нақшбандий — суфий, тариқат аҳлидан бўлган. Тахм. 1103 х.й.да вафот этган. Унинг «ас-Силсила аз-заҳабия ат-тайфурия ал-хафия ан-нақшбандия» («Тайфурий хафий нақшбандийга хос олтин силсила») номли асари бор (17: 2/132).

40. Абдулазиз ал-Бухорий (730/1330)

(Алоуддин) Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Ҳанафий — факих ва усулшунос олим бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Кашфу-л-асрор фи шарҳи усули ал-Баздавий» («Паздавийнинг дин асослари ҳақидаги асарига ёзилган шарҳ билан боғлиқ сирларнинг кашф этилиши»), «ат-Таҳқиқ фи шарҳи-л-мунтахаб фи усули-л-мазҳаб» (Ахсикатийнинг «Шарху-л-мунтахаб фи усули-л-мазҳаб» асари ҳақида олиб борилган изланишлар), «Китобу-л-афния» («Фанолар ҳақидаги китоб», унда масжид ва бу дунёнинг ҳамда амалларнинг ўткинчи эканлиги зикр этилади), «Шарху-л-хидоя

фи фуруъи-л-фикхи-л-ханафий» («Ханафий фикхнинг соҳалари ҳақидаги «Ҳидоя» асарига шарҳ», унда «Ҳидоя»нинг «Никоҳ» бобигача бўлган қисми шарҳ қилинган)- (14: 51; 15: 4/112; 17: 2/157).

41. Абдулкарим ал-Бухорий (373/983)

(Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мусо ал-Миғий ал-Бухорий ал-Ханафий (Абу Муҳаммад) — суфий бўлган. Унинг асарларидан: «Насойиху-л-аброр» («Суюкли зотларнинг насиҳатлари») (17: 2/211).

42. Иброҳим ал-Бухорий (ваф. 322 х.й.)

Али Ромитаний Бухорий (Алийу-т-тож) — «Хўжа-и азизон» лақабли зот. 322 х.й.да вафот этган (1: 4).

43. Абдуллоҳ ибн Ризвон (718-784/1318-1382)

Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Ризвон ибн Юсуф ибн Ризвон ал-Бухорий ал-Моликий, кейин ал-Фосий (Абулқосим) — фақиҳ, хатиб, наҳвшунос, тилшунос олим ва ровийлардан бўлган. Назм ва насрда асарлар битган, котибларнинг сардорларидан бўлган. Измир да вафот этган. Унинг «Китоб фи-с-сиёсати-с-султония» («Султоний сиёсат ҳақидаги китоб») номли асари бор (17: 2/306).

44. Атоуллоҳ ал-Бухорий (1213/1798)

Атоуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бухорий, ал-Ханафий — Шайхулислом номи билан машҳур бўлган олим. Уз юртида таҳсил олган ва фақиҳ бўлиб етишган. Тахм. 1213 х.й.да вафот этган. У тасниф этган асарлардан: «Рафъу-л-ғавоши би-изоҳи татиммати-л-ҳавоший» («Ҳошияларга ёзилган кўшимчаларни изоҳлаш йўли билан шубҳаларни бартараф этиш»), «Ҳошия ала татиммати-л-Қаробоғий» («Қаробоғий кўшимчасига хошия-изоҳ») (17: 2/380).

45. Али ал-Мақдисий ал-Бухорий (596-690/1200-1291)

(Фахруддин, Абулҳасан) Али Аҳмад ибн Абдулвоҳид ал-Мақдисий ал-Ҳалабий — «Ибн ал-Бухорий», яъни «ал-Бухорийнинг ўғли» номи билан танилган фақиҳ. Унинг асарларидан: «Иснайу-л-мақосид ва аъзабу-л-маворид фи тарожими шуйухихи» («Имом ал-Бухорий шайхлари ҳақидаги манбаларнинг ифода-ларидан энг ёқимлиси ва мақсадларнинг энг олийси») (17: 2/396).

46. Али (Мир) ал-Бухорий (950/1543)

Али ал-Бухорий (Мир) — муфассир, муҳаддис ва риторик олим бўлган.

Константинополда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарҳ ала-л-фавоиди-л-ғиёсия фи илми-л-балоға» (Балоғат илми ҳақидаги Аддуддин қаламига мансуб «ал-Фавоиду-л-ғиёсия» номли асарга шарҳ») (17: 2/409).

47. Али ал-Бухорий (823/1420 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

(Алоуддин) Али ибн Муҳаммад ал-Бухорий — фозил одам бўлган. Унинг асарларидан: «Нузхату-н-назар фи-л-фарқ байна-л-иншо ва-л-ҳабар» («Иншо билан хабар ўртасидаги фарққа назар ташлаш»), муаллиф уни 823 х.й.да ёзган (17: 2/496).

48. Али аз-Зандависий ал-Бухорий (505/1111)

Али ибн Яҳё ал-Бухорий аз-Зандависий — фозил одам бўлган. Унинг асарларидан: «Равзату-л-уламо» («Олимлар бўстони») (17: 2/542).

49. Шавкат ал-Бухорий (ваф. 1108 х.й.)

Шавкат Бухорий. 1108 х.й.да вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Девон»и бор (12: 7).

50. Умар ал-Бухорий (903/1497)

(Хисомуддин) Умар ибн Абдулазиз ал-Бухорий — фақиҳ бўлган. Унинг асарларидан: «Рисола фил-фикх» («Фикх ҳақида рисола») (17: 2/562).

51. Иноятуллоҳ Охунд (1176/1762)

Иноятуллоҳ ибн Абдуллоҳ ал-Вобканий, ал-Бухорий, ал-Ҳанафий — «Охунд» номи билан танилган, илм-фаннинг баъзи соҳаларида фаолият олиб борган олим. Унинг асарларидан: «Хошия ала тафсири сурати-л-Бақара» («Байзовийнинг «Тафсиру сурати-л-Бақара» асарига битилган хошия-изоҳ»), «Хошия ала шарҳи-л-аздия» («Даввонийнинг «Шарху-л-аздия» асарига ёзилган хошия-изоҳ»), «Хошия ала шарҳи исботи-л-вожиб» («Шарху исботи-л-вожиб»га хошия-изоҳ»), «Хошия ала шарҳи-л-кофия» («Жомийнинг наҳв илми ҳақидаги «Шарху-л-кофия» асарига ёзилган хошия-изоҳ»), «Хошия ала шарҳи ҳикмати-л-айн» («Муборакшоҳнинг «Шарху ҳикмати-л-айн» асарига битилган хошия-изоҳ») (17: 2/587).

52. Муҳаммад ал-Калободий (380/990)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Калободий ал-Бухорий — муҳаддис ва илм-фаннинг баъзи соҳаларида фаолият олиб борган олим бўлган. Унинг асарларидан: «Баҳру-л-фавоид» («Маъонийу-л-ахёр» номи билан машҳур бўлган «Фойдалар уммони»), «Нубза мин «Китоби-т-таъарруф ли мазҳаби-т-

тасаввуф» («Китобу-т-таъарруф ли мазҳаби-т-тасаввуф»дан парча»), «Арбаъун ҳадисан», («Қирқ ҳадис»), «ал-Ашфоъ ва-л-автор» («Жуфт ва тоқ ўқиладиган дуолар»), «Мифтоҳу маъонийи-л-осор» «Асарларнинг мазмун-моҳиятини очувчи калит» (15: 4/105, 225; 17: 3/37).

53. Зайнуддин ал-Бухорий (ваф. 586 х.й.)

Зайнуддин Итобий Бухорий. 586 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Жавомиъу-л-фикх» («Фикх аҳкомларининг тўпламлари»), «Шарху жавомиъи-л-калим» («Жавомиъу-л-калим»га шарҳ»), «Китобу-з-зиёdot» («Кўшимчалар китоби») ва бошқа (14: 36).

54. Муҳаммад ал-Бухорий (604/1207)

(Абу Сайд) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий — шофиъий фақиҳ бўлган козилардан. У тасниф этган асарлардан: «ал-Мисбоҳ» («Чироқ»), «ал-Мухаллас» («Ихчам мазмун-моҳият»). Мазкур икала асар ҳам шофиъий фикҳнинг соҳаларини ёритишга бағишланган (17: 3/51).

55. Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 264/878 й.)

(Абу Ҳафс, Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий ,-г ҳанафий фақиҳ бўлган.

Унинг асарларидан: «Муқаддима», Абуссаъуд уни ўзининг баъзи фатволарида зикр этган (17: 3/51).

56. Муҳаммад ал-Бухорий (316/928)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сулаймон ал-Бухорий — муҳаддис ва муаррих бўлган. Унинг асарларидан: «Тариху Бухоро» («Бухоро тарихи») (17: 3/67).

57. Муҳаммад ал-Бухорий (1154-1200/1741-1786)

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Хайруллоҳ ал-Бухорий — муҳаддис, келиб чиқиши асли Бухородан бўлса-да, лекин ўзи Шом аҳлига мансубдир. Фаластиндаги Нобилусда яшаган ва шу ерда вабо касилага чалиниб, вафот этган. Унинг асарларидан: «ал-Қавлу-л-жалий фи таржимати Ибн Таймия»; («Ибн Таймиянинг таржимаи холи ҳақидаги илоҳий калом»), «Муъжаму-ш-шуйух» («Шайхлар комуси») (17: 3/100).

58. Муҳаммад Ғунжор (337-412/948-1021)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий — «Ғунжор» номи билан машҳур бўлган муҳаддис,

хофиз, муаррих ва факих. 412 х.й.да вафот этган. Шайхлик қилган. Унинг асарларидан: «Тариху Бухоро» («Бухоро тарихи»), «Мусаннаф фи фазоили-с-саҳобати-л-арбаъати» («Ч а х о р ё р л а р н и н г фазилатлари ҳақида тасниф этилган китоб»). У жуда кўп ҳадисларни билган ва уларни алоҳида варақларга ёзиб борган, шунингдек, ҳадис илмини ҳам яхши билган. Уни «Ғунжор» деб атаганлар. Зотан, у Исо ат-Тамимийнинг (ал-Ғунжор) ҳадисига риоя қилган. Марвга борган ва у ердаги шайхлардан ҳадис ёзиб олган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/293; 15: 6/61; 17: 3/101).

59. Муҳаммад ал-Бухорий (734/1334)

Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Али ибн Исҳоқ ал-Хусайний ал-Бухорий, сўнгра ад-Дехлий — суфий бўлган. У назм ва насрнинг нозик жиҳатларини яхши билган. Қуръони каримни ёд олган ва уни Аҳмад ан-Нишопурийдан ўқиб, ўрганган. Унинг асарларидан: «Анвору-лмажолис фи-т-тасаввуф» («Тасаввуф ҳақидаги мажлислардан таралган нурлар») (17: 3/122).

60. Муҳаммад ал-Бухорий (194-256/810-870)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий, ал-Жуъфий — Шарқ ва ва Ғарбда «ҳадис аҳлининг пешвоси» номи билан машҳур бўлган, муҳаддис, хофиз, факих, муаррих ва илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб борган етук олим. 13 шаввол куни тунда тугилган. Ўсибулғайғач, ўз юртидаги устоз уламолардан таҳсил олган. Сўнгра ҳадис излаб, бошқа ўлкалардаги муҳаддислар хузурига борган. Болалигида Хуросон, ал-Жибол ва Ироқнинг шаҳарларида, навқиронлик ёшида Хижоз, Шом ва Мисрда ҳадис ёзиб олган. Ноҳақ тухматдан аразлаб, Бухорони тарк этиб, Хартанг сари йўл олган ва ўша ерда оламдан ўтган. У Ийд ал-фитр — Рамазон ҳайити кечаси Хартангда вафот этган ва шу ерга дафн этилган. У тасниф қилган кўп сонли асарлардан: «ал-Жомиъ ас-саҳийх» («Ишончли тўплам»), «ат-Тарих ал-кабийр» («Катта тарих»), «ат-Тарих ас-сағийр» («Кичик тарих»), «ат-Тарих ал-авсат» («Ўрта тарих»), «ас-Сунан фи-л-фикх» («Фикх ҳақидаги сунналар»), «ал-Асмоу вал-куно» («Исмлар ва кунялар»), «Халку афъолил-ибод» («Бандаларга хос феъл-атворларнинг яратилиши»), «ал-Адаб ал-

муфрад» («Адаб дур доналари»), «Рафъу-л-йадаини фи-с-салот» («Намоз вақтида банданинг икки кўлини кўтариши»), «Аволийу-с-Сихоҳ» («Сихоҳга кирмаган заиф ҳадислар?»), «Асмоу-с-саҳоба» («Саҳобаларнинг исми шарифлари»), «Бирру-л-волидаини» («Ота-онага яхшилик қилиш»), «Бадъу-лмахлуқот» («Олам яратилишининг ибтидоси»), «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири»), «Китобу-р-риқок» («Нозик иборалар китоби»), «Китобу-з-зуъафо» («Заиф ҳадислар китоби»), «Китобу-л-фавоид» («Фойдалар китоби»), «Китобу-л-вахдон» («Биттагина ҳадис айтган саҳобалар китоби»), «Китобу-л-хайъат» («Хайъат китоби»), «Китобу-л-қироъати халфа-л-имом» («Имомга иқтидо қилган кишининг қироати ҳақидаги китоб»), «ал-Мабсут фи-л-ҳадис» («Ҳадис илми ҳақидаги улғайиш ва камолот китоби») (2: 1/422; 3: 329; 7: 45; 11: 1/293; 15: 6/16; 17: 3/130).

61. Муҳаммад ал-Бухорий (499-570 х.й.)

(Абурризо) Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Али ал-Хдсан ибн Юсуф ал-Бухорий — тиловат, зикр ва таҳажжуд намозини кўп қиладиган, художўй,

вд ал-Бухорий

пархезкор, такводор, таникли ва фозил имом бўлган. 499 х.й.да Бухорода туғилган. Тахм. 570 х.й.да вафот этган (14: 2/672; 25: 4/237).

62. Муҳаммад ал-Бухорий (XIII х.а./XIX м.а.)

Муҳаммад Оқил ибн Муҳаммад ибн Кошиф ал-Бухорий — XIII х.а. охири — XIV х.а. бошларидаги муаррихлардан бўлган. Унинг асарларидан: «Дурару-с-сулук фиман ҳакама мисра мина-н-нубвоб ва-л-мулук» («Мисрни бошқарган маликлар ва уларнинг ўринбосарлари ҳаётидан дурдоналар»), «Лавбйиху тажхизия ли тарихи-д-диёри-л-мисрия» («Миср диёри тарихини ёритиш учун тайёрланган лавҳалар») (17: 3/377).

63. Муҳаммад аз-Зоҳид (ваф.546/1151)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абдуррахмон ибн Аҳмад ал-Бухорий, ал-Алобий, ал-Ҳанафий — «Соҳибу-л-Ҳидоя» машойихларидан, «зоҳид» лақабли фақиҳ, мутакаллим, муфассир, воиз ва усулшунос олим бўлган. 546 х.й. жумоду-л-охира ойининг 12-куни вафот этган. Унинг асарларидан: «Тафсиру-л-Қуръони-л-карим» («Қуръони карим тафсири»), ушбу тафсир

кўп жуздан, айтишларича, минг жуздан иборат экан (15: 6/91; 17: 3/389).

64. Муҳаммад ан-Номусий (XIV м.а.)

Муҳаммад ибн Али ан-Номусий ал-Бухорий — фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «Китобу-д-дуъо» («Дуолар китоби») (17: 3/550).

65. Муҳаммад ал-Бухорий (895/1490)

(Шамсуддин, Абулмажид) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ар-Ромитаний — фақиҳ ва нахвшунос олим бўлган. Маккада ҳанафия мақомида имомлик қилган. Унинг асарларидан: «Шарху-л-муқаддиматил-аждрумийа» («Муқаддимату-л-ажрумийа»га шарх»), «Шарху танкихи-л-лубоб» («Танкиху-л-лубоб»га шарх), мазкур шархларнинг икаласи ҳам нахв илмига бағишланган (15: 6/216; 17: 3/676).

66. Муҳаммад ал-Бухорий (779-841/1377-1438)

(Алоуддин) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий, ал-Ажамий — ақлий ва нақлий илмлар билан шуғулланган олим

бўлган. Ажам диёрида туғилган ва Бухорода нашъу намо топган. Отаси ва амакиси ал-Ало Абдуррахмон хузурида ўқиб-ўрганиб, фақиҳ бўлиб етишган. Саъдуддин ат-Тафтазоний ва бошқалардан адабиёт ва ақлий илмлар бўйича таҳсил олган. Сўнгра Ҳинд диёрига йўл олган ва у ерда маълум муддат истиқомат қилган. Унинг ишлари ўша диёрнинг ҳукмдорлари томонидан эъзозланган. Сўнгра Маккага келган ва шу ерда яшаган. Кейинчалик Мисрга борган, у ерда яшаб, қориликни ўрганишга киришган ва Қоҳирада юксак унвон олган. Сўнгра Шомга борган ва то вафот этгунига қадар, яъни 5 рамазонгача Муздада — Дамашкнинг атрофидаги жойда истиқомат қилган. Унинг асарларидан: «Шарху иршоди-л-осий ли Саъидин ат-Тафтазоний» (Саъдуддин ат-Тафтазонийнинг «Иршоду-л-осий» асарига шарх»), «Фозихату-л-мулҳидийн ва носихату-л-муваххидийн» («Худосизларнинг шармандали иллоти ва ваҳдат аҳлининг ибратли насихати») — муаллиф ушбу асарни Дамашқда тасниф этган), «Рисола фир-радди ала-л-вужудия» («Вужудияни рад этиш ҳақидаги рисола»), «Фусусу-ш-шайхи-л-акбар» («Улуғ шайхнинг

дурдона ҳикматлари», ушбу асар тўрт дафтардан иборат), «Нузҳату-н-назар фи кашфи ҳақиқати-л-иншо ва-л-хабар» («Иншо ва хабар билан боғлиқ ҳақиқатларни кашф этиш ҳақидаги фикрга назар ташлаш»), «Таҳқику-л-аркони-л-арбаъати ли дини-л-ислом» («Ислом динининг тўрт аркони (тавҳид, маърифат, имон ва ислом)ни ўрганиш» (15: 6/191; 15: 2/1215; 17: 3/688).

67. Муҳаммад ан-Накшбандий (791/1389)

(Баҳоуддин) Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Накшбандий ал-Бухорий — воиз бўлган. Унинг асарларидан: «Танбеҳу-л-ғофилийн» («Ғофилларга танбеҳлар»), «ал-Аврод ал-баҳоия» («Баҳоуддин айтган дуолар») (17: 3/696).

68. Муҳаммад ал-Бухорий (678/1279)

Муҳаммад ибн Махмуд ал-Бухорий, ан-Нокуравий ал-Ҳиндий ас-Сухравардий (Хамидуддин) — қозилардан бўлган. Дехлида вафот этган. Унинг «Таволиъу-ш-шумус фи асмоъи-л-қуддус» («Муқаддас исмлар ҳақидаги қуёшларнинг чиқиши» ёки «Шарху асмоиллоҳи-л-хусна» («Аллоҳ таолонинг гўзал исмларини шарҳлаш» деб ҳам аталадиган асари бор (14: 47; 17: 3/701).

69. Махмуд ал-Бухорий (627-671/1230-1272)

(Абулмаҳомид) Махмуд ибн Муҳаммад ибн Довуд ал-Луълуъий ал-Бухорий, ал-Ифсанжий (Абулмаҳомид) — факих, муҳаддис, хофиз, муфассир, мутакаллим, адиб ва усулшунос олим бўлган. Бухорода туғилган ва мўғул-татарларнинг Бухорога қарши жангида қатл қилинган. Унинг асарларидан: «Шарҳ ала манзумат-н-Насафий» («Насафий манзумасига шарҳ», муаллиф уни «Ҳақоиқу-л-манзума» — «Манзуманинг ҳақиқатлари» деб номлаган), «Хусулу-л-маъмул фи-л-хилоф» (Насафийнинг хилоф илми ҳақидаги «Хусулу-л-маъмул», яъни «Умид қилинганга эришиш» деб номланган асари) (17: 3/828).

70. Мурод ибн Али (1050-1132/1640-1720)

Мурод ибн Али ибн Довуд ибн Камолуддин ибн Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Хусайний, ал-Ханафий, ал-Бухорий ан-Накшбандий — суфий бўлган, тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа ақлий ва нақлий илмлар ривожига ҳисса қўшган олим. Ҳаж амалини адо этиш ва Расулulloҳ (с.а.в.)нинг қабрини зиёрат қилиш учун Ҳижоз диёрига борган ва уч йил давомида Маккага қўшни бўлиб яшаган. Сўнгра Бағдод

сари юзланган, у ердан Бухоро ва Исфохонга борган. Ушбу сафар асносида Самарқанд ва Балх уламолари билан ҳамсухбат бўлиб, улар билан дўстлашган. Сўнгра Бағдодда маълум муддат яшаб, у ердан иккинчи марта Маккага борган. Ундан кейин Мисрга келган ва шу ерда истикомат қилган. Сўнгра Константинополга кўчиб борган. Султон Мустафо Дамашқда жойлашган ўзига қарашли ўқув даргоҳлари — «ал-Мадраса ал-муродия», «ал-Мадраса ан-накшбандия ал-буруния» ва жожеъ масжиддаги баъзи қориларни унга тақдим қилган, ундан эса кейинчалик Аҳмад ал-Маниний қабул қилиб олган. У рабиъу-с-соний ойининг 12-куни Константинополда вафот этган. Жасади «Дарсхона» мадрасасига дафн этилган. У таълиф этган асарлардан: «ал-Муфрадот ал-Қуръония» (араб, форс ва туркий тиллардаги «Қуръоний муфрадотлар»), нақшбандия тариқатига оид кўпгина рисолалар, жумладан «Силе илату-з-захаб» («Олтин силсила») (17: 3/839).

71. Масъуд ал-Бухорий (461/1069)

Масъуд ибн Муҳаммад ал-Бухорий (Абуляман) — муаррих бўлган. Унинг

^^ ал-Бухорий

асарларидан: «Мухтасару тарихи Бағдод» (Хатиб ал-Бағдодий каламига мансуб «Тариху Бағдод» асарининг қисқартмаси») (7: 29; 15: 4/288; 17: 3/850).

72. Мирмоҳ ал-Бухорий (1063/1653)

Мирмоҳ ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайний ал-Бухорий — суфий ва фақиҳ бўлган. Мадина-и мунавварада муқим яшаб қолган ва шу ерда вафот этган. Унинг асарларидан: «Маражу-л-бахрайни» («Икки уммоннинг бўҳрони»), «ал-Жамъ байна-л-мазхабайни» («Икки мазхаб вакилларига, яъни ботин ва зохир аҳдига оид фикрлар уйғунлашган тўплам») (15: 5/486; 17: 3/947).

73. Насруллоҳ ар-Рўёний (766-833/1365-1430)

(Жалолуддин, Абулфатх) Насруллоҳ ибн Абдуррахмон ибн Аҳмад ибн Исмоил ал-Ажамий ал-Ансорий ал-Бухорий ар-Рўёний ал-Кажуравий — суфий, файласуф (ҳаким), араб, форс ва турк тилларининг билимдони бўлган. Тахм. 766 х.й.да Ажам ўлкасидаги Рўён кишлокларидан бўлган — Кужварда туғилган. Сўнгра Қоҳирага келган ва бу ердаги амирлару аёнлар билан дўстлашган. Нафис ва нодир китобларни тўплаган. Давлатда ўз кадр-қимматига эга бўлган.

Ражаб ойининг 6-куни Қоҳирада вафот этган, жасади ўзининг уйига дафн этилган. У бу жойнинг Хон ал-Халилийга яқин жойдаги зовия бўлиб қолишини васият қилган. Унинг асарларидан: «Иъл о му - ш - ш у х у д биҳақоики-л-вужуд» (Тасаввуф илмига оид «Шоҳидларнинг вужуд ҳақиқатлари хусусида хабар беришлари» номли асар), «Ғуняту-т-толиб фима иштама алайҳи-л-вахму мина-л-матолиб» («Талаб қилинган нарсадан ваҳима чулғаб олган толибнинг заҳираси») (17: 4/27).

74. Муҳаммад ал-Бухорий (986/1578)

Муҳаммад ибн Абдуллатиф — «Бухорийзода» номи билан машҳур бўлган муфассир ва фақиҳ. Шомнинг Триполисида козилик фаолиятини давом эттираётган вақтда вафот этган. Бу вақтда унинг ёши тўксондан ошган эди. Унинг асарларидан: «Хавош ала тафсири-л-Байзовий» («Байзовий тафсирига хошиялар-изоҳлар»), «Шарху китоби-кароҳияти ва китоби-л-васоя мина-л-Ҳидоя» («Ҳидоя» асаридан «Китобу-л-кароҳияти ва китобу-л-васоя» қисмларини шарҳлаш») (17: 3/425).

75. Абдулҳолик ал-Мулатий (575/1179)

Абдулҳолик ибн Абдулжамил ал-Мулатий, ал-Ғиждувоний ал-Бухорий — суфий бўлган. Унинг тасаввуф ҳақида «ал-Васоё» («Васиятлар») деб аталадиган асари бор (17: 2/69).

76. Муҳаммад Имомзода (491-573/1098-1177)

Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Қумий, ал-Жуғий ал-Бухорий, ал-Ҳанафий — «Имомзода» номи билан машҳур бўлган фақиҳ ва мутакаллим. Бухоро аҳлининг энг ёш вакили. Бухоро аҳли учун фатволар чиқарган. Унинг асарларидан: «Шуръату-л-ислом» («Ислом шариати»), ёки «Уқуду-лақоид фи фунуни-л-фавоид» («Фойдали фанлар ҳақидаги ақидаларнинг шодаси») (15: 6/98; 17: 3/171).

77. Умар Тожу-ш-шариъа (672/1273)

(Тожу-ш-шариъа) Умар ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ал-Маҳбубий ал-Бухорий — ханафий фақиҳ бўлган. Унинг асарларидан: «Нихояту-л-кифоя фи дироят-л-хидоя» (Ханафий фикҳ соҳалари ҳақидаги «Ҳидоя» асарини билиш учун етарли бўлган сўнги маълумотлар») (17: 2/552).

78. Умар ал-Уқайлий (576/1180)

(Абу Ҳафс) Умар ибн Муҳаммад ибн Мукаммад ибн Аҳмад ал-Уқайлий ал-Ансорий ал-Бухорий (Шарафуддин) — ханафий фақиҳ ва мутакаллим бўлган. Унинг асарларидан: «Минхожул-фатово фи-л-фикх» («Фикх илми ҳақидаги фатволар дастури»), «ал-Ҳодий фи илми-л-калом» («Калом илми ҳақида тўғри йўлга бошловчи китоб») (17: 2/577).

79. Аҳмад ал-Уқайлий (657/1259)

(Шамсуддин) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Уқайлий ал-Ансорий ал-Бухорий — ханафий фақиҳ бўлган. У фикх илмини онаси томонидан бобоси (Шарафуддин)дан ўрганган. Бухорода вафот этган. Унинг асарларидан: «Назм ал-жомий ас-сағийр» (Шайбоний қаламига мансуб «ал-Жомий ас-сағийр»нинг назмий шакли) ва ханафий фикх соҳаларини ёритишга бағишланган мазкур асарнинг шарҳи (17: 1/245).

80. Абдулазиз ал-Ҳалвоий (ваф. 456/1064 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ ал-Бухорий ал-Ҳалвоий — ханафий фақиҳ бўлган. Бухорода вафот этган. Унинг асарларидан: «Шарҳу адаби-л-қози ли-л-Хассоф» (Хассофнинг

«Қозилик одоби» асарига шарҳ), «ал-Воқийот» («Воқеалар»), «Шарҳу «ал-Жомий ал-кабийр» (Шайбоний қаламига мансуб «ал-Жомий ал-кабийр» — «Катта тўплам»га шарҳ). Иккала асар ҳам ханафийлик фикҳининг соҳаларини ёритишга бағишланган. «А л - Ф а т о в о» («Фатволар»), «ал-Мабсут» («Кенгайтирилган»), «Китобу-н-нафақот» («Нафақалар китоби») (17: 2/158).

81. Абдуллоҳ ал-Бухорий (ваф. 799 х.й.)

(Тожуддин) Абдуллоҳ ал-Бухорий. 799 х.й.да вафот этган. «Ал-Баҳр ал-жорий фи-л-фатово» («Фатволар ҳақидаги оқар дар» номли асар унга тегишли (13: 4/224; 15: 4/224).

82. Али ал-Бухорий

Али Шоҳ Муҳаммад ибн Қосим ал-Хоразмий — «Алоу ал-Бухорий ал-мунажжим» номи билан танилган. Унинг асарларидан: «ал-Ашжор ва-л-асмор» (хукмлар ҳақидаги «Дарахтлар ва мевалар» номли китоб), «Аҳком у-л-аъвом» («Саналарнинг ҳукмлари», форсча) (15: 4/84, 103).

83. Абулмаҳосин аз-Заранжирий (589/1193 йилда ҳаёт бўлган)

Абулмаҳосин ибн Мансур ибн Маҳмуд ал-

Бухорий — ханафий шайхлардаы бўлган. Унинг қатор асарлари бор (17: 3/16).

84. Муҳаммад ал-Бухорий (603/1207 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Умар Моза ал-Бухорий — «Садри жаҳон» лақаби билан танилган ханафий фақиҳ. Унинг асарларидан: «Таълика фи-л-хилоф» («Хилоф илми ҳақидаги асарга таълика-қўшимча изоҳ») (17: 3/416).

85. Муҳаммад ал-Бухорий (967/1560 йилда ҳаёт бўлган)

(Алоуддин) Али ибн Али ибн Аҳмад ал-Бухорий ал-Ханафий — мутакаллим бўлган. Унинг асарларидан: «Фароиду-л-қалоид ғузару-л-фавоид фи шарҳи-л-ақоид» (Насафийнинг «Шарҳу-л-ақоид» — «Акидалар шарҳи» китоби ҳақидаги «Фароиду-л-қалоид ғузару-л-фавоид» — «Маржонларнинг дурдоналари ва фойдаларнинг саралари» номли асар). Муаллиф ушбу асарни 967 х.й. ёзиб тугатган (17: 2/478).

86. Муҳаммад ал-Нужобозий (ваф. 533/1139 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад

фф ал-Бухорий

ан-Нужобозий ал-Бухорий — фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Унинг асарларидан: «Мартаъу-н-назар фи фазои-ла-аъмол» («Амалларнинг фазилатлари ҳақидаги қарашлар майдони»), «Маҳосину-л-ахлоқ» («Гўзал ахлоқлар») (17: 3/416).

87. Маҳмуд аш-Шаҳид (ваф. 570/1174 й.)

(Бурхонуддин ибн Моза) Маҳмуд ибн Аҳмад ибн ас-Садр аш-шаҳид ал-Бухорий — фақиҳ бўлган. Тахм. 570 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «ал-Мухит ал-Бурҳоний фи-л-фикҳ» (Фикҳ илми ҳақидаги «Бурҳоний уммон»), «аз-Захира ал-бурҳония фи-л-фатово» («Фатволар ҳақидаги Бурҳоний захира»), «Татиммату-л-фатово» («Қўшимча фатволар»), «Шарху-л-жомиъи-л-кабийр» (Шайбонийнинг «ал-Жомиъ ал-кабийр» — «Катта тўплам» асарига шарх») (17: 3/795).

88. Маҳмуд ал-Ҳасирий (546-636/1151-1238)

(Абулмаҳомид, Жамолуддин) Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдуссайд ибн Усмон ибн Наср ибн Абдулмалик ал-Ҳасирий — Бухоро худудига қарашли Ҳасир қишлоғидан, ханафий фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Жумоду-л-увло ойида Бухорода таваллуд топган.

Кўп ҳадис тинглаган. Сўнгра Дамашққа бориб, у ердаги «Нурия» мадрасида таҳсил олган. Сафар ойининг 8-куни Дамашқда вафот этган. Жасади суфийларнинг мозорига дафн этилган. Унинг асарларидан: «Шарху-л-жомиъи-л-кабийр» (Муҳаммад Шайбоний қаламига мансуб ханафий фикҳнинг соҳалари ҳақидаги «ал-Жомиъ ал-кабийр» «Катта тўплам»га шарх), у саккиз жилддан иборат). У «ал-Жомиъ ал-кабийр»га бундан бошқа ҳам яна иккита шарх битган. Мазкур шархларнинг бири — «Мухтасар» («Мухтасар»), иккинчиси эса — «Мутаввал» («Узундан-узок» бўлиб, муаллиф уни «ат-Таҳрир» деб номлаган). Унинг яна бир китоби бор, муаллиф унга «Хайру-л-матлуб фи илми-л-марғуб» («Кўнгил тусаган илм ҳақида талаб этилганларнинг яхшиси») деб ном берган. «Шарху-с-сияри-л-кабийр» (Шайбонийнинг «ас-Сияр ал-кабийр» асарига шарх») (17: 3/796).

89. Ал-Хусайн ал-Ҳаким ал-Бухорий (370-428/980-1037)

(Абу Али) Шайху-р-раис ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино — ишлари ва асарлари билан кадр-қиммат топган, кўп асарлар муаллифи ва файласуф бўлган. 370 х.й.

Бухородаги Афшона қишлоғида таваллуд топган. Аҳволи батамом ёмонлашиб, 428 х.й. шаъбон ойида 58 ёшида Ҳамадонда вафот этган. Унинг асарларидан: «Мухотабатул-арвоҳ баъда муфорақати-л-иттибоҳ» («Шарпалардан ажралгандан кейин руҳларнинг бир-бири билан ўзаро гашлашиши»), «ал-Мамолик ва нақъу-л-арсад хайъати-л-ард» («Мамлакатлар ва ер таркибини кузатишни қиёмага етказиш»), «ал-Ажвиба ала масоили-лашар» («Ўн саволга ўн жавоб»), «Ахлоқу-ш-шайхи-р-раис» («Шайхур-раиснинг ахло-ки»), «ал-Адвия ал-қалбия» («Юрак дори-лари»), «Авсату-л-Журжоний» («Журжонийнинг қоқ ўртаси»), «Уржуза фи-т-тибб» («табобатга оид уржуза»), «ал-Истибсор» («Синчиклаб кўриб чиқиш»), «ал-Ишорот ва-т-танбихот фил-мантиқ ва-л-ҳикма» («Мантиқ ва фалсафа ҳақидаги ишоралар ва танбехлар»), «ал-Ишора фи исботи-н-нубуввати» («Пайғамбарликнинг исботига оид бир ишора»), «ал-Инсоф ва-л-иттисоф» («Адолат ва ўзига хосликлар»), «ал-Барир ала-атам фи-л-ахлоқ» («Энг олий ахлоқ»), «Китобу-л-қонун фи-т-тибб» («Тибб қонунлари китоби») (2: 1/423; 6: 1; 7: 46; 15: 4/12, 36; 16: 419).

ал-Бухорий/ал-Бахжармаений

90. Абу Абдуллох ал-Бухорий

Абу Абдуллох ибн Абу Хафс ал-Бухорий. Унинг «Зоду-л-муттакийн» («Махорат сохибларининг йўл озукаси» номли асари бўлган (14: 62).

91. Абулфазл ал-Бухорий (ваф. 693 х.й.)

(Хофизуддин) Каср Абулфазл Муҳаммад ал-Бухорий. 693 х.й.да вафот этган (14: 48).

92. Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 852 х.й.)

(Алоуддин) Муҳаммад ибн Абдуррахмон ал-Бухорий. 852 х.й.да вафот этган. «Тафсиру-л-Алобий» («Алобий тафсири»), «Шарху иршоди-л-ходий» («Иршоду-л-ходий» — «Тўғри йўлга бошловчининг кўлланмаси»га шарх») номли асарлар унга тегишли (15: 4/79; 21: 11).

93. Муҳаммад ал-Бухорий

(Нуруддин) Муҳаммад ибн Муҳаммад Яхё ибн Тохир ибн Усмон ал-Авфий ал-Бухорий ал-Хднафий ал-Ушавий — хижрий бешинчи асрнинг охири ва олтинчи асрнинг бошларидаги фозил инсонлар ва Туркистон уламоларидан бири бўлган. «Жавомиъу-л-хикоёт ва ладомиъу-р-ривоёт» («Хикоятлар тўплами ва энг қайғули

ривоятлар») номли асарлар унга тегишли (20: 560).

94. Муҳаммад ал-Бухорий

Муҳаммадамин ибн Убайдуллох ал-Мўминободий ал-Бухорий ал-Ханафий. Унинг асарларидан: «ал-Амния фи-л-фурӯ» («Муҳаммадаминнинг фикҳ соҳалари ҳақидаги қарашлари»). Бу асар — қисқартма бўлиб, унинг аксарият қисми Бухоро аҳли учун форсча матнлардан иборат, шунингдек унда Қўхистонийнинг «Шарху мухтасари-л-виқоя»сидан ҳам кўпгина фасллар келтирилган. Асар «Ё доима-л-фазли алайна...илах», яъни «Эй, фазилатларимизни бардавом айлагувчи Зот!... хоказо» деб бошланади (15: 4/169; 18: 15).

95. Муҳаммад ал-Бухорий

Муҳаммад ибн Муҳаммад Абулфатх ал-Бухорий — хофиз бўлган. Унинг «Шарху хадиси-л-арбаъийн» («Қирк хадисга шарх») номли асари бор (14: 57; 15: 4/58).

96. Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 400 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Халаф ибн Хизр ал-Каробисий — асли бухоролик бўлган, лекин Нишопурда яшаган.

400 х.й.да вафот этган. «Муъжизоту-л-анбиё» («Пайғамбарларнинг муъжизалари», қисқартирилган шаклда ёзилган асар, эҳтимол у («Тожу-л-фирдавс», яъни «Жаннатий боғнинг тожи»идан) танланган «Қисасу-л-анбиё» («Пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар») бўлиши ҳам мумкин (24: 1/7).

97. Мир ал-Бухорий (ваф. 1246 х.й.)

Мир Абдулкарим Бухорий. 1246 х.й.да вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Бадру саодат» («Саодатнинг тўлин оий»), «Саёхатнома» (Туркистон ва Афғонистон тарихи ҳақидаги «Саёхатнома» номли асар) (7:11).

98. Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 482 х.й.)

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳусайн Бухорий (Хохарзода). 482 х.й.да вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Изох» («Изох») — «Мабсут» («Соддалаштирилган китоб») (14: 23).

109

АЛБАХЖАРМАЁНИЙ

«Бахжармон» деб ҳам аталадиган «Бахжармаён»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқ. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

ал-Бахжармаёний/ал-Бодокирий/ал-Будахкасий/ал-Бадёнавий/
•0 ал-Будайлий/ал-Бадахший

1. **Хафс** ал-
Бахжармаёний
Хафс (Хасн) ибн
Абдулхалим ал-
Бахжармиёний. Ирок ва
Ҳижозга борган,
уламолардан хадис
тинглаган (2: 1/423; 11: 1/
294).

110
АЛБАДОКИРИЙ

«Бодокирий» деб х,ам
а т а л а д и г а н
«Бодокир»дан ясалган
нисба. У — Бухородаги
шишлоц. Қуйидаги олим
шу қишлоққа мансубдир:

1. **Ризвон** ал-
Бодокирий

(Абу Жаъфар) Ризвон
ибн Солим ал-Бодокирий
ал-Бухорий. У
уламолардан, ундан эса
бошқалар хадис ривоят
қилганлар (2: 1/424; 11: 1/
295).

111
АЛБУДАХКАСИЙ

«Будахкас»дан ясалган
нисба. У — Исфижоб ёки
Шошдаги қишлоқлардан
бири. Қуйидаги олим шу
қишлоққа мансубдир:

1. **Микоил** ал-
Будахкасий (324 х.й.да
катл қилинган)

(Абу Сайд) Микоил ибн
Хднифа ал-Будахкасий. У
уламолардан, ундан эса
бошқалар хадис ривоят
қилганлар. 324 х.й.да

шахидларча қатл қилинган
(2: 1/425; 11: 1/295).

112
АЛБАДЁНАВИЙ

«Бадёна» деб х,ам
аталадиган «Бадёно»дан
ясалган нисба. У —
Насафдаги қишлоқлардан
бири. Қуйидаги олим шу
қишлоққа мансубдир:

1. **Абу Салма** ал-
Бадёнавий

Абу Салма ал-
Бадёнавий — зоҳидлардан
бири бўлган. Абу Салма
ал-Бадёнавийнинг
зоҳидлик ва унинг нозик
жиҳатларини англаш
ҳақида билдирган фикр-
лари бор (2: 1/428; 11: 1/
297).

113
АЛБУДАЙЛИЙ

«Будайл»дан ясалган
нисба. У — Бухоро
ахлидан бўлган бир
бобонинг исми. Қуйидаги
олимлар шу нисбага
мансубдирлар:

1. **Абдуллоҳ** ал-
Будайлий (ваф. 343 х.й.)

(Абу Бакр) Абдуллоҳ
ибн Муҳаммад ибн Будайл
ал-Ашқар ал-Будайлий —
ўз давридаги ахли раъйга
мансуб шайх, уларнинг
Бухородаги пешвоси, ўз
мазҳабида ўта матаассиб
инсон бўлган. Кўп
ҳадисларни билган,
уларни аниқ-гиник
эшитган ва айтиб бера

олган. Бухоро, Марв ва
Райда хадис тинглаган. 343
х.й.да вафот этган (И: 1/
298).

2. **Муҳаммад ибн**
Жаъфар (ваф. 400 х.й.дан
олдин)

(Абулфазл) Муҳаммад
ибн Жаъфар ибн
Абдулкарим ибн Будайл
ибн Вурко ал-Хазобий ал-
Будайлий ал-Мукрий ал-
Журжоний — Журжон
ахлидан бўлган. Қироат
турларини яхши билган.
Ўзининг илмлари бўйича
китоблар тасниф қилган.
У уламолардан, ундан эса
бошқалар хадис ривоят
қилганлар. 400 х.й.дан бир
оз олдин вафот этган.

114
АЛБАДАХШИЙ

«Бадахшонядан
ясалган нисба. У —
Тўхористоннинг юқори
к,исмидаги шах,ар,
туркий халицлар тасар-
руфидаги ўлкаларнинг
чегараси. Қуйидаги олим
шу жойга мансубдир:

1. **Иброҳим** ал-
Бадахший

(Абу Исҳок) Иброҳим
ибн Хррун ал-Бадахший,
ал-Балхий. У уламолардан,
ундан эса бошқалар
ҳадис ривоят қилганлар
(2: 1/429).

ал-Базихуний/ал-Базийсий/ал-Бароражоний/ал-Барокадий/ал-Бароний

115
АЛБАЗИХУНИЙ

«Базихун»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим иғу жойга мансубдир:

1. Исмоил ал-Бадихуний

(Абу Иброҳим) Исмоил ибн Ақмад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Мактаб ал-Базихуний. Қуръони каримни ёддан биладиган ҳофиз бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/431; 11: 1/302).

116
АЛ-БАЗИЙСИЙ

«Базийс»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоқда мансубдир:

1. Абдуссамад ал-Базийсий (ваф. 533 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Абдуссамад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Базийсий — Марвдаги «ас-Соғий» масжидининг имоми бўлган. Зоҳири яхши ва салоҳиятли шайх бўлган. 533 х.й.да вафот этган ва Саждонга дафн этилган (2: 1/431; 11: 1/302).

117
АЛБАРОРАЖОНИЙ

«Бароражон»дан

ясалган нисба. У — Марвдаги бир дах, а. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ал-Қосим ал-Бароражоний (ал-Барозажоний) (ваф. 292 х.й.)

(Абу Муҳаммад) ал-Қосим ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳамза ал-Фароҳиноний ал-Бароражоний (ал-Барозажоний). Ҳадисларни ёддан билган ҳофиз ва имом бўлган. Отаси ҳам машхур муҳаддислардан бўлган. Унинг шаҳар дарвозасига яқин жойдаги жомеъ масжид ичида ҳофиз ва уламолар иштирок этадиган ўз тўгараги бўлган. 292 х.й.да вафот этган (2: 1/433; 11: 1/305).

118
АЛБАРОКАДИЙ

«Барокад» <«Барокади»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ал-Фазл ал-Барокадий ал-Бухорий

(Абулаббос) ал-Фазл ибн Муҳаммад ибн Сун ал-Барокадий ал-Бухорий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/436; 11: 1/305).

119
АЛБАРОНИЙ

«Фарвон» ва «Фароний» деб х, ам аталадиган «Барон~Барони»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Али Нидо ал-Бароний (1291/1874 йилда ҳаёт бўлган)

Али Нидо ал-Бароний — нахвшунос олим бўлган. Унинг асарларидан: «Шарху иснайи-л-матолиб ли ҳидояти-т-толиб» («Иснайу-л-матолиб ли ҳидояти-т-толиб» — «Илми толибни тўғри йўлга бошлаш учун лозим бўлган икки талаб» асарига шарҳ), муаллиф мазкур асарни 1291 х.й. муҳаррам ойида ёзиб тутатган (17: 2/538).

2. Муҳаммад ал-Бароний

Абу Бакр Муҳаммад Исмоил ал-Бароний — фақиҳ, ишончли, ростгўй ва имонли инсон бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/437; 11: 1/305).

3. Маҳмуд ал-Бароний

(Абу Саҳл) Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бароний — юқорида номи зикр этилган Абу Бакрнинг ўғли. У уламолардан, ундан эса

ал-Бароний/ал-Бархушоний/ал-Бардодий/ал-Бардаъий

бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/437; 11: 1/305).

4. Саҳл ал-Бароний (ваф. 524 х.й.)

(Абулмаъолий) Саҳл ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бароний — юқорида номи зикр этилган Маҳмуд ал-Баронийнинг ўғли. Илмига амал қилувчи олимлардан, воиз, имом ва фозил инсон бўлган. Илм билан шуғулланган ва ундан кўпчилик сабоқ олган. Сўнгра тоат-ибодат ва Куръон тиловатига берилган. Маълум бир муддат Маккага қўшни жойда яшаган. Ибодат ва ижтиҳодни кўп қилувчи банда бўлган. 524 х.й.да вафот этган (2: 1/437; 11: 1/305).

5. Муҳаммад ибн Саҳл ал-Бароний

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Саҳл ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бароний — хатиб ва юқорида номи зикр этилган Саҳлнинг ўғли бўлган (11: 1/305).

6. Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бароний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Бароний — солиҳ ва фозил фақиҳ бўлган (11: 1/306).

7. Абдулалим ал-Бароний

(Абу Муҳаммад) Абдулалим ибн Муҳаммад

ибн Абу Бакр ал-Бароний — адиб ва қори бўлган (11: 1/306).

8. Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Бароний

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Абу Асома ибн Зайд ибн Муҳаммад ибн Сайд ибн Ҳамдон ибн Исҳоқ ал-Бароний — адиб бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/306).

120

АЛБАРХУШОНИЙ

«Бархушон»дан ясалган писба. У — Мовароуннах,рдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдуллоҳ ал-Бархушоний

Абдуллоҳ ибн Али ал-Фарғоний. У Бархушонда туғилган (2: 1/446).

121

АЛБАРДОДИЙ

«Бардоди»дан ясалган писба. У — Самарқанддаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ан-Назр ал-Бардодий

(Абу Салма) ан-Назр ибн Расул ал-Бардодий ас-Самарқандий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/446; 11: 1/312).

122

АЛБАРДАЪИЙ

«Бардаъа»дан ясалган писба. У — Озарбайжон ўлкасидаги олис шах, ар. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Бардаъий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Яҳё ибн Ҳилол ал-Бардаъий. Бағдодда яшаган. Самарқандга келган. Фозил адиб ва шоир бўлган.

2. Мунаббих ал-Бардаъий

(Абу Аҳмад) Мунаббих ибн Абдулмажид ибн Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Бехбуд ал-Бардаъий. Самарқандда яшаган. Аҳли суннага мансуб фозил инсон бўлган (11: 1/314)

3. Ал-Ҳусайн ал-Бардаъий (349-406/960-1016)

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Тохир ибн Холид ибн Идрис ибн Бакр ибн Ҳабиб ибн Зухайр ибн Яғлуб ибн Осим ибн Мудрик ал-Бардаъий. У — Самарқандда яшаган ва шу ерда нашъу намо топганлардан бири. Кўп обрўли хофиз бўлган. Ирок ва Хуросонга борган. 349 х.й.да таваллуд топган ва 406 х.й. рамазон ойида Самарқандда вафот этган (11: 1/305).

123
АЛ-БАРДИЙЖИЙ

«Бардийж»дан ясалган нисба. У — Озарбайжоннинг энг олис шақри. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ал-Бардийжий (230-301/845-915)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Хорун Рух ал-Бардийжий — муҳаддис, хофиз, ишончли, имонли ва обрўли инсон бўлган. Бағдодга келиб, шу ерда муқим яшаб қолган. Мазкур хофиз, факих ва ҳадис илмининг ишончли манбаси ҳисобланган муҳаддислардан бири бўлган. 230 х.й.дан кейин ёки олдин туғилган. Кўп маълумотларни тўплаган ва тасниф қилган. Археология илми бўйича истеъдодли олим бўлган. Ҳадислар айтган. Рамазон ойида Бағдодда вафот этган (2: 1/449; 11: 1/315; 17: 1/320).

124
АЛБАРЗАЪИЙ

«Барзаъаядан ясалган нисба. У — Озарбайжондаги энг олис шах, ар. Куйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Сайд ал-Барзаъий (ваф. 292/905 й.)

(Абу Усмон) Сайд ибн Умар ибн Усмон ибн Аммор ал-Аздий ал-

ал-

:й/ал-Барзаъий

Барзаъий — муҳаддис, хофиз, сайёҳ, кўчманчи ва мусанниф бўлган (2: 1/453; 17: 1/768).

2. Маккий ал-Бардаъий (ал-Барзаъий) (ваф. 354 х.й.)

(Абу Бакр) Маккий ибн Аҳмад ибн Саъдавия ал-Бардаъий. Самарқандда ҳадис айтган ва у ердаги имло мажлисига раҳбарлик қилган. 330 х.й.да Нишопурга келган ва шу ерда яшаган. Кейинчалик 350 х.й.да Мовароуннаҳр сари йўлга отланган ва ҳадис излаб юртма-юрт кезган машҳур уламоларнинг бири. Хуросонда инсон ақли бовар қилмайдиган даражада кўп ҳадис ёзиб олган. 354 х.й. Шошда вафот этган. У уламолардан, ундан эса уламолар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/452; 11: 1/314).

3. Абдулазиз ал-Барзаъий (ваф. 323 х.й.)

(Абу Бакр) Абдулазиз ибн ал-Ҳасан ал-Барзаъий — зоҳид, обид, хофиз ва сайёҳлардан бўлган. Нишопурга келиб, шу ерда истикомат қилган. Сўнгра 318 х.й.да у ердан Фарова саройига бориб, ўша ерда маълум бир муддат яшаган. Умрининг сўнгида Насода яшаган ва 323 х.й.да шу ерда вафот этган (2: 1/453; 11: 1/317).

4. Сайд ал-Барзаъий (ваф. 362 х.й.)

(Абу Амру) Сайд ибн ал-Қосим ибн ал-Ало ибн Холид ал-Барзаъий. Тарозда яшаган. 350 х.й.да хожи бўлиб, Бағдодга келган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 362 х.й. Исфижобда вафот этган (11: 1/316).

5. Ал-Ҳусайн ал-Барзаъий (ваф. 340/952 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн Сафвон ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Барзаъий — Бағдод аҳлидан, содда ва ишончли одам бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 340 х.й. шаъбон ойида вафот этган (11: 1/316).

6. Муҳаммад ал-Барзаъий

(Абулхусайн) Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ал-Мукрий ал-Барзаъий. У эл орасида «Ибн ас-Собуний», яъни «Собунийнинг ўғли» номи билан танилган. Барзиъа аҳлидан бўлган. Ҳожи бўлиб, Бағдодга келган ва шу ерда ҳадис айтган (11: 1/317).

7. Муҳаммад ал-Барзаъий (358-423/968-1032)

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Жаъфар ибн Муҳаммад

ал-Барзаъий/ал-Бурзий/ал-Барзанжий

ал-Барзаъий. У «Маккий» номи билан танилган. Барзиъа ахлидан бўлган. 358 х.й.да таваллуд топган, сўнгра оиласи у ердан Бағдодга кўчиб борган. Бу пайтда у икки ёшда бўлган. У Бағдодда ўсиб-улғайган ва шу ердаги уламолардан хадис тинглаган. 423 х.й. 21 шавволда вафот этган (11: 1/317).

8. Убайдуллоҳ ал-Барзаъий (363-434/973-1043)

(Абулқосим) Убайдуллоҳ ибн Абдулазиз ибн Жаъфар ал-Барзаъий. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 363 х.й.да туғилган. 434 х.й. зу-л-хижжа ойида вафот этган (11: 1/317).

125

АЛ-БУРЗИЙ

«Бурзу»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Сулаймон ал-Бурзий (ваф. 230 х.й.дан кейин)

Сулаймон ибн Омир ибн Умайр ал-Киндий ал-Бурзий — содда ва ишончли одам бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 230 х.й.дан кейин вафот этган (2: 1/454; 11: 1/320).

126

АЛБАРЗАНЖИЙ

«Барзанж»дан ясалган нисба. У — Арон ноҳда-сидаги шах, ар. Куйидаги олимлар игу шақарга мансубдирлар:

1. Ақмад ал-Барзанжий (1332/1914 й.)

Ақмад ибн Исмоил ибн Зайнулобидин ибн Муҳаммад ал-Одий ибн Зайн ибн Жаъфар ибн Хасан ибн Абдулкабир ал-Барзанжий, ал-Хусайний, ал-Мусовий, ал-Маданий — илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб борган олим. Мадина шаҳрида вафот этган. Унинг асарларидан: «Рисола фи манокйби Умар ибн ал-Хаттоб» («Умар ибн ал-Хаттоб манокйби хақидаги рисола»), «Мақосиду-т-толиб фи манокйби Али ибн Аби Толиб» («Али ибн Абу Толиб манокйбини изловчининг мақсадлари»), «ан-Насиха ал-омма ли мулуки-л-ислом ва-л-омма» («Ислом подшоҳлари ва жамики ҳукмдорларга умумий насихат»), «Фаткату-л-барроз би-т-тараккузийи-л-муътараз ала-л-қози Айёз» («Қози Айёзга кучли эътироз билдиришга ошиққан қалдирғочларнинг инкирози», ушбу асар Муҳаммад аш-Шанқитийга жавоб сифатида ёзилган), «ал-Манокйб ас-сиддиқия»

(«Ишончли манокйблар») (17: 1/104).

2. Аҳмад ал-Барзанжий (1258-1336/1842-1918)

Аҳмад Фоиз ал-Барзанжий — мутакаллим, илм-фаннинг баъзи соҳаларида фаолият олиб борган олим. Унинг асарларидан: «Абхайу-л-қалоид фи шархи манзумати Аҳмад ан-Навдехий ли қасоиди-н-Насафий» («ан-Насафий қасидалари хақида Аҳмад ан-Навдехий манзумасига ёзилган шарҳ хақидаги шодаларнинг энг чиройлиси»), «ас-Сехр ал-халол фи таърифоти-л-улум» («Илмларнинг таърифлари хақидаги халол сеҳр») (17: 1/222).

3. Жаъфар ал-Барзанжий (ваф. 1317/1899 й.)

Жаъфар ибн Исмоил ибн Зайнулобидин ибн Муҳаммад ал-Барзанжий, ал-Хусайний — фақиҳ ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сийратини яхши биладиган олим бўлган. «Ал-Азҳар» университетида ўқиган. Мадинада шофиъий мазҳабига оид фатволар чиқаришни бошқарган ва шу ерда вафот этган. Унинг асарларидан: «Тожу-л-ибтиҳожи ала-н-нури-л-вахҳож фи-л-исроъ» [«Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Маккаи мукаррамадан Қуддусга тунги саёҳати асносида кўзни кўр қиладиган

даражада таралган ёрқин нурлардан хайратланишнинг авжи], «ал-М е ъ р о ж» («Меърожнома»), «ал-Кавокиб ал-анвар ала икди-л-жавхар фи мавлиди-н-набийи-л-азхар» («Нурли пайғамбарнинг таваллуди ҳақидаги марваридлар шодасини нурафшон этаётган энг ёруғ юдуз»), «Нузхату-н-нозир фи масжиди саййиди-л-аввалийн ва-л-охирийн» («Саййиди-л-аввалин ва-л-охирийн масжидига масъул нозирнинг хатти-харакати») (17: 1/488).

4. Жаъфар ал-Барзанжий (ваф. 1187/1764 й.)

Жаъфар ибн Ҳасан ибн Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Абдуррасул ал-Барзанжий, ал-Маданий — фақиҳ ва адиб бўлган. Шаъбон ойида Мадинада туғилган. Мадинада шофиъий мазҳабига оид фатволар чиқаришни бошқарган ва шу ерда вафот этган. Унинг асарларидан: «Назму мавлиди-н-набий (с.а.в.)» [Назмда битилган «Мавлиди-н-набий (с.а.в.)»], «Қиссату-л-меърож» («Меърожнома»), «Маноқибу саййиди-ш-шукадо саййидина Ҳамза» («Шаҳидларнинг саййиди — жанобимиз Ҳамзанинг маноқиб»), «ал-Арин ли асмой-с-саҳоба ал-бадрийин ал-файз ал-

латиф биижобати ноиб-ш-шаръи-ш-шариф» («Шариатнинг шарафли издоши жавобидаги латиф ва файзли икки тўлин ойдек саҳобалар исмларининг мавқеи»), «Жолияту-л-куруб би асмоъи саййиди-л-ажам ва-л-араб» («Араб ва ажамликлар жанобининг исми шарифини эшитганда қайғуга тушувчилар?»), «Икду-л-жавхар фи мавлиди соҳиб-л-хавзи ва-л-кавсар» («Жаннатий арик ва кавсар соҳибининг таваллуди ҳақидаги гавҳарлар шодаси»), «Талъату-л-бадр» («Тўлин ойнинг чиқиши»), «Манзума роъия фи асмоъи аҳли бадр ала ҳуруфи-л-муъжам» («Тўлин ой аҳлининг алифбо тартибидаги исми шарифлари ҳақида кўриниб турадиган манзума») (17: 1/490),

5. Ҳасан ал-Барзанжий (ваф. 1172/1759 й.)

Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Бобо Расул ал-Ҳусайний ал-Барзанжий ас-Саъдоний аш-Шаҳрўзий аш-Шофиъий — суфий бўлган. Унинг асарларидан: «Асрору-л-кулуб ва кашфу-л-хижоб ани-л-махжуб» («Кўнгил сирлари ва хижобга ўранган пинҳона сирларнинг кашф этилиши»), «Изолату-л-вахм ва-л-илтибос»

ал-Барзанжий

(«Шубҳалар ва чалкашликларнинг бартараф этилиши»), «Изохату-л-васвос ан баъзи-н-нос» («Баъзи одамларнинг қалбларидаги васвосликни кетказиш») (17: 1/588).

6. Абдуссамад ал-Барзанжий (ваф. 1220/1805 й.)

Абдуссамад ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Бобо Расул ал-Барзанжий ал-Ҳусайний аш-Шаҳрўзий аш-Шофиъий — суфий, олим ва адиб бўлган. Илм-фаннинг баъзи соҳаларида фаолият олиб борган. Унинг асарларидан: «Манзумату тухфати-с-салот» («Тухфату-с-салот» манзумаси), «Ҳошия ала шарҳи-л-алфия ли-с-Суютий» (Суютийнинг «Шарҳу-л-алфия» асарига хошия-изох»), «Шарҳу далоили-л-хайрот» («Далоилу-л-хайрот»га шарҳ»), «Манзума фи мусалласот кутруб» («Ёвуз рухнинг учликлари ҳақидаги манзума») (17: 2/153).

7. Абдулқодир ал-Барзанжий (1323/1905 йилда ҳаёт бўлган)

Абдулқодир Наврўзий ал-Барзанжий — фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «Муктатафот адабия ли талабати-л-ийъодия» («Бошланғич мактабларнинг ўқувчилари учун мумтоз адабиёт намуналаридан

тузилган тўплам», ушбу тўплам «Хусну-т-тартиб ва-л-интихоб ли туллобил-анжоб», яъни «Иктидорли талабалар учун гўзал тартиб ва танланмалар асосида тузилган китоб», деб ҳам аталади). М аз кур тўплам 1323 х.й.да чоп этилган (17: 2/200).

8. Али ал-Барзанжий (XII х.а./XIII м.а.)

Али ибн Х,асан ал-Барзанжий ал-Маданий аш-Шофиъий — адиб ва асарларни назмда битадиган ижодкор бўлган. Ўн иккинчи х.а.нинг охирларида вафот этган. Унинг асарларидан: «Назму асмой аҳли Бадр» («Бадр аҳли исми шарифларининг назми»), «Назму мавлидин-н-набий» [Назмда битилган «Мавлидин-н-набий (с.а.в.)», ушбу асар унинг акаси Жаъфарга мансубдир] (17: 2/421).

9. Муҳаммад ал-Барзанжий (1134/1722 йилда хаёт бўлган)

Муҳаммад Шариф ал-Барзанжий ал-Маданий аш-Шофиъий — фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «Иддату-л-инсон ли маърифати мадохили-ш-шайтон» («Шайтон кириши мумкин бўлган жой ва вақтларни билиш учун инсонга қўлланма»), муаллиф ушбу асарни 1134 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/343).

10. Муҳаммад ал-Барзанжий (1040-1103/1630-1691)

Муҳаммад ибн Абдуррасул ибн Қаландар ибн Абдуссайд ал-Барзанжий аш-Шаҳризўрий ал-Маданий аш-Шофиъий — муфас-сир, муҳаддис, усулшунос, адиб, тилшунос, риторик, илми сарф ва бошқа илм соҳаларида фаолият олиб борган олим. Шаҳризўрда туғилган ва шу ерда ўсиб-улғайган. Хамадон, Бағдод, Дамашқ, Константинополь ва Мисрга борган. Мадина-и мунавварада истикомат қилган ва сабоқ олган. Мухаррам ойининг бошида Мадина шаҳрида вафот этган. Унинг кўп сонли асарларидан: «Холису-т-талхис фи мухтасари талхиси-л-мифтоҳ» («Мухтасару талхиси-л-мифтоҳ»нинг холис ва қисқача мазмун-моҳияти), «Мирқоту-с-суъуд фи тафсири авоили-л-укуд» («Шодаларнинг бошларини тафсир қилиш бўйича юксакликка олиб чиқадиган зинапоя»), «ал-Мақолат ас-сунния фи тавзиҳи эътирофи-л-Жомий ала-л-хамария» («ал-Хамария қасидасининг Жомий томонидан қай тарзда эътироф этилганини изоҳлаш ҳақида сунний мақола»), «ат-Таъйид ва-л-авн ли-л-қоилийн биимони Фиръавн» («Фиръавн имони ҳақида сўзловчиларни қўллаб-

қувватлаш ва уларга ердан бериш»), «ас-Сино ва-с-санавот фима йатааллақу би-л-қунут» («Художўйликка оид йиллар ва олий мақом»), «Шарху-л-махориқ ва жарху-л-морак» («Афсунгарлик шарҳи ва зинапояларнинг синиши»); «Анхору-с-салсабийл фи шарҳи анвори-т-танзил ли-л-Байзовий» («Байзовийнинг «Шарху анвори-т-танзил» асаридаги салсабил анхорлар»), «Мазожу-л-занжабийл ли ҳиёзи асрори-т-таъвил фи-т-тафсир» («Тафсир ҳақидаги таъвил сирларидан иборат ҳовузларнинг сокин ҳолати»), «Зиёу-с-сирож фи лайлати-л-исроъ ва-л-меърож» («Исроъ ва меърож кечасидаги чирокнинг зиёси»), «ал-Ишоъа фи ашроти-с-соъа» («Қиёмат аломатлари ҳақидаги миш-мишлар»), «Бағияту-т-толиб ли иймони Аби Толиб» («Абу Толибнинг имони талабида бўлган банданинг мақсади»), «ан-Нафаҳа ал-фойиха фи масоили-л-фотиҳа» («фотиҳа билан боғлиқ масалалар ҳақидаги муаттар тухфа»), Айтишларича, у олтмишдан ортиқ асарни таълиф этган (15: 6/302).

11. Муҳаммад ан-Навдеҳий ал-Барзанжий (1166-1254/1753-1838)

Мухаммад Маъруф ибн Мустафо ибн Аҳмад ан-Навдехий аш-Шахризўрий ал-Барзанжий аш-Шофиъий л-Қодирий — адиб ва илм-фаннинг баъзи соҳаларида фаолият олиб борган олим. Шаҳрибозорда таваллуд топган. Ироқдаги Сулаймонияда вафот этган. Унинг кўп сонли асарларидан: «ал-Ағроб фи назми кавоидил-эъроб» («Ажнабийлар изофа қоидаларининг назми ҳақида»), «Зоду-лмаъод фи масоили-л-этикод» («Эътикод масалалари хусусидаги укбо захираси»), «Тарсифу-л-мабоний фи назми тасрифи-з-Зинжоний» («Тасрифу-з-Зинжоний» назмидаги бунёд этилган асосларнинг кўприклар орқали ўзаро боғланиши»), «ал-Жавҳар ан-назид фи кавоиди-т-тажвид» («Тажвид қоидалари ҳақида устма-уст кўйилган гавҳар»), «Қатру-л-ориз фи илми-л-фароиз» («Фароиз илми ҳақидаги туман томчилари») (17: 3/727).

12. Мустафо ал-Барзанжий (1235-1302/1820-1885)

Мустафо ибн Бобо Расул ал-Барзанжий — адиб ва шоир бўлган. Араб, курд ва форс тилларини яхши билган. Барзанжада таваллуд топган. Сулаймонияда фатво чиқарувчи мақомидаги

ишларни бошқарган. Унинг ханузгача нашр этилмаган баъзи хошиялари ва асарлари бор (17: 3/859).

127

АТБАРЗАНДИЙ

«Барзандядан ясалган нисба. У — Озарбайжон диёридаги кичкина шах, арча. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Солих ал-Барзандий (ваф. 493 х.й.)

(Абу Мансур) Солих ибн Будаил ибн Али ал-Барзандий — фақиҳ бўлган. Бағдодга келган ва шу ерда отаси билан бирга юриб, кўп ҳадис тинглаган. 493 х.й.да Бағдодда вафот этган (2: 1/454; 11: 1/319).

2. Будаил ал-Барзандий

(Абулқосим) Будаил ибн Али ибн Будаил ал-Барзандий — фақиҳ, ростгўй ва самимий инсон бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/454; 11: 1/319, хошияда).

3. Маҳмуд ал-Барзандий (ваф. 505 х.й.)

(Абулқосим) Маҳмуд ибн Юсуф ал-Хусайн ал-Барзандий ат-Тифлисий. Бағдодга келган ва шу ерда фақиҳ бўлиб етишган, ҳадислар тинглаган. Сўнгра ўз юртига қайтиб борган ва ўша ерда ҳадис

айтган. 505 х.й.да вафот этган (11: 1/319).

4. Ал-Ҳасан ал-Барзандий

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн ал-Ҳасан ал-Барзандий. Табаристоннинг Омулида ҳадис айтган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/319).

128

АЛБАРЗАНИЙ

«Барзану»дан ясалган нисба. «Барзану» ва «Боғ» — Марвдаги икки қишлоқ бўлиб, улар Бармоқон билан туташган. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Котиб

(Абу Иброҳим) Аҳмад ибн Аҳмад ибн Абдулвоҳид ал-Котиб ал-Барзаний — Бармоқоннинг Барзанидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/454; 11: 1/319).

2. Исмоил ал-Котиб

Исмоил ал-Барзаний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/454; 11: 1/319).

129

АЛБУРСОНЖИРДИЙ

«Бурсонжирд»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқ.

78 ал-Бурсонжирдий/ал-Бурсоний/ал-Бурсахий/ал-Барфашхий/ал-Барқоний

Куйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. **Холид ал-Бурсонжирдий**

Холид ибн Абу Барзах ал-Асламий ал-Бурсонжирдий — тобиий уламолардан бўлган. Шу қишлоқда яшаган, сўнгра шу нисбани олган (2: 1/456; 11: 1/321).

130 АЛБУРСОНИЙ

«Бурсон»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги қишлоқ. Куйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. **Аҳмад ал-Бурсоний**

Аҳмад ибн Халаф ибн ал-Хусайн ал-Бурсоний У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/456; 11: 1/321 хошияда).

131 АЛБУРСАХИЙ

«Бурсахонядан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқ. Куйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. **Мансур ал-Бурсахий**

(Абу Бакр) Мансур ал-Бурсахий — «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») номли асарнинг муаллифи. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/456; 11: 1/321).

2. **Ал-Ало ал-Бурсахий**

(Абу Рофиъ) ал-Ало ибн Мансур ал-Бурсахий — шофиий фақиҳ, юкорида номи зикр этилган Мансурнинг ўғли бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/456; И: 1/322).

132 АТБАРФАШХИЙ

«Барфашхядан ясалган нисба. У — Бухородаги хишлоқ. Куйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. **Фарином ал-Барфашхий ал-Бухорий**

(Абу Ҳотам) Фарином ибн Жамоҳир ал-Барфашхий ал-Бухорий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/459; 11: 1/323).

133 АЛБАРҚОНИЙ

«Барқ,он»дан ясалган нисба. У — Жайх_уннинг шарқий соҳ,илида жойлашган Қотдаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. **Аҳмад ал-Барқоний (336-425/948-1034)**

(Абу Бакр) ал-Х,офиз ал-Имом Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ғолиб ал-Хоразмий ал-Барқоний аш-Шофиий — Куръони карим, ҳадис,

фикҳ ва нахв илмларини яхши билган олим. Журжон, Хуросон ва бошқа кўп шаҳарларда ҳадис тинглаган. Сўнгра Бағдодда яшаган ва шу ерда ҳадис ҳадис айтган. Уламолар ундан ҳадисларни ёзиб олганлар. Ҳофизу хатиблар ва бошқа имомлар эса ундан хутбалар айтганлар. Ишончли, обрўли, парҳезкор, истеъдодли, қатъий сўзли ва фаҳм-фаросатли инсон бўлган. Шайхларимиз орасида Куръони каримни ёддан айтиб бера оладиган ҳофизлик ва фикҳ илмини чуқур биладиган олимлик бобида унингдек бошқа бирор-бир шайхни кўрмадик. Араб тили илмидан унга омад кулиб боққан эди. У кўб ва ҳўб ҳадисларни ёддан билар, зехни ўткир, фаҳм-фаросатли ва ҳар бир нарсанинг моҳиятини кўриш қобилиятига эга эди. Масъулияти зиммасида турган илмга фидойи, уни кўз қорачиғидек асраб, химоя қила оларди. Унинг китоблари жуда кўп бўлиб, бу китоблар солинган жомаларнинг умумий сони — 63 қути ва икки сандикдан иборат эди. Икки «Саҳих» тўпламни ўқиб чиққандан кейин, унинг ўзи ҳам бир «Муснад» тасниф қилган. Бу «Муснад» таркиб жиҳатидан Имом ал-Бухорийнинг «Саҳих»и ва

ал Барқоний/ал-Барқий

Муслимнинг тўпламини қамраб олган. Маълумот йиғиш ва китоб тасниф қилишни то вафот этгунига қадар асло тарк этмаган. 336 х.й.нинг охирида таваллуд топган. 425 х.й. ражаб ойининг аввалида вафот этган, жасади эса «ал-Жомеъ» мақбарасига дафн қилинган (2: 1/460; 11: 1/323; 14: 1/386; 17: 1/246; 25: 3/228).

2. Али ал-Барқоний (ваф. 549/1154 й.)

(Абулхасан) Али ибн Носир ибн Муҳаммад ал-Бурқоний — аш-шофиъий фақих, мўлжалга аниқ етиб борадиган фатволар чиқариш бўйича мохир усто ва ибодатни кўп қиладиган такводор инсон бўлган. 549 х.й.нинг рамазон ойида вафот этган (14: 2/631; 25: 4/154).

134

АЛБАРҚИЙ

«Барқ,»дан ясалган нисба. У — Хоразм ашшуга мансуб бўлган баъзи боболарга хос сифат. Қуйидаги олимларга ту нисба берилган:

1. Аҳмад ал-Барқий (ваф. 270/884 й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Барқий — хофиз бўлган. Рамазон ойида вафот этган. Унинг саҳобаларни билиш ҳақидаги асарлари бор (17: 1/178).

2. Муҳаммад ал-Барқий (ваф. 249/863 й.)

Муҳаммад ибн Абдурраҳим ибн Абу Заръа ал-Барқий — муҳаддис, ровий ва муаррих бўлган. Унинг асарларидан: «Таълиф фи мухтасари ибн Абдилҳаким ас-сағийр» («Ибн Абдулҳаким Кичкинанинг мухтасари ҳақида таълиф этилган китоб»), «Китоб фи-т-тарих ва-т-табақот» («Тарих ва табақалар ҳақидаги китоб») (17: 3/404).

3. Аҳмад ал-Барқий (ваф. 274/788 й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Барқий — одамларни (ҳадис ровийлари)ни яхши биладиган инсон бўлган. Унинг ровийлар ҳақида таълиф этган китоби бор (17: 1/254).

4. Муҳаммад ал-Барқий (183/799 йилда ҳаёт бўлган)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Холид ибн Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Али ал-Барқий — адиб, хабарчи ва фақих бўлган. Унинг асарларидан: «ал-Авийс» («Чалқаш»), «ат-Табсира» («Баён»), «ал-Маҳосин» («Эзгу хислатлар»), «ар-Рижол» («Ровийлар»), «Китобу-н-наводир» («Нодир воқеалар ҳақидаги китоб») (17: 3/272).

5. Муҳаммад ал-Хоразмий ал-Барқий

(Имом Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Исмоил ибн Шох ал-Хоразмий ал-Барқий — бадиий тилнинг нозик жиҳатларию нафосатини яхши билган хатиб ва уламолардан бири бўлган. Ирокқа сафар қилган. Х,аждан кейин Бухорога келган ва шу ерда яшаган. Илмнинг фикҳ, шеър, тил, наҳв ва маърифат каби соҳаларида пешво олим бўлган (11: 1/325).

6. Умар ал-Хоразмий ал-Барқий

(Абу Ҳафс) Умар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Исмоил ал-Хоразмий ал-Барқий — юқорида номи зикр этилган Абу Абдуллоҳнинг ўғли. Ориф, фақих, зоҳид, илм аҳлидан ва шеър айтадиганлардан бўлган (11: 1/325).

7. Аҳмад ал-Барқий (ваф. 376/986 й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Исмоил ибн Шох ал-Хоразмий ал-Барқий. Зоҳид, илм аҳли ва шеър айтадиганлардан, тасаввуф ва калом илми ҳамда адабиёт бўйича мутақаддим (етук) фозиллардан бўлган. Кароматлар кўрсатган. Унинг мазмунли ва яхши шеърлари бор. 376 х.й.

ал-Баркий/ал-Баркадий/ал-Барванжирдий/ал-Барвизий/ал-Паздавий

муҳаррам ойида вафот этган (11: 1/325).

8. Аҳмад ал-Баркий

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мукаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Исмоил ибн Шоҳ ал-Хоразмий ал-Баркий. У — юкорида номи зикр этилган Абу Бакрнинг ўғли. Дастлабки билимларни Бухорода олгач, аввал шу ерда козиликни, сўнгра Тамғочхон вазирлигини бошқарган. Кейинчалик Бухоро раёсатига раҳбарлик қилган. Муфтий ва бошланғич синфлар мударриси бўлган. Кўп ҳадисларни ва мўътабар китобларни тинглаган. Унга «Шарафур-руъасо» «Раисларнинг шарафлиси» лақаби билан мурожаат этганлар. Ишончли, ростгўй, имонли инсон ва фозил адиб бўлган. Унинг шеърлари бор (11: 1/326).

135

АЛБАРКАДИЙ

«Баркад»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа маисубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Баркадий (ваф. 389/999 й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Салом ал-Баркадий — кози бўлган,

Бухородаги жабрдийдаларни химоя қилган. Уз юртдошларидан ва ал-Маровиза аҳлидан ҳадис тинглаган. У отасидан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 389 х.й. зу-л-ҳижжа ойида Амир Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад вилоятида вафот этган (2: 1/475; 11: 1/326).

2. Жиноҳ ал-Баркадий

Жиноҳ ибн Абдуллох ал-Баркадий — ад-Даҳҳок ибн Жиноҳнинг отаси. Адиб бўлган. У Исо ибн Мусо ал-Ғунжордан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса, ўғли ад-Даҳҳок ҳадис ривоят қилган (11: 1/326).

136

АЛБАРВАНЖИРДИЙ

«Барванжирд»дан ясалган нисба. У — Марвдаги хишлоқ. Қуйидаги олим иғу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Барванжирдий

(Абу Муҳаммад) Муҳаммад ибн Тохир ибн ал-Аббос ал-Барванжирдий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/481; 11: 1/333).

137

АЛБАРВИЗИЙ

«Барвизи»дан ясалган нисба. У — Марв ах^ига мансуб бўлган бобонинг исми шарифи. Қуйидаги

олимга шу нисба берилган:

1. Аҳмад ал-Барвизий (315 х.й.да ҳаёт бўлган)

(Абу Абдуллох) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Барвизий ас-Сарахсий. Асли сарахелик бўлса-да, лекин Марвда яшаган. У кўп ҳикояларни ёддан билган, қувваи хофизаси кенг қамровли инсон бўлган. 315 х.й. Райда яшаган. Сўнгра почта хизматини бошқарган, унга отаси Абулфазл ал-Балъамий валийлик қилган. Сўнгра Хоразмда алоқа хизматини бошқарган. Кейинчалик бу ерни тарк этиб, Марвга борган ва ўша ерда вафот этган (11: 1/333).

138

АЛПАЗДАВИЙ

«Баздава» деб х, ам аталадиган «Баздат»дан ясалган нисба. У — Насафдаги мустах, кам кўрғон. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Али ал-Паздавий (400-482/1010-1089)

(Абулхасан Фахрулислом) Али ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Исо ибн Мужоҳид ибн ал-Паздавий — усулшунос факих, муҳаддис ва муфассир бўлган. Хатиб Муҳаммад ибн Наср ал-Мадиний ундан Самарқандда ҳадис ривоят

қилган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Мабсут» («Кенгайтирилган», 11 жилддан иборат асар), «Шарху-л-жомиъи-л-кабийр» (Шайбонийнинг ханафий фикҳ соҳалари ҳақидаги «ал-Жомиъ ал-кабийр» — «Катта тўплам» асарига шарх), «Кашфу-л-астор фи-т-тафсир» («Никобларни ёриб чиққан гўзал тафсир»), «Канзу-л-вусул ила маърифати-л-усул» («Усул илмини эгаллашга олиб борадиган хазина»), «Шарху-л-жомиъи-с-саҳийх» (Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомиъ ас-саҳийх» — «Ишончли тўплам» асарига шарх) (2: 1/486; 11: 1/339; 15: 4/112; 17: 2/501).

2. Муҳаммад ал-Паздавий (421-493/1030-1100)

(Абулюср) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Исо ал-Ханафий ал-Паздавий — «қози» лақабли усулшунос факих бўлган. Унинг фикҳ илми асослари ва соҳаларига бағишланган асарлари бор. Бундай асарлардан: «ал-Мабсут» (фикҳ илмининг соҳалари ҳақидаги кўп жилдли «ал-Мабсут» — «Кенгайтирилган» номли асар), «Усулу-д-дин» («Дин асослари»), «Шарху-л-ажрумийа» («ал-Ажрумийа»га ёзилган

шарх») (15: 6/77; 17: 3/638).

3. Ал-Ҳасан ал-Паздавий (470-557 х.й.)

(Абу Собит) ал-Ҳасан ибн Али ал-Паздавий. У Самарқанд ва Бухорода қозиликни бошқарган. Сўнгра узлатга берилиб, Паздага борган ва у ерда яшаган. Ҳадислар тинглаган ва уларни ривоят қилган. 470 х.й.дан кейин туғилган ва 557 х.й.да вафот этган (2: 1/486).

4. Азиз ал-Паздавий

Азиз ибн Салим ибн Мансур ал-Басрий ал-Паздавий — Басра аҳлидан, Қутайба ибн Муслим билан биргаликда Хуросонга келган ва Паздада яшаган. Шу тариқа у Паздага мансуб бўлиб, ал-Паздавий нисбасини олган (2: 1/487).

5. Убайдуллоҳ ал-Паздавий (ваф. 323 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Убайдуллоҳ ибн Амру ибн Ҳафс ибн Иброҳим ал-Паздавий. 323 х.й.да вафот этган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/339).

6. Абдуллоҳ ал-Паздавий

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Наср ибн Сухайл ибн Абдувайх ибн Яздод ал-Паздавий. У уламолардан, ундан эса

ал-

вий/ал-Базғомий

бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/339).

7. Довуд ал-Паздавий

(Абу Сулаймон) Довуд ибн Наср- ибн Сухайл ибн Абдувайх ал-Паздавий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/340).

8. Абдулкарим ал-Паздавий

(Абу Муҳаммад) Абдулкарим ибн Мусо ибн Исо ал-Баздий ал-Паздавий — юқорида номи зикр этилган Абулҳасаннинг бобоси бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/340).

9. Юсуф ал-Паздавий

(Абу Муслим) Юсуф ибн Муҳаммад ибн Одам ибн Исо ибн Баздавия ал-Қуссор ал-Паздавий. Катта бобосига асосланиб, нисба берилган. Муҳаддислардан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/340).

139

АЛ-БАЗҒОМИЙ

«Базғом»дан ясалган нисба. У — Насафдаги қишлоқ,. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Ҳамза ал-Базғомий (ваф. 412/1021 й.)

(Абу Тоҳир) Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Асад ал-

Базғомий ас-Савоний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 412 х.й. рамазон ойида навқирон ёшлигидаёқ вафот этган (2: 1/487; 11: 1/342).

140 АЛБУЗМОҚОНИЙ

«Бузмақонядан ясалган нисба. У — Насафдаги қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоҳда мансубдир:

1. Иброҳим ал-Бузмоқоний (ваф. 300 х.й.дан кейин)

Иброҳим ибн Аҳмад ибн Абдулвоҳид ал-Котиб ал-Бузмоқоний — Бузмақоннинг Барзанидан. У — Бузмоқонга туташ қишлоқ. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 300 х.й.дан кейин вафот этган (11: 1/342).

141 АЛБУЗНОНИЙ

«Бузноядан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Бузноний

Аҳмад ибн Биндун ибн Сулаймон ал-Бузноний. Ҳадис ривоят қилган. Кўпинча унда адаб устувор бўлган. У уламолардан, ундан эса

бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/488; 11: 1/342).

2. Абдулазиз ал-Бузноний

(Абу Муҳаммад) Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бузноний. У Абулаббос ал-Маъдоний ва бошқалардан кўп ҳадисларни ёзиб олган. Чиройли дастхат эгаси, хуснихат соҳиби бўлган (11: 1/342).

3. Муҳаммад ал-Бузноний

Муҳаммад ибн Айюб ибн Сулаймон ал-Бузноний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/342).

142 АЛБИСКОСИЙ

«Бискос»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Набахон ал-Бискасий (ваф. 310 х.й.)

(Абу Аҳмад) Набахон ибн Исҳоқ ибн Микдос ал-Бискосий ал-Бухорий — Бискос қишлоғидан бўлган. Ҳадис излаб, Миср ва Шомга борган ва у ерлардаги уламолардан кўп ҳадислар эшитган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 310 х.й.да вафот этган (2: 1/501; 11: 1/353).

143 АЛБАСКОЙИР

«Баскойир»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Баскойирий (ваф. 320/932 й.)

(Абулмашхар) Аҳмад ибн Али ибн Тохир ибн Муҳаммад Тохир ибн Абдуллоҳ мин валади Яздигирд ибн Баҳром ал-Баскойирий (яъни Яздигирд ибн Баҳром ал-Баскойирийнинг фарзандларидан) — шу қишлоқнинг ахлидан бўлган. Адаб ва араб тилини яхши биладиган фозил олим бўлган. Хуросон, Ироқ ва Ҳижозга борган. Ҳадис эшитган, лекин тўғри, ишончли усулга эга бўлмаган. Бошқа шайхларга қараганда узоқ яшаган. Ўз салоҳияти билан Бухорони кўркига кўрк кўшиб турган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 320 х.й. муҳаррам ойида вафот этган (2: 1/501; 11: 1/353).

144 АЛБАСКАТИЙ

«Ал-Баскат»дан ясалган нисба. У — Шошдаги шахарлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Исмоил ал-Баскатий (ваф. 400 х.й.дан кейин)

(Абу Иброхим) Исмоил ибн Ахмад ибн Сайд ибн ан-Нажм ибн Валоса ал-Баскатий аш-Шоший. У Марвда хадис эшитган. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 400 х.й.дан кейин вафот этган (2: 1/501; 11: 1/354).

145 АЛБАСИЙНИЙ

«Басийнах»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқ., Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Сулаймон ал-Марвазий

(Абу Довуд) Сулаймон ибн Иёс ал-Басийний ал-Марвазий — хадислар ёзган. Ирокқа борган. Хадислар эшитган ва уларни ёзиб олган. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар (2: 1/503; 11: 1/355).

2. Ал-Хусайн ал-Басийний (ваф. 220 х.й.)

(Абу Али) ал-Хусайн ибн Зиёд ал-Басийний. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 220 х.й.да Тарсусда вафот этган (11: 1/355).

146 АЛБУШОНИЙ

«Бушон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги

қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Исҳоқ ал-Бушоний (ваф. 280 х.й.дан олдин)

Исҳоқ ибн Иброхим ибн Жарир ал-Бушоний — шайх ва солиҳ инсон бўлган. Салома ас-Садрга мурожаат қилган. Эшитганини қўллаб-қувватлаган, ўзи ҳам хадис айтган ва Ибн ал-Муборакнинг китобларини ривоят қилган. 280 х.й.дан олдин вафот этган (2: 1/504; 11: 1/356).

147 АЛ-БУШБАКИЙ

«Бушбак»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Али ал-Бушбакий (453-544/1061-1149)

(Абулхасан) Али ибн Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Бушбакий ат-Таъовизий — фикҳ илмини ёшлигида пухта эгаллаган, ёши улуғ, нуроний ва солиҳ шайх бўлган. Дуо-и бад ва тилсимлар битган. 453 х.й.да туғилган. 544 х.й. мухаррам ёки шаввол ойида вафот этган (2: 1/504; И: 1/356).

148 АЛБУШТОНИЙ

«Буштон»дан ясалган нисба. У — Насафдаги қишлоқ. Қуйидаги

олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Бишр ал-Буштоний

Бишр ибн Имрон ал-Буштоний. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар (2: 1/504; 11: 1/357).

2. Муҳаммад ал-Буштоний

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Исмаат ал-Мактаб ал-Буштоний. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар (11: 1/357).

3. Муҳаммад ибн Аваз ал-Буштоний (ваф. 401/1011 й.)

(Абу Ахмад) Муҳаммад ибн Аваз ал-Буштоний. У ширинсухан, доно инсон, овози ширали ва ёкимли қори бўлган. Ҳазилкаш ва кизиқчи бўлган. 401 х.й. ражаб ойи бошланмай туриб, ўз шаҳрида вафот этган. Унинг жасадини она кишлоғига кўтариб олиб борганлар ва ўша ерга дафн этганлар (11: 1/357).

149 АЛ-БУШВОЗАКИЙ

«Бушвозақ»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқ., Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Салма ал-Бушвозакий

Салма ибн Бишор ал-Бушвозакий. У — қози

Мухаммад ибн Бишор ал-Бушвозақийнинг биродари бўлган (2: 1/509; 11: 1/362).

2. Мухаммад ал-Бушвозақий

Қози Мухаммад ибн Бишор ал-Бушвозақий (2: 1/509; 11: 1/362).

3. Абдуллоҳ ибн Бишор ал-Бушвозақий

Абдуллоҳ ибн Бишор ал-Бушвозақий. У — Салма ва Мухаммад ибн Бишорнинг биродари бўлган (11: 1/362).

4. Абдуллоҳ ибн Сабийх ал-Бушвозақий

Абдуллоҳ ибн Сабийх ал-Бушвозақий. У Бушвозақ қишлобидан Умар ибн Абдулазиз ҳузурига келган (11: 1/362).

150

АЛБУСАЙРИЙ

«Бусайр»дан ясалган нисба. У — Бусайрдан бўлган бир бобога берилган нисба. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Аҳмад ибн Бусайр ал-Бухорий

(Абу Комил) Аҳмад ибн Мухаммад ибн Бусайр ал-Бухорий — (китоблар) тасниф қилган ва (маълумотлар) йиққан. «Китобу-л-музоҳот» («Ўшашликлар китоби»)ни тасниф қилган. Кўп ғализ, мавҳум ва чалкаш ёзадиган инсон бўлган (11: 1/364).

151

АЛБУҒОВИЗЖОНИЙ

«Буғовизжон» («Фовизжон» «Фовизгон»)дан ясалган нисба. У — Сарахсдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Али ал-Буғовизжоний

(Абулҳасан) Али ибн Али ал-Буғовизжоний — фозил, оқил, топқир, зехни ўтқир ва доно инсон бўлган (2: 1/541; 11: 1/372).

152

АЛ-БАҒДХАЗАРҚАНДИЙ

«Бағдхазарқанд» дан ясалган нисба. У — (Бағдод — Хоразм — Самарқанд) ўлкаларининг номларидан таркиб топган қўшма от. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Абдулхай ал-Бағдхазарқандий (ваф. 421/1030 й.)

(Абу Рух) Абдулхай ибн Абдуллоҳ ибн Мусо ибн ал-Хусайн... ас-Саломий ал-Бағдхазарқандий — хофиз бўлган. Унинг падари бузруквори доимо шундай дер эди: «Ўғлимни ал-Бағдхазарқандий дейишларининг боиси шуки, унинг отаси — Бағдодий (бағдодлик), онаси — Хазария (хазариялик) бўлиб, ўзи эса Самарқандда туғилган». У падари

бузруквори айтган ҳадисларни тинглаган. 421 х.й. сафар ойининг тўққизинчи куни Насафда вафот этган ва эртаси куни Кешдаги мазорга дафн қилинган (2: 1/541; 11: 1/373).

153

АЛБАҒВИЙ

«Баю» (ва «Бағшур»)дан ясалган нисба. У — Хуросондаги шахар. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Ал-Хусайн ал-Бағвий (433-516/1042-1122)

(Абу Мухаммад) ал-Хусайн ибн Масъуд ибн Мухаммад ал-Бағвий аш-Шофиъий — «Ибн ал-Фараъ» («Ёввойи эшак ўғли») номи билан танилган шофиъий фақиҳ ва муфасссир. У Хирот билан Марварруз оралиғидаги Бағшурда туғилган. 516 х.й. Хуросон шахарларидан бўлган Марваррузда вафот этган. А й р и м л а р н и н г айтишларича, у етмиш йил яшаган, ривоятда келтирилишича эса, саксон йилдан кўп умр курган. У тасниф қилган асарлардан: «Маъолиму-т-танзил фи-т-тафсир» («Тафсир ҳақида нозил бўлган аниқ аломатлар»), «Масобийху-с-сунна» («Сунна чироқлари»), «ат-Тахзиб фи фуруъи-л-фикҳи-ш-шофиъий» («Шофиъий фикҳ

ал-Бағвий

соҳалариний ўқитиш»), «Шамойилу-н-набийи-л-мухтор» («Танланган Пайғамбарнинг фазилятлари»), «ал-Жамъу байна-с-саҳихайни» («Икки саҳих тўплам мужассам бўлган китоб»), «Китоб фи-л-алфоз ва-с-сунан» («Сунна ва лафзлар ҳақидаги китоб»), «Кашфу-л-маноҳиж ва-т-таноқиҳ фи таҳрижи аҳодиси-л-масобих» («Масобих — чирокларнинг ичидан ҳадисларни чиқариб олиш соҳасида кашф этилган қайта кўриб чиқиш йўллари ва услублари», бу ерда «масобих» деганда ҳадислар ўқитиладиган китоблар назарда тутилмоқда — Т.), «Фатово ал-Марвазий» («Марвазий фатволари»), «Шарҳу-с-сунна» («Суннанинг шарҳи», уни «Муҳйиу-с-сунна», яъни «Суннани тирилтиргувчи» деб атаганлар). 433 х.й. жумоду-л-увло ойида туғилган. 516 х.й. шаввол ойида вафот этган (2: 1/553; 16: 185; 17: 1/644).

2. Абдуллоҳ ал-Бағвий (214-317/829-929)

(Абулқосим) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн ал-Марзиён ибн Шобур ибн Шаҳаншоҳ ал-Бағвий — ўта самимий, ишончли, фаҳм-фаросатли, ҳадисларни яхши билгувчи инсон бўлган. Кўп

маълумотларни жамлаб, «ал-Муъжам ал-кабийр», («Катта қомус»), «ал-Муснад» («Муснад»), «Муъжаму-с-саҳоба» («Саҳобалар қомуси»), «Ҳикоёту Аби Бистом» («Абу Бистом хикоялари») ва «Таъриху вафоти-ш-шуйух» («Шайхларнинг вафот этган саналари») номли китобларни тасниф қилган. Ўз давридаги Ироқнинг пешво муҳаддиси бўлган. 213 х.й.да туғилган. 317 х.й.да вафот этган (2: 1/553; 11: 1/375; 17: 2/283).

3. Муҳаммад ал-Бағвий (ваф. 227 х.й.)

(Абулаҳвас) Муҳаммад ибн Ҳайён ал-Бағвий — ўта самимий ва ишончли инсон бўлган. Бағдодда яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 227 х.й.да вафот этган (2: 1/553; И: 1/375).

4. Ал-Ҳасан ал-Бағвий

(Абу Муҳаммад ал-Ҳусайн) ал-Ҳасан ибн Масъуд ал-Фароъ ал-Бағвий — юқорида номи зикр этилган олимнинг биродари, илм аҳлидан ва қалби нозик инсон бўлган (2: 1/553).

5. Аҳмад ал-Бағвий (160-244/777-859)

(Абу Жаъфар) Аҳмад ибн Маниъ ал-Бағдодий ал-Бағвий — Абулқосим ал-Бағвийнинг бобоси, муҳаддис, асли

Марварруздан бўлган. Ҳадис излаб бошқа ўлкаларга борган, маълумотлар тўплаган ва «ал-Муснад»ни тасниф қилган. Ҳадис айтган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 244 х.й.да вафот этган (11: 1/375; 17: 1/313).

6. Муҳаммад ибн Ҳаявия ал-Бағвий

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Ҳаявия ибн Салмавия ибн ан-Назр ибн Мардос ал-Бағвий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/375).

7. Юсуф ал-Бағвий

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Яъқуб ибн Иброҳим ал-Бағвий — фақиҳ бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/375).

8. Муҳаммад ал-Бағвий ад-Даббос (400-488/1009-1089)

(Ал-Қози) Абу Сайд Муҳаммад ибн Али ибн Абу Солиҳ ал-Бағвий ад-Даббос — шаҳарчанинг аҳлидан, олим ва фозил инсон бўлган. Кўп умр курган, хатто Термизий тўпламини бу дунёда ривоят қилган охириги инсон бўлган. 400 х.й. ёки ундан олдинроқ туғилган. 488 х.й.да вафот этган (11: 1/376).

9. Али ал-Бағвий (ваф. 286/899 й.)

д@ ал-Бағвий/ал-Бакирдий/ал-Бакрий/ал-Балосоғуний/ал-Булғорий

Али ибн Абдулазиз ибн ал-Марзибон ибн Шобур ал-Бағвий — муқаддис ва ҳофиз бўлган. 190 х.й.дан кейин туғилган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Муснад ал-кабийр» («Катта суянчик») (17: 2/459).

154
АЛБАКИРДИЙ

«Бакирд»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқ. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Салом ал-Бакирдий

Салом ал-Бакирдий. Унинг уйида нахвшунос Язид бекиниб олган. Абу Муслим уни уйидан чиқарган ва нахвшунос Язид билан биргаликда, бўйнига уриш ҳақида буйрук берган (2: 1/562; 11: 1/385).

155
АЛБАКРИЙ

«Бакридан ясалган нисба. Ушбу нисба Самарканд ашлига мансуб бўлган Бакр ибн Воғилнинг баъзи боболарга нисбатан айтилган. Жумладан, к.уйидаги олимларга шу нисба берилган:

1. Аҳмад ал-Бакрий

Аҳмад ибн Хотам ибн Абдулхамид ибн Абдулмалик ал-Бакрий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган (11: 1/385).

2. Абдуллоҳ ал-Бакрий
(ваф. 275/888 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Башир ибн Умайра ибн ас-Судай ибн Ҳамл ибн Башир Ҳубайл ал-Бакрий ат-Толқоний. Нишопурда яшаган ва 275 х.й. ражаб ойида шу ерда вафот этган (11: 1/385).

156
АЛ-БАЛОСОҒУНИЙ

«Балосоғун»дан ясалган нисба. У — Қошғарга яқ_ин жойдаги турк ўлкаларига мансуб шах,ар. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ибн ал-Балосоғуний (ваф. 506 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Мусо ал-Балосоғуний — «турк» номи билан танилган. Бағдодда ҳанафийлик фикҳини ўқиб-ўрганиб, фақиҳ бўлиб етишган. Шомга борган. Аввал Б а й т у - л - м а қ д и с (Йерусалим)да козиликни бошқарган, сўнгра Дамашқ қозиси бўлган. Сийрати мақтовга лойиқ эрмас. Абу Ҳанифа мазҳабига ва шофиийлик мазҳабидаги воқеликка мутаассибларча берилган. 506 х.й. Дамашқда вафот этган (2: 1/564; 11: 1/424).

157
АЛБУЛҒОРИЙ

«Булғор»дан ясалган нисба. У — славянларнинг шах,ри бўлиб, шимол томондан кесиб ўтади. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Иброҳим ал-Булғорий (ваф. 600/1204 й.)

(Бурхонуддин) Иброҳим ибн Юсуф ал-Булғорий. Унинг «Шарҳу одобил-л-бахс» (Самарқандийнинг «Одобу-л-бахс» асарига шарҳ») номли асари бор (17: 1/84).

2. Абдуннасир ал-Булғорий

(Абуннаср) Абдуннасир ибн Иброҳим ал-Қурсовий ал-Булғорий ал-Қозоний ал-Ҳанафий — мутакаллим бўлган. Бухорода таҳсил олган. Сўнгра ўз юртига қайтиб бориб, мударрислик қилган. Константинополда вафот этган. Унинг асарларидан: «Шарҳу-лақоъиди-н-насафия» («ал-Ақоъиду-н-насафия»га шарҳ»), «ал-Лавоих фи ақоъиди аҳли-с-сунна ал-хакка» («Ҳақиқий сунна аҳли ақоиди ҳақидаги лавҳалар» ва бошқалар (17: 2/329).

3. Муҳаммад ал-Булғорий (ваф. 821/1418 й.)

Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Булғорий, ал-Ҳанафий

ал-Булғорий/ал-Балкиёний/ал-Бамижқасий/ал-Бамлоний/ал-Банокитий #у

— фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «Хазинату-л-уламо ва зийнату-л-фуқаҳо» («Олимларнинг хазинаси ва фақиҳларнинг зийнати») (17: 3/701).

158

АЛБАЛКИЁНИЙ

«Балкиён»дан ясалган нисба. У — Марвадаги қишлоқ. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ақмад ибн Итоб ал-Балкиёний

Ақмад ибн Итоб ал-Балкиёний — солиҳ шайх бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/580; 11: 1/393).

159

АЛБАМИЖҚАСИЙ

«Бамижқас»дан ясалган нисба. У — Бухоро қишлоқларидан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Али ал-Бамижқасий (ваф. 386/996 й.)

(Абулҳасан) Али ибн ал-Ҳасан ибн Шуъайб ал-Бамижқасий — адиб, ўз қишлоғининг хатиби бўлган. Ҳадислар ривоят қилган. 386 х.й. Рамазон хайити кечаси тунда вафот этган (2: 1/586; 11: 1/398).

2. Ибод ал-Бамижқасий

(Абу Жамил) Ибод ибн Ҳишом аш-Шомий ал-

Бамижқасий. У Бамижқас қишлоғида истиқомат қилган. Ундан ривоят қилган Бухайр ибн ан-Назр шундай деган: «У ўзининг азонлари билан Бамижқас масжидининг кўркига кўрк қўшиб турадиган инсон, Бамижқас масжидининг зийнати бўлган» (11: 1/398).

3. Муҳаммад ал-Бамижқасий (ваф. 279/892 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Қасий ал-Бакр ал-Бамижқасий — қори ва Бухайр ибн ан-Назрнинг дўсти бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 279 х.й. рамазон ойида ўз қишлоғида вафот этган. Бу — Бамижқасда бозор бўладиган кун юз берган. Жанозага шунчалик кўп одам келганки, уларнинг ададини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди (11: 1/398).

160

АЛБАМЛОНИЙ

«Бамлон»дан ясалган нисба. У — Марвадаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Ан-Нуъмон ал-Бамлоний (430-510 х.й.)

Ан-Нуъмон ибн Исмоил ибн Абу Ҳарб Абу Ҳанифа

ал-Бамлоний ал-Марвазий — солиҳ фақиҳ бўлган. Тахм. 430 х.й.да туғилган. 510 х.й.да вафот этган (2: 1/587; 11: 1/398).

2. Аҳмад ал-Бамлоний

(Абу Ҳомид) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳаявия ал-Анмотий ал-Бамлоний — ишончли ва обрў-эътиборли инсон бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/587; 11: 1/398).

161

АЛБАНОКИТИЙ

«Банокит»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги шах, ар. Қуйидаги олимлар шу шах, арға мансубдирлар:

1. Абдуллоҳ ал-Банокитий

(Абу Али) Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ал-Банокитий ас-Самарқандий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/589).

2. Довуд ал-Банокитий (ваф. 730/1330 й.)

(Фахруддин Абу Сулаймон) Довуд ибн Муҳаммад ал-Банокитий — муаррих ва шоир бўлган. Унинг асарларидан: «Равзату увло-л-албоб фи таворихи-л-ақобир ва-л-ансоб» («Улуғ зотларнинг таърихлари ва насаблари

38 ал-Банокитий/ал-Буноний/ал-Банжий/ал-Банжадехий

хақидаги оқиллар бўс-тони») (17: 1/701).

3. Муҳаммад ал-Банокитий (ваф. 891/1486 й.)

(Ф а х р у д д и н Абулхасан) Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Банокитий, ал-Ашъарий — муаррих бўлган. Унинг асар-ларидан: «Тариху Хитой» («Хитой тарихи»), «Равзату увло-л-албоб фи-т-тарих» («Тарих хақидаги оқиллар бўсгони») (15: 6/214; 17: 3/331).

162 АЛБУНОНИЙ

«Бунон»дан ясалган нисба. У — Марви аш-Шоқжондаги қишлоқ. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Али ал-Буноний

(Абу Абдурахмон) Али ибн Иброҳим ал-Буноний ал-Марвазий — Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг дўсти бўлган, китобларининг деярли ҳаммасини ундан ривоят қилиб ёзган. Ишончли ва обрў-эътиборли одам бўлган. Марв аҳли ундан кам ривоят қилган. Нишопурга борган ва у ердаги шайхлардан ҳадис тинглаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/589; 11: 1/399).

163 АЛБАНЖИЙ

«Банжи» («Панжи»)дан ясалган нисба. У — Самарканд ноҳияларидан бўлган Рудакдаги цишлоқ^ардан. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Жаъфар ар-Рудакий (ваф. 329 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳаким ибн Абдурахмон ибн Одам ар-Рудакий — самарқандлик шоир. Панж қишлоғидан, сўзлари таъсирчан, мазмундор ва яхши шеърлар битадиган истеъдодли ижодкор бўлган. У — форс тилида яхши шеър битган илк инсон бўлган. Арабу Ажамда унга ўхшаш бошқа шоир бўлмаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 329 х.йда вафот этган (2: 1/590; 11: 1/401).

164 АЛБАНЖАДЕХИЙ (АЛПАНЖДЕХИЙ)

«Банждех», («Фанждех»,) (асли форсча «Панждех», яъни «Бет. қишлоқ» — Т.)дан ясалган нисба. У — Марварруз ноҳияларидан бўлган шах, ар. Қуйидаги олимлар шу шах, арга мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Масъудий (522-584/1128-1188)

(Абу Сайд, Абу Абдуллоҳ, Тожуддин) Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Масъуд ал-Масъудий ал-Хуросоний ал-Марвазий ал-Банжадехий — шофиий факих, суфий, муҳаддис, адиб ва тилшунос олим бўлган. Рабиъу-с-соний ойининг бошида туғилган. У ал-Малик ал-Афзал ибн Салоҳуддинни тарбиялаган. Мисрда мажлислар ўтказган. Рабиъу-л-аввал ойида Дамашқда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарху-л-мақомот ли-л-Ҳаририй» («Ҳаририй битган мақомларга шарх», бу — беш йирик жилддан иборат асар), «ал-Эътибор фи носих ва мансухи-л-ҳадис» («Хукмлар чиқаришда бошқа ҳукмларни бекор қилувчи ёки ўзининг ҳуқуқий кучини йўқотган ҳадисларга эътибор қаратиш»), «ал-Изоҳ фи жамъи-л-мағриб» («Шом намозини кўшиб ўқиш хусусидаги изоҳ»), «ал-Авзоҳ фи шархи-л-мақомот» («Шарху-л-мақомот»га изоҳлар») (15: 6/101; 17: 3/402).

2. Муҳаммад ал-Масъудий (521-584 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Масъуд ибн Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Масъуд ал-Масъудий ал-Банжадехий — фозил ва

машхур инсон бўлган. Айникса унинг адаб соҳасида омади чопган, ал-Ҳаририйнинг мақомларига улардаги маълум хабарлар ва лавҳалардан ташқари деярли тўлиқ шарҳ битган. Шунингдек, ҳадисларни излаш ва ҳадис илмини эгаллаш борасида аник маълумот бера олар эди. Ироқ, ал-Жибол, Шом, Миср, ас-Суғур ва Искандарияга куп сафар қилган. Ўз юртида падари бузруквори, Исфаҳонда Масъуд ас-Сақафий ва Искандарияда Абу Тохир ас-Салафий айтган ҳадисларни тинглаган. У Ҳофиз ад-Дамашқийдан, Ҳофиз ад-Дамашқий эса ундан ҳадислар ёзиб олган. У ҳамма китобларини Дамашқдаги «ас-Сумайсотий» давирасига вақф қилган. 521 х.й.да таваллуд топган. 584 х.й.да вафот этган (2: 1/591).

165

АЛ-БАНЖАХИНИЙ

«Банжахин»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги мах,алла. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Али ал-Банжахиний (ваф. 360 х.й.)

Али ибн Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Каробисий ал-Фақиҳ ал-Банжахиний — банжахинлик фақиҳ бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 360

х.й.да вафот этган (2: 1/591; 11: 1/400).

166

АЛБУНЖИЙКАСИЙ

«Бунжийкас»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги цишлоқ. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Мўмин ал-Бунжийкасий

(Абу Муслим) Мўмин ибн Абдуллоҳ ибн Юнус ал-Бунжикасий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/592; И: 1/401).

167

АЛБУНДУКОНИЙ

«Бундукон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу цишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Бундуконий

(Абу Тохир) Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ажалий ал-Бундуконий — фақиҳ, таърихларни яхши билгувчи, баҳс-мунозарага лаёқатли ва фозил имом бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/592; 11: 1/402).

2. Али ал-Бундуконий (Абулқосим) Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бундуконий. Ахён-

ахёнда шаҳарга келиб турган. Ташки кўриниши чиройли, ёқимли нуруний бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/592; 11: 1/402).

168

АЛБАНДИЙМАШИЙ

«Бандиймаш»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги цишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдурраҳмон ал-Бандиймаший (ваф. 524 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдурраҳмон ибн Абдурраҳим ал-Қассор ал-Қассор ал-Бандиймаший — қози ва ҳофиз бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 524 х.й.да вафот этган (2: 1/592; 11: 1/404).

169

АЛ-БАНСОРАҚОНИЙ

«Бансорақон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ат-Таййиб ал-Бансорақоний (466-532/1073-1138)

(Абу Мансур) ат-Таййиб ибн Абу Сайд ибн ат-Таййиб ал-Хилол ал-Бансорақоний —

хушсиират, еқимли, меҳрли, нуроний оксоқол ва солих шайх бўлган. Шаҳардаги Садақа ибн ал-Фазл мавзесида истиқомат қилган. Ҳадисларни тинглаган ва уларни ривоят қилган. Ҳижозга бориш учун йўлга чиққан, лекин манзилига етолмай йўлда вафот этган. 466 х.й. Марвда туғилиб, 532 х.й. шаъбон ойида Ҳамадонда вафот этган (2: 1/593; 11: 1/404).

170
АЛБАНКАТИЙ

«Банкат»дан ясалган нисба. У — Самарқанднинг Сўғдидаги Иштихонга қарашли бўлган қишлоқ. Қуйидаги олим иғу жойга мансубдир:

1. Али ал-Банкатий

(Абулҳасан) Али ибн Юсуф ибн Муҳаммад ал-Банкатий — солих фақиҳ бўлган. У Маккада уламолардан ҳадис тинглаган, ундан эса уламолар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/593; И: 1/404).

171
АЛБАНКАСИЙ

«Банкаса»дан ясалган нисба. У — Шошдаги бир ҷасаба. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ал-Ҳайсам ал-Банкасий (ваф. тахм. 350 х.й.)

(Абу Сайд) ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж ибн Муъаққил аш-Шоший ал-Банкасий — асли Термиздан бўлса-да, лекин Банкасда яшаган. Шу боис, у Банкасга мансубдир. Сайёх адиб, ҳофиз имом, айтилганларни аниқ-тиниқ эшитадиган ва тўғри усулга эга инсон бўлган. Икки улкан жилддан иборат «ал-Муснад ал-кабийр» («Катта муснад»)ни тузган. Хуросон ва Ироқ ахлидан ҳадис ривоят қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 350 х.й. ёки ундан олдин вафот этган (2: 1/593; 11: 1/405).

172
АЛБАНИРҚОНИЙ

«Банирқон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдуллоҳ ал-Банирқоний

Абдуллоҳ ибн ал-Валид ибн Аффон ал-Банирқоний. У уламолардан ҳадис тинглаган (2: 1/595; 11: 1/405).

173
АЛБУТАҚИЙ

«Бутақи»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аслам ал-Бутақий (ваф. 350 х.й.дан кейин)

(Абулфазл) Аслам ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Фароша ал-Бутақий — Марв ахлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 350 х.й.дан кейин вафот этган (2: 1/600; 11: 1/408).

174
АЛБУРНАМАЗИЙ

«Бурнамаздан» ясалган нисба. У — Самарқанддаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдуллоҳ ал-Бурнамазий

(Абу Аҳмад) Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ал-Бурнамазий — зоҳид бўлган. Зоҳидлик ва умрини ўтаб бўлган аскетизмга муккасидан кетган эди. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/600; 11: 1/411).

175
АЛБУЗАНЖИРДИЙ

«Бузанжирдий»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Иброҳим ал-Бузанжирд (ваф. 289 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Ҳилол ибн Амру ибн

Сиёвуш ал-Ҳошимий ал-Бузанжирдий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 289 х.й.да вафот этган (2: 1/601; 11: 1/412).

2. Муҳаммад ал-Бузанжирдий (ваф. 323 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бузанжирдий — факих, хофиз ва кўп ҳадисларни тинглаган инсон бўлган. 323 х.й.да вафот этган (11: 1/412).

3. Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бузанжирдий

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бузанжирдий — юқорида номи зикр этилган Абу Бакрнинг биродари бўлган (11: 1/413).

176

АЛБУЗАНШОҲИЙ

«Бузаншоҳ»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Зирор ал-Бузаншоҳий (453-531/1061-1136)

Зирор ибн Амру Абдуррахмон ал-Бузаншоҳий — тобиийлардан, имом, хофиз, муфтий, фозил инсон, «Байту-л-илм ва-л-ҳадис»га мансуб олим бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис

ривоят қилганлар. 453 х.й. сафар ойида туғилган ва 531 х.й. рабиъу-л-аввал ойининг еттинчи куни вафот этган (2: 1/601; 11: 1/413).

177

АЛБУҒИЙ

«Буғ»дан ясалган нисба. У — Термиздаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Буғий аз-Зарир (ваф. 275 х.й.)

(Имом Абу Исо) Муҳаммад ибн Исо ибн Сура ибн Шаддод ат-Термизий ал-Буғий аз-Зарир — ўз давридаги ҳимоясиз имом, кўп асарлар, шу жумладан, «Китобу-с-сахийх» («Ишончли китоб»)нинг муаллифи бўлган. 275 х.й.да вафот этган (2: 1/604; 11: 1/415).

178

АЛБУЙНАЖИЙ

«Буйна» («Буйнак»)дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим иу жойга мансубдир:

1. Ал-Ҳасийн ал-Буйнажий (ваф. 300 х.й.дан олдин)

(Абу Абдуррахмон) ал-Ҳасийн ибн ал-Мусанно ибн Абдулкарим ибн Рошид ал-Буйнажий ал-Марвазий — Буйна

қишлоғидан бўлган. Ироққа борган. Рай ва Куфада ҳадис ёзиб олган. Ўзи ҳам ҳадис айтган, одамлар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 300 х.й.дан олдин вафот этган (2: 1/609; 11: 1/417).

2. Абу Сайд ал-Буйнажий

Абу Сайд ал-Буйнажий — ибн ал-Муборакнинг дўсти, Буйна қишлоғидан бўлган (11: 1/417).

179

АЛБАҲОРИЙ

«Бах,ор» («Бах,орин»)дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Рикод ал-Баҳорий (ваф. 246 х.й.)

Рикод ибн Иброҳим ал-Баҳорий. Уламолардан ҳадис ривоят қилган. 246 х.й.да вафот этган (2: 1/609; 11: 1/419).

180

АЛБАҲВАНИЙ

«Бах,вана»дан ясалган нисба. У — Марварруз ноҳ,иясидаги Банждея (яъни «Бешқишлоқ» маъносини англатувчи форсча «Панж дгед» и б о р а с и н и н г арабчалашган шакли — Т.) қишлоқ^аридан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ал-Бахваний (466-544 х.й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулрахмон ибн Абдуллоҳ ибн Шамр ал-Бахваний — фозил имом, шоир ва адиб бўлган. Умрининг охирида ақлдан озган. 466 х.й.да туғилган ва 544 х.й.да вафот этган (2: 1/612).

**181
АЛБАЙДАРИЙ**

«Байдараядан ясалган нисба. У — Бухородаги цишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муқотил ал-Байдарий

(Абулҳасан) Муқотил ибн Масъад аз-Зоҳид ал-Байдарий ал-Бухорий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/621; 11: 1/427).

**182
АЛБАЙРОНИЙ**

«Байронядан ясалган нисба. У — Насафдаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Умар ал-Байроний (419-550 х.й.)

Умар ибн Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Банкий ибн Мазкур ибн Хафс ибн ал-Байроний ал-Фархузидзий ан-Насафий — Байрон

аҳлидан бўлган. Бухорога келган ва шу ерда истиқомат қилган. Солиҳ шайх, таниқли олим ва ишларни қойилмақом қилиб адо этувчи инсон бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис тинглаганлар. Тахм. 419 х.й.да Фархузидза қишлоғида туғилган ва 550 х.й.да Бухорода вафот этган (2: 1/621).

**183
АЛБАЙРАМАСИЙ**

«Байрамасядан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ал-Байрамасий

(Абу Муҳаммад) Аҳмад ибн Умар ал-Бахорий ал-Байрамасий. У Бухоро аҳлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/622; 11: 1/428).

**184
АЛБАЙФОРИНИЙ**

«Байфоринядан ясалган нисба. Куйидаги олимга шу нисба берилган:

1. Мусо ал-Байфориний (ваф. 291/904 й.)

(Абу Имрон) Мусо ибн Афлах ибн Холид ибн Шарик ал-Байфориний

ал-Бухорий — узоқ умр кўрувчилардан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 291 х.й. жумоду-л-охира ойида вафот этган (11: 1/433).

**185
АЛПОЙКАНДИЙ**

«Байкандядан ясалган нисба. У — Бухоро билан Жайх,ун оралиғида жойлашган шах,ар. Куйидаги олимлар шу шах.арга мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Пойкандий (162-227/779-841)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Салом ибн Фараж ас-Сулламий Мавлоҳум (уларнинг раҳнамоси) ал-Бухорий ал-Пойкандий — Бани Салимининг мавлоси, Мовароуннаҳр аҳлига мансуб муҳаддис ва фақиҳ бўлган. Кўпгина ҳадисларнинг бизгача етиб келишида унинг хиссаси бор. Шунингдек, у илмининг деярли ҳар бир бобига оид асарлар тасниф қилган ва ҳадис излаб бошқа ўлкаларга борган. 225 ёки 227 х.й. сафар ойида якшанба куни вафот этган (2: 1/633; 11: 1/434; 17: 3/327).

2. Али ал-Пойкандий (719/1319 йилда хаёт бўлган)

Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Бакр ибн Али

ал-Пойкандий

ан-Насафий сўнгра ал-Пойкандий — фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «Шарху-л-қисми-с-солис мин мифтоҳи-л-улум» (ас-Саккокий қаламига мансуб «Мифтоҳу-л-улум», яъни «Илмларнинг очкичи» номли асарнинг учинчи қисмига шарх»), муаллиф ушбу асарни 719 х.й.да ёзиб тутатган (17: 2/515).

3. Аҳмад ал-Пойкандий (311-412/923-1014)

(Абулфазл) Аҳмад ибн Али ибн Амру ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ас-Сулламий ал-Пойкандий ал-Бухорий — муҳаддис бўлган. Ирок ва Шомга борган. Кўп маълумотларни жам ва тасниф қилган, айниқса ҳадис илми соҳасида илғорлаб кетган. Айтишларича, унинг қаламига мансуб каттаю кичик тўрт юздан зиёдрок асарлар бор. Кўп нарсаларни ёд олган хофизлардан бўлган. Деярли ҳар ҳафтада бир асар тасниф қилган ва уни жомеъ масжидда жума куни одамларга айтиб берган. 414 х.й. зу-л-ҳижжа ойида вафот этган (2: 1/633; 11: 1/434; 17: 1/207).

4. Яҳё ал-Пойкандий (ваф. 243/857 й.)

(Абу Закариё) Яҳё ибн Жаъфар ибн Аъян ал-Аздий ал-Бакрий ал-

Пойкандий — муфасссир бўлган. Пойкандда яшаган ва шу ерда вафот этган. Унинг асарларидан: «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири») (11: 1/434; 17: 4/90).

5. Муҳаммад Аҳмад ал-Пойкандий (412-482/1021-1089)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Хомид ибн Убайд ал-Пойкандий, ал-Ханафий — қозилардан, илми каломни яхши билган, муътазилий олим бўлган. Ёши тўқсондан ошган пайтда Бағдодда вафот этган. Унинг асарларидан: «ал-Худо ва-л-иршод ли аҳли-л-хайрат ва-л-ибод» («Ибодат ва хайрат аҳли учун тўғри йўл ва кўрсатма»), «ар-Рисола ал-масъудия фи-л-мабоҳиси-н-нафсия» («Нафс ҳақидаги тадқиқотлар ҳақида Масъудий битган рисола»), «Таҳқику-р-рисолати би авзаҳи-д-далола фи-н-нубуват» («Пайғамбарлик ҳақидаги рисола ни изоҳлари энг кўп далиллар билан тадқиқ этиш») (11: 1/435; 15: 6/75; 17: 3/58).

6. Муҳаммад ал-Пойкандий

(Абу Аҳмад) Муҳаммад ибн Юсуф ал-Пойкандий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 1/633; 11: 1/434).

7. Исмоил ал-Пойкандий (ваф. 273 х.й.)

(Абу Сайд) Исмоил ибн Ҳамдавия ал-Пойкандий. 229 х.й.да Дамашққа келган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 273 х.й.да вафот этган (2: 1/633).

8. Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ал-Пойкандий

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ибн Салом ибн Фураж ал-Пойкандий. Унча-мунча ҳадисларни яхши билган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/434).

9. Усмон ал-Пойкандий (465-552/1073-1157)

(Абу Амру) Усмон ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ал-Пойкандий — ишончли, обрў-эътиборли солиҳ имом бўлган. 465 х.й. шаввол ойида Бухорода туғилган. Унинг падари бузруквори — Пойкандий (Пойкандлик). Ҳадисларни тинглаган. У Сараҳс имомидан фикҳ илмини ўрганиб, фақиҳ бўлиб етишган. Устозидан ва ундан бошқа бир жамоа олимлардан ҳадис тинглаган. 552 х.й. шаввол ойида вафот этган (11: 1/435).

10. Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Пойкандий

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Холид ибн Мусо ибн Зиёд

**ал-Пойкандий/ал-Байлақоний/ал-Баймоний/ал-Бийвардий/ал-
дл, Байвуқоний/ат-Тобиший**

ибн Фарухон ал-Пойкандий. У Бағдодга келган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/435).

11. Аҳмад ибн Юнус ал-Пойкандий (ваф. 372 х.й.)

(Абу Яхё) Аҳмад ибн Юнус ибн ан-Назр ибн Шамил ал-Пойкандий — хатиб бўлган, Пойкандда хатибликни бошқарган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 372 х.й.да Пойкандда вафот этган (11: 1/435).

12. Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Пойкандий

Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Пойкандий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (И: 1/434).

**186
АЛБАЙЛАҚОНИЙ**

«Байлақон»дан ясалган нисба. У — Ширвондаги Дарбанд (Бобу-л-абвоб)га яқин жойда жойлашган шещар. Қуйидаги олим шу шах,арга мансубдир:

1. Абдулмалик ал-Байлақоний (ваф. 496 х.й.)

(Абулмаъолий) Абдулмалик ибн Аҳмад ибн Абдулмалик ибн Абдикон ал-Байлақоний — ростгўй ва ҳуснихат соҳиби бўлган. У илм

излаб, Хуросон ва Ироққа борган, у ерда уламолардан ҳадис тинглаган. 496 х.й.да вафот этган (2: 1/633; 11: 1/435).

**187
АЛБАЙМОНИЙ**

«Баймон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Солиҳ ал-Баймоний

Солиҳ ибн Яхё ал-Баймоний — «Солиҳ ибн Хаёвия» номи билан танилган. Араб тили ва нахвини яхши биладиган олим ва фозил инсон бўлган (2: 1/634; 11: 1/437).

**188
АЛБИЙВАРДИЙ**

«Абийвард»дан ясалган нисба. У — Хуросон шах,арларидан бири. Қуйидаги олим шу шах,арга мансубдир:

1. Шаъсам ал-Бийвардий (ваф. 240 х.й.)

(Абу Аҳмад) Шаъсам ибн Асил ал-Ажалий ал-Бийвардий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилган. 240 х.й.да вафот этган (11: 1/437).

**189
АЛБАЙВУҚОНИЙ**

«Байвуқон»дан ясалган нисба. У — Сарахсдаги қишлоқ-лардан бири.

Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Аҳмад ал-Байвуқоний (ваф. 466 х.й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Абу Али Абдулкарим ал-Байвуқоний ас-Сарахсий — солиҳ шайх бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 466 х.й.да вафот этган (2: 1/638; 11: 1/437).

**190
АТТОБИШИЙ**

«Тобиша»дан ясалган нисба. У — Бухоро ах,лидан бўлган баъзи боболарнинг исми шарифи. Қуйидаги олимлар шу нисбага мансубдирлар:

1. Абдуррахмон ат-Тобиший (ваф. 257/871 й.)

(Абулфазл) Абдуррахмон ибн Зарнак ибн Тобиша ал-Бухорий ат-Тобиший — Бухоро ахлидан бўлган. Болалари ундан ҳадис ривоят қилганлар. 257 х.й. рабиъу-с-соний ойининг тўртинчи куни вафот этган (11: 1/440).

2. Муҳаммад ат-Тобиший

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуррахмон ат-Тобиший — Бухоро ахлидан, юқорида номи зикр этилган Абдуррахмоннинг ўғли

ат-Тобиший/ат-Тодиний/ат-Тодийзий/ат-Тубоний/ат-Тибризий

бўлган. У падари бузрукворидан ҳадис ривоят қилган (1-1: 1/440).

**191
АТТОДИНИЙ**

«Тодин» («Тозин»)дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқ, -лардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Ал-Ҳасан ат-Тодиний (ат-Тозиний)

(Абу Муҳаммад) ал-Ҳасан Жаъфар ибн Ғазвон ас-Сулламий ат-Тодиний (ат-Тозиний) — Тодин қишлоғи аҳлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/6; 11: 1/442).

**192
АТТОДИЙЗИЙ**

«Тодийза»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ал-Ҳасан ат-Тодийзий (ваф. 326/938 й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн ад-Дахҳоқ ибн Матар ибн Ханнод ат-Тодийзий ал-Бухорий — Бухоро аҳлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 326 ҳ.й. шаъбон ойида вафот этган (2: 2/6; 11: 1/441).

**193
АТТУБОНИЙ**

«Тубон»дан ясалган нисба. У — Насаф ноҳ,иясидан бўлган Сувайхдаги қишлоқ[^]ардан бири.Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ат-Тубоний (ваф. 793/1391 й.)

(Жалолуддин) Аҳмад ибн Юсуф ат-Тубоний — илми усул билан шуғулланган ханафий фақиҳ, навҳшунос олим. Ражаб ойида вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарҳу-л-манор» («ал-Манор» шарҳи), «Рисола фи адами жавози сихҳати-л-жумъа фи мавозий» («Жума намозини ўқишга ижозат берилмаган жойлар ҳақидаги рисола»), «Нукат ала-л-хидоя фи фуруъи-л-фикҳи-л-ханафий» («Ханафийликдаги фуруъ ал-фикҳ масалаларига бағишланган «Хидоя» асарига оид нукталар», у мазкур асарни «ал-Хидоя»нинг шаънига «ал-Иноя» деб номлаган (17: 1/327).

2. Абу Ҳорун ат-Тубоний

(Абу Ҳорун) Мусо ибн Хафс ибн Нух ибн Муҳаммад ибн Мусо ат-Тубоний ал-Касий — илм излаб, Ироқ ва Ҳижозга борган олим. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис

ривоят қилганлар (2: 2/11; (11: 1/446).

**194
АТТИБРИЗИЙ**

«Тибриз»дан ясалган нисба. У — Озарбайжондаги шаъар: Қуйидаги олимлар шу шах,арга мансубдирлар:

1. Иброҳим ал-Жорубердий (712/1312)

Иброҳим ибн Аҳмад ибн ал-Ҳасан ал-Жорубердий ат-Тибризий аш-Шофиъий. Дамашққа келган ва шу ерда вафот этган. У падари бузрукворини ёқлаб, «ар-Радд ала-л-узд» («Ёрдамга жавоб») номли асар ёзган (17: 1/9).

2. Иброҳим ат-Тибризий (673/1274)

Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Сулаймон ат-Тибризий (Абу Исҳоқ), зоҳид олимлардан бири. Унинг «Асрору-л-вусул би-л-вусул ила айни-н-нур» («Нурнинг манбаига етиб бориш сирлари») номли асари бор (17: 1/14).

3. Иброҳим ат-Тибризий (1065-1145/1655-1732)

Иброҳим ибн Масъум ибн Фасиҳ ат-Тибризий хафа бўлган жойига нисбатан ат-Тибризий, яшаш жойига нисбатан ал-Қазвиний, насл-насабига нисбатан ал-Ҳусайний — олим амир

д@ ат-Тибризий (ат-Табризий)

бўлган. Унинг қаламига мансуб 14 та асардан машхурлари: «Ҳошия ала ояти-л-аҳком ли-л-Ардабили» («Ардабилининг «Ояту-л-аҳком» асарига ёзилган хошия-изоҳ»), «Рисола фи тахқиқи-л-илми-л-илоҳий» («Илоҳий илми ўрганиш ҳақидаги рисола»), «Мақомот камақомоти-л-Ҳаририй» («ал-Ҳаририй мақоматларига ўхшаш мақоматлар»), «Ажвиба масоили фикҳия ва аклия» («Фикҳий ва аклий масалаларга жавоблар»), шунингдек, у қасидалар ҳам битган (17: 1/74).

4. Аҳмад ал-Куроний (813-893/1410-1488)

Аҳмад ибн Исмоил ибн Усмон ибн Аҳмад ибн Рашид ибн Иброҳим аш-Шаҳрузурий, ал-Ҳамадоний, ат-Тибризий ал-Куроний, сўнгра ал-Қохирий, аш-Шофиъий, сўнгра ал-Ханафий (Шарфуддин, Шихобуддин) — Рум уламоларидан бўлган. Ҳарбий судни, сўнгра фатво чиқарувчи идорани бошқарган. Константинополда вафот этган. У таълиф қилган асарлардан: «Шарҳу Саҳийҳи-л-Бухорий» («Саҳийҳ ал-Бухорий»га шарҳ), «Кашфу-л-асрор ан қироати-л-аъиммати-ла-хёр» («Фозил имомлар қироати ҳақидаги сирларнинг кашф

этилиши»), «Шарҳу жамъи-л-жавомий фи усули-л-фикҳ» («Усул ал-фикҳ ҳақидаги тўпламлар тўламига шарҳ»), «Ғояту-л-амоний фи тафсири-л-каломи-р-раббоний» («Раббоний калом тафсири ҳақидаги эҳтиёткорликдан кўзланган мақсад»), «Қасида фи илми-л-аруз» («Аруз илми ҳақида қасида»), «ал-Кавсар ал-жорий фи аходиси-л-Бухорий» («Бухорий ҳадислари ҳақида жорий кавсар» (17: 1/104).

5. Аҳмад ат-Тибризий (1271/1855 йилда ҳаёт бўлган)

Аҳмад ибн Боқир ибн Иброҳим ат-Тибризий — усул илми билан шуғулланган фақих. Асарларидан: «Китоб фи усули-л-фикҳ» («Усул ал-фикҳ ҳақидаги китоб», уч жилдли) (17: 1/253).

6. Аҳмад ат-Тибризий (1265/1849)

Аҳмад ибн Лутф Алихон ибн Муҳаммад ибн Содик ал-Қародоғий, ат-Тибризий — фақих, олим бўлган. Табризда падари бузруквори тарбиясида вояга етган, сўнгра Исфаҳонга сафар қилган, кейинчалик у ердан Ироққа кўчиб ўтган ва Карбалода истикомат қилган. Нажафда вафот этган ва шу ерда дафн қилинган. Асарларидан: «Манҳажу-р-рашод фи шарҳи-л-иршод» («Шарҳи

иршод» ҳақидаги соғлом фикр дастури») (17: 1/253).

7. Аҳмад ал-Аминий (1287-1370/1870-1915)

Аҳмад ибн Нажаф Али ал-Аминий, ат-Тибризий. Табриз ноҳияларидан бўлган Сардҳо кишлоғида таваллуд топган, Техронда вафот этган. Асарларидан: «Таълика ала-л-макосиб» («Макосиб» китобига таълика») (17: 1/318).

8. Исмоил ал-Мирандий (1318/1900)

Исмоил ал-Мирандий ат-Табризий — усул ал-фикҳ бўйича фақих ва муфассир бўлган. Табризда 4 рабиъу-лаввалда тахм. 90 ёшида вафот этган. Жасади Нажафга олиб келинган. Асарларидан: «Ҳошия ала китоби-т-тахора ва китоби-л-макосиб» (Шайх Муртазонинг «Тахорат» ва «Макосиб» китобларига хошия-изоҳ»), «Рисола фи-т-таъодули ва-т-таржих» («Тенглик ва таржих ҳақида рисола»), «Дурару-л-фавоид фи-ла-ахлоқ» («Ахлоққа оид фойдали маслаҳатлар дурдонаси»), «ал-Мавозийн фи шарҳи-л-қавонийн» («Қонунларни шархлаш ҳақидаги мезонлар», етти жилддан иборат асар) ва «Шарҳу фусуси-л-ҳикам ли ибн Арабий» («Ибн Арабийнинг «Фусусу-л-ҳикам» асарига шарҳ») (17: 1/380).

ат-Тибризий (ат-Табризий)

9. Бадал ат-Тибризий (601/1205)

Бадал ибн Исмоил ат-Табризий (Бадруддин) — мухаддис, хофиз. Асарларидан: «Тухфату-лавлиёи-л-аткиё фи зикри холи саййиди-л-аткиё» («Тақводорлар саййидининг холини зикр этиш ҳақида покдоман авлиёлар тухфаси»), 601 х.й.да қирк ҳадисни имло этган (17: 1/423).

10. Башир аз-Зайний (570-646/1174-1248)

Башир ибн Ҳомид ибн Сулаймон ибн Юсуф ибн Сулаймон ибн Абдуллоҳ ал-Ҳошимий, ал-Жаъфарий, аз-Зайний, ат-Табризий, аш-Шофиъий (Нажмуддин, Абуннуъмон) — муфассир, мухаддис, суфий, факих. Ардабилда таваллуд топган, сафар ойида Маккада вафот этган. Асарларидан: «Тафсир кабийр» (кўп жилдлик «Катта тафсир»), «Аҳосину-л-калом ва маҳосину-л-киром» («Сўзларнинг энг яхшилари ва иззат-икромнинг гўзал намуналари»), «Арбаъуна ҳадисан фи умури-д-дин» («Диний амаллар хусусидаги қирк ҳадис») (17: 1/428).

11. Ҳасан ал-Мужтаҳид (1268-1337/1852-1919)

Ал-Ҳасан ибн Боқир ибн Аҳмад Лутф Али ибн

Муҳаммад Содик ал-Қародоғий, ат-Табризий — факих ва усул-ал-фикҳ бўйича олим бўлган. «Мужтаҳид» номи билан танилган. Табризда таваллуд топган. Илм излаб, Нажаф сари отланган. У Ҳабибуллоҳ ар-Руштий, Али ибн Фатхуллоҳ ан-Наҳорвандий, Ҳусайн ат-Турк ва бошқалардан илм ўрганган. Жумоду-лохира ойининг 9-куни Табризда вафот этган, жанозаси Нажафда ўтказилган ва шу ерда абадий қўним топган. У тасниф қилган асарлардан: «Ташриҳу-л-усул» («Усул шарҳи»), «Рисола фи муқаддимати-л-вожиб» («ал-Вожиб»нинг муқаддимаси ҳақидаги рисола»), «Китобу-т-тахорат» («Таҳорат китоби») (17: 1/541).

12. Ҳасан ат-Табризий (790/1388)

Ҳасан ибн Шараф ат-Табризий (Ҳисомуддин Абу Абдуллоҳ) — факих ва адиб бўлган. 790 х.й.дан кейин вафот этган. Асарларидан: «Манзума фи фуруъи-л-фикҳи-л-ханафий» («Ҳанафий фикҳ соҳалари ҳақидаги манзума»), «Домиғату-л-мубтадиъийн ва носирату-л-мужтаҳидийн» («Мубтадиъларнинг рад этиб бўлмайдиган далиллари ва мужтаҳидларнинг тарафдорлари») (17: 1/554).

13. Ҳасан ал-Ҳаштарудий (1304/1887)

Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Али ал-Ҳаштарудий ат-Табризий — факих ва усул-ал-фикҳ бўйича етук олим бўлган. Карандда вафот этган ва шу ерга дафн этилган. У тасниф қилган асарлардан: «ат-Такрирот» («Ечимлар»), «Мимман ал-аброр фи таржимати ошири-л-бихор» («Уммондаги ўнинчи олимнинг таржимаи холи ҳақида улуғ зотларнинг айтган сўзларидан парчалар») (17: 1/561).

14. Муҳаммад ат-Табризий (1304/1887)

Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Ҳаштарудий ат-Табризий — олим ва адиб бўлган. Нажафда истикомат қилган ва Муртазо ал-Ансорийдан илм ўрганган. Унинг илмий ва адабий асарлари бор (17: 3/223).

15. Ҳасан ат-Табризий (1357/1939)

Ҳасан ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Муҳибуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Алёрӣ, ал-Қарочадоғӣ, ат-Табризий — илми усул бўйича олим ва факих бўлган. Ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида Нажафда турган. Шу давр мобайнида ал-Момқонӣ, ал-Мозандаронӣ, Муҳаммад Али ал-Бақоу

дд ат-Табризий (ат-Табризий)

ва бошқалардан илм ўрганган. Сўнгра ватанига қайтиб, ўзи йўлланма олган диний вазифаларни бажарган. У тасниф қилган асарлардан: «Мишкоту-л-анвор фи усули-д-дин» («Дин асослари бўйича нурлар манбаи», икки жилдли), «Мишкоту-л-усул фи илми-л-усул» («Илм асослари ҳақида усуллар манбаи», уч жилдли) «Сироту-н-нажот» («Нажот кўприги»), «Жомиъу-с-саодат» («Кони саодат»), «Бадӯиу-л-ислом фи шарҳ шаройиъи-л-ислом» («Ислом шариатининг шарҳи ҳақидаги исломий бадиалар» (17: 1/569).

16. Ҳасан ат-Табризий (1338/1920)

Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Боқир ибн Аҳмад ибн Лутф Али ибн Муҳаммад Содиқ ал-Қародоғий, ат-Табризий — олим ва фақиҳ бўлган. У Табризда таваллуд топиб, шу ерда вояга етган, сўнгра Нажафга кўчиб ўтган ва у ерда беш йил қолиб кетган. Кейинчалик Озарбайжонга қайтиб келган ва шу ерда жумоду-л-охира ойида вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Ташриъу-л-усул» («Усулнинг қонуний асослари»), «Рисола фи муқаддимати-л-вожиб» («ал-Вожиб»нинг муқаддимаси хусусидаги рисола»), «Китобу-т-

тахорат» («Таҳорат китоби»), «ар-Рисола ал-илмия» («Илмга бағишланган рисола») (17: 1/581).

17. Ҳусайн ал-Қазвиний (1126-1208/1714-1794)

Ҳусайн ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Маъсум ибн Муҳаммад Фасиҳ ал-Ҳусайний, ат-Табризий — фақиҳ, баъзи илмлардаги усулларни ишлаб чиқишда иштирок этган олим. Падари бузруквори ва биродари, Муҳаммад Маҳдий ва Насруллоҳ ал-Ҳоъирий ва бошқалардан илм ўрганган. Ундан ат-Таботабоъийнинг «Баҳру-л-улум» — «Илмлар уммони» асарини тинглаган. Қазвинда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Маъорижу-л-аҳком фи шарҳи масолики-л-афҳом» («Тушунчаларнинг йўл-йўриқларини шарҳлаш ҳақидаги ҳукмларнинг зинапоялари»), «Шароъиу-л-ислом фи мустадракоти-л-васоил» («Воситаларни идрок этиш ҳақидаги ислом шариати»), «Мустақсо ал-ижтиҳод фи шарҳи захирати-л-маъод ва-л-иршод» («Захирату-маъод ва-л-иршод» шарҳи ҳақидаги уринишларни чуқур ўрганиш»), «Тазкирату-л-укул фи усули-д-дин» («Дин асослари ҳақидаги акллар тазкираси»), «ал-Лаъолий ас-самина фи-т-тарожим» («Таржималар

ҳақидаги қимматбаҳо гавҳарлар»), «Бароҳину-с-садод фи шарҳи-л-иршод» («Иршод» шарҳи ҳақидаги соғлом фикрга асосланган исботлар», кўп жилдли). (17: 1/600).

18. Ҳусайн ат-Табризий (1176/1762 йилда ҳаёт бўлган)

Ҳусайн ибн Ҳайдар ат-Табризий, ал-Маръаший ар-Румий, ал-Ҳанафий. Асарларидан: «Жомиъу-л-кунуз» («Пинҳон бойликлар манбаи»), «Нафоису-т-тақрир фи шарҳи-л-валадияти мин одоби-л-мунозарати» («Мунозара одоби бобидан фарзандлик шарҳи ҳақидаги нафис ечимлар»). Ушбу асарни муаллиф 1176 х.й.да ёзиб тугатган (17: 1/609).

19. Ҳусайн ат-Табризий (ваф. 1280/1863 йилдан кейин)

Ҳусайн ибн Абдурраззоқ ат-Табризий — олим, хатиб ва адиб бўлган. Асарларидан: «Башоиру-л-бокийна ва анису-з-зокирийн» («Илк йиғловчилар ва зокирларнинг дўсти») (17: 1/615).

20. Ҳусайн ат-Табризий (1346/1927 йилда ҳаёт бўлган)

Ҳусайн ибн Абдулғалий ат-Табризий, ат-Тутинжий — мутакаллим бўлган. Асарларидан: «Изолату-л-васвос ва-л-

ат-Тибризий (ат-Табризий)

авхом фи-р-радд ала-н-насорий ва ибтоли акволиҳим» («Носароларга раддия бериш ва улар айтган сўзларнинг ботиллигини фош этишда васвос ва оғма ғоялардан холи бўлиш») (17: 1/616).

21. Ҳусайн ал-Хусравшоҳий ат-Табризий (ваф. 1281/1864 йилдан кейин)

Ҳусайн ибн Али ал-Хусравшоҳий, ат-Табризий — фозил инсон бўлган. У Карбалода Козим ар-Руштийдан илм олган. Асарларидан: «Рисола фи-л-адъбияти-с-салоса» («Уч дуо ҳақидаги рисола») (17: 1/625).

22. Ҳусайн ат-Табризий (1159-1251/1746-1835)

Ҳусайн ибн Нажаф ибн Муҳаммад ат-Табризий, ан-Нажафий (Абулжавод) — фақиҳ, адиб ва шоир бўлган. У Нажафда таваллуд топган ва шу ерда 2 муҳаррам куни вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ат-Тухфа ан-нажафия фи радди ала-л-ашъария фи масъалати-л-хусни ва-л-қабхи ва-л-аклийийин» |«Хусни муомала, қабоҳат за ақл тарафдорлари масаласи хусусида ашъарийлар фикрини рад этиш ҳақида нажафий тухфа»), «Девону шеър фи мадҳи аҳли-л-байт» («Аҳлу-л-байт мадҳи хусусидаги девон») (17: 1/646).

23. Жаъфар ат-Табризий (1262/1846)

Жаъфар ибн Ақмад ибн Лутф Алихон ибн Муҳаммад ал-Мағоний, ат-Табризий — фақиҳ бўлган. У Нажафда «ал-Жавохир» китобининг муаллифи Али Муҳаммад Ҳасан хузурида илм ўрганган. Асарларидан: «Шарҳу-ш-шаройиъ» («Шаръий ҳукмлар шарҳи»), «Рисола фи-л-асири-л-инабий» («Узум ш а р б а т и н и н г хусусиятлари ҳақидаги рисола») (17: 1/486).

24. Жаъфар ат-Табризий (1290-1346/1873-1927)

Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Жаъфар ат-Табризий — олим, фикҳ илмининг усул соҳаси бўйича фақиҳ бўлган. Рабиъу-л-аввал ойида таваллуд топган ва Табризда вояга етган. Сўнгра Нажафга кўчиб ўтиб, у ерда ўн йил истиқомат қилган. Яна Табризга қайтиб келиб, тахм. 1324 х.й.да вафот этгунига қадар шаръий вазифаларни бажариш ва китоблар таълиф этиш билан шуғулланган. У тасниф қилган асарлардан: «Равойиъу-л-усул» («Усул бўйича шоҳона асарлар»), «Мабониъу-л-усул» («Усулнинг манбалари»), «Далоилу-л-хайрот» («Эзгулик далиллари»), «Китобу-т-тахорат» («Тахорат китоби»),

«Китобу-с-салот» («Намоз китоби») (17: 1/498).

25. Жамолуддин ат-Табризий (1326-1369/1908-1950)

Жамолуддин ибн Абулқосим ибн Муҳаммад Ризо ибн Абулқосим ибн Али ибн Асғар ат-Табризий, ан-Нажафий — олим, фақиҳ ва усул ал-фикҳ бўйича етук мутахассис бўлган. У Нажафда туғилиб, шу ерда ў с и б - у л ғ а й г а н . Асарларидан: «ал-Кашкул» («Тўплам») (17: 1/503).

26. Жавод ал-Маликий (1343/1925)

Жавод ибн Шафиъ ал-Маликий, ат-Табризий — фақиҳ ва суфий бўлган. У Нажафда илм ва фазл аҳлига мансуб бўлган бир жамоадан сабоқ олган. Қумни ватан тутинган ва Қурбон ҳайити куни вафот этгунига қадар шу ерда истиқомат қилган. У тасниф қилган асарлардан: «Асрору-с-салот» («Намоз сирлари»), «ас-Сийар ва-с-сулук» («Тасаввуфдаги сулуклар ва улардаги шайхларнинг сийратлари») (17: 1/510).

27. Ражаб ал-Исфаҳоний (XII х.а./XVIII м.а.)

Ражаб Али ат-Табризий, ал-Исфаҳоний — ҳаким, мутакаллим ва фақиҳ бўлган. У ҳижрий

100 ат-Тибризий (ат-Табризий)

ўн иккинчи асрнинг бошларида ҳаёт бўлган. У таълиф этган асарлардан: «ал-Усул ал-асфия» («Соф усуллар»), «Татбиқ мо вурида фи-ш-шаръи мин амри-л-маъод ала сифотин-нафс ва маликатухо ва улумухо» («Нариги дунё ҳаётидаги нафснинг сифатлари, унинг соҳиблари ва илмлари ҳақидаги шаръий ҳукмларда келган амалларни ҳаётга татбиқ қилиш») (17: 1/712).

28. Ризо ат -Табризий (1249/1833 йилдан илгари ҳаёт бўлган)

Ризо ибн Ризо ат-Табризий — Табризда ўсиб-улғайган ёзувчилардан. У 1249 х.й. вафот этган Аббос Мирзо Фатх Алишоҳ билан яқин алоқада бўлган. Унинг «Зийнату-т-таворих» («Тарихлар зийнати») номли асари бор (17: 1/719).

29. Рафиъуддин ат-Табризий (1326/1908)

Рафиъуддин ибн Али Асғар ибн Абу Толиб ал-Ҳасаний, ат-Таботабъий, ат-Табризий — баъзи илм соҳаларида фаолият кўрсатган олим. Лақаби — «Низому-л-уламо». Табризда вафот этган. Асарларидан: «ал-Мақолот ан-низомия» («Низомий мақолалар»), «Тухфату-ламсол» («Мақоллардан тузилган тухфа»), «ат-Таҳқиқот ал-алавия» («Алавий тадқиқотлар»),

«ал-Мажолис ан-низомия» («Низомий кенгашлар»), «Ташриху-т-тақвим» («Таквим шарҳлари») (17: 1/723).

30. Шариф аш-Ширвоний (1228/1813 йилда ҳаёт бўлган)

Шариф ибн ар-Ризо аш-Ширвоний, ат-Табризий — баъзи илм соҳаларида фаолият кўрсатган олим. Унинг «ат-Тухфа ал-баҳия фил-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақидаги гўзал тухфа»), «Садафу-л-мушаҳаммун» («Безакчилар садафи»), «Мисбоҳу-л-вусул» («Мақсад сари етакловчи чирок»). Муаллиф ушбу асарни 1228 х.й.да таълиф этган. (17: 1/713).

31. Абдулҳусайн ат-Табризий (1277-1358/1860-1939)

Абдулҳусайн ибн Муҳаммад Ҳасан ибн Муҳаммад Карим аз-Занузий, ат-Табризий — табиб. Отасининг қўйнида ўсиб-улғайган. Отасидан ва бошқалардан илму маърифатни ўрганган. 1358 х.й. кейин вафот этган. Асарларидан: «Матраҳу-ланзор фи тарожими атиббоъи-л-аъсор ва филосафату-л-амсор» («Мисрлик файласуфлар ва замона табибларининг таржимаи ҳоллари ҳақидаги (ножоиз) қарашлар улоқтириб юбориладиган жой»), «Мифтоҳу-л-адвия» («Дори-дармонларнинг

калити») «Маърифату-с-самум» («Заҳарни аниқлаш»), «Рисола фи марази қариб» («Хафаконлик касали ҳақида рисола»), «Рисола фи-л-жизом» («Мохов касаллиги ҳақида рисола»), «Рисола фи-л-жадарий» («Чечак касаллиги ҳақида рисола») (17: 1/510).

32. Абдулҳамид ал-Хусравшоҳий (580-652/1184-1254)

Абдулҳамид ибн Исо ал-Хусравшоҳий ат-Табризий аш-Шофиъий (Шамсуддин) — табиб, ҳаким, фақих, усулий олим, мутакаллим ва муҳаддис бўлган. У Хусравшоҳда таваллуд топган, сўнгра Дамашк сари юзланган ва у ерда 25 шаввол куни вафот этгунига қадар истикомат қилган. Жасади «Қосйун» тоғига дафн қилинган. Қўйидаги китоблар унга тегишлидир: «Мухтасару китоби-л-музаҳҳиб ли Аби Исҳоқ аш-Широзий фи фуруъи-л-фикҳи-ш-шофиъий» («Шофиъийлик мазҳабидаги фуруъ ал-фикҳ масалаларига бағишланган Абу Исҳоқ аш-Широзий қаламига маснуб «Китобу-л-музаҳҳиб» асарининг қисқартмаси»), «Мухтасару китоби-ш-шифо ли ибн Сино» (Ибн Сино қаламига мансуб «Китобу-ш-шифо» нинг қисқартмаси), «Татиммату китоби-л-оёти-л-

баййиноти ли ибн Хатиб ар-Рай Фахруддин ар-Розий» (Рай хатибининг ўғли Фахруддин ар-Розий қаламига мансуб «Китобил-оёти-л-баййинот» асарига кўшимча») (17: 2/64).

33. Абдуррахим ат-Табризий (710/1310)

Абдуррахим ибн Иброҳим ат-Табризий — Табризнинг машҳур фақиҳдаридан. У тахм. 710 х.й.да таваллуд топган. У тасниф қилган асарлар бор (17: 2/128).

34. Абдуррахим ал-Ансорий (1272-1334/1856-1915)

Абдуррахим ибн Насруллоҳ ал-Ансорий ат-Табризий — олим, фақиҳ. У 1272 х.й. атрофларида Андалусда «Қародоғ» кишлоғида таваллуд топган. Илмларнинг муқаддималарини ўқиб-ўрганиб, сўнгра Нажафга кўчиб борган. У ерда эса Али Хусайн ал-Халилий, Муҳаммад Козим ал-Хуросоний ва бошқаларнинг даргоҳларида илм ўрганиб, яна Табризга қайтиб борган. 1334 х.й. 9 сафар куни вафот этгунига қадар Табризнинг машҳур уламоларидан бири бўлган. Асарларидан: «Сироту-н-нажот фи-л-ақоид» («Илми ақоид бўйича нажот кўприги»), «Мишкоту-с-солик фи зулми-л-масолик фи-л-адбия ва ғайриҳо» («Йўлни

босиб ўтиш, дуолар ва бошқа лозим нарсалар хусусида йўлга чиққан банданинг чироғини кўйишга муносиб жой») (17: 2/136).

35. Абдуссамад ат-Табризий (765/1364)

Абдуссамад ат-Табризий — қори бўлган. Ирокқа келиб, шу ерда муқим истиқомат қилган. А с а р л а р и д а н : «Мухтасару-ш-шотибия фи-л-қирооти-с-сабъи» («Етти хил қироат хусусидаги «аш-Шотибия» китобининг қисқартмаси») (17: 2/152).

36. Абдулқохир ат-Табризий (648-740/1250-1339)

Абдулқохир ибн Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ат-Табризий, ал-Хароний, ад-Димашкий — асли табризлик қозилардан. Харронда таваллуд топган ва Дамашқда ўсиб-улғайган. Сафад ва Думётда қозилик маҳкамасини бошқарган ҳамда бу ишни то вафот этгунига қадар давом эттирган. Унинг бир мажмуъа хитоблари бор (17: 2/202).

37. Абдуллоҳ ат-Табризий (700/1301 йилда ҳаёт бўлган)

Абдуллоҳ ибн Али ибн Муҳаммад — «Алоу-т-Табризий» номи билан маълум бўлган нахшунос олим. У тасниф қилган

асарлардан: «ал-Ҳодия ила ҳалли-л-кофия фи-н-наҳв» — «Наҳв илмидаги «Кофия»нинг ечимларига олиб борувчи Китоб». Муаллиф ушбу асарини тахм. 700 х.й.да амир вазир Х,ожи ибн Муҳаммад ас-Соважийга ҳадя қилган. «Аз-Завобид ал-кофия ли-т-таъриф фала хулосату-н-наҳви ва-т-тасриф» («Аниқловчи учун етарли белгилар ва илмун-наҳв ва-т-тасрифнинг батафсил баёни») (17: 2/263).

38. Абдуллоҳ ибн Шариф (955/1548)

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ат-Табризий — «Шариф» лақаби билан машҳур бўлган шоир. Ҳиротга келиб, шу ерда қолиб кетган. Асарларидан: «Девону шеър» («Девон») (17: 2/276).

39. Абдулмалик ас-Сиддикий (896/1491)

Абдулмалик ибн Али ибн Али ибн Муборакшоҳ ибн Абу Бакр ал-Бакрий, ас-Сиддикий, ас-Соважий, ат-Табризий, ундан кейин эса ал-Қазвиний, аш-Широзий, аш-Шофийий (Абулқат) — суфий бўлган. Асарларидан: «Х,адийяту-л-муҳиббийн фи-л-ахбор ва-л-адбияти ва-л-азкор» («Хабарлар, дуолар ва зикрларни ёктирадиганларнинг ҳадяси»), «ал-Ҳабалу-л-матин фи-л-

102 ат-Тибризий (ат-Табризий)

азкор ва-л-адъияти-л-маъсурати ан саййиди-л-мурсалийн» («Мурсал набийларнинг сарвари ҳақидаги унутилмас зикрлар ва дуолардан тузилган мустаҳкам арқон»), «Дурару-л-маъони-л-жалия» («Маъноларнинг ялтироқ дурлари») номли асари бор (17: 2/319).

40. Али ат-Табризий (610/1213)

Али ибн Аҳмад ибн Ҳабал ат-Табризий ал-Бағдодий — табиб бўлган. Унинг қаламига мансуб «ал-Мухтор фи-т-тибб» («Табобатга оид танланган лавҳалар») (17: 2/400).

41. Али ал-Қунавий (668-729/1270-1329)

Али ибн Исмоил ибн Юсуф ал-Қунавий, ат-Табризий, аш-Шофиъий (Алоуддин, Абулҳасан) — факих, мутакаллим, усулий олим, адиб ва суфий бўлган. У Рум диёрига мансуб Қунияда туғилган, сўнгра Қоҳирага келган. Кейинчалик Дамашққа келиб, у ерда Шом қозиси бўлган. Зу-л-қаъда ойида Дамашқда вафот этган. У тасниф этган асарлардан: «Шарху-л-ҳовийи-с-сағийр фи фуруъи-л-фикҳи-ш-шофиъий» («Шофиъийлик мазҳабидаги фуруъ ал-фикҳга оид «ал-Ҳовий ас-с-сағийр» шарҳи»), «Мухтасару минҳожиддин» (Калободийнинг «Шаъбу-л-имони-т-

таарруф ли мазҳаби-т-тасаввуф» — «Тасаввуф мазҳабининг дониш ва имон аҳли» асари ҳақидаги Ҳалимийнинг қаламига мансуб «Минҳожуддин»нинг қисқармаси»), «Мусаннаф фи ҳаёти-л-анбиё» («Пайғамбарларнинг ҳаёти ҳақидаги китоб»), «аш-Шофий фил-усул» («Илми усул бўйича ишончли асар»), «ал-Ибтиҳож фи интиҳоби-л-минҳож» («Дастур танлашдаги хурсандчилик»), унинг шеърлари ҳам бор (17: 2/406).

42. Али ат-Табобабобий (1274-1366/1858-1947)

Али ибн Хусайн ибн Аҳмад ибн Раҳим ат-Табобабобий, ат-Табризий — олим, мужтахид ва қозилардан бўлган. Зу-л-ҳижжа ойининг 13-куни Табризда таваллуд топиб, зиёли хонадонда ўсиб-улғайган. Баъзи фозил одамлардан илм ўрганган. Падари бузруквори, Мусо ат-Табризий ва бошқаларнинг шогирди бўлган. Сўнгра Нажафга кўчиб кетган ва у ерда масжидда ал-Фозил аш-Шаробиёний, Муҳаммад Ҳасан ал-Момақоний ва бошқаларнинг хузурида бўлиб, суҳбатларини олган. Рабиъу-л-аввал ойининг 6-куни чоршанба кечаси вафот этган. Асарларидан: «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири») (17: 2/423).

43. Али ат-Табризий (677-746/1278-1345)

(Тожуддин, Абулҳасан) Али ибн Абдуллоҳ ибн Абулҳасан ал-Ардабилий, ат-Табризий, аш-Шофиъий — тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, арифметика, геометрия, калом, грамматика ва табобат соҳаларида фаолият олиб борган олим. У Озарбайжондаги Ардабилида таваллуд топган. Табризда истикомат қилган. Бағдод ва Маккага бориб, хожи бўлган. Сўнгра Мисрга бориб, у ерда жамоадан ҳадислар тинглаган ва ҳадис ҳақидаги қатор китобларни ўрганиб чиққан. Сўнгра илми усул, фикҳ, грамматика, тафсир, баён, мантиқ, арифметика, фароиз, математика, геометрия ва алгебра каби соҳаларга тасниф этиб, уларни одамларга ўргатиш билан шуғулланган. «Ҳисомия» мадрасасида даре ўтган ва қимматли маслаҳатлар берган. Талабаларининг сони кўпайиб кетган. Одамлар унинг тафсир, ҳадис, усул ва мантиқ ҳақидаги китобларидан кўп фойдаланганлар. Сўнгра • Шаҳризўр, Султония ва Мароғага, ундан кейин Бағдодга, Бағдоддан эса Маккага, у ердан Ясрибдаги Тибага сафар қилган. Кейинчалик 722 х.й (1322 м.й.) муҳаррам ойида Қоҳирага келган ва шу ерда рамазон

ойида вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Ҳошия ала шарҳи-л-ховийи-с-сағийр» («Қазвинийнинг шофиъийлик мазҳабидаги фуруъ ал-фикҳга оид «Шарҳу-л-ховий ас-сағийр» асарига хошия-изох»), «Мабсуту-л-аҳком фи тасҳиҳ ма йатааллақу би-л-калим ва-л-калом мин шарҳи «Кофия» ли ибн ал-Ҳожиб» («Ибн Ҳожиб қаламига мансуб «Кофия»нинг шарҳидаги сўзлар ва жумлаларни тузатишга оид ҳукмларнинг баёни», «Мухтасар улуми-л-ҳадис ли ибн Салоҳ» (Ибн Салоҳ қаламига мансуб «Ҳадис илмлари» китобининг қисқартмаси», «ат-Тазкира фи-л-ҳисоб» («Арифметика ҳақидаги тазкира») (17: 2/413, 466).

44. Али ат-Табризий (1282/1865)

Али ибн Абдулазим ал-Ҳукмободий, ат-Табризий, ал-Хиёбоний — муаррих, адиб ва олим бўлган. У Ҳукмободдаги Табриз маҳалласида 1282 х.й. шаввол ойининг 28-куни таваллуд топган. Грамматика, морфология, балоғат, мантик, риёзиёт илмларига оид кўп китоблар мутолаа қилиб, хатиблик санъатининг сирларини пухта ўрганган. Натижада Эроннинг машҳур воизларидан бирига айланган. Асарларидан: «Вақоийу-л-

айём» («Кундалик воқеалар», кўп жилдли), «Мунтахабу-л-мақосид» («Мақосид» китобининг қисқартмаси), «Мунтахаб» («Худди «Кашкул» сингари фароиз ва бошқа кўпгина мавзуларни камраб олган 9 жилдли танланма»), «Қошиъу-л-айём» («Кунларни ойдинлаштирувчи» китоб), «Тухфату-л-аҳиббо фи қасидати саййиди-ш-шуъаро» («Шоирлар хожаси, яъни Ҳаримийнинг «Қасида»си ҳақида суюклилар тухфаси»). 1366 х.й. дан кейин вафот этган (17: 2/459).

45. Али ат-Табризий (1284/1867)

Али ибн Лутф Али ал-Мағоний, ат-Табризий — фақиҳ ва усул-ал-фикҳ бўйича етук олим бўлган. Унинг етти жилддан иборат «Тақриру баҳси Хусайн ат-Туркий ва-л-Момақий фи-л-усул» («Хусайн ат-Туркий билан ал-Момақий ўртасида усул хусусида кечган баҳс-мунозаранинг ечими») номли асари бор (17: 2/489).

46. Али Мусовий (1316/1898)

Али ибн Муҳаммад ал-Мусовий, ат-Табризий — адиб ва табиб бўлган. Унинг «Қонуну-л-илож» («Даволаш қонуни»), «Зоду-л-мусофирийн» («Йўловчиларнинг йўл заҳираси»), «Рисолату-л-

жадарий» («Чечак рисоласи» каби асарлари бор. (17: 2/525).

47. Али ат-Табризий (1318/1900)

Али Нақий ибн Али Лутф Али ибн Аҳмад ал-Мағоний ат-Табризий — фозил инсон бўлган. Табризда вафот этган. Асарларидан: «Райоҳинур-риёз» («Бўстонлардаги райхонлар») (17: 2/539).

48. Али ат-Табризий (1275-1330/1859-1911)

Али ибн Мусо ибн Шафиъ ибн Рафиъ ат-Табризий («Сикату-л-ислом») — фозил инсон («Ислом ишончи»). Табризда таваллуд топган. 1330 х.й.да руслар Табризга бостириб кираётганда, ошуро куни осиб ўлдирилган. У таълиф қилган асарлардан: «Рисола фи исботи йавми милоди-р-расул» («Расулulloҳ таваллуд топган куннинг исботи ҳақидаги рисола») (17: 2/535).

49. Камолуддин ат-Табризий (803/1401)

Камолуддин ат-Табризий — фозил инсон бўлган. Табризда истиқомат қилган. Вафот этгач, жасади Табриздан ярим фарсах масофадаги «Валиёникуҳ» («Тоғлик валийлар») қабристонига дафн этилган. Асарларидан: «ал-Улум аз-зоҳирия ва-л-ботиния»

^04 ат-Табризий (ат-Табризий)

(«Зоҳирий ва ботиний илмлар»), унинг шеърлари ҳам бор (17: 2/671).

50. Лутф Али ан-Насоъий (1268-1350/1852-1931)

Лутф Али ибн Козим Аминун-с-суфарои ибн Лутф Али ибн Козим ибн Муҳаммад ан-Насоъий, ат-Табризий, аш-Широзий, ал-Мадъуфоний, сўнгра Дониш («Садру-л-афозил», яъни «Фозиллар пешвоси») — адиб, котиб, шоир, тилшунос, муаррих, мантиқшунос ва хаттот бўлган. Асарларидан: «Алқату-ш-шодий ва булғату-л-ҳодий» («Жарчининг улуши ва туябоқарнинг насибаси»), «ал-Калим ва-л-ҳилм» («Калималар ва ҳалимлик»), «ал-Вашиъа фи шайъин мин кутубиш-шиъа» («Шиалик китобларидаги лавҳалардан тузилган курама»), «ад-Домис» («Тимқора»), «Тухфату-л-лабиб ва турфату-л-адиб» («Зукконинг туҳфаси ва адибнинг турфаси»). (17: 2/674).

51. Мажидуддин ал-Ҳалвоий (884/1479 йилда ҳаёт бўлган)

Мажидуддин ибн Муҳаммад ал-Ҳалвоий, сўнгра ал-Хунжий, ат-Табризий — суфий бўлган. Мисрда истикомат қилган. Асарларидан: «Таъдибун-нафс ва тасҳиху-л-

эътиқод ли-аҳли-с-сафо ва-л-вудод» («Сафо ва вафо аҳлининг нафсини тарбиялаш ва эътиқодини мустаҳкамлаш») (17: 3/15).

52. Муҳаммад ат-Табризий (1370 м.й.да ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Табризий — қозилардан бўлган. Унинг «Дастуру-л-қозот» («Қозилар дастури») номли асари бор (17: 3/54).

53. Муҳаммад ат-Табризий (1302-1357/1885-1938)

Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Мусовий, ал-Каморий, ат-Табризий — фақиҳ ва усул соҳаси бўйича етук олим бўлган. Асарларидан: «Ҳошия ала-р-расоил фил-усул» («Усул ҳақидаги рисоаларга ҳошия-изоҳ») (17: 3/111).

54. Муҳаммад ал-Қозий (1285-1366/1868-1947)

Муҳаммад Боқир Муҳаммад Али ибн Абдулжаббор ибн Маҳдий ал-Қозий, ат-Таботабоъий, ат-Табризий — фақиҳ ва баъзи илм соҳаларида фаолият олиб борган олим. Ражаб ойининг 3-куни вафот этган. Асарларидан: «Махзану-л-фавоид» («Фойдалар кони»), «Ҳошия ала-л-фусул» («Фаслларга ҳошия-изоҳ»), «ад-Дурар ал-ғиравия» («Ёпишқоқ

дурлар»), «Рисола фи-л-иштирок фи-л-луғати» («Луғатда иштирок этиш ҳақидаги рисола»), «Рисола фи ақди-л-байъи» («Тижорат шартномаси ҳақидаги рисола») (17: 3/157).

55. Муҳаммад ат-Табризий (1276-1320/1859-1902)

Муҳаммад ат-Табризий — шоир бўлган. Табризда таваллуд топиб, кейинчалик тижорат максатида Ироққа кўчиб кетган. Хиллада вафот этган. Жасади Нажафга олиб келиниб, шу ерда дафн этилган. Асарларидан: 800 саҳифадан иборат «Девон» (17: 3/177).

56. Муҳаммад ат-Табризий (1248-1312/1822-1895)

Муҳаммад Нақий ибн Муҳаммад ибн Хусайн ибн Зайнулобидин ибн Али ибн Иброҳим ал-Момақоний, ат-Табризий — олим, адиб ва шоир бўлган. Лақаби — «Наййир» («Юзидан нур ёғилиб турувчи»). Табризлик «Ҳужжату-л-ислом» («Ислом ҳужжати») номи билан машҳур бўлган. Нажафда маҳдий мақомида вафот этган. У тасниф этган асарлардан: «Саҳифату-л-аброр» («Улуғлар саҳифаси»), «ал-Лаъолий ал-манзума» («Назмий дурдоналар»), «Мафотиҳу-л-ғайб» («Ғайб илмининг

калитлари»), «Илму-с-соати» («Вақт илми»), «Л а м х у - л - б а с а р» («Лахзалар»). (17: 3/183).

57. Муҳаммад Нажаф (1323/1905)

Муҳаммад Таҳо Нажаф ибн Муҳаммад Махдий ат-Табризий — фақиҳ ва усул соҳаси бўйича етук олим бўлган. 1323 х.й.нинг 13 шавволида вафот этган. Унинг «ал-Қавоид ан-нажафия» («Нажафий коидалар») номли асари бор (17: 3/506).

58. Муҳаммад ат-Табризий (1310/1893)

Муҳаммад Хасан Абдулкарим аз-Занузий — адиб ва табиб бўлган. Нажаф да яшаган. Махдий ан-Нажафий ва бошқалардан илм ўрганган. Сўнгра Табризга қайтиб бориб, у ерда то 26 шаввол куни вафот этгунига қадар диний лавозимларда ишлаган. Жасади Нажафга олиб келиниб, «Водий ас-Салом» («Тинчлик водийси»)га дафн қилинган. Асарларидан: «Китобу-л-хажж» («Хаж китоби»), «Мабоҳису-л-алфоз» («Лафзлар ҳақидаги илмий мақола»), «Аслу-л-бароа» («Рухсатнинг асли»), «ал-Истисҳоб» («Ҳамроҳлик») (17: 3/222).

59. Муҳаммад ал-Қозий (1293/1876)

Муҳаммад Хусайн ибн Али Асғар ибн Муҳаммад

Такий ал-Қози, ат-Таботабоъий, ал-Ҳасаний, ат-Табризий — фақиҳ, усул бўйича етук олим ва муҳаддис бўлган. Нажафга кўчиб борган. У ерда «Жавоҳир» асарининг муаллифи Муҳаммад Хасан, Муҳаммад Жаъфар Шариатмадор ал-Астрабодий ва бошқалардан илм ўрганиб, Табризга қайтиб борган ҳамда ёши саксондан ошганда, вафот этган. Асарларидан: «Минхажу-р-рашод фи шарҳи-л-иршод фи-л-фикх» (Фикх бўйича «Иршод шарҳи ҳақидаги соғлом фикр дастури»), «Ҳошияту-л-қавонийн фи-л-усул» («Усул ҳақидаги қонунларга ҳошия-изоҳ»), «Рисолут-з-занни-л-хос» («Хос фикр ҳақидаги рисола»), «Илалу-ш-шаройиъ» («Шариат коидаларидаги нуқсонлар»), «Сирру-л-ғайбати-л-лохутия» «Илоҳий ғойиблик сири» (17: 3/254).

60. Муҳаммад ат-Табризий (1310/1892)

Муҳаммад ал-Хусравшоҳий, ат-Табризий — фозил инсон бўлган. У Муртазо ал-Ансорийдан илм ўрганган. 1310 х.й.дан анча кейин Табризда вафот этган. Жасади Нажафга олиб келинган ва шу ерга дафн қилинган. Асарларидан: «Мишкоту-л-масобих фит-таъодул ва-т-таржих» («Тенглик ва таржих

хусусидаги чироклар қўйиладиган жой») (17: 3/273).

61. Муҳаммад ат-Табризий (680/1281 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Довуд ибн Юсуф ат-Табризий (Абулфараж) — муҳаддис бўлган. Асарларидан: «Шарҳу мушкilotи-л-масобих ли-л-Бағавий» («Бағавийнинг «Мушкilotу-л-масобих» асари-га шарҳ»). У мазкур шарҳни 680 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/285).

62. Муҳаммад ат-Табризий (909/1503 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад Ражаб ат-Табризий — фозил инсон бўлган. Асарларидан: «Нафху-л-мушки фи татиммати-с-силки» («Йўл якунидаги мушкнинг уфуриши»), муаллиф ушбу асарни 909 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/291).

63. Муҳаммад ат-Табризий (ваф. 1158/1745 й.)

Муҳаммад Ризо ибн Абдулмуталлиб ат-Табризий — муҳаддис ва қозилардан бўлган, Султоннинг ҳарбий трибуналини бошқарган. Асарларидан: «ал-Масобих фи шарҳи-л-мафотихи» («ал-Мафотих» шарҳи ҳақидаги чироклар»), «аш-Шофий ал-жомиъ байна-л-бихор

| 0 0 ат-Тибризий (ат-Табризий)

ва-л-вофий» («Денгизлар ва водийлар ўртасидаги ишончли тўплам»), «аш-Шифо фи ахбори оли-л-Мустафо» («Сарвари олам якинлари ҳақида хабар берувчи шифо китоби» (17: 3/298).

64. Муҳаммад ат-Табризий (1131/1719)

Муҳаммад Замон ибн Калб Али ат-Табризий аш-Шибий, ал-Имомий — факих, усул ва бошқа фан соҳаларида фаолият олиб борган олим. У тахминан 1131 х.й.да вафот этган. Асарларидан: «Шарху зубдати-л-усул» («Зубдату-л-усул шарҳи»), «Фароиду-л-фавоид фи ахволи-л-мадорис ва-л-масожид» («Масжидлар ва мадрасаларнинг ахволи ҳақидаги фойдали дурдоналар») (17: 3/306).

65. Муҳаммад Манло Ҳанафий (900/1459)

Муҳаммад Шамсуддин ат-Табризий — мутакаллим ва мантиқ-шунос олим бўлган. Кўпроқ «Манло Ҳанафий» номи билан машҳур бўлган. Асарларидан: «Ҳошия ало исботи-л-вожиб ли Муҳаммад Асъад ад-Даввоний» «Муҳаммад Асъад ад-Даввонийнинг «Исботу-л-вожиб» асарига ҳошия-изоҳ»), «Шарху-л-одоби-л-аздия» «Уздуддин ал-Айжий қаламига мансуб «Одобу-л-аздия» асарига шарҳ») (17: 3/348).

66. Муҳаммад ал-Хатиб (737/1337 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризий, ал-Умарий (Валийуддин) — муҳаддис (Асарларидан:) «Камалу-л-масобиҳ фи-л-ҳадис ва зайлу абвобиҳи» («Ҳадис илми ва ундаги бобларга кўшимчалар ҳақидаги чироқларнинг мукам-мали») (17: 3/437).

67. Муҳаммад ат-Табризий (954/1547)

Муҳаммад ибн Абдулаввал ат-Табризий — фозил инсон ва Рум ҳукмдорларидан бўлган. Унинг «Х,ошия ала шарҳи хидояти-л-ҳикма» (Мавлонозоданинг («Шарху хидояти-л-ҳикма» асарига ҳошия-изоҳ») номли асари бор (17: 3/382).

68. Муҳаммад ат-Табобаъий (1316/1898 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Абдулфаттоҳ ат-Табобаъий ат-Табризий — олим, адиб ва шоир бўлган. Ундан жамоа, жумладан, 1316 йилда вафот этган Шарафуддин Али Саййиду-л-атиббои-л-Хусайний ат-Табризий ривоят қилган. У таълиф этган асар: «Китоб фи-л-адъияти ва-л-азкор» («Дуо ва зикрлар ҳақидаги китоб») (17: 3/418).

69. Муҳаммад ат-Табризий (1240-1320/1825-1902)

Муҳаммад ибн Абдулазим ат-Табризий — нозим (назмда асар ёзадиган ижодкор) бўлган. Табризда таваллуд топган. Сўнгра Ироққа кўчиб ўтган. Кўпгина ўлкаларни кезган. Тижорат билан шуғулланиб, бадавийларнинг ибораларини яхши билган. Хиллада муқим ўрнашиб қолган ва шу ерда вафот этган. Жасади Нажафга олиб келиниб, шу ерга дафн қилинган. Асарларидан: «Девон». Вафотидан кейин ушбу девонни унинг ўғли тузган (17: 3/416).

70. Муҳаммад ат-Табризий (1294-1360/1877-1941)

Муҳаммад ибн Абдулкарим ал-Мусовий ас-Саробий, ат-Табризий — ориф ва одамларни яхши биладиган инсон бўлган. Унинг «Тариқату-л-хидоя фи илми-д-диroyа» («Билиш илми ҳақидаги хидоя йўли») номли асари бор (17: 3/424).

71. Муҳаммад ат-Табризий (1268/1852)

Муҳаммад ибн Али ибн Абулҳасан ал-Хусайний ал-Хусравшоҳий, ат-Табризий — фозил инсон бўлган. 1268 х.й.дан кейин вафот этган. Асарларидан: «Мишкоту-л-масобиҳ» («Чироқлар қўйиладиган жой»), «Рисола фи вадъи-

л-алфоз ва-л-хақиқати-ш-шаръия» («Лафзларнинг ўрни ва шаръий ҳақиқат ҳақидаги рисола») (17: 3/502).

72. Муҳаммад ал-Авфасовий (1310/1892)

Муҳаммад Али ибн Аҳмад ал-Авфасовий ал-Қарочадоғий ат-Табризий — фақиҳ ва баъзи илм соҳаларидан фаолият олиб борган олим. 1300 х.й.да Машҳади Ризо алайҳиссаломга келган ва шу ерда маълум муддат яшаган, сўнгра Техронга бориб, у ерда маълум муддат ўқув ишлари билан шуғулланган. 1310 х.й. 2 рабиъу-л-аввалда жума куни вафот этган. Асарларидан: «ар-Рисола ат-тамриния фи-л-мантик» («Мантик илмига оид машқли рисола»), «Зайну-л-маъобид» («Муқаддас кадамжоларнинг зийнати»), «ат-Танқиҳот ал-усулия» («Илми усулга оид қайта кўриб чиқишлар»), «Тийшату-л-қавонийн» («Қонунларнинг ўзгарувчанлиги») «Хошияту-р-равзати-л-бахия» («ар-Равзат ал-бахия» асарига хошия-изоҳ») (17: 3/780).

73. Муҳаммад ал-Ардубодий (1312-1380/1894-1960)

Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Такий ибн Муҳаммад Қосим ал-Ардубодий, ат-Табризий, ан-Нажафий — олим, адиб

ва фақиҳ бўлган. Асарларидан: «Кашкул» жанридаги олти жилддан иборат катта китоб. Унда ибратомуз тарихий лавҳалар, биографиялар ҳамда илм ва адабга оид турли мавзулардаги маълумотлар жам қилинган (17: 3/534).

74. Муҳаммад ат-Табризий (740/1339 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ат-Табризий, ал-Оқсаръий (Жамолуддин) — нахшунос олим бўлган. Асарларидан: «Кашфу-л-иъроб фи шарҳи-л-лубоб» (ал-Исфароинийнинг нахв илмига оид «Шарҳу-л-лубоб» асаридаги изофали бирикмаларнинг кашф этилиши), Муаллиф ушбу асарни 740 х.й.да Шерозда ёзиб тутатган (17: 3/676).

75. Муҳаммад ал-Бардаъий (927/1521)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бардаъий ат-Табризий, ал-Ҳанафий (Мухйуддин) — баъзи илм соҳаларида фаолият олиб борган олим. Рум хукмдорларидан бўлган. Падари бузруквори ва бошқалардан сабоқ олган. Шероз ва Ҳиротга бориб, у ердаги баъзи уламолардан илм ўрганган. Сўнгра Рум ўлкасига бориб, Бруса шаҳридаги Аҳмад пошо мадрасасида, кейинчалик Бодирнада даре берган ва шу ерда

вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Ҳавош ала тафсири-л-Байзовий» («Байзовий тафсирига хошия-изоҳлар»), «Ҳавош ала хошияти шарҳи-т-тажрид» (Сайид Шарифнинг «Хошияту шарҳи-т-тажрид» асарига хошия-изоҳлар»), «Ҳавош ала-т-талвих» («ат-Талвих» асарига хошия-изоҳлар»), «Шарҳ ала одоби-л-бахс» («Уздуддиннинг «Одоби-л-бахс» асарига шарҳ») (17: 3/676).

76. Муҳаммад ат-Табризий (VIII х.а./XIУ м.а.)

(Иззуддин) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Яндор ат-Табризий, ал-Асл ал-Муқаддасий, ал-Баълий — муҳаддис ва фақиҳ бўлган. «Байту-л-муқаддас»да туғилган ва Гизада қозиликни бошқарган. Асарларидан: «Мухтасару-р-равзат» («ар-Равзатнинг қисқартмаси»), «Мухтасару жомиъи-л-усул» («Жомиъу-л-усул»нинг қисқартмаси) (17: 3/692).

77. Муҳаммад ал-Озарбайжоний (1333/1915)

Муҳаммад Маҳдий ибн Муҳаммад ат-Такий Муҳаммад Жаъфар ал-Эроний, ал-Озарбайжоний, ат-Табризий —

102 ат-Табризий (ат-Табризий)

(доктор) ва фозил инсон бўлган. Қоҳирага келиб, шу ерда қолиб кетган. Асарларидан: «Мифтоҳу боби-л-абвоб фи шариати-т-тоифати-л-бобия» («Бобия тоифасининг шариати ҳақидаги «Бобу-л-абвоб»нинг калити» (17: 3/740).

78. Муҳаммад ат-Таботабоъий (1326/1908)

Муҳаммад ибн Юсуф ибн Боқир ат-Таботабоъий ат-Табризий — фақих, илм усул билан шуғулланган олим. Асарларидан: «Усулу-л-фикҳ» («Фикҳ илмининг асослари»), «Такрирот фи-л-фикҳ» («Фикҳ илмига оид ечимлар»), «Рисола фи-р-рибо» («Рибо ҳақида рисола») (17: 3/780).

79. Маҳмуд ат-Таботабоъий (1310/1892)

Маҳмуд ибн Али Асғар ибн Муҳаммад Тақий ат-Таботабоъий, ат-Табризий — фақих, муҳаддис ва одамларни яхши билган инсон. Ҳаждан кейин Маккада вафот этган. Унинг «Китоб фи илми-д-дироя ва-р-рижол» («Англаш илми ва одамлар ҳақидаги китоб»), «Даккату-л-казо фи-л-аҳком ва-ш-шаҳодат» («Хукмлар ва шаҳодат ҳақидаги қозилик масъулияти») (17: 3/820).

80. Муҳаммад ат-Табризий (1313-1385/1895-1965)

Муҳаммад Али ибн Яъқуб ибн Жаъфар ат-Табризий, ан-Нажафий, ал-Яъқубий — хатиб, шоир ва изланувчан олим бўлган. Гарчи Нажафда туғилиб, вояга етган бўлса-да, лекин асли Табриздан. Отаси Хуллага кўчиб ўтганда, уни ҳам ўзи билан бирга олиб борган эди. Ўшанда у жуда кичкина эди, шу ерда ўсиб-улғайган, Қуръон ўқиган. Сўнгра Хулладаги марказларга тез-тез катнайдиغان бўлган. Отасининг вафотидан сўнг, ўзини батамом Муҳаммад ал-Қазвиний хизматига бағишлаб, унинг илми ва адабидан кўп истифода этган. Сўнгра, Жаножага, ундан Нажафга кўчиб ўтган. Кейинчалик Куфада маълум муддат истикомат қилган. Шундай оворагарчиликлардан кейин Нажафга батамом кўчиб келган, бу ерда минбарлардан туриб ваъзхонлик ишини адо этган, тадқиқот ва нашр ишлари билан машғул бўлган. Умрининг охирига қадар ёзувчилар уюшмасининг раиси лавозимига сайланган. 1385 х.й. 21 жумоду-л-охирада душанба куни тунда вафот этган. Асарларидан: «ал-Максура ал-алавия фи сийрати-л-имом Али»

(«Имом Али сийрати ҳақидаги алавий ҳужра»), «Унвону-л-масоъиб фи мактали-л-имом Али» («Имом Али қатломасидаги мусибатлар унвони»), «ал-Бобилиёт» (уч жумдан иборат «ал-Бобилиёт» номли назмий девон), «аз-Захоир» («Ахлу-л-байт ҳақидаги «Захиралар» деб номланган девон»), «Девону жиҳоди-л-мағриби-л-арабий» («Арабий Мағриб жиҳоди ҳақидаги девон»), «ал-Жаъфариёт» («Жаъфариёт», шеърий тўплам), «Вақоийю-л-айём» («Кундалик воқеалар»), «Маъа Шариф ар-Разий» («Шариф ар-Разий билан мулоқот»), «Накду китобу шуъарои Хулла» («Ғалий ал-Ҳоконийнинг «Китобу шуъарои Хулла» — «Хулла шоирлари китоби»га тақриз») (17: 3/368).

81. Маҳмуд ат-Табризий (1287/1870 йилда ҳаёт бўлган)

Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Махдий ал-Алавий, ат-Табризий — қори, Табриз ахлидан ва Султон Носируддин шоҳ олимларидан бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Жавоҳиру-л-Қуръон фит-тажвид» («Тажвид илми ҳақидаги қуръоний гавҳарлар»), «Рисола фи ахлоқи-л-уламо» («Уламолар ахлоқи ҳақидаги рисола») (17: 3/829, 830).

82. Ал-Музаффар ат-Табризий (558-621/1163-1224)

Ал-Музаффар ибн Исмоил ибн Али ал-Вароний, ат-Табризий, аш-Шофиъий (Аминуддин) — факих ва усул ал-фикх бўйича етук олим бўлган. Бағдодда факих бўлиб етишган, фатво чиқарган, нозир бўлган, даре берган, хадис эшитган ва ўзи ҳам хадис айтган. Сўнгра Шерозга кўчиб борган ва шу ерда зу-л-хижжа ойида вафот этган. У тасниф этган асарлардан: «ат-Танких» (Фахруддин ар-Розий қаламига мансуб усулу-л-фикх ҳақидаги «Маҳсул» асарининг қисқартмаси, муаллиф уни «ат-Танких», яъни «Қайта кўриб чиқиш», деб номлаган), «Симту-л-масоили-л-фикхия» («Фикхий масалалардан тузилган маржон», уч жилдли), «Мухтасару-т-Табризий фи фуруъи-л-фикх-и-ш-шофиъий» («Шофиъийлик мазҳабидаги фуруъ ал-фикхга оид масалалар ҳақида Табризийнинг қисқартмаси») (17: 3/893).

83. Мусо ат-Табризий (669-736/1271-1336)

(Муслихуддин, Абулфатх) Мусо ибн Амир Хож ибн Муҳаммад ат-Табризий — факих ва усул бўйича етук олим бўлган. Дамашкқа, ундан Қоҳирага келган. У Расулulloх (с.а.в.) қабрини

зиерат қилиш мақсадида йўлга чиққан ва Хижоз йўлидаги Бани Салим водийсида вафот этган. Унинг усул ал-фикх хусусида бир асари бор, муаллиф уни «ар-Рафиъ фи шарҳи-л-бадойиъ» («Бадиалар шарҳи ҳақидаги мартабали китоб») деб номлаган (17: 3/930).

84. Яҳё ат-Табризий (431-502/1039-1109)

(Абу Закариё) Яҳё ибн Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Бистом, аш-Шайбоний, ат-Табризий — адиб, нахвшунос, тилшунос ва арузшунос олим бўлган. Хатиб номи билан танилган. Бағдодда ўсиб-улғайган, сўнгра Шом диёрига кўчиб ўтиб, у ерда Абулало ал-Маъаррийдан таълим олган. Салим ибн Айюб Басурдан хадис тинглаган, ундан ал-Хатиб ал-Бағдодий, ал-Ҳофиз ибн Носир хадис ривоят қилганлар. Кўпчилик унга шогирд бўлиб, таҳсил олган. У бир муддат Дамашкда турган, сўнгра Мисрга ташриф буюрган. Ундан яна Бағдодга қайтиб бориб, у ерда то умрининг охиригача — жумоду-лохира ойида тўсатдан вафот этгунига қадар «Низомия» мадрасасида кутубхона фондини бошқарган. У тасниф этган асарлардан: «Шарху сакти-з-занд» (Абулало ал-Маъаррийнинг «Сақту-з-занд» — «Аланга учқуни»

асарига шарҳ»), «Шарху девони-л-хамоса» («Абу Таммомнинг «ал-Хамоса» девонига шарҳ»), «Таҳзибу ислоҳи-л-мантиқ» («Ибн ас-Сакийтнинг «Ислоҳу-л-мантиқ»ни тузатиш»), «ал-Мулаххас фи иъробил-л-Қуръон» («Қуръон ифодалари ҳақидаги мўъжаз изоҳлар», тўрт жилдли), «ал-Кофий фи илмайи-л-аруз ва-л-кавофий» («Аруз ва кофия илмлари хусусида етарли китоб»), «Мишкоту-л-масобих» («Чироқлар кўйиладиган жой»), «Ихтиёроту-л-муфаддал» («ал-Хатиб ат-Табризийнинг «Ёқимли танловлар» асари), «Шарху-л-муъаллақот» («Муаллақотларга бағишланган шарҳ»). Бундан ташқари унинг шеърлари ҳам бор (2: 2/15; 11: 1/446; 17: 4/106).

85. Фаттоҳ ат-Табризий (1252-1311/1836-1893)

Фаттоҳ ас-Саробий ат-Табризий — факих ва усул соҳаси бўйича етук олим бўлган. Асарларидан: «Усулу-л-фикх» («Фикх асослари») (17: 2/610).

86. Аҳмад ал-Ашъарий (XII ҳ.а./XУШ м.а.)

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулмалик ал-Ашъарий, ат-Табризий. Унинг «Сирожу-л-қулуб» («Қалблар чироғи») номли асари бор (17: 1/277).

ЛО ат-Тибризий (ат-Табризий)/ат-Тухорий/ат-Тахсонжжасий/ат-Тахсийжий

87. Муҳаммад ат - Табризий (ваф. 1120/1708 й.)

Муҳаммад Такийуддин ибн Муҳаммад Солиҳ ал-Хусайний, ат-Табризий, ал-Исфаҳоний — фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «Рисола фи мухосабати-н-нафс» («Нафс билан ҳисоблашиш ҳақидаги рисола») (17: 3/183).

88. Абулқосим ат- Табризий (1286-1362/ 1869-1943)

«Аллома» номи билан шуҳрат қозонган Абулқосим ибн Муҳаммад Ризо ибн Абулқосим ибн Али Асғар ат-Табризий, ат-Таботабоъий, ал-Хоирий — факих, усул ал-фикҳ соҳаси бўйича етук мутахассис бўлган, илм соҳаларида фаолият олиб борган олим. Табризда таваллуд топган. Сўнгра Ироққа кўчиб ўтган. Карбалода бир жамоадан илм олган. Нажафда вафот этган. У тасниф қилган кўп сонли асарлардан: «Лубобу-л-усул» («Усулнинг моҳияти»), «Анису-л-адиббо» («Адибларнинг кадрдон суҳбатдоши»), «Кароиму-л-Қуръон» («Қуръон карималари»), «ан-Навомис ал-илоҳийя фи-л-аҳкоми-л-фикҳия» («Фикҳий ҳукмлар ҳақидаги илоҳий қонунлар»), «Унмузажу-л-улум» («Илмларнинг намуналари») (17: 2/651).

89. Шуъайб ат- Табризий

(Абу Солиҳ) Шуъайб ибн Солиҳ ибн Шуъайб ат-Табризий — қози бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан кўп ҳадис ривоят қилганлар. (2: 2/15; 11: 1/446).

195 АТТУХОРИЙ

«Тухарон ба(х,)»дан ясалган нисба. У — Марвдаги ҷишлоқлардан бири (Марвдаги машх.ур йўлни «Тухарон ба(х_)» деб атайдилар). Қуйидаги олимлар шу ҷишлоққа мансубдирлар:

1. Муҳаммад ат- Тухорий

(Абу Исо) Муҳаммад ибн Али ибн ал-Хусайн ал-Баззоз — ат-Табризий, ал-Исфаҳоний — Тухорий номи билан маълум бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/449).

2. Ҳаммод ат-Тухорий

Ҳаммод ибн Аҳмад ибн Ҳаммод ибн Абурижо ат-Торикий ат-Тухорий (2: 2/19; 11: 1/449).

196 АТТАХСОНЖЖАСИЙ

«Тахсонжжас»дан ясалган нисба. У — Самарқанд Сўғдидаги к,ишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу к,ишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ат- Тахсонжжасий

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ат-Тахсонжжасий. У уламолардан, эса ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/19; 11: 1/449).

197 АТТАХСИЙЖИЙ

«Тахсийж»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги ҷишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоқдан етишиб чик^анлар:

1. Холид ат-Тахсийжий

(Абу Жаъфар) Холид ибн Карда ас-Самарқандий ат-Тахсийжий — олим ва ҳофиз бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/19; 11: 1/450).

2. Ар-Расул ат- Тахсийжий

Ар-Расул ибн Зайд ибн Саъдон ат-Тахсийжий, ас-Самарқандий — солиҳ шайх бўлган. У амакиси Атодан, ундан эса Бухоро хатиби (ал-Муҳаллабий) ҳадис ривоят қилган. Шунингдек, у уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/450).

3. Ато ат-Тахсийжий

Ато ибн Саъдон ат-Тахсийжий. Ундан ар-

Расул ибн Саъд, у эса уламолардан хадис ривоят қилган (11: 1/450)

198 АТТАДЁНИЙ

«Тадёна»дан ясалган нисба. У — Насаф қишлоқдан бири. Бу қишлоқдан қуйидаги олимлар етишиб чикданлар:

1. Ахмад ат-Тадёний (ваф. 366/976 й.)

(Абулфарорис) Ахмад ибн Муҳаммад ибн Жумъа ибн ас-Сакан ибн Умайя ибн Разин ибн Абдуллоҳ ан-Насафий ат-Тадёний — Тадёна қишлоғи аҳлидан. Ундан ўз диёрининг аҳли ва Бухоро шайхлари хадис ривоят қилганлар. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 366 х.й.нинг муҳаррам ойида вафот этган. (2: 2/23; 11: 1/452).

2. Иброҳим ад-Тадёний

Иброҳим ибн Набахон ат-Тадёний — шу қишлоқдан, Балхда факих бўлиб етишган ва шу ерда унинг аҳли ҳақида китоб битган. У 392 х.й. рабиъул-аввал ойида якшанба куни Тадёна қишлоғига келмай туриб, ёшлигидаёқ вафот этган (11: 1/452).

3. Ал-Қосим ат-Тадёний (334-421/945-1030)

(Абу Муҳаммад) ал-Қосим ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Тавба ибн Ҳарис ат-Тадёний — котиб бўлган. Асли Тадёна қишлоғидан бўлган. Устози бўлмаган. 334 х.й.да таваллуд топган ва 421 х.й. 8 шавволда жума арафасидаги тунда вафот этган ва жума куни намоздан олдин дафн этилган (11: 1/453).

199 АТТУРОБИЙ

Бу — тупрок, маъносини англатувчи арабча «туроб» сўзидан ясалган нисба. Марвлик бир жамоанинг тупроқ сотиши билан боғлиқ касби ҳам туроб деб номланади. Уларнинг ўз бозори бўлиб, унда уруғ ва донлар сотилади. Қуйидаги олимлар шу жамоага мансубдирлар:

1. Муҳаммад ат-Туробий (ваф. 463/1071 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абулхайсам Абдуссамад ибн Али ат-Туробий ал-Марвазий. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 463 х.й. рамазон ойида 96 ёшида вафот этган (11: 1/454).

2. Муҳаммад ибн Ахмад ат-Туробий

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Ахмад ал-Ҳусайн ат-Туробий. У уламолар, ундан эса бошқалар хадис

ривоят қилганлар (11: 1/454).

3. Абдуллоҳ ат-Туробий (ваф. 494 х.й.дан кейин)

(Абу Бакр) Абдуллоҳ ибн Абдуссамад ибн Ахмад ибн Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Жаъфар ибн Исҳоқ ибн Ахмад ибн Шаржил ибн Сироқа ибн Молик ибн Жаъшам ат-Туробий солих шайх бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 494 х.й.дан кейин вафот этган (11: 1/454).

4. Абдуррахмон ат-Туробий (ваф. 530 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуррахмон ибн Абдуллоҳ... ибн Жаъшам ат-Туробий — юкорида номи зикр этилган Абдуллоҳнинг ўғли, илм аҳлига мансуб олийжаноб инсон, солих ва нуфузли шайх бўлган. 530 х.й.да вафот этган (11: 1/454).

200 АТ-ТАРОХИЙ

«Тароха»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоқда мансубдир:

1. Муҳаммад ат-Тарохий (ваф. 350/962 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Мусо ибн Ҳаким (Ҳалим) ибн Атия ибн Абдуррахмон ат-

112 ^{***}Тарохий/ат-Турбоний/ат-Турконий/ат-Туркистоний/ат-Термизий

Тарохий ал-Бухорий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 350 ҳ.й. зу-л-ҳижжа ойининг охири куни вафот этган ва мухаррам ойининг биринчи куни Дафн этилган (2: 2/23; 11: 1/455).

201 АТТУРБОНИЙ

«Турбону»дан ясалган нисба. У — Бухородаги ҷишлоцлардан бири. Қуйидаги олим шу ҷишлоцқа мансубдир:

1. Муҳаммад ат-Турбоний (ваф. 323 ҳ.й.)

(Абу Али) Муҳаммад ибн Юсуф ибн Иброҳим ат-Туробоний — фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Фақиҳлардан бири, машҳур муҳаддислардан бўлган. У уламолардан, ундан эса уламолар ҳадис ривоят қилганлар. 323 ҳ.й.да вафот этган (2: 2/23; И: 1/455).

202 АТ-ТУРКОНИЙ

«Туркон»дан ясалган нисба. У — Ҳамадондан бўлган баъзи аجدодларнинг исми. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Аҳмад ал-Ҳамадоний ат-Турконий

(Абулаббос) Аҳмад ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Туркон ибн Жомий ибн

ал-Ҳусайн ал-Хаффоф ат-Тамимий ал-Ҳамадоний ат-Турконий — Ҳамадоннинг муҳаддисларидан ва машҳур кишиларидан. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/458).

203 АТТУРКИСТОНИЙ

«Туркистон»дан ясалган нисба. Туркистон — туркларнинг ўлкаларини ифодаловчи умумий ном. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ат-Туркистоний (671-733 ҳ.й.)

(Бадруддин) Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маъалло ибн Маҳмуд ат-Туркистоний, ал-Ҳанафий — фақиҳ бўлган. Фатволар чиқарган ва уларни тасниф қилган. У кўпинча «Тирозий» номи билан танилган, Қоҳирага келиб, шу ерда муқим истиқомат қилган. 671 ҳ.й.да туғилган ва 733 ҳ.й.да вафот этган. У тасниф этган асарлардан: «ал-Иршод фи-л-фуруъ» («Фуруъ ал-фикҳ ҳақида қўлланма»), «Табсирату-л-асрор фи шарҳи-л-манор» (Насафийнинг «Шарҳу-л-манор» асаридаги сирларнинг ойдинлашуви), «Шарҳу-л-жомийи-л-кабийр» (Шайбонийнинг фуруъ ал-

фикҳ ҳақидаги «ал-Жомий ал-кабийр» — «Катту тўплам» асарига шарҳ), «Шарҳу ақийдати-Таҳовий» («Таҳовий ақида» сига шарҳ), «Манозилу аҳли-л-ихтиёр» («Аҳли ихтиёр манзиллари») (15: 4/70; 17: 3/758).

204 АТТЕРМИЗИЙ

«Тирмизядан ясалган нисба. Термиз — Жайхун дарёси сохдлидаги асосий шах, арлардан х, исобланган машх, ур шах, ар. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Умар ат-Термизий (857/1453 йилда ҳаёт бўлган)

Умар ат-Термизий — суфий ва воиз бўлган. Асарларидан: «Тафсиру сурати-л-ихлос» (857 ҳ.й.да вафот этган Подшоҳ Зоҳир Муҳаммад Абу Сайд учун таълиф этилган «Ихлос сурасининг тафсири»), шу асарнинг муқаддимасида у мазкур подшоҳнинг ихлосга оид насихатини зикр этган (17: 2/555).

2. Муҳаммад ат-Термизий (200-295/817-908)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср ат-Термизий — Термиз аҳлидан, фақиҳ, фозил, парҳезкор ва хушсыйратли инсон

бўлган. Бағдодда истиқомат қилган ва шу ерда ҳадислар айтган. Дунёдаги илм, фазл ва зуҳд аҳлининг ишончлиси бўлган. У — парҳезкор, кафолатли ишонч намунаси. 29 йил ҳадис ёзган. Ироқдаги шофиъий шайхлардан. У 200 х.й. зул-ҳижжа ойида туғилган ва 11 муҳаррам куни вафот этган. Ҳаётининг сўнгги даврида бироз чалғиган. Шофиъийлик мазҳабида ундан парҳезкорроқ ва меҳнати кўп синган бошқа инсон бўлмаган. Камбағалликка сабр-бардош қилувчи, парҳезкор, ўта ночор ҳолатда ҳам кам таом истеъмол қилувчилардан бўлган. Асарларидан: «Ихтилофу аҳли-с-салот фи-л-усул» («Усул ҳақида намоз аҳли қарашларидаги ихтилофлар») (11: 1/460; 17: 3/112).

3. Муҳаммад ат-Термизий (ваф. 280/893 й.)

(Абу Исмоил) Муҳаммад ибн Исмоил ибн Юсуф, ас-Суллабий, ат-Термизий — муҳаддис, хофиз ва мусанниф бўлган. Аҳли сунна мазҳабида машҳур, ўткир зехли ва бағрикенг банда бўлган. Бағдодда яшаган ва шу ерда ҳадис айтган. Кейинчалик Ҳижоз ва Мисрга сафар қилган. Термизий (ўз «Тўплами»да) ва Насоий ундан ҳадис ривоят қилганлар. Рамазон ойида Бағдодда вафот этган (2: 2/21; 11: 1/461; 17: 3/136).

4. Муҳаммад ат-Термизий (318/930 йилда ҳаёт бўлган)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким, ат-Термизий — муҳаддис, хофиз ва суфий бўлган. Хуросон ва Ироқда кўпчиликдан ҳадис эшитган, сўнгра Нишопурга келиб, бу ерда ҳадис айтган. 318 х.й.да ундан ҳадис эшитганлар. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Акёс ва ва-л-муғтарийна» («Қўлқоп ва алданганлар»), «Риёзату-н-нафс» («Нафс тарбияси»), «ал-Касб» («Хунар»), мазкур учала китобнинг ҳаммаси тасаввуфга оид. «Наводиру-л-усул фи маърифати а х б о р и - р - р а с у л» («Расулуллоҳ хабарларини билишдаги нодир усуллар»), «Илалу-л-убудия» («Бандалик иллатлари»), «Жавобу китобин минар-рай» («Райдан келган китобга жавоб»), «Хатаму-л-анбийё» («Пайғамбарларнинг сўнгиси»), «ас-Салот ва макосидуҳо» («Намоз ва ундан. кўзланган мақсадлар») (11: 1/459; 15: 4/9; 17: 3/502).

5. Муҳаммад ат-Термизий (280/893)

Муҳаммад ибн Умар ат-Термизий, кейин ал-Балхий, аш-Шофиъий (Абу Бакр) — фозил инсон бўлган. Асарларидан: «ал-Олим ва-л-мутакаллим»

(«Олим ва мутакаллим») (17: 3/558).

6. Муҳаммад ал-Варроқ (240/854 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термизий — валиятарош (муаддибу-л-авлиё) ва суфий бўлган. Термизда туғилган. Балхда яшаган. 240 х.й.да вафот этган Аҳмад ибн Хадравайх ал-Балхийнинг дўсти бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «ар-Риёзиёт» («Машқлар») (11: 1/459; 17: 3/569).

7. Муҳаммад ат-Термизий (210-279/825-892)

(Абу Исо) Муҳаммад ибн Исо ибн Сура ибн Мусо ибн ад-Даҳҳок ас-Суллабий, аз-Зарир, ал-Буғий, ат-Термизий — муҳаддис, хофиз, муаррих, фақиҳ ва ҳадис илмида иқтидо қилинадиган имомлардан бири бўлган. Тахм. 210 х.й.да туғилган. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан сабоқ олган ўқувчи. Имом ал-Бухорий Кутайба ибн Сайд, Али ибн Хажар, ибн Бишор сингари кўпчилик машойихлардан ҳадис ривоят қилганда, иштирок этган. Сўнгра Хуросон, Ироқ ва икки муқаддас масжидга бориб, ҳадис тинглаган. Ўша ерда устози Шайх ал-Бухорий ҳақида ҳам эшитган. 13 ражабда Термиздаги Буғ кишлоғида

цд ат-Термизий

вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Жомиъ ас-саҳийх» («Ишончли тўплам»), «аш-Шамоил фи шамоили-ннабий» («Пайғамбар фазилатларини мужассам этган тўплам»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Хилоф ва баҳс-мунозара хақида рисола»), «ат-Таърих» («Тарих»), «ат-Таҳзиб» («Тузатиш»), «ал-Илал» («Иллатлар») (2: 2/31; 11: 1/459; 16: 408; 17: 3/573).

8. Аҳмад ат-Термизий

(Абулҳасан) Аҳмад ибн Жунайдуб Абулҳасан ат-Термизий — хофиз ва сайёр бўлган, Шом ва Ироққа бир неча бор борган. Миср, Шом ва Ироқда ҳадис эшитган. Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Ибн Хузайма ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/32).

9. Исҳоқ ат-Термизий

Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Жабала ибн Божавия ат-Термизий (11: 1/459).

10. Абу Аҳмад ат-Термизий

Абу Аҳмад ибн ал-Ҳасан ат-Термизий (11: 1/459).

11. Холид ат-Термизий

Холид ибн Зиёд ибн Жарулаздий ат-Термизий — Термиз аҳлидан бўлган. Қутайба ибн Сайд ва бошқалар, шунингдек, юртдошлари ундан ҳадис

ривоят қилганлар. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Юз ёшида Термизда вафот этган. Термизда қози бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/459).

12. Абдулазиз ат-Термизий

Абдулазиз ибн Холид ибн Зиёд ибн Жарулаздий ат-Термизий — юкорида номи зикр этилган Холиднинг ўғли. Марвда қози бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/459).

13. Сайд ат-Термизий

(Абу Усмон) Сайд ибн Холид ибн Муҳаммад ибн Махлад ибн Холид ат-Термизий. Бағдодга хожи бўлиб келган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис айтганлар (11: 1/460).

14. Солиҳ ат-Термизий

(Абу Муҳаммад) Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Довуд ат-Термизий — обид. 345 х.й.да Нишопурга келган ва шу ерда ҳадис айтган. Сўнгра ҳаж қилиш учун отланди. Йўлда иситмага чалинди. Маккага етиб келганида, вафот этган ва жасади Таҳога дафн этилган. У уламолардан, ундан уламолар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/460).

15. Муҳаммад ат-Термизий

(Бурхонуддин) Муҳаммад ибн Муҳаммад аз-Зайн ал-Хусайний. У Шайх Муҳаммад ибн Али ат-Термизий авлодларидан. Унинг «ал-Мухтасар ал-бурхоний» («Бурхонуддин қисқартмаси») номли асари бор (14: 22).

16. Али ат-Термизий

(Жамолуддин) Абу Жаъфар ал-Хусайний ибн ал-Мажид Али ибн Аҳмад ал-Хусайний ат-Термизий ал-Айний. Унинг «Мазоқу-л-ушшоқ фи илми-л-офоқ фи-н-нужум» («Илми офоқдаги юлдузлар хақидаги ошиқларнинг завқи»).

17. Аҳмад ат-Термизий

(Носируддин) Аҳмад ат-Термизий. Унинг «Исобату-р-раъйи ва-л-ақвол в таҳорати-з-зайл ва-л-афъол» («Раъй, қавллар, қўшимча таҳорат ва саъй-ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқ келиши» номли асари бор. Бу ўн икки бобдан иборат мавъизалардан ташкил топган кўп жилдли китоб бўлиб, ундаги дастлабки боб «Алхамду лиллоҳи-ллазий халақа афдала-л-халқи... ал-исобату-р-раъйи ва-л-ақвол ва таҳорати-з-зайл ва-л-афъол», деб бошланади (15: 4/106).

205
АТТАРНОВАЗИЙ

«Тарноваз»дан ясалган нисба. У — Бухородаги ҷишлоцлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоқдан чиққан:

1. Аҳмад ат-Тарновазий
(Абу Ҳомид) Аҳмад ибн Исо ал-муаддаб ат-Тарновазий ибн Исмоил ибн Бутун ат-Тифлисий — шу қишлоқдан (2: 2/32).

206
АТТУШКИДАЗИЙ

«Тушкидаза»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги қишлоцлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Аҳмад ат-Тушкидазий
Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тушкидазий. Уламолар ундан ҳадис айтганлар (2: 2/37).

207
АТТАФТАЗОНИЙ

«Тафтазон»дан ясалган нисба. У — Насо ноҳиясидаги қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Ҳасан ат-Тафтазоний (1070-1137/1660-1725)
Ҳасан ибн Муҳаммад ат-Тафтазоний — олим, илми фароиз бўйича етук мутахассис ва адиб бўлган. Илм-фаннинг баъзи

соҳаларида фаолият кўрсатган. Тахм. 1070 х.й.да таваллуд топган. Маккада вафот этган. Асарларидан: «Низаму-с-сирожия ва шархухо» («Сирожий низомлар ва уларнинг шархлари»). Унинг шеърлари бор (17: 1/582).

2. Муҳаммад ал-Ғанимий (1312-1355/1894-1936)

Муҳаммад ибн Абдуррахмон ал-Ғанимий, ат-Тафтазоний — суфий, тариқат аҳлидан, адиб, шоир, инглизча эркин сўзлаша ва ёза оладиган инсон бўлган. Мисрдаги Зақозикда ишчи оиласида таваллуд топган. «Тариқа ғанимия тафтазония» номли тариқат шайхлигини бошқарган. Асарларидан: «Музаккирот сиёсият ани-л-масъалати-л-мисрия ва баъди рижолоти-с-сиёсияти-л-маъруфийн мина-л-мисриййина ва-л-инклиз» («Миср масаласи ҳамда таниқли мисрлик ва инглиз сиёсат арбобларидан баъзилари ҳақидаги сиёсий ёдномалар» (17: 3/379).

3. Масъуд ат-Тафтазоний (712-791/1312-1389)

Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ ат-Тафтазоний (Саъдуддин) — грамматика, морфология, риторика, фикҳ ва унинг усуллари, мантиқ ва бошқа кўпгина

соҳаларда тадқиқотлар олиб борган олим. Насо ноҳиясидаги қишлоқлардан бири — Тафтазонда таваллуд топган. Қутбуддин ва Уздуддиндан илм ўрганиб, ўзини китобларни тасниф этишга бахшида қилган. Самарқандда вафот этган. Унинг кўп сонли асарларидан: «Шарҳу талхиси-л-мифтоҳ фи-л-маъоний ва-л-баён» («Риторикадаги калитлар моҳиятининг шарҳи»), «Ҳошия ала-л-кашшоф» (аз-Замахшарийнинг илми тафсир ҳақидаги «ал-Кашшоф» асарига хошия-изоҳ»), «ат-Таҳзиб фи-л-мантиқ» («Мантиқ илмидаги тарбия»), «ал-Мақосид фи илми-л-калом» («Калом илмидан кўзланган мақсадлар»), «Ҳақоиқу-т-танқиҳ ли-садри-ш-шариати фи-л-усул» («Садрушшарианинг илми усулга оид қайта кўриб чиқиш ҳақидаги қарашлари билан боғлиқ ҳақиқатлар»), «Шарҳу хикмати-л-ишроф» («Ҳикмату-л-ишроф» га шарҳ), «Шарҳу-л-ақоиди-н-насафия» («ал-Ақоид ан-насафия» га шарҳ), «Ҳошия ала шарҳи-л-мухтасари-л-мунтаҳий» («ал-Ийжийнинг ақоид ҳақидаги «Шарҳу-л-мухтасари-л-мунтаҳий» асарига хошия-изоҳ»), «Шарҳу мухтасари-ш-шамсия фи-л-мантиқ» («Мантиқ илми ҳақидаги

ЛФ ат-Тафтазоний/ат-Тафлисий

«Мухтасари-ш-шамсия» — «Шамсия рисоласининг қисқартмаси» номли асарга шарх»), «ат-Талвих фи кашфи хақоики-н-танқиҳ» («Қайта кўриб чиқиш ҳақиқатларини кашф этиш ҳақидаги аломатлар»), «Шарҳу мухтасари-л-Занжоний» («Занжоний қисқартмасига шарх»), «ал-Мутаввал фи-л-балоға» («Балоғат илми ҳақидаги батафсил китоб»), «ал-Мухтасар ала талхиси-л-мифтоҳ» («Талхису-л-мифтоҳ қисқартмаси»), «Шарҳу тасрифи-л-ғазий фи шарҳи мифтоҳи-л-улум» («Шарҳу мифтоҳи-л-улум» ҳақидаги Ғазийнинг морфологик шарҳи), «ар-Радду ала ибн Арабий фи фусусихи» («Фусус ал-хикам» асари ҳақида Ибн Арабийга раддия»), «Халлу-л-маоқид фи шарҳи-л-қавоид» (Ибн Ҳишом ал-Ансорийнинг «Қоидалар шарҳи ҳақидаги ўринларнинг ечим»), «Шарҳу абёти-л-мисбоҳ» («ал-Мисбоҳ»даги байтлар шарҳи), «ал-Иршод ал-ҳодий» («Хидоят сари етакловчи «Иршод»), «ал-Мутаввал» («Муфассал»), «Шарҳ ҳикмати-л-ишроқ» («Ҳикмату-л-ишроқ» шарҳи), «Иршоду-л-осий» («Осийни хидоят йўлига бошловчи кўрсатма»), «ал-Арбаъин» («Қирқ ҳадис»), «Иршоду-л-ҳодий» («Хидоятга олиб

борувчи иршод», муаллиф ушбу асарни 778 х.й.да таълиф этган). Соҳибқирон Амир Темур даргоҳидаги кенгашда Саййид Шариф ал-Журжоний ва Саъдуддин ат-Тафтазоний Аллоҳ таолонинг «**Увлаика ала ҳуда мин раббихим**» («**Айнан улар Парвардигорлари томонидан** (ато этилган) **хидоят узра (барқарор)дирлар ва ана ўшалар** (охиратда) **нажот топувчилардир**») қавли истиораси хусусида тортишиб қолганлар. Шунда Саййид унга ўзининг фасохатдаги маҳоратини намоён этиб, тилига эрк берган эди. Дарвоқе, Саййиднинг тили унинг қаламига (ёзувдаги ифодасига) қараганда анча бадиийроқ эди. Тафтазонийда эса бунинг акси эди. Фозиллар улардан қайси бири афзалроқ эканини аниқлашда икки қисмга бўлинган эдилар, лекин кўпчилик Саъдуддин тарафида қолган эди (15: 4/56, 222; 16: 339; 17: 3/849).

4. Яхё ат-Тафтазоний (887/1482)

Яхё ибн Муҳаммад ибн Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, ал-Ҳиравий, ал-Ҳанафий — муфассир бўлган. У «Ҳафид» («Набира») номи билан машхур. Лақаби — Ш а й х у л и с л о м . Асарларидан: «Ҳошия ала

авоилу-л-кашшоф» (Бобосининг «Авоилу-Кашшоф» «Кашшофнинг аввал қисмлари» асари хошия-изоҳ») (17: 4/115

5. Абдуллоҳ а Тафтазоний

(Абу Бакр) Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Абу Бакр Фозил имом, тафсикироат, фикҳ, усул-а. фикҳ ва ваъзхонлик яхши билувчи ине бўлган. Нишопур, уламолардан ҳад! тинглаган. Тусда эса А(Ҳомид ал-Ғазолг ҳузурида фақиҳ бўл)* етишган (2: 2/42; 11: 1/47:

6. Муҳаммад а Тафтазоний

(Абу Иброҳим) Муҳаммад ибн Иброҳим ибн ал-Ало ал-Муқрий а! Насавий ат-Тафтазоний Балхдаги суфийларнш шайхи бўлган. хушахлокли, камтари] олийжаноб, саҳиз машойих ва акобирларнш қиблагоҳи бўлган. Бағдодг ҳадис тинглаган ва шу ер/ 547 х.й.нинг охирироғш вафот этган (11: 1/471).

208

АТТАФЛИСИЙ

«Тафлис»дан ясалган нисба. «Тафлис» — «Боб/ л-абвоб» яқинидаг Журзон ноҳ,иясиг қаратли қасаба. Куйидаг олимлар шу қасабаг мансубдирлар:

1. Ҳабаш ат-Тафлисий (тахм. 600/1203)

(Абулфазл) Ҳабаш ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Камолий ат-Тафлисий — табиб, адиб, тилшунослик, нахв, фалакиёт ва бошқа илм соҳаларида фаолият олиб борган олим. Қуниёда яшаган ва шу ерда 629 х.й.да вафот этган. У илм-фан ва маърифатнинг турли соҳаларида ўттизга яқин китоб ёзиб қолдирган. Асарларидан: «Нузуму-с-сулук» («Сулук коидалари»), «Таквиму-ладвия» («Дориларнинг тақвими»), «Лубобу-ласбоб» («Сабабларнинг моҳияти»), «Таҳсилу-с-сиххати би-л-асбоби-с-ситта» («Олти сабаб туфайли соғлиқни ўрганиш»), «Комилу-т-тадобир» («Тадбирларнинг мукаммали»), «Ихтисори фусули Букрот» («Гиппократ текширув усулининг ихчам шакли»), «Усулу-л-малоҳим» («Малҳам тайёрлаш усули», бу — Дониёл малҳамини тайёрлаш хусусида), «Адвияту-ладвия фи-л-адвияти-л-муфрада» ва кайфияту ахзиҳо» («Содда дориларнинг энг сараси ва уни тайёрлаш тартиби»), «Таквиму-л-адвия фи жадовилу-л-муфрадат» («Содда дориворлар жадвалидаги дориларнинг тақвими»), «ат-Талхис фи илали-л-адвия» («Дорилар етказиши мумкин бўлган

зарарлар ҳақида қисқача изох»), «ар-Рисола фима ятааллақу би-л-ағзияти-л-мутлақа ва-л-адвия» («Мутлоқ озуқалар ва дорилар ҳақидаги рисола»), «ар-Рисола ал-мутаъорифа биасмои-л-муродифа» («Таркиби ўхшаш дориларнинг номларини билишга хизмат қилувчи рисола»), «Румузу-л-минҳож ва кунузу-л-илож» («Дастур рамзлари ва даволаш хазиналари»), «Шарҳу баъзи-л-масоил мина-л-асбоб ва-л-аломат» (Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»дан танлаб олинган «Сабаблар ва аломатлар билан боғлиқ баъзи масалаларнинг шарҳи»), «Сиххату-л-абдон» («Бадан соғломлиги»), «Қонуну-л-лубоб» («Моҳият қонуни»), «Комилу-т-тадобир» («Тадбирларнинг мукаммали»), «Кифою-т-тибб» («Табобат бўйича кифоя қилувчи китоб»), «Лубобу-л-асбоб» («Сабабларнинг моҳияти»), «Мажмуъа расоили тиббия» («Тиббий рисолалар тўплами»), «Нузуму-с-сулук» («Сулук коидалари»), «Вужуху-л-Қуръон» («Қуръон вазҳлари») (17: 1/527).

2. Ҳусайн ат-Тафлисий (1197/1783 йилда ҳаёт бўлган)

Ҳусайн ат-Тафлисий — муфассир бўлган. У — 1197 х.й.да вафот этган

Муҳаммад ибн Муҳаммад Рафиъ ал-Жилонийнинг замондоши. Исфаҳонда вафот этган. У тасниф этган асарлардан: «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири») (17: 1/605).

3. Муборак ат-Тафлисий (644/1246 йилда ҳаёт бўлган)

Ал-Муборак ибн Муҳаммад ибн Али ал-Мусовий, ат-Тафлисий — шофиъий фақиҳ. Унинг 644 х.й.да ёзиб тугатган фикҳ ҳақидаги китоби бор (17: 3/11).

4. Муҳаммад ат-Тафлисий (480/1087)

Муҳаммад ибн ал-Мухсин ат-Тафлисий, ал-Хусайний (Абу Ҳарб) — насаб битувчи олим бўлган. Бағдодда истиқомат қилган. Ажам ўлкаларига сафар қилган. 480 х.й.нинг купи ортда қолганда, Ғазнада вафот этган. Унинг насаблар ҳақида тасниф қилган асарлари бор (17: 3/616).

5. Ҳомид ат-Тафлисий (ваф. 484 х.й.дан кейин)

(Абу Аҳмад) Ҳомид ибн Юсуф ибн Аҳмад ибн ал-Хусайн ат-Тафлисий — Тафлис ахлидан бўлган. Бағдодга келган, бу ердан ундан ва бошқа ўлкалардан келганлардан ҳадис тинглаган. Ўзига хос фазилати билан бошқалардан ажралиб турган. 484 х.й.дан кейин

112 ат-Тафлисий/ат-Тилёний/ат-Тумуртоший

вафот этган (2: 2/43; И: 1/472).

6. Мухаммад ат-Тафлисий

(Абу Бакр) Мухаммад ибн Исмоил ибн Батун ибн ас-Сиррий ат-Тафлисий. Отаси Нишопурда истикомат қилганлардан. Ҳадисларнинг ишончли манбаи эди. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/471).

7. Мухаммад ат-Тафлисий

Мухаммад ибн Баён ибн Ҳамрон ал-Мадоиний ат-Тафлисий. Асли Тафлисдан бўлган, лекин Бағдодда яшаган. Отасидан ва бошқалардан ҳадис айтган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 1/472).

209

АТТИЛЁНИЙ

«Тилёнъдан ясалган нисба. «Тилён» — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Ҳомид ат-Тилёний (ваф. 239 х.й.)

Ҳомид ибн Одам ат-Тилёний ал-Марвазий. Илм аҳлидан бўлган. У раъйга эътибор қаратган, ривоятда ҳаддидан ошиб кетган, бу ҳақда кўп гапирганлар. У уламолардан, ундан эса

бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 239 х.й.да вафот этган (2: 2/35; 11: 1/475).

210

АТТУМУРТОШИЙ

«Тумуртош»дан ясалган нисба. У — Хоразмдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Аҳмад ат-Тумуртоший (ваф. тахм. 600/1203 й.)

Аҳмад ибн Исмоил ибн Мухаммад Ийдғамиш ат-Тумуртоший ал-Хоразмий, ал-Ҳанафий (Захируддин, Абу Мухаммад) — Хоразм муфтиси бўлган. У таълиф қилган асарлардан: «Шарху-л-жомиъи-ссағийр» («Кичик тўплам»га шарх), «Китобу-т-тарвих» («Хона хавосини янгилаш ҳақидаги китоб») (17: 1/106).

2. Солих ат-Тумуртоший (980-1055/1572-1645)

Солих ибн Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Мухаммад ал-Хатиб, ал-Ҳаззий, ат-Тумуртоший, ал-Ҳанафий — факих, адиб, баъзи илм соҳаларида фаолият олиб борган олим. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Иноя фи шарҳи-н-ниқоя» («Шарху-н-ниқоя» ҳақидаги ғамхўрлик»), «Завоҳиру-л-жавоҳир» («Жавоҳир гуллари»), «ан-Назоир ала-л-иштибоҳ ва-н-назоир фи-л-фикҳи-л-ҳанафий»

(«Шубҳали қарашлардаги ўхшашликлар ва ҳанафий фикҳ ҳақидаги фикрлар»), «Абкору-л-афкор ва фокхату-л-ахёр» («Фикрлар нишонаси ва эзгуликлар меваси»), «Шарху-л-алфия фи-н-нахв» («Грамматикага оид «ал-Алфия» асарига шарх») (17: 1/833).

3. Мухаммад ат-Тумуртоший (1035/1626)

Мухаммад ибн Солих ибн Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Ҳаззий ат-Тумуртоший — фароиз ва грамматика билан шуғулланган олим, адиб ва шоир бўлган. Ғизза ва Қоҳирада таълим олган. Ғиззада вафот этган. Асарларидан: «Шарху-р-рахбия фи-л-фароиз» («Фароиз илми ҳақидаги муфассал асарга шарх»), «Назму алфия фи-н-нахв» («Грамматика оид «Алфия» асарининг назмий шакли»), «Рисола фи тафзили-л-инсон» («Инсон кадрини улуғлаш ҳақидаги рисола»), «Манзума фи-л-муносаҳот» («Мураккаб вазиятдан чиқиб кетиш ҳақидаги манзума»), шунингдек, унинг кўпгина шеърлари ҳам бор (17: 3/356).

4. Мухаммад ат-Тумуртоший (1327/1909)

Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Мухаммад ибн Иброҳим ибн Мухаммад ал-Хатиб,

ат-Тумуртоший, ал-Ғаззий, ал-Ҳанафий — фақиҳ, усул ал-фикҳ бўйича етук олим ва мутакаллим бўлган. Ғиззада туғилган ва ражаб ойининг охирларида шу ерда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Танвиру-л-абсор ва жомиъу-л-биҳор ва шарҳу» («Кўзларнинг нурланиши ва денгизларнинг жамланиши» ва шу асарга ёзилган шарҳ, муаллиф уни «Манҳу-л-Ғаффор», яъни «Ғаффорнинг мукофоти» деб атаган), «Иъонат-л-ҳақир ва лаззату-л-фақир» («Ҳақирнинг кўмаги ва фақирнинг лаззати»), иккала асар ҳам ҳанафийлик мазҳабидаги фуруҳ ал-фикҳ ҳақидадир. «Ал-Фавоид ал-мурзия фи шарҳи-л-қасидати-л-ломия» (Илми ақоидга оид «Шарҳу-л-қасидати-л-ломия» ҳақида қоникарли фойдалар»), «ал-Вусул ила қавоиди-л-усул» («Усул қоидаларига етиб бориш»), «Ақду-л-жавоҳири-н-наййирот фи баёни хасоиси-л-киромил-л-ашарати-с-сикот» («Ўн муқаррам обрўли зотнинг фазилятларини баён этиш ҳақидаги равшан жавҳарлардан тузилган маржон», «Саъфату-л-ҳукком ала-л-аҳкоми-л-мутаъаллика би-л-қазот ва-л-ҳукком» («Қозилар ва ҳокимларга тегишли ҳукмларга ҳокимларнинг кўмаги»), «Маъину-л-муфтий фи жавоби-л-

мустафти фи-л-фуруъи-л-фикҳия ала мазҳаби Аби Ҳанифа» (Абу Ҳанифа мазҳабидаги фуруъ ал-фикҳга оид масалалар бўйича фатво чиқаришни сўраб мурожаат этувчининг жавоби ҳақида муфтининг ишончли манбаси») (17: 3/427).

5. Нажмуддин ат-Тумуртоший (1156/1743 йилда ҳаёт бўлган)

Нажмуддин ибн Солиҳ ат-Тумуртоший ал-Умарий — муаррих бўлган. Асарларидан: «Фатҳу-л-Маннон фи мафоҳири оли Усмон» («Усмон авлодларининг ифтихори ҳақида Маннонинг фатҳи»). Муаллиф мазкур асарни 1156 х.й.да таълиф этган (17: 4/13).

211

АТ-ТУМУШҚАСИЙ

«Тумушқас»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Аҳмад ат-Тумушқасий

Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Муқрий Абу Бакр ат-Тумушқасий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/54).

212

АТТАНКАТИЙ

«Танкат»дан ясалган нисба. У — Жайх,ун ва Сайқун ортидаги

Шошинг шах,арларидан бири. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Наср ат-Танкатий (406-480 х.й.)

(Абуллайс) Наср ибн ал-Ҳасан ал-Қосим ибн ал-Фазл ал-Танкатий — Танкат аҳлидан бўлган. Кейинчалик Мағриб ўлкаларига кўчиб борган. Андалус диёрида ўзи ҳадис эшитиб бўлмагунча ва бошқалар ҳам ундан ҳадис эшитиб қоникмагунларича истиқомат қилган. Савоб ишлари ва эзуликка йўғрилган табиати билан кўпчиликка таниш, машхур тужжорлардан бўлган. Муслимининг «Китобу-с-саҳиҳ»ини ривоят қилиш билан Ирок, Миср ва Андалусда шуҳрат қозонган. 406 х.й.да таваллуд топган. 480 х.й.да вафот этган (2: 2/58; 11: 1/483).

213

АТТУБАНИЙ

«Тубан»дан ясалган нисба. У — Мовароуннах,рдаги Насаф қишлоқларидан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Муҳаммад ат-Тубаний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Аббос ат-Тубаний ал-Амир ад-

120 ат-Ту баний/ат-Ту сий/ат-Ту зий/ат-Тузияжий

Дехкон — шу кишлоқ одамларидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 380—480 х.й.да Камисра (Ғузордаги кишлоқ)да ночорликдан вафот этган. Жасадини Тубонга олиб бориб, ўша ерга дафн этганлар (2: 2/64; И: 1/489).

2. Жаъфар ибн Муҳаммад ат-Тубаний (ваф. 278 х.й.дан кейин)

(Абулфазл) Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Аббос ат-Тубаний — Тубан дехкони, амиру-л-мўминийн мавлоси. Уни «Жаъфар ал-Кабийр», яъни «Катта Жаъфар» деб атайдилар. У Тубонга келган ва шу ерда яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 278 х.й.дан кейин вафот этган (11: 1/489).

214 АТ-ТУСИЙ

«Тусядан ясалган нисба. Туе — Марвдаги цишлоқларидан бири. Куйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Бақр ат-Тусий

(Абулфайз) Бақр ибн Абдуллоҳ ибн Бақр ат-Тусий ал-Марвазий — ўта одобли ва илмли фозил инсон бўлган. Абу Довуд ас-Санжийнинг шогирдларидан бўлган (2: 2/65; 11: 1/489).

2. Жобир ат-Тусий

(Абуссалут) Жобир ибн Язид ат-Тусий — маърифат аҳлидан бўлган, Умар ибн Абдулазиз даврида водийни бошқарган. Унинг бир Салут исмли ўғли бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ва ўғлидан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/65; 11: 1/490).

3. Муҳаммад ат-Тусий

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳайён ат-Тусий. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/65).

4. Муҳаммад ат-Тусий (460-530 х.й.)

(Абу Мансур) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Мансур ат-Тусий ал-Марвазий — солиҳ ва олийжаноб инсон ҳамда етук фақиҳ бўлган. Кўпгина ҳадисларни ёзиб қолдирган. Тахм. 460 х.й.да туғилган. 530 х.й.да вафот этган (2: 2/65).

5. Абдулвоҳид ат-Тусий (ваф. 548/1153 й.)

Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Абдулвоҳид ибн Абдулжаббор ибн Абу Бақр ат-Тусий, ал-Марвазий — ўз кишлоғида фақиҳ бўлган. 90 ёшга тўлгунча умр курган. 548 х.й. шабон ойида қуллик жазоси оқибатида вафот этган (2: 2/65).

6. Аҳмад ат-Тусий
(Абу Юсуф) Аҳмад/Муҳаммад ибн Юсуф Тусий — солиҳ обидлардан бири бўлган (1/490).

215 АТТУЗИЙ

«Туз»дан ясалган нисба. Туз — Самар-қанд цишлоқлардан бири. Куйидаги олимлар қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ат-Ту

Муҳаммад ибн Ибр ибн ал-Хаттоб ат-Тузв Варсанисий. У Самарқанддаги Варсанисий қишлоғида истиқомат қилган, кейин у ердан кўчиб ўтган. У уламолардан эса бошқалар; ривоят қилганлар (2: 11: 1/491).

2. Наср ат-Тузий

(Абуллайс) Наср Муҳаммад ибн Ибр ибн ал-Хаттоб ат-Тузв ал-Варсанисий. ханафий фақиҳла бўлган. Самарқанд вафот этган (2: 2/67; 1/491).

216 АТ-ТУЗИЯЖИЙ

«Тузияж»дан ясалган нисба. У — Сағортдаги Шош қишлоқларидан бири. Куйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Аҳмад ат-Тузияжий
(ваф. 526/1132 й.)

(Абу Ҳомид) Аҳмад ибн Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Мутаввийий ат-Тузияжий ар-Рўзборий. У Самарқандда яшаган ва шу ерда ҳадис айтган. Сўнгра Ботқир (Ботқир — Жайхун соҳилидаги Термиздан битта олдинги қалъанинг номи) сари йўлга чиққан ва ўша ерда 526 х.й. рамазон ойининг 12-куни вафот этган (2: 2/67; 11: 1/491).

217
АТ-ТУРОНИЙ

«Турон»дан ясалган нисба. У — Ҳарон дарвозаси олдидаги қишлоқнинг номи. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Саад ал-Ҳароний
(ваф. 580/1185 й.)

Саад ибн ал-Ҳасан Абу Муҳаммад ал-Арузий ал-Ҳароний. Унинг гўзал шеърлари бор. Хуросонга келган ва шу ерда ёшини яшаб, 580 х.й. зу-л-қаъда ойида вафот этган (2: 2/67).

218
АТТЎСАКОСИЙ

«Тўсақос»дан ясалган нисба. Тўсақос — Самарқанддаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Абу Абдуллоҳ ат-Тўсақосий

Абу Абдуллоҳ ат-Тўсақосий ас-Самарқандий. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/68; 11: 1/492).

219
АТТУНКАСИЙ

«Тунқас»дан ясалган нисба. У — Шош қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ҳам ат-Тунқасий
(ваф. 313 х.й.)

(Абу Жаъфар) Ҳамм ибн Умар ал-Бухорий ат-Тунқасий — Бухоро ахлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 313 х.й.да вафот этган (2: 2/73; 11: 1/494).

220
АТТУЯҚИЙ

«Туяқ»дан ясалган нисба. У — Марвдаги даҳ,анинг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ат-Туяқий
(Абу Муҳаммад) Аҳмад ибн Исҳоқ ас-Сукрий ат-Туяқий — солиҳ инсон бўлган (2: 2/73; 11: 1/495).

221
АТТИРҚОНИЙ

«Тирқон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоқда мансубдир:

1. Муҳаммад ат-Тирқоний (ваф. 205 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абду раббихи ибн Сулаймон ал-Марвазий ат-Тирқоний. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 205 х.й.да вафот этган (2: 2/76; 11: 1/496).

222
АТ-ТИЙМАҚИЙ

«Тиймақ»дан ясалган нисба. Тиймақ (Тийм) — Самарқанддаги хоннинг исми. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ат-Тиймақий (ваф. 321/933 й.)

(Абу Абдуллаҳмон) Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Мардавия ибн ал-Ҳусайн ал-Каробисий ат-Тиймақий. Каробисийлар қаторида Самарқанддаги хонга қарашли бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 321 х.й. рабиъул-аввал ойида вафот этган (2: 2/76; 11: 1/496).

^ 2 ас-Собитий/ал-Жожаний/ал-Чокардизий/ал-Жомиъ/ал-Жоварсий/ал-Жубуний

223 АССОБИТИЙ

«Собит»дан ясалган нисба. Собит — Бухоро ахлидан бўлган айрим аждодларнинг исми тарифы. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Аҳмад ас-Собитий (ваф. 449/1057 й.)

(Абу Наср) Аҳмад Абдуллоҳ ибн Собит ал-Бухорий ас-Собитий — фақиҳ, Бухоро ахлидан. Бағдодда яшаган. Фикҳни ўрганган ва қимматли маслаҳатлар берган. Вафотига қадар шофиъий фикҳини ўрганган. «Ал-Мансур» жомеъ масжидида унинг иккита тўгараги бўлган. Абу Ҳомид ал-Исфироъинийдан шофиъий фикҳни ўрганган. Ривоят айтишда юмшоқ табиати, майин товуши ва ўзига хос маҳорати билан ажралиб турган. 449 х.й. ражаб ойида вафот этган ва жасади «Бобу Ҳарб» мақбарасига дафн этилган (11: 1/502).

224 АЛЖОЖАНИЙ

«Жожан»дан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қитлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Жожаний (Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳорис ал-Жожаний. Дуббу-л-

ҳадидда Имом Абу Бакр ибн ал-Фазл мадрасида яшаган. Бухоро, Ирок ва Ҳижозда ҳадислар ёзиб қолдирган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/107; 11: 2/6).

2. Ҳамза ал-Жожаний

(Абу Уқайл) Ҳамза ибн Муҳаммад ад-Дихон ал-Жожаний. У ҳам шу қишлоқ ахлидан. Ундан Абу Комил ал-Бусайрий ҳадис ёзиб олган, уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/6).

225 АЛЧОКАРДИЗИЙ

«Чокардизаядан» ясалган нисба. Чокардиза — Самарқанддаги катта махалла. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Чокардизий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Чокардизий ас-Самарқандий. Ҳадис излаб Ирок, Ҳижоз ва Мисрга борган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/110; И: 2/12).

226 АЛЖОМИЪ

«Жомиъ»дан ясалган нисба. Жомиъ — Марвда Абу Ҳанифа фикҳини илк бор жамъ қилган

одамнинг олим шу нисбага мансубдир:

1. Нуҳ ал-Жомиъ (ваф. 173 х.й.)

(Абу Исмаил) Нуҳ ибн Абу Марям. Унинг исми Язид ибн Жаъуна ал-Жомиъ ал-Марвазий. У — Марв ахлидан. У аз-Зухрий ва Муқотилдан, ўз юртдошлари ва ирокликлардан ҳадис ривоят қилган. Ҳадис иснодларини тўнтариб қўйганлардан, унинг бу ишини асло оқлаб бўлмади. 173 х.й.да вафот этган (11: 2/13).

227 АЛЖОВАРСИЙ

«Жоварса»дан ясалган нисба. Жоварса — Марвдаги қишлоқлардан бири. Унда Абдуллоҳ, ибн Бариданинг, разияллоҳу анхума, қабри бор. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Солим ал-Жоварсий

Солим ал-Жоварсий, Абдуллоҳ ибн Буриданинг мавлоси (2: 2/112; 11: 2/13).

228 АЛЖУБУНИЙ

«Ал-Жубун»дан ясалган нисба. Жубун («Сузма») — қитлоқдан тайёрланадиган бир нарсани, у Бухоро ахли орасида машҳурдир.

**ал-Жубуний/ал-Жихорий/ал-Жуходий/ал-Жахзаний/л-Жадидий/
ал-Жўрабозий/ал-Жаррохий | 23**

Куйидаги олим шу бири. Куйидаги олим ту нисбага мансубдир: қишлоққа мансубдир:

1. Исҳоқ ал-Жубуний (ваф. 395/1005 й.)

(Абу Иброҳим) Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Ҳамадон ибн Муҳаммад ибн Нуҳ ал-Муҳаллабий ал-Хатиб — ханафий фақиҳ бўлган. У Жубуний номи билан маълум. Ироққа хожи бўлиб келган ва шу ерда ҳадис айтган. Абу Ҳанифа мазҳабига қарши чиққан фақиҳлардан бири. 395 х.й. зу-л-қаъда ойининг аввалида жума куни вафот этган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/21).

**229
АЛЖИҲОРИЙ**

«Жих,ор (Сийжор)»дан ясалган нисба. У — Бухородаги Нур қишлоғи. Куйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Солиҳ ал-Жихорий
(Абу Шуъайб) Солиҳ ибн Муҳаммад Шуъайб ал-Жихорий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/128; 11: 2/25).

**230
АЛЖУХОДИЙ**

«Жухода»дан ясалган нисба. У — Бухородаги катта к,ишлоқ,лардан

1. Муҳаммад ал-Жуходий (тав. 417 х.й.)

(Абу Али) Муҳаммад ибн Исмоил ал-Жуходий — муҳаддис ва ҳофиз бўлган. 417 х.й.да туғилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/130).

**231
АЛЖАХЗАНИЙ**

«Жахзаний»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Аъян ибн Жаъфар ал-Жахзаний (ваф. 354/965 й.)

Аъян ибн Жаъфар ибн ал-Ашъаб ал-Жахзаний ас-Самарқандий — фозил ва мукаррам шайх бўлган. Унинг кизиқарли китоблари бўлган. Кеш йўлида работ курган ва йўқолган ўлжаларнинг бир қисмини унга вақф қилган. Али ибн Исҳоқ ал-Ҳанзалий ас-Самарқандий тасниф қилган «Китобу-л-мушофаҳот» («Огзаки суҳбатлар китоби»)ни айтиб берган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 354 х.й.да вафот этган (2: 2/130; 11: 2/27).

**232
АЛЖАДИДИЙ**

«Жадид»дан ясалган нисба. У — Бухородаги дах,а. Куйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Жадидий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абдука-л-Бухорий ал-Жадидий — Бухоро ахлидан бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/31).

**233
АЛЖЎРАБОЗИЙ**

«Жўрабоз» (Курабоз)дан ясалган нисба. У — Марв к,ишлоқ,ларидан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Жўрабозий

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Жўрабозий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/135; 11: 2/36).

**234
АЛЖАРРОХИЙ**

«Жаррох»дан ясалган нисба. Жаррох, — Марв шах,аншоҳ,ларидан бўлган баъзи аждодларнинг исми шарифи. Куйидаги олимлар шу нисбага мансубдирлар:

1. Абдулжаббор ал-Жарроҳий (ваф. 412 х.й.)

(Абу Мухаммад) Абдулжаббор ибн Мухаммад ал-Марвазий ал-Жарроҳий — солиҳ ва обрӯли шайх бўлган. У Абу Исо ат-Термизийнинг китобини ривоят қилиб берган. Ундан хиротлик бир жамоа кўп ҳадислар ривоят қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 412 х.й.да вафот этган (11: 2/36).

2. Мухаммад ал-Жарроҳий (ваф. 420 х.й.)

(Абу Бакр) Мухаммад ибн Абдулжаббор ибн Мухаммад ал-Марвазий ал-Жарроҳий — содиқ ва обрӯли инсон бўлган. У — юқорида зикр этилган Абдулжабборнинг угли. Падари бузрукворидан ҳадислар тинглаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 420 х.й.нинг кўп қисми ўтганда вафот этган (11: 2/36).

**235
АЛЖАРОДИЙ**

«Ал-Жарод»дан ясалган нисба. У — Марв Шох,анжон (Марвазийлар)дан бўлган баъзи аждодларнинг исми шарифи. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Убайдуллоҳ ал-Жародий (ваф. 383/993 й.)

Абу Мухаммад) Убайдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Али ибн Абдуррахмон ибн Мансур ибн Зиёд ал-Котиб ал-Жародий, асли марвлик бўлган. Бағдодда яшаган. Фозил, серкитоб, зиёли инсон бўлган. 383 х.й. ражаб ойида вафот этган (11: 2/37).

**236
АЛЖИРМИЙ**

«Жирм»дан ясалган нисба. У — Бадахшон ўлкаларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Сайд ал-Жирмий (ваф. 540 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Сайд ибн Ҳайдар ал-Жирмий — фақиҳ бўлган. У уламолардан ҳадис тинглаган. 540 х.й.нинг купи ўтганда, Жирмида вафот этган (2: 2/151; 11: 2/49).

**237
АЛЖУРМИХАНИЙ**

«Журмих,ан»дан ясалган нисба. У — Марв қишлоқларидан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоҳха мансубдирлар:

1. Иброҳим ал-Журмиҳаний (ваф. 250 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Холид ибн Наср ал-Журмиҳаний — хофиз ва ўз даврининг етук имоми бўлган. Куръони каримни

ёддан билиш ва Уни мохирона баён этишда ўз асрининг икки зукко имоми деб эътироф этилган Абу Заръа Убайдуллоҳ ибн Абдулҳаким ар-Розий ва Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга ўхшаб кетар эди. Лақаби — «Таботабоъий», у Ироқда шу лақаби билан танилган эди. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 250 х.й.да вафот этган (2: 2/151; 11: 2/47).

2. Абдуррахмон ал-Журмиҳаний

(Абу Осим) Абдуррахмон ал-Журмиҳаний — фақиҳ, фозил ва мохир инсон ҳамда усул соҳаси бўйича етук олим бўлган. Ал-Муваффақ ибн Абдулкарим ал-Ҳиравийдан фақиҳликни ўрганган, ҳадис тинглаган (2: 2/151; 11: 2/47).

**238
АЛ-ЖАСИНИЙ**

«Жасин»дан ясалган нисба. У — Марвдаги мах,алла. Кейинчалик текисланиб, маъбарга айланган. Баъзи саъобалар шу жойга дафн этилганлар. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Жасиний
(Абу Бакр) Аҳмад ибн Бакр ибн* Сайф ал-Жасиний — аҳлу-н-

назарга мойиллиги бўлган обрўли инсон. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/164; И: 2/64).

2. Умар ал-Жасиний

(Абу Хафс) Умар ибн Исмоил ибн Умар ал-Жасиний — ҳарбий кози ва шофиъий факих бўлган (2: 2/164).

3. Муҳаммад ал-Жасиний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ал-Жасиний ас-Суфий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/64).

239

АЛЖАЪОБ

«Жаъоб»дан ясалган нисба. У — камон ўқларини қўйиш учун махсус тайёрланадиган жома, айниқса, марвликлар шу жих,оз билан машхурдирлар. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Аҳмад ал-Жаъоб

Аҳмад ибн Ҳаммод ал-Жаъоб — марвлик обрўли зот. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/65).

240

АЛЖИКИЛИЙ

«Жикил»дан ясалган нисба. У — Сайх,ун

дарёсининг ортидаги Туркистон ўлкаларидан бири, Тароз яқинида жойлашган. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдуррахмон ал-Жикилий (ваф. 516/1122 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуррахмон ибн Яҳё ибн Юнус ал-Жикилий — хатиб, Қадархон ҳукмронлиги даврида Самарқанд хатиби бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 516 х.й. 8 шаъбон куни Самарқандда вафот этган (2: 2/173; 11: 2/72).

241

АЛЖУЛАХТУЖОНИЙ

«Жулахтужон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоқда мансубдир:

1. Сайд ал-Жулахтужоний

(Абу Молик) Сайд ибн Ҳабира ал-Жулахтужоний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/175; 11: 2/73).

242

АЛЖУЛФАРИЙ

«Жулфарядан» ясалган нисба. У — Марв қишлоқларидан бири.

Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар.

1. Муҳаммад ал-Жулфарий (ваф. 463 х.й.дан кейин)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Аҳмад ал-Қаззо ал-Жулфарий. У фозил факих, жасоратли, етарли даражадаги раҳнамо бўлган. Кўп сафар қилган. Ироқ ва Шомга борган ва у ерда машойихлар ва улуғ арбоблар билан учрашган. 413 х.й.да Шомга бориб-келиб, ўз юртида ҳадис айтган. Марв ва Манбажда ҳадис тинглаган. Умрининг охирида, кўчада бошини Абдулкаримнинг йўлига уриб олгандан сўнг, узлатда ҳаёт кечирган ва лозим топилганда уйига келган. 463 х.й.дан сўнг вафот этган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/179; 11: 2/74).

2. Аҳмад ал-Жулфарий

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳошим ал-Жулфарий. У — соҳиби тафсир, яъни тафсир битган муфассир. У Муғис ибн Бадрдан, ундан эса Хорижа ҳадис тинглаган (11: 2/73).

243

АЛЖАМИЛИЙ

«Жамил»дан ясалган нисба. У — Марв ахлидан бўлган баъзи

126 ал-Жамилий/ал-Жунбазий/ал-Жундий/ал-Жундафарқоний/ал-Жанзай

аждодларнинг исми шарифи. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Жамилий (369-446/979-1054)

(Абу Сайд) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Жамил ал-Марвазий ал-Жамилий. Самарқандда яшаган. Бағдодга бориб, у ерда таълим олган. У тинглаган ҳадислар ишончли бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 369 х.й.да Бобил (Византия)да таваллуд топган ва 446 х.й. сафар ойида Бағдодда вафот этган (11: 2/88).

244 АЛЖУНБАЗИЙ

«Жунбаз»дан ясалган нисба. У — айлана аркага ўхшаш, арабча «кубба» ва тунга ўхшаш сўзлар билан ифодаланганларидек, форсча уни «гунбаз» деб атайдилар. Қуйидаги олимлар шу нисбага эгадирлар:

1. Муҳаммад ал-Жунбазий

Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий ал-Жунбазий — ишончли инсон бўлган (11: 2/91).

2. Муҳаммад ал-Иштихний ал-Жунбазий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Умар ал-Иштихний ал-Жунбазий — адиб, фақих, одамларга эзгулик хоҳловчи

солих шайх бўлган. Қуръонни ривоятлар билан ўқиган. Самарқандда яшаган ва шу ерда болаларни тарбия қилган (11: 2/91).

245 АЛЖУНДИЙ

«Жунд»дан ясалган нисба. У аскар маъносини англатади, Фаргона ах^лидан бўлган. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Абдуллоҳ ал-Жундий

Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Фарғоний ал-Жундий (11: 2/96).

246 АЛЖУНДИЙ

1. «Жунд»дан ясалган нисба. Жунд — Сайх,ун тарафдаги турк х,удудлариға қарашли шах.ар.

., 2. Бундан ташқари Бухородаги «Янги қишлоқ» нох,иясидаги қавм х,ам жунд деб аталади.

Қуйидаги олим биринчи нисбага мансубдир:

1. Яъқуб ал-Жундий

Яъқуб ибн Ширин ал-Жундий — қози, адиб, шоир, мунши ва наҳвшунос олим бўлган. Фозил ва фаол одамлардан бўлган. Бухорога Хоразмдан элчи бўлиб

келган. Абулқосим аз-Замахшарийни ўқийдиган авлодлардан бўлган. Хоразмда истиқомат қилган (2: 2/196; 11: 2/95).

Қуйидаги олим иккинчи нисбага мансубдир:

1. Аҳмад ал-Жундий

(Абу Наср) Аҳмад ибн ал-Фазл ибн Мусо ал-Музаққир ал-Жундий — имомлардан бири. Унинг «Лисону-л-маърифат» («Маърифат забони») ва «Китобу-л-ҳадис» («Ҳадис китоби») каби асарлари бор. Муфассирларнинг сабоқларини олган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/95).

247 АЛЖУНДАФАРҚОНИЙ

«Жундафарқон» (« Жунф арқон ») дан ясалган нисба. У — Марвдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоҳда мансубдир:

1. Асбаъ ал-Жундафарқоний

Асбаъ ибн Алқам ибн Али ал-Ҳанзалий ал-Жундафарқоний. У илм ахлидан ҳадис тинглаган (2: 2/198; 11: 2/94).

248 АЛЖАНЗАЙ/ АЛЖАНЗАВИЙ

«Жанза»дан ясалган нисба. У — Озарбайжондаги катта порти билан

машх.ур шах.арлардан Куйидаги шах,арга *бўлган бири. олимлар шу мансубдирлар:*

1. Умар ал-Жанзай (478-550/1085-1155)

(Абу Ҳафс) Умар ибн Усмон ибн Шуъайб ал-Жанзай — адиб, фозил, хушсийрат ва диндор одам бўлган. Тақрибан 478 х.й.да Жанзада туғилган ва 550 х.й. 14 рабиъу-л-аввалда Марвда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири») (2: 2/199; 11: 2/97; 17: 2/565).

2. Иброҳим ал-Жанзай

Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Жанзай. У ҳадис ёзиб қолдирад эди. Шофиъий мазхаби бўйича етук фақиҳ бўлиб етишган. Оқил, ҳар бир насрсанинг моҳиятини кўра биладиган зукко инсон бўлган (11: 2/97).

249

АЛЖУНУВЖИРДИЙ

«Жунувжирд» («Кунувкирд»)дан нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Сурат ал-Жунувжирдий

(Абулҳасан) Сурат ибн Шаддод ал-Жунувжирдий. Унга тобиъийларни кўриш насиб этган. Ҳадис тинглашда ишончли бўлган. У уламолардан,

ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/200; 11: 2/98).

2. Абдон ал-Жунувжирдий (220-293/835-905)

(Абу Муҳаммад) Абдон ибн Муҳаммад ибн Исо ал-Жунувжирдий — хофиз ва зоҳид имомл-ардан бири бўлган. Унинг исми шарифи — Абдуллох, лекин Абдон номи билан танилган. Марвда Аҳмад ибн Сайёрдан кейин шофиъийлик мазхабини давом эттирган одам шу бўлади. Мисрга борган ва у ерда бошқалардан билиб бўлмайдиган нарсаларни фақиҳлар ва машойихлардан ўрганиб олган. Улардан олиш мумкин бўлган билимларни ўзлаштириб, сўнгра Шом ва Ироққа борган. Миср аҳли ҳақида (китоб) ёзгандан кейин, Марвга қайтиб борган. 220 х.й.да арафа кечаси таваллуд топган ва 293 х.й.да вафот этган. Бир китоб тасниф қилиб, уни «ал-Муватто» («Соддалаштирилган тўплам») деб атаган (2: 2/201; 11: 2/98).

3. Абдуллох ал-Жунувжирдий

Абдуллох ибн Масъуд ал-Жунувжирдий — мунозарали фақиҳ бўлган. Ироққа сафар қилган.

4. Убайдуллох ал-Жунувжирдий (ваф. 440 х.й.)

(Абу Абдуррахмон) Убайдуллох ибн ал-Ҳусайн ал-Жунувжирдий — солих шайх бўлган. 400 х.й.да Яманга борган ва унинг шайхларидан ҳадис тинглаган. Ҳатто ёши улғайганда ҳам то 440 х.й.да Самарқандда вафот этгунига қадар ҳадис тинглаган (11: 2/99).

250

АЛЖУНАЙДИЙ

«Жунайд»дан ясалган нисба. У — Бухоро ах,лидан танланган бир бобонинг исми шарифи. Куйидаги олим шу нисбага эга:

1. Ҳайдар ал-Жунайдий

(Абу Муҳаммад) Ҳайдар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Жунайд ал-Бухорий ал-Жунайдий — Бухоро ахлидан бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/99).

251

АЛЖАВВОЛУ

«Жаввол»дан ясалган нисба. У — машх,ур муқаддислардан иборат жамоа. Насо ах,лидан бўлган бу жамоа жуда кўп ўлкаларга сайр ва сафар қилган. Куйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Аҳмад ал-Жаволу (Абулаббос) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Рамих ан-

128 ал-Жаволлу/ал-Жуваликий/ал-Жувборий/ал-Жувбоний/ал-Жавбакий

Насавий ал-Жавволу. Кўп сафар қилиб, ҳадисларни йиққан. Хуросон, Ироқ ва Журжонда ҳадис айтган. Миср ва Шом аҳли ҳақида кўп яхши фикрлар билдирган (И: 2/103).

252 АЛЖУВОЛИКИЙ

«Жувалих»дан ясалган нисба. Бухоро аҳли орасида жуволиц (хўржин) тайёрлаш ва сотиш машхур бўлган. Қуйидаги олим шу нисбага мансуб.

1. Аҳмад ал-Жуваликий (ваф. 372/982 й.)

(Абу Исмаил) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Сайд ал-Жуваликий ал-Бухорий — Бухоро аҳлидан. У уламолардан ва ундан бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 372 х.й. рабиъу-л-аввал ойида вафот этган (11: 2/104).

253 АЛЖУВБОРИЙ

«Жувбор»дан ясалган нисба. Жувбор — Марв қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Абдуррахмон ал-Жувборий (ваф. 530 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуррахмон ибн ал-Жувборий ал-Буйанжий. У Жўйбор Буйанг номи билан маълум. У Абу Бақр ал-Хатибнинг «Шарафу

асҳоби-л-ҳадис» («Асҳобу-л-ҳадиснинг шарафи») китобини ривоят қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 530 х.й.да вафот этган (2: 2/205; 11: 2/106).

254 АЛЖУВБОНИЙ

«Жувбон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Жувбоний (450-530 х.й.)

(Абу 1, Абдуллох) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Зарр ал-Жувбоний — кўп ибодат қилувчи, солих шайх ва ҳадисларга бой одам бўлган. Тахм. 450 х.й.да таваллуд топган. 530 х.й.да вафот этган (2: 2/205; 11: 2/108).

2. Шоҳ ал-Жувбоний

(Абу Муҳаммад) Шоҳ ибн Иброҳим ал-Жувбоний — қудамолардан бўлган. (11: 2/108).

3. Аҳмад ал-Жувбоний

Аҳмад ибн Мусо ал-Жувбоний — қудамолардан бўлган (11: 2/108).

4. Абас ал-Жувбоний

Аҳмад ибн Мусо ал-Жувбоний —

қудамолардан бўлган (11: 2/108).

255 АЛЖАВБАКИЙ

«Жавбак»дан ясалган нисба. У — Насафдаги «Хон»га ўхшаш мавзе. Хон — одамлар тўпланадиган жой. Қуйидаги олимлар шу мавзегга мансубдирлар:

1. Аҳмад ан-Насафий ал-Жавбакий (ваф. 340/951 й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Али ал-Жавбакий — насафлик адиб ва шоир ҳамда шофиъий фақиҳ бўлган. Лақаби — «Абу Ҳомидот» бўлган. Ироқ ва Хуросонга бориб, фикх ўрганган. 340 х.й.да вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарҳу мухтасари-л-Музнӣ фи фуруъи-л-фиқҳи-ш-шофиъий» (Шофиъийлик мазҳабига оид фуруъ ал-фиқҳ ҳақидаги «Мухтасару-л-Музнӣ»га шарҳ») (2: 2/206; 11: 2/109; 17: 1/203).

2. Исмоил ал-Жавбакий (ваф. 430 х.й.дан кейин)

(Абу Туроб) Исмоил ибн Тохир ибн Юсуф ибн Амру ибн Маъбад ибн Соҳиб... ал-Жавбакий, ан-Насафий — фозил, хофиз, кони ҳадис одам бўлган. Кўп ҳадисларни тинглаган ва уларни ўз дастхати бирла ёзиб қолдирган. У уламолардан, ундан эса

бошқалар хадис ривоят қилганлар. 430 х.й.дан кейин вафот этган (2: 2/207; 11: 2/109).

3. Абу Иброҳим ал-Жавбақий (ваф. 410 х.й.дан кейин)

Абу Иброҳим ибн Аҳмад ибн Али ал-Жавбақий — Насаф ахлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 410 х.й.дан кейин вафот этган (11: 2/109).

4. Али ал-Жавбақий (ваф. 412 х.й.)

• (Абулхасан) Али ибн Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Ҳисон ибн Али ... ал-Жавбақий — Насаф ахлидан бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. 412 х.й.да вафот этган (И: 2/109).

**256
АЛЖУВБАҚИЙ**

«Жувбақядан ясалган нисба. Жувбак, — Марвдаги мавзе бўлиб, одамлар унда мева-чева ва кўкатлар билан ўзаро савдо-сотик қиладилар. Қуйидаги олим шу мавзеге мансубдир:

1. Тамим ал-Жувбақий (ваф. 505 х.й.)

(Абу Бакр) Тамим ибн Муҳаммад ибн Али ал-Баққол ал-Жувбақий — солих шайх бўлган. Адабиётни ўрганган. Ёшлигидан хадис тинглаган.

505 х.й.да вафот этган (2: 2/206; 11: 2/109).

**257
АЛЖУВИКИЙ**

«Жувик»дан ясалган нисба. Жувик — Насафдаги мах,алланинг номи. Қуйидаги олим шу мах,аллага мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Жувикий

Муҳаммад ибн Ҳайдар ибн ал-Хусайн ал-Жувикий. У уламолардан хадис ривоят қилган (2: 2/222; 11: 2/128).

**258
АЛЖИЁСАРИЙ**

«Жиёсар»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдуссалом ал-Жиёсарий

(Абулхалил) Абдуссалом ибн Халил ал-Марвазий ал-Жиёсарий — тобийий бўлган. У Анас ибн Моликни билган. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар (2: 2/226; 11: 2/139).

**259
АЛЖИХАНИЙ**

«Жихан»дан ясалган нисба. У — Марвдаги к,ишлоқ,лардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ибн ал-Жиханий (ваф. 539 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жиханий — хушсийратли, олижаноб, солих шайх ва покдомон (ҳалол) одам бўлган. Кўп тиловат қилувчи ахлу-л-Қуръондан бўлган. 539 х.й. вафот этган (2: 2/229; 11: 2/140).

**260
АЛЖИЙРОХИШТИЙ**


«Жийрохиштядан ясалган нисба. У — Бухоро қишлоқ,Ларидан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Умар ал-Жийрахиштий (ваф. 466 х.й.)

(Абу Муслим) Умар ибн Али ал-Лайсий ал-Жийрахиштий — хадисни ёддан билган ҳофизлардан бири эди. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. У икки «Саҳих» тўпламининг мазмун-моҳиятини ўзига хос «Арбаъин»да жам қилганки, уларнинг ҳар бири бир жилдга яқин бўлган. 466 х.й.да вафот этган (2: 2/229; 11: 2/141).

**261
АЛЖИЙРМАЗДОНИЙ**

«Жийрмаздон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқ^ардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоқ^а мансубдир:



130 ал-Жийрмаздоний/ал-Жийранжий/ал-Жийшабурий/ал-Ҳотимий/ал-Ҳожибва!

1. Али ал-Жийрмаздоний
(Абулҳасан) Али Аҳмад ибн Яҳё ал-Жийрмаздоний — имом, олим, зоҳид ва адабиётнинг забардаст намояндаси эди. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/230; 11: 2/142).

**262
АЛЖИЙРАНЖИЙ**

«Жийранж»дан ясалган нисба. У — Марвнинг юқори қисмидаги катта қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Жийранжий
(Абу Бакр) Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Жийранжий. Бағдодга келган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/231; 11: 2/142).

2. Синжон ал-Жийранжий
Синжон ибн Фархасарий ал-Жийранжий. Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ҳузурда бўлган ва ундан кўп ҳадислар тинглаган (11: 2/142).

3. Аҳмад ал-Жийранжий
Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Зайд ал-Қассор ал-Жийранжий — Жийранж

қишлоғидан. Марв машойихларидан ҳадис тинглаган (11: 2/142).

4. Аҳмад ал-Жийранжий
(Абўлаббос) Аҳмад ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Жийранжий. Парҳезкор, такводор ва саховатпеша инсон бўлган (11: 2/142).

5. Имрон ал-Жийранжий
(Абу Мусо) Имрон ибн Мусо ал-Жийранжий. Жийранж қишлоғида адиб ва шоир бўлган (11: 2/140).

**263
АЛЖИЙШАБУРИЙ**

«Жийшабур»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Жийшабурий
(Абу Яҳё) Муҳаммад ибн Абу Алавия ибн Шаддод ал-Жийшабурий. Кўп ҳадис тинглаганлардан бири бўлган (2: 2/233; 11: 2/145).

**264
АЛҲОТИМИЙ**

«Ҳотимядан ясалган нисба. Ҳотим — Насаф ақлига шансуб бўлган бобонинг сифати. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Маймун ал-Ҳотимий (442-513 х.й.)

(Абулмуайяд) Маймун ибн Абулало Аҳмад ИОЕ ал-Ҳасан ибн Адий ибн Ҳотим... ал-Ҳотимий. 1 узоқ вақт Насаф қозиси бўлган. У уламолардан-ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 442 х.й.да туғилган. 513 х.й.да вафот этган (11: 2/148):

**265
АЛҲОЖИБИЙ**

«Ҳожиб»дан ясалган нисба. Ҳожиб — Марв ва Кушония а^лидан бўлган бобога мансуб сифат. Қуйидаги олимлар шу нисбага мансубдирлар:

1. Саҳр ал-Ҳожибий
Саҳр ибн Муҳаммад ибн Ҳожиб ал-Ҳожибий — Марв ахлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/149).

2. Исмоил ал-Ҳожибий (ваф. 391 х.й.)

(Абу Али) Исмоил ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳожиб ибн Нуъмон ал-Дехкон ал-Кашоний ал-Ҳожибий — Кушония ахлидан, солиҳ, машхур, ишончли ва нуфузли шайх бўлган. Одамлар унинг ҳузурига бориб, ундан ҳадис тинглаганлар. 391 х.й.да вафот этган (11: 2/149).

3. Маймун ал-Ҳожибий (ваф. 480 х.й.)

(Абулфатх) Маймун ибн Тохир ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳожиб ал-Кушоний — бош қози ва хатиб ҳамда Кушония аҳлига мансуб инсон бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқа уламолар ҳадис ривоят қилганлар. 480 х.й.да Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн қилинган (11: 2/150).

266 АЛҲОСИБИЙ

«Ҳосиб»дан ясалган нисба. У — Самарқанд а^лидан х,йсоб-китобни билган одамнинг сифати. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Ал-Ҳасан ал-Ҳосибий (ваф. 279 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Ҳосиб — Самарқанд аҳлидан, обрӯли одам бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 279 х.й. вафот этган (11: 2/153).

267 АЛҲОФИЙ

«Ҳофий»дан ясалган нисба. У — Марв ақлидан, пойафзал кийишни тарқ қилган одамнинг сифати. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Бишр ал-Ҳофий (ваф. 227 х.й.)

(Абу Наср) Бишр ибн ал-Ҳорис ибн Абдулрахмон ибн Ато ибн Ҳилол ибн Моҳон ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий. У «Ҳофий» номи билан танилган. У зухд ва тақво борасида ўз даврининг аҳлидан ўзиб кетганлардан бўлган. У ўта оқиллиги, кўп фазилатларга эгаллиги, хуснутгарикати, нафс балосига берилишдан ҳазар қилиши, ҳар нарсага қизиқувчанлик табиати йўқлиги, ҳадисларни кўп билиши билан бошқалардан яққол ажралиб турган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 227 х.й.да вафот этган (11: 2/158).

268 АЛҲОМИДИЙ

«Ҳомид»дан ясалган нисба. У — Насаф а^лидан бўлган бобога хос сифат. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Наср ал-Ҳомидий (ваф. 396 х.й.)

(Абулҳасан) Наср ибн Аҳмад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Ҳомидий ан-Насафий — фақиҳ бўлган. У Марйга кўчиб бориб, у ерда фақиҳ бўлиб етишган ва унинг аҳлидан ҳадислар ёзиб олган. Марвнинг уламоларидан ҳадис тинглаган. Бу пайтда у ёш фақиҳ, такводор зоҳид,

диндор ва фозил инсон бўлган. 396 х.й.да вафот этган (11: 2/159).

269 АЛҲОМИЗИЙ

«Ҳомиз»дан ясалган нисба. Нордон — Марв ах,лидан боши ачиган одамнинг лақаби. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Абдуллоҳ ал-Ҳомизий (ваф. 329/1941 й.)

(Абу Ҳайсам) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Язид ибн Наср ибн Маҳрон ал-Ҳомизий, ал-Марвазий — муҳаддис бўлган. У «Ҳомиз раъсук», яъни «боши ачиган» номи билан танилган. Асли — маврвлик бўлган. Бағдодда яшаган. Унинг ҳадисларидан танланган китоби бор. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 329 х.й.да вафот этган (11: 2/160; 17: 2/244).

270 АЛҲАБОБИЙ

«Ҳабоб»дан ясалган нисба. Ҳабоб (живирлаш) — Хоразм аҳлидан бўлган бобонинг сифати. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Аҳмад ал-Ҳабобий (299-389 х.й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Иброҳим ибн Ҳабоб ал-Хоразмий ал-Ҳабобий —

садоқат, диёнат ва омонат каби сифатлар билан тавсифланганлардан бири бўлган. У омонатга садоқат намунаси, обрўли одам бўлган. 299 х.й.да туғилган. 389 х.й.да вафот этган (11: 2/161).

271 АЛҲАБИБИЙ

«Ҳабибдан ясалган нисба. Ҳ,абиб (суюкли) — Марв ах,лидан бўлган бобонинг сифати. Қуйидаги олимлар шу нисбага мансубдирлар:

1. Али ал-Ҳабибий (ваф. 351 х.й.)

(Абу Аҳмад) Али ибн Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ибн Ҳаммод ибн Яхё ибн Ҳаммод ал-Марвазий ал-Ҳабибий. У Бухоро ва Марвда ҳадис айтган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 351 х.й.да вафот этган (11: 2/171).

2. Абдуррахмон ал-Ҳабибий

(Абу Бакр) Абдуррахмон ибн Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ибн Ҳаммод ибн Яхё ибн Ҳаммод ал-Марвазий ал-Ҳабибий (11: 2/171).

272 АЛҲУББИЙНИЙ

«Ҳуббийн»дан ясалган нисба. Ҳуббийн — Марвдаги машшур дах,а.

Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Абдуллох ал-Ҳуббийний

(Абу Мансур) Абдуллох ибн ал-Ҳасан ибн Абу Саҳл ал-Ҳуббийний ал-Марвазий — Марв аҳлидан бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис айтганлар (2: 2/250; И: 2/172).

273 АЛҲИЖЖИЙ

«Ал-Ҳ,ижж»дан ясалган нисба. У Хоразм ахдидан х,ажга бориб-келганларга нисбатан айтилади. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Ал-Музаффар ал-Ҳижжий (тав. 496 х.й.)

(Абу Осим) ал-Музаффар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ирок ибн ал-Ҳижжий ал-Косий — хушсийрат, ҳуқуқларга риоя этгувчи, бажарган ҳар бир иши гўзал, фозил фақиҳ бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 496 х.й.да туғилган. (И: 2/180).

274 АЛҲДМОДИЙ

«Ҳаддод»дан ясалган нисба. У Марв ах^идан темирга ишлов берган ва темир билан тавсифланганларга нисбатан айтилади. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Ҳаддодий (ваф. 388 х.й.)

(Абулфазл) Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн Махрон ал-Ҳаддодий ал-Марвазий — ҳоким бўлган, Марв ва Бухорода қозилик маҳкамасини бошқарган. У асхобу-р-раъй тарафдорларидан ва фозил фақиҳ бўлган. 388 х.й.да вафот этган (11: 2/182).

275 АЛҲАЗЗОМ

«Ҳ,аззом»дан ясалган нисба. Ҳ,аззом деб Мовароуннақрда цоғоз боғловчиларга ва Марв ах,лидан эса х,оғоз боғламларини бир-бирининг устига кўйиб маркам қилувчиларга айтадилар. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Ҳаззом (ваф. 350 х.й.)

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн ал-Ҳасан ал-Ҳаззом ал-Марвазий — Марв аҳлидан бўлган. Бир муддат Самарқандда яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис тинглаганлар. 350 х.й.да вафот этган (11: 2/213).

276 АЛҲАССОБУ

«Ҳассоб»дан ясалган нисба. Ҳассоб деб Бухоро ах,лидан х,исоб ва ўлчовларни билган

одамга айтадилар.
Куйидаги олим шу
нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ад-Хассобу (ваф. 339/951 й.)
Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ҳамдавия ал-Хассобу ал-Бухорий ал-Фароизий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 339 х.й. зу-л-қаъда ойида вафот этган (11: 2/217).

277

АЛҲАФСОБОЗИЙ

«Қафзобозий»дан ясалган нисба. У — Сарахс цитлоКуЛаридан бири. Куйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Усмон ал-Хафсабозий (460-530 х.й.)
(Абу Амру) Усмон ибн Абу Наср ал-Хафсабозий — хушсийрат, солих шайх бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 460 х.й.да туғилган ва тахм. 530 х.й.да вафот этган (2: 2/318; 11: 2/238).

278

АЛҲАЛБАСИЙ

«Халбас»дан ясалган нисба. У — Марв ах`идан бўлган баъзи аждодларнинг исми шарифи. Куйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Халбасий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Халбас ал-Марвазий ал-Халбасий. У — «аъмаш», яъни «шапкўр» номи билан машҳур бўлган. Самарқандда яшаган. Кўп ҳадисларни ёзиб қолдирган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/246).

279

АЛҲАЛВОИЙ

«Қалво»дан ясалган нисба. «Қалвоий» деб Бухоро ах,лидан х,алво пиширувчи ва уни сотувчиларга нисбатан айтилади. Куйидаги олимлар шу нисбага мансубдирлар:

1. Абдулазиз ал-Халвоий (ваф. тахм. 448 ёки 449 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср Солих ал-Халвоий — Бухоро ахлидан, ўз даврининг ахлу-р-раъй имоми бўлган. Лақаби — Шамсулаъимма. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис айтганлар. Тахм. 448 ёки 449 х.й.да вафот этган (11: 2/248).

2. Абу Муҳаммад ал-Халвоий (ваф. 452 х.й.)

Шамсулаъимма (Абу Муҳаммад) ал-Халвоий — шайх, илмнинг турли йўналишлари бўйича етук олим, илми ҳадис ва аҳли ҳадиснинг улуғи бўлган. У

уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 452 х.й.да вафот этган (11: 2/248).

3. Абдуллоҳ ал-Халвоий (ваф. 539 х.й.)

(Абулмаъоли) Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн... ал-Халвоий — Марв ахлидан бўлган. У ўзи ҳақида фақиҳ, олим, хофиз, ҳадисларнинг билимдони деб ёзиб қолдирган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 539 х.й.да вафот этган (11: 2/249).

280

АЛҲИЙЗОНИЙ

«Қийзон»дан ясалган нисба. Ҳийзон — Армениянинг шаҳарларидан бири. У Ширвон яқинида жойлашган. Куйидаги олим шу шахарга мансубдир:

1. Ҳамдун ал-Ҳийзоний (Абулҳасан) Ҳамдун ибн Али ал-Ҳийзоний ал-Асърдий. Уламолардан ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/380; 11: 2/300).

281

АЛХОХАСРИЙ

«Хохаср»дан ясалган нисба. Хохаср — Самарқанд яқинидаги Дарғам қишлоқларидан бири. Куйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

134 ал-Хохасрий/ал-Холабарзаний/ал-Холидабозий/ал-Холидий/ал-Хонақохий

1. Саад ал-Хохасрий

(Абулқосим) Саад ибн Сайд ал-Хохасрий — факих, Абу Али Юноний факихнинг ходими бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/384; 11: 2/303).

2. Атиқ ал-Хохасрий (477-560 х.й.)

(Абу Бакр) Атиқ ибн Абдулазиз ибн Абдулкарим ибн Ҳорун ибн Ато ибн Яхё ад-Дарғамий ал-Хохасрий, ас-Самарқандий, ан-Нишопурий — адиб, шоир, хусниназм ва тил ҳақидаги китобларни ёддан айтиб берувчилардан бўлган. Унинг отаси Самарқанддаги кишлоқлардан бири — Хохистардан бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 477 х.й.да туғилган. 560 х.й.да вафот этган (2: 2/384).

3. Абдулқодир ал-Хохасрий (463-527/1071-1133)

(Ал-Қози) Абдулқодир ибн Аҳмад ибн ал-Қосим ибн Наср ибн ал-Фазл ал-Фазлий аз-Зарибийний ал-Хохасрий. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 463 х.й. ражаб ойида туғилган. 527 х.й. рабиъу-л-аввал ойида вафот этган (11: 2/303).

282

АЛХОЛАБАРЗАНИЙ

«Холабарзан»дан ясалган нисба. У — Сараҳс қишлоқларидан бири. Қуйидаги олими шу нисбага мансубдир:

1. Жаъфар ал-Холабарзаний

Жаъфар ибн Абдулвахоб ал-Холабарзаний — муҳаддис Умар ибн Алининг тоғаси. У уламолардан ҳадис ривоят қилган (2: 2/387; 11: 2/310).

283

АЛХОЛИДАБОЗИЙ

«Холидабоз»дан ясалган нисба. У — Сараҳс қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Иброҳим ал-Холидабозий (ваф. 340 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Холидабозий ал-Марвазий — ўз даврининг дунёдаги беназир имоми бўлган. Илми усул бўйича асарлар тасниф этган, Музнийнинг «Мухтасар»ини шарҳлаган. У ўз ҳаётини турли ўлкалардаги одамларга хизмат қилишга бағишлаган. Фикҳ илмини кенг тарғиб ва ташвиқ қилган. Унинг даргоҳидан етмиш нафар машхур уламолар етишиб чиққанлар. Аввал Бағдоддаги, сўнгра Мисрдаги

мажлисларда қатнашган. Кейинчалик ўзи одамлар кўп йиғиладиган шофибий мажлиси ва ҳалқасини ташкил этган. 340 х.й.да Мисрда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Усул» («Усул»), «Шарҳу-л-мухтасар» ли-л-Музний» («Музнийнинг «Мухтасар»ига шарҳ») (2: 2/387; И: 2/310; 17: 1/69).

284

АЛХОЛИДИЙ

«Холид»дан ясалган нисба. Холид — Марваҳ, лидан баъзи аждодларнинг исми. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Али ал-Холидий (ваф. тахм. 300 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Муҳаммад ибн Яхё ибн Холид ал-Марвазий ал-Холидий. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 300 х.й.да вафот этган (11: 2/311).

285

АЛХОНАҚОХИЙ

«Хонақоҳ»дан ясалган нисба. У — Сараҳс аҳлидан бўлган саховатпеша инсонлар истиқомат қиладиган жой. Қуйидаги олимлар шу нисбага мансубдирлар:

1. Ал-Хонақохий ас-Сараҳсий

(Абулаббос) ал-Хонақоҳий ас-Сарахсий — Сарахс ахлидан, такводор, зоҳид, илм ва аҳди Қуръондан бўлган. У ёши Қуръони карим билан катта бўлган одамларни яхши билар эди (11: 2/313).

2. Тохир ал-Хонақоҳий
(Абу Наср) Тохир ибн Муҳаммад ал-Хонақоҳий — Сарахс ахлидан, хушсийрат, ширинсухан, ваъзи қизик воиз бўлган (11: 2/313).

286 АЛХОВАСИЙ

«Ховас»дан ясалган нисба. Ховас — Усрушана ўлкаларидан, икки даре (Жайх,ун ва Сайқун) оралиғида жойлашган *М а ш р и қ з а м и н шах,арларидан бири. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:*

1. Муҳаммад ал-Ховасий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Ховасий — хатиб бўлган. Самарқандда хадис айтган. У уламолардан, уламолар эса ундан хадис ривоят қилганлар (2: 2/391; 11: 2/315).

2. Аз-Зоҳид ал-Ховасий
Аз-Зоҳид ал-Ховасий — зоҳид ва фақих бўлган. Одамларни наҳий >гункардан қайтариб, амри маъруфга даъват этар, уларнинг ҳаётидан бунга

мисоллар келтирар эди (11: 2/315).

3. Мусо ал-Ховасий

(Абу Аҳмад) Мусо аз-Зоҳид ас-Самарқандий. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар (И: 2/315).

287 АЛ-ХАБОҚИЙ

«Хабок»дан ясалган нисба. У — Марв кишлокларидан бири, Жийранж яқинида жойлашган. Қуйидаги олим шу кишлокқа мансубдир:

1. Али ал-Хабоқий (ваф. 519/1126 й.)

(Абулҳасан) Али ибн Абдуллоҳ ал-Хабоқий ас-Суфий — обид, солих, диндор, саховатпеша, хушсийрат ва кўп такводор одам бўлган. Шом ва Ироқда хадис тинглаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 519 х.й. 6 зу-л-ҳижжада Марвда вафот этган (2: 2/392; 11: 2/317).

288 АЛХУТТАЛИЙ

«Хуттал»дан ясалган нисба. У — шақарлари кўп бўлган вилоят. Қуйидаги олимлар шу вилоятга мансубдирлар:

1. Исҳоқ ал-Хутталиий (203-283/818-896)

(Абулқосим) Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Бағдодий ал-Хутталиий — муҳаддис бўлган. Асарларидан: «ад-Дибож» («Дебоча») (17: 1/342).

2. Иброҳим ал-Хутталиий (ваф. тахм. 260/874 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн ал-Жунайд ал-Хутталиий — муҳаддис, хофиз, зоҳид, хадисни ёддан айтиб бера оладиган хофизлардан бўлган. Бағдодлик бўлган, лекин Сомарага келиб, бу ерда хадис айтган. У кўп китобларни тасниф ва жам қилган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Ваҳд» («Дебоча»), «ал-Маҳаббат» («Муҳаббат»), «ал-Хавф» («Хавф»), «ал-Вараъ» («Такводорлик»), «ар-Раҳбон» («Роҳиблик») (17: 1/39).

3. Ибод ал-Хутталиий
Ибод ибн Мусо ал-Хутталиий (2: 2/396; И: 2/322).

4. Исҳоқ ал-Хутталиий
(Абу Яъқуб) Исҳоқ ибн Ибод ибн Мусо ал-Хутталиий ал-Бағдодий. 251 х.й.да вафот этган (2: 2/396; 11: 2/322).

5. Имрон ал-Хутталиий (ваф. 400 х.й.)

(Абулфараж) Имрон ибн ал-Ҳасан ибн Юсуф ал-Хутталиий ал-Хаффоф. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят

ал-Хутталиий/ал-Хўтаний

қилганлар. 400 х.й.да вафот этган (2: 2/396).

6. Муҳаммад ал-Хутталиий

Муҳаммад ибн Али ибн ал-Х,асан ибн Тавқ ал-Хутталиий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/322).

7. Мусо ал-Хутталиий

(Абу Исо) Мусо ибн Али ал-Хутталиий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/322).

8. Аҳмад ал-Хутталиий

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Зайд ал-Хутталиий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/322).

9. Абдуррахмон ал-Хутталиий

(Абу Абдуллоҳ) Абдуррахмон Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Зайд ал-Хутталиий. У ёдномалар битар ва китоблар тасниф этар эди. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/322).

10. Али ал-Хутталиий

Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Одам ибн ал-Азрак ал-Хутталиий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/322).

11. Умар ал-Хутталиий (261-356 х.й.)

(Абулқосим) Умар ибн Жаъфар ибн Аҳмад ибн Салим ал-Хутталиий. У солих одамлардан бўлган. 261 х.й.да таваллуд топган. 356 х.й.да вафот этган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/322).

12. Аҳмад ал-Хутталиий

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Жаъфар ибн Аҳмад ибн Салим ал-Хутталиий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/322).

13. Муҳаммад ал-Хутталиий

Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Аҳмад ибн Салим ал-Хутталиий. Юқорида зикр этилган Умар ва Жаъфарнинг биродари (11: 2/322).

14. Али ал-Хутталиий

(Абулҳасан) Али ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хутталиий. У вафот қилганда, унинг ҳузурда кўп машойихлар бўлган. Бу машойихлардан Хутталийдан бошқа ҳадис эшитган одам бўлмаган. (11: 2/322).

олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Хўтаний (1214-1389/1896-1969)

Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Саъдуллоҳ ибн Абдуррахим ал-Фузайлий ал-Хўтаний — туркистонлик мударрис бўлган. Туркистон худудидаги Хўтанга қарашли Қарақош шаҳрида туғилган. Шу ерда ва Қошғар шаҳрида билим олган. Сўнгра Остонага, ундан хожи бўлиб Маккага борган ва Мадинаи мунавварада турган. «Низомия» мадрасасида, сўнгра шаръий илмлар мадрасасида дарё берган. Саудия Арабистони ҳукумати уни Мадинадаги кутубхоналарга ва кейинроқ эса Оммавий кутубхонага бошлиқ қилиб тайинлаган. У Шом, Ироқ, Туркия ва бошқа ўлкаларга сафар қилган. Маданада вафот этган. У араб тили билан биргаликда, урду, турк, форсий ва бухорий тилларини ҳам яхши билган. «Набавия» маежидида дарё берган. Араб ва бошқа тилларда кўп китоблар тасниф қилган. Улардан: «Мажмуъату-л-фатово» («Фатволар тўплами»), «Танқиҳу-н-наҳвий» («Грамматикани қайта кўриб чиқиш»), «Тухфату-л-мустажирийн

биасониди аълами-л-мухиззийн фи-л-хадис» («Хадис илми дарғаларидан ёрдам сўровчиларнинг тухфаси»), «Фатху-р-раъуф зи-л-минан фи тарожими уламои Хўтан» («Хўтан уламоларининг таржимаи холлари ҳақида меҳр сохиби бўлган меҳрибоннинг зафари» (17: 3/30).

2. Сулаймон ал-Хўтаний

(Абу Довуд) Сулаймон ибн Довуд ибн Сулаймон ал-Хуттаний — фақиҳ бўлган. У «Хужжожу-л-хўтаний», яъни «Хўтаний хожилар» номи билан машҳур бўлган. Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ан-Насафий деди: — «523 х.й.да ал-Хужжож Сулаймон ибн Довуд менинг тўпламларим ва эшитганларимдан ажралган ҳолда қасида ёзган эди». У уламолардан: уламолар эса ундан хадис ривоят қилганлар (2: 2/397; 11: 2/324).

290 АЛХУЖОДИЙ

«Хужода»дан ясалган нисба. У — Бухородаги катта қишлоқлардан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Хужодий (тав. 417 х.й.)

(Абу Али) Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-

Хужодий — одамларни яхши тушунадиган обрўли одам бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. 417 х.й.да туғилган (2: 2/397; 11: 2/327).

291 АЛ-ХЎЖАНДИЙ

«Хўжанд»дан ясалган нисба. У — Мовароуннах,рдаги машх,ур шах,ар, Фарғонага чегарадош, Сайх,ун дарёси сохдлида жойлашган. Қуйидаги олимлар шу шах,арга мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Хўжандий (483/1090)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Собит ибн ал-Ҳасан ибн Иброҳим ал-Хўжандий, аш-Шофиъий — воиз, фақиҳ, муҳаддис, усул ал-фикҳ бўйича етук олим бўлган. Исфаҳонга келиб, шу ерда муқим истиқомат қилган. Абу Саҳл ал-Абивардий ҳузурида фақиҳ бўлиб етишган. Жамоадан хадис тинглаган ва ўзи ҳам жамоага хадис айтиб берган. Шу ерда мадрасани тугатиб, дарё берган. Зу-л-қаъда ойида вафот этган: У тасниф қилган асарлардан: «Равзату-л-манозир» («Мунозаралар бўстони») ва «Завоҳиру-д-дурар фи накди жавоҳири-н-назар» («Назар жавоҳирларини

бартараф этишдаги дурлар гулдастаси») (17: 3/188).

2. Аҳмад ал-Хўжандий (700/1301)

(Тожуддин) Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Умар ал-Хўжандий — илму-н-наҳв ва-с-сарф бўйича етук олим бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарху-л-муфассал ли-з-Заммахшарий» (Заммахшарийнинг «Муфассал» асарига шарх), муаллиф унга «ал-Икдид» деб ном берган), «Шарху-л-мисбоҳ ли-л-Матразий» (Матразийнинг «Мисбоҳ» асарига шарх, муаллиф уни «аз-Завъ» («Зиё») деб номлаган). Мазкур иккала асар ҳам грамматикага оиддир. «Уқуду-л-жавоҳир фи илми-т-тасриф» («Морфология ҳақида маржон») (17: 1/305).

3. Ҳомид ал-Хўжандий (390/1000)

Ҳомид ибн Хизр ал-Хўжандий — фалакиётшунос олим бўлган. Тахм. 390 х.й.да вафот этган. Қуйидаги асар унинг қаламига мансуб: «Китобу-л-илохати-ш-шомила фи-л-фалак» («Фалакдаги умумий Илох») (17: 1/521).

4. Умар ал-Хўжандий (629-691/1232-1292)

(Жалолуддин Абу Муҳаммад) Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Хўжандий ал-Хаббозий,

|оо ал-Хўжандий

ал-Ханафий — факих ва усул ал-фикҳ бўйича етук олим бўлган. Асли Мовароуннаҳрдаги Хўжанд деб аталадиган ўлкадан бўлган. Хоразм ва Бағдодда ўқиган. Хажга борган ва дин йўлида фидокорлик (зохидлик) қилган. Дамашққа келиб, шу ер да ҳам сабоқ олган. 691 х.й. зу-л-хижжа ойида 62 ёшида вафот этган ва суфийлар қабристонига дафн этилган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Муғний фи усули-л-фикҳ» («Фикҳ асослари ҳақида бойитилган китоб»), «Хавош ала-хидоя фи фуруъи-л-фикҳи-л-ханафий» («Хднанийлик мазҳабидаги фуруъ ал-фикҳга оид «Хидоя» асарига хошия-изоҳлар») (17: 1/576).

5. Муҳаммад ал-Хўжандий (755/1345)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Хўжандий — фозил инсон бўлган. Қуйидаги асар унинг қаламига мансуб: «Равзату-л-мулук» («Маликлар бўстони») (17: 3/595).

6. Мусо ал-Хўжандий (ваф. 360 х.й.дан олдин)

(Абу Имрон) Мусо ибн Абдуллоҳ ал-Муаддиб ал-Хўжандий — ривоятлардаги мақоллар ва ҳикматлар соҳиби, фозил, адиб бўлган. У уламолардан ҳадис айтган. 360 х.й.дан илгари

вафот этган (2: 2/398; 11: 2/327).

7. Яхё ал-Хўжандий

(Абу Закариё) Яхё ибн ал-Фазл ал-Варроқ ал-Хўжандий — кўп хорижга чикиб, асарлар йиққан олим бўлган. У саҳобалар ва вужуд ҳақида бир китоб тасниф қилган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/327).

8. Умар ал-Хўжандий

(Абу Хафс) Умар ибн Ҳорун ибн Толиб ал-Хўжандий — хушсийрат, ширинсухан, ҳалим, солиҳ шайх, суфий машойихлардан бўлган. У уламолардан кўп ҳадис эшитган, бу борада унга тенг келадиган одам бўлмаган (И: 2/327).

9. Салмон ал-Хўжандий

(Абу Абдуллоҳ) Салмон ибн Исроил ибн Жобир ибн Қутн ибн Ҳабиб ибн Абу Ҳабиб ал-Хўжандий. Бағдодда ва ундан бошқа жойларда ҳадис айтган. Уламолар ундан ажойиб ҳикоялар ва хабарларни айтиб берганлар (11: 2/328).

10. Аҳмад ал-Хўжандий

(Абулфазл) Аҳмад ибн Яъқуб ибн Уфайр ибн ал-Жунайд ибн Мусо ат-Тамимий ал-Хўжандий — муҳаддислардан бўлган (11: 2/328).

11. Бадр ал-Хўжандий (ваф. 514 х.й.)

(Абулмунаввар) Бадр ибн Зиёд ибн Абдуллоҳ ибн ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Хўжандий — қози бўлган, Самарқандда яшаган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис айтганлар. 514 х.й.да вафот этган (11: 2/328).

12. Муҳаммад ал-Хўжандий

Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қосимий ал-Хўжандий. У Имом Абу Юсуфнинг «Адабу-л-қози» («Қозининг одоби») китобини ривоят қилиб берган (15: 4/46).

13. Иброҳим ал-Хўжандий

Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Абдуллатиф ал-Хўжандий. Унинг қаламига мансуб «ал-Арбаъин» («Қирқлик») номли асари бор, муаллиф уни «ал-Моу ал-айш» («Тириклик суви») деб номлаган (15: 1/55).

14. Убайдуллоҳ ал-Хўжандий

Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Хўжандий. Унинг қаламига мансуб «ал-Арбаъин фи фазоили-л-аъиммати-л-арбаъа» («Тўрт имом фазилатлари ҳақидаги қирқлик») номли асари бор (15: 1/57).

15. Иброҳим ибн Аҳмад ал-Хўжандий (ваф. 851 х.й.)

(Бурҳонуддин) Иброҳим ибн Аҳмад ал-Хўжандий, ал-Ҳанафий, ал-Маданий. 851 х.й.да вафот этган. Унинг қаламига мансуб «Шарҳу-л-арбаъини-н-Нававий» («Нававийнинг кирқ ҳадисига шарҳ» номли асар бор (15: 4/59).

16. Муҳаммад ал-Хўжандий

Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад — «Тожуддин ал-Хўжандий» номи билан машҳур бўлган. Қуйидаги асар унинг қаламига мансуб: «Бўстону-л-атторийн» («Атторлар бўстони»). Муаллиф ушбу асарга ўндан ортиқ китоблардаги фойдали маслаҳат ва ҳикматларни жо этган (15: 4/224).

17. Муҳаммад ал-Хўжандий

Муҳаммад ибн ал-Хўжандий. Қуйидаги асар унинг қаламига мансуб: «Усулу-т-тарокиб мина-т-тибб» («Табобатда қўлланадиган дорилар таркибининг асослари»). Бу — мухтасар асар бўлиб, у «Наҳмудуллоҳа ала мо ҳадона сабила-р-рашод... илах» («Бизни тўғри йўлга бошлаган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин... ва ҳоказо»), деб бошланади. Муаллиф гшбу асарни икки қисмга бўлган (15: 4/112).

18. Муҳаммад ал-Хўжандий (ваф. 552 х.й.)

(Фахруддин) ат-Таййиб Муҳаммад ибн Абдуллатиф, уни Абдуллоҳ ал-Хўжандий деб ҳам айтадилар. 552 х.й.да Исфаҳонда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ат-Талвийҳ ила асрори-т-талқийҳ» («Эмлаш сирларига ишора қилувчи аломатлар»), «Танқийҳ ал-макнун мин мабоҳиси-л-қонун» (Ибн Синонинг «Табобат қонунлари» қаъридаги пинҳон хазинани кўриб чиқиш») (15: 6/92).

292

АЛ-ХУДОБОЗИЙ

«Худобоз»дан ясалган нисба. У — Бухородаги асосий қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансуб-дирлар:

1. Иброҳим ал-Худобозий (ваф. 501 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Ҳамза Банинкий ибн Муҳаммад ибн Али ал-Худобозий — солиҳ, фозил имом, илмига амал қиладиган олим бўлган. 501 х.й.да вафот этган (2: 2/398; 11: 2/329).

2. Иброҳим ал-Худобозий (ваф. 486 х.й.)

(Абулмакорим) Ҳамза ибн Иброҳим ибн Ҳамза Банинкий ибн Муҳаммад ибн Али ал-Худобозий. Отаси вафот этгандан сўнг

Мадинадан Хуросонга қайтиб келган ва Имом Иброҳим ибн Аҳмад ал-Марвазий аш-Шофиъий даргоҳида фақиҳ бўлиб етишган. Али ал-Калободий ва бошқа олимлардан ҳадис тинглаган. Бухоро, Марв ва Маккада ҳадис эшитган. 486 х.й.да Бухорода таваллуд топган (2: 2/398; 11: 2/329).

293

АЛХИДОМИЙ

«Хидом»дан ясалган нисба. У — Сараҳс аҳлидан бўлган бир бобонинг исми. Қуйидаги олимлар шу нисбага мансубдирлар:

1. Зухайр ал-Хидомий (ваф. 450 х.й.)

(Абуннаسر) Зухайр ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Муҳаммад ибн Яҳё ибн Хидом ибн Ғолиб ал-Хидомий ас-Сараҳсий — фозил одам бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 450 х.й.нинг аксарият қисми ўтганда вафот этган (11: 2/329).

2. Зухайр ал-Хидомий (ваф. 430 х.й.)

(Абуннаسر) Зухайр ибн Али ибн Зухайр ибн ал-Ҳасан ал-Хидомий — юқорида зикр этилган Зухайрнинг набираси. У («Тухфату-л-олим ва қурхату-л-мутааллим», яъни — «Олимнинг

ал-Хидомий/ал-Худфароний/ал-Худисарий/ал-Худиманканий/
^ д ал-Хузандий/ал-Хародиний

тухфаси ва ўқувчининг яраси») китобини айтиб берган. 430 х.й.нинг аксарият қисми ўтганда, вафот этган (11: 2/329).

3. Али ал-Хидомий
(ваф. 493 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Хидом ал-Хидомий. Бобосига мансуб бўлган. 493 х.й.да вафот этган (11: 2/330).

294
АЛ-ХУДФАРОНИЙ

«Худфарон»дан ясалган нисба. У — Самарканд Сўғдидаги қишлоқлардан бири. Куйидаги олим шу қишлоқца мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Худфароний (так. 483/1090 й.)

Ад-Дехкон ал-Имом ал-Ҳажжож Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абу Содик ибн ал-Муфтий ал-Худфароний — мударрис ва фақих бўлган. 483 х.й. шаввол ойида туғилган (2: 2/399; 11: 2/331).

295
ААХУДИСАРИЙ

«Худисар»дан ясалган нисба. У — Усрушана вилоятидан бўлган Самарханднинг атрофларидан. Куйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Ҳамд ал-Худисарий
(Абулқосим)
(Абулфаворис) Ҳамд ибн Ҳамид ал-Худисарий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/399; И: 2/332).

296
АЛ-ХУДИМАНКАНИЙ

«Худиманкан»дан ясалган нисба. У — Самарканд ноҳиясидан бўлган Карманадаги асж,обу-л-х,адис билан ажралиб турувчи қишлоқлардан бири. Куйидаги олимлар шу қишлоқца мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Худиманканий

(Абу Наср) Аҳмад ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Убайд Аҳмад ибн Урва ибн Аҳмад ибн Иброҳим ал-Худиманканий — хатиб бўлган. «Саҳих ал-Бухорий»ни тинглаган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/399; 11: 2/332).

2. Салим ал-Худиманканий

(Абу Умар) Салим ибн Мужоҳид ибн Яъиш ал-Худиманканий. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/33).

3. (Абу Сайд) Яҳё ибн Муъин ибн Салим ибн Мужоҳид ибн Яъиш ал-

Худиманканий — юқорида зикр этилган Абу Умарнинг набираси. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/333).

4. Урва ал-Худиманканий (ваф. 321 х.й.)

(Абу Ҳошим) ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн ал-Худиманканий а'л-Каримий. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 321 х.й.да вафот этган (11: 2/333).

297
АЛҲУЗАНДИЙ

«Хузанд»дан ясалган нисба. У — Самарканд қишлоқларидан бири. Куйидаги олим шу қишлоқца мансубдир:

1. Аҳмад ал-Хузандий
Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мутавваъ ал-Хузандий ад-Дехкон. У илм ахлидан ҳадис ривоят қилган (2: 2/400; 11: 2/334).

298
АЛХАРОДИНИЙ

«Хародин»дан ясалган нисба. У — Бухородаги бир қишлоқ. Куйидаги олим шу қишлоқца мансубдир:

1. Ҳорун ал-Хародиний (ваф. 343 х.й.)

(Абу Мусо) Ҳорун ибн Аҳмад ибн Ҳорун ар-

**ал-Хартангий/ал-Харашкитий/ал-Хартатий/ал-Хазъувний/
ал-Харғонкасий /ал-Харқоний** | ^ |

Розий ал-Х,офиз ал-Хародиний — Бухоро ахлидан бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган. 343 х.й.да вафот этган (2: 2/400; 11: 2/335).

**299
АЛ-ХАРТАНГИЙ**

«Хартанг»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Ғолиб ал-Хартангий (Абу Мансур) Ғолиб ибн Жаброил ал-Хартангий — илм ахлидан бўлган. Имом ал-Бухорий (Самарқандга бораётиб) шу кишининг меҳмони бўлган ва унинг Хартангдаги уйида вафот этган. Дафн маросими билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам шу киши кўтарган ва у ҳақда «Маноқиб ал-Бухорий»да хикоя қилган. Орадан кўп ўтмай ўзи ҳам вафот этган ва унинг ёнига дафн қилишларини васият қилиб қолдирган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/409; 11: 2/341).

**300
АЛ-ХАРАШКИТИЙ**

«Харашкит»дан ясалган нисба. У — Самарқанднинг шарқидоги Шош ўлкаларидан. Қуйидаги олим шу ўлкага мансубдир:

1. Саъд ал-Харашкитий (ваф. 340 х.й.)

(Абу Сайд) ибн Абдуррахмон ибн Хамид ал-Харашкитий. У ҳадис ривоят қилган, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 340 х.й.да вафот этган (2: 2/410; 11: 2/345).

**301
АЛХАРТАТИЙ**

«Хартат»дан ясалган нисба. У — Марвдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Ҳабиб ал-Хартатий

Ҳабиб Абу Ҳабиб ал-Хартатий, ал-Марвазий. Тўқима ҳадисларни ривоят қилиш билан шуғулланар эди. Шунинг учун ундан ҳеч ким ҳадис ёзиб олмас ёки ривоят қилмас эди (2: 2/411; 11: 2/346).

**302
АЛХАЗЪУВНИЙ**

«Хазъувн»дан ясалган нисба. У — Самарқанд қишлоқларидан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоқда мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Хазъувний (ваф. 301 х.й.)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Ҳамид ал-Хазъувний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. У билан суҳбат қурганлар. 301 х.й.да вафот этган (2: 2/411; 11: 2/346).

2. Аҳмад ал-Хазъувний Аҳмад ибн Ҳомид ал-Хазъувний. У — юқорида зикр этилган Мухаммаднинг биродари. Уч ёшлигидаёқ акаси билан Имом Абулҳасан ас-Самарқандийнинг «Китобу-т-тафсир» («Тафсир китоби»)ни ўрганган (11: 2/347).

3. Мусо ал-Хазъувний (Абу Имрон) Мусо ибн ал-Хорис ал-Хазъувний. Илми адабни ўрганган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/347).

**303
АЛ-ХАРҒОНКАСИЙ**

«Харғонкас»дан ясалган нисба. «Харғонхас» — Бухородаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоқда мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Харғонкасий (ваф. 357/968 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн ал-Хизр ибн Шоҳвия ибн Суллам ал-Харғонкасий. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 357 х.й. ражаб ойида вафот этган (2: 2/411; 11: 2/346).

**304
АЛХАРҚОНИЙ**

«Харқон»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги қишлоқлардан бири. Ушбу

« 12 ал-Харқоний/ал-Харқий

цишлок, «Работи воиз» деб аталадиган работи билан машх,ур. Куйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Аҳмад ал-Харқоний (496-505 х.й.)

(Абулфатх) Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Абдуррахмон ибн Абдурраззоқ ал-Аббосий аш-Шоший, ал-Харқоний ал-Фаробий — адиб бўлган. Отаси Шошдан бўлган, у Харқонда туғилган. Самарқанд тоғидаги Фороб қишлоғида яшаган. У уламолардан ал-Хофиз ал-Бағдодий тасниф этган асарлардан бир китобни ўрганган. 496 х.й.да таваллуд топган ва 505 х.й.да вафот этган (2: 2/412).

2. Аҳмад ал-Харқоний (ваф. 499/1106 й.)

(Ал-Қози) Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн ал-Харқоний — қози бўлган. У «Моҳи андаржиба» («Халат ичидаги ой») номи билан шуҳрат қозонган. 499 х.й. рамазон ойининг охирида Форобда вафот этган (11: 2/348).

3. Бакр ал-Харқоний (ваф. 525/1131 й.)

Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Абдуррахим ал-Харқоний — имомлардан бири бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 525 х.й. 18 зу-л-қаъдада сешанба куни аср вақтида вафот

этган ва жасади Чокардиза қабристонига дафн этилган (2: 2/348).

4. Ал-Хусайн ал-Харқоний (ваф. 524/1130 й.)

Ал-Хусайн ибн Абу Шихоб ибн Аҳмад ибн Ҳамза... ал-Алавий ал-Харқоний. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 524 х.й. ражаб ойида 76 ёшида Самарқандда вафот этган ва Самарқанд жомеъ масжидининг рўпарасига дафн этилган (11: 2/348).

5. Ал-Хусайн ал-Харқоний (434-550 х.й.)

(Абу Али) ал-Хусайн ибн Юсуф ибн Абу Яъқуб ал-Харқоний — имом хатиб ва фозил фақиҳ бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 434 х.й.да туғилган. 550 х.й.да вафот этган (11: 2/348).

6. Муҳаммад ал-Харқоний (452-522 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Жибрил ибн Яхё ибн Жибрил ибн Солиҳ ибн Юсуф ал-Харқоний — хатиб бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 452 х.й.да туғилган ва 522 х.й.да вафот этган (11: 2/348).

7. Масъуд ал-Харқоний

(Абу Муҳаммад) Масъуд ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ал-

Харқоний — фозил олим бўлган. Отасидан сўнг Хараконнинг хатиби бўлган ва Харакон бош қозисининг ўринбосари лавозимида ишлашдан бўйин товлаган. Қози эса ўз мақсадида қатъий туриб олгач, у Қошғарга қочиб борган ва ўша ерда вафот этган (11: 2/348).

305

АЛ-ХАРҚИЙ

«Харқ.»дан ясалган нисба. У — Марв к,ишлок,ларидан бири. Куйидаги олимлар шу хишлоққа мансубдирлар:

1. Ал-Хусайн ал-Харқий (299/912)

(Абу Али) ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Харқий, ал-Ҳанбалий — фақиҳ бўлган. Рамазон ҳайити куни вафот этган. Асарларидан: «ал-Мухтасар фи фуруъи-л-фикҳи-л-ханбалий» («Ҳанбалия мазҳабининг фуруъ ал-фикҳи ҳақида қисқартма») (17: 1/617).

2. Абдулжаббор ал-Харқий (477-553/1084-1158)

(Абу Муҳаммад) Абдулжаббор ибн Абдулжаббор ибн Муҳаммад аш-Шобитий ал-Харқий аш-Шоший, аш-Шофиъий — фақиҳ, муаррих ва муҳаддис, баъзи илм соҳаларида фаолият олиб борган олим бўлган. Рабиъу-л-аввал

ойида Марвдаги кишлоқлардан бири — Хиркда туғилган. Марвда кўп ҳадислар эшитган ва фақиҳ бўлиб етишган. Асарларидан: «Тариху Марв» («Марв тарихи»), «Фазоилу-л-авқот» («Фазилларнинг фазилатлари»), «Мунтаҳийу-л-идрок фи тақосими-л-афлок» («Фалаклар тақсимоти хусусида идрок этилган фикрларнинг якуний хулосаси») (17: 2/47).

3. Абдуллоҳ ал-Харкий (579/1183)

Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Абулфатҳ ал-Харкий — муҳаддис, Исфаҳон таянчи бўлган. Асарларидан: «ал-Фавоид ал-мултафиза ва-л-фавоиду-л-мултақита» («Айтилган маслаҳатлар ва жамланган фойдалар») (17: 2/228).

4. Умар ал-Харкий (334/946)

(Абуқосим) Умар ибн ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Харкий ал-Бағдодий, ал-Ханбалий — фақиҳ бўлган. Унинг кўпгина асарлари Бағдодда қолган, ўзи бошқа ўлкага сафар қилган вақтда асарлари ёниб кетган. Дамашқда вафот этган ва жасади «Жироҳ» жомеъи рўпарасига дафн этилган. У таълиф этган асарлардан: «ал-Мухтасар фи фуруъи-л-фикҳи-л-ханбалий» («Ханбалия

мазҳабининг фуруъ ал-фикҳи хақида қискартирилган китоб») (17: 2/557).

5. Муҳаммад ал-Харакый (469-533/1076-1139)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Бишр ал-Харакый, ал-Марвазий, ал-Ханафий — фозил фақиҳ, мутакаллим, фалакиётшунос, риёзиётчи, усул илмини яхши билувчи олим бўлган. Бир муддат Нишопурда истикомат қилган. 530 х.й.дан кейин Марвда вафот этган. Бу иккала жой ҳам Хуросон вилоятига қарашлидир. Асарларидан: «ар-Рисола аш-шомила фи-л-ҳисобот» («Хисоб-китоб хақидаги комусий рисола») «Мунтаҳийу-л-идрок фи илми-л-афлок» («Фалаклар илми хусусидаги идрок этилган фикрларнинг якуний хулосаси») (2: 2/417; 11: 2/349; 17: 3/51).

6. Зухайр ал-Харакый

Зухайр ибн Муҳаммад Абулмунзир ат-Тамимий ал-Анбарий ал-Хуросоний ал-Марвазий ал-Харакый. Макка ва Шомда яшаган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис айтганлар (2: 2/412).

7. Муҳаммад ал-Харакый

(Абу Қобус) Муҳаммад ибн Мусо ал-Харкий — фозил одам бўлган. У

уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/349).

8. Муҳаммад ал-Харакый

(Абу Мазъур) Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ Мусо ал-Харкий ал-Марвазий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/349).

9. Исҳоқ ал-Харакый

Исҳоқ ибн ал-Лайсий ал-Жаддий ал-Харакый. Харк кишлоғида яшаган. Ўғли ундан ҳадис айтган (11: 2/349).

10. Ал-Ҳасан ал-Харакый

Ал-Ҳасан ибн Рашид ал-Харакый. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/349).

11. Абдуллоҳ ал-Харакый

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Қутн ал-Харакый — Харк кишлоғидан бўлган. У араб тили ва Анас ибн Молик билан боғлиқ масалаларни яхши биладиган олим бўлган (11: 2/349).

12. Абдуллоҳ абн Абдуррахмон ал-Харакый (ваф. тахм. 540 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ибн

ал-Харқий/ал-Хармайсанӣй/ал-Харурий/ал-Ғузорӣй/ал-Хузондӣй/
ал-Хузвонӣй/ал-Хусрувшоҳӣй

Муҳаммад ибн Собит ал-Харақий — Харк қозиси, уламолар наслидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 540 х.й.да вафот этган (11: 2/349).

306 АЛ-ХАРМАЙСАНИЙ

«Хармайсан»дан ясалган нисба. У — Бухоро қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Довуд ал-Хармайсанӣй

(Абулфазл) Довуд ибн Жаъфар ибн ал-Ҳасан ал-Хармайсанӣй — Бухоро аҳлидан бўлган, У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/414; 11: 2/352).

307 АЛХАРУРИЙ

«Харури»дан ясалган нисба. У — Хоразм қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Харурий

(Абу Тоҳир) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Харурий ал-Хоразмӣй — шоир бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/415; 11: 2/353).

308 АЛҒУЗОРИЙ

«Ғузор»дан ясалган нисба. У — Насаф яқинидаги ноҳия. Қуйидаги олимлар шу ноҳияга мансубдирлар:

1. Мусо ал-Ғузорӣй

(Абу Ҳорун) Мусо ибн Жаъфар ибн Нух ибн Муҳаммад ибн Мусо ал-Ғузорӣй ал-Касӣй — Ғузор аҳлидан бўлган. Ироқ ва Хижозга борган. Хуросонга келган. У уламолардан ҳадис тинглаган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/417; 11: 2/356).

2. Ҳашӣйм ал-Ғузорӣй

(Абу Ажӣйф) Ҳашӣйм ибн Шоҳид ибн Барид ал-Ғузорӣй — солиҳ одам бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/356).

309 АЛХУЗОНДИЙ

«Хузонд»дан ясалган нисба. Хузонд — Самарқанд қишлоқларидан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Хузондӣй

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хузондӣй ас-Самарқандӣй. У уламолардан, ундан эса

бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/420; И: 2/359).

2. Муҳаммад ал-Хузондӣй (ваф. 382 х.й.)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Тож ибн ал-Хузондӣй ал-Мукрӣй — солиҳ шайх бўлган. Хузондда яшаган. Ҳадис ва ривоят борасида беназир маҳорат соҳиби бўлган. 382 х.й.да вафот этган (11: 2/359).

310 АЛХУЗВОНӣЙ

«Хузвон» («Хусвон»)дан ясалган нисба. У — Бухоро қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ал-Хузвонӣй (ваф. 480 х.й.)

(Абулало) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Хузвонӣй ал-Бухорӣй. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 480 х.й.да вафот этган (2: 2/423; 11: 2/362).

311 АЛХУСРУВШОҲӣЙ

«Ал-Хусрувшоҳ»дан ясалган нисба. У — Марв қишлоқларидан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Хусрувшоҳӣй (472-548/1079-1153)

(Абу Саад) Мухаммад ибн Ахмад ибн Али ибн Мужохид ал-Хусрувшохий — қалби пок, тақводор, саховатпеша, солих шайх бўлган. 472 х.й.нинг муҳаррам ойида таваллуд топган. 548 х.й.нинг ражаб ойида вафот этган (2: 2/424; 11: 2/365).

312 АЛ-ХУШОҒИРИЙ

«Хушоғир»дан ясалган нисба. У — Бухородаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Иброхим ал-Хушоғарий

(Абу Исҳоқ) Иброхим ибн Язид ибн Ахмад ал-Ғушоғарий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/425).

313 АЛХУШМИНЖАКАСИЙ

«Хушминжакас» дан ясалган нисба. У — Кешдаги қишлоқлардан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Яхё ал-Хушминжакасий (ваф. 420/1029 й.)

Яхё ибн Ҳорун ибн Ахмад ибн Микёл ибн Жаъфар ибн Ҳам ибн ал-Микёлий ал-Хушминжакасий ас-Сарром —

солих ёшлардан, ёшлигидаёқ бидъат аҳлига қарши қатъий чора кўриш хусусида аҳли суннадан ҳадис ёзиб олган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 420 х.й.нинг жумоду-л-увло ойида вафот этган (2: 2/425; 11: 2/373).

2. Ал-Ҳасан ал-Хушминжакасий (тав. 450 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Ахмад ибн Исмоил ибн Мансур ибн Яхё ал-Хушминжакасий ал-Кеший — Самарқанднинг ишончли қозиларидан бири бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 450 х.й.да туғилган (11: 2/374).

314 АЛХУШУВФАҒАНИЙ

«Хушувфаван»дан ясалган нисба. У — Мовароуннаҳрдаги Сўғди қишлоқлари кўп бўлган катта қишлоқ, Иштихрн билан Кушония ўртасида жойлашган. Ҳозир бу жой «Тўғонбоши» («Раёсу Қантара») деб аталади. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Умар ал-Хушувфағаний (223-311 х.й.)

(Абу Ҳафс) Умар ибн Мухаммад ибн Бухайр ибн

Хозим ибн Рошид ал-Бухайрий ал-Хушувфағаний — «ал-Жомий ас-саҳийх» («Ишончли тўплам») китобининг муаллифи. 223 х.й.да туғилган ва 311 х.й.да вафот этган (2: 2/428; 11: 2/370).

2. Ахмад ал-Хушувфағаний (ваф. 372/982 й.)

(Абулаббос) Ахмад ибн Абулҳасан Мухаммад ибн Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад ибн Бухайр ибн Хозим ас-Сўғдий ал-Хушувфағаний. Юқорида номи зикр этилган бобоси (Абу Ҳафс)дан «ал-Жомий ас-саҳийх» («Ишончли тўплам») ва «Китобу-с-сафина» («Кема китоби») асарларини тинглаган. Ушбу китобларни бобосининг ўзи тасниф этган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 372 х.й.нинг рабиъу-л-аввал ойида вафот этган (2: 2/428; 11: 2/370).

315 АЛ-ХАШУВНАНЖАКАСИЙ

«Хашувнанжакас»дан ясалган нисба. У — Самарқандга тегишли қишлоқ билан кўшилиб кетган Кешдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

I <с ал-Хашувнанжакасий/ал-Хашяндизий/ал-Халхолий

1. (Абу Аҳмад) ал-Хашувнанжакасий

(Абу Аҳмад) ал-Хашувнанжакасий. Унинг исми ва насаби маълум эмас. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/428; 11: 2/370).

316 АЛ-ХАШЯНДИЗИЙ

«Хашяндиза»дан ясалган нисба. У — Насафдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Исмоил ал-Хашяндизий

Исмоил ибн Махрон ал-Хашяндизий. Абулҳасан ал-Омирийнинг куёви бўлган. У уламолардан кўп ҳадис тинглаган (2: 2/428; 11: 2/374).

317 АЛХАЛХОЛИЙ

«Халхол»дан ясалган нисба. У — Озарбайжон атрофидаги бир ўлка ва игаҳар, Жилон тоғининг ўрта қисмига чегарадош бўлган. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Халхолий (745/1344)

(Шамсуддин) Муҳаммад ибн Музаффаруддин ибн аш-Шофиъий. У — «ал-Халхолий», «ал-Хатибий»

номлари билан маълум бўлган, ақлий ва нақлий билимлар соҳасида фаолият олиб борган олим. Эронда вафот этган. У тасниф этган кўп сонли асарлардан: «Шарҳ мишкоти-л-масобих» (ал-Бағавийнинг «Мишкотул-масобих» асарига шарҳ), муаллиф уни «Танвиру-л-масобих», яъни «Чирокларнинг нур таратиши» деб номлаган), «Манзума фи-л-мантик» («Мантик ҳақида манзума»), «Шарх мунтаҳийи-с-суал ва-л-амал фи илмайи-л-усул ва-л-жадал» («Усул ва жадал илмлари ҳақидаги саволлар ва умидларнинг якуни»), «Шарху талхиси-л-мифтоҳ» (Қазвинийнинг риторика ҳақидаги «Талхису-л-мафотих» асарига шарҳ), «Шарху мифтоҳи-л-улум» (Саккокийнинг «Мифтоҳу-л-улум» — «Илмлар калити» асарига шарҳ) (17: 3/726).

2. Муҳаммад ал-Халхолий (1134/1722 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Сайд ал-Халхолий — фозил одам бўлган. Муҳаммад Содик ал-Аржистонийдан таълим олган. Асарларидан: «Рисола фи маърифати-л-лоҳи ва маърифати-н-нафси» («Аллоҳни ва ўзини англаш ҳақидаги рисола»), «ал-Урвату-л-вуско»,

(«Мустаҳкам халқа») (17: 3/356).

3. Муҳаммад ал-Халхолий (1333/1915)

Муҳаммад Бокир ал-Халхолий — муаррих ва хатибий олим бўлган. Тахм. 1333 х.й.да Машҳадда вафот этган. Асарларидан: «ал-Жаннот ас-самон фи таворихи-л-машоҳиди-с-самония» («Саккизинчи обида тарихи ҳақидаги саккизлик жаннатлари») (17: 3/152).

4. Муҳаммад ал-Халхолий (1262/1846 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Хусайн ибн Муҳаммад Сайд ибн Муҳаммад Солиҳ ал-Халхолий — фозил одам бўлган. Асарларидан: «Уйуну-л-асрори-л-макнуну фи баъни-л-вахйи ва-л-илҳом ва-л-кашф ва-н-нубуввати ва-л-валоят» («Ваҳий, илҳом, кашф, пайғамбарлик ва валийлик истилоҳларини баён этиш ҳақидаги пинҳона сирлар манбаи»), Муаллиф уни Лоҳайжон хокими Муҳаммад Алихоннинг топшириғига биноан 1262 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/538).

5. Али ал-Халхолий (XII х.а./XУШ м.а.)

Алиқули ибн Муҳаммад ал-Халхолий, ал-Исфажоний — тилшунос, муфассир, адиб, шоир, ҳаким, котиб, нахв ва сарф

илмлари билан шуғулланган олим. Ўн иккинчи х.а.нинг бошларида Исфаҳонда вафот этган. Асарларидан: «Хошия ала тафсири-л-Байзовий», («Байзовийнинг тафсирига хошия-изох»), «Шарху-шофия» (Ибн ал-Ҳожибнинг «аш-Шофия» асарига шарх), «Тибёнул-хикматайни фи-л-фарк байна хикмати-л-қудамо» («Қадим олимларнинг хикматлари ўртасидаги фарққа оид икки хикматнинг баёни»), «Ихёул-хикмат» («Хикматни қайта тиклаш»), «Мазомиру-лошикийн фи ҳақиқати-нафси ва-т-тарғиб ила олами-л-ақлий ва-т-тазхид ани-л-олами-л-хиссий» («Хиссий оламдан узоклашиш ва ақлий оламини тарғиб этиш ва нафс билан боғлиқ ҳақиқат ҳақидаги ошиқларнинг қўшиқлари») (17: 2/488).

6. Насруллоҳ ал-Халхолий (946/1539)

Насруллоҳ ибн Муҳаммад ал-Умарий ал-Ажамий аш-Шофиъий — муфассир, баъзи илм соҳаларида фаолият олиб борган олим. Халабга келиб, шу ерда муқим истиқомат қилган. У ал-Халхолий номи билан танилган. Асарларидан: «Х.ОШИЯ ала анвори-т-танзил» (Тафсир ҳақидаги Байзовийнинг «Анвору-т-танзил» асарига хошия-

изох»). «Х,ошия ала шарх ҳидояти-л-хикмат» (Қози Мирнинг «Шарху ҳидояти-л-хикмат» асарига хошия-изох), «Шарху исботи-л-вожиб» («Даввонийнинг «Исботу-л-вожиб» асарига шарх»), «Мажмуъату-л-хисоб» («Арифметика илми ҳақидаги тўплам»), «ал-Жомиъ ал-кабийр фи соъати-л-манзум мина-л-каломи ва-л-мансур» («Калом ва сажъдан тузилган манзуманинг бўлмаси ҳақида катта тўплам»), «Расоилу ибн ал-Асир» («Ибр ал-Асир рисоалари»), «Тухфату-л-ажойиб ва турфату-л-ғаройиб», («Ажойиботлар тухфаси ва ғаройиботлар турфаси») (17: 4/28).

7. Ҳасан ал-Халхолий (1014/1605)

Ҳасан (Х,усайн) ал-Х,усайний ал-Халхолий, ал-Ҳанафий — мутакаллим, муфассир, нахвшунос ва фалакиётшунос олим бўлган. Асарларидан: «Х,ошия ала шархи-лақоиди-л-аздия» («Жалолуддин ад-Даввонийнинг «Шарху-лақоиди-л-аздия» асарига хошия-изох»), «Шарху-доирати-л-ҳиндия» («Садруддин аш-Широзийнинг «Доирату-л-ҳиндия» асарига шарх»), «Х,ошия ала анвори-т-танзил» (Байзовийнинг Ёсин сурасидан то Қуръони карим охиригача

тафсир этилган «Анвору-т-танзийл» асарига хошия-изох»), «Рисола фи таҳқиқ вақти-н-нузули» («Нузул вақтини ўрганиш ҳақидаги рисола»), «Рисола фи-л-мабдаъи-л-аввал ва сифотиҳи» («Аллоҳ ва унинг сифатлари ҳақидаги рисола») (17: 1/549, 606).

318

АЛХАЛУВҚИЙ

«Халувқ,а»дан ясалган нисба. У — Араб қавмларидан бири. Марв бузунишоҳ,ларидан бўлган бир жамоа х,ам шу қавмга мансуб. Қуйидаги олимлар шу жамоага мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Халувқий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Халувқий — фозил имом бўлган. Мазҳабнинг нозик жиҳатларини яхши билган (11: 2/393).

2. Абдулвоҳид ал-Халувқий (ваф. 493 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ал-Халувқий, ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Халувқий. Унинг отаси — юқорида номи зикр этилган Абу Абдуллоҳ. Қироат билан ваъз қиладиган солиҳ фақиҳ бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 493 х.й.да вафот этган (11: 2/393).

319
АЛ-ХАМОНИЙ

«Хамона»дан ясалган нисба. У — Кушония (шлдан бўлган бобонинг исми. Куйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Исмоил ал-Кушоний (ваф. 391/1001 й.)

(Абу Али) Исмоил ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳожиб ал-Кушоний. У — Абу Умарнинг набираси, «Саҳиҳ ал-Бухорий»ни ал-Фирабрийдан ривоят қилганларнинг охиргиси ҳисобланади. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 391/1001 йилда вафот этган (2: 4/523; 11: 5/73).

320
АЛХУМХАЙСАРИЙ

«Хумхайсараядан ясалган нисба. У — Бухоро шишлоқларидан бири. Куйидаги олим шу шишлоқга мансубдир:

1. Аҳмад ал-Хумхайсарий

(Абу Саҳл) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Наҳий ибн ан-Назр ал-Хумхайсарий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/444; 11: 2/397).

321
АЛХУМРАКИЙ

«Хумрак»дан ясалган нисба. У — Мовароуннахр ноҳияларидан бўлган Шошдаги кичкина шах, арча. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ал-Муаммал ал-Хумракий (ваф. 516 х.й.)

(Абуррижо) ал-Муаммал ибн Сарвар ал-Хумракий аш-Шоший. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 516 х.й.да Марвда вафот этган ва «ар-Разик» дарёсининг бўйига дафн этилган. Унинг юқори қисмида жойлашган работда истикомат қилар эди (2: 2/444; 11: 2/397).

322
АЛХИМҚОБОЗИЙ

«Химқ_обоз»дан ясалган нисба. У — Марв қишлоқларидан бири. Куйидаги олимлар шу қишлоққа мансуб бўлганлар:

1. Исҳоқ ал-Химқобозий

Исҳоқ ибн Иброҳим ибн аз-Зибирқон ал-Химқобозий — ўзига яраша шайх бўлган. Ҳадис ёзиб қолдирган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/444; И: 2/398).

2. Аҳмад ал-Химқобозий

Абу Наср Аҳмад ибн Маъмун ал-Химқобозий — илми адабнинг забардаст вакили бўлган (11: 2/398).

323
АЛ-ХАМҚАРИЙ

«Хамса шура»дан ясалган нисба. Айни вақтда «Панж дех.» деб ҳам аталадиган «Хамса шура» («Беи қишлоқ») Айфон, Марсат, Маду, ва Кур икон ва Бах, уна шишлоқларидан таркиб топган. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдуллоҳ ал-Хамқарий (ваф. 543 ёки 545 х.й.)

(Абулмаҳсин) Абдуллоҳ ибн Сайд ибн Муҳаммад ибн Сайд ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн Саҳл ибн Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Мусо ал-Хамқарий. Тақаддум ва фазл борасидаги машхурлардан бўлган. Тарих илмини яхши билган. Раъй, мантик ва ақл соҳиби бўлган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис тинглаганлар. 543 ёки 545 х.й.да вафот этган (2: 2/445; 11: 2/399).

324
АЛХУМИСАНИЙ

«Хумисан»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги бир қишлоқ. Куйидаги

**ал-Хумисаний/ал-Хуноматий/ал-Хунбожий/ал-Ханбунний/ал-Хунлиқий/
ал-Хоразмий 11_д**

олимлар шу жойга
мансубдирлар:

1. Юсуф ал-Хумисаний
(Абу Яъқуб) Юсуф ибн
Ҳайдар ал-Хумисаний —
Самарқанд аҳлидан,
фароиз ва бошқа илмлар
бўйича етук олим, фозил
имом бўлган. Бу илм
борасида унга мурожаат
қилганлар. У уламолардан,
бошқалар эса ундан ҳадис
ривоят қилганлар (2: 2/446;
11: 2/399).

**2. Абдулғаффор ас-
Самарқандий**
(Абу Муҳаммад)
Абдулғаффор ибн
Муҳаммад ибн
Абдулмалик ибн Довуд ибн
Аҳмад ал-Хумисаний, ас-
Самарқандий. У
уламолардан, бошқалар
эса ундан ҳадис ривоят
қилганлар (11: 2/399).

**325
АЛХУНОМАТИЙ**

«Хуноматий»дан
ясалган нисба. У —
Бухоро қишлоқларидан
бири. Қуйидаги олим шу
қишлохха мансубдир:

**1. Ат-Таййиб ал-
Хуноматий**
(Абу Солих) ат-Таййиб
ибн Муқотил ибн
Сулаймон ибн Хдмод ал-
Хуноматий ал-Бухорий. У
уламолардан, уламолар эса
ундан ҳадис ривоят
қилганлар (2: 2/447; 11: 2/
403).

**326
АЛХУНБОЖИЙ**

«Хунбож»дан ясалган
нисба. У — Бухоро аҳлидан
бўлган бобонинг нисбаси.
Қуйидаги олим шу жойга
мансубдир:

1. Али ал-Хунбожий
(Абулҳарас) Али ибн
ибн Аҳмад ибн Хунбож
ибн Юнус ибн Убайд ибн
Х,исон ат-Тамимий ал-
Хунбожий — Бухоро
аҳлидан. У уламолардан,
бошқа уламолар эса ундан
ҳадис ривоят қилганлар.
(11: 2/403).

**327
АЛХАНБУНИЙ**

«Ханбун»дан ясалган
нисба. У — Бухоро
қишлоқларидан бири.
Қуйидаги олимлар шу
қишлоққа мансуб
бўлганлар:

1. Восил ал-Ханбунний
(ваф. 467 х.й.)
(Абулқосим) Восил ибн
Хамза ибн Али ибн Наср
ибн ас-Суфий ал- ал-
Ханбунний — ҳадис излаб
йўлга чиққан сайёҳлардан
бири. Солих, ишончли,
бообрў одам бўлган.
Ҳадисларни яхши
биладиган ва уларнинг
моҳиятини теран
англовчилардан бўлган.
Бухоро, Насаф, Исфаҳон ва
бошқа шаҳарларда ҳадис
тинглаган. Бағдодга келган
ва бу ерда ҳадис айтган.
Уламолар ундан ҳадис

эшитганлар. 467 х.й.да
вафот этган. У
уламолардан, бошқалар эса
ундан ҳадис ривоят
қилганлар (2: 2/447; 11: 2/
406).

2. Аҳмад ал-Ханбунний
(Абу Рижа) Аҳмад ибн
Довуд Муҳаммад ал-
Ханбунний — юкорида зикр
этилган Ханбун
қишлоғидан. У
уламолардан, уламолар эса
ундан ҳадис ривоят
қилганлар (И: 2/406).

**328
АЛХУНЛИҚИЙ**

«Хунлик»дан ясалган
нисба. У — «Бобу-л-абвоб»
яқинидаги Дарбанди
Хазарон шах, арларидан
бири. Қуйидаги олим игу
жойга мансубдир:

1. Ҳаким ал-Дарбандий
(ваф. 538/1144 й.)

Ҳаким ибн Иброҳим
ибн ал-лакзий ал-
Хунлиқий ад-Дарбандий
— фозил, шофиъий факих
ва ишончли кўриқчи бўлган.
Бағдодда факих бўлиб
етишган. Умрининг
охиригача бир неча йил,
яъни то 538 х.й. шаввол
ойининг 12-кунида вафот
этгунига қадар Бухорода
яшаган (2: 2/450; 11: 2/407).

**329
АЛХОРАЗМИЙ**

«Хоразм»дан ясалган
нисба. У — Хоразмшоҳ,
лар оиласига мансуб

ал-Хоразмий

бўлган, милодий таъвим бўйича иккинчи (хдждрий таъвим бўйича хдждратдан олдинги учинчи) асрдаги Хоразм шах,ри. Унинг пойтахти Жайхун дарёсининг ўнг сох,илидаги Кат бўлган. Араблар Хоразмни фапиц этганларида, х,укмрон сулола ўз ўрнида мавжуд бўлган. Дарх,ол бир сулолага асос солганларки, у меросий йўл билан х,укуматни бошқарган. Вапиц ўтиши билан мусулмон подшоҳ,лар мустақил давлат барпо қилганларки, у коммунистлар ўлкани босиб олганларидан кейин Ўзбекистон Республикасининг бир вилоятига айланган. Бу вилоятнинг пойтахти Урганч шах,ри бўлган. Истиқлол йилларида Хоразм кўп гуллаб-яшнади, унда турли саноат корхоналари ривож топди. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Муҳаммад ал-Қоким (531/1137)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ал-Ҳокимий, ал-Хоразмий — факих, хатиб, воиз, адиб ва шоир бўлган. Асарларидан: «Фатх Манқишлоғ» («Манқишлоқнинг фатх этилиши»), Муаллиф мазкур асарда ал-Малик ал-Музаффар Отсиз

Хоразмшоҳни мадҳ этган (17: 3/495).

2. Иброҳим ал-Хоразмий (тав. 559/1164 й.)

Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Хайдар ибн Али ал-Муъаззий ал-Хоразмий — адиб бўлган. Зу-л-хиджа ойида туғилган. У тасниф қилган асарлардан: «Девону-л-анбиё» («Пайғамбарлар девони»), «ал-Васоил ила-р-расоил» («Расулларга етишишнинг воситалари»), «Ятмияту-л-ятимия» («Нодир дурдоналар»), «Мартаъ ал-васоил» («Воситалар яйлови»), «Марбаъу-р-расоил» («Рисолалар майдони») (17: 1/61).

3. Муҳаммад ал-Хоразмий (ваф. 568/1173 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Арслон ибн ал-Аббосий ал-Хоразмий Али ибн Аҳмад ал-Х,окимий, ал-Хоразмий — муаррих бўлган. Асарларидан: «Тариху Хоразм» («Хоразм тарихи») (7: 32; 17: 3/626).

4. Мансур ал-Хоразмий (ваф. 425/1034 й.)

Мансур ибн Али ибн Ирок ал-Хоразмий — математик ва фалакиётшунос олим бўлган. Умрининг аксарият қисмини Хоразмда ўтказган. Абу Райхон ал-Беруний ундан

илм ўрганган. Тахминан 425 х.й.да вафот этган. Асарларидан: «Китоб ал-Мажистий аш-Шоҳий», («ал-Магестнинг шоҳона китоби»), «Рисола фи-л-уструлоби-с-саратоний» («Саратоний устурлоб ҳақида рисола»), «ал-Мужаннаҳ фи ҳақиқатиҳи би-т-тариқи-с-синоати» («Ўз ҳақиқати ҳақида яратувчанлик йўли билан қанотланган банда»), «Рисола фи маърифати-л-қасийи-л-фалакия би тариқи ғайри тариқи нисбати-л-муаллифа» («Таълиф этилган нисбат йўлидан бошқа услуб орқали фалакий мураккабликларни билиш ҳақидаги рисола»), «Китоб фи-с-самовот» («Осмонлар ҳақида китоб») (17: 3/917).

5. Мансур ал-Қоъоний ал-Хоразмий (ваф. 775/1373 й.)

(Абу Муҳаммад) Мансур ибн Аҳмад ибн Язид ал-Хоразмий, ал-Ҳанафий — факих ва илми усул бўйича етук олим бўлган. Маккада вафот этган. Асарларидан: «Шарху-л-Муғний» (Бухорийнинг усул ал-фикх ҳақидаги «ал-Муғний» асарига шарҳ), «Х,ошия ала-л-мунтахаб фи шарҳи-л-мунтахаб фи усули-л-мазхаб» (Мазхабдаги усулга оид «Мунтахаб фи шарҳи-л-мунтахаб» асарига хошия-изоҳ») (17: 3/912).

ал-Хоразмий

6. Ал-Қосим ал-Хоразмий (555-617/1160-1220)

(Абу Муҳаммад) ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Хоразмий (Садру-л-афозил) — факих, адиб, нозим, носир, тилшунос ва нахвшунос, риторик олим бўлган. Хоразмда таваллуд топган ва мўғул-татарлар томонидан қатл этилган. У тасниф қилган асарлардан: «аз-Заваё ва-л-хабаё фин-наҳв» («Наҳв илмидаги аниқ ва пинҳон жиҳатлар»), «ал-Мухассали-л-маслахати фи-л-баён» («Баён илми ҳақидаги маслахатнинг мазмуни»), «Ужолату-ссафар фи-ш-шеър» («Шеър оламига сафар қилишдаги шошма-шошарлик»), «Шарҳу мақомоти ли-Ҳаририй» («Ҳаририй «Мақомоти»ига шарҳ», муаллиф уни «Тавзиҳ», яъни «Изоҳлаш» деб атаган), «Лахжату-ш-шуръи фи шарҳи алфозил-фикҳ» («Фикҳий атамларни шарҳлашдаги қонун шеvasи»), «ал-Мухтасар» («Қисқартма», аслида бу — аз-Замахшарий қаламига мансуб «Китобу-л-муфассал фи-н-наҳв»га ёзилган шарҳ), «ал-Калим ва-л-хукам» («Калималар ва ҳукмлар»), «Таржимату-л-асмои-л-арбаъуна» («Қирқ исмнинг таржимаси»), «Бадойиъил-милх» («Ёқимли бадиалар») (7: 3; 17: 2/640).

7. Али ал-Хоразмий (555-617/1160-1220)

(Абулҳасан) Али ибн Ирок ас-Синорий ал-Хоразмий — факих, муфассир, нахвшунос, тилшунос ва арузшунос олим бўлган. Хоразм қишлоқларидан бўлган Мазонада вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шамориху-д-дураар фи тафсири-л-Қуръон» («Қуръон тафсиридаги дурлар шодаси»), «Фазлу-л-видоъайни-л-мунтазиъ ан китоби танзиҳи-ш-шариат», «Шариат софлигини таъминлаш китоби ҳақидаги икки ажратилган келишувнинг фазилати») (17: 2/455).

8. Довуд ал-Хоразмий (ваф. 239 х.й.)

(Абулфазл) Довуд ибн Рашид Абулфазл ал-Хоразмий — асли Хоразмдан бўлган, лекин Бағдодда яшаган. Ундан Муслим ибн ал-Хажжож ва бошқа уламолар ҳадис ривоят қилганлар. 239 х.й.да вафот этган (2: 2/455; 11: 2/408).

9. Яъқуб ал-Хоразмий

(Абу Юсуф) Яъқуб ибн ал-Жарроҳ ал-Хоразмий. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/408).

10. Солиҳ ал-Хоразмий

(Абу Абдуллоҳ) Солиҳ ибн Молик ал-Хоразмий — ҳадисларнинг тўғриси. Бағдодда яшаган. У

уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/408).

11. Иброҳим ал-Хоразмий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Байтор ал-Хоразмий. Хоразм қозихонасида бўлган. Балхга келган ва бу ерда ҳадис айтган (11: 2/408).

12. Муҳаммад ал-Хоразмий (333-383/935-993)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмий — таниқли шоир ва адиб бўлган. Уни, кўпинча, ат-Табарий деб атаганлар, чунки у Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий опасининг ўғли бўлган. Луғат ва шеър ёдлашда ўз замонасининг яктоси бўлган. Хоразмда ўсиб-улғайган. Болалигидаёқ илм излаб айрим ўлкаларга борган. Йўл-йўлакай Сижистонга ташриф буюрган ва унинг волийси Тоҳир ибн Муҳаммадни аввал мадх, сўнгра мазах қилган. Волий эса уни хибсга олган. Кейинчалик у йўлга отланиб, ўз саёҳатини давом эттирган. Дамашқда бир муддат турган, сўнгра Ҳалаб ноҳиясида яшаган. Кейинчалик Нишопурга кўчиб борган ва у ерда дўсти ибн Ибод билан мулоқотлар олиб борган. 383 х.й. рамазон ойида шу ер (Нишопур)да вафот этган. У уламолардан,

бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Асарларидан: «ал-Жавомиъ» матбаъасида 1297 х.й.да чоп этилган «Девону шеър» («Девон»), «Мажмуъа расоил» («Мактублар тўплами») ва «Расму-л-маъмур мина-л-билод» («Обод диёрнинг чизмаси») (11: 2/408; 16: 33; 17: 3/380; 19: 7).

13. Мужоҳид ал-Хоразмий (158-244/774-858)

(Абу Али) Мужоҳид ибн Мусо ибн Фаррух ал-Хоразмий. Бағдодда яшаган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 158 х.й.да таваллуд топган. 244 х.й. рабиъу-л-аввал ойида вафот этган (11: 2/409).

14. Юсуф ал-Хоразмий (X х.а./XV I м.а.)

Юсуф ибн Муҳаммад ал-Хоразмий, ал-Фийдий — факих бўлган. Асарларидан: «Китоб фил-фикх» («Фикх ҳақидаги китоб») (11: 2/409).

15. Ал-Ҳасаъ ал-Хоразмий (551/1106 йилда ҳаёт бўлган)

Ал-Ҳасан ибн Ҳорис ал-Хоразмий, ал-Хубубий — математик олим бўлган. Асарларидан: «Китобу-л-ихтисоб, ал-истиксо фил-жабр ва-л-муқобала» («Алгебра илми ҳақидаги чуқур тадқиқот ва ҳисоб-китоб китоби»). Унда

янглиш алгебрадаги васиятлар билан боғлиқ масалалар бўйича ҳисоб-китоб олиб бориш йўллари мухтасар тарзда баён қилинган (15: 80; 17: 1/544).

16. Нохид ал-Хоразмий (ваф. 610 қ.й.)

(Абулфатх) Нохид ибн Абулмақорим Абдуссайд ибн Али, ал-Матризий ал-Хоразмий — адиб ва ханафий факих бўлган. 610 х.й.да вафот этган (16: 8).

17. Аҳмад ал-Хоразмий (ваф. тахм. 430 х.й.)

Аҳмад ибн Муҳаммад «Муҳаммад ибн Аҳмад» ал-Беруний (Абу Райхон...) ал-Хоразмий. Тахм. 430 х.й.да вафот этган. Асарларидан; «ал-Иршод фи аҳкоми-н-нужум» («Юлдузларнинг ҳукмлари ҳақидаги йўлланма»), «ал-Осору-л-боқия ани-л-қурони-л-ҳолия» (Юлдузлар ва саналар ҳақидаги «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «ал-Истишход би-ихтилофил-ирсод» («Кузатувдаги ихтилофга ишора») (15: 4/70).

18. Аҳмад ал-Хоразмий (418/1027)

Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сухайлий ал-Хоразмий — адиб бўлган. Унинг «ар-Равза ас-сухайлия фил-авсофи ва-т-ташбиҳот» («Васфлар ва ўхшатишлар

ҳақидаги Сухайлий бўстони») номли асари бор (17: 1/268).

19. Тохир ал-Хоразмий (771/1369 йилда ҳаёт бўлган)

Тохир ибн Қосим ибн Аҳмад ал-Ансорий ал-Хоразмий — факих бўлган. Асарларидан: «Жавохиру-л-фикх фил-ибодот» («Ибодат ҳақидаги фикхнинг гавҳарлари»), Муаллиф мазкур асар таълифини 771 х.й.да тугатган (17: 4/149).

20. Аҳмад ал-Хоразмий (ваф. 425 х.й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Хоразмий ал-Барқоний. 425 х.й.да вафот этган. Унинг «Жомиъ ас-саҳихайни Барқоний» («Иккала «ал-Жомиъ ас-саҳих»нинг Барқоний тўплами») номли асари бор (4: 11).

21. Абу Сайд ал-Хоразмий

Абу Сайд. Хоразм қозисининг ўғли. Унинг «Тариху Хоразм» («Хоразм тарихи») номли асари бор (7: 33).

22. Абдуссалом ал-Хоразмий

(Абу Муҳаммад) Абдуссалом ал-Хоразмий. Унинг «Сирру-с-саҳоба ва-з-зуҳход ва-л-уламо ва-л-ибод» («Саҳобалар, зоҳидлар, уламолар ва обидларнинг сири») (7: 17).

ал-Хоразмий

23. Ал-Муваффақ ал-Хоразмий (ваф. 568/1172 й.)

(Абулмуъайяд) ал-Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккий ал-Хоразмий — факих, адиб, хатиб, шоир бўлган. Хоразмда аз-Замахшарийдан араб тилидан сабоқ олган. Жомеъ масжидда хатибликни бошқарган ва шу ерда ундан Носир ибн Абдуссайд ал-Матразий сабоқ олиб, илм ўрганган. Асарларидан: «Манокибу Али ибн Аби Толиб» («Али ибн Абу Толиб манокиби»), «Манокибу-л-имом Аби Ҳанифа» («Имом Абу Ҳанифа манокиби»), «Мақталу-л-Хусайн» («Хусайн қатлномаси»), «Девону шеър» («Девон») (7: 42; 17: 3/940).

24. Хусайн ал-Хоразмий

Хусайн Ҳасан ал-Хоразмий. «Ҳошияту урафо ва машойих» («Орифлар ва машойихлар ҳақидаги китобга ҳошия-изоҳ») (7: 42).

25. Али ал-Хоразмий (ваф. 560 х.й.)

(Хужжату-л-афозил) Али ибн Муҳаммад ал-Хоразмий. 560 х.й.да вафот этган. Унинг «Иштиқоқу асмой-л-мавозиъ ва-л-булдон» («Мавзелар ва ўлкалар номларининг этимологияси») (15: 4/102).

26. Али ал-Хоразмий

Алишоҳ ибн Муҳаммед ал-Хоразмий. У «Алоун-

нужум» номи билан танилган. Унинг асарлари: «Зижу Шоҳий» («Шоҳона зиж»), «ал-Ашжор ва-л-асмор фи-л-аҳком» («Ҳукмлардаги дарахтлар ва мевалар») (5: 19).

27. Муҳаммад ал-Хоразмий (533/1129)

(Зайну-л-машойих Абулфазл) Муҳаммад ибн Абулқосим ал-Хоразмий ал-Баққолий, ал-Ҳанафий — муфассир, адиб, нахвшунос ва тилшунос олим бўлган. Лақаби — «Одамий». Араб тили ва эъроб бўйича сабоқни аз-Замахшарийдан олган, устозидан кейин унинг ўрнини эгаллаган. Ундан ва бошқалардан ҳадис тинглаган. Асарларидан: «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири»), «Мифтоҳу-т-танзил» («Танзил калити»), «ал-Иъжоб фи илми-л-эъроб» («Эъроб илмига таъзим»), «ал-Бидоя фи-л-маъоний ва-л-баён» («Риторика илмига кириш»), «Манозилу-л-араб» («Арабларнинг манзиллари»), «Тарожиму-л-аъмом» («Амакиларнинг таржимаи холлари»), «Таквиму-л-лисон» («Тилни ислоҳ этиш»), «Азқору-с-салот» («Намознинг зикрлари»), «Асрору-л-кизб» («Алдовнинг сирлари»), «Ифтихору-л-араб» («Арабларнинг фахрлари») (5: 22; 15: 4/51; 17: 2/593; 19:13).

28. Муҳаммад ал-Хоразмий (ваф. 320 х.й.)

Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий — суфий ва нахвшунос олим бўлган. У «Шарафуддин» унвони ва «шовқин», «бакирик» маъноларини англатувчи «Ажиж» номи билан машҳур бўлган. 320 х.й.да вафот этган. Унинг шеърлари бор (14: 16; 15: 4/104).

29. Муҳаммад ал-Хоразмий

Муҳаммад ибн Абдулқарим ал-Хоразмий. Лақаби — «Баҳоу-л-ислом» бўлган (14: 46).

30. Муҳаммад ал-Хоразмий (235/850)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий — фалакӣётшунос, математик, муаррих ва жуғрофий олим бўлган. Уни «устоз» деб эъзозлаганлар. У ўз умрини Маъмун (академияси)нинг китоблар хазинагоҳини бойитишга бағишлаган. Асарларидан: «аз-Зиж ал-аввал ва-с-соний» («Биринчи ва иккинчи зиж»), «ал-Амал би-л-устурлоб» («Устурлоб билан ишлаш тартиби»), «ат-Тарих» («Тарих»), «ал-Жабр ва-л-муқобала» («Алгебра»), «Таквиму-л-лисон», («Тилни ислоҳ этиш»), «Ҳикмту-д-доҳила» («Ботин хикмати») (5: 44; 17: 3/741).

1^4 ал-Хоразмий

31. Амир ал-Хоразмий

Амир Муҳсин Солих ал-Хоразмий. Унинг узбек тилида битилган «Девон»и бор (21: 4263).

32. Аҳмад ал-Хоразмий

(Захируддин Абу Муҳаммад) Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад Айдғамиш ат-Тумуртоший ал-Хоразмий, ал-Ханафий — Хоразм муфтиси бўлган. Асарларидан: «Шарху-л-жомийи-с-сағийр» (Кичик тўплам деб аталадиган «ал-Жомий ас-сағийр» асарига ёзилган шарх»), «Китобу-т-тарових» («Тарових намози ҳақидаги китоб») (17: 1/106).

33. Аҳмад ал-Хоразмий (456/1064 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

(Абулфазл) Аҳмад ибн Али ас-Саффор ал-Хоразмий — котиб ва шоир бўлган. Асарларидан: «Расоил» («Рисолалар», уларни Умар ибн ал-Хасан тўплаган). Шу жумладан, «Рисола ила Амид ал-Малик ал-Кандарий» («Амид ал-Малик ал-Кандарийга йўлланган нома») (17: 1/203).

34. Ҳусайн ал-Хоразмий (ваф. тахм. 840/1436 й.)

(Камолуддин) Ҳусайн ал-Хоразмий. Асарлардан: «Шарху-л-бурда» («ал-Бурда» қасидасига битилган шарх») (17: 1/550).

35. Али ал-Хоразмий (ваф. 560/1165 й.)

(Абулҳасан) Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ибн Мирвон ал-Имроний, ал-Хоразмий — адиб, муфасссир, тилшунос олим бўлган. Тахм. 560 х.й.да вафот этган. Асарларидан: «Шаморихуд-дурар фи тафсири-л-оёт ва-с-сувар» («Оят ва сураларнинг тафсири ҳақидаги дурлар шодаси»), «Иштиқоқу асмой-л-мавозиъ ва-л-булдон» («Мавзелар ва ўлкалар номларининг этимологияси»), Унинг шеърлари ҳам бор (17: 2/514).

36. Муҳаммад ал-Хоразмий (ваф. 387/977 й.)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий — котиб ва илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб борган олим. Асарларидан: «Мифтоху-л-улум» («Илмлар калити») (17: 3/115).

37. Муҳаммад ал-Хоразмий (ваф. 827/1424 й.)

(Шамсуддин) Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Хоразмий — факих, рассом, нахвшунос, илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб борган олим. Маккада турган ва у ерда ханафий мақомдаги имом ўрнига ноиблик қилган. Ёши олтмишдан ошганда вафот этган. Асарларидан:

«Мусаннаф фи ф Мақка ва-л-1 («Мақка ва Каъба фазилатлари х китоб»). Муаллиф асарни «Осору-т-1 ва-т-ташвиқ и масожиди-с-салоса! л-байти-л-атик маносик» («Уч ма(байтуллох ва май яъни диний, шу жум хаж амал ўтказиладиган жой/ тарғиб ва ташқиқ қил асарлар») деб номл (17: 3/121).

38. Муҳаммад Хоразмий (ваф. 425/ й.)

(Абу Абдулл Муҳаммад ибн Али : Иброҳим ал-Ҳиросий Хоразмий — суфий, а/ нозим, носир, нахвшу ва тилшунос олим бўл! Асарларидан: «Шар «Девони-л-Мутанаббк («Мутанаббий девони; шарх»), «Китоб фи-тасриф» («Морфолог ҳақидаги китоб»), «а Балоға ва-л-бароъ («Балоғат ва маҳорат») {/ 3/494).

39. Муҳаммад а, Хоразмий (781/133 йилда ҳаёт бўлган)

(Шамсуддин) Муҳамма ибн ал-Хасан ал Хоразмий, ал-Форобий аш-Шоший, ал-Ханафик Асарларидан: «Шарх; китоби-л-хамисийн ф1 усули-д-дин» («Фахруддий ар-Розийнинг диг

асослари ҳақидаги «Китобу-л-хамсийн фи усули-д-дин» асарига шарҳ»), муаллиф уни 781 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/217).

40. Муҳаммад ал-Хоразмий (ваф. 369/979 й.)

Муҳаммад ибн Сайд ибн Самъат ал-Хоразмий — муҳаддис, хабарларни айтувчилардан бўлган. Асарларидан: «Ахбору Хоразм» («Хоразм хабарлари») (17: 3/318).

41. Муҳаммад ал-Хоразмий (593-655/1197-1257)

(Абулмуайяд)
Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Хоразмий, ат-Таржимоний, ал-Ханафий — фақиҳ бўлган, уни «хатиб» деб эъзозлашган. Хоразмда таваллуд топган ва шу ерда истиқомат қилган. Ҳажга борган ва дин йўлида фидойилик қилган. Миср ва Дамашққа отланиб, Бағдодга келган ва то вафот этгунига қадар шу ерда дарё берган. Асарларидан: «Жомиъу масониди Аби Ханифа» («Абу Ханифа муснадлари тўплами», икки жилдли) (17: 3/706).

42. Маҳмуд ал-Хоразмий (ваф. 722/1322 й.)

Маҳмуд ал-Хоразмий — фозил одам бўлган.

Лақаби — «Қитойий». Асарларидан: «Канзу-л-хақоқиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси») (17: 3/806).

43. Маҳмуд ал-Хоразмий (ваф. тахм. 568/1173 й.)

(Абу Муҳаммад Захируддин) Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмий — фақиҳ, муҳаддис, муаррих, суфий бўлган. «Низомия» мадрасасида воизлик қилган, сўнгра ўз юртига қайтиб келган ва шу ерда вафот этган. Асарларидан: «Тариху Хоразм» («Хоразм тарихи», 8 жилдли), «Кофий фи-л-фикх» («Фикх илми бўйича етарли китоб») (17: 3/829).

44. Маҳмуд ал-Хоразмий (ваф. тахм. 618/1221 й.)

(Абу Али Шарафуддин) Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ал-Хоразмий — Хоразм диёрига мансуб Чағмин аҳлидан, математик ва фалакиётшунос олим бўлган. Асарларидан: «ал-Мулаххас фи-л-хайъат» («Астрономия илми ҳақида қисқача баён»), «Рисола фи-л-ҳисоб» («Арифметика илми ҳақидаги рисола»), «Қуввату-л-кавокиб ва дуъафуҳо» («Сайёраларнинг қуввати ва заиф жиҳатлари»), «Шарху туруқи-л-ҳисоб фи масоили-л-васоя» («Васият масалалари билан

ал-Хоразмий

боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш йўлларига шарҳ») (17: 3/830).

45. Юсуф ал-Хоразмий (ваф. 634/1237 й.)

(Нажмуддин) Юсуф ибн Ахмад ибн Абу Бакр ал-Хоразмий ал-Хосий, ал-Ханафий — фақиҳ бўлган, бўғиб ўлдирилган. Асарларидан: «ал-Фатово» («Фатволар»), «Мухтасару-л-фусул» («Фаслларнинг қисқартмаси») (17: 4/141).

46. Юсуф ал-Хоразмий (555-626/1160-1229)

(Абу Яъқуб Сирожуддин) Юсуф ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Али ас-Саккокий, ал-Хоразмий — грамматика, морфология, риторика, стилистика, аруз ва шеърят илмлари бўйича фаолият олиб борган олим. Жумоду-л-увло ойининг 3-кунида таваллуд топган. Ражаб ойининг охирироғида Хоразмда вафот этган. Асарларидан: «Талхису мифтоҳи-л-улум» (Илмлар қалити маъносини англатувчи «Мифтоҳу-л-улум» асарининг қисқача баёни), «Мусхафу-з-захра» («Захра мусхафи») (17: 4/149).

47. Муайядуддин ал-Хоразмий (620/1242 йилда ҳаёт бўлган)

Муайядуддин ал-Муваффақ ибн Муҳаммад ал-Хоразмий — адиб, носир ва нозим бўлган. Насл-насаби асли

«се ал-Хоразмий/ал-Хўқандий/ал-Хуважжоний/ал-Хузёний/ал-Хуваййу

хоразмлик бўлса-да, лекин Мисрда таваллуд топган ва шу ерда истиқомат қилган. Асарларидан: «Шарху навобиғи-л-калим» (аз-Замахшарийнинг «Нозик иборалар» маъносини англатувчи «Навобиғу-л-калим» асарига шарх»), «Нусрату-н-настри ва шеър-и-ш-шеър» («Насрлар настри ва шеърлар шеъри») (17: 4/149).

**330
АЛ-ХЎҚАНДИЙ**

«Хўцандядан ясалган нисба. У — Фарғонадаги шақар. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Тохир ал-Хўқандий (ваф. 510/1116 й.)

(Абу Толиб) Тохир ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Наср ибн Нусра... ал-Хўқандий ал-Махзумий — адиб ва кори бўлган. Самарқандда яшаган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 510 х.й.нинг сафар ойида вафот этган ва жасади «Машҳаду-с-содот» қаршисидаги Чокардиза қабристонига дафн қилинган (2: 2/457; 11: 2/408).

**331
АЛХУВАЖЖОНИЙ**

«Хуважжон (Хужжон)»дан ясалган нисба. У — Бухородаги бир хишлоқ. Қуйидаги

олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Асад ал-Хуважжоний

(Абулхорис) Асад ибн Муҳаммад ибн Исо ал-Хуважжоний — Хуважжондан, мужтахид, фозил олим бўлган (2: 2/457; 11: 2/413).

2. Муҳаммад ал-Хуважжоний (429-538/1038-1143)

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Али ибн Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Абулаббос ибн Исмоил ас-Синжий ал-Хуважжоний — обрў-этиборли ва солиҳ шайх бўлган. Хуважжонда истиқомат қилган. Ҳадис тинглаган ва тинглаганларини насх хати билан ёзиб қолдирган. Ўзи учун ҳадис излаб Нишопурга борган. Марв ва Нишопурда ҳадис тинглаган. 429 х.й. шаъбон ойининг ўртасидаги бир тунда Марвда дунёга келган. 538 х.й.да вафот этган (2: 2/457).

**332
АЛХУЗЁНИЙ**

«Хузёндан ясалган нисба. У — Насаф ноҳиясидаги қаср. Қуйидаги олим шу шаъбонга мансубдир:

1. Ал-Маҳдий ал-Хузёний (ваф. 398/1008 й.)

(Абулаббос) ал-Маҳдий ибн Суфён ибн Ҳомид аз-Зоҳид ал-Хузёний. Ғубдин рустокидан бўлган Хузён қасрида яшаган. Зоҳидларнинг сўзлари билан гаплашган. Унда ҳадисга тегишли бирон-бир нарса бўлмаган. 398 х.й. 13 шаъбонда вафот этган (2: 2/463; 11: 2/416).

**333
АЛХУВАЙЙУ**

«Хуваййу»дан ясалган нисба. У — Озарбайжондаги бир шах, ар. Қуйидаги олим игу жойга мансубдир:

1. Абдон ал-Хуваййу

(Абу Маъоз) Абдон ат-Табиб ал-Хуваййу. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/467; 11: 2/420).

2. Юсуф ал-Хуваййу (532/1138 йилда ҳаёт бўлган)

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Тохир ибн Юсуф ибн ал-Хасан ал-Хуваййу — адиб, фозил, фасоҳатли, фақиҳ, хушсийрат, нозиктабъ, хассос, назмга усто. шеърлари ёқимли, Хуваййу ахлидан бўлган. Туе қасабаларидан бўлган Навқонда яшаган ва у ерда қозига ноиблик қилган. У тасниф қилган асарлардан: «Фароиду-л-хароид фи-л-амсол ва-л-ҳикам» («Мақоллар ва ҳикматлар қаъридаги пинҳона

дурлар», муаллиф мазкур асарни 532 х.й.да ёзиб тугатган. «Шарху сақти-з-занд ли-л-Маъаррий» («Маъаррийнинг «Сақти-з-занд» — «Олов учқуни» асарига шарх»), «Рисолату танзиҳи-л-Қуръони-ш-шариф ан васмати-л-лаҳн ва-т-тахриф» («Қуръони шарифни хато қироат қилиш ва бузиб талаффуз этиш оқибатида юзага келадиган доғлардан поклаш ҳақида рисола»). 549 х.й. ёки ундан илгарироқ вафот этган (2: 2/467; 11: 2/420; 17: 4/165).

3. Муҳаммад ал-Хуваййу (865/1452 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Қутбуддин ал-Хуваййу, ал-Ҳанафий — фозил одам бўлган. Муайян даврни ўрганиш билан боғлиқ матнлар хусусида бир асар тасниф қилган ва уни 865 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/603).

4. Аҳмад ал-Хуваййу (583-637/1187-1240)

(Шамсуддин — Абулаббос) Аҳмад ибн ал-Халил ибн Саодат ибн Жаъфар ал-Хуваййу, аш-Шофиъий — ҳикмат, табобат, наҳв, усул, калом ва фикҳ илмларини яхши биладиган олим бўлган. Хувиййуда туғилган. Шаъбон ойида Дамашқда вафот этган. Фахруддин ар-Розийдан ақлий билимларни, ат-Тусийдан эса жадал илмини

ўрганган. Ибн аз-Зубайдий, ибн ас-Салоҳ ва бошқалардан ҳадис тинглаган. Шомда қозилик маҳкамасини бошқарган. У таълиф қилган асарлардан: «Йанобиъу-л-улум» («Илмларнинг сарчашма-лари», «Шарху-л-иршод» («Муҳаммад ал-Амидийнинг илми хилоф ва жадал ҳақидаги «Иршод» асарига шарх»), «Китоб фи-н-наҳв» («Наҳв ҳақида китоб»), «Китоб фи-л-аруз» («Аруз илми ҳақида китоб»), «Мухтасару-н-нафоис фи-л-жадал» (Жадал илмининг нозик жихатлари ҳақидаги ал-Амидий ас-Самарқандий асарининг қисқартмаси), муаллиф уни «Ароису-н-нафоис» «Нозик келинчаклар» деб атаган). Унинг назмлари ҳам бор, «ас-Сафина ан-наҳвия» — «Наҳв кемаси» (17: 1/135).

5. Носир ал-Хуваййу (466-507/1074-1113)

(Абулқосим) Носир ибн Аҳмад ибн Бакр ал-Хуваййу — адиб, муҳаддис, фақиҳ, наҳвшунос олим, Озарбайжон аҳлидан бўлган. Маълум бир муддат қозиликни бошқарган. Рабиъу-с-соний ойида вафот этган. Асарларидан: «Шарху-л-ламъи» (Ибн Жанийнинг наҳв ҳақидаги чакнаш маъносини англатадиган «ал-Ламъу» номли асарига шарх»). Шунингдек, унинг шеърлари ҳам бор (17: 4/7).

6. Муҳаммад ал-Хуваййу

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Яҳё ибн Муслим ал-Хуваййу. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/467; 11: 2/420).

7. Муҳаммад Абдулҳай ал-Хуваййу

Муҳаммад ибн Абдулҳай ибн Сувайд ал-Хуваййу. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/420).

8. Муҳаммад Абдурраҳим ал-Хуваййу

Муҳаммад Абдурраҳим ал-Хуваййу. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/420).

334

АЛХАЙДАШТИРИЙ

«Хайдаштир»дан ясалган нисба. У — Сўғд ноқиясидаги Иштихон ҷишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Билол ал-Худаштирий

(Абу Бакр) Билол ибн Рамёр ибн Рабоба ал-Иштихий. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Худай санъат аҳлига мансуб бўлмаганларникига ўхшаб, унинг ривоятлари ҳам кучли бўлмаган (2: 2/469; 11: 2/428).

ал-Хайзохузий/ал-Хайшоний/ал-Хайломий/ал-Хайвақий

**335
АЛХАЙЗОХУЗИЙ**

«Хайзохуз»дан
ясалган нисба. У — аз-
Зинданийга яқин бўлган
Бухородаги бир қишлоқ.
Куйидаги олимлар шу
жойга мансубдирлар:

1. Абдуллоҳ ал-Хайзохузий

(Абу Муҳаммад)
Абдуллоҳ ибн ал-Фазл
ал-Хайзохузий — Бухоро
муфтиси бўлган. У
уламолардан, бошқалар
эса ундан ҳадис ривоят
қилганлар (2: 2/470; 11: 2/
429).

2. Аҳмад ал-Хайзохузий

(Абу Наср) Аҳмад ибн
Абдуллоҳ ибн ал-Фазл
ал-Хайзохузий —
Бухородаги жомеъ
масжидга имомликка
тайинланган ва зиммасига
ундаги Имло кенгашини
бошқариш ҳам юкланган.
У уламолардан, бошқалар
эса ундан ҳадис ривоят
қилганлар (2: 2/470; 11: 2/
429).

3. Муҳаммад ал-Хайзохузий

(Абу Бакр) Муҳаммад
ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ
ибн ал-Фазл ал-
Хайзохузий — юкорида
номи зикр этилган Абу
Насрнинг ўғли. У
уламолардан, бошқалар
эса ундан ҳадис ривоят
қилганлар (2: 2/429).

4. Муҳаммад ал-Хайзохузий (ваф. 518 х.й.дан кейин)

(Абу Бакр) Муҳаммад
ибн Муҳаммад ибн Аҳмад
ибн Абдуллоҳ ибн ал-Фазл
ал-Хайзохузий — юкорида
номи зикр этилган Абу
Бакрнинг ўғли. У
уламолардан, бошқалар
эса ундан ҳадис ривоят
қилганлар. 518 х.й.дан
кейин вафот этган (11: 2/
429).

**336
АЛХАЙШОНИЙ**

«Хайшон»дан ясалган
нисба. У —
Самарқанддаги мавзе.
Куйидаги олим шу
мавзегга мансубдир:

1. Абулҳасан ал-Хайшоний ас-Самарқандий

(Абулҳасан) ал-
Хайшоний ас-
Самарқандий. У Абу Бакр
Аҳмад ибн Исмоил ас-
Самарқандийдан ат-
Термизий тўпламини
ривоят қилган (2: 2/471; 11:
2/431).

**337
АЛХАЙЛОМИЙ**

«Хайлом»дан ясалган
нисба. У — Фарғона
ўлкаларидан Мовароун-
нах,рдаги шах,ар.
Куйидаги олим шу жойга
мансубдир:

1. Ҳамза ал-Хайломий (ваф. 523 х.й.)

(Аш-Шариф ал-Имом)
Ҳамза ибн Али ибн ал-
Муҳсин ибн Муҳаммад
ибн Жаъфар ибн Мусо
ибн Исо ибн... Абу Бакр
ас-Сиддиқ ал-Хайломий.
Абу Бакр ас-Сиддиқнинг
фарзандларидан. У фозил
фақиҳ ва Жузжония
саройи ҳукмдорларидан
бўлган. У уламолардан,
бошқалар эса ундан ҳадис
ривоят қилганлар. 523
х.й.да вафот этган (2: 2/472;
11: 2/474).

**338
АЛ-ХАЙВАҚИЙ**

«Хайвақ»дан ясалган
нисба. У — Хоразм
нох,иясидаги шах,ар.
Куйидаги олим шу
шах,арга мансубдир:

1. Аҳмад ал-Хайвақий (540-618/1145-1221)

(Абулжанноб,
Нажмуддин) Аҳмад ибн
Умар ибн Муҳаммад ар-
Розий ал-Хайвақий —
суфий, фақиҳ, муҳаддис ва
муфассир, Хива фарзанди
бўлган. Хоразмда ўқиган.
Рабиъ ал-аввал ойида
шаҳид кетган. Ўз
даврининг пири комили,
тоифа шайхи ва аср яктоси
бўлган. У тасниф қилган
асарлардан: «Рисолату-л-
хоими-л-хоиф мин
ла в м а т и - л - л о и м»
(«Кўркувчи оворалар ва
маломат этгувчи
маломатийлар ҳақида
рисола»), «Тафсиру-л-
Қуръони-л-карим»
(«Қуръони карим

тафсири», 12 жилдли), «Рисолату-т-турук» («Тариқатлар рисоласи»), «Фавотиху-л-жалол ва фавойиху-л-жамол» («Жалолнинг остоналари ва Жамолдан уфураётган хушбўй атирлар») (2: 2/474 ва хошияда; 17: 1/218).

339

АДДОРАЗАНЖИЙ

«Доразанжа»дан ясалган нисба. У — Сағониён қишлоқ[^]аридан бири. Қуйидаги олим шу қишлоқда мансубдир:

1. Солих ад-Доразанжий (ваф. тахм. 300 х.й.)

(Абу Шуъайб) Солих ибн Мансур ибн Наср ибн ал-Жаррох ад-Доразанжий ас-Соғоний. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 300 х.й.дан илгари ёки шу вақтда вафот этган. (2: 2/480; 11: 2/437).

340

АД-ДОРАКОНИЙ

«Доракон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Али ад-Дораконий (ваф. 213 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Иброҳим ас-Сулламий ал-Марвазий ад-Дораконий — обрў-эътиборли ва

ишончли одам бўлган. Бағдодда ҳадис айтган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 213 х.й.да вафот этган (2: 2/482; 11: 2/439).

2. Яъмур ад-Дораконий (ваф. 200 х.й.дан кейин)

(Абу Амру) Яъмур ибн Бишр ад-Дораконий — Ибн ал-Муборакнинг асхобларидан бўлган ва ундан ҳадис айтган. Иктидорли ва ишончли одамлардан бири бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 200 х.й.дан кейин вафот этган (11: 2/439).

341

АДДОҒУНИЙ

«Доғун»дан ясалган нисба. Ушбу сўз орқали Марв ах,лидан бўлган сотувчилар тавсифланади. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Абдуллох ад-Доғуний

(Абу Мухаммад) Абдуллох ибн Мухаммад ибн Иброҳим ибн Язид ад-Доғуний — фозил шайх, обрў-эътиборли одам бўлган. «Уне би-л-ҳадис ва маърифатуху» («Ҳадис илми билан танишиш ва уни билиш»), У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/445).

342

АД-ДУБЗАНИЙ

«Дубзан (Дубзанд)»дан ясалган нисба. У — Марв қишлоқ,ларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Қурайш ад-Дубзаний (ваф. 298 х.й.)

(Абу Усмон) Қурайш ибн Мухаммад ибн Қурайш ад-Дубзаний ал-Марвазий — обрў-эътиборли, ишончли шайх, адиб, нахвшунос олим ва фозил одам бўлган. У «Китобу-л-мағоза»да Аммор ибн ал-Ҳасандан ҳадис айтган. 298 х.й.да вафот этган (2: 2/498; 11: 2/454).

343

АДДАБУСИЙ

«Дабуса»дан ясалган нисба. У — Мовароуннах,рдаги Сўғд ўлкаларига қарашли шаҳарча. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Абдуллох ад-Дабусий (367-430/978-1039)

(Абу Зайд) Абдуллох ибн Умар ибн Исо ад-Дабусий — «ал-Асрор», «Таквиму-л-адилла» ва «ал-Амад ал-аксо» асарларининг муаллифи. Абу Ҳанифа мазхабидаги йирик фақиҳлардан бири бўлган. Назар, ҳужжат чиқариш ва раъй хусусида

**ад-Дурбиқоний/ад-Дириздаҳий/ад-Дарзиюний/ад-Дарсиноний/ад-
^Д2 Дарғоний/ад-Дарғамий**

уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 456 х.й.нинг рамазон ойида вафот этган (2: 2/511).

**348
АДДУРБИҚОНИЙ**

«Дурбиқоний» дан ясалган нисба. У — Марвдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Ҳариб ад-Дурбиқоний (ваф. 300 х.й.дан олдин)

Ҳариб (Ҳарис) ад-Дурбиқоний. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 300 х.й.дан илгари вафот этган (2: 2/511; 11: 2/468).

2. Аҳмад ад-Дурбиқоний

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Хишном ад-Дурбиқоний. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/468).

**349
АД-ДИРИЗДАҲИЙ**

«Дириздаҳ»дан ясалган нисба. У — Насаф қишлоқларидан бири. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Ал-Ҳусайн ад-Дириздаҳий

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн ал-

Ҳасан ибн Мутовий ибн Ибод ад-Дириздаҳий — фақих бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/513; 11: 2/468).

2. Халф ад-Дириздаҳий (ваф. 300/912 й.)

(Абу Сайд) Халф ибн Сулаймон ибн Абдуллох ибн Абдуррахмон ад-Дириздаҳ кишлоғидан, обрў-эътиборли ва ишончли шайх бўлган. Ироққа сафар қилган. У «ал-Муснад» асарини тасниф қилган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 300 х.й. сафар ойида вафот этган. (11: 2/469).

**350
АДДАРЗИЮНИЙ**

«Дарзиюн»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Ал-Аббос ад-Дарзиюний

(Абулфазл) ал-Аббос ибн Наср ибн Жарий ад-Дарзиюний. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/513; 11: 2/469).

**351
АДДАРСИНОНИЙ**

«Дарсинон»дан ясалган нисба. У — Марвдаги бир

қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Абдон ад-Дарсиноний

Абдон ибн Синон ад-Дарсиноний. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/513; 11: 2/470).

**352
АД-ДАРҒОНИЙ**

«Дарғон»дан ясалган нисба. У — Хоразм бўйидаги шах, ар. Қуйидаги олим шу қишлоқда мансубдир:

1. Муҳаммад ад-Дарғоний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абу Сайд ибн Муҳаммад ад-Дарғоний. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/514).

**353
АДДАРҒАМИЙ**

«Дарғам»дан ясалган нисба. У — Самарқанд ўлкаларидан бўлган минтақадаги бир шах, ар. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Собир ад-Дарғамий (ваф. 528 х.й.)

Собир ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Исмоил ад-Дарғамий ал-Яшиқдизий — воиз бўлган. уламолардан, бошқалар

ад-Дарвозақий/ад-Дарийжақий/ад-Дизақий/ад-Дастажирдий «со

эса ундан хадис ривоят қилганлар. 528 х.й.да вафот этган (2: 2/514; 11: 2/470).

**354
АД-ДАРВОЗАҚИЙ**

«Дарвозақядан ясалган нисба. У — Марвдаги бир қишлоқ. Мукулмонлар Марвни фатқ этиш учун келганларида шу қишлоқда турганлар. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Исо ад-Дарвозақий

(Абулмуниб) Исо ибн Убайд ал-Киндий ад-Дарвозақий. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар (2: 2/516; И: 2/472).

**355
АД-ДАРИЙЖАҚИЙ**

«Дарийжа»дан ясалган нисба. У — Марвдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Абдулазиз ад-Дарийжақий

Абдулазиз ибн Ҳабиб ал-Асадий ад-Дарижақий — қудамо тобиъийлардан бўлган. Марвдаги жойларни фатқ қилишда Ибн Абдулқурайн этган ва шу ерда хстикомат қилган. У гламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар (2: 2/517; 11: 2/472).

2. Харуф ад-Дарийжақий (тав. 477 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Харуф ибн Абулфазл ад-Дарижақий — ибодат ва тажаххуд намозини кўп адо этадиган солих шайх, зикр йиғинларини хоҳловчилардан бўлган. Машоуиҳларнинг ҳикояларини кўп мутолаа қилган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. 477 х.й.да таваллуд топган (11: 2/473).

**356
АДДИЗАҚИЙ**

«Дизақ»дан ясалган нисба. У — Марв, Шинжон ва Марваррузнинг кўп мавзеларида мавжуд бўлган қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Али ад-Дизақий

Али ибн Хашрам ад-Дизақий. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар (2: 2/517; И: 2/475).

2. Ал-Ҳасан ад-Дизақий (ваф. 548 х.й.)

(Абулмаъоли) ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Абу Жаъфар ал-Балхий ад-Дизақий — Дизақнинг қозиси бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. 548 х.й.да вафот этган (2: 2/517).

3. Аҳмад ад-Дизақий

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Халф ад-Дизақий. У «ибн Абу Шуъайб» («Абу Шуъайбнинг ўғли») номи билан танилган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар (2: 2/517; 11: 2/475).

4. Абдулмажид ад-Дизақий

Абдулмажид ад-Дизақий. Ҳадисларни ёзиб қолдирган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар (11: 2/475).

**357
АД-ДАСТАЖИРДИЙ**

«Дастажирдиядан ясалган нисба. У — Марвдаги бир қишлоқ. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Саад ад-Дастажирдий (477-552 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Саад ибн Муҳаммад ибн Абу Убайд ад-Дастажирдий — суфий, солих фақих, ўз қишлоғида хатиблик ва ваъзхонликни бошқариб борган. Ҳадис ривоят қилган, ўзи ҳам хадис тинглаган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. 477 х.й.да таваллуд топган. 552 х.й.да вафот этган. (2: 2/518).

1АД ад-Дағулий/ад-Далғотоний/ад-Дандонқоний

358 АД-ДАҒУЛИЙ

«Дағул»дан ясалган
нисба. Дарул — илм
ақлининг Сарахсдаги
кошонаси бўлиб, у
жойдан х, адис илмининг
улуг пешволари этишиб
чиққанлар. Қуйидаги
олимлар шу қишлоқца
мансубдирлар:

1. Мухаммад ад-Дағулий (ваф. 325/937 й.)

(Абулаббос) Мухаммад ибн Абдуррахмон ибн Мухаммад ибн Абдуллох ибн Собур ас-Сарахсий ад-Дағулий — мусулмон раҳнамоларидан бири, ҳофиз муҳаддис, ровий, факих ва тилшунос олим бўлган. Ўз даврининг Хуросондаги беназир шайхи ҳисобланган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Асарларидан: «ал-Муснад фи-л-ҳадис» (Ҳадислар ҳақидаги «ал-Муснад» китоби) (11: 2/483; 17: 3/401).

2. Мухаммад ад-Дағулий (ваф. 365 х.й.)

(Абулаббос) Мухаммад ибн Абдуррахмон ибн Мухаммад ибн Абдуррахмон ибн Собур ад-Дағулий — Сарахсининг оксоқоли бўлган. Юқори номи зикр этилган бобоси Абулаббосдан ҳадис тинглаган. Сарахсда унинг тасарруфида «Мажлис ул-имло»

(«Имло кенгаши») бўлган. 365 х.й.да вафот этган (11: 3/483).

3. Али ад-Дағулий

(Абулҳасан) Али ибн Мухаммад ибн Абдуррахмон ибн Собур ад-Дағулий. У юқорида номи зикр этилган Абулаббоснинг амакиси бўлган. Бухорога келган ва шу ерда ҳадис айтган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/473).

359 АД-ДАЛҒОТОНИЙ

«Далғотон»дан ясалган нисба. У —
Марвдаги бир қишлоқ.
Қуйидаги олимлар шу
қишлоқца мансубдирлар:

1. Мухаммад ад-Далғотоний (ваф. 488 х.й.)

(Абу Бакр) Мухаммад ибн ал-Фазл ибн Аҳмад ад-Далғотоний — аскетик (узлатчи) зоҳидлардан бўлган. Отасидан озгина ҳадис айтган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 488 х.й.да вафот этган (2: 2/524; 11: 2/488).

2. Фазлуллох ад-Далғотоний (485-557 ёки 490-557 х.й.)

(Абу Бакр) Фазлуллох ибн Мухаммад ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Абдуллох ад-Далғотоний ал-Борий — Далғотон қишлоғидан, хуш сийрат,

эҳтиёткор, ҳадис, тафсир ва фикҳ каби илмларни жам қилишга ишқибоз, илми ҳисоб ва адабни яхши билувчи фозил факих бўлган. Бутун умрини илм ўрганишга бағшида этган, бор меҳр-муҳаббатини илм ўрганишга берадиган, фикҳ, усул ва тилни пухта билувчи илм аҳлидан бўлган. Ҳадисларни излаб топишга қизиққан ва бу борада катта тажриба ва билимни қўлга киритган. 485 ёки 490 х.й.да туғилган. 557 х.й.да вафот этган (2: 2/524; 11: 2/488).

3. Наср ад-Далғотоний

(Абу Саҳл) Наср ибн ал-Ҳаким ибн Ҳомид ат-Таҳмоний ад-Далғотоний. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/488).

360 АДДАНДОНҚОНИЙ

«Дандонқон»дан ясалган нисба. У —
Марвдаги кичкина
шақарча. Қуйидаги
олимлар игу жойга мансуб
бўлганлар:

1. Аҳмад ад-Дандонқоний

(Абулқосим) Аҳмад ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Мусо ад-Дандонқоний — суфий, саховатпеша, солих шайх бўлган. Шом ва Мисрга борган. Искандарияда ҳадис тинглаган. Ўттиз йилдан

ад-Дандонқоний/ад-Дувайдий/ад-Давийний/ал-Дайзакий, Жиззахий

ошиқроқ вақт мобайнида Маккада яшаган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/543; И: 2/497).

2. Фазлуллоҳ ад-Дандонқоний (488-552 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Фазлуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Руху-л-Хатибий ад-Дандонқоний фикҳ илми ва ваъз ўқишда ш и р и н с у х а н , мунозараларда хушқалом ва фозил фақиҳ бўлган. Бухорога борган ва у ерда фақиҳ бўлиб етишган. Тахм. 488 х.й.да туғилган. 552 х.й.да вафот этган (2: 2/543).

3. Абдуррахмон ад-Дандонқоний (ваф. 400 х.й.дан олдин)

(Абу Бакр) Абдуррахмон ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-Хатиб ад-Дандонқоний. Мовароуннахр ўлкаларига сафарга чикқан ва у ерларда ҳадис айтган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 400 х.й.дан алтари вафот этган (11: 2/497).

4. Мансур ад-Дандонқоний

(Абу Бакр) Мансур ибн Аммор ибн Касир ас-Суллаймий ад-Дандонқоний

— воиз бўлган. Қизикарли қиссаларни излаб топиш ва мақомига етказиб ваъзхонлик қилишда беназир, ўз даврининг яқтоси бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/497).

5. Аҳмад ад-Дандонқоний

Аҳмад ибн Хишом ад-Дандонқоний — кўп ҳадисларни биладиган хуш овоз ровий бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 2/524; 11: 2/497).

6. Аҳмад ад-Дандонқоний

Аҳмад ибн ал-Қосим ад-Дандонқоний — кўп ҳадисларни биладиган хуш овоз ровий бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 2/497).

361

АДДУВАЙДИЙ

«Дувайд»дан ясалган нисба. У — Бухоро сиқлига мансуб бўлган бобонинг исми. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Муҳаммад ад-Дувайдий (ваф. 251 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Саҳл ибн Аскар ибн Аммора ибн Дувайд Дувайдий ал-Бухорий — Бухоро аҳлидан, Бани Тамим мавлоси бўлган.

Бағдодда яшаган ва ўша ерда ҳадис айтган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 251 х.й.да вафот этган (11: 2/512).

362

АДДАВИЙНИЙ

«Давийн»дан ясалган нисба. У — Озарбайжоннинг четидаги шах, ар, Тбилисига яқинроқ қудудда жойлашган. Қуйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Насруллоҳ ад-Давийний (ваф. 546 х.й.)

(Абулфутух) Насруллоҳ ибн Мансур ибн Саҳл ад-Даввиний ал-Жизий — қалби пок, виждонли, солиҳ шофиъий фақиҳ бўлган. Бағдодда фақиҳ бўлиб етишган. Уламолардан ҳадис тинглаган. У уламолардан, бошқалар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 546 х.й.да вафот этган (2: 2/558; 11: 2/513).

363

АЛДАЙЗАКИЙ, ЖИЗЗАХИЙ

«Хуваййиу»дан ясалган нисба. У — Самарқанддаги бир қишлоқ. Қуйидаги олимлар шу қишлоққа мансубдирлар:

1. Абдулазиз ал-Жиззахий (ваф. 308 х.й.дан олдинроқ)

ал-Дайзакий, Жизза:
| ^ « ад-Дийвоний

Абдулазиз ибн Муҳаммад ад-Жиззахий — самарқандлик воиз бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. 308 х.й.дан илгарироқ Макка йўлида вафот этган (2: 2/613; 11: 2/526).

2. Муҳаммад ал-Жиззахий (тав. 489 х.й.)

(Абулмаҳомид) Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ибн Мансур ибн Яхё ал-Жиззахий — хайр-саховат қилишга иштиёқи кучли, қалби пок, олийжаноб, солиҳ ва фозил фақиҳ бўлган. У эл орасида самарқандлик каробисий жарчи номи билан танилган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. 489 х.й.да таваллуд топган (11: 2/526).

3. Умар ал-Жиззахий (ваф. 511 х.й.)

(Абу Хафс) Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шайб ад-Жиззахий. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. 511 х.й.да вафот этган (11: 2/526).

4. Аҳмад ал-Жиззахий

(Абу Толиб) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Исҳоқ ибн Дизка ат-Тоний ад-Жиззахий — Исфакон ахлидан бўлган, юқорида номи зикр этилган бобоси туфайли унга шу нисба берилган. У уламолардан, бошқалар

-Даймасий/ал-

эса ундан хадис ривоят қилганлар (11: 2/526).

5. Умар ал-Жиззахий (ваф. 525 х.й.)

Умар ибн Шуъайб ибн Абулқосим ас-Сарром ал-Жиззахий — Жиззах ахлидан бўлган. Хокондаги барча шаҳарларда ҳарбий қози бўлган. «Сихоҳ» тўпламини наҳвшунос Абдулжаббордан ривоят қилган, шу жумладан, Калободий асаридаги х а б а р л а р н и н г маъноларини хам. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. 525 х.й.да вафот этган (И: 2/526).

364

АЛ-ДАЙМАСИЙ

«Даймас»дан ясалган нисба. У — Бухоро қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Муҳаммад ад-Даймасий (ваф. 430 х.й.)

(Абу Тохир) Муҳаммад ибн Яъқуб ад-Даймасий ал-Бухорий. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар. Тахм. 430 х.й.да вафот этган (2: 2/615; И: 2/529).

365

АЛДИЙНАБОЗИЙ

«Дийнабоз»дан ясалган нисба. У — Марв қишлоқларидан бири,

-Динамаздоний/

Риканжабдон яқ, унида жойлашган. Қуйидаги олим шу қишлоққа мансубдир:

1. Алқосим ал-Дийнабозий

Ал-Қосим ибн Иброҳим ал-Дийнабозий — зоҳид бўлган. У уламолардан, бошқалар эса ундан хадис ривоят қилганлар (2: 2/616; 11: 2/531).

366

АД-ДИНАМАЗДОНИЙ

«Динамаздон»дан ясалган нисба. У — Риканжабдон яқинидаги Марв қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ал-Қосим ад-Динамаздоний

Ал-Қосим Иброҳим ад-Динамаздоний — зоҳид бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар (2: 2/616).

367

АД-ДИЙВОНИЙ

«Дийвон»дан ясалган нисба. У — Марв ш а х , р и д а г и мақалалардан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Жаъфар ад-Дийвоний (ваф. 297 х.й.)

(Абулаббос) Жаъфар Важиҳ ибн Ҳарис ибн

Абдон ибн Иброҳим ан-Нажжор ад-Дийвоний. "арв ахлидан бўлган ва Дийвон маҳалласида яшаган. У уламолардан, ~--лан эса бошқалар ҳадис ::зоят қилганлар. 297 х.й.да вафот этган (11: 2/552 .

368

АД-ДИЙВАКУШИЙ

«Дийвакуш»дан ясалган нисба. У — Марвадаги г'аъзи уламоларга тегишли *машхур уйнинг яоми. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:*

1. Абдуллоҳ ибн ад-Лийвакуший (ваф. тахм. 490 х.й.)

Лбу Мухаммад) Абдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн ад-Лийвакуший. Солиҳ, олим, **фақиҳ** ва гўзал хулқ-атвор ::хиби бўлган. У уламолардан, ундан эса гошқалар ҳадис ривоят жылганлар. Тахм. 490 х.й.да зофот этган (11: 2/533).

369

АЗ-ЗАҲКАСАТИЙ

Исфижоб қишлоқ- \2ридан бири — «Зсцкас» **Зах.кат»)дан ясалган нисба. У — Шош вох,аси -рқасида, Сайхун дарёси ёқасида жойлашган «ар-Равзабор»даги қишлоқ. К}~йидаги олим иғу жойга мансубдир:

1. Аҳмад аз-Заҳкасий (ваф. 506 х.й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Усмон ибн Аҳмад ал-Муставфий аз-Заҳкасий (аз-Заҳкатиий) — имомлардан бири бўлган. Самарқандда яшаб, ҳадис илмидан сабоқ берган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. 506 х.й.да вафот этган (2:3/4; И: 3/8).

370

АЗ-ЗАХИЙНАВАЙ

«Захийнава» деган жойга нисбат берилган. У — Самарқанд қишлоқ-ларидан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдулваҳҳоб аз-Захийнавай (ваф. тахм. 300 х.й.)

(Абу Мухаммад) Абдулваҳҳоб ибн ал-Ашъас ибн Наср ибн Сура ибн Арафий ибн Сияр ал-Ханафий аз-Захийнавай. Илм истаб, Ирокка кўчиб ўтган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. Тахм. 300 х.й.да вафот этган (2:3/4; 11: 3/8).

371

АЗ-ЗАРЪАЙНИЙ

«Заръайна» деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро қишлоқларидан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Имрон аз-Заръайний (Абу Зайд) Имрон ибн Мусо ибн Ғаромиш аз-

Заръайний ал-Бухорий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/5; 11: 3/9).

372

АЗ-ЗАММО

«Заммо» деган жойга нисбат берилган. У — Самарқанд қишлоқ-ларидан бири. Шу жойга нисбат берилганлардан:

1. Аҳмад аз-Заммо

Аҳмад ибн Мухаммад ибн ас-Сакор ад-Дехкон аз-Заммо. Ривоят қилувчилар сирасидан ҳисобланар эди. У уламолардан, ундан эса бошқалар ҳадис ривоят қилганлар (2: 3/7; И: 3/12).

373

АЗ-ЗАЙЁЛИЙ

Зайёл деган исмга нисбат берилган. У — Марв ах_лига мансуб бўлган бобонинг исми. Куйидаги олим шу нисбага мансубдир:

1. Аҳмад аз-Зайёлий (ваф. 313 х.й.дан кейин)

(Абу Али) Аҳмад ибн Мухаммад ибн Абдулваҳҳоб ибн Собит ибн Шаддод ибн Алход ибн ал-Ҳадход ал-Марвазий — Ибн Зайёлий номи билан танилган. Аждодларининг келиб чиқиши марвлик бўлса-да, лекин ўзи Ба.ғдодда туғилиб, вояга етган. Кўзи ожиз бўлган. У

«со аз-Зийбадвоний/аз-Займуний/ар-Роғасрасаний/ар-Роғаний/ар-Ромароний

уламолардан, ундан эса бошқалар хадис ривоят қилганлар. 313 х.йдан кейин вафот этган (11: 3/19).

**374
АЗ-ЗИЙБАДВОНИЙ**

«Зийбадвон» деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро қ,ишлоқ,-ла.ридан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдулваҳҳоб аз-Зийбадвоний (ваф. 313 х.й.дан кейин)

(Абу Аҳмад) Абдулваҳҳоб ибн Абдулвоҳид ибн Аҳмад ибн Абу Нуш аз-Зийбадвоний ал-Бухорий. Фозил ва солих шайх ҳисобланган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 313 х.й.дан кейин вафот этган (2: 3/11; 11: 3/19).

**375
АЗ-ЗАЙМУНИЙ**

«Займун» деган жойга нисбат берилган. Бухоро қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олимлар шу жойга мансубдирлар:

1. Абдулазиз аз-Займуний

(Абулқосим) Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мурсид ибн Муқотил ибн Ҳайён ан-Набатий ал-Бухорий аз-Займуний. Бухоро аҳлидан, фозил фақиҳ бўлган. У уламолардан, ундан эса

бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/11; 11: 3/19).

2. Ҳаким аз-Займуний (ваф. 416 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Ҳаким ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ибн Ҳаким аз-Займуний. Шофиъий мазҳабининг фақиҳи бўлган. Фикҳ илмини Марвда ўрганган. Сўнгра калом илмини ўрганган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 416 х.й.да Марвда вафот этган (11: 3/20).

**376
АРРОҒАСРАСАНИЙ**

«Роғасрасано» деган жойга нисбат берилган. У — Насаф қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ар-Роғасрасаний

(ал-Имом Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мусо ан-Насафий ар-Роғасрасаний. Самарқандда яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/27).

**377
АРРОҒАНИЙ**

«Роран» деган жойга нисбат берилган. У — Дабусия ях,инидаги Сўрди Самарқанд қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ар-Роғаний

(Абу Муҳаммад) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ад-Дабусий ар-Роғаний. Хадис айтиб ёздирган. «Мағозийу-л-Воқидий» («Воқидий юришлари») асарини ривоят қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/27).

**378
АРРОМАРОНИЙ**

«Ромарон» деган жойга нисбат берилган. У — Насо қишлоқларидан бири. Шу жойга мансуб олимлар:

1. Ал-Ҳасан ар-Ромароний (ваф. 400 х.й.дан кейин)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Али ан-Насавий ар-Ромароний — фозил имом бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 400 х.й.дан кейин вафот этган (11: 3/27).

2. Муҳаммад ар-Ромароний (ваф. 360 х.й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Иброҳим ибн Исо ан-Насавий ар-Ромароний — Ромарон аҳлига мансуб фозил фақиҳ бўлган. Хусни хулқ соҳиби бўлган ва кўп хадисларни ёд билган. Илм излаб, Шом (Сурия), Ироқ, Ҳижоз ва Мисрга борган ҳамда хадис илмини

ўргангунча ўша юртларда яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 360 х.й.да вафот этган (11: 3/28).

379
АРРОМУШИЙ

«Ромуш» деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро қишлоғи Ларидан бири. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Али ар-Ромуший

(Ҳамидуддин) Али ибн Муҳаммад ибн Али ар-Ромиший ал-Бухорий. Кўзи ожиз бўлган. Усул [^]л-фикх ва фуруъ ал-фикх олими, муҳаддис ва муфассир бўлган. Унинг асарларидан: «ал-Фавоид» («Фойдалар»), «Шарх ан-Нофиъ» («ан-Нофиъ шархи»), иккаласи хам ханафийлик мазҳабининг гуруъ ал-фикҳига оид асарлардир (17: 2/516).

2. Иброҳим ар-Ромиший

Абу Исҳоқ) Иброҳим [^]:-: ал-Ҳасан ибн • 1ухаммад ибн Иброҳим *?бя Исҳоқ ибн Ҳаммод.... [бн Қутн ибн Мансур ибн Солиҳ ибн Рафид ибн **Бажиҳ** ибн Абдулазиз ал- • -исрий ар-Ромуший. У гламолардан, ундан эса ошқалар ривоят **илганлар** (2: 3/19; **11: 3/**

380
АРРОМАНИЙ

«Романа» деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро қишлоғи Ларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абу Аҳмад ар-Романий

(Абу Аҳмад) ибн Ҳаким ибн Лукмон ар-Романий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/19; 11: 3/30).

381
АРРОМИТАНИЙ

«Ромитан» («Роми-тана»[^] — «Армитана») деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Рух ар-Ромитаний

(Абу Иброҳим) Рух ибн ал-Мустанир ар-Ромитаний ал-Бухорий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/20; 11: 3/30).

2. Муҳаммад ар-Ромитаний

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абу Ҳошим Солиҳ ибн Рафид ибн Абдуссалом ар-Ромитаний. У уламо-лардан, ундан эса бошқалар ривоят қилган-лар (**11: 3/30**).

382
АРРОҲИБИЙ

«Роҳ,иб» деган номга нисбат берилган. У — Насаф ах[^]лидан бўлган бобонинг номи. Ушбу номга нисбат берил-ганлар:

1. Муҳаммад ар-Рохибий (ваф. 385 х.й.)

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Бакр ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Рохиб ар-Рохибий ал-Фароизий. Насаф ахлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 385 х.й.да вафот этган (**11: 3/33**).

2. Аҳмад ар-Рохибий (347-426 х.й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Бакр ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Рохиб ар-Рохибий ал-Фароизий — адиб ва шоир ҳамда Насаф шахрининг фахрли арбобларидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 347 х.й.да туғилиб, 426 х.й.да вафот этган (11: 3/33).

3. Аҳмад ар-Рохибий (ваф. 386 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Жаъфар ибн Рохиб ибн Исмоил ал-Баззоз ар-Рохибий — ишончли ровий шайх бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 386 х.й.да вафот этган (**И: 3/33**).

170 ар-Роҳувий/ар-Риботий/ар-Рабазий/ар-Рабанжаний

383 АРРОҲУВИЙ

«Роҳ,уйа» деган исмга нисбат берилган. У — Марв ақлидан бўлган бобонинг номи. Шу номга нисбат берилганлар:

1. Исҳоқ ар-Роҳувий (161-238 х.й.)

(Абу Яъқуб) Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Махлад ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ ... ибн Тамим ал-Ҳанзалий ал-Марвазий ар-Роҳувий. Марв аҳлига мансуб машхур имом бўлган. Нишопурда яшаган. Унинг сўз ва фикрларига одамлар эргашган. У уламолардан ривоят қилган ва ундан бошқалар ривоят қилганлар. 161 х.й.да туғилиб, 238 х.й.да вафот этган (11: 3/34).

2. Муҳаммад ар-Роҳувий (ваф. 289 х.й.)

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Ҳанзалий ал-Марвазий ар-Роҳувий — юқорида зикр этилган Абу Яъқубнинг ўғли. Марвда туғилган ва Нишопурда ўсиб-улғайган. Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Миср юртларида ҳадис ёзиб олган. Фикҳ илми бўйича олим бўлган. Яхши сийратли ва ҳадисга амал қилувчи олим бўлган. Аввал Марвда, сўнгра Нишопурда қозилик лавозимида ишлаган. Уламолардан ривоят қилган ва ундан бошқалар

ривоят қилганлар. 289 х.й.да вафот этган (11: 3/34).

3. Муҳаммад ар-Роҳувий (ваф. 339 х.й.)

(Абуттаййиб) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Махлад ал-Ҳанзалий ар-Роҳувий — юқорида номи зикр этилган Абулҳасаннинг ўғли. Унинг бобоси Ибн Роҳувия номи билан машхур бўлган. Асли марвазий бўлган. Бағдодда ягдаб, ўша ерда ҳадис илмини ўрганган. Ишончли муҳаддис ва фаҳиқ бўлган. У уламолардан ривоят қилган ва ундан бошқалар ривоят қилганлар. 339 х.й.да вафот этган (И: 3/34).

384 АРРИБОТИЙ

«Рибот» деган жойга нисбат берилган. У — отлар боғлаб қўйиладиган жойнинг номи. Марв аҳлининг ғозилари номи билан танилган. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ар-Риботий (ваф. 243 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Аҳмад ибн Сайд ибн Иброҳим ар-Риботий. Марв ақлидан бўлган. Ишончли муҳаддис ҳамда суфийларнинг машхур шайхларидан бири бўлган. Зоҳирий ва ҳақиқат илмларини мукамал

билган. Уламолардан ривоят қилган ва ундан бошқалар ривоят қилганлар. 243 х.й.да вафот этган (11: 3/39).

385 АРРАБАЗИЙ

«Рабаз» — Марвнинг чеккасидаги машхур деворга нисбат берилган. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад ар-Рабазий

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Бакр ибн Юнус ибн ал-Халил ал-Муаддаб ар-Рабазий, аслида ал-Марвазий. У уламолардан ривоят қилган ва ундан бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/29; И: 3/43).

386 АР-РАБАНЖАНИЙ

«Рабанж» деган жойга нисбат берилган. У — Сўғди Самарканд қишлоқларидан бири. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Аҳмад ар-Рабанжаний

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ар-Рабанжаний ас-Сағдий. Уламолардан ривоят қилган ва ундан бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/44).

2. Муҳаммад ар-Рабанжаний

**ар-Рабанжаний/ар-Ражой/ар-Раххол/ар-Руххоний/ар-Рухшайюзий/
ар-Рахийнуний/ар-Разоний** ^7^

(Абу Саъд) Мухаммад ибн Хишом ибн Исҳоқ ар-Рабанжаний сўнгра ал-Бухорий. Уламолардан ривоят қилган ва ундан бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/44).

**387
АРРАЖОЙ**

«Ражо» деган жойга нисбат берилган. У — Сарахс вох,аси қишлоқларидан бири. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Абдуррашид ар-Ражой

Абдуррашид ибн Носир ар-Ражой — машхур воиз султан. Исфаҳон ўлкасига бориб, ўша ерда муқим яшаган. Уламолардан ривоят қилган ва ундан бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/31).

2. Ал-Қози ар-Ражой

(Абулфазл) ар-Ражой ас-Сарахсий ал-Қози. Сарахсдаги бир қишлоқдан бўлган. Уламолардан ҳадис эъятиб, ёзиб олган (11: 3/46).

**388
АР-РАХХОЛ**

«Граҳдол» деган номга нисбат берилган. Бу ном ўша даврда Самарқанд ахлидан бўлган олимлар орасида х,адис илми йўлида кўп сафар ва саёх,атлар қилганларга нисбатан берилган. Шу номга нисбат берилганлардан:

1. Мухаммад ар-Раххол

(Абулфазл) Мухаммад ибн Аҳмад ибн Мужоҳид ибн Юнус ал-Қоғидий ас-Самарқандий. «Ар-Раххол ал-аъян» («Таниқли сайёҳ») номи билан танилган. Самарқанд ахлидан бўлган. Илм талабида кўп йиллар сафар қилган ҳамда ҳадисга оид ҳикоят ва хабарларни йиғиш йўлида кўп заҳматлар чеккан. Шунинг учун у «Раххол» («сайёҳ», «кезувчи») деган унвонга эга бўлган. Уламолардан ҳадис эшитиб, ёзиб олган (11: 3/47).

**389
АРРУХХОНИЙ**

«Руххон» деган жойга нисбат берилган. У — Марв қ,ишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Аҳмад ар-Руххоний

(Абу Абдуллоҳ) Аҳмад ибн ал-Хаттоб ар-Руххоний. У кўп ҳадислар ёзиб қолдирган. Уламолардан ҳадис эшитиб, ёзиб олган (2: 3/43; 11: 3/52).

2. Ал-Ҳасан ар-Руххоний (ваф. тахм. 470 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн ал-Қосим ар-Руххоний. Руххонлик фозил фақиҳ бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. Тахм. 470 х.й.да вафот этган (11: 3/52).

**390
АРРУХШАЮЗИЙ**

«Рухшайуз» деган жойга нисбат берилган. У — Термиз қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Мухаммад ар-Рухшайузий

(Абулхусайн) Мухаммад ибн Исҳоқ ал-Каробисий ар-Рухшайузий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/53).

**391
АРРАХИЙНУНИЙ**

«Рахийнун» деган жойга нисбат берилган. У — Самарқанд қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдулвахҳоб ар-Рахийнуний

Абдулвахҳоб ибн ал-Ашъас ал-Ҳанафий ар-Рахийнуний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/54).

**392
АРРАЗОНИЙ**

«Раззон» («Раён») деган жойга нисбат берилган. У — Насо қ,ишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1^2 ар-Разоний/ар-Розабодий/ар-Ризомий/ар-Размозий/ар-Разманохий/ар-Разийкий

1. Мухаммад ар-Разоний

(Абу Жаъфар) Мухаммад ибн Абу Жаъфар Авн ар-Разоний ан-Насавий. Ироқ ва Нишопурда хадис эшитган. У уламолардан, унда'н эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/47; 11: 3/56).

393 АРРОЗАБОДИЙ

«Розабод» деган жойга нисбат берилган. У — Марв кўчаларидан бирининг номи. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Исмоил ар-Розабодий

(Абулвафо) Исмоил Аҳмад ар-Розабодий ал-Марвазий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/57).

394 АРРИЗОМИЙ

«Ризом» деган жойга нисбат берилган. У — Марвнинг Шох,анжох, деган жойидаги мах,алланинг номи. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ризом ар-Ризомий

Ризом ибн Абу Ризом ал-Мутаввий ар-Ризомий, Абдуллоҳ ибн Муборак билан ғазотда қатнашган ва Ибн

Муборакдан икки йил олдин шаҳид бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/47; 11: 3/59).

395 АРРАЗМОЗИЙ

«Размоз» деган жойга нисбат берилган. У — Сўғди Самарканд қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Мухаммад ар-Размозий (ваф. 379 х.й.)

(Абу Бакр) Мухаммад ибн Жаъфар ибн Жобир ибн Фуркон ар-Размозий ас-Сўғдий ад-Дехқон. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 379 х.й.да вафот этган (2: 3/48; 11: 3/60).

2. Иброҳим ар-Размозий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Занун ар-Размозий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/60).

3. Абу Мухаммад ар-Размозий

(Абу Мухаммад) ар-Размозий ас-Сўғдий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/60).

4. Абу Абдуллоҳ ар-Размозий

(Абу Абдуллоҳ) ар-Размозий ас-Сўғдий. У

уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/60).

396 АРРАЗМАНОХИЙ

«Разманох» деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Мухаммад ар-Разманохий

(Абу Абдуллоҳ) Мухаммад ибн Юсуф ибн Ридом ибн Ҳанаш ар-Разманохий ал-Бухорий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/60).

2. Ҳотам ар-Разманохий

(Абу Сайд) Ҳотам ибн Мухаммад ибн Мансур ар-Разманохий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/60).

397 АРРАЗИЙҚИЙ

«Разийх»,к,а нисбат берилган. У — Марвдаги дарёнинг номи.Ушбу дарё буйида сахрба Бурайда ал-Асламийнинг к,абри жойлашган. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Аҳмад ар-Разийкий

Аҳмад ибн Исо ал-Ҳаммол ар-Разийкий ал-Марвазий — Абдуллоҳ ибн

**ар-Разийкий/ар-Растағфирий/ар-Рустағфаний/ар-Рашодий/ар-Риштоний/
ар-Разрозий** ^уд

Муборакнинг катта шогирдларидан бири ва ишончли ровий бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/48; 11: 3/60).

2. Абдуррахмон ар-Разийкий

(Абу Бакр) Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ар-Разийкий ал-Марвазий. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳақидаги хабарларни ва ровийларнинг номларини ёд билган. Ҳадисларнинг турларини нисбатан танқид қила олган. Нутқи фасиҳ ва етук зот бўлган. Бағдодда туғилиб-ўсган. Сўнгра Разийқ дарёсининг қуйи қисмида яшаган. У уламолардан ривоят қилган, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/60).

398 АРРАСТАҒФИРИЙ

«Растағфир» деган жойга нисбат берилган. У — Самарканд хишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Довуд ар-Растағфирий

Довуд ибн Амр ар-Растағфирий ал-Иштихоний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/62).

399 АР-РУСТАҒФАНИЙ

«Рустағфан» деган жойга нисбат берилган. У — Самарканд хишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Али ар-Рустағфаний (тахм. 333/944 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

(Абулҳасан) Али ибн Сайд ар-Рустағфаний — ханафий, мутакаллим, мотуридиянинг катта вакилларидан бири бўлган. Асарлари: «Иршоду-л-мухтадий фи усули-д-дин» («Усулу-д-динда ҳидоятга бошловчи»), «аз-Завоид ва-л-фавоид фи анвоъи-л-улум» («Илм соҳаларида зиёда фойдалар»), «ал-Фатово» («Фатволар»). У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/62; 17: 2/445).

400 АРРАШОДИЙ

«Рашод» деган исмга нисбат берилган. У — Самарканд ақларидан бўлган баъзи боболарнинг исми. Ушбу исмга нисбат берилганлардан:

1. Муҳаммад ар-Рашодий (ваф. 339 ҳ.й.)

(Абуннаسر) Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Рашод ибн Бур ибн Убайдуллоҳ ар-

Рашодий ас-Самарқандий — ишончли ровий, катта фазл ва тақво эгаси бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 339 ҳ.й.да вафот этган (11: 3/67).

401 АРРИШТОНИЙ

«Риштон» деган жойга нисбат берилган. У — Марғинон к,ишлоқ,ларидан бири, Марғинон Фарғона вақасида жойлашган. Қуйидаги олим игу жойга мансубдир:

1. Шайхулислом ар-Риштоний

Хоразмда «Шайхулислом» деган номга сазовор бўлган. Ар-Риштоний нисбаси билан танилган (2: 3/52).

402 АРРАЗРОЗИЙ

«Разроз» деган жойга нисбат берилган. У — Самарканд мавзеларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ар-Разрозий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуллоҳ ар-Разрозий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/74).

403
АРРУФУНИЙ

«Руфун» деган жойга нисбат берилган. У — Самарканд қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Наср ар-Руфуний

(Абуллайс) Наср ибн Муҳаммад ибн Бук ар-Руфуний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/80).

404
АР-РАКУНДИЙ

«Рақунд» деган жойга нисбат берилган. У — Самарканд қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ар-Рақундий (ваф. 510 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдулмунъим ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн ибн Анас ар-Рақундий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 510 х.й.да 74 ёшида вафот этган (11: 3/86).

405
АР-РУВЗАБОРИЙ

«Рувзабор» деган жойга нисбат берилган. У — Шоханжох, в а Шош қишлоқларидан бири. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Муҳаммад ар-Рувзаборий (ваф. 540 х.й.дан кейин)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Абу Ҳомид Амирко ибн Абу Фарко ал-Жайлий ар-Рувзаборий ал-Қозий — Марв аҳлидан бўлган. Ўттиз йилдан ошиқ козилик қилган. Адаб илмини яхши билган ва гўзал ҳуснихат соҳиби бўлган. Фикҳ илмидан ҳам бир оз боҳабар бўлган. Китобларни мутолаа қилишдан ташқари, улардан нусха кўчириш билан ҳам шуғулланган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 540 х.й.дан кейин вафот этган (11: 3/101).

2. Аҳмад ар-Рувзаборий (ваф. 465 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Аҳмад ибн Яъқуб ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ар-Рувзаборий. Самарқандда яшаган. Иқтидорли имом ва муфассир бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 465 х.й.да вафот этган (11: 3/101).

406
АР-РУВЗАФАҒКАДИЙ

«Рувзафағкад» деган жойга нисбат берилган. У — Самарканд қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад ар-Рувзафағкадий (ваф. 508 х.й.)

(Ал-Имом Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абу Ҳанифа ибн Имрон ибн Али ибн Абдулқарим ал-Усрушаний ар-Рувзафағкадий. Самарқандда яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 508 х.й.да вафот этган (11: 3/102).

407
АРРУДАКИЙ

«Рудак» деган жойга нисбат берилган. У — Самарканд қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Мусо ар-Рудакий

Мусо ибн Фазлавия ар-Рудакий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/103).

408
АРРАВҚИЙ

«Равқ» деган исмга нисбат берилган. У — Марв а^алига мансуб бўлган бобонинг исми. Шу исмга нисбат берилганлар:

1. Муҳаммад ар-Равқий (ваф. 268 х.й.)

Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Абдуллох ибн Равқ ар-Росибий ар-Равқий. У уламолардан,

ар-Райёний/ар-Рихашний/ар-Рийғазмуний/ар-Рикназий/ар-Рийвдадий *ис

ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 268 х.й.да вафот этган (11: 3/104).

**409
АРРАЙЁНИЙ**

«Райён» («Разон»)га нисбат берилган. У — Насо қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Мухаммад ар-Райёний

(Абу Жаъфар) Мухаммад ибн Абдуллох ибн Абу Авн ан-Насавий ар-Райёний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/112).

2. Аҳмад ар-Райёний

(Абу Жаъфар) Аҳмад ибн Мухаммад ибн Абдулжаббор ар-Райёний ан-Насавий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/112).

**410
АРРИХАШНИЙ**

«Рихшан» деган жойга нисбат берилган. У — Самарканд қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Али ар-Рихашний ваф. 520 х.й.)

(ал-Имом) Али ибн Абуттайиб ибн Абдуллох ибн Абу Ҳафс ар-

Рихашний ал-Муборакий — Самарканд ахлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 520 х.й.да вафот этган (11: 3/114).

**411
АРРИЙҒАЗМУНИЙ**

«Рийғазмун» деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро қишлоқларидан бири. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Аҳмад ар-Рийғазмуний (414-493/1024-1100)

(Ал-Қози Абу Наср) Аҳмад ибн Абдуррахмон бн Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Абдуллох ар-Рийғазмуний ал-Бухорий — «ал-Қозий ал-жамол» номи билан машхур қози, фозил, оқил ва саховатли имом бўлган. У ўз даврида Бухоро уламолари орасида энг пешқадам олим бўлиб, қозилик қилган ва атрофидагиларга ҳадислар имло қилган, ундан ҳадис кўчирганлар. У

уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 414 х.й. шаввол ойида туғилган ва 493 х.й. рамазон ойида Бухорода вафот этган. Асосий асари: «Ғирару-ш-шурут ва дурару-с-сумут» («Шартларнинг аҳамият-сизлиги ва сукут сақлашнинг фойдаси») (2:1/165; 11: 3/114).

2. Жалолуддин ар-Рийғазмуний (ваф. 493/1100 й.)

(ал-Қозий) Жалолуддин ар-Рийғазмуний, ал-Ҳанафий. Қозилардан бўлган. Унинг «Илму-ш-шурут ва-с-сажалот» («Шартлар ва архив илми») асари бўлган (2: 1/501).

**412
АРРИКНАЗИЙ**

«Райканкаж» («Рикназ»)га нисбат берилган. У — Марв қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Мансур ар-Рикназий

Мансур ибн Абдуллох ибн Мансур ибн Абдуллох ибн ал-Ҳасан ибн Хилол ар-Рикназий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/115).

**413
АРРИЙВДАДИЙ**

«Рийвдад»га нисбат берилган. У — Самарканд қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Наъим ар-Рийвдадий (ваф. 382 х.й.)

(Абу Мансур) Наъим ибн Аҳмад ибн Бакр ибн Исҳоқ ар-Рийвдадий. Ҳадис эшитишда тўғри бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар

**ар-Рийвдайий/ар-Рийварсуний/ар-Рийвақоний/ар-Рийвий/
* ис аз-Зозабихий/аз-Зозакий/аз-Зорий**

ривоят қилганлар. 382
х.й.да вафот этган (11: 3/
115).

414 АР-РИЙВДАЙИЙ

«Рийвдай»га нисбат
берилган. У — Бухоро
қишлоқларидан бири.
Қуйидаги олим шу жойга
мансубдир:

1. Бишр ар-Рийвдайий
(Абу Сайд) Бишр ибн
Илёс ар-Рийвдайий.
Рийвдай аҳлидан. У
уламолардан, ундан эса
бошқалар ривоят
қилганлар (2: 3/130; 11: 3/
115).

415 АР-РИЙВАРСУНИЙ

«Рийварсун»га нисбат
берилган. У — Марв
қишлоқларидан бири.
Қуйидаги олим шу жойга
мансубдир:

**1. Иброҳим ар-
Рийварсуний**
(Абу Исҳоқ) Иброҳим
ибн Муҳаммад ибн Исо
ибн Ханож ибн Мансур
ар-Рийварсуний ал-
Бухорий. У ўз даврида
«ипак юзли», «Хуросон
атиргули» деган лақаблар
билан танилган. Ироққа
сафар қилган. У
уламолардан, ундан эса
бошқалар ривоят
қилганлар (11: 3/116).

416 АР-РИЙВАҚОНИЙ

«Рийвақон» деган
жойга нисбат берилган.
У — Марв қишлоқларидан
бирининг номи. Қуйидаги
олим шу жойга
мансубдир:

1. Убайдуллоҳ ар- Рийвақоний

(Абу Муҳаммад)
Убайдуллоҳ ибн Уқба ар-
Рийвақоний. У
уламолардан, ундан эса
бошқалар ривоят
қилганлар (11: 3/116).

417 АРРИЙВИЙ

«Рийв» деган жойга
нисбат берилган. У —
Бухоро дах,аларидан
бирининг номи. Қуйидаги
олим шу жойга
мансубдир:

1. Иброҳим ас- Сарахсий (ваф. 417 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим
ибн Аҳмад ибн Муҳаммад
ибн Абдуллоҳ аз-Зоҳид
ар-Рийвий ас-Сарахсий. У
уламолардан, ундан эса
бошқалар ривоят
қилганлар. 417 х.й.да вафот
этган (11: 3/118).

418 АЗ-ЗОЗАБИХИЙ

«Зозабих» деган номга
нисбат берилган. У —
Насо аҳлидан бўлган
бобонинг номи. Унга
нисбат берилганлардан:

1. Муҳаммад аз- Зозабихий

(Абу Жаъфар)
Муҳаммад ибн Аҳмад ибн
Амр ибн Зозабих ан-
Насавий аз-Зозабихий. У
уламолардан, ундан эса
бошқалар ривоят
қилганлар (11: 3/120).

419 АЗ-ЗОЗАКИЙ

«Зозак» деган жойга
нисбат берилган. У —
Мовароуннах,рдаги Кеш
(х,озирги Шах,рисабз)
қишлоқларидан бирининг
номи. Қуйидаги олим шу
жойга мансубдир:

1. Масъуд аз-Зозакий
(Абу Сайд) Масъуд ибн
Лайсавия ибн Осим ибн
Наср аз-Зозакий. У
уламолардан, ундан эса
бошқалар ривоят
қилганлар (11: 3/120).

420 АЗ-ЗОРИЙ

«Зор» деган жойга
нисбат берилган. У —
Сўғди Самарканд қишлоқ-
ларидан бирининг номи.
Қуйидаги олим шу жойга
мансубдир:

1. Яхё аз-Зорий
Яхё ибн Хурайма аз-
Зорий ал-Иштихоний. У
уламолардан, ундан эса
бошқалар ривоят
қилганлар (2: 3/140; 11: 3/
116).

421
АЗ-ЗОРАЁНИЙ

«Зораён» деган жойга нисбат берилган. У — Марв цишлоқлардан бирининг номи. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ибн Ражо аз-Зораёний

(Абурражо) ибн Ражо аз-Зораёний ал-Марвазий. Табаъ тобеъинлардан. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/120).

422
АЗ-ЗОЗ

«Аз-Зоз» деган номга нисбат берилган. У — Сарахс ах^лидан бўлган бобонинг исми. Шу номга нисбат берилганлардан:

1. Муҳаммад аз-Зоз [тав. 470 х.й.]

>Абу Саъд) Муҳаммад ибн Абдулхамид ибн Ахмад ибн Муҳаммад ибн Аслуррахмон ибн Ахмад ибн Муҳаммад аз-Зоз. 2=рахс ахлидан. «Шайх садид» номи билан танилган. «Байту-л-илм Зо-л-хадис»дан, яъни илм ка хадис мактабидан «ўлган. У уламолардан, ршдан эса бошқалар ::н:ят қилганлар. 470 нзд туғилган (11: 3/121).

423
АЗ-ЗОҒАРСАВСАНИЙ

«Зоғарсавсан» деган жойга нисбат берилган. У — Насаф қишлоқларидан бирининг номи. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Бакр аз-Зоғарсавсаний (ваф. 525 х.й.)

(Абу Али) Бакр ибн Абдуллох ибн Мусо ибн Али аз-Зоғарсавсаний ан-Насафий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 525 х.й. 88 ёшида вафот этган (11: 3/121).

424
АЗ-ЗОҒУЛИЙ

«Зоғул» деган жойга нисбат берилган. У — Марварруз цишлоқларидан Банжедия («Беш қишлоқ») цишлоғидан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад аз-Зоғулий (472-559/1080-1164)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Али ибн Яъкуб ал-Марвазий аз-Зоғулий — хофиз муҳаддис, муфассир, тилшунос ва фақих бўлган. Зоғулда туғилган ва Марвда яшаб шуҳрат қозонган. Ҳадисларни жамлаб, уларни тасниф этган. Куп ёзган ва Ҳиротга кўчиб

ўтган. 472 х.й.да туғилган ва 559 х.й. 12 жумоду-лохира ойида вафот этган. Унинг тўрт юз жилдли «Қайду-л-авобид фи-ттафсир ва-л-хадис ва-л-фикх ва-л-луға» («Тафсир, хадис, фикх ва тилшуносликка оид ажойиб китоб») номли асари бўлган (2: 3/658; 11: 3/122).

425
ЗОМИНИЙ

«Аз-Зомин» («Сабза»)га нисбат берилган. У — Бухоро қишлоқ^аридан бирининг номи бўлиб, айтишларича, Самарканд нох,ияларидан бир шах,арча х,ам шу ном билан аталган. Шу жойга нисбат берилгднлар:

1. Муҳаммад аз-Зоминий (ваф. 415 х.й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Асад ибн Товус аз-Зоминий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 415 х.й.да вафот этган (2: 3/143; 11: 3/123).

2. Илёс аз-Зоминий

(Абулфазл) Илёс ибн Холид аз-Зоминий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/144).

3. Исрофил аз-Зоминий

Исрофил аз-Зоҳид аз-Зоминий — солих шайх ва зоҳид бўлган. У

1 по аз-Зоминий/аз-Зоварий/аз-Зоҳирий/аз-Забағдувоний/аз-Забуйий

уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/122).

4. Жумаҳир аз-Зоминий

(Абу Бакр) Жумаҳир ибн Али аз-Зоминий — шайх. У Усрушана (Усрушана) тасарруфидаги ўлкаларидан бири — Зомин қозилигида шайх бўлган. Сўнгра Самарқандга борган. Ундан ҳадис тинглаб, кўчирганлар. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/122).

5. Аҳмад аз-Зоминий (ваф. 302 х.й.)

(Абу Саҳл) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яздод ар-Розий сўнгра аз-Зоминий — аҳли раъйлардан бўлган. Зоминда яшаб, ўша ерда 302 х.й.да вафот этган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/122).

6. Али аз-Зоминий

(Абулҳасан) Али Абу Саҳл ибн Ҳамза ибн Мансур аз-Зоминий — зоҳид ва фозил имом бўлган. Самарқандда таълим тизимини бошқарган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 494 х.й.да вафот этган (11: 3/123).

**426
АЗ-ЗОВАРИЙ**

«Зовар» деган жойга нисбат берилган. У — Сўғди Самарқанд қишлоқ, ларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Наср аз-Зоварий (ваф. 294 х.й.)

(Абуллайс) Наср ибн Сайёр ибн ал-Фатҳ аз-Зоварий ас-Самарқандий — илм излаш билан тинимсиз машғул бўлган. Унинг бир қанча асарлари бўлган. Умри давомида Хуросон, Ирок, Миср ва бошқа юртларга сафар қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 294 х.й.да вафот этган (2: 3/144; 11: 3/123).

**427
АЗ-ЗОҲИРИЙ**

«Зоҳ,ир» деган исмга нисбат берилган. У — Сараҳе ва Бухоро а^лига мансуб бўлган бобонинг исми шарифи. Шу исмга нисбат берилганлар:

1. Муҳаммад аз-Зоҳирий (335-429 х.й.)

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Юсуф ад-Дандонқоний аз-Зоҳирий. Абу Зоҳирдан фикҳ илмини ўрганган ва ундан кўплаб ҳадислар тинглаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар

ривоят қилганлар. 335 х.й.да туғилиб, 429 х.й.да вафот этган (11: 3/125).

2. Ал-Ҳасан ал-Бухорий (ваф. тахм. 449-450 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Яъқуб ибн ас-Сакан ибн Зоҳир аз-Зоҳирий ал-Бухорий. Бухоролик катта бобосининг номига нисбат берилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. Тахм. 449 — 450 х.й.да вафот этган (11: 3/126).

**428
АЗ-ЗАБАҒДУВОНИЙ**

«Забавдувон» деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро х,ишлоқ,ларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Афлах аз-Забағдувоний

(Абу Муҳаммад) Афлах ибн Бисом аш-Шайбоний аз-Забағдувоний. Хайр-эхсон соҳиби ва дуолари мустажоб зот бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/133).

**429
АЗ-ЗАБУЙИЙ**

«Забуйа» деган жойга нисбат берилган. У — Марв к,ишлоқ,ларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

аз-Забуйий/аз-Забибий/аз-Зужожий/аз-Заржиний/аз-Зарахсий/аз-Зарзамий *пп

1. Аҳмад аз-Забуйий

(Абу Хомид) Аҳмад ибн Сурур аз-Забуйий. Кичик киссаларни кўп билган, ёзиш ва усул билан машғул бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/147; 11: 3/134).

430

АЗ-ЗАБИБИЙ

«Забиб»га нисбат берилган. У — самарқандлик «забиб» (майиз) сотиш билан тирикчилик қилган бобонинг номи. Шу номга нисбат берилганлардан:

1. Али аз-Забибий (400 х.й.да ҳаёт бўлган)

(Абулҳасан) Али ибн Умар ибн аз-Забибий — Самарқанд ахлидан бўлган. Кўп ёзган, Хуросон, Бухоро ва Самарқанд шайхларидан ҳадис жамлаган. Тахм. 400 х.й.да ҳадис ёзган (11: 3/134).

431

АЗ-ЗУЖОЖИЙ

«Зужож» деган номга нисбат берилган. У — ойна, шиша сотиш билан кун кечирган сарахлик бобонинг номи. Шу номга нисбат берилганлар:

1. Исмоил аз-Зужожий

(Абулқосим) Исмоил ибн Муҳаммад аз-Зужожий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/141).

2. Муҳаммад аз-Зужожий

Муҳаммад ибн Сайд ибн Ҳамза аз-Зужожий ас-Сарахсий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/141).

3. Иброҳим аз-Зужожий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Муҳаммад аз-Зужожий ал-Марвазий — Марв ахлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (И: 3/141).

432

АЗ-ЗАРЖИНИЙ

«Заржин» деган жойга нисбат берилган. У — Марв дах, аларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Разин аз-Заржиний

Разин ибн Абу Разин Муҳаммад ибн Абу Дарийн (ибн Абу Зарр ибн) ас-Сирож аз-Зарийний. Марв қозилигида унинг гувоҳлиги қабул қилинган. Икристима-дан ҳадислар ривоят қилган. Ибн ал-Муборак ундан ривоят қилган (2: 3/153; 11: 3/144).

2. Муҳаммад аз-Заржиний

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заржиний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/144).

433

АЗ-ЗАРАХСИЙ

«Зарахс» деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро кишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Сулаймон аз-Зарахсий (ваф. 328 х.й.)

(Абу Довуд) Сулаймон ибн Саҳл ибн Зуфар ибн Юнус ибн Талха аз-Зарахсий ал-Бухорий — Зарахс кишлоғидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 328 х.й.да вафот этган (2: 3/153; 11: 3/145).

2. Муҳаммад аз-Зарахсий (ваф. 399 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Сайд ибн Ҳамм ибн Довуд ибн Сулаймон аз-Зарахсий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 399 х.й.да вафот этган (11: 3/145).

434

АЗ-ЗАРЗАМИЙ

«Зарзам» деган жойга нисбат берилган. У — Марв кишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Али аз-Зарзамий (154-244 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Ҳажар ибн Саъд ибн Иёс ибн Муқотил ибн Муҳодиш ибн ал-Мушмариж ас-Саъдий аз-

Зарзамий. Зарзам кишло-ғида яшаб, ўша ерда вафот этган. Марвнинг имомлари ҳамда таникли такводор, ишончли олимларидан бири бўлган. Хужжати тўғри ҳисобланган фозил, ориф адиб ва тилшунос бўлган. Ироққа сафар қилиб, Ироқ ва Хижоз уламолари даражасига етган. Уламолардан ривоят қилган ва ундан Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва бошқалар ривоят қилганлар. Унинг олдйга турли шаҳарлардан имомлар келишган. 154 х.й.да туғилиб, 244 х.й.да вафот этган (11: 3/145).

2. Муҳаммад аз-Зарзамий

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Абу Тумайла Абд Раббихи ибн Сулаймон аз-Зарзамий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/146).

435

АЗ-ЗАРҚИЙ

«Зарқ» деган жойга нисбат берилган. У — Марв қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Муҳаммад аз-Заркий (ваф. 380 х.й.)

(Абу Аҳмад) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Яъқуб аз-Заркий ал-Марвазий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят

қилганлар. 380 х.й.да вафот этган (2: 3/154; 11: 3/146).

2. Исҳоқ аз-Заркий

(Абу Яъқуб) Исҳоқ ибн Юсуф ибн ал-Мусанний аз-Заркий — фазл ва илм сохиби бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/146).

3. Аҳмад аз-Заркий

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Яъқуб ибн Довуд ибн Аммор аз-Заркий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/147).

4. Ҳабиб аз-Заркий

Ҳабиб аз-Заркий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/147).

436

АЗ-ЗАРГАРОНИЙ

«Заргарон» деган жойга нисбат берилган. У — Самарқанд қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Ал-Ҳасан аз-Заргароний (ваф. 519 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн аз-Заргароний — «Арслон» лақаби билан машҳур бўлган хофиз. Самарқанд имоми бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. Тахм. 519 х.й. 139 ёшида вафот этган (11: 3/147).

437

АЗ-ЗАРМОНИЙ

«Зармон» деган жойга нисбат берилган. У — Сўғди Самарқанд қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Муҳаммад аз-Зармоний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Мусо аз-Зармоний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/155; 11: 3/148).

438

АЗ-ЗАРАНЖАРО

«Заранжаро» деган жойга нисбат берилган. У — Бухоро қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Умар аз-Заранжаро (ваф. 584/1188 й.)

(Абу Бакр) Умар ибн Бакр ибн Муҳаммад ибн Али аз-Заранжаро ал-Бухорий ал-Ҳанафий (Имодуддин) — факих бўлган. У — «Адабу-л-қозий» («Қозилик одоби») номли асар муаллифи. 584 х.й.да вафот этган (17: 2/555).

2. Бакр аз-Заранжаро (427-512/1036-1118)

(Абулфазл) Бакр ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Фазл ибн ал-Ҳасан ибн

Аҳмад ибн Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Усмон ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий, ал-Бухорий, аз-Заранжаро, ал-Ҳанафий — фозил имом бўлган ва Абу Ҳанифа мазхаби ҳақидаги ривоятларни яхши билган. Кўп маротаба умра қилган ва шу тариқа илми кенг ёйилган. Ҳадис билан кўп машғул бўлган. Ҳадислар имло қилган ва ундан ҳадис эшитганлар. Абу Саҳл ас-Сарахсий ва Абдулазиз ал-Хулвонийдан фикҳ илмини ўрганиб, фақиҳ бўлган. «Амолий аз-Заранжаро» («Заранжаро имло қилган ҳадислар») номли асари бўлган. 427 х.й.да турилиб, 512 х.й.да вафот этган (2: 3/155; 11: 3/148; 17: 1/445).

3. Довуд аз-Заранжаро

(Абу Сулаймон) Довуд ибн Талха ибн Қобус аз-Заранжаро — Заранжаро аҳлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/148).

4. Юсуф аз-Заранжаро

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Талха ибн Қобус аз-Заранжаро. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/147).

5. Умар аз-Заранжаро

(Абу Ҳафс) Умар ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Фахр аз-Заранжаро —

мазкур Абу Бакрнинг амакиси. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/155).

439

АЗ-ЗАРУВДИЗАКО

«Зарувдизако» деган жойга нисбат берилган. У — Самарканд қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Аҳмад аз-Зарувдизако

(Абу Яҳё) Аҳмад ибн Сайд ибн Нух ат-Тамимий ал-Хайёт аз-Зарувдизако. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/149).

440

АЗ-ЗИРРИЙ

«Зирр» деган исмга нисбат берилган. У Зирр ибн Абдуллоҳ, бўлиб, Қутайба ал-Бобилий билан биргаликда Бухорога келган ва шу ерда муқим қилган. Шу ерда у бир неча фарзандлар қурган. Шулардан бири:

1. Аҳмад аз-Зиррий (ваф. 366 х.й.)

(Абулфаворис) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Жумъа ибн ас-Сакан Уммия ибн Зирр ибн Абдуллоҳ ан-Насафий аз-Зиррий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 366 х.й.да вафот этган (11: 3/150).

441

АЗ-ЗАҒРИЙМОШИЙ

«Заириймош» деган жойга нисбат берилган. У — Самарқанддаги бир маҳалла. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Умар аз-Зағриймоший (453-523 х.й.)

(Ал-Имом) Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ал-Хуббоз аз-Зағриймоший — Самарқанд аҳлидан бўлган. Самарқанднинг имом-хатиби бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 453 х.й.да туғилиб, 523 х.й.да вафот этган (11: 3/157).

442

АЗ-ЗАҒАНДОНИЙ

«Зағандон» деган жойга нисбат берилган. У — Санжга яқин бўлган Марв қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Сулаймон аз-Зағандоний (ваф. 221 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Сулаймон ибн Абдуллоҳ аз-Зағандоний — фақиҳ бўлган. Имом аш-Шофиъий хузурларига бориб, ундан таълим олган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 221 х.й.да вафот этган (11: 3/157).

***ол аз-Занжоний**

Туқодий, ар-Румий, ал-Ҳанафий — бир қанча илмлар бўйича олим бўлган. Асарлари: «Хошия ала рисолати-л-истирлобли ибни-л-Мординий» (Ибн ал-Мординийнинг «Устурлаб» рисоласига хошия-изоҳ»), «Сирожул-қулуб фи шарҳи зиёил-қулуб фи-т-тасаввуф» («Тасаввуфда қалблар зиёси шарҳида қалблар нури»), «Манзумату-лақоид» («Ақоид манзумаси»), «Низому тартиби-л-улум» («Илмлар низоми») (17: 1/341).

5. Асадуллоҳ аз-Занжоний (1282-1345/1866-1935)

Асадуллоҳ ибн Али Акбар ибн Рустам аз-Занжоний — фақиҳ ва усулчи бўлган. Занжонга яқин бўлган Дизаж деган қишлоқда рамазон ойининг 19 куни туғилган ва ражаб ойи Нажафда вафот этган. Асарлари: «Хошия ар-расоъил» («Рисолаларга хошия-изоҳ», 3 жилдли), «Китобул-байъ» («Савдо-сотик китоби»), «Китобул-л-хиёрот» («Танлов китоби»), «Рисола фи қоида ло зарар» («Зарарсиз қоидалар китоби»), «Рисола фи қоидати уфу би-л-уқуд» («Ақдаги авф этиш қоидаси китоби») (17: 1/347).

6. Исмоил аз-Занжоний (ваф. 1332/1914 й.)

Исмоил аз-Занжоний — фозил инсон бўлган. Нажафда узоқ муддаг идш олган ва ўша ерда вафот этган. Асарлари: «Хошия риёзи-л-масоил» («Масалалар риёзиёти хошияси») (17: 1/364).

7. Жаъфар аз-Занжоний (1254-1334/1838-1916)

Жаъфар ибн Абдуллоҳ ал-Хуъийний, аз-Занжоний — фақиҳ ва усулчи бўлган. Асарлари: «Такрирот фи усул» («Усул илми тадқиқоти») (17: 1/485).

8. Жаъфар аз-Занжоний (1268-1337/1852-1919)

Жаъфар ибн Муҳаммад Боқир ибн Аббос Али ибн Муҳаммад ал-Қовоқий, ал-Анқуроний, аз-Занжоний, ас-Сажосий — фозил инсон ва бир қанча асарларнинг муаллифи бўлган (17: 1/491).

9. Жавод аз-Занжоний (ваф. 1349/1930 й.)

Жавод Аҳмад аз-Занжоний, ал-Козимий — адиб ва шоир бўлган, риёзат, чет тиллари, калом, фикҳ, усул ва бошқа илмларни билган. Козимияда кекса ёшида вафот этган. Жанозасини Нажафга келтириб ўқишган. Асарлари: «ал-Калом ат-таййиб» («Чиройли калом илми»), «ат-Тамҳид фи-н-наҳв» («Наҳв илмига кириш»),

«Илму-л-калом» («Калом илми»), «Санатани фи-л-аср» («Асирликдаги икки йил»), «Амал фи фунуни-л-арабия» («Араб илмлари ёзмаси») (17: 1/509).

10. Жавод ибн Муҳаррам (1263-1325/1847-1907)

Жавод ибн Муҳаррам Али ибн Қосим ат-Торумий, аз-Занжоний — усулчи фақиҳ, мутакаллим, наҳвчи ва сарфчи бўлган. Зу-л-қаъда ойида туғилиб, шаввол ойида Занжонда вафот этган. Асарлари: «Хошия ала-л-қавонийн» («Қонунлар хошияси», икки жилдли), «Мунтахабу-л-улум фи-с-сарф ва-н-наҳв» («Танланган сарф ва наҳв илмлари»), «Рабиъу-л-муҷтаҳидийн» («Мужтаҳидлар баҳори»), «Такмилу-л-имон фи исботи вужуди соҳиби-з-замон» («Соҳиби замон исботи ҳақида имоннинг мукаммаллиги»), «ал-Усул ал-жаъфария фи усули-д-дин» («Усул ад-диндаги жаъфария усули») (17: 1/511).

11. Ҳусайн аз-Занжоний (ваф. 1322/1904 й.)

Ҳусайн ас-Сижосий, аз-Занжоний — муфассир ва усулчи бўлган. Асарлари: «Тафсиру сурати-з-Зумар» («Зумар сурасининг тафсири», бир жилдли), «Шарҳу усули-л-

аз-Занжоний

: - : фий» («Кофий усули шарҳи», уч жилдли) (17: 1/611).

12. Хусайн аз-Занжоний (ваф. 1365/1946 ш.)

Хусайн Кули ал-Урөдий, аз-Занжоний — ~-: - ир. Унинг араб, турк ва ± эре тилларида девони :ўлган (17: 1/631).

13. Зулф Али (ваф. 1345/1926 й.)

Зулф Али ибн Абдуманноф ибн Муҳаммад Маъсум ад-Дийзажий, аз-Занжоний — олим ва адиб бўлган. Асарлари: «Асрору-т-туфуф» («Ён жиҳат сирлари», 2 жилдли), «Шарҳ хутаби Зайнаб» «Зайнаб хутбаси шарҳи»), «Уржуза фи-л-фикх» «Фикх илми ҳақида уржуза»), «Шарҳ манзумати баҳри-л-улум» «Баҳру-л-улум» манзуму-сига шарҳ») (17: 1/736).

14. Садруддин аз-Занжоний (1304-1356/1887-1937) Арабчаси

Садруддин ибн Абулқосим ибн Асадуллоҳ ибн Али ад-Дийзажий, аз-Занжоний. Асарлари: «Такрирот» («Тадқиқотлар») (17: 1/838).

15. Абу Толиб аз-Занжоний (1257-1329/1841-1911)

Абу Толиб ибн Абулқосим ибн Козим ал-Мусовий аз-Занжоний —

фақиҳ ва усулчи бўлган. У Техронга кўчиб ўтган ва ўша ерда рабиъу-с-соний ойининг 12 куни вафот этган. Лекин Машҳадда дафн этилган. Асарлари: «ат-Танқид фи аҳкоми-т-тақлид» («Тақлид ҳукмларида танқид»), «Изоҳу-с-субл фи-т-таржих ва-т-таъадул» («Тенглик ва таржихдаги йўллар баёни») (17: 2/8).

16. Аббос аз-Занжоний (1295-1351/1878-1932)

Аббос ибн Али Муҳаммад ал-Ҳасан Ободий, ат-Торимий, аз-Занжоний — фақиҳ ва усулчи бўлган. Асарлари: «Қоида ла зарар фи китоби мунжазоти-л-мариз» («Бемор дорилари китобидаги зарарсиз қоидалар»), «Китоб фи-л-усул» («Усул китоби»), «Китобу-л-вақф» («Вақф китоби»), «Натижату-л-ҳаёт» («Ҳаёт натижаси») (17: 2/32).

17. Аббос аз-Занжоний (ваф. 1344/1925 й.)

Аббос Яҳё аз-Занжоний — фозил бўлган. Асарлари: «Ҳошия ала фанни-л-қатъи ли Аби Абдиллоҳ ал-Мусовий аз-Занжоний» («Абу Абдуллоҳ ал-Мусовий аз-Занжонийнинг «Фанну-л-қатъ» китобига ҳошия-изоҳ») (17: 2/32).

18. Абдулғали аз-Занжоний (1268-1349/1852-1930)

Абдулғали ибн Абдуссамад ибн Али Акбар ибн Муҳаммад. 13 ражабда туғилган. Нажафга кўчиб ўтган. Али Муҳаммад Ҳасан ал-Ҳомакониий, Муҳаммад аш-Шарбаёттий ва бошқалар билан учрашган. Ун йилдан ортиқ ўша ерда фақиҳларга мулозим бўлиб қолган ва жумоду-л-охира ойининг 13-куни вафот этган. Асарлари: «Шарҳу дуои-с-сабоҳ» («Тонг дуолари шарҳи»), «Ҳошия ала-р-расоил» («Рисоаларга ҳошия-изоҳ») (17: 2/172).

19. Абдулқарим аз-Занжоний (1304-1388/1887-1968)

Абдулқарим аз-Занжоний — Нажаф шайхларидан бўлган. Асарлари: «Ибн Сино холид би асорихи ва хисолиҳи» («Ибн Сино асарлари ва хислатлари билан яғонадир»), «ал-Иъдод ар-руҳий ли жиҳоди-л-исломий фи Фаластин» («Фаластинда исломий жиҳод учун руҳий тайёргарлик»), «Жомиъу-л-масоил фи-л-фикх» («Фикх масалалари тўплами»), «Дурусу-л-фалсафа» («Фалсафа дарелари»), «Зихирату-с-солиҳийн» («Солиҳлар захираси»), «Сафҳа фи рихлати-л-Имом аз-Занжоний ва хутабуҳу фи-л-актори-л-арабия ва-л-исломия» («Имом аз-Занжонийнинг араб ва

аз-Занжоний

ислом юртларига саёхати ва хутбаларидан бир лавҳа»), «Тариқу-на-нажот» («Нажот йўли»), «ал-Фикҳ ал-урқа фи шарҳ ал-урвати-л-вусқа» («Ислом шарҳидаги дастлабки тушунчалар»), «ал-Киндий холид би фалсафатиҳи» («ал-Киндий фалсафаси билан ягонадир»), «ал-Масалу-л-буля» («Олий масаллар»), «Мухозарот ва масоил шаръия» («Шаръий масала ва музокаралар»), «ал-Ваҳд ал-исломия ва-т-таркиб байна мазохиби-л-муслимийн» («Мусулмон мазҳабларида исломий бирлик ва яқинлик») (17: 2/204).

20. Абдуллоҳ ал-Ковандий (ваф. 1329/1911 й.)

Абдуллоҳ ибн Ахмад ал-Ковандий, ал-Ийжрудий, аз-Занжоний — ахлоқли фақиҳ ва олим бўлган. Ал-Қорбузабодийга шогирд бўлган. Катта олим даражасига кўтарилган. Нажафда бир муддат бўлган, сўнгра Козимияга қайтган ва Ёсин оиласида яшаган. Хинд диёрига сафар қилган. Сўнгра Занжон ва ал-Козимияга қайтган ва у ерда хаётининг охиригача яшаган. Асарлари: «ал-Ишорот фи-л-усул» («Усул илмига ишоралар»), «Тасҳилу-л-вусул ила илми-л-усул» («Усул илмига осон етишиш»), «Рисола фи-ш-шубхати-

л-махсура» («Шубҳа ва гумон Нарсалар рисоласи»), «Рисола фи-л-ахлоқ» («Ахлоқ ҳақида рисола»), «Шарҳу нажотил-ибод» («Бандаларнинг нажотига шарҳ») (17: 2/226).

21. Абдуллоҳ аз-Занжоний (ваф. 1342/1924 й.)

Абдуллоҳ ас-Сараҳмий, аз-Занжоний — фақиҳ ва адиб бўлган. Асарлари: «Уржуза фи-т-тахорат» («Таҳорат ҳақида уржуза») (17: 2/243).

22. Абу Абдуллоҳ аз-Занжоний (1309-1360/1891-1941)

Абу Абдуллоҳ ибн Абдурраҳим ибн Насруллоҳ аз-Занжоний — файласуф ва муфассир бўлган. Баъзи илмларни билган. Рибиъу-л-аввал ойи Занжонда туғилган. Занжон уламоларидан ислом фикҳи асослари, араб тили ва адабиётдан сабоқ олган. Сўнгра 1326 йилдан 1329 йилгача Эроннинг ҳакимларидан бири — ал-Мирзо Иброҳим аз-Занжонийдан фалсафа ва фалакиёт илмидан таҳсил олган. Сўнгра Техронга бориб, у ерда бир қанча муддат француз мактабларидан бирида ўқиган. Сўнг Занжонга қайтиб келган ва Нажафга борган. Мухаммад Козим ал-Яздий ва Шайхушшариъа ал-Исфажонийдан фикҳ ва

усулни ўрганган. Ислом динининг улуғ пешволари бўлган Ибн ал-Ҳасан ал-Исфажоний, ал-Оға Мирзо Хусайн ан-Ноийний, ал-Оға Зиёуддин ал-Ироқийларнинг дарсларига қатнашган. У ерда тўққиз йил яшаб, ижтиҳодда юксак даражага эришган. 1338 йилнинг охирида Занжонга қайтган. Яна Эроннинг баъзи шаҳарларига сафар қилган. Сўнгра Сурия, Фаластин, К°Ҳира ва Маккага зиёрат қилган. Ушбу зиёрати давомида кўплаб илм аҳллари билан танишган. Сўнгра яна Занжонга қайтиб келган ва шариат қозиси бўлиб ишлаш билан бир қаторда фикҳ, хралсафа, тафсир ва ҳадис илмларидан даре берган. 1347 ҳ.й. 7 муҳаррамда Дамашқдаги араб академиясига аъзо этиб юборилган. Уни Эрон маориф вазирлиги Техрон университетининг профессори этиб тайинлаган ва ўша ерда тафсир, ахлоқ, фалсафа тарихидан таълим берган. Жумоду-л-охира ойининг 7-куни Занжонда вафот этган. Нашр этилган араб тилидаги асарлари: «Тариху-л-КуР^{ъон}» («КуРъон тарихи»), «Тариху-л-файласуфи-л-фориси-л-кабийр Садриддин аш-Шерозий» («Забардаст форс файласуфи Садруддин

аз-Занжоний

Шерозийнинг таржимаи холи»), «Шарху рисолати бақои-н-нафс баъда фанои жасад Насириддин ат-Тусий» («Насируддин ат-Тусий қаламига мансуб Жасаднинг вафотидан кейин нафсининг боқийлиги» рисоласига гиарх»), «Таҳорату ахли-китоб» («Ахли китоб таҳорати»). Араб тилидаги кўлёзма асарлари: «Усул-л-Қуръони-л-ижтимоъия» («Қуръоннинг ижтимоий усуллари»), «ал-Воҳид ла ясдуру анху илла ал-воҳид» («Бирдан фақат бир чиқади»), «ат-Тасаввуф фи-т-тарих» («Тарихда тасаввуф»), *ал-Ислом ва-л-урубиййун» («Ислом ва европаликлар»), «Сияру-л-Имом ал-Ҳусайн ибн Али алайҳими-с-салом» [«Имом ал-Ҳусайн ибн Али (а.с.)нинг сийратлари»], (Сирру интишори-л-ислом» («Ислом ёйилишининг сири»), «Дину-л-фитра» («Фитрат лини»), «ал-Маъориф фи Зрон қабла-л-ислом» ;Эронда исломдан олдин мавжуд бўлган маориф») (17: 2/250).

23. Абу Абдуллоҳ аз-Занжоний (1262-1313/1846-1895)

Абу Абдуллоҳ ибн Абулқосим ал-Мусовий, Ез-Занжоний — фақиҳ "ўлган. Сафар ойининг 5 зг.нида туғилган. Занжон, Қазвин, Сабзавор ва Н=жаф шаҳарларида

тахсил олган ва 24 ражабда вафот этган. Асарлари: «Матолиъу-ш-шумус фи шарҳи-д-дурӯс» («Дарсларнинг шарҳида қуёшнинг чиқиши»), «ал-Инсоқ фи-л-ҳасан ва-л-қабх» («Яхши ва ёмон нарсаларни фарқлаш»), «Масобиҳу-д-Дажий фи-л-мавоъиз» («Мавъизаларда ад-Дажийнинг нурли чироқлари»), «Рашаҳоту-л-малакут» («Фаришталар рашаҳоти»), «Тақсиму-л-илм» («Илм тақсими») (17: 2/270).

24. Абу Абдуллоҳ аз-Занжоний (1309-1360/1892-1941)

Абу Абдуллоҳ ибн Насруллоҳ аз-Занжоний — Эрон уламоларидан бўлган. Занжонда туғилган. Дамашқдаги араб академиясига аъзо этиб юборилган. Техронда вафот этган. Асарлари: «Таржамату-л-Мавло Садриддин аш-Шерозий» («Мавло Садруддин аш-Шерозийнинг таржимаи холи»), «Тариху-л-Қуръон» («Қуръон тарихи»), «Китоб фи улуми-л-Қуръони-л-ижтимоъия» («Қуръондаги ижтимоий илмлар ҳақида китоб»), «Рисола фи лузуми-л-ҳижоб» («Ҳижобнинг лозимлиги ҳақида рисола»), «Рисола фи-т-тасаввуф» («Тасаввуф ҳақида рисола») (17: 2/303).

25. Абдулмажид аз-Занжоний (ваф. 1320/1902 й.)

Абдулмажид ибн Абдулғали аз-Занжоний — мутакаллим, ҳаким ва фақиҳ бўлган. Занжонда гуманитар ва адабий фанларни ўрганган. Усул ва фикҳда баъзи устозларининг дарсларида иштирок этган. Сўнгра Техронга сафар қилган. У ерда Али ал-Мударрис, Абулҳасан Жилвадан даре олган. Занжонга қайтиб, даре берган. Асарлари: «Ҳавош касира ала-л-кутуби-л-мутадовила фи-л-калом ва-л-ҳикма» («Калом ва ҳикмат илмларидаги мунозаралар ҳақидаги китобларга кўп хошия-изоҳлар») (17: 2/309).

26. Абдулмажид аз-Занжоний (ваф. 1351/1932 й.)

Абдулмажид Мирзо ибн Такий ибн Рашид ибн Абдуллоҳ ибн Фатҳ Али Шот ал-Қожорой, аз-Занжоний — олим, ҳаким, бир қанча илмлар соҳиби бўлган. Асарлари: «ал-Фавоъид фи-л-улуми-л-мутанаввиъа» («Турли илмлар ҳақида фойдалар»), «Хошия ала-л-асфор фи-л-ҳикма ва-л-фалсафа» («Ҳикмат ва фалсафа ҳақидаги китобларга хошия-изоҳ») (17: 2/310).

аз-Занжоний

27. Абдулваҳхоб аз-Занжоний (ваф. 660/1262 й.)

Абдулваҳхоб ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Журжоний аз-Занжоний, ал-Хозаржий (Иззуддин) — адиб, нахвчи, тилшунос, сарфчи, илм-маъоний, баён ва аруз бўйича мутахассис бўлган. Ақлий ва наҳлий илмлардан ҳам бохабар бўлган. Табризни ватан тутган ва Мавсулда яшаган. Бағдодда вафот этган. Асарлари: «ал-Муъраб амма фи-с-сиҳох ва-л-мағриб фи-л-луғат» («Саҳихдаги иъроб ва тилдаги муғраб»), «ал-Ходий фи-н-наҳв ва-т-тасриф ва-ш шарҳ» («Наҳв ва сарф ва уларнинг шарҳлари бўйича хидоятчи»), «Фатҳу-л-фаттоҳ фи шарҳи-л-мароҳ» («ал-Мароҳ» шарҳи бўйича очувчининг айтганлари»), «Тасҳиху-л-микёс фи тафсири-л-китос фи-л-аруз» («Аруздаги «ал-Қитос» тафеири қиёсининг саҳихлиги»), «Меъёру-н-низор фи улуми-л-ашъор» («Шеърият илмларида мунозара меъёри»), «Умдату-л-ҳисоб» («Ҳисоб илми асослари») (17: 2/337).

28. Абдулвосиъ аз-Занжоний (1235-1291/1820-1874)

Абдулвосиъ ибн Муҳаммад ибн Абулқосим

ал-Ҳусайний ас-Сирдоний, ат-Торимий, аз-Занжоний — фақих, усулчи, мужтахид ва воиз бўлган. Асарлари: «Китоб фи-л-ахлоқ ва-л-мавъиза» («Ахлоқ ва мавъизалар ҳақида китоб», 10 жилдли), «Ҳошия ала-л-қавонийн фи-л-усул» («Усул илми қонунларига хошия-изоҳ»), «Ҳошия ала-р-риёз фи-л-фикҳ» («Риёзат ва фикҳ илмларига хошия-изоҳ») (17: 2/337).

29. Али аз-Занжоний (ваф. 1341/1923 й.)

Али Асғар ибн Ғулом Али ал-Хайдажий, аз-Занжоний — фақих, усулчи ва мутакаллим бўлган. Асарлари: «Китоб фи-л-усул ва-л-ақоид» («Усул ва ақоид ҳақида китоб») (17: 2/407).

30. Али аз-Занжоний (ваф. 1136/1724 й.)

Али ибн Муҳаммад Ҳусайн аз-Занжоний — мутакаллим ва нозим бўлган. Асарлари: «Уржуза фи-л-калом» («Калом ҳақида уржуза») (17: 2/501).

31. Али аз-Занжоний (ваф. 1258/1842 й.)

Али Нақи аз-Занжоний, ал-Асфаконий — фозил ва бир неча асарлар муаллифи бўлган (17: 2/540).

32. Умар аз-Занжоний (ваф. 459/1067 й.)

(Абу Ҳафс) Умар ибн Али ибн Аҳмад аз-Занжоний, ал-Бағдодий, ад-Даро, аш-Шофиъий — фақих ва муҳаддис бўлган. Дамашққа келган ва ҳадис эшитган. Жумоду-л-увло ойида Бағдодда вафот этган. Асарлари: «ал-Муътамад» («Таянч») (17: 2/566).

33. Ғулом Ризо аз-Занжоний (ваф. 1330/1912 й.)

Ғулом Ризо ал-Хайдажий, аз-Занжоний — фақих ва усулчи бўлган. Асарлари: «Такрирот фи-л-усул» («Усул илмидаги тадқиқотлар») (17: 2/604).

34. Фатҳ Али аз-Занжоний (1268-1338/1852-1920)

Фатҳ Али ибн Вали ибн Али Аскар аз-Занжоний. Баъзи илмлар соҳиби бўлган. Асарлари: «Мифтоҳу-л-боб фи шарҳи хулосати-л-ҳисоб» («Ҳисоб хулосалари шарҳида бобнинг калити»), «Танқиҳу-л-масоил» («Масалалар шарҳи»), «Манзума фи-л-қатъ» («ал-Қатъ илмидаги манзума»), «Мажмаъу-л-анвор ва маъдану-л-асрор фи тафсири-л-Қуръон» («Қуръон тафсиридаги нурлар ва маъданлар йиғиндиси»), «Ҳошия ала шарҳи-л-Қушчи» («ал-Қушчи шарҳига хошия») (17: 2/611).

35. Фаёз аз-Занжоний (1285-1360/1868-1941)

Фаёз ибн Муҳаммад ас-Сирха Язжий, аз-Занжоний — фақиҳ ва оаъзи илмлар соҳиби бўлган. Асарлари: «Китобу-л-ижора» («Ижара китоби»), «Китобу-л-хумс» («Хумс китоби»), «Китобу-з-закот» («Закот китоби»), Тақрирот фи моҳияти-л-зужуд («Вужуд моҳияти ҳақида рисола»), «Рисола фи-л-фикҳ» («Фикҳ ҳақида рисола») (17: 2/633).

36. Абулқосим аз-Занжоний (1224-1293/1809-1876)

Абулқосим ибн Козим гбн Муҳаммад Ҳусайн — Занжон аҳлига мансуб пешқадам фозил инсон бўлган. Ироқда таълим олган. Асарлари: «ал-Лақосид ал-муқиммот фи еияғ-л-уқуд 'ва-л-ийқоъат» («Ақдлар ва воқеъликлар ҳақида муҳим мақсадлар»), «Изоҳу-д-длоил фи ҳисоб ақди-л-миомил» («Бармоқ учи билан ҳисоб қилиш аҳди қақидаги далилларга зоҳ»), «Ҳидоят-л-уттақий фи-л-ақоид» («Муттақийнинг ақоид млимадаги ҳидояти») (17: 2/115).

37. Қувомуддин аз-Занжоний (ваф. 1358/1939 й.)

Қувомуддин ибн Махдий ибн Мустафо ибн Ҳусайн ал-Ҳусайний, аз-Занжоний — фақиҳ ва усулчи бўлган. Асарлари: «Тақрирот фи-л-усул» («Усул илмига оид тадқиқотлар»), «Тақрирот фи-л-фикҳ» («Фикҳ илмига оид тадқиқотлар») (17: 2/661).

38. Қурбон Али (ваф. 1328/1910 й.)

Қурбон Али ибн Али Аскар ал-Аркийний, аз-Занжоний фақиҳ ва усулчи бўлган. Козимияда турган. Усулга оид бир қанча асарлари ва фикҳга оид рисоласи бўлган (17: 2/658).

39. Лутфуллоҳ аз-Занжоний (1233-1307/1818-1890)

Лутфуллоҳ ибн Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али аш-Шаҳид аз-Занжоний — фақиҳ ва усулчи бўлган. Фикҳ ва усулга оид асарлари бўлган (17: 2/676).

40. Муҳаммад аз-Занжоний (721/1321 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Исмоил аз-Занжоний, аш-Шофиъий — фақиҳ, усулчи, муфассир ва козилардан бўлган. Асарлари: «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири»), «Мухтасару-л-муҳаррар ли-л-Қазвиний фи фуруъи-л-фикҳ»

(«Фуруъ ал-фикҳ ҳақида Қазвиний қаламига мансуб «ал-Муҳаррар» асарининг мухтасари») (17: 3/25).

41. Муҳаммад аз-Занжоний (ваф. 1317/1899 й.)

Муҳаммад Боқир ибн Фатҳуллоҳ ал-Мусовий — фақиҳ бўлган. Нажафда яшаган, Ҳабибуллоҳ ар-Руштийдан даре олган. Асарлари: «Манҳажу-с-сидод фи-л-фикҳ» («Фикҳдаги тўсиқларнинг дастури») (17: 3/154).

42. Муҳаммад аз-Занжоний (ваф. 1341/1923 й.)

Муҳаммад Боқир ибн ал-Муқаддас аз-Занжоний — фақиҳ ва усулчи бўлган. Нажафда яшаган. Унинг олимларидан даре олган ва ўша ерда вафот этган. Асарлари: Фикҳ ва усулга оид уч жилдли тадқиқотлар, «Ҳошия ала-р-расоил» («Рисолаларга хошия-изоҳ») (17: 3/158).

43. Муҳаммад аз-Занжоний (1256-1340/1840-1922 й.)

Муҳаммад Ҳасан ибн Қанбар Али ибн Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад ибн Махмуд аз-Занжоний — бир қанча илмлар соҳиби бўлган. 17 рабиъу-л-аввалда туғилган. Асарлари: «Табйину-л-баён фи қавоъиди-л-Қуръон» («Қуръон қоидаларидаги аниқ баёнлар»), «Анису-т-

<пл аз-Занжоний

туллоб фи тарожим касир мин уламои Занжон ва ғайруҳо» («Занжон ва бошқа ўлкалардаги кўплаб уламоларнинг таржимаи холлари ҳақида толибларга қўлланма», катта жилдли), «Тавзиху-л-мушкилот фин-наҳви ва-с-сарфи ва^ларуз» («Нахв, сарф ва аруз илмларидаги чигалликлар баёни»), «Қистосу-лмақодир ва микёсу-лмаъойир» («Микдорларнинг мезони ва меъёрларнинг ўлчами»), «Манҳажу-р-рашод фи шарҳи-л-иршод ли-ш-шайхи-л-муфид» («аш-Шайх ал-Муфиднинг «ал-Иршод» шарҳига етишиш дастури») (17: 3/231).

44. Муҳаммад аз-Занжоний (ваф. 1270/1854 й.)

Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад аз-Занжоний — воиз. Асли Толқондан бўлган. Занжонда туғилган, Қазвинда ўсиб-улғайган, Исфаҳонда танилиб, Нажафда олим даражасига кўтарилган. Сўнгра Қазвинга қайтиб келган ва Карбалога ўтиб, ўша ерда вафот этган. Асарлари: «Канзу-л-воъизин фи-л-ахбор» («Хабарларни етказишда воизларнинг хазинаси», 4 жилдли), «Ғанимату-л-маъод фи шарҳи-л-иршод» («ал-Иршод» шарҳига қайта мурожаат этишнинг фойдаси»), «Мажмаъу-д-дурар» («Дурлар тўплами») (17: 3/356).

45. Муҳаммад аз-Занжоний (ваф. 1327/1909 й.)

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Аҳмад ал-Ковандий, ал-Ийжрудий, аз-Занжоний — фақиҳ ва усулчи бўлган. Асарлари: «Ҳошияту-л-кифоя фи-л-усул» («Усул илмидаги «ал-Кифоя»га хошия-изоҳ») (17: 3/427).

46. Муҳаммад аз-Занжоний (ваф. 1220/1805 й.)

Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад Ҳусайн аз-Занжоний — фақиҳ, усулчи, мутакаллим бўлган. Қазвиннинг баъзи фақиҳларидан илм олгач, ўз юртига қайтиб борган. Сўнгра Ироқнинг муқаддас гўшаларига сафар қилган. Байтуллоҳга уч маротаба, охирги марта 1220 х.й.да ҳаж қилган ва Занжонга қайтиб, ўша йили вафот этган. Асарлари: «Манзума фи илми-л-калом» («Калом илми ҳақида манзума»), «Тухфату-л-аном фи шарҳи манзумати-л-калом» («Калом манзумаси шарҳи ҳақида одамларга тухфа»), «ад-Далоил» («Далиллар») номли каломга оид рисола (17: 3/538).

47. Муҳаммад аз-Занжоний (1255-1330/1839-1912)

(Абу Толиб) Муҳаммад ибн Абулқосим ибн Козим ибн Муҳаммад Ҳусайн ибн Муҳсин ибн Салим ал-

Мусовий, аз-Занжоний (Фахруддин) — фақиҳ ва усулчи бўлган. Адаб, фикҳ, ва ҳадис илмларидан бохабар бўлган. Занжонда туғилиб, шу ерда ўсиб-улғайган. Сўнгра Қазвинга, у ердан эса, Нажафга кўчиб ўтган. Байтуллоҳга ҳаж қилган ва Фаластин орқали Занжонга қайтиб келган. Сўнг Техронда яшаган ва ўша ерда рабиъу-л-аввалнинг 26 куни вафот этган. Машҳадда Муртазо ал-Ансорийдан сабоқ олган. Асарлари: «Унвону-з-зафар фи салоти-с-сафар» («Сафар намозидаги зафар белгилари»), «ат-Таҳияту-л-муборака фи аҳкоми-с-салом» («Салом бериш ҳукмларидаги муборак иборалар»), «Латоифу-л-калом фи-л-авоний ва ма ялҳақуҳо мин аҳком» («Вақтлардаги сўзларнинг латофати ва уларнинг ҳукмлари»), «Маъорижу-р-ризвон фи-л-масоиб» («Мусибатга сабр қилиб, розиликка эришиш йўллари»), «Рисола фи шарҳи дуои камил» («Мукаммал дуо шарҳи ҳақида рисола»), «Ғояту-л-маром фи аҳкоми-с-сиём» («Рўзанинг ҳукмлари ҳақида меъёрлар»), «Мақойису-л-анвор фил-усул» («Усул илмида нурларнинг микёслари»), «аз-Захира фи-д-дироя» («Билимдаги захира»), «Аҳкому-л-ҳаж» («Ҳаж ҳукмлари»), «Изоҳу-с-

губул фи-т-таржих ва-т-даёдил» («Тенглик ва таржихдаги йўлларнинг оёғи») (17: 3/596).

48. Муҳаммад аз-Занжоний (1267-1313/1851-1895)

Муҳаммад ибн Абулқосим ал-Мусовий, ^-Занжоний (Шамсуддин, Лбу Абдуллох) — факих, нантикчи, арузчи ва хлсобчи бўлган. Асарлари: «Рисола фи-л-аруз ва-л-қавофий» («Қофия ва аруз ҳақида рисола»), «ал-Г.авокит фи-л-хисоб» («Хисоб илмидаги ёкутлар»), «ал-Мантиқ» («Мантиқ»), «Шарху-л-мухтасари-н-нофиъ фи-л-ххқх» («Фикҳда «ал-Мухтасар ан-нофиъ»нинг тарҳи»), «ал-Инсоф фи-л-хусни ва-л-қабҳи-л-лийин» («Оқилларнинг яхши ва ёмон ишларидаги инсоф») (17: 3/600).

49. Муҳаммад аз-Занжоний (1224-1292/1809-1875)

Муҳаммад ибн Козим нон Муҳаммад Ҳусайн ибн «Иҳсин ибн Салим ибн Бурхонуддин ал-Мусовий, ^з-Занжоний (Абулқосим, Аминуддавла) — факих, тгулчи ва мужтахид бўлган. Занжонда илм олган ва Қазвинга сафар етди, ўша ерда бир қанча муддат яшаган. Сўнгра • I;фаҳонга бориб, Али /ухаммад Иброҳим ал-Калбосий ва Муҳаммад Боқир аш-Шафтий билан

учрашган. Занжонга қайтиб келган султон Муҳаммад Шох ал-Қожорийнинг амри билан Техронга ўтган ва ҳажга бориш мақсадида бўлган. Лекин ўша йилнинг жумоду-л-охира ойида вафот этган. Асарлари: «Нуру-л-айн фи азои-л-Ҳусайн» («Ҳусайннинг бардоши ҳақида кўзнинг нури»), «Қуррату-л-абсор фи исботи имомати-л-аъиммати-л-атҳор би-з-зир ва-л-баййинот» («Пок имомларнинг имомлигини китоблар ва баёнлар билан исботлашнинг асослари»), «Хулосату-л-фуруъ» («Сараланган фуруъ»), «Тахрибу-л-боб фи-р-радди ала-л-бобия» («Бобияга раддия беришда эшикни бузиш») (17: 3/605).

50. Муҳаммад аз-Занжоний (1284-1355/1867-1936)

Муҳаммад ибн Мухсин ибн Муҳаммад Боқир ибн Козим ибн Мухжамид Ҳусайн ал-Мусовий, аз-Занжоний. Факих. Асарлари: «Китоб фи-л-фикҳ» («Фикҳ китоби») (17: 3/617).

51. Муҳаммад аз-Занжоний (ваф. 1348/1929 й.)

Муҳаммад ибн Маъсум Али аз-Занжоний, ал-Ҳайдажий (Мулло) — ҳаким, адиб ва шоир бўлган. Асарлари: «Шарху манзумати-с-Сабзаворий

фи-л-ҳикмат» («Сабзаворийнинг ҳикмат илмига оид манзумасига шарҳ»), «ал-Кашкул» («Дафтарча»), «Девону-ш-шеър» («Девон») (17: 3/728).

52. Маҳмуд аз-Занжоний (ваф. 656/1258 й.)

(Абулманоқиб) Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Мухтор аз-Занжоний, аш-Шофиъий — факих, усулчи, муфассир, муҳаддис ва тилшунос бўлган. Бағдодни ватан тутинган. Қозининг ноиб бўлиб ишлаган. Низомияда таълим олган. Мустансирияда ҳадис эшитган. Бағдодда шахид бўлган. Асарлари: «ас-Сехр ал-ҳалол фи ғароиб-л-мақол фи фуруъи фикҳи-ш-шофиъий» («Шофиъий фуруъ ал-фикҳида ғаройиб гаплардаги ҳалол сеҳр»), «Тазҳибу-с-сихоҳ ли-л-Жавҳарий фи-л-луғат» («Жавҳарийнинг тилга оид «Сихоҳ»ини яхшилаш»), «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири»), «Тахрижу-л-фуруъ ала-л-усул» («Фуруъни усулдан ажратиш») (17: 3/797).

53. Маҳмуд аз-Занжоний (1309-1375/1892-1956)

Маҳмуд ибн Абулфазоил ибн Абдулвосиъ ал-Ҳусайний аз-Занжоний (Имому-л-

аз-Занжоний

жумъа) — факих, усулчи, мутакаллим ва муфассир бўлган. Асарлари: «Ҳошия ала дурари-л-фавоид» («Фойдаларнинг дурлари»га хошия-изоҳ»), «Рисола фи-л-жабар ва-т-тавфиз» («Мажбурлаш ва ваколат бериш ҳақида рисола»), «Рисола фи-с-сайд ва-з-зибоҳа» («Ов қилинадиган ва сўйиладиган ҳайвонлар ҳақида рисола»), «Ҳошия ала тафсир мулло Садро» («Мулло Садро тафсирига хошия-изоҳ»), «Такриро фи-л-фикҳ ва-л-усул» («Фикҳ ва усулга оид тадқиқотлар») (17: 3/824).

54. Маҳмуд аз-Занжоний (597-674/1201-1276)

Маҳмуд ибн Убайдуллоҳ аз-Занжоний, аш-Шофиъий (Заҳируддин, Абуссано) — факих ва усулчи ҳамда Шихобуддин ас-Сухравардийнинг дўсти бўлган. У Сухравардий ва Абулмаъолий Соъиддан ривоят қилган. Рамазон ойида вафот этган. Асарлари: «ар-Рисола ал-мунқиза мин-л-жамр фи илҳоқи-л-анбаза би-л-хамр» («Хурمودан тайёрланган шароб билан вино билан аралашмаси алангансидан кутқарувчи рисола») (17: 3/818).

55. Мажид аз-Занжоний (ваф. 1324/1906 й.)

Мажид аз-Занжоний — ҳаким бўлган. Асарлари:

«Ҳошия ала-ш-шавориқ» («Шавориққа хошия-изоҳ»), «Ҳошия ала-ш-шифо» («Шифога хошия-изоҳ») (17: 3/15).

56. Абулмакорим аз-Занжоний (1255-1330/1839-1912)

Абулмакорим ибн Абулқосим ал-Мусовий, аз-Занжоний — факих бўлган. Асарлари: «Рисола фи хуррияти-л-хамр» («Кухулга муносабат ҳақида рисола»), «Латоифу-л-аҳком» («Латиф ҳукмлар»), «Мифтоҳу-з-зафар» («Муваффақият калити»), «ат-Таҳия ал-муборака» («Муборак табриқлар»), «Маъорижу-р-ризвон» («Розилик поғоналари») (17: 3/906).

57. Маҳдий аз-Занжоний (ваф. 1308/1891 й.)

Маҳдий ибн Абдулқарим аш-Шерозий — факих ва усулчи бўлган. Асарлари: «Такрирот фит-тахорат ва-с-салавот вал-мутожир» («Таҳорат, намоз ва савдо-сотик ҳақида тадқиқотлар») ва усулга оид бир қанча асарлари бўлган (17: 3/925).

58. Наср аз-Занжоний (тахм. V х.а./XI м.а.)

Наср ибн Ҳибатуллоҳ ибн Наср аз-Занжоний — фозил бўлган, тиб, ҳикмат ва наҳв илмларини яхши билган. Асарлари: «ал-

Мақомот ат-тиббия» («Тиббий даражалар»), «ал-Мақомат ал-хикматия» («Донишмандлик даражалари»), «ар-Рисола ас-саъдия» («Муваффақият рисоласи»), «ал-Жавоҳир фи-н-наҳв» («Наҳв илмидаги жавҳарлар») (17: 4/25).

59. Яъқуб ибн Али (1303-1365/1886-1946)

юборилар эди. Тасаффув шайхи ва зоҳид бўлган. Х,ол илмида шайхларнинг пешвоси бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 334 х.й. Бағдодда вафот этган (1: 19: 2: 3/365; 11: 3/396).

2. Юнус аш-Шиблий

(Абулҳасан) Юнус ибн Абу Бакр аш-Шиблий — юкорида келган Абу Бакрнинг ўғли. Отасидан ривоят қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/397).

3. Муҳаммад аш-Шиблий (ваф. 470 х.й.дан кейин)

(Абу Али) Муҳаммад ибн ал-Х,усайн ибн Абдуллоҳ ибн Шиблий — «ибн аш-Шибл» номи билан танилган шоир бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 470 х.й.дан кейин вафот этган (11: 3/397).

536
АШШАББУВИЙ

«Шаббувайх,»га нисбат берилган. У — Марв ах,лидан бўлган баъзи боболарнинг исми шарифи. Шу номга нисбат берилганлар:

1. Аҳмад аш-Шаббувий (Абу Али) Аҳмад ибн Умар ибн Шаббувия аш-Шаббувий ал-Марвазий. У

уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/398).

2. Абдуллоҳ аш-Шаббувий (ваф. 275 х.й.) (Абу Абдуррахмон) Абдуллоҳ ибн Ахмад ибн аш-Шаббувий ал-Марвазий. Марв аҳлидан, ақли хадис имомларидан бўлган. Хуросон ва Ироқда хадис эшитган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 275 х.й.да вафот этган (11: 3/398).

3. Аҳмад аш-Шаббувий Аҳмад ибн Муҳаммад нон Собит аш-Шаббувий — юююқорида келган Абу Абдуррахмоннинг отаси. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/398).

537 АШШАХОХИЙ

«Шахох» — Шош қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдуррахмон аш-Шахохий (ваф. 323 х.й.) (Абу Муҳаммад) Лодуррахмон ибн Аҳмад ибн Абдулхолик эухорий аш-Шахохий. Шахох қишлоғида яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 323 х.й.да вафот этган (2: 3/372; 11: 3/408).

538 АШШАРҒИЙ

«Шарр» — Бухоро қишлоқларидан бири. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Муҳаммад аш-Шарғий (ваф. 272/885 й.) (Абу Бакр) Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Собир аш-Шарғий. Бухоро, Хуросон, Ироқ ва Хижоз уламоларидан ривоят қилган, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 272 х.й. ражаб ойида Самарқандда вафот этган (2: 3/380; 11: 3/414).

2. Шуъайб аш-Шарғий (ваф. 272/885 й.) (Абу Солих) Шуъайб ибн ал-Лайс аш-Шарғий ал-Коғазий. Самарқандда яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 272 х.й.нинг ражаб ойида вафот этган (11: 3/415).

3. Муҳаммад аш-Шарғий (тав. 491/1098 й.) (Абулмаҳсин) Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн ал-Муфтий ибн Иброҳим аш-Шарғий — одобли воиз бўлган, «имомзода» номи билан танилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 491 х.й. рабиъул-аввал ойида туғилган (2: 3/380).

4. Шаддод аш-Шарғий (Абу Хдким) Шаддод ибн Сайд ибн ал-Хажж

аш-Шарғий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/415).

5. Омир аш-Шарғий (Абу Амр) Омир ибн Шаддод аш-Шарғий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/415).

6. Али аш-Шарғий (ваф. 323 х.й.) (Абулҳасан) Али ибн ал-Хасан ибн Салом аш-Шарғий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 323 х.й.да вафот этган (11: 3/415).

7. Сайд аш-Шарғий (ваф. 300 х.й.) (Абу Усмон) Сайд ибн Сулаймон ибн Довуд ибн Касир аш-Шарғий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 300 х.й.да вафот этган (11: 3/415).

8. Сулаймон аш-Шарғий (Абу Сайд) Сулаймон ибн Довуд ибн Касир аш-Шарғий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/415).

539 АШШАРҒИЁНИЙ

«Шарғиён» — Насаф қишлоқларидан бири. Қуйидаги олим ушу жойга мансубдир:

232 аш-Шарғиёний/аш-Шарақданий/аш-Шармағулий/аш-Шармақоний

1. Ахмад аш-Шарғиёний (ваф. 403/1013 й.)

(Абу Наср) Ахмад ибн Али ибн Мухаммад ибн Жумъа ибн ас-Сакан ибн Абдуллоҳ ибн Зарбий, ал-Мутаваллий аш-Шарғиёний, ал-Куфий, ан-Насафий — Насаф ахлидан бўлган. Шарғиёнда яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 403 х.й. 16 рамазонда вафот этган (11: 3/415).

540

АШ-ШАРАҚДАНИЙ

«Шарақдан» — Самарканд аҳлига мансуб бўлган бобонинг исми тарифа, Шу номга нисбат берилганлар:

1. Абдуллоҳ аш-Шарақданий (ваф. 403/1012 й.)

(Абу Мухаммад) Абдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Қут аш-Шарақданий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 403 х.й. рабиъул-аввал ойида вафот этган (11: 3/416).

2. Мухаммад аш-Шарақданий

(Абу Абдуллоҳ) Мухаммад ибн ал-Фазл ибн Атия ибн Умар ибн Холид ал-Аббосий аш-Шарақданий, ал-Куфий. Шарақдан қишлоғида яшаган. Ундан Бухоро

шайхлари ҳадис тингланганлар. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/416).

3. Ҳорун аш-Шарақданий

(Абу Имрон) Ҳорун ибн ал-Ашъас аш-Шарақданий. Шарақдан қишлоғида яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/416).

4. Халф аш-Шарақданий (ваф. 346 х.й.)

(Абу Солих) Халф ибн Солих ибн Абдуррахмон аш-Шарақданий — солих шайх ва инсонларнинг зоҳиди бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 346 х.й.да вафот этган (11: 3/416).

541

АШШАРМАҒУЛИЙ

«Шармағул» — Насо қишлоқ^аридан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Мухаммад аш-Шармағулий

(Абуннаср) Мухаммад ибн Ахмад ибн Сулаймон аш-Шармағулий ан-Насавий — адиб, солих ва ишончли ровий бўлган. Хуросон ва Шомда ҳадис тинглаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/383).

2. Исҳоқ аш-Шармағулий (ваф. 374 х.й.)

(Абу Яъқуб) Исҳоқ ибн Саъд ибн ал-Ҳасан ибн Суфён ибн Омир ибн Абдулазиз ибн ан-Нуъмон ибн Ато ан-Насавий аш-Шармағулий — Шармағул қишлоғидан бўлган. Хуросон ва Ироқда ҳадис тинглаган, Ироқда эса ҳадис айтган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 374 х.й. Нишопурда вафот этган (11: 3/420).

3. Мухаммад аш-Шармуғолий (ваф. 332 х.й.)

(Абу Жаъфар) Мухаммад ибн Имрон ибн Мусо ан-Насавий аш-Шармуғолий. У Ибн Абу Хусаймининг «Китобу-т-тарих» асарини ривоят қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 332 х.й. Насода вафот этган (11: 3/420).

542

АШШАРМАҚОНИЙ

«Шармақон» — Насо қитлоқларидан бири. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Ахмад аш-Шармақоний (ваф. 316/928 й.)

(Абулфазл) Ахмад ибн Мухаммад ибн Ҳамдун аш-Шармақоний — фақиҳ ва адиб бўлган.

н қ қ ва адаб илмларида Хуросон шайхларидан хнсобланган. Хуросон, Ирок,, Шом, ал-Жазира ва Хижозда хадис ўрганган. [он Абу Шайбанинг «ал-Муснад ал-кабийр» «Катта таянч китоб»), «Уммахот» («Асосий :^нбалар»)ини тинглаган. " уламолардан, ундан эса ^эшқалар ривоят *"л\ганлар. 316 х.й. жумоду-_-:хира ойининг 15-куни "_2=омақонда вафот этган (2: : 333; И: 3/422).

2. Аҳмад аш-Шармақоний (ваф. 357 *-й)

(Абу Сайд) Аҳмад ибн •{ухаммад ибн Рамиҳ ибн Усма ибн Вакиъ ибн Ражо ;н-Нахаъий ан-Насавий а~-Шармақоний — Насо :ндан бўлган. Пармақонда туғилган ва »ларвда катта бўлган. |р эсон ва бошқа "•.каларда хадис ганглаган. Кўпгина хадисларни кўчирган ва :=рлар яратган ҳамда г.'-амоларни зикр қилган. lёдис ёдлашда сгоналардан бўлган. Бағдодга бориб, у ер да жали с айтган. У 'ламолардан, ундан эса «ошқалар ривоят млганлар. 357 х.й. - l::ада вафот этган (11: 3/421).

3. Яъқуб аш-рмақоний

Абулаббос) Яъқуб ибн Эсл^ф ибн ал-Ҳасан аш-

Шармақоний. Насо, Ирок ва Мисрда хадис тинглаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/422).

4. Ал-Ҳасан аш-Шармақоний (ваф. 451/1059 й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Абулфазл аш-Шармақоний ал-Муаддиб. Бағдодда бир қанча вақт яшаган. Куръони каримни ёд билган. Қироат илмида ишончли олим бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 451 х.й. сафар ойида пайшанба куни вафот этган (11: 3/423).

543

АШШАРВОНИЙ

«Шарвон» — (ад-Дарбанд) «Бобу-л-абвоб» нох,ияларидан биридаги шаҳар. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Масъуд аш-Шарвоний (ваф. 905/1500 й.)

(Камолуддин) Масъуд ибн Ҳусайн ибн аш-Шарвоний (аш-Ширвоний) ар-Радмий. Асарлари: «Шарху-р-рисолати-с-самарқандия фи-л-ваъз в а - л - а д а б » («Самарқандийнинг ваъз ва адаб ҳақидаги рисоласига шарх»), «Шарху одоби-л-бахс фи-л-мантик» («Мантик ҳақида баҳс юритиш одоби») (17: 3/847).

2. Фатхуллоҳ аш-Шарвоний (ваф. 891/1486 й.)

Фатхуллоҳ ибн Шукруллоҳ аш-Шарвоний — фозил ва қатор илмлар сохиби бўлган. Асарлари: «Ҳошия ала-л-хайъоти-л-мавоқиф ли-л- Ийжий фи илми-л-калом» («Ийжий-нинг калом илми ҳақидаги «Хайъоту-л-мавоқиф» номли шарҳига хошия-изоҳ»), «Таълиқот ала шархи-л-Жуғайний ли Қозизода ар-Румий фи-л-хайъати-л-басита» («Қозизода ар-Румийнинг оддий фалакиёт ҳақидаги асарига Жуғайний ёзган шарҳга таълика-изоҳ»), «Таълиқот ала авоили шархи-л-мавоқиф» («Осмон жисмларининг ўринлари ҳақидаги асар шарҳининг қораламасига таълика-изоҳ»), «Хулосату-л-манҳаж фи-т-тафсир» («Тафсир илми ҳақидаги дастурнинг хулосаси») (17: 2/612).

3. Фатхуллоҳ аш-Шарвоний (ваф. 880/1475 й.)

Фатхуллоҳ ибн Абу Язид ибн Абдулазиз ибн Иброҳим аш-Шарвоний, аш-Шофиъий — қатор илмлар соҳаларида фаолият олиб борган фозил инсон. Асарлари: «Тафсиру ояти-л-Курсий» («Ояту-л-курсийнинг тафсири»), «Шарху-л-мароҳ» («ал-Мароҳ» — «Оқшом» номли асарга шарх»), «Шарху-л-иршод

234 аш-Шарвоний

фи нахв» («Нахв илми хақидаги «Иршод» — «Кўлланма» номли асарга шарх») (17: 2/614).

4. Мухаммад аш-Шарвоний (ваф. 912/1506 й.)

Мухаммад ибн Махмуд ибн Хожий аш-Шарвоний, сўнгра ал-Қустантиний — табиб бўлган. Тафсир, ҳадис ва араб илмларини ўрганган. Бухоро ва Ширвон аҳлидан бўлган. Қустантиния (Константинополь)га кўчиб ўтган. Султон Мухаммад (ваф. 866 й.) унинг тиббий хизматидан фойдаланган. Хажга борган ва Мисрда яшаган. У ерда баъзи олимлардан сабоқ олган ва Румга борган. Асарлари: «Равзату-л-атр фи-т-тибб» («Табобат ҳақидаги муаттар бўстон», кўп жилдли) (17: 3/702).

5. Абдурраҳим аш-Шарвоний (ваф. 1134/1722 й.)

Абдурраҳим ибн Аҳмад аш-Шарвоний, ал-Марвазий, ал-Ҳанафий — Қустантиния мударрисларидан бўлган. Асарлари: «Ҳошия ала одоби-л-бахсли Масъуд аш-Шарвоний» (Масъуд аш-Шарвонийнинг «Одобу-л-бахс» асарига ҳошия-изоҳ), «Ҳошия ала лавомиъи-л-асрор шарҳи матолиъи-л-анвор фи-л-мантиқ ва-л-ҳикма ли-л-Армавий» [«Армавийнинг мантиқ ва ҳикмат илми ҳақидаги

«Лавомиъу-л-асрор шарҳ матолиъи-л-анвор» («Нурлар чиқадиган жойларнинг шарҳи ва сирларнинг кўриниши») шарҳига ҳошия-изоҳ] (17: 2/129).

6. Исмоил аш-Шарвоний (858-942/1454-1535)

Исмоил ибн Абдуллоҳ аш-Шарвоний, ал-Ҳанафий — муфассир бўлган. Маккада вафот этган. Асарлари: «Ҳошия ала тафсири-л-Байзовий» («Байзовий тафсирига ҳошия-изоҳ») (17: 1/369).

7. Аҳмад аш-Шарвоний (ваф. 1307/1890 й.)

Аҳмад Ҳамдий аш-Шарвоний, ар-Румий, ал-Ҳанафий — бир қанча илмлар соҳиби бўлган. Асарлари: «Хулосату-л-фароиз» («Фароиз илмининг хулосаси»), «Садру-л-кавокиб» («Сайёраларнинг қалби»), «ал-Вафо фи масоили-л-ҳукамо» («Ҳукамолар баён этган масалалардаги мукамаллик») (17: 1/132).

8. Солиҳ аш-Шарвоний (1031-1083/1622-1672)

Солиҳ ибн Исҳоқ аш-Шарвоний ал-Қустантиний, ал-Қорабоғий, ар-Румий — тарихчи, қомусий олим, муфассир ва шоир бўлган. Келиб чиққан жойига кўра «аш-Шарвоний» бўлса-да, лекин «аз-Зухурий» ва «Исҳоқзода» номлари

билан танилган. Байрут ва Мисрда қозилик қилган. Мисрда қозилик даврида вафот этган. Асарлари: «Ҳошия ала тафсири-л-Байзовий» («Байзовий тафсирига ҳошия-изоҳ») (17: 1/829).

9. Али аш-Шарвоний (ваф. 1118/1706 й.)

Али ибн Иброҳим ибн Мухаммад аз-Зухрий аш-Шарвоний, кейин ал-Маданий, ан-Нақшбандий, ал-Ҳанафий — суфий ва бир қанча илмлар соҳиби бўлган. Мадинада вафот этган. Асарлари: «Жомиъу-л-маносик» («Амаллар тўплами»), «Мухиммату-л-маъориф ал-вожиба ала ибод фи аҳволи-л-мубдаъ ва-л-маъод» («Бандаларнинг бундунё ва охират ҳолатлари ҳақида билишлари вожиб бўлган вазифалари»), «Далилу-з-зоирийн ва анису-л-мужовирийн фи зиёрати саййиди-л-мурсалийн» [«Расулларнинг саййиди (с.а.в.) қабрини зиёрат қилиш ҳақида Маккага кўшни яшовчиларнинг суҳбатдош дўсти ва зиёратчиларга кўрсатма»], «Хулосату-т-таворих» («Тарихларнинг қаймоғи»), «Ақсоу-л-матолиб» («Энг олий талаб») (17: 2/389).

10. Мухаммад аш-Шарвоний (ваф. 912/1506 й.)

(Шукруллоҳ) Мухаммад ибн Иброҳим аш-

Шарвоний — фозил, гуфий бўлган. Асарлари: ал-Футухот фи-л-жаъфар» («Жаъфар хақида фатҳ этилганлар») 17: 3/31).

11. Муҳаммад аш-Шарвоний (ваф. 898/1493 й.)

Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шарвоний — фозил султан. Асарлари: «Хошия ала матолиъи-л-анвор ли-'.-Армавий» [«Армавийнинг мантиқ ва ҳикмат глми ҳақидаги «Матолиъу-л-анвор» («Нурлар чиқадиган жойлар» ~арҳига хошия-изоҳ»] (17: 3 59).

12. Муҳаммад аш-Шарвоний (ваф. 1036/1627 ж.)

Муҳаммад ибн ал-Амин :::н Садруддин аш-Шарвоний — Қустантинияга келиб, шу т:ла яшаган мутафаккир олим. Бир қанча илмлар ::хиби бўлган. Бакр :-:ртидаги Омад деган жойда истиқомат қилган. Асарлари: «Таълиқот ала амокин мин тафсири-л-Байзовий» («Байзовий ^тхсиридан олинган айрим натнларга таълиқот- •-:зэхлар»), «Хошия ала ашрхи-ш-шамсия фи-л-мантиқ» [«Мантиқ илми ҳақидаги «Шарху-ш-ггамсия» («Шамсия рисоласига шарх»)га хзшия-изоҳ»], «Шарху-л-ақоид ли-л-Ғазолий» ~~золийнинг «ал-Ақоид»

асарига шарх»), «Рисола фи-л-мабдаъ ва-л-мийъод» («Тамойил ва муддат ҳақидаги рисола»), «ал-Фавоид ал-хоқония» («Хоқоний фойдалар», ушбу асар 53 илм соҳасини қамраб олади) (17: 3/142).

13. Муҳаммад аш-Шарвоний (ваф. 1063/1653 й.)

(Мухйуддин) Муҳаммад ибн Жамолуддин ибн Рамазон аш-Шарвоний ас-Суккарий — муфассир бўлган. Асарлари: «Хошия ала тафсири-л-Байзовий» («Байзовий тафсирига хошия-изоҳ», 2 жилдли асар) (17: 3/198).

14. Муҳаммад аш-Шарвоний (ваф. 892/1487 й.)

(Шамсуддин) Муҳаммад ибн Шихобуддин аш-Шарвоний — мантиқ, усул, жадал ва баён илмларини билган. Асарлари: «Хошия ала-л-узду ала мунтаҳийу-с-суал ва-л-амал фи илмай ал-усул ва-л-жадал» («Усул ва жадал илмлари ҳақидаги савол ва умиднинг ҳаддини аниқлашга ёрдам берувчи китоб шарҳига хошия-изоҳ»), «Хошия ала шарҳи-с-сайид ли мифтоҳи-л-улум ли-с-Саккокий» («Саккокий қаламига мансуб «Мифтоҳу-л-улум»нинг Сайид шарҳига хошия-изоҳ»), «Хошияту-л-қутб фи-л-мантиқ» («Қутбу-ддиннинг мантиқ илмига

оид шарҳига хошия-изоҳ») (17: 3/347).

15. Нуруллоҳ аш-Шарвоний (ваф. 1065/1655 й.)

Нуруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Рафиъ ибн Абдуррахим аш-Шарвоний, ал-Ҳанафий — фозил бўлган. Бабрусия мадрасасида мударрислик қилган ва ўша ерда вафот этган. Асарлари: «Таълика ала анвори-т-танзил ли-л-Байзовий фи-т-тафсир» [«Байзовийнинг тафсир илми ҳақидаги «Анвору-т-танзил» («Нурларнинг нозил бўлиши») асарига таълика-изоҳ»], «Шарху талхиси-л-мифтоҳ фи-л-маъоний ва-л-баён» [«Риторика илми ҳақидаги «Талхису-л-мифтоҳ» («Очқичнинг моҳияти») номли асарга шарх»)], «Шарху-л-фикҳи-л-акбар ли Аби Ҳанифа» [«Абу Ҳанифанинг «ал-Фикҳ ал-акбар» («Энг катта фикҳ») асарига шарх»] (17: 4/45).

16. Юсуф аш-Шарвоний (ваф. 1134/1722 й.)

(Акмалуддин) Юсуф ибн Иброҳим ибн Муҳаммад аз-Заҳрий, аш-Шарвоний, ал-Маданий, ал-Ҳанафий — фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Шарвонда туғилиб, Мадинада вафот этган. Асарлари: «Ҳадияту-с-сабийх фи шарҳи мишкоти-л-масобих» [«Мишкоти-л-масобих»

236 аш-Шарвоний/аш-Шаконий/аш-Шикистоний/аш-Шаклоний

шархига оид чиройли хадя», 3 жилдли], «Шарху мултақийи-л-абхур» [«Мултақийу-л-абхур» («Денгизларнинг туташуви» номли асарга шарх, 2 жилдли), «Рисола фи кароҳияти иқтидои-л-ханафий би-ш-шофиъий» («Ханафийнинг шофиъийга иқтидо қилишининг макрухлиги ҳақида рисола») ва бошқа кўпгина рисолалар (17: 4/140).

17. Юсуф аш-Шарвоний (ваф. 890/1485 й.)

(Зиёуддин) Юсуф ибн Али аш-Шумоҳий аш-Шарвоний — «Махдум ал-Хилватий» лақабли суфий бўлган. Асарларидан: «Одобу-л-иршод ва силсилату-л-арвоҳ» («Иршод одоби ва рухлар силсиласи») (17: 4/172).

18. Абу Бакр аш-Шарвоний (ваф. 1134/1722 й.)

Абу Бакр ибн Рустам ибн Аҳмад ибн Маҳмуд аш-Шарвоний, ар-Румий, ал-Ҳанафий — усмонийлар давлати арбобларидан бўлган адиб. Асарлари: «Ма ла будда минҳу ли-л-адиб» [«Адиб учун лозим бўлган (хислатлар)»] (17: 1/437).

19. Муҳаммад аш-Шарвоний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Ашир ибн Маъруф аш-Шарвоний — солиҳ ва такводор фақиҳ бўлган. Бағдоддаги Низомия

мадрасасида яшаган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/384; 11: 3/423).

544 АШШАКОНИЙ

«Шакон» — Бухоро қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Иброҳим аш-Шаконий (ваф. 324 х.й.дан кейин)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Муслим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шаконий — фозил фақиҳ, ишончли ровий бўлган. Уламолардан кўп ҳадис кўчирган. Бухорода ҳадис имло қилдирган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 324 х.й.дан кейин вафот этган (2: 3/404; 4: 5; 11: 3/447).

2. Абдулҳолик аш-Шаконий (ваф. 480 х.й.дан олдин)

(ал-Ҳоким Абу Бакр) Абдулҳолик ибн Муҳаммад ибн Сайд ибн Али аш-Шаконий — ал-Қозий Наҳанд ибн Абдулҳоликнинг отаси. У Кешда Шамсулаъимма Абу Муҳаммад Абдулазиз ал-Хилвоний имло қилганларни ёзиб олган. 480 х.й.дан олдин вафот этган (11: 3/448).

3. Муҳаммад аш-Шаконий (448-520/1056-1126)

(ал-Қозий Абулмуъайяд) Муҳаммад ибн Абдулҳолик ибн Муҳаммад ибн Сайд ибн Али аш-Шаконий — мазкур Абдулҳоликнинг ўғли. Самарқандда бир муддат қозилик қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 448 х.й.да туғилган ва 520 х.й. 23 ражабда яқшанба куни Кешда вафот этган (11: 3/448).

545 АШШИКИСТОНИЙ

«Шикистон» — Самарқанд яҳинидаги Иштихон ваҳ,асининг қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Иброҳим аш-Шикистоний

(Ал-Ҳофиз Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Исҳоқ аш-Шикистоний. Хуросон ва Ироққа сафар қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/404; И: 3/447).

546 АШШАКЛОНИЙ

«Шаклон» — Марв қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Аҳмад аш-Шаклоний (ваф. 451 х.й.)

•Лбу Исмаат) Ахмад ибн Абдуллох ибн Мухаммад Маъмун аш-Шаклоний — тақводор, поняли, воиз ва имом улган. У уламолардан, ан эса бошқалар ривоят қилганлар. 451 М*-да вафот этган (11: 3/

547

АШШАЛЖИЙКАСИЙ

«Шалжийкас» — Турстон худудида Сайхун гуйида жойлашган Тароз \ох,иясидати шах,арнинг юми. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Абдулмажид аш-Шалжийкасий (ваф. 457

ал-Имом) Абдулмажид ибн Юсуф ибн Шуъайб Бинон аш-Шалжийкасий. Самар-Жанда фикх илмини ганган. Ундан ўғли Али 5н Абдулмажид ҳадис нзэят қилган. У .гамолардан, ундан эса ошқалар ривоят [^лганлар. 457 х.й.да 80 шзда вафот этган (11: 3/451).

548

АШ-ШАЛЖИЙ

шШалж» — Тироз қиш-ларидан бирининг юли. У турклар босиб Илгин имщарлардан бири. жойга нибат <ерилганлар;

1. Юсуф ибн Яхё аш-Шалжий

Юсуф ибн Яхё аш-Шалжий — фозил имом бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/406; 11: 3/451).

2. Али аш-Шалжий (442-523 х.й.)

(Абулхасан) Али ибн Абдулмажид ибн Юсуф ибн Шуъайб аш-Шалжий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 442 х.й.да туғилиб, 523 х.й.да вафот этган (1*1: 3/447).

549

АШШАМИЙДИЗАКИЙ

«Шамийдиза» — Самарканд қишлоқ,ларидан бири. Куйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Мухаммад аш-Шамийдизакий

(Абу Наср) Мухаммад ибн Ахмад ибн ал-Ҳасан ал-Аздий аш-Шамийдизакий. Ҳадис ровийларидан бевосита ривоят қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/457).

550

АШШАМИЙРОНИЙ

«Шамийрон» деган жойга нисбат берилган. У — Марв қишлоқларидан бирининг номи. Куйидаги

олим шу жойга мансубдир:

1. Мухаммад аш-Шамийроний (ваф. 470 х.й.дан кейин)

(Абулмузаффар) Мухаммад ибн ал-Аббос ибн Жаъфар ибн Абдуллох аш-Шамийроний аш-Шоввоний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 470 х.й.дан кейин вафот этган (11: 3/458).

551

АШШАМИЙХАНИЙ

«Шамийқан» — Марв қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Мухаммад аш-Шамийханий (ваф. 262 х.й.)

Мухаммад ибн Абдуллох ибн Қуҳзоз аш-Шамийханий — иктидорли имом бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 262 х.й.да вафот этган (11: 3/459).

2. Абдуссамад аш-Шамийханий

(Абу Бакр) Абдуссамад ибн Ахмад аш-Шамийханий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (И: 3/459).

552

АШШАНЖИЙ

«Шанж» деган номга нисбат берилганлар. Бухоро ах,лидан

баъзиларнинг боболарига нисбат берилган. Шу номга нисбат берилганлардан:

1. Мухаммад аш-Шанжий (ваф. 415 х.й.)

(Абу Тохир) Мухаммад ибн Али ибн Мукаммад ибн Ахмад ибн Шужоъ ибн Исҳоқ ибн Мухаммад ибн Шанж аш-Шанжий — Бухоро аҳлидан бўлган. Жасурлиги боис, «шижоатли, кўркмас» маъноларини англатувчи «аш-Шужоъий» нисбаси билан танилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 415 х.йда вафот этган (11: 3/462).

553 АШ-ШАВОИЙ

«Шаво» — Сўғд қишлоқларидан бирининг номи. Қуйидаги олим шу жойга мансубдир:

1. Уҳайд аш-Шавоий

Уҳайд ибн Лукмон аш-Шавоий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/419).

554 АШШАВВОЛИЙ

«Шаввол» — Марв қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Мухаммад ибн Абуннажм аш-Шавволий (460-532 х.й.)

(Абу Тохир) Мухаммад ибн Абуннажм ибн Мухаммад аш-Шавволий — хатиб, юзи нури шахе, дин ва яхшилик тарафдори бўлган. Ундан кўплаб одамлар ҳадис тинглаганлар. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 460 х.йда туғилган ва 532 х.йда Шаввол қишлоғида вафот этган (2: 3/420; 11: 3/466).

2. Мухаммад ибн Маҳмуд аш-Шавволий (ваф. 292 х.й.)

Мухаммад ибн Маҳмуд ибн Синон ал-Жунужардий, сўнгра аш-Шавволий. Шаввол қишлоғига кўчиб ўтган ва ўша ерда 292 х.й. 100 ёшида вафот этган (11: 3/467),

3. Мусо аш-Шавволий

(Абу Уяйна) Мусо ибн Каъб ибн Уяйна ибн Оиша ибн Амр ибн ас-Суро ал-Мараъий аш-Шавволий — ушбу қишлоқда қадимдан яшаб келганлардан, «исно ашаро нукабо» — ўн икки нақиблардан ва машҳур кўмондонлардан бири бўлган. Дастлаб Сарахсни, сўнгра Насони бошқарган (11: 3/467).

4. Лоҳиз аш-Шавволий

(Абу Амр) Лоҳиз ибн Қарит (Абулжунуб) ибн Ясрибий ибн Рифоъа ибн Авф ибн ибн Тамим ал-Мароий аш-Шавволий. Ушбу қишлоқда қадимдан

яшаган. Отаси Расулulloх (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бўлган. Уни кичиклигида курган. Сўнгра отаси Басрага борган. Ундан кейин Марварузга келиб, шу ердаги Шаввол қишлоғида муқим яшаган. 122 йил умр курган. Юз ёшида ўғли Лоҳиз туғилган. Лоҳиз қадри ва мавқеи жиҳатидан Сулаймон ибн Касирга тенг келар эди. Кейинчалик Абу Муслим уни қатл этган (11: 3/468).

555 АШШУХАНОКИЙ

«Шуханон» («Шуханок») — Самарканд қишлоқларидан бирининг номи. Шу жойга нисбат берилганлар:

1. Аҳмад аш-Шуханокий

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Халф аш-Шуханокий. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/469).

2. Мухаммад аш-Шуханокий

(Абу Мансур) Мухаммад ибн Аҳмад ибн Халф аш-Шуханокий — мазкур Абу Бакрининг ўғли. Отасидан ривоят қилган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/469).

3. Абдуллох аш-Шуханокий

(Абу Мухаммад) Абдуллох ибн Мухаммад

гбн Атиқ аш-Шуханокий, =.с-Самарқандий — муаззин бўлган. У уламолардан, ундан эса сэшқалар ривоят қилганлар (11: 3/469).

**556
АШШУРАБОНИЙ**

* *Шур а бон* — *Мавароуннакрнинг Кеш вох,асидаги қишлоқ^ардан бири. Шу жойга нисбат 'ерилтанлар:*

1. Абдуррахмон аш-Шурабоний

Абу Бакр) Абдуррахмон ибн Маҳмуд ал-Касий аш-Шуврабоний. У :±молардан, ундан эса "эшқалар ривоят эсглтанлар (11: 3/470).

**557
АШ-ШАВКОНИЙ**

* *Шавкон* — *Абивард ша Сарахс орасида жойлашган Хоброн шож,иясидаги шаҳарча. Шу жойга нисбат берилганлар:*

1. Атиқ аш-Шавконий

(Абулвафо) Атиқ ибн •луҳаммад ибн Абис (Анис) аш-Шавконий. "тасидан ҳадис ривоят шлган. У уламолардан, нлан эса бошқалар гезоят қилганлар (2: 3/423; 11: 3/470).

2. Муҳаммад аш-Шавконий

(Абу Тохир) Муҳаммад ибн Абис аш-Шавконий — мазкур Атикнинг отаси. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/423; 11: 3/470).

3. Абис аш-Шавконий (520 х.й.да ҳаёт бўлган)

(Абулало) Абис (Анис) ибн Муҳаммад ибн Абис (Анис) ибн Усмон аш-Шавконий — мазкур Абу Тохирнинг акаси. Олим шайх бўлган. Марвга бориб фикҳ ўрганган ва ўша ерда ҳадис тинглаган. Ўз юртида бир муддат қозилик қилган ва яна 520 х.й.дан кейин Марвга қайтиб келган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/423; 11:3/470).

4. Муҳаммад аш-Шавконий (ваф. 542/1148 й.)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад аш-Шавконий, ал-Моликий. Отаси Хуросондаги машҳур муҳаддислардан бўлган. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. 542 х.й. 8 шаъбонда шанба куни вафот этган (2: 3/423).

**558
АШШУМОНИЙ**

* *Шумон* — *Жайқун орқасидаги Соғиён ўлкасининг шах,ри. Шу жойга нисбат берилганлар:*

1. Муҳаммад аш-Шумоний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуллох аш-Шумоний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 3/424).

2. Муҳаммад ас-Сарахсий

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Муҳаммад аш-Шумоний ал-Балхий — «Зайн ас-солихийн» («Солихлар курки») лақабли балхлик воиз. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (11: 3/471).

**559
АШШАХРАСТОНИЙ**

* *Шахрастон* — *Насо як,инидаги Хуросоннинг кичик шаҳарчаси. Шу жойга нисбат берилганлар:*

1. Муҳаммад аш-Шахрастоний (467-548/1075-1135)

(Абулфатҳ) Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад ибн Абулқосим ибн Абу Бакр аш-Шахрастоний — ашъария мазҳаби мутакаллими ва файласуф бўлган. Хушхулқ олим, хусни хат ва лафз соҳиби, шинаванда шахе бўлган. Фикҳ ва усул илмини ўрганган. Асарлари: «Китобу ниҳояти-л-икдом» («Такдим этишининг

аш-Шахрастоний/ашгШаҳид

нихояси»), «Китобу-л-милал ва-н-нихал» («Қавмлар ва динлар китоби»), «Китобу ғояти-л-маром фи илми-л-калом» («Калом илмида истак-хошишнинг чегараси ҳақидаги китоб»), «Китобу дақоиқи-л-авҳом» («Ўй-хаёлларнинг нозик жиҳатлари ҳақидаги китоб»), «Китобу-л-иршод ила илми-л-эйтиқод» («Эйтиқод илмига бошловчи қўлланма китоб»), «Китобу-л-мабдаъ ва-л-мийъод» («Тамойил ва муддат ҳақидаги китоб»), «Китобу шарҳи сурати Юсуф би иборати латифа фалсафия» («Фалсафий латиф иборалар орқали «Юсуф» сурасини шархлаш китоби»), «Китобу-л-актор фи-л-усул аш-шайба» («Анъанавий усулда томонларни аниқлаш китоби»), «Тариху ҳукамо» («Ҳукамолар тарихи»), «ал-Маноҳиж ва-л-баён» («Дастурлар ва баён»), «ал-Музораъа» («Ўхшашликлар»), «Талхису-л-ақсом ли мазоҳиби-л-аном» («Мазҳабларнинг қисқача баёни») (2: 3/427; 3: 403; 15: 4/291; 17: 3/422).

2. Муҳаммад аш-Шахрастоний (ваф. 1315/1891 й.)

Муҳаммад ибн Хусайн ибн Муҳаммад ибн Али ал-Хусайний аш-Шахрастоний — фақиҳ ва

усулчи бўлган. Асарлари: «Танбиху-л-аном фи фавосид иршоди-л-аъвом» («Авом (маърифатсиз) қавмга кўрсатма беришнинг фосидлиги ҳақида одамларга танбехлар»), «ар-Расоил ал-усулия фи-л-фикҳ» («Фикҳдаги усулга оид рисоалар»), «Жаннату-н-наъим фи-л-имомат» («Имомлик ҳақида ёқимли жаннат»), «ал-Оёт ал-баййнинот фи исботи-с-Сониъ» («Яратувчининг барҳақлигини исбот этиш ҳақида аниқ-тиник баён этилган оятлар»), «ал-Баҳжа фи шарҳи-л-маҳжа» («Дил шарҳидаги гўзаллик») — ушбу асар «ал-Асал ал-мусаффо фи-л-мавъиза» («Мавъизалар ҳақидаги мусаффо асал»), «Мавоқиъу-н-нужум фи илми-л-хайъа» («Фалакиёт илмидаги юлдузларнинг мавқелари»), «ал-Мавоид ми-на-л-фавоид» («Фойдалардан безалган дастурхонлар»), «Луббу-л-албоб фи илми-л-хисоб» («Ҳисоб илмидаги ақлларнинг калби»), «Китобу-л-вафоид фи-н-наҳв» («Наҳв илмидаги фойдалар китоби»), «Сабилу-р-рашод фи нажоти-л-ибод» («Бандаларнинг нажоти ҳақида раҳнамолик йўсини»), «Саҳифату-л-хусайния фи-л-адъия» («Дуолар ҳақида хусайний саҳифаси»), «ас-Сияф ал-мушкила фи-с-сарф»

(«Сарф илмидаги мураккаб қолиплар»), «Муҳаззибу-т-тазхийб фи-л-мантиқ» («Мантик илми ҳақида мураббийнинг тарбияси») (17: 3/262).

3. Мансур аш-Шахрастоний

(Абулқосим) Мансур ибн Нуҳ ибн Муҳаммад ибн Иброҳим аш-Шахрастоний. У уламолардан, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар. Ундан ўғли Абу Мансур Муҳаммад ривоят қилган (11: 3/475).

4. Муҳаммад аш-Шахрастоний (ваф. 548 х.й.)

(Ал-Имом Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн ал-Фазл аш-Шахрастоний. 548 х.й.да вафот этган. Асарлари: «ал-Арбаъийн ал-Фуровий» («Муҳаммад ал-Фуровийнинг қирқ ҳадис тўплами») (15: 4/57).

560

АШШАҲИД

«Шаҳд» деган номга нисбат берилган. Марв ах,лидан шах,ид бўлганларга шу нисбат берилган. Шу номга нисбат берилганлар:

1. Муҳаммад аш-Шаҳид

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн

Абдулмажид ибн Исмоил
 :н ал-Ҳоким ал-
 Марвазий ас-Сулламий,
 ':-гра ал-Ҳанафий аш-
 1Паҳид, ал-Вазир ал-
 Ҳоким — Марв олими
 тлган. Ўз асрида Абу
 Чанифанинг асҳоб-
 -ас;шинг пешвоси бўлган.
 Марв, Бағдод, Рай, Бухоро
 Маккада ҳадис
 тинглаган. Эҳтиёж сезган
 ҳадисларни ёд олар ва
 ҳадисдан гапирар эди.
 Расулulloҳ (с.а.в.)нинг 60
 :•: г та ҳадисларини ёд
влган. Асарлари: «ал-
 офий» («Кифоя қилувчи
 жтоб»), «ал-Мунтақий»
 Танланган китоб»),
 • Шарху-л-жомиъ»
 Комиъ тўпламга шарх»),
 :улу-л-фикх» («Фикх
 • юсдари»). У уламолардан,
 план эса бошқалар
ивоят қилганлар (11: 3/
 477).

2. Ал-Мухсин аш-Шаҳид

(Абу Наср) ал-Мухсин
 Аҳмад ибн ал-Мухсин
 ге Аҳмад ибн Муҳаммад
 :н Яхё ибн ал-
 ;лилий ал-Марвазий —
 л-қозий аш-шаҳид»
чмаҳид қози») номи билан
 ашилган. Абу Ҳанифа
 «химахуллоҳу асҳоб-
 • крининг пешволаридан,
 ихх. ҳадис, тарих ва
рсоб илмларида машҳур
 1 : -. = рдан бўлган.
 ухоро ва Марвда ҳадис
 • -" -аган. У уламолардан,
 в эса бошқалар
 • • оят қилганлар (11: 3/

3. Ал-Имом Абу Исҳоқ (ваф. 536 х.й.)

Иброҳим ибн Аҳмад ибн
 Муҳаммад ибн Али ибн Ато
 ал-Фалхорий, ал-
 Марвазий, аш-Шаҳид —
 «Зайн ал-ислом аш-
 шаҳид» («Исломнинг шаҳид
 кетган зийнати») лақаби
 билан танилган. Келиб
 чиқиши Марв аҳлига бориб
 такалган. Илм, фазл, фатво
 ва тақво аҳлидан бўлган.
 Марвдаги Тамимия
 мадрасасида ал-
 Воҳидийнинг «ал-Васит»
 («Ўртача») китобидан ҳадис
 тинглаган. Шунингдек, яна
 ал-Воҳидийнинг «Тирозу-
 л-мағозий» («Маънолар
 тизими») китобини
 тинглаган. У уламолардан,
 ундан эса бошқалар ривоят
 қилганлар. 536 х.й.да
 Хоразмшоҳ фитнасида
 ўлдирилган (11: 3/479).

561 АШШИЁЙИЙ

«Шиё» — Бухоро
 қишлоқларидан бирининг
 номи. Қуйидаги олим шу
 жойга мансубдир:

1. Абдуссамад аш-Шиёйий

(Абу Наъим)
 Абдуссамад ибн Али ибн
 Муҳаммад аш-Шиёйий,
 ал-Бухорий — асҳобу-р-
 раъй аҳлидан, факих ва
 зоҳид бўлган. У
 уламолардан, ундан эса
 бошқалар ривоят
 қилганлар (2: 3/429; 11: 3/
 482).

562 АШШИЁНИЙ

«Шиён» — Бухоро
 қишлоқларидан бирининг
 номи. Қуйидаги олим шу
 жойга мансубдир:

1. Аҳмад аш-Шиёний

(Абу Муҳаммад) Аҳмад
 ибн Абдуссамад ибн Али
 аш-Шиёний. У
 уламолардан, ундан эса
 бошқалар ривоят
 қилганлар (2: 3/429).

563 АШ-ШИЙЖИЙ

«Шийж» — Марв
 қишлоқларидан бирининг
 номи. Қуйидаги олим шу
 жойга мансубдир:

1. Ал-Мусайяб аш-Шийжий

(Абулаббос) ал-
 Мусайяб ибн Муҳаммад
 ибн Зуҳайр ибн Базиъ Зиёд
 ар-Румий аш-Шийжий.
 Шийж қишлоғидан бўлган.
 У уламолардан, уламолар
 ҳам ундан ривоят
 қилганлар (11: 3/487).

564 АШШЕРОЗИЙ

«Шероз» — Сарахс
 қишлоқларидан бирининг
 номи. Шу жойга нисбат
 берилганлар:

1, Умар аш-Шерозий (449-529/1057-1135)

(Абу Ҳафс) Умар ибн
 Муҳаммад ибн Али ибн
 Абу Наср ас-Сарахсий

244 аш-Ширвоний/аш-Ширувий/аш-Шайшақий/ас-Собирий

(«Ислом ва имон ҳақидаги рисола»), «Рисола фимо варида фи садри ҳазихил-умма» («Ислом уммати қалбига кирган рисола»), «Фи аҳкоми-л-буғот» [«Золимларга нисбатан (қўлланадиган) ҳукмлар ҳақида»], «Рисола фи-литрати» («Қариндошлар ҳақида рисола»), «Рисола фи тарожуми-с-суфаро ва-л-абвоби-л-арбаъати-ли-л-Маҳдий» («Элчиларнинг таржимаи ҳоллари ва Маҳдийга оид тўрт боб ҳақида рисола») (17: 1/664).

5. Зайн ал-Обидийн аш-Ширвоний (тав. 1190/1780 й.)

Зайн ал-Обидийн аш-Ширвоний. «Ҳадикату-с-сиёҳати ва риёзу-с-сиёҳати» («Саёҳат бўстони ва сайёҳлик тарбияси») номли асар унга мансубдир (17: 1/743).

6. Бакр аш-Ширвоний (ваф. 314/926 й.)

(Абулқосим) Бакр ибн Умар аш-Ширвоний — Бухоро ахлидан ҳисобланган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 314/926 йилда вафот этган (11: 3/498; 2: 3/434).

7. Муҳаммад аш-Ширвоний

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Нух ибн Собир ибн Аҳмад ибн Нух ибн Усмон ибн Нафиъ ат-Тамимий

ал-Ҳанзалий аш-Ширвоний. У Ширвон қишлоғи ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 3/499).

569

АШШИРУВИЙ

«Ширувайж»га нисбат берилган. У — Насо ахлидан бўлган баъзи боболарнинг исми шарифи. Қуйидаги олим шу нисбага мансуб:

1. Муҳаммад аш-Ширувий (281-380/894-990)

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ширувайҳ ан-Насавий аш-Ширувий — Насода муқим яшаган ишончли олимлардан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 281/894 йилда туғилган ва узоқ умр кўриб, 380/990 йилда вафот этган (11: 3/500).

570

АШ-ШАЙШАҚИЙ

Термизнинг қишлоқларидан бири бўлган «Шайшақ»к, а нисбат берилган олимлардан:

1. Аҳмад аш-Шайшақий

Абу Наср Аҳмад ибн Уҳайд аш-Шайшақий. У «ан-Наводир» китобини тўлиғича ривоят қилган. У кўплаб олимлардан ривоят

қилган бўлиб, навбатидан, ундан ҳам ривоятлар қилганлар (11 3/501).

571

АССОБИРИЙ

«Собир» — Марвдаги бир даҳ,анинг номи. Унс нисбат берилган олимлардан:

1. Юсуф ас-Собирий (ваф. тахм. 530/1135 й.)

(Абулмаолий) Юсуф ибн Муҳаммад ал-Фақимий ас-Собирий. У Собир даҳасидан сермахсул адиб бўлган. У чуқур билимли адиблардан саналиб, турли илмлар бўйича олим эди. араб ва ажам (форс) тилларида яхши шеърлари бор. Айниқса, араб тилида гўзал шеърлар битган. У кўплаб олимлардан ривоят қилган бўлиб, ўз навбатидан, ундан ҳам кўплаб олимлар ривоятлар келтирган. Тахм. 530/1135 йилда вафот этган (2: 3/439; 11: 3/505).

2. Муҳаммад ас-Собирий

(Абулмаузаффар) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абулқосим ас-Собирий. У «ал-қозий ал-важих» («жиддий қози») номи билан танилган эди. У гарчи ёши улуғ шайх ва ваъзхонлардан бўлса-да, лекин Марвдаги қозилик ишларида серҳаракатлиги билан ажралиб турарди.

Илм толиблари бирон нарса ўрганиш мақсадида ҳар доим унинг атрофида парвона бўлардилар. У ўз ҳамроҳлари (сафдошлари) билан бирга атрофдаги қишлоқлару шаҳарларда ваъзлар ҳам қилар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 3/505).

3. Муҳаммад ас-Собирий (ваф. 369/979 й.)

(Абу Амру) Муҳаммад ибн Муқаммад ибн Собир ибн Котиб ибн Абдуррахмон ал-Муаззин ас-Собирий. У Бухоро аҳлидан, бобосига нисбат берилиб, ас-Собирий деб аталган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 369/979 йилда вафот этган (11: 3/505).

4. Наср ас-Собирий (ваф. 372/982 й.)

(Абулқосим) Наср ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Собир ибн Котиб ал-Бухорий ас-Собирий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 372/982 йилда вафот этган (11: 3/506).

572 АССОҒОНИЙ

У «Соғоя» («Чоғон»)га нисбат берилган. «Соғон» — Марвнинг қишлоқларидан бири. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ас-Соғоний (ваф. 302/914 й.)

Аҳмад ибн Умрон ал-Мукаттиб ас-Соғоний. У Соғон аҳлидан. У Амара даҳаси тарафида Қуръондан таълим берган. У кўплаб олимлардан маълумотлар олган, ўз навбатида, ундан ҳам кўплаб олимлар маълумотлар олганлар. 302/914 йилда вафот этган (11: 3/508).

573 АССОҒАРЖИЙ

У «Соғарж»га нисбат берилган бўлиб, Соғарж — Сўғднинг қишлоқларидан биридир. Соғаржга нисбат берилган олимлардан:

1. Ал-Ҳасан ас-Соғаржий (ваф. 360/970 йилдан кейин)

(Абу Аҳмад) ал-Ҳасан ибн Али ибн Жаброил ас-Соғаржий ад-Дехқон — Абу Ханифанинг фазилатли, соҳиби қарам ва яқин суҳбатдошларидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 360/970 йилдан кейин вафот этган (11: 3/509).

2. Ал-Аббос ас-Соғаржий

(Абулфазл) ал-Аббос ибн ат-Таййиб ас-Соғаржий ас-Сўғдий — Сўғди Самарқанддан чиққан олим. У уламолардан, уламолар

ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 3/509).

574 АССОНИҚОНИЙ

Унинг нисбати «Сониқоняга боғлиқ, бўлиб, Сониқон — Марвнинг бир қишлоғидир. Бу қиш-лоққа мансуб бўлган олимлардан:

1. Ас-Сониқоний ал-Адиб

Абу Ҳамза ас-Сониқоний ал-Адиб — адаб соҳасида етук фозил киши, жаҳмий диний оқимиға қарши қатъий турган олимлардан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 3/443; 11: 3/513).

575 АССОЙИҒ

«Соғий»га нисбат берилиб, Марв аҳлидан тиллодан нафис заргарлик буюмларини тайёрлаган шахсларга нисбатан «сойиғ» дейилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ас-Сойиғ (ваф. 131/748 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Маймун ас-Сойиғ. У ўз даврининг етук олими, амру маъруф ва наҳий мункар билан шуғулланадиган фозил фақиҳларидан ҳисобланарди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан

246 ас-Сойиғ/ас-Сойиғий/ас-Сахрабозий/ас-Садақий

хадис ривоят қилганлар. 131/748 йили Марвда қатл қилинган (11: 3/515).

2. Ал-Ҳасан ас-Сойиғ (ваф. 356/967 й.)

(Абу Муҳаммад) ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳалим ал-Марвазий ас-Сойиғ. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 356/967 йилда вафот этган (11: 3/516).

3. Ардашер ас-Сойиғ (ваф. 236/850 й.)

(Абулаббос) Ардашер ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ҳусомий ал-Марвазий ас-Сойиғ — Марв аҳлидан бўлган ишончли шайхлардан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 236/850 йилда вафот этган (11: 3/516).

576 АССОЙИҒИЙ

Марв аҳлидгая нафис заргарлик буюмлари тайёрлаш билан шуғулланадиганларга нисбат берилиб, «ас-Совий» дейилади. Унта мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ас-Сойиғий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ас-Сойиғий. У Марвда қози лавозимида фаолият кўрсатиб, «ал-қози ас-садийд» («акл-

идрокли кози») номи билан шуҳрат қозонган. У гўзал хулқ-атвори ва ҳукмлари билан танилган, мунозараларда беназир, зоҳирию ботини гўзал бир инсон эди. У кўп вақтини намоз ўқиш ва Қуръон тиловати билан ўтказарди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 3/517).

577

АССОЙИҒИЙ

Насафнинг бир дах,аси — «ас-Соға»га нисбат берилиб, шундай аталади. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ас-Сойиғий (ваф. 344/955 йилдан кейин)

(Абу Али) Муҳаммад ибн Усмон ибн Иброҳим ас-Сойиғий — фозилкиши бўлган. Илм олишга ўта кизикқан ва илмини ошириш мақсадида Ироқ, Миср ва Ҳижозга кўп сафар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 344/955 йилдан кейин вафот этган (11: 3/517).

578

АССАХРОБОЗИЙ

Марвнинг қишлоқ-ларидан бири бўлган «Сахрабоз»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Бурайда ас-Сахрабозий

(Абу Саҳл) Бурайда ибн Муҳаммад ибн Бурайда ибн Аҳмад ибн Аббос... ибн Бурайда ас-Сахрабозийдир. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 3/525).

579

АС-САДАҚИЙ

У «Садақа»га нисбат берилган. У — Марвдаги Садақа ибн ал-Фазл номли бир маишур даҳд. Ушбу дах,а Абулфазл Садақа ибн ал-Фазл ал-Марвазий исмли бир киши шаънига нисбатан игу ном билан аталган. Бу ерда бир гуруҳ, олимлар яшаганлар ва игу жойининг номи билан борлиқ нисба олганлар. Улар жумласидан:

1. Аҳмад ас-Садақий (398/1007 йилда хаёт бўлган)

(Абу Бакр) ибн Муҳаммад Иброҳим ал-Марвазий ас-Садақий ал-Қозий — таниқли факих бўлган. 398/1007 йилда ундан Абу Довуд хадислар ёзиб олган. У кўплаб олимлардан хадислар ривоят қилган, ўз навбатида, кўп олимлар ҳам ундан маълумотлар олганлар (2: 3/451; 11: 3/530).

2. Муҳаммад ас-Садақий (ваф. 517/1123 й.)

(Абулфатх) Муҳаммад ибн Исмоил ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳафсия ал-Марвазий ас-Садакий — Марв аҳлидан чиққан адиб. У Садақа ибн ал-Фазл даҳасида яшаган. У йирик адиб бўлиб, фозил киши эди. Усул ал-луғатда кенг қамровли билимга эга бўлиб, бу усулларни ёдлаган эди. У васфига етиб бўлмайдиган ларажада кўп шогирдлар етказган. Ҳурмат-эътиборли кишиларнинг аксар фарзандлари унинг заогирдлари жумласидан эди. Ғоятда узок умр курган бу инсон ҳақидаги ривоятлар чор атрофга гарқалган. У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган бўлиб, ўз навбатида, ундан ҳам кўплаб олимлар ривоятлар - тирганлар. 517 х.й.нинг :афар ойида вафот этган (2: 3/451).

3. Умар ас-Садакий 1ваф. 536/1141 й.)

(Абу Ҳафс) Умар ибн ^1ухаммад ибн Абу Бакр ан-Нотикий ас-Садакий — солиҳ шайх бўлган. У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган :ўлиб, ўз навбатида, ундан ҳам кўплар маълумотлар :'_ганлар. 536/1141 йилда гарот этган (2: 3/451).

4. Садақа ас-Садакий (ваф. 220/835 йилдан кейин)

Абулфазл) Садақа ибн ~л-Фазл ал-Марвазий —

Аҳмад ибн Ханбалнинг дўсти бўлган, художўй имомлардан бири саналган. У ҳадис ва суннани чуқур эгаллаганлардан бўлиб, кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ўз навбатида, ундан ҳам кўплар ривоят келтирганлар. 220/835 йилдан кейин вафот этган (2: 3/451; И: 3/530).

580 АССАРРОМ

Бухоро сиқидан бўлиб, ковуш сотувчиларга нисбат берилиб, шундай деб аталган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ас-Сарром (ваф. 316/928 й.)

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Халаф ибн Исом ибн Аҳмад ал-Фароизий ас-Сарром — Бухоро аҳлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 316/928 йилда вафот этган (11: 3/534).

581 АССАРМИНЖАЙНИЙ

Термизнинг қишлоқларидан бири — «Сарминжон»га нисбат берилган исм. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абулвоҳид ас-Сарминжайний

(Абу Муҳаммад) Абдулвоҳид ибн

Муҳаммад ибн Молик ибн Нусравия ас-Сарминжайний. У Сарминжонда имом-хатиблик қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 3/536).

2. Наср ас-Сарминжайний

Наср ал-Муҳаллаб ас-Сарминжайний. Унинг келиб чиқиши Термиздан эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 3/536).

582 АССАҒОНИЙ

«Санониён» («Соғонга»)га нисбат берилган исм бўлиб, Термиз тасарруфидаги жойлар билан туташиб кетган Мовароуннаҳрдаги улкан вилоятдир. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ас-Сағоний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Жаъфар ас-Сағоний — Бағдодда муқим яшаган ишончли ровийлардан бири. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 270/883 йилда вафот этган (2: 3/464; 11: 3/542).

2. Ал-Фазл ас-Сағоний (420/1029 йилда хаёт бўлган)

(Абулаббос) ал-Фазл ибн ал-Аббос ибн Яҳё ас-

248 ас-Сағоний/ас-Сўғдий

Сағоний — Соғон ахлидан бўлган олим, хадисларнинг барча турларига оид жуда яхши асарлар муаллифи. Нишопурда хадисларни тинглаган. 420/1029 йилдан кейин ҳаж ибодатини адо этгач, Бағдодга келган. Бағдодда ва Хуросонда хадисларни ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 3/508; 17: 2/623).

3. Муҳаммад ас-Сағоний

(Абу Саад) Муҳаммад ибн Муяссар ас-Сағоний аз-Зарийр (кўзи ожиз). У Бағдодда истикомат қилган. Кўзи ожиз бўлиб, ҳар доим қовоғини солиб юрган (11: 3/542).

4. Саҳл ас-Сағоний (209/810 йилда хаёт бўлган)

(Абуссура) Саҳл ибн Абдулазиз ибн Савра ас-Сағоний — Абу Али ас-Сағоний амакисининг ўғли. У 209/810 йилда хадис ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 3/543).

5. Ал-Ҳасан ас-Сағоний

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Савра ас-Сағоний — мазкур Саҳл амакисининг ўғли. Асли соғонийлик бўлиб, Марв ахлидан ҳисобланади. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 3/543).

6. Солих ас-Сағоний (460-532/1067-1137)

Солих ибн Хиббон ибн Сулаймон ас-Сағоний — «Дор ал-Жузжония» битирган таникли факих. Самарқанд шаҳрида муқим яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 460/1067 йилда туғилиб, 532/1137 йилда вафот этган (11: 3/543).

7. Аббос ас-Сағоний (ваф. 295/907 й.)

(Абулфазл) Аббос ибн Жаъфар ас-Сағоний — Самарқандда хадис айтган шайхлардан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 295/907 йилда вафот этган (11: 3/542).

8. Ҳайдара ас-Сағоний (ваф. 385/969 й.)

Ҳайдар ибн Умар ибн ал-Ҳасан ибн ал-Хаттоб ас-Сағоний — Довуд аз-Зоҳирийнинг мазҳабидаги факихлардан. Унинг асарларидан: «Мазҳаби ҳақида ёзилган мухтасар китоб», аш-Шайбонийнинг «ал-Жомий ас-сағийр» («Кичик тўплам») асарига ёзилган бир китоб (унда ҳанафийлик мазҳабидаги фуруъ ал-фикҳ баён қилинган), «Шарху-с-сирожия фил-фароиз» («Мерос илми ҳақидаги Сирожия китобига шарх») (17: 1/666).

9. Муҳаммад ас-Сағоний (790-858/1388-1454)

(Абу Ҳомид) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Сайд, ал-Маккий, ал-Амирий, ал-Ҳанафий ас-Сағоний — асли сағонийлик бўлган факих. У рамазон ойида таваллуд топиб, шаъбон ойида вафот этган. Унинг асарларидан: «Шарх канзи-д-дақоик» (Имом Абулбаракот Ҳофизуддин ан-Насафийнинг «Канзу-д-дақоик» («Канзу-д-дақоик») асарига шарх», унда ҳанафий фикҳининг фуруъ ал-фикҳ масалалари баён этилган (17: 3/105).

583

АССЎҒДИЙ

Сўғдга нисбатан айтилган бу ном ажиб бир вилоятдан иборатки, укўпинча «Сўғдони», яъни «икки Сўғд» — Самарқанд ва Бухоро Сўғди х, ам дейилади. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Айюб ас-Сўғдий (ваф. 274/887 й.)

Айюб ибн Сулаймон ибн Довуд ас-Сўғдий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 274/887 йилда вафот этган (2: 3/466; 11: 3/544).

2. Исҳоқ ас-Сўғдий

(Абу Яъқуб) Исҳоқ ибн Ҳисон ибн Қухий ас-

Сўғдий. Асли Сўғддан бўлиб, Марвда узоқ муддат яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 3/465).

3. Исҳоқ ас-Сўғдий

Исҳоқ ибн Иброҳим ион Мансур ас-Сўғдий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 3/544).

4. Ғуврак ас-Сўғдий

Лбу Абдуллох) Ғуврак :н ал-Ҳазрам ас-Сўғдий ал-Қорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 3/544).

5. Абдуллох ас-Сўғдий

Абдуллох ибн •{ухаммад ибн Айюб ас-Еўғдий. У уламолардан, рамолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 3/544).

6. Муҳаммад ас-Сўғдий

Муҳаммад ибн Аҳмад :н ас-Сакан ас-Сўғдий. ибн Абу Хуросон (Абу I гр -соннинг ўғли) номи "Елан танилган эди. У — юн ас-Сўғдийнинг отаси. %амолардан, уламолар км ундан ҳадис ривоят елганлар (11: 3/544).

7. Абдулжалил ас-Сўғдий

Ўбу Муҳаммад) улжалил — мазкур ибн вит ас-Сўғдийнинг яган юқорида бундай йўқ — мантиқан

боғланмаган) ўғли. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 3/544).

584

АССАФФОР

Мисдан ясалган идишларни сотиш билан шуғулланган бухороликларга «саффор» нисбати берилиб айтилган исм. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Исмоил ас-Саффор

(Абу Иброҳим) Исмоил ибн Абу Наср ас-Саффор — мазкур Абу Насрнинг ўғли. У фазилатли имом, ҳар доим ҳақиқатни сўзлайдиган инсон, Аллох таоло йўлида маломатчининг маломатидан кўркмас эди. 461/1068 йилда қилган амру маъруф ва наҳйи мункари учун шафқатсиз равишда қатл қилинган эди (11: 3/548).

2. Аҳмад ас-Саффор (456/1064 йилдан олдин хаёт бўлган)

(Абулфазл) Аҳмад ибн Али ас-Саффор — котиб (ёзувчи) ва шоир бўлган. Унинг қаламига мансуб бир неча рисоалардан Умар ибн ал-Ҳасан ал-Адибий тўпламлар тузган эди. Улардан бири — «Рисола ила Абдулмалик а л - К и н д и й » («Абдулмалик ал-Киндийга йўлланган нома»)дир. Абдулмалик ал-Киндий эса 456/1063

йилда вафот этган (17: 1/203).

3. Аҳмад ас-Саффор (ваф. 341/952 й.)

(Абу Али) Исмоил ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Солих ас-Саффор. Унинг бир қисм асари бор. Унинг вафоти - 341/952 йил (17: 1/376).

4. Абулқосим ас-Саффор (ваф. 336/947 й.)

(Абулқосим) ас-Саффор — таникли мутакаллим бўлган. Унинг асарларидан: «Усулу-т-тавҳид» («Тавҳид усуллари») (17: 2/643).

5. Ҳаммод ас-Саффор

(Абулмуҳомид) Ҳаммод ибн Иброҳим ас-Саффор ибн Абу Исҳоқ. У Бухоронинг жомеъ масжидида жума намозларида имомлик қилган. У адаб ва уеул илмларини яхши эгаллаган, мазкур жомеъ масжидда жума кунлари ўқиладиган мавъизаларнинг имлосини тайёрлар эди. У кўпдан-кўп олимлардан ҳадислар ривоят қилган бўлиб, ўз навбатида, ундан ҳам бошқа олимлар ривоятлар қилганлар (11: 3/548).

585

АТТОРОБИЙ

Бухоро ҷишлоқларидан бири — «Тороб»га нисбат берилган исм. Унга мансуб бўлган олимлардан:

250 ат-Торобий/ат-Толибий/ат-Толақоний

1. Маҳдий ат-Торобий (ваф. 265/878 й.)

(Абулфазл) Маҳдий ибн Ишқоб (Искоб) ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Бакрий ат-Торобий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 265/878 йилда вафот этган (2: 4/4; 11: 4/27).

2. Аҳмад ат-Торобий

(Абу Ражо) Аҳмад ибн Яъқуб ал-Пойқандий ат-Торобий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/27).

586

АТТОЛИБИЙ

Насаф ах^лига мансуб бўлган баъзи аجدодларга нисбат берилган помдан келиб чиххан исм. Улардан:

1. Муҳаммад ат-Толибий (ваф. 386/996 й.)

(Абу Яъмар) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Толиб ибн Али ибн ал-Ҳасан ат-Толибий аз-Зарийр — Насаф ахлидан бўлган. У ҳақда ҳар хил гап-сўзлар бўлиб, сўнгра унинг кўриш қобилияти йўқолган. Кейинчалик, вазият ўзгариб, умрининг охирида ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 386/996 йилда вафот этган (11: 4/29).

2. Али ат-Толибий (ваф. 386/996 й.)

(Абулҳасан) Али ибн Муҳаммад ибн ал-Аббос ат-Толибий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 386/996 йилда вафот этган.

587

АТТОЛАҚОНИЙ

«Толах,он»га нисбати айтилган бу ном Марварруз ва Балх ўртасида бўлган («Хуросон Толақони») бир шах,арчанинг номи. У, шунингдек, Қазвин, Абхур ва Занжон ўршасидаги бир вилоятнинг ҳам номидир. Ул иккаласига мансуб олимлар:

1. Муҳаммад ат-Толақоний (1283/1866 й.)

Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ат-Толақоний ал-Бурғоний (ал-Барғоний) ал-Қазвиний — фозил киши бўлган. Унинг асарларидан: «Мифтоҳ ал-бако фи-л-мароъий» («Кўрилган нарсалар ҳақида йиғи калити») (17: 3/353).

2. Сайд ал-Марвазий ат-Толақоний (ваф. 227/842 й.)

(Абу Усмон) Сайд ибн Мансур ибн Шуъба ал-Хуросоний ал-Марвазий ат-Толақоний ал-Балхий — муҳаддис, Қуръони карим ҳофизи ва

муфассир сифатида танилган. Жузжонда туғилган бўлса-да, лекин Балхда ўсиб-улғайган. Сўнгра куп мамлакатларга саёҳат қилгач, узоқ муддат Маккада яшаган ва шу муқаддас шаҳарда 227 х.й.нинг рамазон ойида тўксон ёшдан ошгандан сўнг вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ас-Сунан» («Сунна»), «Тафсиру-л-Қуръони-л-карим» («Қуръони карим тафсири») (17: 1/770).

3. Маҳмуд ат-Толақоний (ваф. 205/864 й.)

(Абу Муҳаммад) Маҳмуд ибн Хаддош ат-Толақоний — Бағдодда (узоқ муддат) яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 205/864 йилда тўксон ёшида вафот этган (2: 4/7; 11: 4/29).

4. Муҳаммад ат-Толақоний [ваф. 466 (463) х.й.]

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ат-Толақоний. Асли Марварруздаги Толақондан бўлган. «Китобу-т-табақот» («Табақот китоби»)ни тинглаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 466 (463) х.й. ёши саксондан ошганда, вафот этган (2: 4/7).

5. Абу Исҳоқ ат-Толақоний (ваф. 225/840 й.)

(Абу Исҳоқ) ибн Исмоил ат-Толақоний. Бағдодда яшаган. Ироқ ахлининг истеъдодли ва ишончли арбобларидан бўлган. Жуда ишончли ҳадислар айтган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 225 х.й.нинг охирларида вафот этган (11: 4/30).

6. Саад ат-Толақоний (ваф. 244/858 й.)

(Абу Бакр) Саад ибн Яъқуб ат-Толақоний. Бағдодга келиб, шу ерда муқим яшаб қолган. Ишончли одам бўлган. Саҳобалар ҳақидаги «Китобу-с-саҳоба» («Саҳобалар китоби») номли асар унинг қаламига мансубдир. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 244 х.й.да вафот этган (11: 4/30).

7. Ибод ат-Толақоний (326-385/938-995)

(Абулҳасан) Ибод ибн ал-Аббос ибн Ибод ат-Толақоний. Унинг Қуръон аҳкомлари ҳақида асари бўлган. Мазкур китобда у муътазила мазҳабини ёқлаб чиққан. Ушбу китобни кўрганлар, уни роса мақтаганлар. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 335 (334) х.й.да вафот этган (2: 4/8; 11: 4/30; 17: 2/29).

8. Исмоил ат-Толақоний (326-385 х.й.)

(Абулқосим) Исмоил ибн Ибод ат-Толақоний ал-Вазир — мазкур Ибн Ибоднинг ўғли. «Соҳиб» номи билан танилган. Унинг зикри, шеърлари, назм ва насрдаги тўпلامлари катта шуҳрат қозонган. Ҳадисларни излаб топиш ва уларни ёзиб олиш бўйича кўп изланишлар олиб борган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 326 х.й.да туғилган, 385 х.й.да вафот этган (2: 4/8; 11: 4/30).

9. Аҳмад ат-Толақоний (512-590/1118-1193)

(Абулхайр, Разиюддин) Аҳмад ибн Исмоил ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Қазвиний ат-Толақоний, аш-Шофиъий. Бағдоддаги Низомия мадрасасида ўқиган ва шу ердаги ваъзхонлик мажлисларида иштирок этган. Хушсыйратли ва солиҳ ўспирин бўлган. Унинг сийрати ва сўхбати ҳақида кўп мактов сўзлар айтилган. Ўзи ҳам ваъз айта бошлаган, одамлар уни яхши қабул қилганлар. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Қазвинда таваллуд топган. 590 х.й.нинг муҳаррам ойида вафот этган. Унинг асарларидан: «ат-Тибён фи масоили-л-Қуръон» («Қуръондаги масалаларнинг баёни», ушбу асар халулийлар ва жаҳмийларга раддия

тарзида битилган), «Хасоису-с-суол» («Саволларга хос бўлган хусусиятлар»), «Хатоиру-л-қудс» («Қуддус хотиралари») (2: 4/8; 11: 4/31; 17: 1/601).

10. Муҳаммад ат-Толақоний (1218-1281/1803-1864)

Муҳаммад Хусайн ибн Али ат-Толақоний, ал-Қазвиний ал-Хоъирий — факих, усулшунос олим ва хатиб бўлган. Карбалода истиқомат қилган. Шарифу-л-уламо ал-Мозандаронийдан сабоқ олган. Муҳаррам ойининг тўртинчи куни Карбалода вафот этган ва Рукнуддавла мақбарасига дафн этилган. Унинг асарларидан: «Натоижу-л-бадойиъ фи шарҳи-ш-шаройиъ» («Шариат аҳкомларини шарҳлашда қўлланган бадиаларнинг натижалари»), «Натижату-л-бадиъа фи илми фуруъи-ш-шариъа» («Шариатдаги соҳаларни англаш ҳақидаги бадианинг хотимаси»), «Бадойиъу-л-усул» («Усулга оид бадиалар») (17: 3/255).

588

АТТОҲИРИЙ

«Тох,ир»га нисбатан айтилган. У — қарбий қўмондонлардан бири Тох,ир ибн Хусайндир. Шунингдек, у Омуддан кейин Жайқуннинг

252 ат-Тоҳирий/ат-Табархазий/ат-Тахҳон/ат-Тахший

юҷорисидаги бир ноҳия бўлиб, Хоразмнинг олд вилояти қисобланади. Марв ақлидан унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ал-Ҳусайн ат-Тоҳирий (ваф. 390/999 й.)

(Абу Абдуллоҳ) ал-Ҳусайн ибн ат-Таййиб ибн Муҳаммад ат-Тоҳирий аш-Шофиъий. У ал-Амир ибн ал-Амир Тоҳир ибн ал-Ҳусайнининг авлодларидан, узоқ муддат Самарқандда халифаликни эгаллаган, шунингдек, (шаҳарнинг) хатиби ва имоми лавозимларида хизмат қилган. Умрининг охирида ақли бироз алжиб қолиб, 390/999 йилда вафот этган (11: 4/33).

2. Абдуллоҳ ат-Тоҳирий (ваф. 471/1078 й.)

(Абу Сайд) Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ибн Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ибн Мисъаб ибн Розик ат-Тоҳирий. У Марв ахлидан, ақли расо солих шайх бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 471/1078 йилда вафот этган (11: 4/33).

589

АТТАБАРХАЗИЙ

«Табархаз»га нисбатан берилган. Отаси Табарийга, онаси Хоразмга мансуб кишиларга нисбатан ана

ту юни исмдан бир нисба ясалиб, ат-Табархазий деб айтилган. Бу нисба билан машхур бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Хоразмий (ваф. 323-383/935-993)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмий ат-Табархазий — таникли шоир бўлган. Унинг отаси табарийлик, онаси эса хоразмлик бўлиб, шу икки исмдан таркиб топган Табархазий нисбаси билан танилган. У араб тили усулларининг билимдони ва ҳофиз, ғоятда машхур шоир, адиб ва носир бўлган. У Хоразмда ўсиб-улғайиб, ўсмирлик чоғида илм олиш мақсадида айрим шаҳарларга сафарлар қилган. Жумладан, Сижистонга борганда, аввал шаҳар ҳокими Тоҳир ибн Муҳаммадни мактаб қасидалар битган, сўнгра ҳокимни ҳажв қилганда, ҳоким уни ҳибсга олган. Ҳибсдан чиққач, яна сафарини давом эттириб, бир муддат Дамашқда яшаган, сўнгра Ҳ[^]лабнинг яқинида ҳам бир оз истиқомат қилгач, Нишопурга ўтиб, Соҳиб ибн ал-Аббод билан боғланган. Муҳаммад ал-Хоразмий Соҳиб ибн ал-Аббоднинг мажлисини хуш кўрадиган фозиллардан бири эди. У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган бўлиб, ўз

навбатида, ундан ҳам кўплаб ҳадислар ривоят қилинган. 383 х.й.нинг рамазон ойида Нишопурда вафот этган. Унинг қаламига мансуб асарлардан «Дивони Шеър» («Шеърый Девон»), «Дивони расоил» («Мактублар девони») ва «Расму-л-маъмур мина-л-билод» («Мамлакатдаги обод жойларнинг расми»)ларни кўрсатиш мумкин (11: 4/44; 17: 3/380).

590

АТ-ТАХҲОН

«Тах,х,он»дан ясалган ушбу нисба Марв ах,лидан донни янчган кишиларга берилган. Ушбу нисбага эга бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ат-Тахҳон (ваф. 400/1009 йилдан кейин)

(Абулаббос) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сирож ат-Тахҳон ас-Санжий. У — Марв олимларидан ҳисобланиб, Имом ат-Термизийнинг "Жомий" асари ровийларидан биридир. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Аҳмад ат-Тахҳон 400/1009 йилдан кейин вафот этган (11: 4/52).

491

АТТАХШИЙ

«Тахи»га нисбатан айтилган. У — Марвнинг

бир цишлоғидир. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Яхё ат-Тахший

(Абу Салма) Яхё ибн Муҳаммад ибн Яхё ибн Суллам ат-Тахший ал-Марвазий — ҳақиқатгўй шайх, ишончли, фозил фақиҳлардан бўлган. У Бағдод, Басра ва ўз юртида кўплаб ҳадисларни ёзиб олган, Марв, Рай, Бағдод, Басра олимларидан эса ҳадислар тинглаган. У уламолардан, уламолар кам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/54).

592

АТТАРОЗИЙ

«Тароз»га нисбатан берилгйн бу ном турклар чегарасида бўлган Исфижобга яқин бир шах,арнинг ноши. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммед ат-Тарозий (V х.а./XI м.а.)

Муҳаммад ибн Али ат-Тарозий. У фозил киши эди. Унинг қаламига мансуб асарлардан Китобу-д-дуо ва-з-зиёрат» («Дуо ва зиёрат ҳақида китоб»)ни курсатйш мумкин (17: 3/5*17).

2. Ҳйбатуллох ат-Тарозий (671-732/1272-1323)

И Ш у ж о - ъ у д д и н)
Хибатуллох ибн Аҳмад ибн

Муалло ибн Маҳмуд ат-Тарозий ат-Туркистоний ал-Ҳанафий. У усулиётчи фақиҳ, наҳв бўйича таникли олимлардан бўлиб, Туркистоннинг шаҳарларидан бири — Тарозда туғилган ва Қохирада вафот этган. Унинг асарларидан: «Табсирату-л-асрор фи шарҳи ақидати-т-Таҳовий» («ат-Таҳовий ақидасининг шарҳи бўйича сиру асрорлар талқини»), «ал-Иршод» («Тўғри йўлга йўллаш»), «Шарҳу-л-Жомиъи-л-кабийр ли Шайбоний» (ҳанафийлик мазҳабидаги фуруъ ал-фикҳ ҳақида «Шайбонийнинг «Жомиъ ал-кабийр» асарига шарҳ»), «ан-Насоих ал-муфтараза фи-фодоихир-рофиза» («Рофизийларнинг ярамасликлари ҳақида зарурий насихатлар») кабиларни кўрсатиш мумкин (17: 4/53)

3. Ашраф ат-Тарозий (ваф. 761/1360 й.)

Ашраф ибн'Юсуф ибн Ийнол ат-Тарозий ал-Ҳанафий — фақиҳ олим бўлган. Унинг асарларидан: «Мухтасару фатово Қозихон» («Мухтасару фатово Қозихон») бўлиб, муаллиф бу асарни 761 х.й.да ёиб тугатган (17: 1/385).

4. Усмон ат-Тарозий (ваф. 520/1126 й.)

(Абу Амр) Усмон ибн Муҳаммад ат-Тарозий

бўлиб, Балхдаги Роавум масжидида имомлик қилган. Асли Балхдан бўлган ва «Шарафу-з-замон» («Замонлар шарафи») китобини ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 520/1126 йилда вафот этган.

5. Муҳаммад ат-Тарозий (400/1009 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Иброҳим ат-Тарозий ал-Ҳажжож. 400/1009 йилдан кейин Бухорода ҳадислар ёзиб олган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/55).

6. Маҳмуд ат-Тарозий

Маҳмуд ибн Яъқуб ибн Иброҳим ат-Тарозий ал-Ҳажжож. 400/1009 йилдан кейин Бухорода ҳадислар ёзиб олган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/55).

7. Маҳмуд ат-Тарозий (ваф. 535/1140 й.)

(Ал-Имом Абулқосим) Маҳмуд ибн Али ибн Абу Али ат-Тарозий — фозил фақиҳлардан ва илм наздида ғоятда обрў-эътиборли олим бўлган. У гўзал хулққа эга солих киши бўлиб, доимо Қуръони карим тиловати билан машғул эди. Унинг фарзандаларидан ғоятда машхур олимлар етишиб

254 ат-Тархозобий/ат-Тархуний/ат-Турвохий/ат-Тағомий/ат-Тавовийсий

чикқанлар. 535/1140 йилда вафот этган (2: 4/30; 11:4/55).

593 АТТАРХОЗОБИЙ

«Тархозоб»га нисбат берилган бу ном Журжондаги бир қишлоқнинг номи. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Али ат-Тархозобий

Али ибн Аҳмад ат-Тархозобий. У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоят қилганлар (11: 4/59).

594 АТТАРХУНИЙ

«Тархун»га берилган бу ном асли Бухоро ахлига мансуб бобога айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ат-Тархуний (ваф. 247/861 й.)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Абуссура Исмоил ибн ат-Тархуний ал-Бухорий. У илм олиш мақсадида Ҳижоз, Ироқ ва Шомга кўп сафарлар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 247/861 йилда вафот этган (11: 4/59).

2. Муҳаммад ат-Тархуний

(Абулфазл) Муҳаммад ибн ал-Аҳнаф ибн Тархун

ибн Рустам ат-Тархуний. Бухоро ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/59).

3. Аҳмад ат-Тархуний

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Саҳл ибн Абдуррахмон ибн Маъбад ибн Тархун ал-Бонабий ат-Тархуний. Уни Бухоро қишлоқларидан бири — Бонабдан бўлган бобосига нисбатан шундай аташган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/59).

4. Муҳаммад ат-Тархуний (ваф. 246/860 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Сайд ибн ал-Аҳнаф ибн Тархун ибн Рустам ал-Ҳофиз ат-Тархуний. У Бухоро ва Шом ахлидан ҳисобланади. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 246/860 йилда вафот этган (И: 4/59).

595 АТТУРВОХИЙ

«Турвохояга нисбат берилган. Турвохо — Бухоро қишлоқларидан бири. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ат-Турвохий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сайд ат-Турвохий — шофиъий факихлардан бири, ҳадис ривоятида

ишончли олим бўлган. «Усулу сихоҳ» («Ишончли ҳадисларнинг усуллари» ва «Симоёт фи кутуби-н-нос» («Одамларнинг китобларидан эшитганларим») асарлари унга тегишлидир. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/64).

596 АТТАҒОМИЙ

Бухоро қишлоқларидан бири — «Тағома»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Али ат-Тағомий (ваф. 349/960 й.)

(Абулҳасан) Али ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Акор ибн Рухшаб ат-Тағомий — "ал-Авқоф" асарининг муаллифи. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 349/960 йилда вафот этган (2: 4/40; 11: 4/67).

597 АТТАВОВИЙСИЙ

Бухоронинг аъмолларидан бир ноҳиянинг исми — «Тавовийс»га нисбат берилган. Тавовийс боғ-бўстонлари кўп, оқар сувларию серх,осил ерлари мўл бир шаҳар. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ат-Тавовийсий
(ваф. 344/955 й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Хошим ат-Тавовийсий — фозил факих, художўй зоҳид, ишончли ровий ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 344/955 йили Самарқандда ҳаммомда вафот этган (11: 4/78).

598

АТТАВРАКИЙ

Абиварднинг *нох,ия-*
лардан бир қишлоқ —
«Таврақяқа *нисбатан*
берилган ном. *Унга*
мансуб бўлган олим-
лардан:

1. Аҳмад ат-Тавракий
(тав. тахм. 400/1009 й.)

(Абу Саад) Аҳмад ибн Наср ат-Тавракий ал-Абивардий ал-Қозий — илму фазл аҳлларида бўлган. Нишопурда фикҳ илмидан таълим олган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 400/1009 йилда таваллуд топган (2: 4/55).

599

АТТУВСОНИЙ

Марви *Шоқжоннинг*
қишлоқ^аридан бири —
«Тувсон»га *нисбат*
берилган исм. *Унга*
мансуб олимлардан:

1. Сувайд ат-Тувсоний
(ваф. 240/854 й.)

(Абулфазл) Сувайд ибн Наср ибн Сувайд ал-Қураший ал-Марвазий ат-Тувсоний — «Шоҳ» номи билан танилган. У энг ишончли ровий олимлардан бўлиб, сунний йўналишдаги художўй, ишончли инсонлардан эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 240/854 йили 91 ёшида вафот этган (11: 4/79).

2. Авн ат-Тувсоний
(ваф. 290/902 й.)

(Абу Аҳмад) Авн ибн Мансур ибн Нуҳ ат-Тувсоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 290/902 йилда вафот этган (11: 4/80).

600

АТТУСИЙ

Бухоронинг *қишлоқ-*
ларидан бири — *«Тус»га*
нисбат берилган. *Унга*
мансуб олимлардан:

1. Ризвон ат-Тусий

(Абу Жаъфар) (Абу Ҳафс) Ризвон ибн Имрон (Имрон ибн Ризвон) ат-Тусий — Бухоро аҳлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/57; 11: 4/80).

2. Муҳаммад ат-Тусий

Муҳаммад ибн Асъад ибн Муҳаммад ибн ал-

Ҳусайний ибн ал-Қосим — «Жаъдату-л-Атторий» («Атторий ўрами») номи билан танилган туслик шофиъий олим (3: 373)

3. Муҳаммад ат-Тусий
(ваф. 612/1215 й.)

(Насируддин) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ат-Тусий (ваф. 612/1215 й.). Унинг форс тилида ёзилган «Ахлоқу Носирий» («Носирий одоб-ахлоқ қоидалари») номли асари бор (15: 4/38).

4. Муҳаммад ал-Ғазолий ат-Тусий
(ваф. 505/1111 й.)

(Абу Ҳомид) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Зайнуддин ал-Ғазолий ат-Тусий (ваф. 505/1111 й.). Унинг асарларидан «Ишроқу-л-маохиз» («Манбаларнинг курки»), «ал-Ишорат ал-маънавия ва-л-асрор ал-ҳарфия» («Маънавий ишорат ва аслий сирлар»), «ал-Иқтисод фи-л-эътиқод» («Эътиқодда иқтисод»), «Илжому-л-авом инда илми-л-калом» («Калом илмида авомларнинг бошқариш»), «Иҳёу улуми-д-дин» («Диний илмларни тирилтириш»), «Асрору-л-анвори-л-илоҳия би-л-оёти-л-матлува» («Тиловат қилинадиган оятларда илоҳий нурлар сирлари», бу китоб уч бўлимдан иборат), «Асрору-л-муомолат» («Муомола-ларнинг сирлари»), «ал-

256 ат-Тусий/ат-Тавийл/ат-Тахмоний/ат-Тайён

Анис ви-л-вахдати» («Вахдоният масаласида сухбатдош дуст») ва «ан-Ниҳоя»нинг мухтасар шакли бўлган «ал-Басийт фи-л-фуруъ» («Фуруъ илмига оид содд^а китоб»), «Бидоят-л-хидоя фи-л-мавъиза» («Мавъизада хидоятнинг бошланиши») — бу мухтасар асар, унда барча ёши катталар ва ёш толиби илмларга ибодат ва урфу одатлардан нималарни қилиш зарур эканлиги баён этилган, «Аййуҳо-л-валад» («Эй, фарзанд»), «Бадойиъу-с-санийъ» («Бидъат ишлар»), «Ахлоқу-л-аброр ва-н-нажот мина-л-ашрор» («Яхши кишиларнинг ахлоқидан ибрат ва ёмонликлардан нажот»), «Асрору-л-хуруф ва-л-калимот» («Харфларнинг ва сўзларнинг сирлари») кабиларни кўрсатиш мумкин (3: 353; 15: 4/23,35,199).

601 АТТАВИЙЛ

«Тавийл» (арабча «тавийл» — «узун» демак)га нисбат берилган. У — Марв азушдан бир жамоага хос сифат. Унга мансуб олимлардан:

1. Исҳоқ ат-Тавийл

(Абу Яъқуб) Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Марвазий ат-Тавийл. Райда яшаган. У ибодат юзасидан байт ал-Макдис

(Иерусалим) ва Шомга борган ва ўша жойда вафот этган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/84).

602 АТТАХМОНИЙ

Марв ва Бухоро ах,лидан бўлган баъзи аждодларга мансуб кишиларга нисбатан айтилган бу исмдаги олимлардан:

1. Исо ат-Тахмоний

(Абулаббос) Исо ибн Муҳаммад ибн Исо ибн Абдуррахмон ибн Сулаймон ал-Марвазий ал-Котиб. У ат-Тахмоний номи билан машҳур бўлган. У луғат ва бошқа илмларда етук олим эди. Унинг ўзи ҳам, ота-боболарию ўтган салафлари ҳам Хуросоннинг энг шарафли кишиларидан ҳисобланарди (11: 4/88).

2. Муҳаммад ат-Тахмоний (ваф. 293/905 й.)

(Абу Солих) Муҳаммад ибн Исо ибн Муҳаммад ибн Исо ибн Абдуррахмон ибн Сулаймон ат-Тахмоний. У — мазкур Абу Аббоснинг ўғли. Ҳақиқатгўй ишончли ровийлардан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 293 х.й.нинг сафар ойида вафот этган (11: 4/88).

3. Абдуллоҳ ат-Тахмоний (ваф. 307/919 й.)

(Абу Абдуррахмон) Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Сурайж ибн Ҳажар ибн ал-Фазл ибн Тахмон аш-Шайбоний ат-Тахмоний ал-Бухорий — Бухоро ахлидан бўлган. Катта бобосига нисбат берилиб, шундай деб аталган. У мусулмонларнинг улуғ олимларидан, адолат ва ҳақиқат ахлларидан бўлган. У кўплаб китобларни тасниф қилган. Ирок, Ҳижоз, Мисрнинг шаҳарлари. Шом, Жазоир ва Хуросон ўлкаларига сафарлар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 307/919 йилда вафот этган (11: 4/88).

603 АТТАЙЁН

Марв ах,лидан бир гуруҳ, мух,аддислар донг таратган машхур касб — «тайён»га нисбат берилган ном. Унга мансуб олимлардан:

1. Аҳмад ат-Тайён

(Абулаббос) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Юсуф ибн Исҳоқ ас-Синжий ат-Тайён. У Синж қишлоғи ахлидан аҷамий шоир бўлган. Унинг шеърий девони Марвда машхур бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/93).

604
АТ-ТАЙСАФУНИЙ

Марвнинг бир қишлоғи — «Тайсафун»га нисбат берилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Али ат-Тайсафуний (ваф. тахм. 410/1019 й.)

(Абулҳасан) Али ибн Абдуллоҳ ат-Тайсафуний — фозил фақиҳ, кўп ҳадисларни билувчи муҳаддис бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 410/1019 йилда вафот этган (11: 4/97).

605
АЛОБИДИЙ

Самарканд ах,лидан хайр-баракатли ишларни кўп шилган кишиларга нисбатан айтилган бу тем — («ал-обид»)га мансуб бўлган олимлардан:

1. Носир ал-Обидий (ваф. 461/1068 й.)

(Абулмузаффар) Носир ибн Наср ибн Аҳмад ал-юндий ас-Самаркандий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 461/1068 йилда вафот этган (11: 4/107).

606
АЛОДИЛИЙ

Бужоро ахлига мансуб Шўшган аждодларимиздан Шөгъзиларининг исми —

«Одил»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Исмоил ал-Одилий (ваф. 409/1018 й.)

(Абу Иброҳим) Исмоил ибн Аҳмад ибн Мансур ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн ал-Одил ал-Одилий — Бухоро ахидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 409/1018 йилда вафот этган (11: 4/109).

607
АЛОСИМИЙ

Бухоро ахлига мансуб бўлган аждодларимиздан баъзиларининг исми — «Осим»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Яъқуб ал-Осимий (ваф. 325 ҳ.й.)

(Абулфазл) Яъқуб ибн Юсуф ибн Осим ал-Осимий ал-Бухорий — Бухоро ахлидан бўлган. Ўз даврида юртида аҳл ал-ҳадисни кўпайтирган шайх ҳисобланиб, бойлик ва улуғворликда Хуросон ҳокимларининг мақомига сазовор бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 325 йилда вафот этган (11: 4/111).

608
АЛОМИРИЙ

Марв ах,лидан баъзи аждодларга мансуб

кишилар — «Омир»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Омирий (ваф. 415/1024 й.)

(Абу Осим) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Омирий ал-Марвазий ал-Қозий. У фикҳ, тафсир ва фатво илмларида, уни Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин, Абу Ҳанифанинг катта асхобларида нисобланади. Фикҳ илми бўйича ғоятда маъқул асарлари ва шарҳлари бор. Марвнинг етук фақиҳларидан бир гуруҳи ундан таълим олганлар. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 415/1024 йилда вафот этган (11: 4/118).

609
АЛАББОДИЙ

Марвнинг кишлоқларидан бири — «Аббод»га нисбат берилган бўлиб, кишлоқ аҳли уни «Шинк Аббод», мух, аддислар эса «Синж ал-Аббодий» деб ёзадилар. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ардашер ал-Аббодий (ваф. 490/1096 йилдан кейин)

(Абулҳусайн) Ардашер ибн Абу Мансур ал-Аббодий. У «амир» лақаби билан аталган. У ажойиб воиз, хулқ-атвори ғоятда гўзал, Бағдод аҳли ўртасида катта иззат-ҳурматга сазовор инсон

258 ал-Аббодий/ал-Абобий/Абдон

бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 490/1096 йилдан кейин вафот этган (11: 4/123).

2. Ал-Музаффар ал-Аббодий (491-547/1098-1152)

(Абу Мансур) ал-Музаффар ибн Ардашер ибн ал-Аббодий — гўзал ваъзлари билан шуҳрат қозонган, ибораларининг мазмундорлиги ва ширинсуханлиги билан донг таратган ваъзхон. Ҳатто унинг минбардан сўзлайдиган фасоҳатли ва ёқимли нутқи хусусида масалалар тўқиган эдилар. Нишопурда кўп ҳадис эшитган. Саҳиҳ ҳадислардан яхши хабардор бўлган. Ал-Музаффар ал-Аббод султоннинг Бағдоддаги элчиси бўлган. У ўз динида собиткадам бўлмаган бир киши эди. Хамрга нисбатан эмин-эркинлик ҳақида бир рисола ҳам ёзган эди. У элчи сифатида Бағдоддан кетган бўлиб, сўнгра 547 х.й.нинг рабиъу-л-аввал ойида Аскар Мукрамда вафот этган. Тобути Бағдодга келтирилиб, аш-Шувайнизия қабристонига дафн қилинган. Қабри кўк ғиштар билан қопланган эди (2: 4/84; 11: 4/123; 17: 3/892).

3. Муҳаммад ал-Аббодий (ваф. 458/1066 й.)

(Абу Осим) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад

ибн Абдуллоҳ ибн Ибод, ал-Ибодий ал-Ҳиравий — шофиъий факих, нозиктабъ ва истейдодли имом бўлган. Юрт кезган, кўп машойихлар билан учрашиб, уларнинг сабоқларини олган. Кўп фойдали китоблар, жумладан куйидаги асарларни тасниф қилган: «Адабу-л-қози» («Қозилик одоби»), «ал-Мабсут» («Муфассал китоб»), «ал-Ҳодий ила мазҳаби-л-уламо» («Уламолар мазҳабига бошловчи китоб»), «Китобу-р-радд ала-с-Самъоний» («Самъонийга раддия тарзида ёзилган китоб»), «Китоб латиф фи табақоти-л-фуқаҳо» («Фақиҳларнинг табақаси ҳақида латиф китоб»), 458 х.й.нинг шаввол ойида вафот этган (3: 351; 15: 4/47; 16: 586).

610

АЛАБОБИЙ

«Абоб»га нисбат берилиб, Самарканд аҳлидан «ал-қисо» («кийим») сотганлар шундай деб аталганлар. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ас-Самарқандий

(Абу Аҳмад) Муҳаммад ибн Яҳё ал-Абобий ас-Самарқандий кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар олганлар (И: 4/126).

611 АБДОН

Марвда ўз даврис: шуҳрат қозонган би: алломага нисбатс-айтилган. Унга мақсу: олимлардан:

1. Абдуллоҳ АбдоЕ (220-293/835-905)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исо ал-Марвазий — у Абдон нисбаси билан танилган эди. У ўт-диёнатли имом, зохил хофиз бўлган. Унинг асли келиб чиқиши Жунужигх деган жойга бори тақалади. Бу жойниег масжиди (халқ орасида машҳур бўлган. У ў³ даврида Марвда имсу бўлиб, асҳобу-л-ҳадислар саналган. Абдуллоҳ Абдо: биринчилардан бўлиб. «Мухтасару-л-музний» («Музнийнинг мухтасар асари»)ни Марвга келтирган. У узок йиллар Мисрда яшаган. Ҳадис бўйича фақир бўлиб, зохиллиг билан тайилган. «Китобу-л-маърифат» («Маърифат китоби асарини юз жузда тасниф этган. Моликнинг: «Китобу-л-муватто» («Соддалаштирилган китоб») асаридаги ҳадисларни жамлаган. Ўша даврда Абдонда тўрт хил маноқиблар жам бўлган эди: фикҳ, иснод, вараъ ижтиҳод. У уламолардан уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 220/835

йилда туғилиб, 293/905
йилда вафот этган (11: 4/
129).

612 АЛАБДОНИЙ

Марвнинг бир
цишлоғи — «Рийканж
Абдон»га нисбат
берилган. Унга мансуб
олимлардан:

1. Абдулҳамид ал-Абдоний

(Абулқосим) Абдулҳамид ибн Абдуррахмон ибн Аҳмад ал-Абдоний Рийканж Абдон ахлидан бўлиб, фозил имом, олим киши эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/87; 11: 4/131).

2. Мухаммад ал-Абдоний

(Абу Сйад) Мухаммад ибн Абдулҳамид ибн Абдуррахмон ибн Аҳмад ал-Абдоний — мазкур Абулқосимнинг ўғли бўлган. У солиҳ ва фозил фақиҳлардан бўлиб, кўп ҳадисларни билар эди. Ўз даврида Абу Ҳанифанинг асҳобларидан бўлган талабаларга ғоятда кўп эътибор кўрсатган эди. Унинг қаламига мансуб бир қанча мусаввадот (қоралама асар)лар ва тўпламлар бор. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/131).

613 АЛАБҚАСИЙ

«Абдушайс»га нисбат берилган. У — Марв ахлцдан бўлган «Абдулқайс» ҷабиласининг нисбаси. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Али ал-Абқасий (137-215/754-830)

(Абу Абдуррахмон) Али ибн ал-Ҳасан ибн Шакиқ ал-Марвазий ал-Абқасий — Марв ахлидан, Абдулқайснинг мавлоси бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 137/754 йилда туғилган бўлиб, 215/830 йили 78 ёшида вафот этган (11: 4/143).

614 АЛАБАҚИЙ

Бухоро ах^идан бўлган баъзи аждодларимизнинг исми — «Абақяца нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Исмоил ал-Абақий (137-215/754-830)

(Абу Исҳоқ) Исмоил ибн Умар ибн Ҳафс ибн Абдуллоҳ ибн Абақ ибн Асад ал-Абақий — Бухоро ахлидан бўлиб, кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар. 137 х.й.да туғилган. 215 х.й.да 78 ёшида вафот этган (11: 4/144).

615 АЛАББУБИЙ

Марв ах^идан бўлган баъзи аждодларимизнинг исми — «Аббувайх»га нисбатан айтилади. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Мухаммад Аббуя (ваф. 420/1029 йилдан кейин)

(Абу Бакр) Мухаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абуя ибн Мухаммад ал-Анборий — Марв ахлига мансуб бўлган адиб, ишончли ва ҳақиқатгўй шайх бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 420/1029 йилдан сўнг вафот этган (И: 4/145).

616 АЛИТОВИЙ

Бухоро ах^идан бўлган баъзи аждодларимизнинг исми — «ал-Итоб»га нисбат берилган. Унга мансуб олимлар:

1. Аҳмад ал-Итобий (ваф. 586/1190 й.)

(Зайнуддин) Аҳмад ибн Мухаммад ибн Умар ал-Итобий ал-Ҳанафий фақиҳ, муфассир бўлиб, Бухорода вафот этган. Унинг асарларидан: «ал-Фатово " ал-итобия» («Итобийнинг фатволари») номи билан машҳур бўлган «Китобу жавомиъи-л-фикх» («Фикх»

250 ал-Итобий/ал-Атикий/ал-Асмий/ал-Ажалий

мажмуалари бўйича китоб») — бу китоб тўрт жилддан иборат, «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири»), «Шарху-л-жомийи-л-кабийр» («Катта тўпламга шарх»), «Шарху-л-жомийи-с-сағир» («Кичик тўпламга шарх»), «Шарху-з-зиёдот» («аз-Зиёдотга шарх»). Уларнинг ҳаммаси Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг ханафий фиксининг фуруълари ҳақидаги асарларига бағишланган (11: 4/147; 17: 1/287).

2. Ал-Ҳасан ал-Итобий

(Абу Абдуррахмон) ал-Ҳасан ибн Усмон ал-Итобий ал-Бухорий кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган. Ундан ҳам талай олимлар ривоятлар келтирганлар.

617

АЛАТИКИЙ

Марв ва Хоразм ах,лидан «ал-Азад» гуруқига шансу б бўлган Атикка нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Салма ал-Атикий

(Абу Асмо) Салма ибн Дабб ал-Атикий Марв ахлидан бўлиб, кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (11: 4/153).

2. Убайдуллох ал-Атикий

(Абулмуниб) Убайдуллох ибн Абдуллох ал-Атикий — Марв ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/154).

3. Сайд ал-Атикий

Сайд ибн Усмон ибн Аҳмад ал-Каъбий ал-Хоразмий ал-Атикий фақиҳ бўлиб, кўп олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ўз навбатида, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (11: 4/154).

4. Аҳмад ал-Атикий

(Абу Абдуррахмон) Аҳмад ибн Абдуллох ибн ал-Ҳакам ал-Атикий ал-Марвазий ал-Фирёноний Марв ахлининг улуғ муҳаддисларидан бўлиб, асли Фирёнон деб аталадиган қишлоқдан чиққан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/155).

618

АЛ-АСМИЙ

Марв ах,лидан бўлган баъзи аждодларимизнинг исми — «Асм»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ал-Фазл ал-Асмий (ваф. 275/888 й.)

(Абулҳасан) ал-Фазл ибн Умайр ибн Асм ибн ал-Мунтажиъ ибн Амру ибн Умайр ибн Мунтажиъ

ибн Сахр ибн Ҳинд... ибн Авф ибн Хуром ал-Асмий Марв ахлидан бўлиб, Самарқанд ва Хуросонда ҳадислардан даре берган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 275/888 йилда Шоснинг Харшакат деб аталадиган шаҳрида вафот этган (И: 4/158).

619

АЛ-АЖАЛИЙ

«Бани Ажал»га нисбат берилган. У «Банж дия» ах,лидан. Унга мансуб олимлардан:

1. Усмон ал-Ажалий (444-526/1052-1132)

(Абу Саад) Усмон ибн Али ибн Шароф ал-Ажалий — Панж дех ахлидан. У имоми фозил, таквода ғоятда таникли. фикх илмини ҳам чуқур ўрганган, шофиъий мазҳабига мансуб олим бўлган. Ҳадис илмини бир гуруҳ мутақаддим олимлардан олган. 444/1052 йилда туғилган. 526/1132 йилда эса ўз юрти — Панж даҳада вафот этган. Унинг қаламига мансуб асарлардан ал-Мовардийнинг фуруъ ал-фикх хусусидаги «ал-Ҳовий» асарига ёзган таълиқани кўрсатиш мумкин (11: 4/160; 17: 2/365).

620

АЛАЖЛИЙ

«Бани Ижл»га нисбатан айтилган. У — Марв аҳлидан бани Ижл ион Лажимнинг нисбаси. Ун га мансуб бўлган олимлардан:

1. Наср ал-Ажлий (ваф. 300/912 й.)

Лбу Амр) Наср ибн Закариё ибн Наср ибн Довуд ибн Сулаймон ибн Абдуллоҳ ибн Хаттон ибн ;л-Муваррик ал-Ажлий. Асли Марв аҳлидан бўлиб, -рок, Ҳижоз, Шом ва 'иср каби юртларга сафар қилган. У гламолардан, уламолар *ам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 300/912 :l_да вафот этган (11: 4/161).

621

АЛ-АЖНАСИЙ

*Ажнас»га нисбатан 2Итилган бўлиб, Бухоро :x~\ига мансуб баъзи :ж додларимизнинг I :чидир. Унга мансуб ўйлан олимлардан:

1. Аҳмад ал-Ажнасий щилф. 290/902 й.)

(Абу Муқаммад) Аҳмад ' -: Муҳаммад ибн ал-оғнас ибн Юсуф ибн Агюб ибн Ҳишом ибн ал-*гзл ибн ал-Асад ибн ~:гр ибн Умар ал-Ажнасий ал-Бухорий — : ;: Бухоро аҳлидан ган. Ирокка сафар

қилган. Унда басралик ва хижозлик олимлардан сабоқ олган. Ал-Ажнасий — азайимхонлик ва сеҳргарликнинг соҳиби. Унинг бу хусусдаги ф а о л и я т и д а н ажойиботларни ҳикоя қиладилар. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 290 х.й.нинг шаъбон ойида вафот этган (11: 4/162).

2. Аҳмад ал-Ажнасий

(Абулҳасан) Аҳмад ибн Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ажнас ал-Ажнасий. У фикҳ илми ва ҳадисларни ёзиб олишни ўз бобоси ва машойихлардан ўрганган. Шундан сўнг Нишопурга, Абулаббос Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Асамнинг ҳузурига келиб, ундан ҳадислар эшитган. У ҳадис илмидан сабоқ беришга улгурмай, ёшлигидаёқ Нишопурда вафот этган (И: 4/162).

3. Абдурраҳмон ал-Ажнасий (ваф. 364 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ажнас ибн Юсуф ибн Айюб ал-Ажнасий ал-Муаззин. У отасидан ва ўз шахридаги устозлардан ҳадислар эшитган бўлса-да, лекин ҳеч қачон ҳадис илмини ўқитиш билан шуғулланмаган, балки узумзор боғу бўстонлар бунёд этиш, иморатлар қуриш ҳамда дарахтлар

экиш билан машғул бўлган. 364 х.й.да вафот этган (11: 4/162).

4. Али ал-Ажнасий (ваф. 395/1004 йилдан олдин)

(Абулхусайн) Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ажнас ибн Юсуф ибн Айюб ал-Ажнасий. У фикҳ илмини шайх ал-Авданийдан ўрганган. Ҳадис илми бўйича ҳам донишманд, кучли олим ва фозил инсон эди. 395 х.й.дан олдин вафот этган (И: 4/162).

622

АЛАЗОФИРИЙ

«Азофар»га нисбатан аталиб, у Сарахс аҳлидан баъзи аждодларимизнинг исмлари бўлган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Азофирий (ваф. тахм. 340/951 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Закариё ибн Азофир ал-Муаддаб ал-Азофирий — Марвазийлардан бир шайх, асли Сарахс деган жойдан бўлган. Марв, Ирок ва Яманда кўплаб ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 340/951 йилда вафот этган (11: 4/171).

252 ал-Ирокий/ал-Арабий/ал-Аллакий

623 АЛ-ИРОҚИЙ

Ироққа нисбатан айтилган. У — «Ироқ, ал-Курбайдир. «Ал-Урк,» кўплик шаклида «ал-Ироқ,»к,а ўхшаш бўлган-лиги боис, Ироқ, деб аталган. Мовароуннақр а^лидан бу нисба билан машхур бўлганлардан:

1. Мансур ал-Ирокий (ваф. тахм. 450/1058 й.)

(Абу Наср) Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ал-Бахилий ал-Мукруъ. У — «ал-Вақф» китобининг муаллифи, «ал-Ироқий» нисбаси билан машхур бўлган. Унинг ал-Ироқий деб аталишига Ироқда узоқ яшаб, унга куп сафар қилгани сабаб бўлган. Қуръон қироати талабида Ироқ ва Хижозга кўп борган. Тажвидни эгаллаган таникли қорилардан бўлган. Кўп қори шайхлардан сабоқ олган, кўпчилиги ундан Қуръони карим қироатини ҳам ўрганган. У Қуръон илмлари бўйича бир нечта китоблар ҳам тасниф қилган. Унинг бир асари Насаф қироатлари ҳақида. У жуда гўзал услубда яратилган. Унинг бу китобига кўплаб вилоятлар ҳақидаги маълумотларни киритган. Етти машхур қориларни ҳам унда зикр қилган. Тахм. 450/1058 йилда вафот этган (11: 4/176).

2. Абдулҳамид ал-Ироқий (ваф. 486/1093 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулҳамид ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн ал-Ироқий — юқорида номи зикр этилган Абу Насрнинг ўғли. У ўз даврида Мовароуннаҳрда қориларнинг бошлиғи бўлган. Кўплаб олимлардан ҳадислар эшитган. 486 х.й. зу-л-ҳижжа ойининг еттинчи чоршанба куни азонда Самарқандда вафот этган. Унинг «ал-Бишорат мина-л-ишорат фи-л-қироати-л-ушр» («ал-Ишорат асаридаги Қуръоннинг ундан бирини қироати ҳақида қувноқ хабар») номли асари бор (11: 4/176; 17: 2/66).

624 АЛАРАБИЙ

«Арабий»га нисбат берилган. Симнон ақлига нисбатан бу ибора ишлатилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Арабий (ваф. 527/1132 ёки 528/1133 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ал-Арабий — асли Симнондан бўлган. Симнондаги суфийларнинг шайхи ҳисобланган. У илм, фазл, варъ ва зухди билан бошқалардан ажралиб турган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 527/1132 ёки ёки 528/1133

йилда вафот этган (11: 4/176).

625 АЛАРАБИЙ

«Ал-Араб»та нисбатан айтилган. Симнон ах,лидан шу исм билан танилган бир гуруҳ кишилардан:

1. Муҳаммад ас-Симноний (ваф. тахм. 525/1130 й.)

(Абу Сайд) Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад. У илм, зухд ва фазилатда энг машхурлардан бири, гўзал хулқи билан безанган кишилардан эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 525/1130 йилда вафот этган (11: 4/177).

626 АЛАЛАКИЙ

«Аллак»ка нисбатан айтилиб, Марв а^лидан баъзи ўтган аждодларга нисбатан к,ўлланилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Умар ал-Аллакий (ваф. 325/936 й.)

(Абу Ҳафс) Умар ибн Аҳмад ибн Али ибн Абдурраҳмон ибн Аҳмад ал-Жавҳарий ал-Марвазий — ибн Аллақ номи билан танилган йирик фақиҳ, фозил ва тақводор инсон. Асли Марв ахлидан бўлган. У

хадисларни ва уларнинг фикҳини яхши билар эди. Унинг илмий мажлисларида Марв илм ахлларида барча машойхлар бўлган. У ишончли ва ҳақгўй ровий бўлиб, хадисларни мукамал билган, зоҳидлар тоифасидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 325/936 йилда вафот этган (11: 4/228).

**627
АЛАЛУБИЙ**

«Аллувия»га нисбатан айтилган. Абивард ва Самарканд (шундан баъзи ўтган аждодларга нисбатан кўлланилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Али ал-Аллубий (418-497/1027-1103)

Али ибн ал-Ҳасан ал-Аллубий — нуфузли ва фозил имом ҳамда раёсат хонадонига мансуб бўлган. Гўзал сийрат эгаси, тақво ва эҳтиёткорликда ғоятда танилган, серибодат инсон ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бири бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 418/1027 йилда таваллуд топиб, 497/1103 йилда вафот этган (11: 4/230).

2. Муҳаммад ал-Аллубий (337/949 йилда қаёт бўлган)

(Абунназр) Муҳаммад ибн Бакр ибн Муҳаммад ибн Масъуд ибн Алувия ибн Махлад ал-Қураший ас-Самарқандий ал-Аллубий. У катта бобосига нисбатан шундай деб аталган. 337/949 йилда ҳаж ибодатига бора туриб, Бағдодга келган ва унинг олимларидан хадислар ривоят қилган (11: 4/230).

**628
АЛАЛИЙЖИЙ**

«Алийжа»га нисбатан айтилиб, бу аслида Насо ах,лидан «Али»нинг кичиклаштирилган шакли демакдир. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Алийжий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Фақиҳ ал-Алийжий ан-Насавий. Асли Насо ахлидан бўлган. Уз шаҳридаги ўзига тўқ ва адолатли хонадондан чиққан. У фақиҳ олим бўлиб, Нишопурда кўп хадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 4/231).

**629
АЛ-ИМРОНИЙ**

«Имроний»га нисбатан айтилган. У — аслида Сарахс ах,лидан катта бир хонадонга ва Насаф яҳинидаги бир қишлоқ Касба ах,лидан бўлган бир аждодга

нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Али ал-Имроний

(Абулҳасан) Али ибн Муҳаммад ал-Имроний ас-Сарахсий, ар-Раис. Султон Санжар ибн Маликшоҳ даврида унинг кўмагига сазовор бўлган ва обрў эътибори ошган. Сўнгра эса омади келмай хибсга олиниб, Марвнинг Шайх қишлоғида қатл этилган. 545/1150 йилда унга нисбатан Султоннинг фикри ўзгарган. Унинг асарларидан: "Шаморийху-д-дурар фи-т-тафсири-л-оёт ва-с-сувар" ("Оят ва суралар тафсирида жавоҳирлар сараси"), "Иштиқок асмой-л-мовозиъ ва-л-булдон" ("Жойлар ва мамлакатлар номларининг эътимологияси"). Унинг бир қанча шеърий асарлари ҳам бор (11: 4/237; 17: 2/514).

2. Муҳаммад ал-Имроний (ваф. 513/1119 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Қосим ибн Мансур ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Имрон ал-Касбавий. Насаф қишлоқларидан бири — Касба ахлидан бўлган, катта бобоси Имронга нисбатан «ал-Имроний» деб аталган. У аввал Самарқандда султоннинг ишларини олиб борар эди, сўнгра умрининг охирида уни

254 ал-Аммий/ал-Инабий/ал-Аллобий/ал-Иёдий

тарк этган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 513 х.й.нинг зу-л-қаъда ойида 83 ёшида Касбида вафот этган (11: 4/237).

630

АЛАММИЙ

«Ал-Амма»га нисбатан айтилган Марв ах^лидан ва унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдуррахмон ал-Аммий (ваф. 539/1144 й.)

Абдуррахмон ибн Махмуд ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Абу Райҳон ал-Аммий ас-Суккарий. У — ўз адолатлиги билан Марвда машхур бўлганлардан бири, ўта фазилатли, гўзал сийратли киши эди. Сўнгра аклидан озиб, хаёлчан бўлиб қолади. У Ибн ал-Амм исми билан танилган бўлиб, ўзига «ал-Аммий» нисбасини олиб, китоблар ёзган. 539/1144 йилда вафот этган (11: 4/244).

631

АЛИНАБИЙ

«Инаб» (узум)га нисбатан айтилган. Бухоро ах,лидан узум («инаб») сотган кишиларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Инабий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Имрон ал-Инабий. У узум ва мевалар сотиш билан шуғулланар эди. У Бухоронинг қадимги олимларидан ривоятлар келтирган (11: 4/250).

632

АЛАЛЛОБИЙ АЛААЛОИЙ

Бухородаги «ал-Алоу» дах,асига нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ал-Котиб ал-Аллобий

(Абу Сайд) ал-Котиб ал-Аллобий. У Бухоро ҳокими харитасининг соҳиби бўлган. У Бағдод машойихларидан ва бошқа олимлардан ривоятлар келтирган (2: 4/163; 11: 4/265).

2. Муҳаммад ал-Аллобий (ваф. 546/1151 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абдуррахмон ал-Аллобий — имом, зоҳид, фақиҳ, усулиётчи, воиз, Бухоро ахлининг муфассири ва мутакаллим бўлган. У ўта фасоҳатли, ғоятда одобли, хосу омлар назарида жуда мақбул бир инсон эди. У ҳадисдан даре берган бўлиб, кўплар ундан ҳадислар эшитган. Унинг асарларидан: «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири», у — мингдан ортиқ жузьдан иборат тафсирдир). 546 х.й. 12

жумоду-л-увлода вафот этган (11: 4/265; 17: 3/389).

3. Ал-Мусаййиб ал-Аллобий (ваф. 229/843 й.)

(Абу Абдуррахмон) ал-Мусаййиб ибн Исҳоқ ибн Рошид ал-Абдий ал-Аллобий. У Бухоро ахлидан. Ал-Алло даҳасидан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 229 х.й. муҳаррам ойида Насафда вафот этган (11: 4/266).

633

АЛ-ИЁДИЙ

«Иёдин»га нисбат берилган. У — Самарканд ах,лига мансуб бўлган аждодларимиздан баъзиларининг исмидир. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Иёдий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳасан ибн... ибн Ибода ал-Ансорий — «ал-Иёдий» номи билан машхур бўлган. У Самарканд ахлидан бўлиб, ғоятда олийжаноб фақиҳ эди. У шаҳар бошлиқларидан ва уларга манзур шахслардан бири эди. У ривоят қилган ҳадислар йирик иснодга эга бўлмаган. Ривоят ҳам кўп бўлмаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/267).

ал.

634
АЛАЙШОНИЙ

«Айшон»га нисбатан айтилган. У — Бухоро шишлок/ширидан биридир. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Айшоний

Иброҳим ибн Аҳмад ал-Айшоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/5).

635
АЛҒОТФАРИЙ

«Ғотфар» тўғони куприт)нинг бошига нисбатан айтилган. У — Самарканддат бир шавзедир. Унга мансуб бўлган олимлардан Лрабчада бу ерда < Ғотфар», лекин бошқа жойда «Ғонфар» деб ёзилган)

1. Аҳмад ал-Ғотфарий
• 310-378/922-988)

Абулфазл) Аҳмад ибн [уҳаммад ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн... ал-Ғотфарий ас-Саффор. У Ғотфар ахлидан бўлиб, Иглис ривоятида энг ж—энчли ровийлардан **при** ҳисобланган. У гламолардан, уламолар жам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 310/922 йилда **таваллуд** топиб, 378/988 йилда вафот этган (**11: 4/**

-Ғотфарий/ал-

2. Муҳаммад ал-Ғотфарий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғотфарий. У ҳадис илмида мустаҳкам, яъни тўғри иш олиб борувчи бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/273).

3. Муҳаммад ал-Ғотфарий (ваф. 549/1154 й.)

Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абу Содиқ ал-Ғотфарий — имом, фозил, солих, ибодати ва мушоҳадати куп бир инсон бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 549 х.й.нинг муҳаррам ойида Хижоздан қайтаётиб, Файд деган жойда вафот этган (11: 4/274).

636
АЛҒИЖДУВОНИЙ

«Ғиждувон»га нисбатан шундай аталган. Бухоро ахлидан «инаб» (узум) сотган кишиларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Ғиждувоний

(Абу Наср) Аҳмад ибн Юсуф ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Юсуф ибн Хотам ибн Наср ибн Молик ибн Самъон ал-Ғиждувоний. У яхши хулқ-атвори (сийрати) билан танилган эди. У ҳадисларни бобоси Абу Бакр ал-

увоний/ал-Ғадоний 265

Ғиждувонийдан ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/282).

2. Хотам ал-Ғиждувоний (ваф. 264/878 й.)

(Абу Сайд) Хотам ибн Наср ибн Молик ибн Самъон ал-Марвазий ал-Ғиждувоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 264 х.й. рамазон ойида вафот этган (11: 4/282).

3. Юсуф ал-Ғиждувоний

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Хотам ибн Наср ибн Молик ибн Самъон ал-Марвазий ал-Ғиждувоний — асли Марвдан бўлган. Ҳадисларни отасидан ва кўплаб олимлардан ривоят қилган. Ундан ҳам кўплар ривоятлар қилганлар (**11: 4/282**).

637
АЛҒАДОНИЙ

Насафнинг ёки Бухоронинг «Ғадон» («Ғазона») номли бир шишлогига нисбат берилиб айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Ғадоний

Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Ғадоний ҳадисларни ўз устозларидан ёзган (2: 4/212; 11: 4/284).

638
АЛҒУЗОВАЗИЙ

Самарканд девор-ларининг ичида бўлган бир мақалла — «Ғузоваз» («Ғузовад»)га нисбатан айтилади. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Мухаммад ал-Ғузовазий

(Абу Бақр) Мухаммад ибн Яъқуб ал-Ғузовазий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/284).

639
АЛҒУЗАШВАРДАРИЙ

Бухоронинг қишлоқ,-ларидан бири — «Ғузашвардар» («Ғузашфардар»)га нисбатан айтилади. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ҳафс ал-Ғузашвардий (ваф. 324/935 й.)

(Абу Умар) Ҳафс ибн Умар ал-Ҳусайн ал-Ғузашвардий ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 324 х.й.нинг сафар ойида вафот этган (11: 4/284).

640
АЛҒАРДИЁНИЙ

Мовароуннах,рдаги Кеш шахрининг қишлоқ-ларидан бири бўлган Ғардиёнга нисбат берилган. Унга нисбат берилган олимлардан:

1. Мухаммад ал-Ғардиёний

Мухаммад ибн Абдуллох ибн Иброҳим ал-Ғардиёний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/286).

641
АЛҒАРҚИЙ

Марвнинг қишлоқ-ларидан бири — «Ғарқица» нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Жармуз ал-Ғарқий

Жармуз ибн Убайдуллох ал-Ғарқий. У асли шу қишлоқнинг ахлидан бўлган, илм олиш мақсадида Ироққа сафар қилган. Жармуз ал-Ғарқий кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам ривоятлар келтирганлар. Унинг ҳадислари заиф ҳисобланади (2: 4/220; 11: 4/287).

2. Юсуф ал-Ғарқий

(Ал-Имом) Юсуф ал-Ғарқий. У Марвнинг йирик шайхлари ва имомларидан ҳадислар ривоят қилган. Ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (И: 4/287).

642
АЛҒУРМИЙНАВИЙ

«Ғурмийнаво»га нисбат берилган. У — Самарканддан бир фарсах

узоқликда жойлашган «Дустоҳ матямруғ» қишлоғи. Унга мансуб олимлардан:

1. Мухаммад ал-Ғурмийнавий

(Абу Сайд) Мухаммад ибн Шибл ал-Ғурмийновий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/287).

643
АЛҒАЗАҚИЙ

Марв аш-Шах[^]коннинг қишлоқларидан бир қишлоққа, шунингдек, Фарғонада ҳам шу номли бир қишлоқда нисбатан айтилади. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Жармуз ибн Убайд ал-Ғазақий

Жармуз ибн Убайдуллох ал-Ғазақий. У шу қишлоқ ахлидан ҳисобланади. Илм олиш мақсадида Ироққа сафар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Шу билан бирга, унинг ривоятидаги ҳадислар заиф ҳисобланади (2: 4/228; И: 4/290).

2. Мансур ал-Ғазақий (ваф. 465/1072 й.)

(ал-Қозий Абу Наср) Мансур ибн Аҳмад ибн Исмоил ал-Ғазақий. У — Фарғонанинг бир қишлоғидан. У қори, фози\имом, ғоятда машхур

фақиҳ бўлган. Самарқандда яшаган. У 465/1072 йилгача ўзининг авлодларидан ҳадислар ривоятлар келтирган. Унинг қаламига мансуб асарлардан «ал-Ишорат фи-л-қироати-л-ашр» («Қироатнинг ўн тури ҳақидаги ишоралар»), «ал-Муъжиз фи-л-қироат» («Қироат ҳақида ихчам китоб») кабиларни келтириш мумкин. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 465/1072 йилда вафот этган (2: 4/228; 11: 4/290; 17: 3/912).

3. Ал-Хусайн ал-Ғазақий (ваф. 462/1069 й.)

(Абу Али) ал-Хусайн ибн Абулхусайн ибн Абдуллоҳ ал-Ғазақий — Фарғонанинг бир қишлоғидан, фозил, фақиҳ, зоҳид ва комил бир инсон бўлган. Фикҳ, нотиклик ва қайдномалар бўйича улуғ олим бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 462/1069 йилда вафот этган (11: 4/290).

644

АЛ-ҒАЗНАЁНИЙ

Мовароуннаҳрдаги Каснинг қишлоқ^аридан бири — «Ғазнаён»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ҳафс ал-Ғазнаёний (ваф. 300/912 йилдан кейин)

(Абу Умар) Ҳафс ал-Кассий ал-Ғазнаёний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 300/912 йилдан олдин ҳадислар ривоят қилган. У юз йил умр курган инсонлардан бири бўлган (11: 4/291).

2. Сиддиқ ал-Ғазнаёний (ваф. 568/1173 й.)

Сиддиқ ибн Абу Бакр ибн ал-Хусайн ал-Ғазнаёний ал-Кассий — имом ва фақиҳ бўлган. Самарқандда яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 568 х.й. шаъбон ойида Самарқандда вафот этиб, шаҳардаги «Қантарату Ғонфар» қабристонига дафн этилган (11: 4/291).

645

АЛҒАЗИЙНАЗИЙ

«Ғазийназ»га нисбат берилган. У — Хоразмнинг Мароғрад ноҳиясидаги қишлоқларидан бири. Бу жойга мансуб бўлган олимлардан:

1. Музаффар ал-Ғазийназий (тав. 499/1106 й.)

(Абу Осим) ал-Музаффар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ироқ ал-Ғазийназий

ал-Котий бўлиб, фозил фақиҳ, чиройли сийрат соҳиби, ҳақ-ҳуқуқларга риоя қилувчи бир олим эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Унинг туғилган вақти 499 х.й.нинг шаввол ойига тўғри келади (И: 4/293).

646

АЛҒАССОЛ

Марв ах,лидан марх,умларни ювувчи-ларга нисбатан айтилган, бу исмга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдуллоҳ ал-Ғассол
Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Нух ал-Ғассол ал-Марвазий. У ҳадис илмининг улуғ олимларидан бири эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (И: 4/295).

647

АЛҒУШДОНИЙ

«Самарқанднинг бир қишлоғи — «Ғушдон»га нисбат берилган олимлардан:

1. Ғолиб ал-Ғушдоний
(Абу Мансур) Ғолиб ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳалаф ибн Ҳабуя ибн Намоҳ ибн Яҳё ал-Ғушдоний. Самарқандда ал-Ғушдонийдан кўп олимлар ҳадислар ёзиб олганлар. Самарқандда вафот этган (11: 4/298).

648

АЛҒАШИЙДИЙ

Бухоронинг *қишлоқ-*
ларидан *бири* —
«Ғашийид»га *нисбат*
берилган. *Унга* *шансуб*
бўлган *олимлардан:*

1. Маҳмуд ал-Ғашийдий
(Абу Хомид, Абу Ҳотам)
Маҳмуд ибн Юнус ибн
Мукаррам ал-Ғашийдий
ал-Бухорий. У кўплаб
олимлардан ҳадислар
ривоят қилган. Ундан ибн
Абу Бакр ҳамда бошқа
кўплаб олимлар ривоятлар
келтирганлар (2: 4/232; 11:
4/298).

649

АЛҒУЛАТОНИЙ

Марвнинг *қишлоқ-*
ларидан *бири* —
«Ғалатон»га *нисбат*
берилган *олимлардан:*

1. Муҳаммад ал-Ғулатоний

Муҳаммад ибн Жийҳон
ал-Ғулатоний. У ал-Бурз
аҳлига мансуб қадимий
олимлар сулоласидан
бўлган. У уламолардан,
уламолар ҳам ундан ҳадис
ривоят қилганлар (11: 4/
307).

650

АЛҒУНОДУСТИЙ

Сарахсинг *қишлоқ-*
ларидан *бири* —
«Ғунодуст»га *нисбат*
берилган. *Унга* *мансуб*
бўлган *олимлардан:*

1. Ал-Хусайн ал-Ғунодустиий

(Абу Абдуллоҳ) ал-
Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн
ал-Ғунодустиий — Сарахс
вилоятидан чиққан фозил
адиб, шоир, фақиҳ, ақл-
идрокли котиб. У усул
илмларини ёддан билган. У
уламолардан, уламолар
ҳам ундан ҳадис ривоят
қилганлар (11: 4/310).

651

АЛҒУНЖОР

«Ғунжор» — *Бухоро*
ах,лидан *икки* *ёноғи*
қизғиш *кишиларнинг*
лақаби. *«Ғунжор»га*
нисбат *берилган*
олимлардан:

1. Исо ал-Ғунжор (ваф. 185/801 й.)

(Абу Муҳаммад) Исо
ибн Мусо ат-Таймий. У
Ғунжор лақаби билан
айтилган, Бухоро ахлидан
бўлган. Исо ал-Ғунжор
фозил олим, такводор,
ҳақиқатгўй бир киши эди.
Илм олиш мақсадида Ироқ,
Ҳижоз, Мисрга сафар
қилиб, кўплаб таниқли
олимлар билан мулоқотда
бўлган. У Молик ибн Анас,
Суфён ас-Саврий, Суфён
ибн Убайна ал-Лайс ибн
Саад, Ибн Лаҳийъа ва
улардан бошқа кўплаб
машхур олимлардан
ҳадислар эшитган. Ғунжор
деб аталишининг сабаби
икки ёноғи ҳар доим
қизариб турган. У
уламолардан, уламолар
ҳам ундан ҳадис ривоят

қилганлар. 185/801 йилда
вафот этган (11: 4/311).

652

АЛҒУНЖИЙРИЙ

Сўғднинг *қишлоқ-*
ларидан *бири* *бўлган*
«Ғунжийр»га *нисбат*
берилган,Ундан *чиққан*
олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Ғунжийрий

(Абулфазл) Муҳаммад
ибн ал-Муъзал ибн
Можид ибн Исмат ал-
Ғунжийрий — таниқли
фақиҳ бўлган. У
уламолардан, уламолар
ҳам ундан ҳадис ривоят
қилганлар (11: 4/312).

2. Иброҳим ал-Ғунжийрий (478-554/1085-1159)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим
ибн Яъқуб ибн Абу Наср
ибн Обид ибн Абу Наср
ибн Мадуса ал-Кушоний
ал-Ғунжийрий — асосли
бахсу мунозара қилувчи
фақиҳ, гўзал сувратга эга
фозил киши, йирик
муфассир ва камтарин воиз
бўлган. У уламолардан
уламолар ҳам ундан ҳадис
ривоят қилганлар. 478 х.й.
зу-л-қаъда ойининг
бошларида туғилган. 553,
1158 ёки 554/1159 йилда
вафот этган (11: 4/312).

653

АЛҒАНДОБИЙ

Марғишон *шах,рининг*
мах,алларидан *бири* —

Ғандобяга нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Амр ал-Фарғоний
Ғав. 485/1092 й.)

(Абу Муҳаммад) Умар ион Аҳмад ибн Абулҳасан ал-Ғандобий ал-Марғиноний — «ал-Фарғоний» номи билан ганилган. У Самарқандда фатво берувчи ҳуқуқига зга жуда зукко факих бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 485/1092 йилда туғилган (2: 4/244; 11: 4/312).

654

АЛҒУБДИНИЙ

Насафнинг қишлоқ-аридан бири — *Ғубадин»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Ал-Ҳасан ал-Ғубдиний

Ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ гон Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Муадал ал-Ғубдиний. У уламолардан, гламолар ҳам ундан ҳадис :ивоят қилганлар (2: 4/145).

2. Муҳаммад ал-ғубдиний (ваф. 381/991 й.)

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Нуайм ибн Исҳоқ ибн Убайдуллоҳ ибн Ҳотам ибн Шидод ибн Сайд ал-Котиб ал-Ғубдиний, ал-Ҳаким ^ш-Шаҳид Абулфазл ас-Гулламий ал-Вазир (ал-

Ҳанафий) — ёзувчи бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 381/991 йилда вафот этган (11: 4/317).

3. Ал-Хусайн ал-Ғубдиний (341-427/952-1035)

(Абу Нуайм) ал-Хусайн ибн Муҳаммад ибн Нуайм ал-Ғубдиний — мазкур Абулҳасаннинг ўғли. У ғоятда ишончли, ҳақгўй, кўп ҳадисларни билувчи солиҳ бир киши бўлган. Илм олиш мақсадида Хуросон, Ҳижоз ва Ироққа сафар қилиб, кўп устозлардан таълим олган. Бухоро, Насо ва Бағдодда таниқли олимлардан ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 341/952 йилда туғилган. 427/1035 йилда вафот этган (11: 4/317).

4. Ал-Алоъ ал-Ғубдиний (ваф. 409/1018 й.)

(Абулхусайн) ал-Алоъ ибн Муҳаммад ибн Нуайм ал-Ғубдиний — Абу Нуъайм ас-Содикнинг биродаридир. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 409/1018 йилда вафот этган (11: 4/317).

5. Ал-Ҳасан ал-Ғубдиний (491-551/1097-1156)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Ғубдиний

ал-Батахдоний — қори, фозил, солиҳ бир инсон бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 491/1097 йилда таваллуд топган. 551/1156 йилда вафот этган (11: 4/317).

6. Абдуллоҳ ал-Ғубдиний (ваф. 420/1029 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳошим ал-Ғубдинийдир. У ёзувчи бўлиб, асосан Бухорода яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 420/1029 йилда вафот этган (11: 4/318).

7. Муҳаммад ал-Ғубдиний (ваф. 505/1111 й.)

(Ал-Қозий Абу Бакр) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Мансур ал-Ғубдиний ан-Насафий. У ўз даврининг фозил имоми сифатида танилиб, анча йилар Самарқандда бош кози лавозимида фаолият кўрсатган. У бир гуруҳ олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ҳадислар ўрганган. 505/1111 йилда вафот этган (И: 4/318).

655

АЛ-ҒУРАЖКИЙ

Иштихоннинг, сўнгра Самарқанднинг атрофи-даги Сўғда тегишли қишлоқ — «Ғуражк»ка

270 ал-Ғурашкий/ал-Ғувлақоний/ал-Ғиштиий/ал-Форобий

мансуб бўлган олимлардан:

1. Хушнам ал-Ғуражкий

(Абу Мансур) Хушнам ибн Абулмиғвар ал-Ғуражкий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/318).

656

АЛҒУРАШКИЙ

Самарқанднинг қишлоқларидан бири — «Ғурашк»ка нисбатан айтилган. Бу маконга мансуб бўлган олимлардан:

1. Юсуф ал-Ғурашкий (ваф. 521/1127 й.)

(Абу Якуб) Юсуф ибн Шоҳик ибн Толиб ибн Аслам ал-Ғурашкий. Самарқандда истикомат қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 83 ёшида 521 х.й. жумоду-лувло ойида вафот қилган (11: 4/318).

657

АЛҒУВЛАҚОНИЙ

Марвнинг бир қишлоғи — «Ғавлақон»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Ғувлақоний (ваф. тахм. 499/1105 й.)

Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Абулқосим

ал-Ғувлақоний — мансуб бўлган. У муҳаддис шайх бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 499/1105 йилда вафот этган (11: 4/320).

658

АЛҒИШТИЙ

Бухоронинг қишлоқларидан бири — «Ғиштиий»га нисбат берилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Иброҳим ал-Ғиштиий (ваф. 346/957 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Хршим ал-Ғиштиий ал-Амир. У асли Бухоро ахлидан. Бухоро ва Марвда ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 346/957 йилда вафот этган (2: 4/250; 11: 4/325).

2. Али ал-Ғиштиий (ваф. 320/932 й.)

(Абулҳасан) Али ибн Абу Толиб ибн Абдуллох ибн Масъуд ал-Ғиштиий — Бухоро ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 320/932 йилда вафот этган (11: 4/326).

659

АЛҒОРОБИЙ

Сайх,ун дарёси орқасидаги бир вилоят (Болосоғун шах,арчаси)га

мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдуллох ал-Форобий

(Абу Муҳаммад) Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Салма ибн Хабиб ибн Абд ал-Ворис ал-Муқаддасий ал-Форобий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/255).

2. Абдуссамад ал-Форобий (707/1307 йилда ҳаёт бўлган)

(Захируддин) Абдуссамад ибн Махмуд ал-Форуфий ал-Форобий — фақиҳ ва усулиётчи сифатида танилган. Унинг асарларидан: «Таволиъу-ланзор ли-л-Байзовий» («Байзовийнинг қарашларига ойдинлик киритиш»), «Шарху минҳожии-л-вусул ала илми-л-усул ли-л-Байзовий» («Байзовийнинг илми усул асарини ўзлаштириш услубига шарх»). Муаллиф бу асарларнинг таҳрири ва таъйизи (оққа кўчириш)дан 707/1307 йилда фориғ бўлган (17: 2/154).

3. Исмоил ал-Форобий (ваф. 894/1489 й.)

Исмоил ал-Хусайний ал-Форобий — асли ҳукамолардан, амир бўлган. Унинг асарларидан: «Шарху-л-фусул» («Абу Наср Муҳаммад ал-Форобийнинг хикмат ҳақидаги «ал-Фусул»

асарига шарх»)ни келтириш мумкин (17: 1/362).

4. Аҳмад ал-форобий (ваф. 607/1210 й.)

(Абулкосим Имоуддин) Аҳмад ал-Форобий — ханафия мазҳаби бўйича фақиҳ бўлган. Унинг асарларидан: «Хулосату-л-ҳақоик лимо фихи мина-л-асолиби-д-дақиқа» («Нозик услублардан ҳақиқатлар хулосаси»), «Силку-ж-жавоҳир ва нашру-з-завоҳир» («Дурдоналар йўли ва раванкнинг юксалиши»), «Мисбоҳу-л-жинон» («Жаннат боғларининг чироғи»), «Мифтоҳу-л-жинон» («Жаннат боғларининг калити») (17: 1/223; 19: 11).

5. Аҳмад ал-форобий (570/1174 йилдан олдин хаёт бўлган)

Аҳмад ибн Юсуф ал-Форобий — ханафийлик мазҳаби бўйича олим бўлган. Унинг «Заллату-л-қори» («Қорининг хатолари») асари бор (17: 1/330).

6. Исҳоқ ал-Форобий (ваф. 350/961 й.)

(Абу Иброҳим) Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Форобий. У адиб, луғатшунос сифатида танилиб, Зубайдда яшаган. Унинг асарларидан: «Китобу ливони-л-адаб фи-л-луғати» («Тил ҳақида

адабий девон китоби»), муаллиф ушбу асарни Атсиз ибн Хурдазат учун ёзган. «Шарху ала адаби-л-котиб ли ибн Қутайба» («Ибн Қутайбанинг «Котибнинг адаби» асарига шарх»), «Баёну-л-иъроб» («Қоидали ўқиш баёни»). У ўз даврида луғатшунослик илми бўйича таниқли олим ҳисобланиб, асарлари бутун дунё бўйлаб шухрат қозонган эди (2: 4/255; 11: 4/331; 15: 4/84; 17: 1/338; 19: 4).

7. Исмоил ал-Жавҳарий (ваф. 393/1003 й.)

(Абу Наср) Исмоил ибн Ҳамод ал-Жавҳарий ал-Жавҳарийдир. У луғатшунос, ғоятда бахтли-икболли инсон эди. Асли турк мамлакатадаги Форобдан келиб чиққан. Илм олиш мақсадида Ирокка сафар қилиб, Абу Али ал-Форобий ва Абу Сайд ас-Сайрафийдан араб тилини ўрганган. Сўнгра Ҳижозга бориб, муқаддас шаҳарларни тавоф қилган. Мисрга ҳам ўтган. Илм талабида кўп саъй-ҳаракатлар кўрсатган. Тавоф йўлидаги орзулари амалга ошгач, Хуросонга қайтиб, Нишопурга йўл олган. Бу шаҳарда бир муддат мударрислик қилиб, асарлар ёзиб, хуснихатдан таълим берган. Кўп ўтмай шу ерда вафот этган. Унинг асарларидан: «Тожу-л-

луғат» («Тилнинг тожи»), луғатшуносликка оид «ас-Сихоҳ» («Ишончли» китоб), «Муқаддима фи-н-наҳв» («Грамматикага кириш китоби»), аруз илмига оид асар, «Дивону-л-адаб» (Адабиётга оид девон), шунингдек, бир қанча шеърлари ҳам бор (2: 4/255; 17: 1/362; 19: 1).

8. Муҳаммад ал-Форобий (ваф. 339/950 й.)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ ибн Тархон ал-Форобий — ҳаким (донишманд), фалсафа фани бўйича йирик мутафаккир, табиб, форс, турк ва юнон тилларининг билимдони бўлган. «Муаллим» деган лақаб ҳам олган. У Форобда таваллуд топган, араб тилини чуқур эгаллаган. Мата ибн Юнус билан учрашиб, ундан таълим олган. Хардонга сафар қилиб, у ерда Юхна ибн Жийлон билан яқин муносабатда бўлган. Шундан кейин ал-Форобий Мисрга сафар қилиб, ундан Дамашққа қайтган ва шу жойда 339 х.й. ражаб ойида вафот этган. Унинг асарларидан: «Ароу аҳли-л-мадинати-л-фозила» («Фозил шаҳар аҳлининг фикрлари»), «ал-Мадҳал ила синоаъти мусика» («Мусика санъатига кириш»), «Ихсоъу-л-улум ва-т-таърифи биағродихо» («Илмлар таснифи ва уларнинг мақсадларини

279 ал-Форобий/ал-Форижий/ал-Форизий/ал-Фориз/ал-Форузий

аниқлаш»), «ал-Мадхал ила илми-л-мантик» («Мантик илмига кириш»), «Тахсилу-с-саодат» («Саодатга эришиш») (2: 4/255; 6; 2; 15: 4/52; 17: 3/628).

9. Муҳаммад ал-Форобий (ваф. 505/1111 й.)

(Абу Ҳомид) Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Форобий. У 505/1111 йилда вафот этган. Унинг асарларидан: «ал-Арбаъийн» («Қирк ҳадис»), у «Жавохиру-л-Қуръон» («Қуръон жавҳарлари») деб аталадиган китобнинг бир қисмидир (15: 4/61).

10. Муҳаммад ал-Форобий (ваф. 617/1220 й.)

(Имодуддин Абулҳасан) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Форобий. Унинг «Хулосату-л-мақомот» («Мақомларнинг хулосаси»), «ал-Асъила ал-ломиъа ва ал-ажвиба ал-жомиъа» («Аниқ саволлар ва тўлиқ жавоблар») номли асарлари бор (15: 4/92; 19:16).

660 АЛФОРИЖИЙ

Бухоронинг бир маҳдлласи — «Форижак» («Бобу Форижак»)ка нисбатан айтилиган. Шу жойдан чиққан олимлардан:

1. Абдулазиз ал-Форижий

(Абулашъас) Абдулазиз ибн Абулҳорис ибн

Абдуллоҳ ан-Назарий ал-Бухорий ал-Форижий — Бухоро аҳлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/332).

661 АЛФОРИЗИЙ

Бухоронинг бир мах,алласи — Дарб ал-Майдоннинг ташқари-сидаги «Фориза» қасрига нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Қутайба ал-Форизий (Абу Муҳаммад)

Қутайба ибн ал-Ҳасан ал-Форизий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/331).

2. Ҳомид ал-Форизий (Абу Бакр) Ҳомид ибн Убайдуллоҳ ибн Қурайш ибн ал-Ҳасан ал-Форизий — Фориза қасридан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/332).

3. Юсуф ал-Форизий (ваф. 530/1135 й.)

Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ибн Аҳмад ал-Форизий аш-Шайх ал-Воиз ан-Насафий — Насаф аҳлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 530/1135 йилда вафот этган (11: 4/332).

662 АЛ-ФОРИЗ

Марв аҳлидан фароиз ва меросларни тақсим қилишни яхши билиб, шу илми билан машҳур бўлган кишиларга нисбатан «ал-Фориз» деб айтилган. Қуйидагилар шу нисбага мансубдилар:

1. Нуайм ал-Фориз (ваф. 228/842 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Нуайм Ҳаммод ибн Муовия ибн ал-Ҳорис ал-Марвазий ал-Хузобий. У (бир муддаг) Мисрда яшаган. У то хибсда вафот этгунига қадар каттик қийноққа чидаган. Чунки у Қуръонни махлук деб айтишдан бош тортганлиги учун шу қийноққа тортилган олимлардан бири эди. Нуайм ал-Фориз ҳадислар маъносини тўлиқ тушунган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 228/842 йилда вафот этган (11: 4/333).

663 АЛФОРУЗИЙ

Насонинг қишлоқ,-ларидан бири — «Форуз»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Али ибн ал-Форузий (Абу Муҳаммад) Али ибн ал-Форузий — илм аҳлидан бўлган. У

уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/335).

2. Али ал-Форузий (ваф. 483/1439 й.)

(Абулҳасан) Али ибн Аҳмад ибн Али... ал-Форузий. У «Сағр Шахристон» аҳлидан бўлган. У энг йирик еуфийлардан, ҳурмат-эътибори жуда юқори, гўзал сийрат соҳиби бўлган. У Нишопур, Бағдод ва Сараҳсада кўплаб олимлардан ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 483/1439 йили Шахристонда вафот этган (11: 4/335).

664

АЛФАРИЁНАНИЙ

*Марвнинг бир қишлоқ — *Фориён-Фирён»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:*

1. Муҳаммад ал-Фориёнаний

Муҳаммад ибн Тамим = г-Сўғдий бўлиб, у Фориён аҳлидан бўлган 2: 4/260).

2. Аҳмад ал-Фориёнаний

Аҳмад ибн Абдуллоҳ гон Ҳаким ал-Фориёнаний 1л-Марвазий — матрук 1--ҳадис, яъни ҳадислари тарқ этилган ровий бўлган. уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/260).

665

АЛФОЗИЙ

Марвнинг бир қишлоқ — «Фозу»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-фозий

(Абулаббос) Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн ал-Аббос ал-Фозий ал-Марвазий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/260).

666

АЛФОШОНИЙ

Марвнинг қишлоқларидан бири — «Фошон»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Фошоний (ваф. 371/981 й.)

(Абу Зайд) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Фошоний. У шофиъий мазҳаби бўйича фақих, ўз даврида кесиб гапирадиган олимлардан бўлган. Шофиъия мазҳаби таълимотини ёддан биладиган энг етук ва назарий жиҳатдан энг яхши олим ҳисобланган. Бу дунёдагилардан энг зоҳиди бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 371 х.й.нинг 13 ражабида вафот этган (2: 4/262; 11: 4/338).

2. Ал-Ҳирос ал-Фошоний

(Абу Бакр) ал-Ҳирос ал-Фошоний — Бухоро ва Марвда ҳадислар айтган шайх. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/338).

3. Муҳаммад ал-Фошоний (ваф. 529/1134 й.)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фошоний — имом, фозил, тақводорлиги билан машҳур ва фикҳ илмида беназир олим бўлган. Табиатан латиф, кўп илмларни ёддан билган, суҳбати жуда гўзал. У билан суҳбатдош бўлганлар асло зерикмас эдилар. Луғат илмида чуқур билимли, кўплаб улуғ зотлар билан мулоқотда бўлган. У тақво ва зуҳдда узоқ умр ўтказиб, таҳажжудда чексиз, тиловати давомли ва бисер инсон бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 529 х.й. муҳаррам ойининг 17 куни вафот этган, жасади Санждонда дафн этилган. Унинг асарларидан: «А х б о р у - л - у л а м о» («Олимлар ҳақида хабарлар») (11: 4/339; 15: 4/27)

4. Мусо ал-Фошоний

Мусо ибн Ҳотам ал-Фошоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/262; И: 4/339).

5. Муҳаммад ал-Фошоний

274 ал-Фoшoний/ал-Фoшyкий/ал-Фoғий

Мухаммад ибн Мусo ибн Хoтам ал-Фoшoний. У уламoлардан, уламoлар хам ундан хадис ривoят қилганлар (11: 4/339).

6. Мухаммад ал-Фoшoний

(Абу Абдуллох) Мухаммад ибн Абулфазл ибн Саад ал-Фoшoний — солих шайх бўлган, мутааххир машoйихлардан кўпларининг каломини ёд билган. Суфийлар таълимотидан кўп хикoя қилган. У уламoлардан, уламoлар хам ундан хадис ривoят қилганлар (11: 4/340).

7. Абдуллах ал-Фoшoний

(Абулфазл) Абдуллах ибн Абдулмалик ибн Али ал-Фoшoний. У уламoлардан, уламoлар хам ундан хадис ривoят қилганлар (11: 4/340).

8. Зухайр ал-Фoшoний

Зухайр ибн Солим ал-Фoшoний — Фoшон қишлоғидан бўлган. У уламoлардан, уламoлар хам ундан хадис ривoят қилганлар (11: 4/340).

9. Ахмад ал-Фoшoний (ваф. 401/1010 й.)

(Абу Убайд) Ахмад ибн Мухаммад ибн Мухаммад ибн Абу Убайд ад-Даввий ал-Фoшoний — луғатшунос бўлган. Вафоти 401/1010 йилга тўғри келади (16:79).

10. Умар ал-Фoшoний

(Абу Хафс) Умар ибн Абдуллох ал-Фoшoний — имом ва фозил мутакаллим бўлган. Бағдодда бир гуруҳ олимлардан фикх илмидан сабоқлар олгандан кейин, Басрага келган. Буюк мухаддис Абу Довуд ас-Сижистонийнинг «Сунан» асарини тўлиқ эгаллаб, Марвда бу китобдан хадислар ривoят қилган. Ундан кўплар бу хадисларни тинглаган. У уламoлардан, уламoлар хам ундан хадис ривoят қилганлар (11: 4/339).

11. Абдуллох ал-Фoшoний

Абдуллох ибн Умар ибн Абдуллох ал-Фoшoний — мазкур Абу Хафснинг ўғли, асли Фoшон ахлидан бўлган (11: 4/339).

12. Убайдуллох ал-Фoшoний

Убайдуллох ибн Умар ибн Абдуллох ал-Фoшoний — мазкур Абу Хафснинг ўғли, асли Фoшон ахлидан бўлган (11: 4/339).

13. Умар ал-Фoшoний (ваф. 547/1153 й.)

Умар ибн Абдуллох ибн Умар ибн Абдуллох ал-Фoшoний — асли Фoшон ахлидан, мазкур Абд ибн Умарнинг ўғли. У Марв ва Хoразмда улкан ишларни амалга оширган. 547 х.й. зул-ҳижжа ойининг 14 куни ҳаж ибодатини адо этгач, ушбу мақoмда вафот этган (11: 4/339).

667

АЛФОШУҚИЙ

Бухоронинг қишлоқларидан бири «Фoшук»қа нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Мухаммад ал-Фoшyкий

(Абу Абдуллох) Мухаммад ибн Сурур ал-Балхий ал-Фoшyкий. У каззoб ва уйдирмачилиги билан танилган эдк. Фoшук қишлоғида ятаган Ишончли хадислардан ботилларини ошириб, бир хадис китоби ёзиб, уни «Китобу-л-канз» («Хазиналар китоби») деб атаган эди (11: 4/340).

668

АЛФОҒИЙ

Самарханднинг қишлоқларидан бири — «Фoғ»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Али ал-фoғий (ваф. 511/1117 й.)

(Абулхасан) Али ибн Олим ибн Бакр ал-фoғий ал-Имом ал-Ҳaким. У уламoлардан, уламoлар хам ундан хадис ривoят қилганлар. 511 х.й.нинг сафар ойида вафот этган (11: 4/341).

2. Умар ал-Фoғий (ваф. 493/1099 й.)

(Абу Хафс) Умар ибн Олим ибн Бакр ал-Фoғий. У — юқoрида зикр этилган

Абулхасаннинг бирода-ридир. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 493 х.й.да вафот этган (11: 4/341).

669
АЛФОМИНИЙ

Бухоронинг қишлоқ-ларидан бири — I Фомин»га (Арабчаси «Фомийин») нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Фоминий

(Абу Аҳмад) Муҳаммад ион Мардак ибн Хошим пбн Рошид ал-Фоминий аш-Шайбоний. Уларнинг мавлоси Фомин қишлоғидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/340).

670
АЛФАРОБИЙ

Самарқанднинг бир қишлови — «Фароб»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Фаробий (1465-505/1072-1111)

(Абулфатх) Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Абдурахмон ал-Фаробий ал-Аббосий. У Фаробда яшаган, шу боис унга мансуб этилган. Кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган,

ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар. У 465/1072 йили Самарқанднинг қишлоқларидан бири — Харконда туғилиб, 505/1111 йилнинг арафа куни Фароб қишлоғида вафот этган (2: 4/274; 11: 4/353).

671
АЛФУРОВИЙ

«Фарова»га нисбатан айтилиб, у — Хоразмга бориб туташидиган Насонинг четидаги бир шах,арчанинг номидир. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Фуровий

(Абу Нуъайм) Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Фуровий. У Фаровадаги бир работнинг соҳиби бўлган. У йиғлаб ибодат қиладиганларнинг энг мужтаҳиди эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/278; 11: 4/357).

2. Муҳаммад ал-Фуровий (441-530/1050-1136)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Фуровий — ўз даврининг шайху-ш-шуйухи даражасига эришган олим. У ўта билимдон, мунозараси кенг имом, муҳаддис воиз, илм ахллари орасида катта

иззат-икромга эга олим бўлган. Унинг асарларидан: «Мажолис фи-л-ваъз ва-т-тазкийр» («Ваъз ва хотирлаш ҳақидаги мажлислар»), қирқ ҳадисдан тузилган «Мажмуъа китоб фи фуруъи-л-фикхи-ш-шофиъий» («Шофиъий фикхи тармоқлари ҳақида китоб»). Кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (2: 4/278; 3: 418; 17: 3/587).

3. Абдулмунъим ал-Фуровий (497-587/1104-1191)

(Абулмаолий) Абдулмунъим ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Аҳмад ал-Фуровий ас-Соъидий ан-Нишопурий аш-Шофиъий — муҳадд^{ис} ва Хуросон муснади бўлган. Шаъбон ойининг охирларида вафот этган. Унинг асарларидан: «Арбаъуна ҳадисан» («Қирқ ҳадис»)ни келтириш мумкин (17: 2/324). »

4. Мансур ал-фуровий (522-608/1128-1211)

(Абулқосим) Мансур ибн Абдулмунъим ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Фуровий. У ҳадислар ривоят қилиш билан машҳур бўлган бир хонадондан чиққан. Бағдодга борган ва бу шаҳарда ҳадислар ривоят

276 ал-фурувий/ал-Фарухийноний/ал-фарабрий

қилган. Ундан кўплар ривоятлар келтирганлар. 522 х.й.нинг рамазон ойида таваллуд топган. 608/1211 йилда Нишопурда вафот этган (2: 4/278).

672 АЛФУРАХИЙНОНИЙ

Марвнинг қишлоқ-ларидан бири — «Фурах,ийнон»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Мухаммад ал-Фарухийноний (ваф. 247/861 й.)

(Абу Али) Мухаммад ибн Али ибн Ҳамза ал-Фарухийноний — ҳофиз, имом, ишончли ва ҳақгўй ровий сифатида машҳур бўлган, кўп (асарлар) ёзган. Ироқ ва Ҳижозга сафар қилган. У тасниф этган асарлардан: «ат-Таърих фи рижоли-л-муҳаддисийн би Марв» («Марв муҳаддислари (ровийлари)нинг тарихи»). Кўплаб олимлардан ҳадислар қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар. 247 х.й.нинг ражаб ойида вафот этган (11: 4/357).

2. Ал-Қосим ал-Фурахийноний

Ал-Қосим ибн Мухаммад ибн Али ибн Ҳамза ал-Фурахийноний — юқорида номи зикр этилган Абу Алининг ўғли. У ғоятда салоҳиятли

ҳофиз бўлиб, кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам ҳадислар ривоят қилганлар (11: 4/358).

3. Али ал-фурахийноний (тав. 480/1087 йилдан кейин)

(Абулҳасан) Али ибн Мухаммад ибн Исҳоқ ал-Фурахийноний — таниқли фақиҳ ва ҳатто нақибул-фуқоҳо (фақиҳларнинг раҳбари) даражасига етишган олим. У фикҳ илми бўйича дарслар ўқитиб, имло қилар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 480 х.й.дан бир неча сана ўтгач туғилган эди (11: 4/358).

673 АЛФАРАБРИЙ

Жайқун йўли устидаги бир шахарча — «Фирабр»га нисбатан айтилган. Унга мансуб қилинган олимлардан:

1. Мухаммад ал-Фарабрий (231-320/846-932)

(Абу Абдуллоҳ) Мухаммад ибн Юсуф ибн Матар ибн Солиҳ ибн Бишр ал-Фарабрий — Имом ал-Бухорий қаламига мансуб «ал-Жомий ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам») асарининг ровийларидан. Кўплаб одамлар унинг ҳузурига келиб, ундан бу

китобдан илм олганлар. У уламолардан. У уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 231 х.й.да туғилган бўлиб, 320 х.й. шаввол ойининг учинчи куни вафот этган (2: 4/279; 11: 4/359).

2. Мухаммад ал-Фарабрий (470-549/1077-1154)

(Абулбишр) Мухаммад ибн Али ибн Абдулазиз ибн Иброҳим ал-Каробисий ал-Фарабрий — солиҳ фақиҳ бўлган, «ас-Сағир» («Кичкина») номи билан танилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 470/1077 йилда туғилган. 549/1154 йилда вафот этган (2: 4/279; 11: 4/359).

3. Аҳмад ал-Фарабрий (ваф. 371/981 й.)

(Абу Мухаммад) Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Юсуф ал-Фарабрий. У бобоси Абу Абдуллоҳдан Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам») асарини ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 371/981 йилда вафот этган (11: 4/359).

4. Мухаммад ал-Фарабрий

(Абу Бакр) Мухаммад ибн Абу Бакр ибн Оиша ал-Мукрий ал-Фарабрий

— ахл ал-Қуръондан, солих шайх ва ишончли ровий бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (И: 4/359).

5. Ал-Ҳусайн ал-Фарабрий (ваф. 397/1007 й.)

(Абу Мансур) ал-Ҳусайн ибн Али ибн Юсуф ал-Фарабрий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 397 х.й.нинг рамазон ойида вафот этган (11: 4/359).

6. Ал-Ҳусайн ал-Фарабрий

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн Юсуф ибн Абдулмажид Бундор ал-Фарабрий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/279; 11: 4/360).

674

АЛФАРАЖОЙЙ

Самарқанднинг киш-лоқларидан бири — «Фаржаё»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Фаражойй

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Фаражойй. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/360).

675

АЛФАРАХШИЙ

Бухоронинг қишлоқ-ларидан бири —

«Фарахшо» («Афрах-шо»)га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Фарахший (ваф. 355/966 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Аҳмад ибн Ҳожиб ал-Фарахший — факих бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 355 х.й.нинг ражаб ойида вафот этган (11: 4/362).

2. Имрон ал-Фарахший

(Абу Мусо) Имрон ибн Қатан ал-Фарахший — асли Фарахшо кишлоғидан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/362).

3. Муҳаммад ал-Фарахший (ваф. 363/973 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Ҳотам ибн Азкар ал-Муаззин ал-Фарахший. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 363 х.й.нинг рамазон ойида, қарийб юз йил умр кўриб, вафот этган (11: 4/362).

676

АЛФАРХУЗДИЙЗАЖИЙ

Насафнинг қишлоқ-ларидан бири — «Фархуздийза»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Умар ал-Фархуздийзажий

(Абу Ҳафс) Умар ибн Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Банги ал-Фархуздийзажий — солих шайх, ўта хотиржам, сокин ва камтарин инсон бўлган, саҳиҳ ҳадисларни кўп эшитган. Мазкур қишлоқда 491/1097 йилда таваллуд топган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/362).

2. Али ал-Фархуздийзажий

Али ибн Нажоҳ ал-Фархуздийзажий — Фархуздийза кишлоғига мансуб олимлардан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/362).

677

АЛФАРДАДИЙ

Самарқанднинг қишлоқларидан бири — «Фардад»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Фардадий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Мансур ибн Шурайх ал-Фардадий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/363).

278 ал-фарзомийсаний/ал-фурсобозий/ал-Фарғоний

678

АЛФАРЗОМИЙСАНИЙ

Самарқанднинг бир мах,алласи — «Фарзомийсан»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Исо ал-Фарзомийсаний (ваф. 310/922 йилдан кейин)

(Абу Мусо) Исо Абдак ибн Хаммод, яна айтишларича, ибн Абдо ибн Абдуллох ал-Абдий ал-Фарзомийсаний. У «ал-Жаллоб» номи билан танилган эди. У асли шошлик бўлиб, Фарзомийсанда истикомат қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 310/922 йилдан кейин вафот этган (11: 4/364).

679

АЛФУРСОБОЗИЙ

Марвнинг бир цишлоғи — «Фурсобоз»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдулҳамид ал-Фурсобозий

Абдулҳамид ибн Ҳамийд ал-Фурсобозий. У тобеийнлардан ҳадислар эшитган, кўплаб уламолардан ривоятлар қилган (11: 4/364).

680

АЛФАРҒОНИЙ

«Фарғона»га нисбат берилган. У —

Мовароуннах,рдаги катта шах,ар ва ўлка. Кунчиқар томонидан Туркистон ерлари билан туташиб кетган, унда хайру барака кўп, русток^лари кенг. Унда цирклаа мақбара бўлган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ҳожиб ал-Фарғоний (ваф. 306/918 й.)

(Абулаббос) Ҳожиб ибн Молик ибн Аркийн ал-Фарғоний. У асли Мовароуннахрнинг Фарғона шахридан бўлган. Дамашқда яшаб, унда ҳадислар ривоят қилган. У кўп ҳадисларни ёддан билувчи сифатида шуҳрат қозонган, хурмат-эътибори юқори инсон эди. У 296 йили Бадр ал-Ҳимомий даврида Исфаконга келиб, сўнгра Дамашққа қайтган эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 306/918 йилда Дамашқда вафот этган (2: 4/287; 11: 4/368).

2. Ал-Муштаб ал-Фарғоний (ваф. 486/1093 й.)

(Абулмузаффар) ал-Муштаб ибн Муҳаммад ибн Асома ибн Зайд ибн ан-Нуъмон ибн Суфён ал-Фарғоний — Мовароуннахрнинг Фарғона шахридан бўлган. У энг буюк мунозарачи олимлардан ҳисобланган. Назар ва жадал илмларида таникли олимлардан бири

эди. У аскарлар билан аралашиб кетар ва уларни асло фарқламас эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 486 х.й.нинг шаввол ойида Бағдодда вафот этган (11: 4/367).

3. Муҳаммад ал-Фарғоний

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Абдуллох ал-Фарғоний — суфий. Шошнинг Фарғонасидан бўлган. У Бағдодга келиб аллома ал-Жунайд... билан учрашиб, унинг суҳбатида бўлганлиги билан шуҳрат қозонган эди. У Жунайднинг сўзларини бошқаларга тарғиб қилган. У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (И: 4/368).

4. Масъада ал-Фарғоний

(Абу Сайд) Масъада ибк Бакр ибн Юсуф ибн Сосон ал-Фарғоний — асли Мовароуннахрнинг Фарғона водийсидан бўлган. Ҳаж ибодатини адо этиш йўлида Бағдодга келиб, унда ҳадисларда:-: сабоқ берган. У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (11: 4/368).

5. Ал-Қосим ал-Фарғоний (ваф. 261/874 й.)

(Абу Абдурахмон) ал-Қосим ибн Муҳаммад иен

Абдуллоҳ ал-Фарғоний ал-Музаккар. У

Мовароуннахринг Фарғонасидан бўлган. У ўйлаб топилган ҳадисларни тўплаш билан шуғулланган. 261 х.й.да Асфарийинда вафот этган (11: 4/368).

6. Аҳмад ал-Фарғоний (218/833 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

(Абулаббос) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний — фалакиётчи олим, аббосий халифа Маъмуннинг мунажжимларидан бири бўлган. Унинг асарларидан: «Китоб фи усули илми-н-нужум» («Астрономиянинг асослари ҳақида китоб»), шунингдек, «ал-Мадхал ила илми ҳайъати-л-афлок ва ҳаракати-н-нужум» («Фалакларнинг кўриниши ва юлдузлар ҳаракати илмига кириш»), «Китобул-ҳаракати-с-самовия» («Самовий жисмларнинг ҳаракати»), «Жавомиъун-н-нужум» («Юлдузларнинг мажмуалари») кабиларни келтириш мумкин (5: 3; 17: 1/86, 290).

7. Саад ал-фарғоний (ваф. 699/1299 й.)

(Абу Усмон, Саадуддин) Саад ибн Абдуллоҳ ал-Фарғоний — суфий бўлган. Унинг асарларидан: «Манохижу-л-ибод илал-муад» («Бандаларнинг эхират сари тутган итллари»), «Мунтахийу-л-мадорик» («Рухоний

кучларнинг интиҳоси») (1: 18; 17: 1/757).

8. Абдуллоҳ ал-Фарғоний (ваф. 362/973 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Хузён ат-Туркий ал-Фарғоний — муаррих ва муҳаддис бўлган. Дамашқда ибн Жариф ва бошқалардан ҳадислар ривоят қилган. 362 х.й.нинг жумоду-лу-увло ойида вафот этган. Унинг асарларидан: «ат-Таърих ал-музаййил ала таърихи Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий» («Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» китобига битилган илова тарих») (15: 4/298; 17: 2/223).

9. Али ал-Фарғоний (ваф. 593/1197 й.)

(Бурхонуддин Абулҳасан) Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ал-Марғийноний ал-Ҳанафий — факих, фаразий (фароиз илмини яхши билувчи), муҳаддис, хофиз, муфасссир, турли илмларда ўз ўрнига эга олим бўлган. Унинг асарларидан: «Шарху «ал-Жомиъ ал-кабийр» ли Шайбоний» («Аш-Шайбонийнинг «ал-Жомиъ ал-кабийр» асарига шарх»), «Бидоятул-мубтадий» («Бошловчининг бошланғич китоби»), «ал-Ҳидоя» ва Кифояту-л-

мунтахий» («Тўғри йўл ва Яқунловчиларни кониктирувчи китоб»), «ат-Тажнис ва-л-музийд» («Ўхшатиш ва ошириш»), «Мухтору-л-фатово» («Фатволарнинг танланмаси») кабиларни келтириш мумкин. Бу асарларнинг барчаси ханафий мазҳабининг фуруъ ал-фикҳига бағишланган (17: 2/411).

10. Али ал-Фарғоний (ваф. 569/1173 й.)

(Сирожуддин) Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ал-Ўший ал-Фарғоний — олим, адиб ва нозим бўлган. Унинг асарларидан: «Машориқул-анвор фи шархи нисобил-ахбор ли тазкирати-ла-ахбор» («Яхшиларнинг зикрида хабарлар манбаи китобининг шарҳида чараклаган нурлар»), «Шарху манзумоти Умар ан-Насафий фи-л-хилоф» [«Умар ан-Насафийнинг мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларга оид назмий асарига шарх», муадлиф уни «Мухталифу-р-ривоя» («Ривоятлардаги фарқлар китоби») деб атаган], «ал-Қасида ал-ломия фи усули-д-дин» («Дин усуллари ҳақида «лом» ҳарфидан бошланадиган қасида»), «ал-Фатово ас-сирожия» («Сирожийнинг фатволари»), «Назму қасидати-л-амолий фи-л-калом» [«Калом илми ҳақида имлолар қасидаси назмий асари», қасида «йақулу ал-абд...» деб

280 ал-Фарғоний/ал-Фарманкий/ал-Фарнбозий

бошланади, Муҳаммад ибн Хайдар аш-Шаҳид бифайз ал-Кафавий (ваф. 1168/1754 й.) уни турк тилига таржима қилиб, нашр этган) (17: 2/475; 18: 4).

11. Умар ал-Фарғоний (ваф. 600/1204 йилдан кейин)

Умар ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний — фақиҳ бўлган. Унинг асарларидан «Машориху жа во х и р и - л - ф и қ х» («Фикҳ жавҳарларининг порлаши»), «ал-Фавоид фи фуруъи-л-фикҳ» («Фикҳ илмининг тармоқлари бўйича ғоятда фойдали китоб») (17: 2/567).

12. Муҳаммад ал-Фарғоний (ваф. 513/1119 й.)

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ал-Фарғоний ал-Ўший ал-Ханафий — фақиҳ бўлган. Унинг асарларидан «Мунассик» («Хаж йўл-йўриқлари») машҳурдир (17: 3/84).

13. Муҳаммад ал-Фарғоний (ваф. 700/1301 й.)

(Саадуддин) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Фарғоний — суфий бўлган, тахм. 700 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Шарху-т-тобияти ли ибни-л-Фориз» («Ибн ал-Форизнинг «ат-Тобия» асарига шарх»), «Шарху фусули-л-хукам» ли ибн ал-Арабий] [Ибн ал-Арабийнинг «Фусулу-л-хукам» — «Хикматларнинг фасллари» асарига шарх],

мазкур иккала асар ҳам тасаввуфга оиддир, «Мунтаҳийу-л-мадорик ва муштаҳий кулли комил ва ориф ва солик» («Идроклилар учун интихо ва ҳар бир комил, ориф ва солик учун зарур китоб») 17: 3/91).

14. Аҳмад ал-Фарғоний (Шарафуддин) Аҳмад ал-Фарғоний — «Захирату-л-фуқаҳо» («Фақиҳлар учун хазина») асарининг муаллифи (14: 61).

15. Абдуллоҳ ал-Фарғоний

Абдуллоҳ ибн Саҳл ал-Фарғоний. У халифа Маъмун замонида фалакиёт илмининг машҳур олимларидан бири бўлган (5: 10).

16. Муҳаммад ал-Ихшид ал-Фарғоний (ваф. 247/861 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад Таъғж ибн Жафф ибн Ялтикин ибн Фаврон ибн Фаврий ибн Хокон ал-Фарғоний — асли фарғоналик, «ал-Ахшид» унвонли олтин тахт соҳиби бўлган. Келиб чиқиши Фарғона ўлкасидан, ўзи эса Миср, Шом ва Хижоз соҳиби (хукмдори) бўлган. 247 х.й. 3 шавволда/861 йил 10 декабрда чоршанба куни тунда вафот этган (16: 147).

681

АЛФАРМАНКИЙ

Бухоро аҳлидан ўз аждоди «Фарманк»га

бориб тақаладиган шахсларга мансуб кишиларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ҳамид ал-Фарманкий

(Абу Муҳаммад) Ҳамид ибн Фарва ибн Фарманк ал-Варрак ал-Фарманкий. У Бухоро аҳлидан, Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишрга *варрок* (қоғоз тайёрлайдигаш бўлган. У уламолардан уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/371).

2. Муҳаммад ал-Фарманкий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Ҳамид ибн Фарва ибн Фарманк ал-Фарманкий — мазкур Ҳамид ал-Фарманкийнинг ўғли. У уламолардан. уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4, 371).

682

АЛФАРНБОЗИЙ

Марвнинг қишлоқларидан бири «Фарнбоз»га нисбат берилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Фарнбозий

(Абу Аҳмад) Муҳаммад ибн Савра ибн Яъқуб ал-Фарнбозий. У кўплас олимлардан ҳадислар ривоят қилган (11: 4/372;

683
АЛФАРАНКАДИЙ

*Самарцанднинг к,иш-
\ : қларидан бири —
• Фаранкад»га нисбатан
айтилган. Унга мансуб
бўлган олимлардан:*

1. Бакр ал-Фаранкадий
(Абу Муҳаммад) Масъуд
гон Масъуд ибн ал-Ҳасан
н ал-Варрод ал-
^•аранкадий ас-Сўғдий. У
гламолардан, уламолар
кам ундан ҳадис ривоят
виганлар (11: 4/372).

**2. Ал-Фазл ал-
фаранкадий**

(Абулаббос) ал-Фазл
ион Муҳаммад ибн Наср
ал-Фаранкадий. У «ал-
Қазойи» номи билан
танилган эди. Талай
ымлар унинг ҳақида:
сБиз Фаранкда ал-Фазл
ал-Фаранкадийдан кўплаб
ҳадислар ёзиб олган эдик.
айтган ҳадисларнинг
—:*гритшгига гап йўқ эди»,
— деган эдилар. У
гламолардан, уламолар
хам ундан ҳадис ривоят
қилганлар (11: 4/372).

**3. Аҳмад ал-
Фаранкадий (ваф. 400/
1009 й.)**

(Абу Аҳмад) Аҳмад ибн
Муҳаммад ибн Абдуллох
нон Муҳаммад ибн
Фаранкад ан-Насафий ал-
Фаранкадий. У
гламолардан, уламолар
хам ундан ҳадис ривоят
қилганлар. 400 х.й. шаввол
ғийининг охириги ўн

кунлигида вафот этган (11:
4/373).

**4. Аҳмад ал-
Фаранкадий (ваф. 527/
1133 й.)**

Аҳмад ибн Абдулвоҳид
ибн Мансур ибн Мутийн
ал-Фаранкадий —
Фаранкадда муфтий ва
мударрис бўлган. У фозил
фақиҳ эди. У уламолардан,
уламолар хам ундан ҳадис
ривоят қилганлар. 527
х.й.нинг шаъбон ойида
вафот этган (11: 4/373).

684
АЛФАРНИЙФАСОНИЙ

*Хоразмнинг қишлоқ-
ларидан бири —
«Фарнийфасон»га
нисбатан айтилган. Унга
мансуб олимлардан:*

**1. Юсуф ал-
Фарнийфасоний**

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн
ал-Ҳусайн ибн Абулқосим
ал-Фарнийфасоний. У
кўплаб олимлардан
ҳадислар ривоят қилган,
кўплар ундан хам
ривоятлар келтирганлар
(11: 4/373).

685
АЛФАРВОЖОНИЙ

*Марвнинг қишлоқ,-
ларидан бири —
«Фарвожон»га нисбатан
айтилган. Унга мансуб
олимлардан:*

**1. Муҳаммад ал-
Фарвожоний**

(Абу Абдуллох)
Муҳаммад ибн ал-Ҳасан
ибн Зайд ал-Марвазий ал-
Фарвожоний. У
уламолардан, уламолар
хам ундан ҳадис ривоят
қилганлар (11: 4/374).

686
АЛ-ФИРХОЗЖИРДИЙ

*Марвнинг қишлоқ,-
ларидан бири —
«Фирхозжиряга нисбатан
айтилган. Унга мансуб
олимлардан:*

**1. Зикриё ал-
Фирхозжирдий**

(Абу Яхё) Зикриё ибн
Дилшоз ибн Муслим ибн
ал-Аббос ал-
Фирхозжирдий. У
Нишопур ва Марв каби
шаҳарларда ҳадислар
эшитган. У уламолардан,
уламолар хам ундан ҳадис
ривоят қилганлар (11: 4/
375).

687
ФАРХОЗОНИЙ

*Насонинг бир қишлоғи
— Фархозонга нисбат
берилган. Унга мансуб
бўлган олимлардан:*

**1. Абдуллох ал-
Фархозоний**

(Абу Муҳаммад)
Абдуллох ибн Муҳаммад
Абдуллох ибн Муҳаммад
ибн Сайёра ал-
Фархозоний. Уни ал-
Фарҳиёний ан-Насойи деб
хам атайдилар. У Дамашқ,
Миср ва Хуросонда

282 ал-Фирёноний/ал-Фашний/ал-Фашийдийзажий/ал-фазлий

таниқли олимлардан ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/293).

688 АЛ-ФИРЁНОНИЙ

(Абу Абдуррахмон) Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳоким ал-Атакий ал-Фирёноний. У фақат ишончли ровийларга таянган ҳолда улар келтирган ҳадислардан ривоятлар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/377).

689 АЛ-ФАШНИЙ

Бухоронинг бир қишлоғи — «Фашна»га нисбат берилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Яхё ал-Фашний

(Абу Закариё) Яхё ибн Закариё ибн Солиҳ ал-Фашний ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/303; 11: 4/387).

2. Аҳмад ал-Фашний (978/1570 йилда ҳаёт бўлган)

(Шихобуддин) Аҳмад ибн Ҳижозий ал-Фашний аш-Шофиъий. Унинг қаламига мансуб асарлардан бири — «ал-Мажолис ас-сунния фил-калом ала-л-

арбаъийни-н-нававия» (Шараф ан-Нававийнинг «ал-Арбаъийн» номли асари ҳақида сунний мажлислар») . Муаллиф ушбу асарни 978/1570 йилда ёзиб тугатган (17: 1/118).

690 АЛ-ФАШИЙДИЙЗАЖИЙ

Бухоронинг қишлоқларидан бири — «Фашийдийза»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Ал-Ҳусайн ал-Фашийдийзажий (ваф. 428/1037 й.)

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн ал-Хидр Юсуф ибн Муҳаммад ибн Дунайф — Фашийдийза қишлоғидан чиққан таниқли фақиҳ. У ўз даврининг беназир имоми бўлиб, Бағдодда бир қанча вақт яшаган ва ўша ерда фикҳ илмини ўқиб, уни тўла эгаллаган. Ўз рақиблари билан қизгин баҳс-мунозаралар қилган. **Ж у м л а д а н**, пайғамбарларнинг мерос қолдириш хусусидаги масалага оид мунозараларда иштирок этган. У Бухоро, Бағдод, Макка, Марв каби шаҳарларда ҳадислар эшитган. Ундан жуда кўплаб кишилар ҳадислар ривоят қилганлар. Кўплаб асхоблари ва шогирдлари ундан илм ўрганганлар. Саксон ёшга яқинлашиб

қолганида, Бухорода вафсс этган (11: 4/387; 17: 1/549)

691 АЛ-ФАЗЛИЙ

Бухоронинг имоми Абу Бакр Мухаммад ибн ал-Фазлга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Фазлий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар... ал-Асадий ал-Бухорий. У асли Бухоро ахлидан бўлган (11: 4/390)

2. Усмон ал-фазлий (426-508/1034-1114)

(Абу Амр) Усмон ибн Иброҳим ибн Хайва ал-Бухорий. У «ал-Фазлий»; нисбаси билан машҳур бўлган. Ҳанафий мазҳабидаги фақиҳ, ғоятда солиҳ, соғлом сийратли алломалар авлодидан етишиб чиққан олим эди. Бухоро ва Самарқандда ундан кўп олимлар ҳадис ривоят қилганлар. 426/1034 йилда таваллуд топган. 508/1114 йилда вафот этган. Унинг «Фатово» («Фатволар») номли асари ҳам бор (11: 4/390; 17: 2/356).

3. Абдулазиз ал-фазлий (ваф. 533/1138 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулазиз Усмон ибн Иброҳим ал-Фазлий. У «Қози» лақаби билан танилган ва юқорида зикр

этилган Абу Амрнинг ўғли зди. Бухоро қозиси бўлган. Ғаятда фозил, еахий ва карим, кўриниши чиройли, улуғвор, ўзига ярашган, хозилик мансабини ?га\лаб турганида, одамлар унинг гўзал сийрати хақида мактаб гапирганлар. 515/1121 ; Ўлда ҳаж ибодатини адо этган. Бухорода ҳам, Маккада ҳам ҳадислар — гнлаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ; нвоят қилганлар. 533/ 138 йилда вафот этган (11: 4 390).

4. Муҳаммад ал-Фазлий (ваф. 549/1154 й.)
(Абу Бакр) Муҳаммад н Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Фазлий. У Бухорода жатиб бўлган. У уламолардан, уламолар дам ундан ҳадис ривоят ғлланлар. 549/1154 йилда зафот этган (И: 4/390).

692 АЛФАҒОНДИЙЗИЙ

У Бухоронинг қишлоқ-юридан бири — *Фағондийзий»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Иброҳим ал-Фағондийзий
(Абу Исҳоқ) Иброҳим :-:-: Нух ибн Абдуллох ибн **Корок** ал-Фағондийзий — зухоро ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар

хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/393).

693 АЛФАҒДИЙРИЙ

Бухоронинг бир қишлоғи — «Фағдийр» («Фиғдийр»)га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Набахон ал-Фағдийрий

(Абу Аҳмад) Набахон ибн ал-Ҳасан ал-Фағдийрий ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/393).

694 АЛФАҒДИЙНИЙ

Бухоронинг бир қишлоғи — «Фағдийн» («Фиғдийн»)га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Юсуф ал-Фағдийний
(Абу Яхё) Юсуф ибн Яқуб ибн Иброҳим, унинг исми — Салма ал-Лайсий ал-Фағдийний. Фағдийн қишлоғидан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/393).

695 АЛ-ФИҒИШТИЙ

Бухоро ахлидан ажододимиз «Фиғиштиий»га мансуб одамларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ҳафс ал-фиғиштиий
(Абу Амр) Ҳафс ибн Мансур ибн Фиғишт ал-Пойкандий ал-Фиғиштиий. У Бухоро ахлидан бўлган. У ҳақда олимлардан бири: «Такводорликда унга тенг келадиган бирор инсонни кўрмадим», — деган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/393).

696 АЛ-ФАҒИЙДАЗИЙ

Самарканднинг бир мах,алласи — «Фағийдаза»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ал-Фазл ал-Фағийдазий

(Абулаббос) ал-Фазл ибн Мансур ибн Қурайш ибн Холид ал-Фағийдазий. У кўплаб олимлардан ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (11: 4/393).

2. Усмон ал-Фағийдазий (ваф. 514/1120 й.)

(Абу Тохир) Усмон ибн Абу Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Ҳиммат ал-Воиз ас-Саккок ал-Кошоний ал-Фағийдазий. У Кошония ахлидан бўлиб, Фағийдазада яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 514 х.й.нинг ражаб ойида, тўксон олти ёшида вафот этган (11: 4/394).

697

АЛ-ФАҒИЙТУСИНИЙ

Бухоронинг бир қишлоғи — «Фағийтусин»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Фағийтусиний (ваф. 303/915 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Хорун ибн ал-Муҳлиб ибн Абдулкарим ал-Муаббар ал-Фағийтусиний. Бухоро ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 303/915 йилда вафот этган (11: 4/394).

2. Муҳаммад ал-Фағийтусиний (ваф. 372/982 й.)

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Нуайм ибн Али ибн ал-Фазл ал-Фағийтусиний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 372/982 йилда вафот этган (11: 4/394).

698

АЛФУҚОЪИЙ

Самарқанд ахлидан «фуқоъ» (айрон) тайёрлаб, уни сотиш билан шурулланган кишиларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Али ал-фуқоъий (ваф. 507 х.й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Аҳмад ал-Фуқоъий ас-Самарқандий — Самарқанд ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 507 х.й.да Самарқандда вафот этган (11: 4/395).

2. Исмоил ал-фуқоъий (642-715/1244-1315)

Исмоил ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Фуқоъий ал-Ҳамавий ал-Ҳанафий — кори ва нахвшунос олим бўлган. Унинг асарларидан: «Шарху умдати-л-мақийд ва иддату-л-мажийд фи маърифати лафзати-т-тажвид ли-Саховий» [«ас-Саховийнинг «Умдату-л-мақийд ва уддату-л-мажийд фи маърифати лафзати-т-тажвид» («Тажвид асарини билиш бўйича изланганга асос ва билимдонга қурол») асарига шарх»] (17: 1/377).

699

АЛФАЛХОРИЙ

Марварруз ва Панждеҳ, ўртасидаги бир қишлоқ — «Фалхор» («Фархор»)га мансуб кишиларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Фалхорий (453-536/1061-1141)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Аҳмад ибн Муҳаммад

ибн Али ибн Ато ал-Фалхорий ал-Марваррузий — солихлиги ва диёнати билан тавсифланган. У Марваррузда яшаб, унда фикҳ илмини тўла эгаллаган кўплаб ҳадислар эшитган. 453/1061 йилда таваллуд топган. Хоразмшоҳнинг Марвга қилган жангида шаҳид кетган. У намоз ўқис турган пайтда, тасодифак келиб теккан ўқдан ҳалок бўлган. Бу воқеа 536 х.й.нинг рабиъу-л-аввал ойи Марвдс юз берган (2: 4/309; 11: 4, 397).

700

АЛ-ФАЛКИЙ

Сарахсинг хишлоқларидан бири — «Фалк»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Фалкий

Муҳаммад ибн Абу Ражо ал-Фалкий ас-Сарахсий. У уламолардан уламолар ҳам ундан хади: ривоят қилганлар (2: 4/312 11: 4/399).

701

АЛ-ФАНЖИКОНИЙ

Фанжиконга нисбат берилган. У — Марвниш қишлоқларидан бири. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Али ал-фанжиконий (Абулхусайн) Али ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим

- I нжиконий. У
гамолардан, уламолар
х±х ундан ҳадис ривоят
лгтанлар (11: 4/402).

702

АЛ-ФАНДИВИЙНИЙ

Марвнинг бир
қитлоғи —
*Фандивийн»га нис-
&атан айтилган. Унга
шансуб бўлган
камлардан:

1. Абдуллоҳ ал- Ғздивийний (ваф. 530/ 1135 й.)

Абу Мухаммад)
:лу\лэх ибн Мухаммад
бв Абдуллоҳ ибн Аҳмад
Абдуллоҳ ал-
I гнливийний ал-
1укриъ — шу
___":книнг фақиҳи ва
. ::.\их инсон бўлган.
уламолардан, уламолар
км ундан ҳадис ривоят
_-нлар. 530 х.й. зу-л-
бжжа ойининг бешинчи
= и зафот этган (2: 4/

703

-А\ФУНДИЙНИЙ

Марвнинг қишлоқ-
хридан бири —
Рундийн»га нисбатан
хжилган. Унга мансуб
тлти олимлардан:

Иброҳим ал- (Игалийний

Абу Исҳоқ) Иброҳим
ал-Ҳасан ал-
ршийний. У «ар-
исми билан

танилган эди. У
уламолардан, уламолар
хам ундан ҳадис ривоят
қилганлар (2: 4/315; 11:
4/403).

2. Мухаммад ал- Фундийний (492-544/ 1098-1149)

(Абулфазл) Мухаммад
ибн Сулаймон ибн ал-
Ҳасан ибн Амр ибн ал-
Ҳасан ибн Абу Амр ал-
Фундийний ал-
Марвазий — олим,
фақиҳ, солиҳ ва
қаноатли шайх сифатида
танилган. У уламолардан,
уламолар ҳам ундан
ҳадис ривоят қилганлар.
492 х.й. муҳаррам
ойининг 16 куни
Фундийнда туғилган. 544
х.й. муҳаррам ойининг
20- куни шу жойда
вафот этган (2: 4/315).

704

АЛ-ФАНКАДИЙ

Насафнинг қишлоқ-
ларидан бири —
«Фанкад»га нисбатан
айтилган. Унга мансуб
бўлган олимлардан:

1. Мухаммад ал- Фанкадий

(Абу Жаъфар)
Мухаммад ибн Мансур
ибн Исрофийл ал-
Мукриъ ал-Фанкадий —
аҳли Қуръондан бўлган.
У бир жамоа
уламоларининг ривоят-
ларига таяниб, Қуръонни
қироат қилган. У
уламолардан, уламолар

хам ундан ҳадис ривоят
қилганлар (11: 4/403).

705

АЛ-ФАНКИЙ

Самарқанднинг бир
қишлоғи — «Фанк»га
нисбатан айтилган. Унга
мансуб бўлган
олимлардан:

1. Ал-Аббос ал-Фанкий

(Абулфазл) ал-Аббос
ибн ал-Фазл ибн Яҳё ибн
Ҳамид ан-Надабий ал-
Фанкий. У уламолардан,
уламолар ҳам ундан ҳадис
ривоят қилганлар (11: 4/
403).

706

АЛ-ФАННУВАЙИЙ

Насаф ахлидан у луғ
аждоди — Фаннуваяга
мансуб шахсларга
нисбатан айтилган. Унга
мансуб бўлган олим-
лардан:

1. Аҳмад ал- Фаннувайий (ваф. 385/ 995 й.)

Аҳмад ибн Амр ибн
Наср ибн Ҳомид ибн
Аҳмад ибн Фаннувайх ал-
Фаннувайий ад-Даббусий
— Насаф ахлидан бўлган.
Даббусга 293/905 йилда
келиб, Қутайба ибн
Муслим даврида исломни
қабул қилган. У
уламолардан, уламолар
хам ундан ҳадис ривоят
қилганлар. 385 х.й.
жумоду-л-охира ойида
вафот қилган (11: 4/404).

707

АЛФАННИЙ

Марвинг қишлоқ-ларидан бири — «Финнийн»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Абу Усмон ал-Фанний

Абу Усмон ал-Фанний — шайх бўлган, «Тариху-л-мароваза» («Марвазийларнинг тарихи») китобининг муаллифи ундан ҳадислар ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/404).

2. Исо ал-Фанний

(Абулҳакам) Исо ибн Аъян. ал-Фанний. У маволийлардан, нақиблик лавозимини эгаллаган. Унинг акаси Будаил соҳиб ад-давлат Абу Муслим ал-Хуросоний даврида Байтул-молда хазиначи бўлиб хизмат қилган. Абу Муслим унинг уйида меҳмон бўлган. У Хуросонда Фаннингга ўз элчиларини жўнатганда, Абу Муслим уни (Исо ал-Фаннийни — Т.) аввал Ҳамадонга жўнатиб, сўнгра у ердан Озарбайжонга боршини амр қилган (2: 4/316; 11: 4/404).

3. Амр ал-Фанний

(Абу Ҳамза) Амр ибн Аъян ал-Фанний — Хузоъанинг мавлоси

бўлган. У Асад ибн Абдуллоҳ томонидан ҳибсга олиниб, сўнгра жуда каттиқ калтакланганлардан бири эди. Кейинчалик Хуросонга қайтиб кетган эди. Абдулжаббор Хуросонга амир бўлиб келгач, уни қатл қилган эди (11: 4/404).

4. Сулаймон ал-Фанний (ваф. 105/725 й.)

Сулаймон ибн Бурайда ал-Фанний. У ал-Мухлаб ибн Абу Сафра даврида Марвда кози лавозимини эгаллаган эди. Сўнгра бу мансабдан озод этишни сўрагач, ҳукмдор уни озод этиб, ўрнига укаси Абдуллоҳ ибн Бурайдани тайинлаган. 105/723 йилда Фаннингда вафот этган эди (11: 4/404).

708

АЛФУВРОНИЙ

«Фувроняга нисбат берилган. У — Марв (шқидан бўлган бобонинг исми шарифи. Шу номга нисбат берилган олимлардан:

1. Абдурахмон ал-Фувроний (388-461/998-1069)

(Абулқосим) Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Фуврон ал-Фувроний ал-Марвазий аш-Шофиъий — фозил имом, катъиятли ва жасур, Марвдаги асҳоб ул-ҳадиснинг пешқадами, фақих, усулиётчи ва

муҳаддис бўлган. Фикх илмини ал-Қафқол (аш-Шоший)дан ўрганган фикх илмига оид бир қанча асарлар тасниф этган. У кўплаб ҳадислар ривоят қилган Абдурахмон ал-Мутаваллий ва бошқалар ундан ҳадис олганлар. 461 х.й.нинг рамазон ойида Марвда вафот этган. Унинг асарларидан: «Китобу-либона» («Тушунтириш китоби»), «ал-Умда («Асос»), «Асрору-л-фикх» («Фикх сирлари»; «Китобу-л-амал» («Амал китоби») (11: 4/405; 17: 2 108).

709

АЛФУРФОРИЙ

Сўғднинг қишлоқ-ларидан бири «Фурфора»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Сулаймон ал-Фурфорий

Сулаймон ибн Муъс; ас-Сўғдий ал-Фурфориё У уламолардан, уламолаг ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (И: 4/406).

2. Муҳаммад ал-Фурфорий

(Абу Жаъфс; Муҳаммад ибн Мусо иен Ражо ибн Ханаш ал-Арбанжий ал-Фурфориё У фозил одамлардан Е=ибратли ҳадисл=; айтадиган одамлардан зля: У уламолардан, уламолаг

хам ундан хадис ривоят килганлар (11: 4/406).

710
АЛФАЛЛОС

Бухоро ах,лидан фулусли сотиш билан туғулланганларга нисбатан «ал-Фаллус» деб нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Омир ал-фаллос

(Абу Солих) Омир ибн ал-Фазл ибн Сулаймон ал-Фаллос ал-Бухорий. У муснад (ривояти комил) ва мактуъ хадисларни кўп ёд оладиган хофизлардан :нри эди. У уламолардан, уламолар хам ундан хадис ривоят килганлар (11: 4/414).

711
АЛ-ФАЁЗАСУНИЙ

Бухоронинг қишлоқ-ларидан бири — «Фуёзасун»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардйн:

1. Салма ибн ан-Нажм ибн Муҳаммад ал-Фаёзасуний

(Абу Сблих) Салма ибн ан-Нажм ибн Муҳаммад ал-Фаёзасуний ан-Нахвий. У Бухоро ахидан ўлган ва «Салмавия» лақаби билан танилган. У гламолардан, уламолар хам ундан хадис ривоят *_-лганлар (11: 4/415).

712
АЛФИЙЖАКАСИЙ

Насафнинг қишлоқ-ларидан бири — «Фийжакасяга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Фийжакасий (ваф. 522/1128 й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Тохир ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо ал-Фийжакасий ан-Насафий — Самарқандда хадисдан даре берган олим. У уламолардан, уламолар хам ундан хадис ривоят килганлар. 522 х.й.нинг рабиъу-л-аввал ойида вафот этган (11: 4/416).

2. Муҳаммад ал-Фийжакасий (ваф. 452/1060 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Хузайфа ал-Фийжакасий ан-Насафий ас-Садрий. У кўплаб олимлардан хадислар ривоят килган, ундан хам кўплар ривоятлар келтирганлар. 452 х.й.нинг сафар ойида таваллуд топган (11: 4/416).

3. Маҳмуд ал-Фийжакасий (ваф. 523/1129 й.)

(Абулмаузаффар) Маҳмуд ибн Абдурраҳим ибн Абдулмалик ибн аш-Шаъбий ибн Али ал-Фийжакасий ан-Насафий. У Самарқандда отасидан

хадис айтган. 523 х.й.нинг зу-л-қаъда ойида Фийжакасада шаҳид кетган (11: 4/416).

713
АЛФИРУЗОБОДИЙ

Марвдан уч фарсах узоқликда жайлашган қишлоқ — «Фирузободий»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдурраҳмон ал-Фирузободий (ваф. 307 х.й.)

(Абу Восила) Абдурраҳмон ибн ал-Хусайн ибн Муҳаммад ибн Наср ибн ал-Мухтафиз ал-Музний ал-Фирузободий — Фирузобод қишлоғидан бўлган. У саккиз йил Мадина шаҳрида яшаб, фикхни ўргангандан сўнг, ўз юртига қайтган эди. Сўнгра Ирокка бориб, унинг машойхларидан хадислар ёзиб олган. У фозил, зухд ва таквода ғоятда кучли, даъватга ҳозиржавоб олим эди. Барча исломий масалаларда хам, Қуръон хусусида хам Мадинаи мунаввара аҳлининг мазҳабида эди. У кўплаб олимлардан хадислар ривоят килган. Ундан хам талай олимлар ривоятлар келтирганлар. 307 х.й.да вафот этган (11: 4/418).

714
АЛФАЙЙИЙ

Самарқанднинг Сўғди-га тегишли бир қитлоққа нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Сароб ал-Файйий

У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (2: 4/327; 11: 4/420).

715
АЛҚУБОВИЙ

Шошга яқин бўлган Фарғона ноқиясига қарашли катта бир шах, ар — «Қубо»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Қубовий (ваф. тахм. 726/1326 й.)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қубовий ал-Ҳанбалий — фақиҳ, баҳс-мунозарачи ва нозим (шоир) бўлган. Марғинон аҳлидан. Тахм. 726 х.й.да вафот этган, - Унинг асарларидан: «Шарҳ ал-жомий ал-кабийр» [Муҳаммад аш-Шайбонийнинг ҳанафий мазҳабидаги фуруъ ал-фиқҳга оид «ал-Жомий ал-кабийр» («Катта тўплам») асарига шарҳ»] (17: 3/684).

2. Рузқуллох ал-Қубовий

(Абулмакорим) Рузқуллох ибн Муҳаммад ибн Абулҳасан ибн Умар ал-Қубовий — салоҳиятли адиб бўлган, ёшларга адабдан сабоқ берган. Асли Қубо аҳлидан бўлган, Бухорода ҳам яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/343; 11: 4/442).

3. Иброҳим ал-Қубовий (394-471/1103-1078 ёки 395-471/1004-1078)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Али ибн ал-Ҳусайн ал-Қубовий ас-Суфий — Сўғдда суфийларнинг шайхи, тўғри йўлдан юрувчи, Қуръондан кўп даре берувчи, узоқ вақт сукут сақлайдиган, фақат ўзига тегишли ишларга аралашадиган қалби пок инсон бўлган. У Мовароуннаҳрда туғилган бўлса-да, лекин болалигидаёқ ундан чиқиб, кўп йилларни мусофирчиликда ўтказган. Хуросон, Эрон ва Ҳижозга сафар қилган. Сўнгра Сўғдда муқим яшаб, уни ватан тутинган. Умрининг охиригача шу ерда истикомат қилган. Сўғдда ундан кўплар ҳадислар ривоят қилганлар. Ундан эшитган ҳадисларнинг барчаси саҳиҳ эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 394/1103 ёки 395/1004 йилда таваллуд топган. 471 х.й.нинг жумудул-охира ойида вафот этган (2: 4/343).

4. Ал-Халил ал-Қубовий

Ал-Халил ибн Аҳмад ал-Қубовий, у ЗОҲН. фақиҳ бўлган, Бухород-ҳадислар ривоят қилган. 1 уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/442).

5. Усмон ал-Қубовий

Усмон ибн Мусо ибн Муслим ал-Қубовий. Бухорода ҳадислар айтган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/442).

6. Довуд ал-Қубовий

Довуд ал-Қубовий — фақиҳ ва қори бўлган. У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ўз навбатида, ундан ҳам талай олимлар ҳадислар келтирганлар (11: 4/442).

7. Сулаймон ал-Қубовий

Сулаймон ибн Довуд ал-Қубовий — фақиҳ ва қори бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/442).

8. Масъадат ал-Қубовий

(Абу Бакр) Масъадат ибн Асфъ ибн Масъада ибн ал-Муборак ибн Зайд ибн Аҳмад ал-Фарғоний ал-Қубовий. Самарқандга келиб, шу ерда ҳадислар ривоят қилган. Яна айтишларича, у (асли) марвлик, (яъни Марвазий) бўлиб, Қубода яшаб қолган

ва шунга кўра ушбу (Қубовий) нисбасини олган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/442).

716
АЛҚАБОБИЙ

«Қибоб» («Қабоб»)га нисбат берилган. У — Самарқанддаги бир мавзеъ. Шу жойга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Қабобий (Абу Б акр) Аҳмад ибн Лукмон ибн Абдуллоҳ ас-Самарқандий. У ал-Қабобий нисбаси билан танилган эди. У Рай ва бошқа шаҳарларда ҳадислар ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/343; 11: 4/4139).

717
АЛҚАБАЛИЙ

Дарбанд («Бобу-л-абвоб») яқинидаги қадимий бир шах, ар — шҚабалаяга нисбатан айtilган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Қабалий (Абу Бакр) Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳафс ал-Ҳакам ас-Суғрий. У ал-Қабалий нисбаси билан танилган эди. У Бағдод ва бошқа шаҳарларда ҳадислар айтган, кўпинча

заиф ҳадислар айтар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/348; 11: 4/446).

718
АЛ-ҚАХТАБИЙ

Марв а^лидан бўлган ал-Ҳасан ибн Сабий ибн Қахтабага нисбатан берилган, унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ал-Ҳусайн ал-Қахтабий (ваф. 244/858 й.) (Абу Аммор) ал-Ҳусайн ибн Ҳарис ал-Марвазий ал-Қахтабий ал-Хузоъий — ал-Ҳасан ибн Собит ибн Қахтабанинг мавлоси бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 244/858 йилда вафот этган (11: 4/456).

719
АЛҚУДАЙДИЙ

Бухоро ах,лидан «Қудайд» деган жойга мансуб бўлган кишиларга нисбатан айtilган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Қудайдий (ваф. 483/1090 й.) (Абу Бакр) Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Бухорий ал-Қудайдий — Бухоро ахлидан, фозил имом, Абу Ҳанифа мазҳабининг билимдони (ориф) бўлган. Унинг тутган

йўли энг осон ва оддий тарика бўлган. Шу боис жуда кўплар унга кирганлар. У Абу Ҳанифа мазҳаби таълимотларини ёддан билар эди. У Бухорода имло (ўқитиш) билан шуғулланган ва «Бакир Хоҳарзода» лақаби билан танилган эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 483 х.й. жумоду-л-увло ойининг йигирма бешинчи куни, жума кечаси Бухорода вафот этган (11: 4/460).

720
АЛҚАРИНАЙНИЙ

Марвдаги кичкина шах,арча — «ал-Қаринайин»га нисбатан айtilган. У билан Марв ўртасида аш-Шох,жсон ал-Кубро жойлашган. У билан Марварруз ораси 15 фарсахни ташкил қилади. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Қаринайний (ваф. 350/961 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Муфассил ибн Осим ал-Қаринайний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 350/961 йилда вафот этган (11: 4/487).

2. Муҳаммад ал-Қаринайний (ваф. 432/1041 й.)

290 ал-Қаринайний/ал-Қариний/ал-Қузғундий/ал-Қассоб/ал-Қассорий

(Абулмузаффар) Мухаммад ибн ал-Хасан ибн Ахмад ибн Умар ибн Исҳоқ ал-Марвазий ал-Қаринаний — ҳақгўй ровийлардан бўлган. Бағдодда яшаган ва ўша ерда ҳадислар айтган. Шофиий мазхаби бўйича фикҳни чуқур эгаллаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 432 х.й. зулкаъда ойида вафот этган (2: 4/384; 11: 4/487).

3. Абдуллох ал-Қарийнаний

(Абулқосим) Абдуллох ибн ал-Хусайн ибн Ахмад ал-Қаринаний ал-Киноний — Марв ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/487).

721 АЛҚАРИНИЙ

Қарина — Насаф ахлидан айрим аждодларнинг исми. Унга нисбатан айтилган олимлардан:

1. Мансур ал-Қарийний (ваф. 329/940 й.)

(Абу Талха) Мансур ибн Мухаммад ибн Али ибн Қариний — асли Базда (Пазда— Т.) ахлидан бўлган. У буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийдан унинг машхур китоби «ал-Жомий ас-сахийх» («Ишончли тўплам») китобини ривоят қилган. У ушбу бебаҳо

асарни бевосита Имом ал-Бухорийнинг ўзидан ривоят қилганлардан бири ҳисобланади. У гоёта ишончли ровийдир. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 329/940 йилда вафот этган (11: 4/488).

722 АЛҚУЗҒУНДИЙ

Самарқанднинг қишлоқларидан бири — «Қузғундяга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ал-Қосим ал-Қузғундий

(Абу Мухаммад) ал-Қосим ибн Саҳл ибн Махмуд ал-Қузғундий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/493).

723 АЛҚАССОБ

Бухоро ва Марв ахлидан кўй сўйиб, унинг гўштини сотиш билан шуғулланадиган шахсларга нисбатан Қассоб атамаси ишлатилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдулазиз ал-Қассоб (ваф. тахм. 465/1072 й.)

Абдулазиз ибн Мусо ал-Қассоб. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 465 х.й.да вафот этган (11: 4/506).

2. Али ал-Қассоб (ваф. 276/889 й.)

(Абулхасан) Али ибн ал-Хасан ибн Тавба ал-Қассоб. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 276 х.й.да вафот этган (11: 4/507).

724 АЛҚАССОРИЙ

Хоразм ахлидан кийимни қисқартирит касби билан шуғулланадиганларга нисбатан айтиладиган ибора. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ахмад ал-Қассорин (395-474 х.й.)

(Абу Тоҳир) Ахмад ибн Мухаммад ибн Иброҳим ибн Али ал-Қассорий ала Хоразмий. Бухорода яшаган. Жаноб ҳазрат халифа номидан Ғазнад анча йиллар элчи бўлиб турган. У гоёта зийраклиги ва ақл-идроқ билан ажралиб турган. 1 уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 395 х.й. д= туғилган. 474 х.й.да вафот этган (11: 4/509).

725 АЛҚАССОРИЙ

Марвда машхур бўлган. дах,а — «ал-Қассорийн»гс нисбатан айтилган. Унс мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Қассорий (450-548/1058-1153)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абу Сайд ибн Муҳаммад ад-Дарғоний ал-Баззоз ал-Қассорий. У фикҳ илмини имом бобосидан ўрганган. У барча ишларни ҳар хил майл ва қизиқишларга берилмасдан сидқидилдан адо этувчи инсон бўлган. У сихат-саломатлик ва фаровонликда узоқ умр курган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 450 х.й.да таваллуд топган. 548 х.й.нинг ражаб ойида ал-Ғузз воқелари вақтида қатл қилинган (11: 4/509).

**726
АЛҚИСОЪИЙ**

«Қисоъ» — товок, маъносини англатувчи арабча «қасъа» сўзининг кўплиги. Самарқанд аҳлидан шу сўзга нисбат берилганларнинг машхурларидан:

1. Ал-Фазл ал-Қисоъий
(Абулаббос) ал-Фазл ибн Муҳаммад ибн Наср ас-Сўғдий кейин ал-Фаранкадий ал-Қисоъий. У Самарқанд аҳлидан бўлган, кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам талай олимлар ривоятлар келтирганлар (11: 4/510).

**727
АЛҚАСРИЙ**

Самарқанд ахлидан бўлиб, Рофиъ ибн ал-Лайс ибн Наср ибн Сайёр ҳасрида ятаган кишиларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Қасрий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Яхё ибн ал-Фатҳ ибн Муовия ибн Солиҳ ал-Баззоз ас-Самарқандий ал-Қасрий. «Ал-Қасрий» деб ном олишига унинг Рофиъ ал-Лайс ҳасрида яшаганлиги сабаб бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/406, 513).

**728
АЛҚУТОНҚОНИЙ**

Сарахсининг қишлоқларидан бири — «Қутонқон»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Шозий ал-Қутонқоний

Шозий ибн Али ал-Қутонқоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 4/521).

**729
АЛҚАТАВОНИЙ**

Самарқанднинг қишлоқларидан бири — «Қатавон»га нисбатан

айтилган. Унда жомеъ масжид ва минбар бор. Бу қишлоқда муслмонлар учун қирғинбарот бўлган эди. Унда шахидларнинг мақбаралари ҳам мавжуд. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Қатавоний (ваф. 506/1112 й.)

(Абу Муҳаммад) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Айюб ал-Қатавоний — муфтий, воиз ва муфассир бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 506/1112 йилда вафот этган (2: 4/426; 11: 4/526).

2. Муҳаммад ал-Қатавоний (ваф. 352/963 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Исом ибн Абу Ҳамадон ал-Фақиҳ ал-Қатавоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 352/963 йилда вафот этган (2: 4/426; 11: 4/526).

3. Исмоил ал-Қатавоний

Исмоил ибн Муслим — "Тарихи Самарқанд" ("Самарқанд тарихи") асарининг муаллифи. Шайх Қатавонда ҳадис ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/426; 11: 4/526).

292 ал-Катавоний/ал-Қаффол/ал-Қаллос

4. Ал-Ҳасан ал-Катавоний (ваф. 522/1128 й.)

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Али ибн Муҳаммад ал-Муфтий ал-Ҳофиз ал-Катавоний — Самарқанднинг Катавон кишлоғидан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 522/1128 йилда вафот этган (11: 4/526).

5. Али ал-Катавоний (ваф. 484/1091 й.)

Али ибн Муҳаммад ал-Муфтий ал-Ҳофиз ал-Катавоний. У — юқорида зикр қилинган ал-Ҳасаннинг отаси. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 484/1091 йилда вафот этган (11: 4/526).

6. Усмон ал-Катавоний (ваф. 513/1119 й.)

(Ал-Имом Абу Амр) Усмон ибн Умар ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн Амр ал-Катавоний ас-Самарқандий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 513/1119 йилда вафот этган (11: 4/526).

730

АЛҚАФФОЛ

Шош (Тошкент) ва Марв ахлидан қулфсозлик касби билан шуғулланганларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдуллоҳ ал-Қаффол (327-417/939-1026)

(Абу Бакр) Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Қаффол ал-Марвазий — фақиҳ бўлган. 417 х.й.нинг жумоду-л-охира ойида вафот этган ва Сижистонда дафн этилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Унинг асарларидан: «Шарху фуруъи Ибн ал-Ҳидод фил-фикх» («Ибн ал-Ҳидоднинг фикх соҳалари ҳақидаги асарига шарх») (11: 4/533; 17: 2/225).

731

АЛ-ҚАЛЛОС

Насафдаги машҳур бир хонадон — «Қаллос»га нисбат берилган, у Мовароуннах.рда илм ақлининг маркази сифатида машҳур бўлган шаҳарча ҳам эди. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Қаллосий (442-493/1050-1099)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Жаброил ибн Маҳдий ибн Восил ал-Қаллосий ан-Насафий — Насафнинг энг атоқли алломаларидан бири бўлган. Самарқандда фикх илмини ўрганган ва кўплаб ҳадисларни ёзиб олган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 442 х.й.да

таваллуд топган. 493 х.й.да вафот этган (11: 4/570).

2. Али ал-Қаллосий (358-447/968-1055)

(Абулҳасан) Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Жаброил ибн Маҳдий ал-Қаллосий ар-Раис. Насаф ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 358/968 йилда туғилган. 447 х.й.нинг ражаб ойида вафот этган (11: 4/570).

3. Муҳаммад ал-Қаллосий (ваф. 478/1086 ёки 479/1087 й.)

(Абу Тохир) Муҳаммад ибн Наср ибн Аҳмад ибн Муҳаммад... ибн Маҳдий ал-Қаллосий ан-Насафий. У — юқорида зикр этилган Абулҳасаннинг отаси. У султонга тегишли юқори лавозимдаги кишиларнинг ишлари билан шуғулланган. Лекин умрининг охирларида бу вазифанк тарк этган. У Насафда толиби илмларга имло йўли билан сабоқ берар Қуръони карим тафсири ва бошқа исломий илмларни ўргатар эди. 478 ёки 479 х.й.нинг зу-л-ҳижжа ойида Насафда вафот этган (11: 4/570).

4. Муҳаммад ал-Қаллосий (418-485/1028-1093)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ... ибн Маҳдий ибн Восил ал-Қаллосий. У —

юқорида номи зикр этилган Абу Тохирнинг ўғли бўлиб, фикҳ илмини Самарқандда эгаллаган. У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам талай олимлар ривоятлар келтирганлар. 418 х.й.нинг зу-л-ҳижжа ойида таваллуд топган. 485 х.й. 18 зу-л-ҳижжада чоршанба куни Насафда вафот этган (11: 4/570).

5. Носир ал-Қаллосий (421-472/1030-1079)

(Абу Муҳаммад) Носир ибн Мукаммад ибн Наср ибн ... ибн Маҳдий ибн Восил ал-Қаллосий — мазкур Абу Бакрнинг биродари. Самарқанд ва Насафда кўп китоблар ёзган. Насафда даре берар ва ҳадисларни имло қилиб турар ҳамда одамларга панд-насихатлар берар эди. Кўп ҳадисларни кўчирган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 421 х.й. зу-л-ҳижжа ойининг ўртасида таваллуд топган. 472 х.й. рабиъу-л-аввал ойида вафот этган (11: 4/571).

732

АЛ-ҚАЛОНИСИЙ

Марв ах, лидан «қаланса» (бош кийим, совут) ясайдиганлар ва унга мансуб кишиларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Масъаб ал-Қалонисий (ваф. 270/883 й.)

(Абу Аҳмад) Масъаб ибн Аҳмад ибн Масъаб ал-Қалонисий ас-Суфий. Асли Марвдан, лекин туғилган ва ёшлиқ йиллари ўтган жой Бағдод хисобланади. У — ўта тақводор ва зоҳидлардан бири бўлган. Кўп вақтини сахро ва маежидларда ўтказар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 270/883 йилда вафот этган (11: 4/571).

2. Аҳмад ал-Қалонисий (ваф. 1132/1720 й.)

Аҳмад ал-Қалонисий — етук фақиҳ бўлган. Унинг асарларидан: «Таҳзийбу-л-воқийот» («Жанглари сабоғи») (17: 1/232).

3. Иброҳим ал-Қалонисий (ваф. 359/970 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим Ибн Абдуллоҳ — фақиҳ ва қалом илми олими бўлган. У — «ал-Қалонисий», «аз-Зубайдий» номлари билан танилган. Унинг асарларидан: «Китоб фил-имомат» («Имомлик ҳақидаги китоб»), «ар-Радду ала рофизати» («Рофизийларга раддия») (17: 1/40).

4. Муҳаммад ал-Қалонисий (ваф. 550/1155 й.)

(Абу Бакр) аш-Шайх ал-Имом ал-Воиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ

ал-Қалонисий. 550/1155 йилда вафот этган. Унинг асарларидан: «ал-Иршод фи-л-мавоиз ва-л-ҳикам» («Мавъизалар ва ҳикматлар ҳақида тўғри йўлбошловчи кўлланма»), ушбу асар форс тилида ёзилган (15: 1/70).

733

АЛҚАНТАРИЙ

Самарқанд «қантара»си — («Хашуфъан») «Раъсу-л-қантара»га нисбатан айтилган («Қантара» арабча сўз бўлиб, у «тўғон», «кўприк» маъноларини англатади). У — Самарқанддаги қишлоқлардан бири. Шу жойга мансуб бўлган олимлардан:

1. Жаъфар ал-Қантарий (ваф. 315/927 й.)

(Абу Мансур) Жаъфар ибн Содик ал-Жунайд ал-Қантарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 315 х.й.да вафот этган (2: 4/461; 11: 4/553).

2. Абдуллоҳ ал-Қантарий (ваф. 303/915 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ Иброҳим ибн Айюб ал-Қантарий — насафлик мўтабар олимлардан бири бўлган. У асли «раъсу-л-қантара», (яъни «Тўғон боши») қишлоғидан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 303/915 йилда

294 ал-Қантарий/ал-Кухандизий/ал-Қайсарий/ал-Қайноний/ал-Кожарий

вафот этган (2: 4/461; 11: 4/553).

3. Ал-Қосим ал-Қантарий (ваф. 388/998 й.)

(Абу Аҳмад) ал-Қосим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Маъруф ал-Қантарий ан-Насафий. У бир муддат Насаф шаҳрининг қозиси сифатида фаолият курсатган. Шунингдек, бир канча вақт Сағониённинг қозиси лавозимида ҳам ишлаган. У фақих, адиб, шоир, муҳаддис, илм-фаннинг турли соҳаларида чуқур билимли олим бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 388/998 йилда вафот этган (11: 4/553).

734

АЛ-КУХАНДИЗИЙ

Кухандиз қалъасига нисбатан айтилган. Бундай қрлға Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг марказларида бўлган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Кухандизий

(Абу Абдуррахмон) Муҳаммад ибн Ҳорун ал-Ансорий ал-Кухандизий — Бухоро аҳлидан бўлган илм аҳлларида бири. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/475; 11: 4/566).

2. Али ал-Кухандизий (ваф. 346/957 й.)

(Абулҳасан) Али ибн ал-Ҳасан ибн ал-Халил ибн Шозавия ал-Муаззин ал-Кухандизий. У — Бухоронинг Кухандизидан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 346/957 йилда вафот этган (11: 4/566).

3. Муҳаммад ал-Кухандизий (ваф. 369/979 й.)

(Абу Амр) Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Наср ибн ал-Фатх ал-Кухандизий. У «муаззин ал-абъяз» («ок муаззин») номи билан танилган эди. Асли Бухоро аҳлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 369/979 йилда вафот этган (11: 4/566).

4. Кофур ал-Кухандизий (ваф. 376/986 й.)

(Абуласкар) Кофур ибн Абдуллоҳ ал-Кухандизий. У асли Бухоронинг Кухандизидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 376/986 йилда вафот этган (11: 4/567).

5. Аҳмад ал-Кухандизий

(Абу Муҳаммад) Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Кухандизий ас-Самарқандий. У кўплаб олимлардан ҳадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (2: 4/475; 11: 4/567).

735
АЛҚАЙСАРИЙ

Самарқанд ах,лига мансуб бўлган баъзи аجدодларнинг исми — «Қайсар»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Қайсарий (ваф. 301/913 й.)

(Абу Амр) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қайсар ал-Қайсарий. У — Самарқанд аҳлидан бўлган. У фозил киши, ишончли ровий ривоятида ўта ҳақгўй, илму дирият (фаҳму фаросат) аҳлидан ҳисобланган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 301/913 йилда вафот этган (И: 4/578).

736
АЛҚАЙНОНИЙ

Сарахсинг бир қишлоғи — «Қайнон»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Али ал-Қайноний

Али ибн Сайд ал-Қайноний. У Сарахс аҳлидан бўлган. уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/481; 11: 4/580).

737
АЛКОЖАРИЙ

Насафнинг қишлоқ, - ларидан бири — «Кожар»га

нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Кожарий (ваф. 411/1020 й.)

(Абу Ахмад) Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Исмаат ал-Кожарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 411 х.й. ражаб ойида вафот этган (11: 5/9).

2. Ахмад ал-Кожарий (ваф. 410/1019 й.)

(Абу Салма) Ахмад ибн Муҳаммад ибн Исо ибн Сулаймон ибн Довуд ал-Кожарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 410 х.й.нинг мухаррам ойи тугашига икки кун қолганда, жума куни намоздан кейин вафот этган (11: 5/9).

3. Абдуррахмон ал-Кожарий

(Абу Муҳаммад) Абдуррахмон ибн ал-Лайс ибн Наср ибн Юнус ал-Кожарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/9).

738

АЛКОШҒАРИЙ

Туркистондаги бир ноҳия — «Кожғар» («Кошғар»)га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Кошғарий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Юсуф ал-Машҳадий ал-Кошғарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/10).

2. Иброҳим ал-Кошғарий

(Абулмаузаффар) Иброҳим ибн Абу Иброҳим ал-адиб ал-Кошғарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/10).

3. Иброҳим ал-Кошғарий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Юсуф ал-Ёроний ал-Кошғарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/10).

4. Идрис ал-Кошғарий

(Абулфазл) Идрис ибн Фаллуж ал-Ҳож ал-Кошғарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/10).

5. Айюб ал-Кошғарий

(Абу Жобир) Айюб ибн Билол ал-Кошғарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/10).

6. Илёс ал-Кошғарий

(Абу Мусо) Илёс ибн Абдуллоҳ ал-Муаззин ал-Кошғарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/10).

7. Жаъфар ал-Кошғарий

(Абу Муҳаммад) Жаъфар ибн ал-Муҳсин аз-Зайний ал-Кошғарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/10).

739

АЛКАХУШТУВОНИЙ

Бухоронинг қишлоқларидан бири — «Кахуштувон»га нисбатан айтилади. Шунингдек, унда работ бўлганлиги бои, бу жой «работи Кахуштувон» деб х,ам аталади. Шу жойга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Кахуштувоний (ваф. 449/1057 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Али ал-Кахуштувоний ал-Бухорий. У Марвда ҳеч ким эшитмаган ҳадисларни ривоят қилиш билан машҳур эди. У бозордан хар хил китоблар сотиб оларди ва уларга ўзи эшитган ҳадисларни ҳам қўшиб ёзиб, бошқаларга ривоят қилар эди. 449/1057 йилда вафот қилган (11: 5/11).

740

АЛКОРЗАНИЙ

Самарк,анднинг қишлоқларидан бири — «Корзан»га нисбатан айтилади. Унга мансуб бўлган олимлардан:

296 ал-Корзаний/ал-Козий/ал-Косоний

1. Муҳаммад ал-Корзаний (ваф. 370/980 й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Мусо ибн Ражо ибн Ҳанаш ал-Корзаний. У Самарқанднинг бир қишлоғи — (Корзан)дан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 370/980 йилда вафот қилган (2: 4/486; 11: 5/12).

2. Муҳаммад ал-Корзаний (ваф. 370/980 йилдан олдин)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн Ражо ибн Ҳанаш ал-Арбанжий ал-Корзаний. У — юқорида зикр этилган Абу Жаъфарнинг набираси, Корзанинг етакчи раҳнамо ва раҳбарларидан бири бўлган. У ҳадисларни ўз отаси орқали бобосидан ривоят қилган. 370/980 йилдан олдинроқ Арбанжинда вафот этган (2: 4/486; 11: 5/12)

3. Муттаҳир ал-Корзаний

(Абулҳасан) Муттаҳир ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн Ражо ибн Ҳанаш ал-Корзаний. У аввал зикри келтирилган отаси Муҳаммад ибн Мусодан ривоят қилган (11: 5/12).

741 АЛ КОЗАИЙ

Марвнинг Фаранбаз деган қишлоғига яқин бир

қишлоқ — «Коза»га нисбатан айтилган. Унга мансуб олимлардан:

1. Аҳмад ал-Козий

Аҳмад ибн Абдурраҳмон ибн ал-Мунзир ал-Козий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/488).

2. Аҳмад ал-Козий (ваф. тахм. 460/1067 й.)

(Абу Саҳл) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мансур ал-Козаҳий. У Бухорода ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 460/1067 йилда вафот этган (11: 5/12).

742 АЛКОСОНИЙ

Сайх,ун ва Шош ортидаги шаҳарча (балда) — «Косон»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Косоний (488/1095 йилда шаҳид бўлган)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Сулаймон ибн Наср ибн Ҳоям ибн Али ибн ал-Ҳасан ал-Косоний — козию-л-қузот бўлган. Самарқандда ҳадислар айтган ва «ал-Мухтасиб» даҳасидаги ўз уйида ҳадисларни имло қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят

қилганлар. 482/Юсғ йилда вазир лавозимнг: тайинланган эди. 4с: 1095 йилда шаҳид бўлган (11: 5/15).

2. Бакр ал-Косоний (ваф. 513/1119 й.)

Бакр ибн Сулаймон ибн Имрон Илос ал-Косоний. Самарқанд! келиб, бир муддат ~ эрда яшаб, фикҳ илминг ўрганган. Сўнгр= Косонга қайтиб, фаолиятини давом эттирган. У уламолардс:-: уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлаг 513/1119 йилда вафот қилган (11: 5/15).

3. Ато ал-Косоний

(Абулжавд) Ато ибн Аҳмад ибн ас-Содик ал-Холидий, ал-Косоний — Холид ибн Валид авлодидан чиққан пешн: кози. У Самарқандл.: узок муддат истиқомат қилгандан кейик Косонга қайтиб келгаЕ ва шу жойда шаҳид бўлган (11: 5/15).

4. Муҳаммад ал-Косоний (ваф. 699/1300 й.)

(Саадуддин) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Косоний — суфий ва ат-Тоҳун хонақоҳининг муршиди бўлган. машхур мутасаввисг Мухюддин ал-Арабийдан сабоқ олган. Унинг асарларидан «Шарху қасидати ибн ал-

ал-Косоний/ал-Кошоний

Фориз» («Ибн ал-Фориз қасидасига шарҳ», 2 жилдли) (17: 3/92).

5. Абу Бакр ал-Косоний (ваф. 699/1300 й.)

(Алоуддин) Абу Бакр ибн Масъуд ибн Муҳаммад ибн ал-Косоний — фақиҳ ва усулиётчи бўлган. У Халаб (Сурия)да вафот этган. Унинг асарларидан "ас-Султон ал-мубийн фи усули-д-дин" ("Дин асослари ҳақида аниқ баён этилган раҳнамо китоб"), "Бадоиъу-с-саноиъ фи тартиби-ш-шароиъ" ("Шариат аҳкомларининг тартиби ҳақида яратилган бадиалар") кабиларни келтириш мумкин (17: 1/446).

743 АЛКОСОНИЙ

Нахшабнинг қишлоқ-ларидан бири — «Косон»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Косий (ваф. 343/954 й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн аш-Шайх ибн Ҳамавайх ибн Зухайр ал-Косий — шофиъий фақиҳ бўлган. У ::унозараларда иштирок этадиган Имом аш-Шофиъийнинг йирик асхобларидан бири ларажасига етгунча фикҳ алмини ўрганган. У адиб, фозил шоир ва мунозарага

мохир олим бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 343/954 йили Косон қишлоғида вафот этган. Унинг фикҳ илмига оид кўпгина асарлари бор, ана шулардан бирини муаллиф "Тавонийу-л-хужаж" ("Далилларнинг устунлиги") деб атаган (2: 4/488; 11: 5/16; 17: 1/155)

2. Маоз ал-Косий (ал-Косоний) (219/834 йилда ҳаёт бўлган)

(Абу Абдурраҳмон) Маоз ибн Яъқуб ан-Насафий ал-Косий (ал-Косоний) — зоҳид олим, мусулмонларнинг энг яхшиларидан ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бири бўлган. Зоҳидлар даҳасида масжид ва работ курган. 219/834 йилда қадимий бир жомеъ масжидни қайта тиклаган. Доимо таҳоратли юрадиган покдомон инсон бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/16).

3. Аҳмад ал-Косий (386-462/996-1069)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳурмуз ибн Исо ибн Жаброил ибн Маҳмуд ал-Косий (ал-Косоний). Лақаби — «Шуъба». У Косон ахлидан чиққан бўлиб, ҳадисларни яхши биладиган ва маъносини теран тушунадиганлардан эди. 399/1008 йилдан бошлаб ҳадис ёзиб ола бошлаган

эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 386/996 йилда туғилган. 462/1069 йилда эса вафот этган (11: 5/17).

4. Юсуф ал-Косий

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Иброҳим ибн Ямин ибн Котиб ал-Косий (ал-Косоний), ал-Қозий — кози ва мустақил фикр эгаси бўлиб, саҳиҳ ҳадисларни кўп эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/17).

744 АЛКОШОНИЙ

Мовароуннаҳрдаги бир шах,ар — «Кошон»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Кошоний (ваф. 1286/1630 й.)

Аҳмад ибн Муҳаммад Муҳсин ал-Кошоний ан-Нажафий ал-Файзий. У фақиҳ ва мужтаҳид бўлган, Кошонда таваллуд топиб, шу жойда ўсиб-улғайган. Сўнгра ан-Нажафга кўчиб ўтиб, у ерда яшаган. Унинг асарларидан: «Китобу-л-фавоид» («Фойдалар китоби») (17: 1/290)

2. Муҳаммад ал-Кошоний (ваф. 775/1373 й.)

Муҳаммад ибн Али ал-Кошоний ал-Ҳалабий — фозил олим бўлган.

Кошонда туғилган бўлса-да, лекин Халаб (Сурия)да вояга етган. Ҳажда ал-Ғарайда вафот этган. Унинг асарларидан: «Ҳошия ала «Шархи-л-ишорот» (Ибн Синонинг «Шарху-л-ишорот» асарига хошия)» машхурдир (17: 3/528).

3. Муҳаммад ал-Кошоний (1243/1826 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Кошоний — усулиётчи факих, муаррих ва нозим (шоир) бўлган. Унинг асарларидан: «Манзумату-д-дуррати-л-бахия фи-л-усул» («Фикҳ асослари ҳақидаги чиройли дурнинг манзумаси», муаллиф ушбу назмий асарни 1242/1826 йилда ёзиб тугатган), «Матолиъу-л-анвор фи-т-тарих» («Тарих ҳақидаги ёрқин нурлар») (17: 3/537).

4. Муҳаммад ал-Кошоний (1007-1091/1599-1680)

Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Муртазо ибн Махмуд — «ал-файз ал-Кошоний» номи билан танилган муфассир, шиъа окимининг вакили. Унинг асарларидан: «ас-Софий фи каломиллоҳ ал-вофий: ал-кофий, аш-шофий» («Аллоҳнинг каломи ҳақида соф, кофий, етук асар»), «ал-Асфо» («Энг беғубор китоб») — бу иккала асар ҳам Қуръон тафсирига бағишланган (17: 3/617).

5. Муҳаммад ал-Кошоний (ваф. 555/1160 й.)

(Маждуддин) Муҳаммад ибн Масъуд ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Кошоний — ханафий факих бўлган. Унинг асарларидан: «Қуняту-л-олим ва муняту фузалоил-олам» («Олимнинг мулки ва олам фозилларининг мақсади») — унда "ал-Фатово ал-кубро" ("Энг катта фатволар")нинг моҳияти қисқача баён қилинган (17: 3/714).

6. Муҳаммад ал-Кошоний (1065/1655 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ибн ал-Муртазо — «Мулло Мухсин ал-Кошоний аш-Шиъий» номи билан машхур бўлган муҳаддис-ахборий, мутакаллим, факих, усулиётчи, файласуф, адиб ва шоир. У юзга яқин асарлар тасниф этган. Унинг муҳим асарларидан: "ас-Софий" ("Соф китоб") Қуръон тафсирига оид етмиш минг байтдан иборат, "ан-Наворид" ("ан-Наводир", яъни «Нодир битиклар» етти минг байтдан иборат бу асарда тўрт машхур ҳадис китобларида зикр этилмаган ҳадислар жам қилинган), "Муътасаму-ш-шиъа фи аҳкоми-ш-шариъа" ("Шариат ҳукмлари ҳақида шиалик кўрсатмаси"), "Илму-л-яқийн фи усули-д-дин"

("Дин асослари ҳақил=аниқ илмлар"), "ал-Аҳжор ас-сидод ва-с-суйуф ал-хидод" ("Нишонга отилган тошлар ва ўтқинг қиличлар") ва бошқ.; китоблар (17: 3/710).

7. Масъуд ал-Кошонин (ваф. 587/1191 й.)

Масъуд ибн Аҳмад а • Кошоний — усулиётчи факих сифатида танилг бўлган. Унинг асарларидан: "Бадоиъу-с-саноиъ фи тартиби-ш-шароиъ" ("Шариат аҳкомларининг тартиси ҳақида яратилган бадиалар") (17: 3/847)

8. Аҳмад ал-Кошонин (1185-1245/1771-1828)

Аҳмад ибн Маҳдий ибн Абу Зурр ал-Кошоний, аз-Зоқий — пешқадам ва мужтаҳид уламоларда бири. 1245/1828 йилда Кошоннинг қишлоқларидан бири — «аз-Зок»да вафот этис жасади Нажаф (Ироқ)га олиб келтирилиб, ўша ерга дафн қилинган. Унинг асарларидан: «Маноҳижу-л-вусул ила. илми-л-усул» («Усул илмини эгаллаш йўл-йўриклари», икки жилдли), «Аъвоиду-л-айём фи қавоиди-л-фуқаҳо» («Факихларнинг қоидалари бўйича давс тартиботлари»). «Мифтоҳу-л-аҳком фи усули-л-фикҳ» («Фикҳ усуллари ҳақида ҳукмлар калити»), «ал-Мустанал

Ҳасан ибн Аҳмад ибн Рукнуддин ал-Ҳусайний ал-Кошоний — Машҳад ар-Ризовийда муқим яшаган олим ва усулиётчи фақиҳ. Нажафда Али ал-Халилий, Муҳаммад Ҳусайн ал-Козимий ва Ҳабибуллоҳ ар-Руштий каби таникли олимлардан кироат илмини ўрганган. Машҳад ар-Ризовий (Имом Ризонинг қабри бўлган Машҳад)га кўчиб бориб, шу жойда вафот қилган. Унинг асарларидан: «Мифтоҳул-мукфалоти-л-усул фит-таълиқ ала-л-фусул» («Фаслларга бўлинган шарҳ ҳақида мустаҳкамланган усулларнинг калити», бу асар етти жилддан иборат), «Кавсару-л-ҳиёз фит-таълиқ ала-р-риёз» («Боғларга бағишланган шартлар ҳақида ховузлар кавсари», беш жилдлик), «Натоижу-л-афкор фи-л-адиллати-л-аклия» («Ақлий далиллар хусусидаги фикрларнинг натижалари», беш жилдлик), «ал-Мавоид ал-хусайния фит-таълиқ ала-р-равзати-л-бахия» («Абу Азбанинг «Равзату-л-бахия» асари шарҳига Ҳусайний тақдимоти», ушбу асар йигирма жилддан иборат) ва «Ҳидояту-л-аброр фи шарҳи-ш-шароий» («Шаръий масалаларнинг шарҳида раҳмдил одамларга тўғри йўл») (17: 1/534).

11. Ҳусайн ал-Кошоний (1215-1285/1800-1868)

Ҳусайн ибн Муҳаммад Разиюддин ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Музаффар ибн Муҳаммад ал-Ҳусайний ал-Ложурдий ал-Кошоний — фақиҳ, муфассир ва воиз бўлган. Кошонда туғилиб, шу жойда ўсиб-улғайган. Унинг асарларидан: «ал-Фикҳ ал-асийл» («Ҳақиқий фикҳ»), «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири», Марям сурасидан то Қуръон охиригача), «Китоб фи-л-мавоъиз» («Мавъизалар ҳақида китоб»), «Китоб фи-л-мақтал» («Қатлнома ҳақида китоб»), «Рисола таклийдия» («Таклидий рисола») (17: 1/637).

12. Аббос ал-Кошоний (ваф. 1340/1922 й.)

Аббос Қули ибн Муҳаммад Тақий ал-Кошоний ат-Техроний — адиб ва муаррих бўлган. 1340 ёки 1341 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Иршоду-л-Халлоқ» («Яратувчининг йўлланмаси»), «Бурхону-н-нубувва» («Пайғамбарлик исботи»), «Мажмаъу-л-ажвиба» («Жавоблар мажмуаси»), «Мишкоту-л-адаб» («Адаб илмининг пойдевори») (17: 2/36).

13. Абдулхусайн ал-Кошоний (1290-1352/1873-1933)

Абдулхусайн ибн Ҳидоятуллоҳ ибн

Муҳаммад Тақиюддин ал-Кошоний ат-Техроний — адиб бўлган. 1352 х.й.нинг 4 рабиъу-л-аввалида шанба куни вафот этган. Унинг асарларидан: «Тариху-л-анбиё» («Пайғамбарлар тарихи») (17: 2/54).

14. Абдурраззоқ ал-Кошоний (ваф. 730/1329 йилдан кейин)

(Камолуддин) Абдураззоқ ибн Аҳмад ал-Кошоний — суфий бўлган. 730/1329 йилдан кейин вафот этган. Унинг асарларидан: «Шарҳу «манозили-с-соирийн» ли-л-Хиравий» (Хиравийнинг «Сайр қилувчиларнинг манзиллари» асарига шарҳ), «Шарҳ «Фусули-л-хикам» ли-л-Арабий» («Ибн ал-Арабийнинг «Фусул ал-хикам» асарига шарҳ»), «Шарҳ Тоия ибн ал-Фориз фи-т-тасаввуф» («Ибн ал-Форизнинг тасаввуфга оид «Тоийа» асарига шарҳ»), «Латоифу-л-аълум фи ишороти ахли-л-афҳом» («Ақл-идрокли кишиларга ишоратлар ҳақида алломаларнинг нозик фикрлари», тасаввуф истилоҳлари ҳақида) «Шарҳу-з-залозил фи шарҳи-л-алфози-л-мутадовила байна арбобил-азвоқ» («Зийрак арбоблар ўртасида содир бўладиган турли сухбатларнинг шарҳига

бағишланган «Зилзилалар» асарига шарҳ») (17: 2/138).

15. Абдуррасул ал-Кошоний (1282-1366/1863-1947)

Абдуррасул ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн ал-Оғо Али аш-Шародий ал-Кошоний ал-Маданий — олим ва кўп асарлар муаллифи. Кошонда Ҳабибуллоҳ ибн Али ал-Кошоний, Фаҳруддин ан-Нароқий каби таниқли олимлардан таълим олган, сўнгра Нажафда Муҳаммад Козим аз-Зарадий ва бошқалардан ҳам сабоқ олган. Сўнгра Кошонга келган ва унинг йирик олимларидан бири сифатида фаолият кўрсатган. 1366 х.й. сафар ойининг саккизинчиси, чоршанба куни куёш ботаётган вақтда вафот қилган ва Панжа Шоҳ деган бир жойга дафн этилган. Унинг асарларидан: «Тирёку-с-сумум» («Заҳарга қарши даво»), «Тафкику-л-олами-л-ҳақийқа ани-т-табийъа» («Табиатдан ҳақиқат оламини очиш»), «ар-Радд ала-л-бобия» («Бобия оқимиға раддия»), «Аълоиму-л-ҳақийқа» («Ҳақиқат аломатлари»), «Ҳидоят-у-л-муҳибб» («Толиби илмга тўғри йўлни кўрсатиш»), «Риёзу-л-мутақаллимийн» («Мутақаллим олимларнинг бўстонлари») (17: 2/142).

16. Аълам ал-Худо ал-Кошоний

Аълам ал-Худо ибн ад-Доъий ибн Аълам ал-Худс ибн ад-Доъий ал-Омилий асл масканига кўра ал-Кошоний бўлган. У фақих риёзиётчи (математик), муҳаддис ва муфассир бўлган.

Унинг асарларидан: «Китоб фил-фикх» («Фикх илми ҳақида китоб», муаллиф уни 1107 х.й.да ёзиб тугатган (17: 2/385).

17. Фатҳуллоҳ ал-Кошоний (ваф. 988/1580 й.)

Фатҳуллоҳ ибн Шукруллоҳ ал-Кошоний аш-Шибий — муҳаддис муаррих, фақих ва муфассир бўлган. Ибн Ҳасан аз-Заворийдаи таълим олган. Унинг асарларидан: «Зубдату-т-тафосийр» («Тафсирларнинг қаймоғи», икки жилдлю «Шарҳу наҳжи-л-балоғати» («Балоғат йўли асарига шарҳ!» «Танбиҳу-л-ғофилийн ва тазкирату-л-орикийн» («Ғафлатдагиларга танбех ва орифлар тазкираси»). «Малозу-л-фуқаҳо» («Фақихлар учун бошпанох»), «Моддату-т-тарих» («Таърих моддаси») (17: 2/612).

18. Фаражуллоҳ ал-Кошоний (1307/1899 йилда ҳаёт бўлган)

Фаражуллоҳ и: Ҳошим ал-Хусайний ал-

Кошоний — муаррих бўлган. Унинг асарларидан: «Тариху вузарои-л-ислом» («Ислом вазирларининг тарихи»). Муаллиф ушбу асарни тахм. 1307/1890 йилда ёзиб тугатган (17: 2/618).

19. Фазлуллоҳ ал-Кошоний (ваф. тахм. 570/1174 й.)

(Зиёуддин, Абурризо) Фазлуллоҳ ибн Али ибн Убайдуллоҳ ал-Хусайний ал-Кошоний ар-Равондий — олим, адиб ва шоир бўлган, илм-фаннинг баъзи соҳаларида фаолият кўрсатган. Насируддин ат-Тусий ундан таълим олган. Тахм. 570/1174 йилда Кошонда вафот этган. Унинг асарларидан «Адъияту-с-сирр» («Сирли дуолар»), «Китобу-н-наводир» («Нодир ҳикматлар ҳақида китоб»), «ал-Кофий фи илмайи-л-аруз ва-л-кавофий» («Аруз ва кофия илмлари ҳақида тўлиқ асар»), «Завъу-ш-шиҳоб фи шарҳи-ш-шиҳоб» («Аш-Шихоб» китобининг шарҳига тушаётган юлдуздан таралаётган зиё»), «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири»), «Дивону-ш-шеър» («Девон») (17: 2/626).

20. Абулқосим ал-Кошоний (ваф. тахм. 1318/1900 й.)

Абулқосим ибн Аҳмад ибн Аҳмад ал-Хусайний

ал-Кошоний ан-Нажафий — фозил киши бўлган. У Нажафда тахм. 1318/1900 йилда вафот этган. Унинг асарларидан: «Кашфу-л-асрори-л-хафия фи шарҳи-д-дуррати-н-нажафия» («Нажаф дурдонаси» шарҳида беркитилган сирларни очиш», икки жилдли), «ал-Мишкот аз-зоҳира фи ахволи-л-хамсати-т-тоҳира» («Беш пок инсоннинг ахволи ҳақида ялтирок таҳмон») (17: 2/637).

21. Муҳаммад ал-Кошоний (ваф. 280/893 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Кошоний — фақиҳ бўлган, зоҳирий мазҳабига эътиқод қилган. Унинг «Усулу-л-футё» («Фатво асослари») деган асари бўлган (17: 3/122).

22. Муҳаммад ал-Кошоний (ваф. 1258/1842 й.)

Муҳаммад ибн Тақий ибн Абдулхай ибн Иброҳим ибн Мажид ибн Иброҳим ал-Хусайний ал-Кошоний — фақиҳ, усулиётчи, мутакаллим, мутаҳаддис, ҳадис ровийларини билувчи олим бўлган. Абдуллоҳ ибн Бишрдан сабоқ олган. Ирокқа борган ва у ерда бир муддат яшаган. Сўнгра Кошонга қайтиб келиб, шу ерда яшаган. Унинг асарларидан: «Танқиҳу-л-усул» («Асосларни

поклаш»), «Мажмуъа мина-л-мутафарриқот» («Тарқоқ асарлардан бир мажмуъа»), «Рисола фи мабоҳиси-л-алфоз» («Турли сўзларни илмий ўрганиш бўйича рисола»), «Рисола фи ҳижжияти-з-занн» («Ўйлаб хотирага келган фикрлар ҳақида рисола») (17: 3/180).

23. Муҳаммад ал-Кошоний (ваф. 1297/1880 й.)

Муҳаммад Тақий ал-Кошоний — «Лисону-л-мулк» («Салтанат тили») лақабли девон ходими ва «Сибҳар» таҳаллусли адиб бўлган, илм-фаннинг бир қанча соҳаларида фаолият олиб борган. 1297 х.й. 17 рабиъу-с-сонийда вафот этган. Унинг асарларидан: «ат-Тироз ал-музаҳҳаб фи ахволи Зайнаб» («Зайнаб онамизнинг ҳаёти ҳақида тилла безакли лавҳалар»), «Аброру-л-анвор фи манотиқиби аъиммати-л-атҳор» («Покиза имомлар ҳақида манотиқлардаги нурларнинг сири») (17: 3/181).

24. Муҳаммад ал-Кошоний (1236-1321/1821-1903)

Муҳаммад Тақий ибн Муҳаммад ибн Хусайн ал-Кошоний — фақиҳ, усулиётчи, мутакаллим, илм-фаннинг бир неча соҳаларида фаолият кўрсатган олим. Нажафда таҳсил олган. Техронга келиб, шу ерда яшаган ва

302 ал-Кошоний

вафот этган. Унинг кўпсонли асарларидан: «Бахру-л-фавоид» («Фойдали илмлар денгизи»), «ан-Нажот фил-фикх ва улуми-л-касийра» («Фикх ва кўп илмлар да нажот топиш», етти жилдлик), «Сафинату-н-нажоти фил-фикх» («Фикх илмидаги нажот кемаси», тўрт жилдлик), «Жомиъу-л-усул» («Усул илми бўйича тўплам», муаллиф бу асарини охирига етказа олмаган), «Хидоят-ул-мустаршидийн фи-р-радд ала-н-насоро» («Насронийларга раддия беришда иршод истовчиларни тўғри йўлга бошлаш»), «Жомиъу-л-ваъз» («Ваъзлар тўплами») (17: 3/183).

25. Муҳаммад ал-Кошоний (ваф. 1273/1857 йилдан кейин)

Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад Боқир ат-Тироқий ал-Кошоний — фозил инсон бўлган. 1273/1857 йилдан кейин вафот этган. Унинг асарларидан «ал-Хужжат ал-болиға» («Мукаммал хужжат») машхурдир (17: 3/194).

26. Муҳаммад ал-Кошоний (ваф. 1317/1899 й.)

Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Ризо ал-Хусайний ал-Кошоний — фозил инсон бўлган. Ал-Хоирда вафот этган. Унинг

асарларидан: «ар-Рисола ал-мийроия» («Кўришга асосланган рисола»), «ар-Рисола аш-шартия» («Шартли рисола») (17: 3/195).

27. Муҳаммад ал-Кошоний (1260/1844 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад Хусайн ибн Муҳаммад Муҳсин ибн Муҳаммад Самий ибн Хусайн ибн Аълом ал-Худо ибн Муҳсин ибн ал-Файз ал-Кошоний ал-Кирмоншоҳий — воиз бўлган. Унинг асарларидан: «Бахжату-н-нозирийн фи-л-ахлоқ» («Ахлоқ масалаларида кўз билан кўрувчиларнинг хурсандчилиги») — муаллиф уни 1260 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/261).

28. Муҳаммад ал-Кошоний (ваф. 1336/1918 й.)

Муҳаммад Ризо ибн Муҳаммад Тақиюддин ал-Кошоний ат-Техроний — фозил киши бўлган. 1336/1918 йилда вафот этган. Унинг асарларидан: «ат-Тухфа ар-ризавия фи фазли зиёрати-р-ризо ва одобиҳо» («Ризо» зиёратининг фазли ва одоби ҳақида фойдали тухфа») (17: 3/298).

29. Мустафо ал-Кошоний (ваф. 1336/1918 й.)

Мустафо ибн Хусайн ал-Кошоний ан-Нажафий — фақих ва шиъа

имомийларидан бўлган. Нажафда туғилган, ал-Ғурийдан қироатни ўрганган. 75 йил умр кўриб, вафот этган. Унинг асарларидан: «Китобу т-тажрий фи айрим масоъили-ш-шиъа» («Шиаларнинг баъзи масалалари ҳақида зарур китоб») (17: 3/862).

30. Масъуд ал-Кошоний (447-520/1055-1126)

(Рукнуддин) Масъуд ибн ал-Хусайн ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Кошоний — фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан «ал-Мухтасар ал-Масъудий» («Масъудийнинг мухтасар китоби») машхурдир (17: 3/847).

31. Муъмин ал-Кошоний (447-520/1055-1126)

Муъмин ибн Муртазо ибн Маҳмуд ал-Кошоний — муҳаддис, ҳадисларнинг ровийларини чуқур билувчи инсон бўлган. Унинг асарларидан: «Китобу-р-рижол» («Ровийлар ҳақида китоб»), муаллиф уни 1120 х.й. рабиъу-л-аввал ойида ёзиб тугатган (17: 3/941).

32. Муҳаммад ал-Аруний ал-Кошоний (1252-1325/1884-1907)

Муҳаммад ибн Али ибн Маҳдий ал-Аруний ал-Кошоний. У Кошоннинг қишлоқларидан бири — Арунда таваллуд топган.

Дастлабки маълумотини ўз қишлоғидаги олимлардан ва отасидан олган. Сўнгра Ироққа кўчиб ўтиб, у ерда Мухаммад ал-Асирвоний ва бошқалардан сабоқ олган. Кейин ўз қишлоғи — Арунда муқим яшаб, одамларни тўғри йўлга бошлаган, ваъз ва иршод қилиш билан шуғулланган. Унинг асарларидан: «Ароису-л-аҳком фи шарҳи-л-Алфияти ли-шаҳид» («Шақид қаламига мансуб «ал-Алфия» асарининг шарҳига оид ҳукмларнинг зийнатлари»), «Ҳошияту-л-қавонийн» («Қонунларга хошия-изоҳ»), «Ҳошияту-р-расоил» («Рисолаларга хошия-изоҳ»), Шарҳу-д-дурра ли Маҳдий "Баҳру-л-улум" (Маҳдийнинг нодир асари "Баҳру-л-улум"га шарҳ), «Кашфу-л-қаноъ фи аҳкоми-р-ризоъ» («Тўйдирадиган ҳукмлар ҳақида қаноатли асар»), «Рисола фи-л-ижтиҳод ва-т-тақлийд» («Ижтиҳод ва тақлид ҳақида рисола»), «Рисола фи асли-л-бароати» («Беғуноҳликнинг асоси ҳақида рисола») кабиларни келтириш мумкин (17: 3/547).

745 АЛКОШҒАРИЙ

Кошғарга нисбат берилган. У — Туркий халқлар истиқомат қиладиган) ўлкаларнинг ўртасидаги Самарканд

орқали бориладиган шах,ар, қишлоқ, ва рустоқлардан иборат диёр. Шу диёрга мансуб бўлган олимлардан:

1. Мухаммад ибн Али ал-Кошғарий (ваф. 705/1306 й.)

Абу Абдуллох Мухаммад ибн Али ал-Кошғарий — факих, муфассир, суфий, воиз, луғатшунос ва наҳвшунос олим бўлган. Маккада яшаган сўнгра Яманга келиб, бир муддат Таъизда турган. Муваззаъ соҳилида вафот этган. Унинг асарларидан: «Мажмаъу-л-ғароиб ва манбаъу-л-аждоиб» («Ғаройиб нарсаларнинг тўплами ва ажойиб нарсаларнинг манбаи», тўрт жилдлик), «Тоҷу-ссаодат» («Бахт-саодат тожи»), ҳанафий фуруъ фикҳига оид «Ғуняту-л-мубтадий» («Бошловчига кифоя китоб»), илм истаган толиби илмларга атаб ёзган «Тилбату-т-талаба» («Толибларга зарур китоб»), ибн ал-Асир ал-Жавзий (ваф. 630 х.й.) номи билан машҳур бўлган шайх Иззуддин Али ибн Мухаммаднинг «Асаду-л-ғубба фи маърифати-ссаҳоба» («Саҳобалар ҳақидаги билимлардан бир шингил») китобининг мухтасар ва хулосаси, унда 7500 таржима зикр этилган (7:15; 15: 4/82; 17: 3/661).

2. Маҳмуд ал-Кошғарий (487/1094 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

Маҳмуд ибн ал-Хусайн ибн Мухаммад ал-Кошғарий — луғатшунос олим бўлган. Кошғар аҳлидан. Унинг асарларидан: «Дивону луғати-т-турк» («Туркий тиллар девони») — муаллиф ушбу асарни халифа Абулқосим Абдуллох ибн Мухаммад ал-Муктадий би-Амриллоҳга тухфа қилган (17: 3/804).

3. Абдуллох ал-Кошғарий (ваф. 1174/1760 й.)

Абдуллох ибн Мухаммад ал-Кошғарий ан-Нақшбандий — мударрис, суфий ва тариқат аҳлидан бўлган. Қустантинияда яшаган, «Нидой» лақаби билан танилган. 1174 х.й.нинг сафар ойида вафот этган. Унинг асарларидан: «Мавлуду-н-набий (с.а.в)» («Пайғамбар мавлуди»), «Иъжозу-л-мунозирийн фи-л-хилоф» («Хилоф илмида мунозара қилувчиларнинг фасоҳати») — беш фаслдан иборат ушбу мухтасар асарда муаллиф калонислар (бошига кулоҳ кийиб юрадиган руҳонийлар — Т.)нинг ижмоъдан ташқари шаръий далиллар хусусида билдирган ёзма эътирозларига жавоб

304 ал-Кошғарий/ал-Коғазий/ал-Когоний

берган. Шунингдек, мазкур асарнинг «Алхамдулиллоҳи-л-лазий ҳадоно ила-р-рашод...илах» — «Аллох таолога ҳамду санолар бўлсинки, У бизни тўғри йўлга бошлади...ҳоказо» сўзлари келган бошланғич қисмига ҳам ўз жавобини баён этган (15: 4/121; 17: 2/290).

4. Туғрулшоҳ ал-Кошғарий (490-550/1096-1155)

(Абулмаолий) Туғрулшоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Ҳошим ал-Кошғарий — воиз ва фозил киши бўлган. Кўп ҳадислар эшитган, адаб ва тафсир илмларини чуқур ўрганган, ўз фикрича, саҳих (ишончли) ҳадисларни эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 490/1096 йилда туғилган, 550/1155 йилдан ўтиб вафот этган (2: 4/488; 11: 5/18).

5. Ал-Ҳусайн ал-Кошғарий (ваф. 484/1091 й.)

(Абу Абдуллоҳ) ал-Ҳусайн ибн Али ибн Халаф ибн Халаф ибн Жаброил ибн ал-Халил ибн Солих ибн Муҳаммад ал-Алмаъий ал-Кошғарий — солих шайх ва воиз бўлган. Унинг қаламига мансуб асарлар кўп. Унинг ҳадисларида мункар (инкор қилинадиган)лари аксариятни ташкил қиларди. У ҳадисларга оид

бир юзу йигирмадан ортик асар тасниф этган. 484/1091 йилда Бағдодда вафот этган (2: 4/488; 11: 5/18).

6. Абдулғофир ал-Кошғарий (ваф. 464/1072 й.)

(Абулфутух) Абдулғофир ибн ал-Ҳусайн ал-Кошғарий — юкорида зикр этилган Абу Абдуллохнинг ўғли, ишончли, ҳақгўй ровий ва ҳофиз бўлиб, кўп ҳадисларни ёддан билган. Илм талабида ал-Жибол, Ироқ ва Бағдод каби шаҳарларга ҳам борган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 464/1072 йилда вафот этган (11: 5/18).

746

АЛКОҒАЗИЙ

Самарқанд аҳлцдая ёзишга ишлатиладиган қоғоз тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланидиганларга нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Сайд ал-Коғазий (ваф. 259/873 й.)

(Абу Тавба) Сайд ибн Ҳошим ал-Коғазий — илмни жамлаш билан машғул бўлганлардан бўлиб, бу йўлда кўп сафарлар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 259/873 йилда вафот этган (11: 5/18).

2. Мансур ал-Коғазий (ваф. 423/1032 й.)

(Абулфазл) Мансур ибн Наср ибн Абдуррахим ибн Мат ибн Бухайр ал-Коғазий. Самарқанд ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 423 х.й.нинг зул-қаъда ойида Самарқандда вафот этган (11: 5/19).

3. Ал-Ҳасан ал-Коғазий

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Носир ал-Коғазий — хушсийрат, тўғрисўз ва ишончли фақиҳ бўлган. «Дехқон» номи билан танилган. Бир жамоа уламолардан ҳадис тинглаб, ровийларга етказган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/19).

747

АЛКОГОНИЙ

«Когон»дан ясалган нисба. У — Бухоро к,ишлоқ,ларидан бири. Шу жойга мансуб бўлган олимлар:

1. Муҳаммад ал-Когоний

Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Абуллайс ас-Саккок ал-Когоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/20).

2. Муҳаммад ал-Когоний

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Когоний —

мазкур Муҳаммаднинг ўғли. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/20).

3. Абдуллоҳ ал-Когоний

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Бакр ибн Абон ал-Когоний ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/20).

748 АЛ-КОМЖАРИЙ

«Комжар»дан ясалган нисба. У — Марв (шлага мансуб бўлган бобонинг исми тарифы. Шу исмга нисбат берилган олимлар:

1. Исҳоқ ал-Комжарий

Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Иброҳим ибн Комжар ал-Марвазий ал-Комжарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/22).

2. Муҳаммад ал-Комжарий (ваф. 293/905 й.)

Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Марвазий ал-Комжарий — мазкур Исҳоқнинг ўғли. Асли марвлик бўлган. Бағдодга борган ва ўша ерда муқим яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 293/905 йилда вафот этган (11: 5/22).

749 АЛКОМДИДИЙ

Бухоронинг бир қишлоғи — «Комдид»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Комдидий (335-412 х.й.)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Нух ибн Солиҳ ибн Сайёр ал-Комдидий ал-Бухорий. Унинг отаси бир қанча муддат Насаф шаҳрининг қозиси лавозимида ишлаган. 335 х.й.да туғилган. 412 х.й.дан кейин вафот этган (11: 5/22).

2. Аҳмад ал-Комдидий (ваф. 291/904 й.)

(Абу Ҳомид) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Нух ибн Солиҳ ибн Сайёр ал-Комдидий — мазкур Абу Насрининг отаси. Шикоят аризаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларни бошқарган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 291 х.й.нинг шаввол ойида вафот этган (11: 5/22).

750 АЛКОМИЛИЙ

Насаф аҳлига мансуб бўлган бобо — «ал-Комил»га нисбатан айтилган нисба. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ҳамза ал-Комилий (ваф. 414/1024 й.)

(Абу Яъло) Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Ҳотам ал-Комилий. У Насаф аҳлидан бўлган, ёши улғайганлигига қарамасдан, кўп ҳадислар ёзиб олган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 414/1024 йил чоршанба кечаси 76 ёки унга яқин ёшда вафот этган (11: 5/22).

751 АЛКОЯШКАНИЙ

Бухоронинг бир қишлоғи — «Кояшкан»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ал-Қосим ал-Кояшканий

(Абу Аҳмад) ал-Қосим ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамдон ал-Кояшканий ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/24).

752 АЛ-КУБИНДАВИЙ

Насафнинг бир қишлоғи — «Кабанда»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Кубиндавий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн ал-Ашрас ад-Даббий

30@ ал-Кубиндавий/ал-Кабузанжакасий

ал-Кубиндавий. У кўп олимлардан хадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (11: 5/27).

2. Наср ал-Кубиндавий (Абуллайс) Наср ибн ал-Мунзир ибн Жарир ан-Насафий ал-Кубиндавий. У илм олиш талабида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Мисрга сафар қилган. У денгизга ғарқ бўлиб, ҳалок бўлган. У кўплаб олимлардан хадис ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоят келтирганлар (11: 5/27).

3. Муҳаммад ал-Кубиндавий (430-493/1039-1099)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Моноз Амирак ибн Шоҳ ал-Кубиндавий — имом ва ҳофиз бўлган. Самарқандда кўп хадислар эшитган, ўзи ҳам бошқаларга хадислар айтган, бир қанча муддат «Нахр ал-Қассорийн» маҳалласида ваъзхонлик ҳам қилган. У кўплаб олимлардан хадислар ривоят қилган, ундан ҳам ривоятлар келтирганлар. 430/1039 йилда таваллуд топган. 493 х.й. сафар ойининг учинчиси — душанба куни 63 ёшида Насафда вафот этган (11: 5/27).

4. Муҳаммад ал-Кубиндавий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Маноз ал-

Кубиндавий. У илм олишга ғоятда қизиққан йигит эди ва Самарқандда кўп хадисларни, шу жумладан Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомийъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам») асарини ҳам тўлиқ эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/27).

5. Бакр ал-Кубиндавий (430-493/1039-1099)

(Абу Муҳаммад) Бакр ибн Моноз ибн Амирак ибн Шоҳ ибн аш-Шаъбий ибн Шаъбий ибн Самъон ан-Насафий ал-Кубиндавий. У Самарқандда кўп хадислар эшитган ва ўзи ҳам бошқаларга хадислар айтган. Бир қанча муддат «Нахр ал-Қассорийн» маҳалласида ваъзхонлик қилган. 430/1039 йилда туғилган. 63 йил умр кўриб, 493 х.й. сафар ойининг учинчи куни Насафда вафот этган (11: 5/27).

753

АЛ-КАБУЗАНЖАКАСИЙ

Самарқанднинг бир икки қисми. — «Кабузанжакас»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Кабузанжакасий (ваф. 377/987 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Али ибн ан-Нуъмон

ибн Саҳл ибн Исроил ибн Жааф ибн Исҳоқ ал-Кабузанжакасий.

Самарқанддаги ҳокимларнинг ўша ноҳиядаги ишончли вакили эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 377/987 йилда вафот этган (11: 5/28).

2. Фотима ал-Кабузанжакасия (ваф. 380/990 йилдан кейин)

Фотима Бинт Али ибн ан-Нуъмон ал-Кабузанжакасия. У аввал зикр этилган Абу Бакрнинг синглиси бўлиб, ўз отаси ва бошқалардан хадислар ривоят қилган. Ундан ҳам бошқа олимлар ривоятлар келтирганлар. 380/990 йилдан кейин Кабузанжакасда вафот этган (11: 5/28).

3. Иброҳим ал-Кабузанжакасий (ваф. 315/927 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Наср ибн Анбар ибн Жарир ибн Муҳаммад ибн аш-Шоҳия ад-Даббий ал-Кабузанжакасий — сунний. Фозил ва ғоятда ишончли ровийлардан. Асли Марвдан бўлган, хадисларни кўп билган. Ривоятлари ғоятда тўғри бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 315 х.й.нинг рабиъул-аввал ойида вафот этган (11: 5/28).

4. Муҳаммад ал-Кабузанжакасий

4. Муҳаммад ал-Кабузанжакасий

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Жаъфар ибн ал-Ашъас ал-Кабузанжакасий — фозил инсон ва ишончли ровий бўлган. Хадис ўрганишга ғоятда зўр кизиқиш билдирган ва куп хадисларни тўплаган ҳамда уларни бошқаларга ривоят қилиб, одамларга катта фойда етказган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/28).

754 АЛ-КАБУЗИЙ

Самарқанддаги *Форон деган мавзенинг ғарб томонида жойлашган бир қишлоқ*, — «Оли Кабуз» («Кабуз авлодлари»)га нисбатан айtilган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Сайд ал-Кабузий

Сайд ибн Ражаб ал-Кабузий. У кўплаб олимлардан хадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (11: 5/29).

2. Мусо ал-Кабузий

Мусо ибн Ражаб ал-Кабузий. У кўплаб олимлардан хадислар ривоят қилган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар (11: 5/29).

755 АЛ-КАБИРИЙ

Жайх,ун дарёси щинидаги бир қишлоққа — унинг исми *форсча*

«дах,и бузург» («катта қишлоқ,») — «кабираяга нисбатан айtilган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Исҳоқ ал-Кабирий

(Абу Якуб) Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Муслим ал-Қурайший ал-Кабирий — Бухоро аҳлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (2: 4/493; 11: 5/30).

756 АЛКАССАЙ

Бухоронинг *бир қишлоғи* — «Касса»га нисбатан айtilган. Унга мансуб олимлардан:

1. Ал-Ҳусайн ал-Кассай (ваф. 396/1006 й.)

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн Форис ал-Фақиҳ ал-Кассай. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 396/1006 йилда вафот этган (11: 5/35).

757 АЛ-КАСАВИЙ

«Касаядан ясалган нисба. У — Бухородаги қишлоқлардан бири. Шу жойга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абу Аҳмад ал-Касавий

Абу Аҳмад ал-Касавий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят

қилганлар (2: 4/497; 11: 5/34).

758 АЛКАДКИЙ

Самарқанднинг *бир ноҳияси* — «Кадюжа нисбатан айtilган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдуллоҳ ал-Кадкий (ваф. 471/1079 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ал-Ғазий ал-Кадрий — Самарқанд аҳлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 471 х.й. шаъбон ойида вафот этган (11: 5/38).

759 АЛКАДАНИЙ

Самарқанднинг *қишлоқларидан бири* — «Кадан»га нисбатан айtilган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдуллоҳ ал-Каданий (402-483/1012-1090)

(Абу Аҳмад) Абдуллоҳ ибн Али ибн аш-Шоҳ ал-Каданий — фозил имом бўлган. Яратгандан ёмғир ёғдиришини сўраб, Самарқанддан Хартанга (Имом ал-Бухорий макбарасига) борган олимлардан бири эди. Аллоҳ таоло уларнинг илтижосини мустажоб

308 ал-Каданий/ал-Каржий/ал-Кардарий/ал-Гурганжий

қилиб, улар Хартангдан қайтиб кетмай туриб ёмғир ёғдирганди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 402/1012 йилда таваллуд топтан. 483 х.й.нинг ражаб ойида вафот этган (11: 5/38).

760 АЛКАРЖИЙ

Озарбайжоннинг чега-расидаги бир ноҳия, Райнинг қишлоҳ^аридан бири — «Карж» («Курж»)га нисбатан айтилган. Унга маису бўлган олимлардан:

1. Файруз ал-Каржий (ваф. тахм. 525/1131 й.)

(Абулҳасан) Файруз ибн Абдуллоҳ ал-Каржий. У Бағдодда яшаганлардан бири, Бағдод, Мосул ва бошқа шаҳарларда ҳадислар тўплаган. У кўплаб олимлардан ҳадислар эшитган, ундан ҳам кўплар ривоятлар келтирганлар. Тахм. 525/1131 йилда вафот этган (11: 5/50).

761 АЛ-КАРДАРИЙ

Хоразм ўлкасидаги бир қишлоқ, — «Кардар»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Абдулғафур ал-Кардарий (ваф. 562/1167 й.)

(Абулмафохир) Абдулғафур ибн Лукмон ибн Муҳаммад (Тождудин) ал-Кардарий — усулиётчи факих бўлган. Халабда козилик мансабини эгаллаган ва шу шаҳарда вафот этган. Халабдаги «Мадрасату-л-ҳаддодийн» — «Темирчилар мадрасаси»да мударрислик ҳам қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 562 х.й. йилда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Интисор ли-Аби Ҳанифа фи ахборихи ва ақволихи» («Абу Ҳанифанинг ғалабаси йўлидаги унинг хабарлари ва сўзлари ҳақида китоб»), «ал-Муфийд фи шарҳи-т-тажрийд» («ат-Тажрид» асарининг шарҳи ҳақида фойдали китоб»), «Шархул-жомийи-с-сағийр» («Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг «Кичик тўплами»га шарҳ»), «Шарҳ ала-т-тажрийд» [«ат-Тажрид»га шарҳ], муаллиф уни «ал-Муфийд ва-л-мазийд» («Фойдали ва зиёда изоҳли китоб»), деб номлаган] — мазкур иккала асар ҳам ханафий фикҳнинг соҳаларига оиддир, «Китоб фи усули-л-фикҳ» («Фикҳ усули ҳақида китоб»), «Ҳайрату-л-фуқаҳо» («Фақиҳларнинг хайратланиши») (2: 4/510; 17: 2/175).

2. Муҳаммад ал-Кардарий (559-642/1164-1244)

(Абулваҳда Шамсулаъимма) Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий ал-Кардарий — таниқли факих бўлган. 642 х.й. муҳаррам ойининг 9 куни Бухорода вафот этган. Унинг асарларидан: «Мухтасар Хусомиддин ал-Ахсикатий» («Хусомуддин ал-Ахсикатийнинг қисқартирилган китоби»), «ал-Ҳаққ ал-мубийн фи дафъи шубҳоти-л-мубталий» («Ботил кишиларнинг шубҳаларини даф қилишда аниқ ҳақиқат») ёки «ас-Сайф ал-маслул фи радди ала соҳиби-л-мутаҳаввил» («ал-Мутаҳаввил» асарининг соҳибига раддия беришда ялонғоч қилич»), шунингдек, ушбу асар «ад-Дурра ал-мунийфа фи интисори-л-имоми-л-Аъзам Аби Ҳанифа» («Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг ғалабаси ҳақида қимматли дурдона») деган ном билан ҳам юритилади (17: 3/410).

762 АЛ-ГУРГАНЖИЙ

Хоразм еридаги бир қасаба-шақарча (арабча «ал-Журжония», «ал-Гургонжония»)га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Гурганжий (ваф. 481/1088 й.)

(Абу Ҳомид) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ал-Мукриъ ал-Гурганжий — Куръон илмини эгаллаш мақсадида узоқ ўлкаларга сафар қилган илм толиблари ва пешво олимлардан бири бўлган. Шом, Ҳижоз, Аллоқ ва бошқа юртларда олимлардан сабоқ олган. Кўплаб асарларни тасниф этган. Бир қанча дўстлари ва фарзандлари бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 481/1088 йилда вафот этган (11: 5/55).

2. Абдуррахмон ал-Гурганжий

(Абу Муҳаммад) Абдуррахмон ибн Муҳаммад ал-Гурганжий — мазкур Абу Ҳомиднинг ўғли. У қироат илмида фозил имом, ҳадислар эшитиш ва бошқаларга етказишда жуда истеъдодли бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/55).

3. Муҳаммад ал-Гурганжий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуррахмон ибн Муҳаммад ал-Гурганжий — мазкур Абу Муҳаммаднинг ўғли. Солих шайх, такводор кексалиги (оксоқоллиги) ўзига ярашган, юзи чиройли, донишманд бир киши

бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/55).

4. Муҳаммад ал-Гурганжий (390-484/1000-1092)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Ҳомид ал-Гурганжий — қори бўлган. Бағдод, Ҳаррон, Миср, Дамашк, Мосул ва Хуросонда қироат илмини чуқур ўрганган. 484 х.й. зу-л-ҳижжа ойининг 12 кунда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Китобу-т-тазкира» («Тазкира китоби»), «Китобу-л-муаввал» («Умид ҳақида китоб»). Кўплаб адиблардан хикматли сўзларни ёзиб олган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/512; 17: 3/84).

763

АЛКАРМУЖИЙИНИЙ

Насафнинг кишлоқларидан бири — «Кармужийийн»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Алямон ал-Кармужийийний

(Абулҳасан) Алямон ибн ат-Таййиб ибн Хунайс ибн Умар ал-Кармужийийний. У Насафнинг бир қишлоғи — Кармужийийндан

чиққан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 332 ёки 382 х.й.да вафот этган (2: 4/518; 11: 5/58).

2. Ат-Таййиб ал-Кармужийийний (323/935 йилда ҳаёт бўлган)

(Абу Тоҳир) ат-Таййиб ибн Хунайс ибн Умар ал-Кармужийийний. У Насафнинг қишлоқларидан бири — Кармужийийндан чиққан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Унинг асарларидан «Китобу-лмабаъ» («Ибтидо китоби») — Ваҳб ибн Мунаббихга оид бу китобни у 323/935 йилда китобат қилган (11: 5/58).

764

АЛКАРМИНИЙ

«Кармана»га нисбат берилган. У — Сўвд х,удудидаги дарахтлари ва сувлари сероб бир шах.арча, Самарканд билан Бухоро ўртасида жойлашган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Карминий (ваф. 282/896 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн аз-Завъ ибн ал-Мунзир ибн Язид аш-Шайбоний ал-Карминий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 282/896 йилда вафот этган (11: 5/58).

3Ю ал-Карминий/ал-Кисой/ал-Касо доний

2. Аҳмад ал-Карминий (ваф. 265/879 й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн аз-Завъ ибн ал-Мунзир ал-Бакрий ал-Карминий — мазкур Абу Абдуллохнинг биродари. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 265 ҳ.й. ражаб ойининг ўртасида вафот этган (11: 5/59).

3. Ал-Мустақир ал-Карминий

Ал-Мустақир ибн Муҳаммад ал-Карминий — машҳур муҳаддис бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/59).

4. Ал-Мусаййиб ал-Карминий

Ал-Мусаййиб ибн Муҳаммад ал-Қазоъий ал-Карминий. У ал-Фаззозийнинг «ал-Мухтасар» номли асарини ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/59).

5. Азиз ал-Карминий

(Абулфараж) Азиз ибн Абдуллох ал-Карминий. У Имом аш-Шофиъий асхобларининг Бухоро ва Кармана суфаларидаги нозирлардан бири бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/59).

6. Али ал-Карминий

(Абу Туроб) Али ибн Тоҳир ибн... ал-Карминий ат-Тамимий. У Кармана ахлидан, ўз даврида луғат илмида ва уни ёд олишда энг афзал ва беназир олим ҳисобланган. У

уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/59).

7. Муаммар ал-Карминий

(Абу Сулаймон) Муаммар ибн Жаброил ибн Масъаб ибн Исмоил ибн Айюб ал-Карминий. Ўта одобли бўлган, Самарқандда яшаган, эл орасида солиҳ ва фозил шайх сифатида танилган, ишончли ровий, ўта диёнатли, усуллари яхши, аҳли суннатга мансуб бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/59).

8. Сухайб ал-Карминий

(Абу Муҳаммад) Сухайб ибн Осим ибн Иброҳим ибн... ибн Қайс ал-Карминий. Илм олиш мақсадида Ироққа рихлат қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/59).

9. Муҳаммад ал-Карминий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абу Жаъфар ибн... ибн Усмон ал-Яшкирий ал-Карминий. У шофъий мазҳаби бўйича йирик факих бўлган. У

уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/59).

765

АЛКИСОЙ

Марв ва Бухоро (цлидан «кисо» («кийим») бичиш, тикиш ва сотиш билан шуғулланганларга нисбатан айтилган. Унта мансуб бўлган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Кисой

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Аҳмад ибн Якуб ал-Марвазий ал-Кисой. Лакаби — «тариқ ғариб» («бегона йўл»). У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/67).

2. Абдулжаббор ал-Кисой (ваф. 518/1124 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулжаббор ибн Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ал-Кисой ал-Бухорий ал-Имом ал-Ҳужжож — Бухоро ахлидан бўлган. У оммавий ваъзлар қилар, илмий мажлислар ўтказар, хайр-баракот ва илм аҳли жумласидан эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 518 ҳ.й. шаввол ойида вафот этган (11: 5/67).

766

АЛКАСОДОНИЙ

Самарқанднинг қишлоқларидан бири — «Касодун» («Касадон»)га

нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Касодоний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Суфён ибн... ибн ал-Фазл ибн Абу Сажид ал-Касодоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/65).

767

АЛКАСБАВИЙ

Насафнинг цишлоцларидан бири — «Касба»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Исо ал-Касбавий

(Абу Аҳмад) Исо ибн ал-Хусайн ибн ар-Рабиъ ал-Касбавий — «ал-Бўстон» китобининг муаллифи. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/522; И: 5/68).

2. Жаъфар ал-Касбавий

(Абу Муҳаммад) Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳамдон ибн Воқид ал-Касбавий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/68).

3. Ал-Ҳасан ал-Касбавий

Ал-Ҳасан ибн Муҳаммад Али ал-Касбавий. У уламолардан,

уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/69).

4. Али ал-Касбавий

(Абулҳасан) Али ибн Иброҳим ал-Касбавий. «Дарбу-л-жадид» да муфти бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/69).

5. Мунир ал-Касбавий

(Абулмуайяд) Мунир ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Касбавий — кўп ҳадислар эшитган фозил адиб. Насаф ва Ашфурқонда бир жамоа олимлардан ҳадис тинглаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/69).

6. Масъуд ал-Касбавий

Масъуд ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Касбавий. У — мазкур Мунирнинг биродари. У кўп ҳадислар эшитган ва ўз дастхати билан китоблар кўчирган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/69).

7. Соъид ал-Касбавий

(Абдулало) Соъид ибн Мунир ибн Муҳаммад ал-Касбавий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/69).

8. Муҳаммад ал-Касбавий

(Абулфараж) Муҳаммад ибн Масъуд ал-Касбавий

— Касба аҳлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/69).

9. Аҳмад ал-Касбавий (ваф. 412/1022 й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Ҳорун ибн Исмоил ибн Билол ас-Саннон ал-Касбавий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 412/1022 йил жума куни вафот этган (11: 5/69).

10. Муҳаммад ал-Касбавий (ваф. 409/1019 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Абу Сайд ибн Муҳаммад ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Абунназр ал-Касбавий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 409 х.й. зу-л-ҳижжа ойининг еттинчи куни душанба кечаси Насафда вафот этган (11: 5/69).

11. Муҳаммад ал-Касбавий (439-494/1048-1101)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад (унинг исми шарифи — Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн... ибн Форсанж Атуфийд Шийшир) ал-Касбавий. Зиёли бир хонадондан бўлган. Хонадон аҳлининг хар бири ўз отасидан ҳадислар ривоят қилган.

312 ал-Касбавий/ал-Киссий/ал-Кушоний

Ўзи — имом ва уламолардан, мунозарага мохир фозил олим бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 439 х.й.нинг сафар ойида туғилган. 494/1101 йилда вафот этган (2: 4/422; 11: 5/69).

768

АЛКИССИЙ (АЛКИШШИЙ)

Сўғдадаги бир имцар — «Кисса» («Кишца»)га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Кишший (ваф. 390/1000 й.)

(Абу Зуръа) Муҳаммад ибн Юсуф ал-Журжоний ал-Кишший — таникли муҳаддис бўлган. Нишопур, Бағдод, Ҳамадон ва Ҳижозда Абу Нуъайм ибн Адий ва Абулаббос ад-Дағулий ҳамда ул икковининг табақаларидан ҳадислар тинглаган. У ҳадисларни бобма-боб тўплаган ва машойихлари билан биргаликда китоб тарикасида тасниф этган. Узоқ йиллар Маккада яшаган ва ўша жойда (Маккада — Т.) вафот этган (17: 3/781).

2. Абдулхамид ал-Киссий (ваф. 249/863 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулхамид ибн Ҳумайд ибн Наср ал-Киссий — «Абду Ҳумайд» номи билан машҳур бўлган. У

ғоятда ҳурмат-эътиборли ва қадри баланд имом бўлган. Кўп ҳадислар тўплаб, асар яратган олимлардан. У

уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 249 х.й. рамазон ойида вафот этган (2: 4/523; 11: 5/70).

3. Ал-Фатҳ ал-Киссий

(Абу Наср) ал-Фатҳ ибн Амр ал-Киссий ал-Варрок — ҳадислари тўғри, ҳақгўй ровийлардан бири бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/71).

4. Муҳаммад ал-Киссий

(Абулфазил) Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Абулмузаффар ал-Киссий. Гарчи Кешда туғилган бўлса-да, лекин Самарқандда яшаган. Асли Насафдан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 487/1094 йилда туғилган (11: 5/71).

5. Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Киссий (ваф. 339/951 й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Ҳотам ибн Хузайма ибн Қутайба ибн... ибн Шароҳабил ал-Калбий ал-Киссий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 339 х.й. йил шаввол ойида бир юзу саккиз ёшида Маккага

ҳажга кетаётиб, йўлда Ҳамадонда вафот этган (11: 5/71).

6. Муҳаммад ибн ат-Таййиб ал-Киссий (ваф. 318/930 й.)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн ат-Таййиб ал-Киссий аз-Зоҳид. Кўп ибодат қилувчи фақиҳлардан ва ҳадис ўрганиш мақсадида сафар қилувчи олимлардан бўлган. У Нишопур ва Бағдодда йирик олимлардан ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 318/930 йилда вафот этган (11: 5/71).

769

АЛКУШОНИЙ

Самарқанднинг бир шаҳарчаси — «Кашония»га нисбатан айтилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Масъуд ал-Кушоний (447-520/1055-1126)

(Рукнуддин) Масъуд ибн ал-Хусайн ибн ал-Ҳасак ибн Муҳаммад ИБЕ Иброҳим ал-Кушоний - фозил инсон бўлган. Унинг асарларидан: «ал-Мухтасар ал-Масъудий («Масъудийнинг мухтасар китоби») (17: 3/847).

2. Аҳмад ал-Кушоний

(Абу Умар) Аҳмад ибн Ҳожиб ибн Ҳамона ал-Кушоний. У уламолардан уламолар ҳам ундан ҳадис

ривоят қилганлар (2: 4/524; 11: 5/73).

3. Муҳаммад ал-Кушоний

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳожиб ал-Кушоний — мазкур Абу Умарнинг ўғли. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/73).

4. Аҳмад ал-Кушоний (ваф. 493/1100 й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн ал-Муҳаззаб ибн Яъло ибн Муслим ибн Сайд ибн ал-Хитоб ибн Наср ал-Кушоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 493 х.й. зу-л-қаъда ойида, 78 ёшида вафот этган (11: 5/73).

5. Аҳмад ал-Кушоний (ваф. 443/1051 й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳумайд ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ашъас ал-Кушоний ал-Қозий — имом бўлган. Самарқандга келиб, «ад-Дор ал-Жузжония» илм даргоҳида ҳадисдан дарё берган. У бир юзу йигирма йил умр курган. Аҳмад ал-Кушонийнинг кўз кўриши ғоятда ўткир бўлган. У қўлёзма асарларни кечаси ойнанг ёруғида ҳам мутолаа қилаверарди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 443/1051 йилда вафот этган (11: 5/73).

6. Масъуд ал-Кушоний (ваф. 540/1145 й.)

(Абулмаолий) Масъуд ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн ал-Кушоний — фозил имом, хулқи-атвори чиройли ва ишлари гўзал инсон бўлган. У Самарқандда бир қанча муддат хатиблик лавозимида фаолият кўрсатган, ҳадислар айтиб, имло (айтиш) билан шуғулланган. Шунингдек, Қусам, разияллоҳу анҳу, мадрасасида мударрислик ҳам қилган. Бухорода ўғли ундан ҳадислар ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 540/1145 йилда вафот этган (11: 5/73).

7. Убайдуллоҳ ал-Кушоний

(Абулқосим) Убайдуллоҳ ибн Умар ал-Хатиб ал-Кушоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/73).

8. Муҳаммад ал-Кушоний

(Абу Наср) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Кушоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/73).

9. Муҳаммад ал-Кушоний (ваф. 552/1157 й.)

(Абулфатх) Муҳаммад ибн Масъуд ал-Кушоний — аввалроқ зикр этилган Абулмаолийнинг ўғли.

Бухорода козилик лавозимини эгаллаган. Ўз ватанида унчалик катта эътибор қозонмаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 552 х.й. рамазон ойининг тўртинчи кечаси, тарових намозини ўқигандан кейин вафот этган (11: 5/74).

10. Али ал-Кушоний (480-557/1087-1162)

(Абулҳасан) Али ибн Мавжуд ибн ал-Ҳасан ал-Кушоний — фозил имом, атоқли баҳс-мунозара қилувчи, воиз ва фақат ҳақиқатни сўзловчи инсон бўлган. Марвдаги «ал-Мадраса ал-хоқония»да ўқув ишларини бошқарган. Марвда истиқомат қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 480 х.й. рамазон ойининг 27 кечасида туғилган. 557/1162 йилда вафот этган (11: 5/74).

11. Убайдуллоҳ ал-Кушоний (тахм. 410-502/1020-1109)

(Абулқосим) Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Кушоний — машхур ва фозил инсон, ишончли ровий, кўпдан-кўп ҳадисларни биладиган олим бўлган. Ғоятда узоқ умр курган. Одамлар кўп йиллар давомида унинг имлосидан (айтиб турганидан) ҳадислар

314 ал-Кушоний/ал-Кушмаяханий/ал-Кафсисавоний

тинглаганлар ва ёзиб олганлар. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Тахм. 410/1020 йилда туғилган, 502/1109 йилда вафот этган (11: 5/73).

770

АЛКУШМАЯХАНИЙ

Марвнинг қишлоқ-ларидан бири — «Кушмаях,ан»га нисбат берилган. Унга мансуб бўлган олимлардан:

1. Ҳибон ал-Кушмаяханий (ваф. 233/848 й.)

(Абу Муҳаммад) Ҳибон ибн Мусо ибн Савод ал-Кушмаяханий ас-Суллабий— ишончли ва ҳақиқатгўй ровий сифатида танилган, Абдуллох ибн Муборак ал-Марвазий китобларининг ровийларидан бўлган. Жуда кўп одамлар Ҳибон ал-Кушмаяханийнинг ҳузурига келиб, ундан ҳадислар олганлар, айнан шу мақсадда унинг қишлоғига — «ал-Кушмаяхан»га бориб, ҳадис эшитганлар. У ҳаётининг охирларида туғилган қишлоғини тарк этиб, Фирабрнинг чегарасида посбон бўлиб яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 233/848 йилда вафот этган (11: 5/75).

2. Муҳаммад ал-Кушмаяханий (ваф. 389/999 й.)

(Абулхайсам) Муҳаммад ибн Маккий ибн Муҳаммад ибн Зуроъ ибн Хорун ибн Зуроъ ал-Кушмаяханий — бутун Шарқ ва Ғарбда ўзининг «ал-Жомий» китоби билан шуҳрат қозонган йирик адиб бўлган. Чунки Муҳаммад ал-Кушмаяханий Хуросонда унга таяниб олий иснод ривоят қилганларнинг охиргиси эди. У фақиҳ, адиб, тақводор ва зоҳид бир инсон бўлган. У илм излаб Хижоз ва Ироққа борган, кўплаб машхур шайхлардан сабоқ олган. Фирабр, Марв, Сарахс, Рай, Бағдод, Куфа, Макка каби шаҳарларда устозлардан ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 389 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Расоил» («Рисолалар») (11: 5/75; 17: 3/732).

3. Муҳаммад ал-Кушмаяханий

(Абу Ҳомид) Муҳаммад ибн Али ал-Кушмаяханий — фақиҳ, фозил ва луғатда билимдон олим бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/75).

4. Солих ал-Кушмаяханий (ваф. 246/860 й.)

(Абулфазл) Солих ибн Мисмор ал-Кушмаяханий. У илм излаб, Ироқ ва Хижозга борган, Марв ва Мовароуннаҳрда ҳадислар ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 246/860 йилда вафот этган (11: 5/75).

5. Аҳмад ал-Кушмаяханий

Аҳмад ибн Исо ал-Кушмаяханий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/75).

6. Аҳмад ибн Яҳё ал-Кушмаяханий

(Абу Абдуллох) Аҳмад ибн Яҳё ал-Кушмаяханий У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/75).

771

АЛКАФСИСАВОНИЙ

Бухорининг қишлоқ-ларидан бири «Кафсисавон»га нисбатан айtilган. Унс мансуб бўлган олимлардан:

1. Ҳам дам ал-Кафсисавоний

(Абулфазл) Ҳамдон кб= Яҳё ибн Абдуллох ал-Кафсисавоний ал-Бухорий. У уламолардан уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 184).

772

АЛ-КУФИНИЙ

«Куфин»га нисбат берилган, у — Бухоро ҳишлокларидан бири.

1. Абдуллоҳ ал-Куфийний

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Куфийний — серфазилат факих бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам лшдан ривоят қилганлар (11: 5/84).

773

АЛКАЛОБОДИЙ

«Каллобоз»га нисбат берилган, у — Бухородаги дах,алардан бири. Ушбу жойга нисбат берилган олимлар:

1. Иброҳим ал-Калободий (ваф. 340/951 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Калободий. Бойликдан кўра фақирликни афзал билиб, уни шарафлаган (17: 1/67).

2. Али ал-Калободий

(Абулқосим) Али ибн Абу Наср ал-Калободий — мазкур Абу Насрнинг ўғли. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Унинг «Амолий Аби Қосим» (Абулқосимдан имло қилинган ҳадислар гғалами) асари бор (11: 5/114; 15: 4/163).

3. Абдуллоҳ ал-Калободий

(Абулқосим)

Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сайд ибн Яъқуб ал-Факих ал-Калободий Калободий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/114).

4. Муҳаммад ал-Калободий (ваф. 323/935 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сайд ибн Яъқуб ал-Луълуъий ал-Калободий. Бухоро мазолим (олий) судида фаолият кўрсатган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 323 ҳ.й.нинг рабиъу-л-аввал ойида вафот этган (11: 5/114).

5. Абдулкарим ал-Калободий

(Абу Саҳл) Абдулкарим ибн Абдурраҳмон ибн ибн Ҳозим ал-Калободий ал-Бухорий. Бухоронинг Каллобозидан бўлган. Ундан бир гуруҳ мутааххир уламолар ҳадис эшитганлар. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/114).

774

АЛКУЛОШКИРДИЙ

«Кулоткирд»га нисбат берилган, шунингдек, «Жулошжирд» деб аталиши ҳам мумкин бўлиб, у — Марв

цитлоцлридан бири. Унга нисбат берилган олимлар:

1. Сом ал-Кулошкирдий

Сом ибн Нух ал-Кулошкирдий, у уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/117).

2. Раис ал-Кулошкирдий

Раис ибн Сулаймон ибн Ҳориса ибн Қудома ал-Кулошкирдий. Хуросонга келиб, Жулошжирд қишлоғида кўним топган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/117).

775

АЛКУЛАХБОҚОНИЙ

«Кулахбоқ,он»га нисбат берилган бўлиб, у — Марв қишлоқларидан бири. Унга нисбат берилган олимлардан:

1. Ваҳб ал-Кулахбоқоний

(Абу Абдуллоҳ) Ваҳб ибн Замъа ат-Тамимий ал-Кулахбоқоний. Ибн Муборак суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, унинг ўзига, тутган йўлига, шамойилига ихлосманд эди. Ҳадисларни билиш ва уларни ташлаб ўтишни яхши кўрадиган тоифалар ҳақида китоб таълиф этган. Ривоят қилган ҳадисларида хато йўқ. Мазкур китобини

3|5 ал-Кулахтужоний/ал-Каморий/ал-Камражий/ал-Камардий/ал-Камарий

«Матрукун» («Хадислари тарк этилган ровийлар») деб атади. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/87).

776

АЛ-КУЛАХТУЖОНИЙ

«Кулахтужон»га нисбат берилган. У — Марв қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Муҳаммад ал-Кулахтужоний (ваф. 378 й.)

(Абу Ато) Муҳаммад ибн Абу Язид ибн Абулазҳар ибн Хилол ал-Мутаваккилий ал-Кулахтужоний. Фазилатли имом бўлиб, вараъга амал қилган. Яхши хулкли бўлган, доимо рўза тутган ва таҳажжуд ибодатларини адо этган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 378 х.й.да вафот этган (11: 5/88).

2. Абу Масъуд ал-Кулахтужоний

Абу Масъуд ибн Абу Язид ибн Абулазҳар ал-Кулахтужоний. Уламолардан хадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/88).

777

АЛ-КАМОРИЙ

«Каморо»га нисбат берилган. У — Бухоро

қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлардан:

1. Ал-Лайс Каморий (ваф. 331 х.й.)

• (Абу Наср) ал-Лайс ибн Амр ибн Ҳафс ал-Каморий, уламолардан хадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. 331 х.й.да вафот этган (11: 5/93).

2. Муҳаммад ал-Каморий (ваф. 381/991 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Фазл ал-Каморий ал-Бухорий. Ҳанафий мазхаби уламоларидан бўлган. Таълиф этган асари: «ал-Фавоид фи-л-фикх» («Фикҳдаги фойдалар») (14: 4; 17: 3/588).

778

АЛКАМРАЖИЙ

«Камаржа»га нисбат берилган. У — Сўғд қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Муҳаммад ал-Камаржий

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Искоф ал-Муаззин ас-Сўғдий ал-Камаржий. У уламолардан хадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 4/544; 11: 5/94).

2. Муҳаммад ал-Камаржий

(Абу Муҳаммад! Муҳаммад ибн Наср ибн Ҳамувайх ал-Камаржий. У уламолардан хадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/94).

3. Муҳаммад ал-Камаржий

(Абу Ҳафс) Муҳаммад ибн Наср ибн Ҳамувайх ал-Камаржий — мазкур Абу Муҳаммад ал-Камаржийнинг отаси. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (И: 5/94).

4. Наср ал-Камаржий

(Абуллайс) Наср ибн Ҳамувайх ал-Камаржий ас-Сўғдий — мазкур Абу Ҳафс ал-Камаржийнинг отаси. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/94).

779

АЛКАМАРДИЙ

Самарканд қишлоқларидан бири «Камард»га нисбат берилган.

1. (Абу Жаъфар) ал-Камардий.

У уламолардан уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (2: 4/544; 11: 5/94).

780

АЛКАМАРИЙ

«Камара»га нисбат берилган. У — Бухоро қишлоқларидан бири.

Мазкур қишлоқа нисбат берилган олимлардан:

1. Юсуф ал-Камарий

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн ал-Фазл ал-Камарий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/544; 11: 5/94).

781

АЛКАМСОНИЙ

«Камсон»га нисбат берилган. Камсон — Марв қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Абдулжаббор ал-Камсоний (393 х.й. да ҳаёт бўлган)

(Абу Жаъфар) Абдулжаббор ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мужоҳид ибн Юсуф ибн ал-Масний ал-Камсоний. Ҳадис илмида «хофиз» бўлган, кўп ҳадисларни ёддан билган, улардан тўқималарини ажрата олган. У 393 х.й. да Бухорога келган, сўнгра яна Марвга қайтиб бориб, ўша ерда вафот этган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/95).

2. Аҳмад ал-Камсоний

(Абу Ҳотим) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Жамил ал-Камсоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/95).

3. Аҳмад ал-Камсоний

(Абулаббос) Аҳмад ибн Абу Юсуф ал-Камсоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/95).

782

АЛКАМУНИЙ

«Камун» («зира»)га нисбат берилган. Бу нисба билан сарахслик зира сотувчилар аталган.

1. Саҳл ал-Камуний (ваф. 468 х.й.)

(Абулқосим) Саҳл ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Камуний ас-Сарахсий — фазилатли, ўта художўй ва яхши хулкли имом бўлган. Абу Тоҳир ас-Санжий хузурда фикх илмини тўлик ўзлаштирган. Кўплаб ҳадислар эшитган, кам ҳадис ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 468 х.й. да вафот этган (11: 5/95).

783

АЛКАМАНЖИСИЙ

«Каминжис»га нисбат берилган. У — Мовароуннах,р қишлоқларидан бири.

1. Али ал-Каманжисий

(Абулҳасан) Али ибн ан-Нуъмон ибн Саҳл ал-Каманжисий. У

уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 4/545).

784

АЛКАМАНДИЙ

«Каманда»га нисбат берилган. У — Сўғд қ,ишлоқ,ларидан бири. Ушбу қ,ишлоққ,а нисбат берилган олимлар:

1. Исмоил ал-Камандий

Исмоил ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Халаф ёки Холид ибн Иброҳим ал-Бухорий ал-Карминий ал-Камандий деб ҳам юритилади. Ҳаждан қайтаётиб Дамашқда тўхтаган ва у ерда ҳадис ривоят қилган. Исмоил ал-Камандий ишончли ровий бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 4/545).

785

АЛКИНОНИЙ

«Киноний»га нисбат берилган бўлиб, у — Бухоро аҳлидган бўлган бобонинг исмидир.

1. Муҳаммад ал-Киноний

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Наср ибн ал-Лайс ибн Сайёр ал-Ҳофиз ал-Киноний. Бухоро аҳлидан бўлган, ҳадислар билган ва уларни ёд олган. У

31 д ал-Канжконий/ал-Канжий/ал-Кундий/ал-Кандасарвоний/ал-Кандукиний

уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/99).

786

АЛКАНЖКОНИЙ

«Канжкон»га нисбат берилган бўлиб, у — Марв қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Канжконий

(Абу Саҳл) Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Жузоъ ал-Канжконий — Марв аҳлидан бўлган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг Абу Хурайрага қилган васиятларини сўзлаб юрар эди. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/101).

787

АЛКАНЖИЙ

«Канжа»га нисбат берилган, у — Арон юртининг асосий йирик шахридир. Мазкур шах, арга нисбат берилган олимлар:

1. Абдулвахҳоб ал-Канжий (1062/1652 йилда ҳаёт бўлган)

Абдулвахҳоб ибн Абу Абдуллоҳ ибн Абу ал-Хусайн ибн Абу Шихоб ал-Канжий. Дамашқда бўлган, унинг «ан-Нибросли кашфи-л-илтибоси-л-вокиъ фи-л-асос ли акоид

қавм самму анфусаҳум бил-акёс» [«Ўзларини «акёс» (яхшилар) деб эълон қилган қавм ақидаси асосларидаги гумонларни ёритиб берувчи маёқ»]. У мазкур асарни 1062 х.й.да ёзиб тугатган (17: 2/342).

2. Муҳаммад ал-Канжий (ваф. 658/1260 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Юсуф ал-Канжий — фозиллардан бўлган. Асарларидан: «ал-Баён фи ахбори соҳиби-з-замон» («Соҳиби замоннинг хабарлари баёни»), «Кифояту-т-толиб фи маноқиби амири-л-муъминийн Али ибн Аби Толиб» («Амиру-л-муъминин Али ибн Абу Толибнинг толибларга кифоя қиладиган маноқиблари»), баъзи шеърлари ҳам бор (17: 3/787).

3. Яҳё ал-Канжий (318/930 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

(Абулқосим) Яҳё ибн Закариё ал-Канжий — фозил киши бўлган. Ундан Абу Муҳаммад Ҳорун ибн Мусо ат-Талъакбирий ривоят қилган. Унинг кўплаб асарлари бўлган, шулардан бири — «Китобу-н-нақд» («Танқид китоби») (17: 4/95).

788

АЛ КУНДИЙ

«Кунду»га (ёки «Кунда») нисбат

берилган. У — Самарканд китлоқларидан бири.

1. Муҳаммад ал-Кундий (ваф. 551 х.й.)

(Абулмаҳомид) Муҳаммад ибн Абдулҳолик ибн Абдулвахҳоб ибн Ҳамза ибн Салма ал-Кундий — сўғдлик бўлган. Жума куни масжидда халқа (одамлар мажмуаси) тўплар эди. Фақиҳ олим, таникли имом, художўй, яхши хулқли инсон бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. 551 х.й.да вафот этган (2: 4/547; 11: 5/104).

789

АЛ-КАНДАСАРВОНИЙ

«Кандасарвон»га нисбат берилган. У — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Наср ал-Кандасарвоний

(Абу Муҳаммад) Наср ибн Собир ибн Довуд ал-Кандасарвоний ал-Бухорий — уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/103).

790

АЛКАНДУКИНИЙ

«Кандукин»га нисбат берилган бўлиб, у — Самарканд қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа нисбат берилган олимлардан:

1. Али ал-Кандукиний (тав. 448 ёки 447 х.й.)

(Абулхасан) Али ибн Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Абу Наср ибн ал-Ашъас ибн Ғазбон ал-Кандукиний. Унинг отаси Кандукин қозиси бўлган, У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 448 х.й. ёки ундан бир йил олдин таваллуд топган (2: 4/548; 11: 5/103).

791

АЛ КУНДИКАСИЙ

«Кундикас»га нисбат берилган. Кундикас — Самарқанд атрофидаги Дарғам кишлоқларидан бири. Мазкур жойга нисбат берилган олимлар:

1. Умар ал- Кундикасий «ваф. 525/1131 й.)

Умар Сайд ибн --"лурахим ибн Аҳмад ал- _:ам ал- Кундикасий ас- Ғамарқандий Самарқанд атрофидаги Борой тоғи минтақасида истиқомат қилган, Кундикасда ҳам тугилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Самарқандда таваллуд топган, 525 х.й.нинг сафар «нда ёки рабиъу-л-аввал йида Борийда вафот топган (11: 5/104).

792

АЛКАНВАНИЙ

«Канван»га нисбат берилган. Канван —

Самарқанддаги мақалла. Ушбу жойга нисбат берилган олимлардан:

1. Абдуллоҳ ал-Канваний (ваф. 480-485 х.й.дан бироз кейин)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Мусо ибн Али ибн Зайд ал-Канваний — факих ва зоҳид бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. У 480 х.й.дан бироз кейин вафот этган (11: 5/105).

793

АЛКУЗИЙ

«Куз»га нисбат берилган бўлиб, у Бухоро аҳлига мансуб бўлган баъзи боболарнинг исми шарифидир. Қуйидаги олим мазкур нисба билан аталган:

1. Муҳаммад ал-Кузий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Сакан ибн ... ибн Куз ас-Саканий ал-Кузий ал-Бухорий, катта бобосига нисбат берилган. Ҳадисларни тўғри таҳаммул қиладиган солиҳ киши бўлган. Бухорода ҳадис эшитган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/107).

794

АЛКАВСАЖ

«Кавсаж»га нисбат берилган. Кавсаж —

Марвдаги кўчанинг номи. Ушбу жойга нисбат берилган олимлар:

1. Исҳоқ ал-Кавсаж (ваф. 251 х.й.)

(Абу Яқуб) Исҳоқ ибн Мансур ибн Баҳром ат-Тамимий — ал-Кавсаж номи билан танилган. Асли марвлик бўлган. У Аҳмад ибн Ҳанбалдан турли масала ечимларини ривоят қилар эди. Намоз ҳақида катта китоб тасниф қилган. Ушбу китоб ҳақида Муслим ибн Ҳажжож: «Исҳоқ ибн Мансурнинг китобидан тўғрироқ китобли одамни кўрмадим», — деган. 251 х.й. душанба куни Нишопурда вафот этган (11: 5/107).

795

АЛКУШОНИЙ

«Кушон»га нисбат берилган. Кушон — туркларнинг энг узок юртларидаги бир шах, ар.

1. Муҳаммад ал-Кушоний (ваф. 413 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Саълабий ал-Кушоний — Андалусдаги Ишфилия юртидан бўлган. Ибодатга муккасидан кетган киши эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 413 х.й.да вафот этган (2: 4/556).

796
АЛЛАББОД

«Лаббодяга нисбат берилган. Лаббод — Бухоро ахлидгсш бўлган кигиз сотувчилардир.

1. Ал-Хасан ал-Лаббод (ваф. 271 х.й.)

(Абу Али) ал-Хасан ибн ал-Хусайн ибн Масъуд ибн Абдуллох ибн ал-Луббод ал-Муаззин ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. 271 х.й.да вафот этган (11: 5/124).

797
АЛЛАЖЖОМ

«Лажжомяга нисбат берилган. Лажжом — Ардабил ах,ли жилов ясовчиларининг иш ва сотиш жойи. Ушбу жойга нисбат берилган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Лижом

(Абу Бакр) Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Лажжом ал-Ардабилиий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/129).

798
АЛ-ААҚИТИЙ

«Лақитяга нисбат берилган. Лақит — нисбат берилаётган кимсанинг марвелик бобосининг исми.

1. Аҳмад ал-Лақитий (Абу Бакр) Аҳмад ибн Анбас ибн Лақит аз-Зоббий ал-Лақитий ал-Марвазий. Бағдодда бўлган, у ерда ҳадис ривоят қилган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/139).

799
АЛАКУМАЛОНИЙ

«Акумалоняга нисбат берилган. Акумалон — Марвдан бет. фарсах йирокликдаги хишлох номи. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Иброҳим ал-Акумалоний

Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Сайд ал-Акумалоний. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/668).

800
АЛЛОЛ

«Лоляга нисбат берилган. Лол — Самарканд ах,лидан «луълуъя (дур-маржон) сотучиларга қўйилган ном. Ушбу ном билан танилган олимлар:

1. Яъқуб ал-Лол ас-Самарқандий (ваф. 265 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Яъқуб ибн Юсуф ибн Холид ибн

Молик ибн Саннон ал-Лол ас-Самарқандий Самарқанд ахлидан, илм излаш ва ҳадис жамлашга чанқок бўлган. Хушмуомала, тўғри йўлдаги кимса бўлиб, уламолардан ҳадис ривоят қилган уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. 265 х.й.да вафот этган (11: 5/669).

801
АЛЛОЛАВБИЙ

«Лолавйх,яга нисбат берилган. Лолавйх нисбат берилаётган шахсининг андонқонлик бобосининг исми.

1. Али ал-Лолавбий

(Абулҳасан) Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Али ибн Лолавйх ал-Мужтаҳид ал-Андонқониг — фозил киши, илм ахлидан бўлган. уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (И: 5/670).

802
АЛЛОМИШИЙ

«Ломишяга нисбат берилган. Ломиш — Фарғона қишлоқларида-бири. Мазкур қишлоқкс нисбат берилган олимлардан:

1. Ал-Хусайн ал-Ломиший (441-522 х.й.)

(Абу Али) ал-Хусайн ибн Али ибн Абулқоснк ал-Ломиший ал-Фарғошгп

У Самарқандда яшаган, хилоф илми (қиёсий ҳуқуқшунослик) бўйича ўткир фақиҳ ва фозил имом бўлган. Ҳадислар эшитган. 441 х.й.да таваллуд топган ва 522 х.й.да вафот этган (2: 5/670).

**803
АЛЛАББОДИЙ**

«Ал-Либбодин»га нисбат берилган. У — Самарқанддаги ма%ал-ланинг номи. Ушбу жойга нисбат берилган олимлар:

1. Муҳаммад ал-Лаббодий (ваф. 515/1121 й.)

Муҳаммад ибн Тохир ибн Абдурахмон ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ас-Саъдий ас-Самарқандий ал-Лаббодий. Лаббодий кўчасида истикомат қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 515 х.й. сафар ойининг ўрталарида вафот этган (2: 5/10; 11: 5/125).

2. Муҳаммад ал-Лаббодий (ваф. 523/1129 й.)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Каробисий ал-Лаббодий — самарқандлик эълан, у ҳам Лаббодий кўчасида яшаган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар.

523 х.й. рамазон ойининг 7 куни жума кечаси вафот этган (11: 5/125).

**804
АЛЛАКЗИЙ**

«Лакз»га нисбат берилган. Лакз — Дарбанднинг ортида жойлашган Харозонга чегарадош кичкина шах,арча бўлиб, шаҳ,арни барно этган одамнинг номига қўйилган. Лакз ақолиси мусулмонлар, тиллари ягона, одамлари қувватли ва шавқашли. Ушбу юртга нисбат берилган олимлар:

1. Мусо ал-Лакзий
(Абу Абдуллоҳ) Мусо ибн Юсуф ибн ал-Хусайн ал-Лакзий — «Ҳасан ад-Дарбандий» номи билан ҳам маълум ишончли ҳадис ровийси, фазилатли фақиҳ, хуснихулқли ва камгап инсон бўлган. Абу Бакр ибн Абу Довуднинг «ан-Наът» китобини ривоят қилар эди (2: 5/26).

2. Ҳаким ал-Лакзий (ваф. 538/1144 й.)

Ҳаким ибн Иброҳим ибн Ҳаким ал-Лакзий ад-Дарбандий — хушхулқли ва солиҳ фақиҳ бўлган. Бағдодда Абу Ҳомид ал-Ғазолийнинг ҳамда Марвда ал-Ҳиравийнинг кўлида фикх ўрганган. Кўплаб ҳадислар эшитган, қадимий шеърларни ёд олган эди. Бухорога бориб, 538 х.й.нинг шаввол ойида

вафот этгунига қадар ўша ерда истикомат қилган (11: 5/125).

**805
АЛЛУКАРИЙ**

«Лукар»га нисбат берилган. Лукар — Марв атрофидаги Панж ва Баркуз орасидаги кишлоқ. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Лукарий (ваф. 502/1108 й.)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Аднон (ёки Арафот) ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аббос ибн Амруба ал-Лукарий — ашаддий ханафий фақиҳи эди. Марвда даъватчи бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 502 х.й. рабиъул-аввал ойида Марвда вафот этган (2: 5/31; 11: 5/145).

**806
АЛЛУЪЛУЪИЙ**

«Луълуъ»га нисбат берилган. Насафда «луълуъ» (дур, маржон) сотадиганларга мазкур нисбат истеъмолда бўлган.

1. Муҳаммад ал-Луълуъий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абулқосим ан-Насафий — «Барворид ал-Луълуъий» номи билан ҳам таниқли бўлган. Асли насафлик бўлган,

ал-Лайсий/ал-Линий/ал-Мобарсомий/ал-Мотритий/ал-Можракий

Бухорода яшаган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/146).

**807
АЛЛАЙСИЙ**

«Ал-Лайс»га нисбат берилган. Ал-Лайс — нисбат берилаётган шахснинг бухоролик баъзи аждодлари номи. Ушбу ном билан нисбат берилган олимлардан:

1. Амр ал-Лайсий (ваф. 466 х.й.)

(Абу Муслим) Умар ибн Али ибн Аҳмад ибн ал-Лайс ал-Ҳофиз ал-Лайсий — бухоролик, ҳадис хофизларидан бўлган. Ҳадис излаб, турли ўлкаларга борган. Ҳадисларни жамлаш ва таҳриж йўлида кўп заҳмат чеккан. Хуросон, Ироқ ва ўз минтақасида ҳадис эшитган. Исфахонда бир муддат яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 466 х.й.да вафот этган (11: 5/151).

**808
АЛЛИНИЙ**

«Ал-Лин»га нисбат берилган бўлиб, у — Марв қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Линий

Муҳаммад ибн Наср ибн ал-Хусайн ибн Усмон ал-Музний ал-Марвазий — Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 5/34; 11: 5/153).

**809
АЛМОБАРСОМИЙ**

Мобарсомга нисбат берилган. Мобарсом — Марв қишлоқларидан бири. Мазкур жойга мансуб олимлар:

1. Али ал-Мобарсомий (ваф. 257 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Хушрўм ибн Абдурахмон ибн ... ибн Абдуллоҳ ал-Мобарсомий — машҳур Бишр ибн ал-Ҳорис ал-Ҳафий синглисининг ўғли, риёзиёт илмининг олими ва имом бўлган. Узоқ умр курган, ўзининг айтишича, 88-рамазон рўзасини тутган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 257 х.й.да вафот этган (11: 5/154).

2. Муҳаммад ал-Мобарсомий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Али ибн Амр ал-Мобарсомий — Мобарсом қишлоғидан бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/154).

**810
АЛМОТРИТИЙ**

«Мотрит»га нисбат берилган. Мотрит — Самарқанддаги мах,алла номи. Мазкур мах,аллага мансуб олимлар:

1. Ал-фатҳ ал-Мотритий

(Абу Наср) ал-Фатҳ ибн Ҳафс ал-Мотритий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/155).

2. Муҳаммад ал-Мотритий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Мотритий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/155).

3. Али ал-Мотритий (ваф. 511 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн ... ибн Зайд ибн Кулайб ал-Мотритий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. У 511 х.й.да вафот этган (11: 5/155).

**811
АЛМОЖРАМИЙ**

«Можрам»га нисбат берилган. Можрам — Самарқанд қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа мансуб олимлар:

ал-Можракий/ал-Можандий/ал-Мохий/ал-Мохакий/ал-Мохувоний

1. Асад ал-Можракий

Асад ибн Али ибн Тоғрил ал-Можромий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/155).

2. Бакр ал-Можракий

(Абу Саъд) Бакр ибн ар-Рузбон ибн Тоғрил ал-Можракий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/155).

3. Нух ал-Можракий

(Абу Абдуллоҳ) Нух ибн Жаноҳ ал-Можракий. Яхши ҳадис ровийси бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/156).

812

АЛМОЖАНДИЙ

«Можандон»га нисбат берилган. Можандон — Самарканд к.ишлоқларидан бири. Мазкур цишлокка мансуб слимлардан:

1. Махмуд ал-Можандий

Махмуд ибн Одам ал-":жандий ас-Г^марқандий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ~5зоят қилганлар (11: 5/157).

813

АЛМОХИЙ

*Мох»га нисбат берилган. Мох — Бғхородаги мах,алла.

Мазкур махаллага мансуб олимлар:

1. Аҳмад ал-Мохий

(Абу Амр) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хузой ал-Мохий — қори бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар.

2. Муҳаммад ал-Мохий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хузой ал-Мохий — мазкур Абу Амр ал-Мохийнинг ўғли. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/159).

3. Аҳмад ал-Мохий

(Абу Ҳафс) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хузой ал-Мохий — Абу Бакр ал-Мохийнинг ўғли. У қори ва зоҳид бўлиб, уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/159).

4. Ал-Абрад ал-Мохий

(Абу Муҳаммад) ал-Абрад ибн Холид ибн Абдурахмон ибн Мох ал-Бухорий ал-Мохий — бухоролик бўлган, у уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/159).

814

АЛМОХАКИЙ

«Мохақ»ка нисбат берилган. Мохақ — нисбат берилаётган бухоролик шахнинг бобоси. Мазкур нисбат билан танилган олимлардан:

1. Иброҳим ал-Мохакий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Мохақ ал-Мохакий — бухоролик бўлиб, у уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/158).

815

АЛМОХУВОНИЙ

«Мохувоняга нисбат берилган. Мохувон — Мавр кишлоқларидан бири. Ушбу цишлокка мансуб олимлар:

1. Аҳмад ал-Мохувоний [ваф. 230 (229) х.й.]

(Абулҳасан) Аҳмад ибн Шибовайх ибн Аҳмад ибн ... ибн Омир Хузоба ал-Мохувоний ал-Марвазий. У Тарсусда яшаган, Дамашқда бўлган. Дамашқликлар ундан ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Мохувоний ишончли ровий бўлиб, уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. У 230 (229) х.й.да ёши олтмишдан ошганда вафот этган (2: 5/39; 11: 5/158).

2. Абдуллох ал-Мохувоний

(Абу Абдуррахмон) Абдуллох ибн Аҳмад ибн Шибовайх ибн Аҳмад ибн ...ибн Омир Хузоъа ал-Мохувоний ал-Марвазий — собик Абулхасан ал-Мохувонийнинг ўғли. У уламолардан хадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/158).

3. Муҳаммад ал-Мохувоний (ваф. 490 х.й.дан кейин)

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Абдураззоқ ибн Абдулмалик ал-Мохувоний ал-Марвазий — фозил имом бўлиб, Имом аш-Шофиъий мазҳабини чуқур ўрганган олим. Тоҳир ас-Санжий кўлида фикҳни ўрганган. Имом Али ас-Санжийдан хадислар келтирар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 490 х.й.дан биров кейин вафот этган (11: 5/158).

4. Атиқ ал-Мохувоний (ваф. 545/1150 й.)

(Абу Бакр) Атиқ ибн Муҳаммад ибн Абдураззоқ ал-Мохувоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 545 х.й.нинг жумоду-л-охира ойида Балх шаҳрида вафот этган (11: 5/158).

5. Абдураззоқ ал-Мохувоний (ваф. 540 х.й.дан кейин)

(Абу Абдуллох) Абдураззоқ ибн Муҳаммад ал-Мохувоний — Абу Бакр ал-Мохувонийнинг биродари. У ўз отасидан, шунингдек, уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 540 х.й.дан кейин вафот этган (11: 5/158).

816

АЛ-МОДАРИЙ

Модаро — нисбат берилаётган самарқандлик шахслар аждодларининг номи.

1. Муҳаммад ал-Модарий (ваф. 320 х.й.дан олдин)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Жудоя ибн Қайс ибн Модаро ал-Ибрисамий ал-Модарий аш-Шофиъий ас-Самарқандий — самарқандлик бўлса ҳам, асли Марвдан келиб, Самарқандда яшаган. Фозил, ишончли фақиҳ, яхши хулқли, одамлар билан хушмуомала, ҳаммага хайрихоҳ бўладиган шахе эди. Самарқандликлардан (хадис) ривоят қилар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 320 х.й.дан олдин вафот этган (11: 5/159).

2. Абу Абдуррахмон ал-Модарий

(Абу Абдуррахмон) ибн Абдулмалик ибн ал-Крсим ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Жудоя ибн Қайс ибн Модаро ал-Ибрисамий ал-Модарий ас-Самарқандий. У уламолардан хадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/159).

817

АЛМОСТИНИЙ

«Мостин»га нисбат берилган. Мостин — Бухоро атрофидаги катта қишлоқлардан. Мазкур қцшлоққа мансуб олимлар:

1. Муҳаммад ал-Мостиний (218-301 х.й.)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Абдуррахмон ал-Қассом ал-Мостиний — мостинлик бўлган. У уламолардан хадис ривоят қилган, уламолар хая ундан ривоят қилганлат 218 х.й.да таваллуд топга:-: 301 х.й.да вафот этган (11: 5/167).

2. Иброҳим ал-Мостиний (ваф. 384 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Аҳмад ибн Али иен Абдуллох ал-Мостиний Насаф ҳукуматида ҳам 301 х.й.да бир муддат фаолият олиб борган. уламолардан, уламола| ҳам ундан хадис **ривоят**

қилганлар. Кўзи кўрмай қолиб, 384 х.й.да вафот этган (11: 5/168).

3. Аҳмад ал-Мостиний (ваф. 364 х.й.)

(Абу Хомид) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳяд ибн Сулаймон ибн Муқотил ал-Мостиний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 364 х.й. вафот этган (11: 5/168).

818

АЛ-МОШИЙ

«Мош»га нисбат берилган. Мош — дуккакли ўсимлик бўлиб, нисбат берилаётган марвлик шахснинг бобоси мош кўп истеъмол қилган.

1. Ал-Ҳусайн ал-Моший (ваф. 359 х.й.)

(Абулқосим) ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Моший ал-Марвазий марвлик таниқли муҳаддис бўлган. У илм пешволаридан ҳадис эшитиб, Марв ва Бухорода ҳадис ривоят қилган. Ундан ривоят қилинган ҳадислар кенг тарқалган. 359 х.й.да Марвда вафот :-ган (11: 5/173).

819

АЛМОҲАҚОНИЙ

*Монақон»га нисбат берилган. Монақон — Чарвнинг Сабах қишлоғидаги катта

мах,алланинг номи. Мазкур жойга нисбат берилган олимлардан:

1. Ас-Санжий ал-Монақоний

(Абу Заръа) ас-Санжий Жаъфар ибн Хамувайҳ ал-Монақоний — ибн Ҳажар ал-Асқалонийдан ҳадислар эшитган (11: 5/181).

820

АЛМОҲИЯБОЗУЙ

«Моҳиябоз»га нисбат берилган. Моқиябоз — Марвдаги мах,алла номи.

1. Аҳмад ал-Моҳиябозуй

(Абу Абдуллох) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳишом ибн Муҳаммад Иброҳим ал-Моҳиябозуй — уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/183).

821

АЛМОҲИЁНИЙ

«Моҳ,иён»га нисбат берилган. Моҳдён — Марв қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоқца мансуб олимлар:

1. Аҳмад ал-Моҳиёний

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Қурайш ал-Моҳиёний ал-Ғозий — Нишопурда яшаб ўша ерда вафот этган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар

ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/183).

2. Муҳаммад ал-Моҳиёний (ваф. 525 х.й.)

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳафс ал-Моҳиёний — фозил имом, мазҳабини яхши биладиган, олимлар билан мулоқотда бўлиб, улардан фикҳ илмини ўзлаштирган художўй шахе бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 525 х.й.да вафот этган (11: 5/183).

3. Абдуррахмон ал-Моҳиёний (492-549/1099-1154)

(Абу Муҳаммад) Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳафс ал-Моҳиёний — Абулфазл ал-Моҳиёнийнинг ўғли, фозил фақиҳ, тақволи зоҳид ва Аллоҳ таолонинг ердаги солиҳ бандаларидан бўлган. Ҳадислар эшитиб, уларни ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 492 х.й.нинг ражаб ойида таваллуд топган, 549 х.й.нинг шаввол ойида эса вафот этган (2: 5/59; 11: 5/183).

4. Аҳмад ал-Моҳиёний

Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Моҳиёний — уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/183).

822
АЛ-МОЙМУРҒИЙ

«Моямурғ»га нисбат берилган. *Моямурғ* — *Насаф йўлидаги Бухоро қишлоқларидан бири, шунингдек, Самарканд қишлоқларидан бири* хам. *Ушбу қишлоққа мансуб олимлар:*

1. Аҳмад ал-Моймурғий (342-403 х.й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Али ибн ал-Хусайн ибн Али ал-Мукриъ аз-Зарир (кўр) ал-Моймурғий — куп ҳадис билган ишончли ровий ва солих шайх бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 342 х.й.да таваллуд топган ва 403 х.й.да вафот этган (2: 5/59; 11: 5/184).

2. Ал-Фазл ал-Моймурғий

(Абулаббос) ал-Фазл ибн Наср ал-Моймурғий — Самарқанднинг Моймурғидан бўлган, Бухоро уламоларидан ҳадис эшитган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 5/60; 11: 5/185).

3. Муҳаммад ал-Моймурғий (ваф. 396 х.й.)

Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ал-Моймурғий — факих ва даъватчи бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 396

х.й.да вафот этган (11: 5/185).

*

4. Муҳаммад ал-Моймурғий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ал-Моймурғий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/185).

5. Муҳаммад ал-Моймурғий (тав. 442 х.й.)

(Абулмуайяд) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Махмуд ибн Муҳаммад ибн Наср ибн Мусо ибн Аҳмад ал-Моймурғий ан-Насафий — фозил имом бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 442 х.й.да туғилган (11: 5/185).

823

АЛМАТТАВИЙИЙ

«Матувияга нисбат берилган. *Матувия* — нисбат *берилаётган марвлик шахсларнинг боболари номи.* *Ушбу ном ила нисбат олган олимлар:*

1. Аҳмад ал-Маттавийий (ваф. 464 х.й.)

(Абу Жаъфар) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Матувия ал-Марваррузий ал-Маттавийий, марваррузлик, илм талаб қилиш, илм эшитишга чанқок гўзал хулқли суфий бўлган. Ҳижоз, Шом, Миср ва Ироққа бориб катта уламоларнинг суҳбат-

ларидан баҳраманд бўлган, улардан ҳадислар эшитган. Сўнгра ўз юртига қайтиб, бу ерда ҳадислар ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 464 х.й.да вафот этган (11: 5/194).

2. Ал-Фазл Маттавийий (ваф. 506 х.й.)

(Абу Амр) ал-Фазл ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мутавия ал-Марваррузий — Абу Жаъфар ал-Маттавийийнинг ўғли. Ишончли ровий ва солих инсон бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 506 х.й.да вафот этган (2: 5/132; 11: 5/194).

3. Ал-Мутаҳхир ал-Маттавийий (492-550 х.й.)

(Абуттайийб) ал-Мутаҳхир ибн ал-Фазл ал-Маттавийий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 492 х.й.да таваллуд топган, 550 х.й.да эса вафот этган (11: 5/194).

824

АЛ-МАТТАЙ

«Маттайяга нисбат берилган. *У* — *насафлиж нисбат берилаётган шахслар бобосининг номи.* *Мазкур номга нисбат берилган олимлар:*

1. Муҳаммад ал-Маттай (ваф. 382 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Жибрил ибн Мат ал-Маттай — Убай Хамам ал-Хузружийнинг авлодларидан. У Насаф аҳлидан бўлиб, уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. 382 х.й.да вафот этган (11: 5/195).

2. Абдуллоҳ ал-Маттай (351-412 х.й.)

(Абу улмузаффар) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маттай — Абу Исҳоқ ал-Маттайнинг ўғли. Абу Абдуллоҳ ал-Мустаффирийнинг мактабдаги ҳамроҳи бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 351 х.й.да таваллуд топган, 412 х.й.да эса вафот этган (11: 5/195).

3. Аҳмад ал-Маттай • ваф. 422 х.й.)

(Абу Саҳл) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Жибрил ибн Мат ал-Маттай — Абу Исҳоқ ал-Маттайнинг бошқа бир ўғли. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 422 х.й.да вафот этган (11: 5/195).

4. Абдуррахмон ал-Маттай (ваф. 431/1040 й.)

(Абу Муҳаммад) Аодуррахмон ибн Азулхусайн Али ибн ал-Хдсан ибн Уҳайд ибн Маттайнинг Жибрил ал-Искоф ал-

Бухорий ал-Маттай — солих инсон бўлган. Ҳадис эшитиб ривоят қилиш даражаси ёмон эмас. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 431 х.й. 13-ражабида шанба куни вафот этган (11: 5/195).

825

АЛМАЖУБСИТИЙ

«Мажубсит»га нисбат берилган. Мажубсит — Бухоро қишлоқларидан бири. Ушбу жойга мансуб олимлар:

1. Тоҳир ал-Мажубситий

Тоҳир ибн ал-Хусайн ал-Воиз ал-Мажубситий — у уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/200).

2. Ал-Хусайн ал-Мажубситий

(Абу Али) ал-Хусайн ал-Воиз ал-Мажубситий — у уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/200).

826

АЛМАЖУБСИЙ

«Мажубс»га нисбат берилган. Мажубс — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Муҳаммад ал-Мажубсий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ

ибн Ҳошим ал-Мажубсий — Мажубс қишлоғи аҳлидан бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/201).

827

АЛМАЖДУВОНИЙ

«Маждувон»га нисбат берилган. Маждувон — Насаф қишлоқларидан бири. Ушбу жойга мансуб олимлар:

1. Муҳаммад ал-Маждувоний (ваф. 378/989 й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн ан-Назр ибн Рамазон ал-Муаззин аз-Зоҳид ал-Маждувоний — ибодатли, маърифатли, баракатли, солиҳ ва жуда моҳир шоир бўлган. Ғариб ҳадисларни тўплашга интилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 378 х.й. шаввол ойида вафот этган (2: 5/68; 11: 5/201).

2. Муҳаммад ал-Маждувоний (ваф. 387 х.й.)

(Абу Зарр) Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ан-Назр ибн Рамазон ал-Муаззин аз-Зоҳид ал-Маждувоний — Абу Жаъфар ал-Маждувонийнинг ўғли. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 387 х.й.да вафот этган (11: 5/201).

328 ал-Маждувоний/ал-Маждуний/ал-Мухтасиб/ал-Махмудий

3. Аҳмад ал-Маждувоний (ваф. 419 х.й.)

(Абулхайсам) Аҳмад ибн Амр ал-Маждувоний ан-Насафий, Самарқандда истиқомат қилган ва ўша ерда 419 х.й.да вафот этган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/201).

828

АЛМАЖДУНИЙ

«Миждун»га нисбат берилган. Миждун — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Абдуллоҳ ал-Маждуний

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маждуний ал-Муаззин ал-Аздий — фозил шайх бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/69; 11: 5/202).

829

АЛМУХТАСИБ

«МухдТасиб»га нисбат берилган. Мух.тасиб — Бухорода тоштарозуларни текширадиган, кўча-куйда одамларни яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан кайтарадиган шахе. Ушбу номга нисбат берилган олимлар:

1. Муҳаммад ал-Мухтасиб

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Яҳё ибн Шаъс ал-Бухорий ал-Мухтасиб — бухоролик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/212).

2. Аҳмад ал-Мухтасиб
(Абу Ҳафс) Аҳмад ибн Уҳайд ибн Ҳамдон ал-Абраҳиний ал-Мухтасиб — бухоролик фақиҳ бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/212).

3. Мансур ал-Мухтасиб (ваф. 381 х.й.)

(Ал-Ҳоким Абу Наср) Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳарб ал-Мухтасиб — Бухоро ва Марвда ҳадисларни ёзиб олиб, уларни жамлаган ва тасниф қилган. Бухорода узок вақт мухтасиблик қилган. Ҳадис тўплашга катта эътибор берган, ишини мукамал адо этадиган инсон бўлган. Шом ва Ироққа бориб, у ерда устозлардан ҳадислар ёзиб келган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 381 х.й.да вафот этган (11: 5/212).

830

АЛМАХМУДИЙ

«Мах,муд»га нисбат берилган. Мах,муд — бухоролик нисбат берилаётган шахсларнинг боболари. Мазкур ном

билан нисбат берилган олимлар:

1. Аҳмад ал-Махмудий (ваф. 374 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Махмуд ибн Мағлис ал-Махмудий ал-Муаддил ал-Бухорий — бухоролик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 374 х.й.да вафот этган (11: 5/219).

2. Али ал-Махмудий

(Абулҳасан) Али ибн Абдуррахмон ибн Иброҳим ибн Махмуд ибн Мужоҳид ибн Халаф ибн Ёна ибн Килоб ал-Махмудий — Омул Жайхуннинг ҳукуматида ишлаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/219).

3. Яҳё ал-Махмудий (ваф. 384/994 й.)

(Абу Закариё) Яҳё ибн Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Махмуд ал-Бухорий ал-Махмудий — бухоролик, Бухоро имомининг ўғли, ўз даврида Бухородаги аҳли ҳадиснинг пешвоси бўлган. Хуросон ва Ироққа бориб ҳадис эшитган. Сўнгра Нишопурга етук фақиҳ бўлиб келган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 384 х.й.нинг сафар ойида Бухорода вафот этган (11: 5/219).

831
АЛМАДУВИЙ

«Мадува»га нисбат берилган. Мадува — Хуросондаги «Панж дел» яоми билан аталадиган беш қишлоқнинг бири. Бу жойдан бир қанча мух, аддислар етишиб = ш<#ан. Мазкур маконга мамсуб олимлар:

1. Убайдуллох ал-Мадувий

Абулқосим) Убайдуллох : :н Махмуд ибн Акмад ибн !;.^саммад ибн Юсуф ибн -.Глуррахмон ал-Мадувий. уламолардан ҳадис :::зоят қилган, уламолар ундан ривоят :01\ганлар (11: 5/232).

832
АЛМАДЁНКАСИЙ

*Маждувон»га нисбат берилган. Маждувон — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Илёс ал-Мадёнкасий

»Абулҳудар) Илёс ибн \=фс ал-Бухорий ал- !=лёнкасий. Ироқда ган. У уламолардан глис ривоят қилган, - Исмоил хам ундан ривоят •ланлар (И: 5/234).

833
АЛ-МАДИНИЙ -
АЛБУХОРИЙ

Матх,ур Бухоро
шах,рига нисбат

берилган. Ушбу шаҳарга қилганлар. 485 х.й.да мансуб бўлган олимлар: туғилган (2: 5/93; 11: 5/238).

1. Муҳаммад ал-Мадиний

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Усмон ал-Мадиний ал-Паздавий — солих шайх, хушхулк, зукко ва художўй бўлган. Доимий равишда рўза тутган, кечалари эса таҳажжуд намозларини канда қилмаган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар хам ундан ривоят қилганлар (11: 5/238).

2. Умар ал-Мадиний

(Абу Ҳафс) Умар ибн Абу Бакр ал-Мадиний ас-Собуний — Абу Абдуллох ал-Мадинийнинг биродари. Доно шайх бўлган, фақирларга саховатпешалиги билан танилган, биродарининг устозларидан ҳадис эшитган. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/238).

3. Махмуд ал-Мадиний (тав. 485 х.й.)

(Абу Аҳмад) Абу Саъд Махмуд ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Али ибн Юсуф ибн Умар ас-Собуний ал-Марвазий ал-Бухорий ал-Мадиний — бухоролик бўлган. Бухоро шаҳрининг ички қисмида яшаган. Солих инсон, кўп хайрли амаллари билан танилган зот бўлган. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят

834

АЛМАДИНИЙ-АС-САМАРҚАНДИЙ

Самарқанд шах,рига нисбат берилган.

1. Исмоил ал-Мадиний

(Абу Бакр) Исмоил ибн Аҳмад ал-Мадиний ас-Самарқандий — у уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар хам ундан ривоят қилганлар (2: 5/94; 11: 5/238).

2. Муҳаммад ал-Мадиний

(Абу Муҳаммад) Муҳаммад ибн Убайдуллох ибн Муҳаммад ал-Мадиний ас-Самарқандий. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/94; 11: 5/238).

3. Абдуллох ал-Мадиний

(Абу Муҳаммад) Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Солих ибн Масовир ал-Баззор ал-Мадиний — у уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/94).

4. Муҳаммад ал-Мадиний

Муҳаммад ибн Исо ибн Қурайш ибн Фарқад ал-Ғаззол ал-Мадиний ас-Самарқандий. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят

қилганлар (2: 5/94; 11: 5/239).

5. Мухаммад ал-Мадиний (454-550 х.й.)

(Абулмаъолий)

Мухаммад ибн Наср ибн Мансур ибн Али ибн Мухаммад ибн Яъло ибн ал-Фазл ибн Тохир ибн Салма ибн Алқама ибн Алоих ибн Авф ибн Аҳвас ибн Холид ибн Калб ибн Соъсоъ ибн Омир ал-Авфий ал-Омирий ал-Хатиб ал-Мадиний ас-Самарқандий — ёши улуг ва кўпни курган табаррук шайх. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 454 х.й.да таваллуд топган, 550 х.й.да вафот этган (11: 5/239).

6. Абдуллоҳ ал-Мадиний

(Абу Мухаммад) Абдуллоҳ ибн Мухаммад ал-қассом ал-Мадиний ас-Самарқандий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/94).

7. Али ал-Мадиний

Али ибн Исҳоқ ал-Муфассир ал-Мадиний — у уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/94).

8. Мухаммад ал-Мадиний

(Абу Мухаммад) Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Аҳмад ибн Саҳл ал-Мадиний ас-

Самарқандий — Абу Мухаммад ал-Балхийнинг набираси сифатида маълум. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/94).

9. Мухаммад ал-Мадиний

Мухаммад ибн Авн ал-Мадиний ас-Самарқандий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/94).

10. Мухаммад ал-Мадиний

Мухаммад ибн Омир ибн Мухаммад ал-Мадиний ас-Самарқандий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/94).

835

АЛМАДИНИЙ-АЛ-МАРВАЗИЙ

Марв шаҳрига нисбат берилган. Ушбу шах, арга нисбат берилган олимлар:

1. Мухаммад ал-Мадиний

(Абу Язид) Мухаммад ибн Яҳё ибн Холид ибн Язид ибн Мати ал-Мадиний. Марв шаҳрининг ички қисмида яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/94; 11: 5/236).

2. Хотим ал-Мадиний

(Абу Рух) Хотим ибк Юсуф ал-Мадиний ал-Марвазий ал-Обид. Мари шаҳрининг ички қисмида яшаган. У уламолардан уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/236).

836

АЛ-МАДИНИЙ-АН-НАСАФИЙ

Насаф шаҳрига нисбат берилган.

1. Ҳомид ал-Мадиний (ваф. 311/924 й.)

(Абу Мухаммад) Ҳомид ибн Шокир ибн Сура ИБЕ Нушон ал-Варроқ ал-Мадиний ан-Насафий — Имом ал-Бухорийдан «ал-Жомий ас-сахих» («Ишончли тўплам»)ни ва Имом ат-Термизийдан «Сунани Термизий»ни ривоят қилган ишончл.; ровий. У уламолардан уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 311 х.й зу-л-ҳижжа ойининг душанба куни вафот этган (2: 5/97; 11: 5/339).

2. Жаъфар ал-Мадиний

(Абулфазл) Жаъфар ибн ас-Содиқий ал-Мадиний. Насаф шаҳрининг ички қисмида яшаган. Ироқ ва бошғал кўплаб юрт эгаларининг эртақлари, шеър, хикоя н; маталларини ёд олган эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/239).

837
АЛМАЗЁМАЖАКАСИЙ

«Мазёмажакаас»га нисбат берилган. У — Самарканд қишлох, -ларидан бири. Мазкур к,ишлокк,а мансуб бўлган олимлар:

1. Жаъфар ал-Мазёмажакасий (ваф. 360 х.й.дан олдин)

(Абу Муҳаммад) Жаъфар ибн Муҳаммад ион Хожиб ал-Мазёмажакасий — саҳих хадислар эшитган, Имом ал-Бухорийнинг дўсти бўлган. 358 х.й.да Дабусияга келган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 360 х.й.дан элдин вафот этган (11: 5/244).

838
АЛМАЗЁНКАНИЙ

«Мазёнкан»га нисбат берилган. Мазёнкан — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Илёс ал-Мазёнканий (Абулхудар) Илёс ибн Хафс ал-Мазёнканий — у уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/244).

839
АЛМАРОБИТИЙ

«Муробит»га нисбат берилган. Муробит — Бухоро яқинидаги чегара

минтақларида жойлашган работларда яшовчи чегарач илардир.

1. Иброҳим ал-Маробитий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Абу Бақр ал-Маробитий — бухоролик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/247).

840
АЛМАРОЖИЛИЙ

«Марожил»га нисбат берилган. Марожил — Бухорода цозон ясаи билан шуғулланадиган х,унармандларнинг касб номи. Ушбу ном билан танилган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Марожилий

Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн ал-Ҳасан ал-Марожилий — бухоролик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/247).

841
АЛ-МАРОҒАЙ

«Мароға»га нисбат берилган. Мароға — Озарбайжоннинг энг йирик ва энг машх,ур шах,ри. Мазкур шах,арга мансуб олимлар:

1. Абдулбоқий ал-Мароғай (401-492 х.й.)

(Абу Туроб) Абдулбоқий ибн Юсуф ибн ... ибн

Хорун ал-Мароғай. У Нишопурга борган, хушхулкли, фазилатли ва художўй имом бўлган. Бағдодда фикх илмини ўзлаштирган, сўнгра Нишопурга борган ва у ернинг муфтийси бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 401 х.й.да туғилган, 492 х.й.да эса вафот этган (11: 5/247).

2. Али ал-Мароғай (ваф. 516 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Ҳаскавайх ибн Иброҳим ал-Мароғай — фозил, маърифатли, хушхулк, фақих олим ва суфий бўлган. Бағдодда фикх илмини ўзлаштирган. Вафот этгунига қадар Марв шаҳрида яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 516 х.й.да вафот этган (11: 5/246).

3. Жаъфар ал-Мароғай (ваф. 356 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳорис ал-Мароғай. Нишопурда яшаган. Дамашқ ва бошқа шаҳарларда хадис эшитган. Хадис талабида кўп юртларни кезган, хадис тўпловчиларнинг энг ғайратлиси ва энг кўп хадис йиққанлардан хисобланади. Олтмишдан зиёдроқ йил давомида ўз кўллари билан хадислар ёзиб, бу машғулотини вафот топгунга қадар

**ал-Мураббаъай/ал-Мирзибоний/ал-Мурзиний/ал-Миристий/
332 ал-Мирғибоний/ал-Марғбуний**

давом эттирган. Энг ишончли ва энг собит инсон бўлган. Бағдод, Басра, Куфа, Ахваз, Миср, Мовсул, Асқалон ва бошқа юртларни кезиб ҳадис эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 356 х.й.да вафот этган (2: 5/109; 11: 5/246).

**842
АЛМУРАББАЪАЙ**

«Мураббаъа»га нисбат берилган. Мураббаъа — Самарқанддаги работ.

1. Наср ал-Мураббаъай (ваф. 316 х.й.)

(Абу Мансур) Наср ибн ал-Фатх ибн Язид ал-Аткий — «ал-Фомин ал-Мураббаъай» номи билан ҳам маълум, самарқандлик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 316 х.й.да вафот этган (11: 5/252).

**843
АЛМИРЗИБОНИЙ**

«Мирзибон»га нисбат берилган. Мирзибон самарқандлик нисбат берилаётган шахслар боболарининг исми.

1. Аҳмад ал-Мирзибоний (ваф. 386/996 й.)

(Абу Солих) Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн ал-Мирзибон ибн Туркаш Тақи ал-

Мирзибоний — Самарқанднинг олим амирларидан. У 352 х.й. Самарқандда Амир Бектошнинг халифаси бўлган. Саҳиҳ ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 386 х.й. жумоду-л-охира ойида вафот этган (11: 5/256).

**844
АЛМУРЗИНИЙ**

«Мурзин»га нисбат берилган. Мурзин — Бухоро қишлоқларидан бири. Ушбу қ,ишлоқк,а мансуб олимлар:

1. Ақмад ал-Мурзиний (ваф. 243 х.й.)

(Абу Хдфс) Аҳмад ибн ал-Фазл ал-Мурзиний. Ўзи мурзинлик, лақаби эса «Хаббоб» бўлган, Ҳижозга кўп сафар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 243 х.й.да вафот этган (11: 5/257).

**845
АЛМИРИСТИЙ**

«Мараст»га нисбат берилган. Марает — «Банжедия» номи билан маълум бет қишлоқдинг бири.

1. Усмон ал-Миристий (435-526 х.й.)

(Абу Сайд) Усмон ибн Али ибн Шараф ибн Аҳмад ал-Миристий —

фазилатли факих бўлган. 435 х.й.да таваллуд топган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 526 х.й.да вафот этгунига қадар ўзини ибодатга бағишлаган (2: 5/124).

**846
АЛМИРҒИБОНИЙ**

«Марғабон»га нисбат берилган. Марғабон — Кеш қишлоқларидан бири.

1. Аҳмад ал-Мирғибоний (ваф. 430 х.й.дан кейин)

(Абу Амр) Аҳмад ибн Абу ал-Бахтарий ибн ал-Ҳасан ал-Марвазий ал-Мирғибоний — марвлик бўлган, Мирғибонда яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 430 х.й.дан кейин вафот этган (2: 5/127; 11: 5/259).

**847
АЛМАРҒБУНИЙ**

«Марғабун»га нисбат берилган. Марғабун — Бухоро қ.ишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа мансуб олимлар:

1. Амр ал-Марғбуний (273 х.й.да ҳаёт бўлган)

(Абу Ҳафс) Амр ибн а\Муғийра ал-Марғбуний. 273 х.й. Бамжаласда ҳадис ривоят қилган. уламолардан, уламолар

хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/259).

2. Мухаммад ал-Марғбуний

(Абу Абдуллох) Мухаммад ибн Аҳмад ибн Ҳарис ибн Ҳамук ал-Марғбуний ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/259).

848

АЛМАРҒИНОНИЙ

«Марғиёна»га нисбат берилган. Марғиёна — Мовароуннах, рнинг Фарғона минтақасидаги энг лшшхур шах, ар. Бу макондан бир гурух, фозил уламолар етишиб чиққан:

1. Юсуф ал-Марғиноний

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Аҳмад ибн Ҳамза ибн Маъмун ибн Юнус ибн Нож ал-Марғиноний — Фарғонанинг Марғинонилан бўлган. Маккага бориб, у ерда ҳадис эшитган, Яман ва Наждга бориб ҳадислар ривоят қилган. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис оивоят қилганлар (11: 5/260).

2. Баҳром ал-Марғиноний (ваф. 516 х.й.)

(Абулмузаффар) Баҳром ибн Ҳамза ибн ал-Муборак ал-Марғиноний, Сарахсда

истиқомат қилган ва ўша ерда 516 х.й.да вафот этган. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/260).

3. Абдулазиз ал-Марғиноний (ваф. 477 х.й.дан кейин)

(Ал-Имом) Абдулазиз ибн Абдураззоқ ибн Абу Наср ибн Жаъд ибн Сулаймон ибн Миткон ал-Марғиноний. Самарқандда бўлган, у ерда ҳадис ривоят қилган, сўнгра ўз юрти Марғинонга қайтиб келган. Унинг олти нафар фарзанди бўлиб, уларнинг барчаси таълим бериш ва фатво чиқаришга кодир бўлган. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 477 х.й.дан кейин 68 ёшида вафот этган (11: 5/260).

4. Қайс ал-Марғиноний (ваф. 526/1132 й.)

(Ал-Амир ал-Имом Абулмаъолий) Қайс ибн Исҳоқ ибн Мухаммад ибн Амирак ал-Марғиноний — фозил имом бўлган. Самарқандда бир муддат яшаган, у ерда таҳсил олган. У 526 х.й. 19 шавволда жума куни Самарқанд жомеъ масжидида мунозара ўтказиб бўлиб, рўзадор холида вафот этган. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/260).

5. Наср Марғиноний

(Ал-Имом Абулҳасан) Наср ибн ал-Ҳасан ал-Марғиноний — номдор имом ва уламолардан бўлган. Ҳикмат ва зухд ҳақида ажойиб шеър тасниф этган, ҳар ерда танилган. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/260).

6. Али ал-Марғиноний (ваф. 593/1197 й.)

(Абулҳасан) Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил (Бурҳонуддин). Ал-Марғиноний — ханафий мазхабида бўлган, факих, муҳаддис, ҳадис илмида хофиз, муфассир бўлиш билан бир қаторда яна турли илм соҳаларида фаолият олиб борган. Асарлари: Шайбонийнинг «ал-Жомий ал-кабийр» («Катта тўплам») асарига шарҳ, «ал-Мазид фи фуруъи-л-ханафия» («Ханафий мазхаби фуруъ ал-фикҳига қўшимча»), «Бидоят-л-мубтади фи-л-фуруъ» («Фуруъ ал-фикҳни ўрганишни бошлаганларга бошланғич қўлланма») — ушбу асари аввалгисининг қисқартирилган шаклидир. Унда айтилишича, муаллиф «Мухтасару-л-Қудурий» («Қудурийнинг мухтасари») ва «ал-Жомий ас-сағийр» («Кичик тўплам»)ни жамлаган, тартибида эса «ал-Жомий»нинг тартибини қўллаган. «Шарҳу

334 ал-Марғинович/ал-Марандий

бидояти-л-мунтахий» («Бидоят-л-мунтахий»га шарх) — унинг йирик асари бўлиб, унинг бир нодир нусхаси Истанбулдаги умумий кутубхонада сақланади. Шунингдек муаллиф қаламига мансуб «ал-Хидоя» («Хидоя»), «Кифоят-л-мунтахий» («Якунловчиларни кониктирувчи китоб»), «ат-Тажнис ва-л-мазид» («Турдош масалалар ва қўшимчалар»), «Мухторул-фатово» («Танланган фатволар тўплами») каби асарларнинг бари ханафий мазҳабининг фуруъ-л-фикҳи бўйича тасниф этилган (15: 4/228; 17: 2/411).

7. Али ал-Марғинович (ваф. 506/1112 й.)

(Захируддин) Али ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ал-Марғинович — фақиҳ бўлган. Тасниф этган асарлари: «Фатово» («Фатволар»), «Фавоид» («Фойдалар»), «Маноқиб-л-Имоми-л-аъзам» («Имоми Аъзам манокиблари»), «Ақдиятур-расул (с.а.в.)» [«Пайғамбар (с.а.в.) жавоб берган масалалар тўплами»] (15: 4/189; 17: 2/459).

8. Умар ал-Марғинович (ваф. 600/1204 йилдан кейин)

Умар ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-

Фарғоний ал-Марғинович — фақиҳ бўлган. Унинг тасниф этган асарлари: «Жавохиру-л-фикҳ» («Фикҳ жавохирлари»), «ал-Фавоид фи фуруъ-л-фикҳ» («Фуруъ ал-фикҳдаги фойдалар») (14: 44; 17: 2/567).

9. Абдурахим ал-Марғинович (651/1253 йилда ҳаёт бўлган)

(Абулфатх, Зайнуддин) Абдурахим ибн Абу Бакр ибн Имоуддин ибн Абу Бакр Али ибн Абдулжалил ал-Марғинович ал-Фарғоний ас-Самаркандий — ханафий фақиҳ бўлган. Унинг асарлари: «Фусулу-л-аҳком ли усули-л-аҳком» («Асосий усул ҳукмларга иккиламчи фасл ҳукмлар»), мазкур китоб «Фусулу-л-Имодий» («Имодийнинг ҳукмлари») номи билан танилган (17: 2/129).

10. Ал-Ҳасан ал-Марғинович (ваф. тахм. 651/1203 й.)

(Абулмаҳосин, Захируддин) ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғинович — ханафий фақиҳ бўлган. У шартлар ва олдибердини қайд этиш илми бўйича асарлар тасниф этган. Унинг фатволар чиқаргани ҳам маълум (17: 1/573).

11. Маҳмуд ал-Марғинович (551 — 616/1156-1219)

(Бурхонуддин) Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Мозах ал-Бухорий ал-Марғинович ал-Ханафий — фақиҳ бўлган. Мовароуннахрнинг Марғиновичда таваллуд топган, Бухорода вафот этган. Асарлари: «ал-Важиз фи-л-фатово» («Мухтасар фатволар тўплами»), бир неча жилдлик «ал-Мухит ал-Бурхоний фи-л-фикҳи-н-нуъмоний» [«Нуъмоний фикҳга Бурхонийнинг «ал-Мухити», муаллиф ушбу китобини «аз-Захира» («Захира») деб хам номлаган], «Шарх ал-Жомий ас-сағийр ли-пг-Шайбоний» («Шайбонийнинг «ал-Жомий ас-сағийр» асарига шарх»), «ат-Тажрид» («Мавҳумлик») — ушбу асарларнинг бари ханафий фуруъ ал-фикҳи бўйича таълиф этилган. Шунингдек, унинг «Татиммату-л-фатово» («Мукаммал фатволар тўплами»), «Захирату-л-фатово» («Фатволар захираси») ёки «аз-Захира ал-Бурхония фи-л-фикҳ» («Фикҳда ал-Бурхонийнинг «Захира» китоби») каби асарлари бор (14: 52; 17: 3/796).

849

АЛМАРАНДИЙ

«Маранд»га нисбат берилган. Маранд — Озарбайжоннинг машхур

шах, арларидан. Ушбу шах, арга мансуб олимлар:

1. Абулхасан ал-Марандий (ваф. 1349/1930 й.)

Абулхасан ал-Марандий — олим бўлган. Нажафда аш-Шаробёний ва бошқаларнинг қўлида тахсил олган ҳамда ўша ерда хукушунослик соҳасида фаолият олиб борган. Унинг асарлари: бир неча жилдлик «Нурул-анвор» («Нурлар нури»), «Бўстон ул-анвор» («Нурлар бўстони») ёки «Ламъату-л-анвор» («Нурлар жилоси»), «Мажмаъу-н-нурайн» («Икки нур туташган жой»), «Лавомиъу-л-анвор» («Нурларнинг пгубалари») (17: 1/593).

2. Али ал-Марандий (1278-1346/1861-1927)

Али Муҳаммад Жавод =л-Марандий — факих бўлган. Асарлари: «Рисола ;илмия» («Илмий рисола»), «Маносику-л-хажж» («Хаж маросимлари») (17: 496).

3. Али ал-Марандий (1287-1370/1870-1951)

Али ибн Муҳаммад Жавод ибн Али ал-Марандий — факих бўлган. Марандда туғилган. Унинг таълими Эронда бўлган. Нажафда яшаган. Унинг таълим-охира ойнасининг 14 кунини жума кечаси охиридан ўтган ва Салом заминини дафн этилган.

Асарлари: 11 жилдлик «Шарху-т-табсира» («Табсира» китобига шарх»), «ал-Фавоид ал-мутафарриқа» («Турфа фойдалар»), «Хошияту-р-расоил» («ар-Расоил»га хошия»), «Хошияту-л-макосиб» («Касблар китобига хошия»), «Хошияту-т-тахора» («Поклик китобига хошия»), «Хошияту-р-риёз» («Риёзат»га хошия»), «Тақриру мабоҳиси-л-алфоз» («Сўзлар борасидаги изланишлар тўплами»), «Хошияту-л-байъ» («Олди-сотди» китобига хошия») (17: 2/496).

4. Абдуллох ал-Марандий (ваф. 541/1146 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуллох ибн Наср ибн Абдулазиз ибн Сувайд ал-Марандий — нотик ва фазилатли бўлган. Бир муддат Марвда яшаган. Тил, назм ва наср бўйича олий сифатли ишлари бўлган. Хати ҳам жуда бежирим эди. Бағдодда бир мактабда маълум муддат яшаган, сўнгра Марвга бориб, у ерда Қорибос деган жойда 15 йил истиқомат қилган, кейинчалик эса Марваррузга бориб, у ерда хали кўп яшамай туриб, 541 х.й. ашуру кунини оламдан ўтган (11: 5/261).

5. Иброҳим ал-Марандий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн ал-Азхар ал-Марандий ал-Ҳофиз. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/261).

6. Ал-Халил ал-Марандий (ваф. 512/1118 ёки 612/1215 й.)

(Абулвафо) ал-Халил ибн ал-Муҳсин Муҳаммад ал-Марандий — солих факих ва тўғри йўлда бўлган. Бағдодда фикх илмини ўрганган ва ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 512 ёки 612 х.й.нинг жумоду-л-охира ойида вафот этган (2: 5/130; 11: 5/261).

7. Муҳаммад ал-Марандий (ваф. 325 х.й.дан кейин)

(Абу Бакр) (Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Мусо ибн Солих ал-Марандий ал-Озарбайжоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 325 х.й.дан кейин вафот этган (11: 5/261).

8. Ҳибатуллох ал-Марандий (ваф. 460 х.й.дан кейин)

(Абулфараж) Ҳибатуллох ибн Наср ибн Аҳмад ал-Марандий. Бағдодга келиб, у ерда тахсил олган, уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят

336 ал-Марандий/ал-Марваррузий

қилганлар. 460 х.йдан кейин вафот этган (11: 5/261).

9. Муҳаммад ал-Марандий (433 х.й.да ҳаёт бўлган)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Ёндор ибн Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Коко ал-Марандий. Унинг 433 х.й. Дамашқда ҳадис ривоят қилгани маълум. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/129).

850

АЛ-МАРВАРРУЗИЙ

«Марварруз»га нисбат берилган. Марварруз — Марв Шоқанжох, яқинидаги. шах, ар бўлиб, катта даре бўйида жойлашган. Ушбу шақарга мансуб бўлган олимлар:

1. Аҳмад ал-Марваррузий (ваф. 362/973 й.)

(Абу Ҳомид) Аҳмад ибн Омир ибн Башар ибн Ҳомид ал-Марваррузий аш-Шофиъий — усул бўйича фақиҳ бўлган. Басрага борган ва у ерда яшаб, таҳсил олган ҳамда қозилик даражасига кўтарилган. Басра фақиҳлари ундан таълим олганлар. Унинг энг кўзга кўринган шогирди Абу Хайён ат-Тавҳидий бўлган (2: 5/132; 11: 5/262; 16: 22/52; 17: 1/161).

2. Муҳаммад ал-Марваррузий (ваф. 599/1203 й.)

(Захируддин) Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Марваррузий ан-Найсобурий аш-Шофиъий — муфассир бўлган. Асарларидан: «ал-Басоир фи тафсири-л-Қуръон» («Қуръон тафсиридаги ақлий далиллар») (17: 3/707).

3. Аҳмад ал-Марвазий (ваф. 275/888 й.)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳажжож ал-Марвазий — ханбалий мазҳабидаги фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Художўй ва фозиллиги учун Аҳмад ибн Ҳанбал билан мулоқотларда бўлган ва унинг энг яқин сафдошларидан ҳисобланган. Аҳмад ибн Ҳанбал унга яхши муносабатда бўлар ва ўзига яқин тутар эди. Аҳмад ибн Ҳанбал вафот этганда, уни кўмиш ишларини бўйнига олган ва уни ўзи ювган. У Аҳмад ибн Ҳанбалдан кўплаб масалалар ва ҳадисларни ривоят қилган. Бағдодда 275 х.й. жумоду-л-увло ойида вафот этган. Унинг асарлари кўп: «ас-Сунан бишавоҳиди-л-ҳадис» («Ҳадислар далил бўлган суннатлар»), «Ахбору-ш-шуйух ва ахлоқиҳум» («Ровийлар ва уларнинг ахлоқлари ҳақида маълумотлар китоби»), «Китобу-л-вараъ» («Вараъ

китоби») (2: 5/132; 11: 5/262; 17: 1/256).

4. Ал-Ҳусайн ал-Марвазий (ваф. 462/1069 й.)

(Абу Али) (Абу Муҳаммад) ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Марвазий аш-Шофиъий. Унинг имом, усул ал-фиқҳ фақиҳи ва қози бўлгани маълум. Марваррузда муҳаррам ойининг 23 кун вафот этган. Асарлари: «Талхису-т-тахзиб ли-л-Бағавий фи фуруъи-л-фиқҳи-ш-Шофиъий» [«Шофиъий мазҳаби фуруъ ал-фиқҳига оид ал-Бағавийнинг таҳзиби кискартмаси», уни «Лубобу-т-тахзиб» («Маълумотлар мағзи») деб ҳам атайдилар], «Шарху фуруъи ибн Ҳаддод фи-л-фиқҳ» («Ибн Ҳаддоднинг фуруъ ал-фиқҳидаги асарига шарх»), «Асрору-л-фиқҳ» («Фикҳ асрорлари»), «ат-Таълиқ ал-кабийр» («Катта изоҳ»), «Фатово» («Фатволар») (11: 5/262; 16: 175/400; 17: 1/634).

5. Муҳаммад ал-Марваррузий

(Абу Зухайр) Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Марваррузий — Ироқда яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/264).

6. Муҳаммад ал-Марваррузий

Мухаммад ибн Иброҳим ибн Яҳё ибн Жанода ал-Марваррузий — у уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/262).

7. Мухаммад ал-Марваррузий

(Абулхусайн) Мухаммад ибн Алишоҳ ал-Марваррузий — у уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/262).

8. Ан-Назр ал-Марваррузий

(Абулхасан) ан-Назр ибн Шамил ибн Харша ибн Язид ибн Кулсум ал-Мозаний ал-Марваррузий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/263).

9. Юсуф ал-Марваррузий (ваф. 296 х.й.)

(Абу Яъқуб) Юсуф ибн Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Холид ибн Хамук ал-Марваррузий — Хуросоннинг энг кўзга кўринган муҳаддис-ларидан бўлган. Хуросон, Бағдод, Басра, Куфа, Хижоз ва Мисрга бориб, хадисларни жамлаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 296 х.йда зафот этган (11: 5/264).

10. Халаф ал-Марваррузий (ваф. 506/1112 й.)

(Абу Бакр) Халаф ибн Лҳмад ибн Абу Аҳмад ибн Мухаммад ибн Матвия ал-

Марваррузий — хадис ва фазилат ахлидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 506 х.й. ражаб ойида оламдан ўтган (2: 5/132).

11. Аҳмад ал-Марваррузий

(Абуннаср) Аҳмад ибн Мухаммад ибн Алишоҳ ал-Марваррузий — «ал-Фавоид ва-л-мавоид» («Фойдалар ва дастурхонлар») китобининг муаллифи (11: 5/262).

12. Сурайж ал-Марвазий (ваф. 235/849 й.)

(Абулхорис) Сурайж ибн Юнус ал-Марвазий ал-Бағдодий — муҳаддис, муфассир, факих ва қори бўлган. Асарлари: «ат-Тафсир ат-тарих» («Тафсир ва тарих»), «ан-Носих ва-л-мансук» («Хукми бекор қилувчи ва бекор бўлган оятлар»), «ал-Қироот» («Қироатлар»), «ас-Сунан фи-л-фикх» («Фикхий услублар»), «Китобу-л-казо» («Қозилик китоби») (И: 5/262; 17: 1/755).

851

АЛМАРВАЗИЙ

Марв аш-Шох,жон — азим Марвага нисбат берилган бўлиб, у Хуросоннинг энг лшшдур ва энг эътиборли шах,аридир. Бу шақарга сах,обий Бурайда келган

ва у ерда вафотиға қадар истиқомат қилган. Бу жойда тўрт сах,обанинг шабрлари бор, улар: Бурайда ибн ал-Хусайб, ал-Ҳакам ибн Амр ал-Ғифорий, Сулаймон ибн Бурайда. Ушбу шах,арга нисбат берилган олимлар:

1. Иброҳим ал-Калабодий ал-Марвазий (ваф. 340 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Мухаммад ал-Калабодий. У «ал-Холид Ободий ал-Марвазий» деб ҳам аталган. Зоҳид бўлган. 340 х.й.да вафот этган. Асарлари: «Шарафу-л-фикх ала-л-фанн» («Фикхнинг бошқа илмларга нисбатан шарафи») (24: 1/6).

2. Мухаммад ал-Марвазий (ваф. 450/1058 й.)

(Абу Мансур) Мухаммад ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад ибн Мухаммад ибн Жаъфар ибн Мухаммад ас-Самъоний ал-Марвазий ат-Тамимий — факих, усулчи, муҳаддис, тилшунос ва араб тили билимдони бўлган. Унинг фикх, хадис, усул, араб тилига оид асарлари бўлган, жумладан: «Тухфату-л-ийдайн» («Икки ҳайитга туҳфа»), «Духулу-л-хаммом» («Хаммомга кириш») (17: 3/384).

3. Иброҳим ал-Марвазий (ваф. 340/951 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Марваррузий аш-Шофиъий — ал-Музнийнинг шогирдларидан, факих бўлган. Мисрга борган ва ўша ерда вафот этган. Китоблари: «Шарху мухтасари-л-Музний» («Мухтасару-л-Музний»га шарх), «ал-Фусул фи маърифати-л-усул» («Ассларни билишдаги фасллар»), «аш-Шурут вал-васоик» («Шартлар ва васоикалар»), «ал-Васоё» («Васиятлар»), «Ҳисобу-д-давр» («Давр ҳисоб-китоби»), «Китобу-л-хусус ва-л-умум» («Шахсий ва умумий мулк китоби») (3: 2/7; 17: 1/9; 18: 6; 22: 1/6).

4. Иброҳим ал-Марвазий (211/826 й.)

(Абу Бакр) Иброҳим ибн Рустам ал-Марвазий — ханафий факих бўлган. Асарлари: «ан-Наводир фи фуруъи-л-фикҳ» («Фуруъ ал-фикҳда нодир ҳолатлар») — муаллиф уни Муҳаммад аш-Шайбонийга таяниб ёзган (14: 3; 17: 1/26; 22: 1/4).

5. Аҳмад ат-Табарий (ваф. 377/987 й.)

(Абу Ҳомид) Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али ал-Марвазий — ханафий, «Ибн Табарий» номи билан ҳам машҳур, усул ал-фикҳ фақиҳи ва тарихчи бўлган. Кўплаб

ҳадислар ед олган ва тафсир илми билан таниш бўлган. Отасининг келиб чиқиши Ҳамадондан. Ўзи Хуросонда кози даражасига кўтарилган. Кексайган чоғида Бағдодга борган. Сафар ойида Марвда оламдан ўтган. Асарлари: «Китобу-т-тарих» («Тарих китоби») (14: 12; 17: 1/129).

6. Аҳмад ан-Насоий (256/870 йилдан олдин хаёт бўлган)

Аҳмад ибн Суфён ан-Насоий, «ал-Марвазий» деб ҳам юритилади — муҳаддис бўлган. У Авн ибн Аммора ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан Имом ан-Насоий, Имом ал-Бухорий, Муҳаммад ибн ал-Мусаййиб ал-Ирғиёний ҳадис ривоят қилганлар. То вафот этгунигача қадар ўз умрини ҳадисларни тўплаш ва тасниф қилишга бағишлаган (17: 1/146).

7. Аҳмад ибн Сайёр (198-268/814-881)

(Абулҳасан) Аҳмад ибн Сайёр ибн Айюб ибн Абдуррахмон ал-Марваррузий аш-Шофиъий — муҳаддис ва факих бўлган, Шом ва Мисрга борган. Ҳадисларни жамлаган, тасниф қилган, ўзи ҳам ҳадислар ривоят қилган. Баҳор фаслида оламдан ўтган. Асарларидан: «Китобу футуҳи Хуросон» («Хуросоннинг фатҳ

этилиши китоби»), «Китоб фи ахбори Марв» («Марв ҳақидаги маълумотлар китоби») (17: 150).

8. Аҳмад ал-Марвазий (202-292/815-905)

(Абу Бакр) Аҳмад ибн Али ибн Сайд ибн Иброҳим ал-Умавий ал-Марвазий — Дамашқнинг козиси бўлган. Зу-л-ҳижжа ойининг ўрталарида вафот этган. Асарлари: «Китобу-л-илм» («Илм китоби»), «Китобу-л-жумъа» («Жума китоби») (17: 1/202).

9. Аҳмад ибн Рамиҳ (375/968 й.)

(Абу Сайд) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Рамиҳ ибн Исма ан-Наҳаъий ан-Насавий ал-Марвазий — муҳаддис ва ҳофиз бўлган. Унинг асарлари бор (17: 1/264).

10. Исмоил ал-Марвазий (572-614/1176-1217)

(Абу Толиб) Исмоил ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Азиз ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ас-Содиқ ал-Алавий ал-Ҳусайний — фикҳ, наҳв, ҳадис, усул, насаблар, мунажжимлик шеър каби соҳаларда ижод қилган. Жумоду-лохира ойида таваллуд топган. 592 х.й. ад-Ҳажжож билан Бағдодга

келган ва бу ерда адабиёт билан машғул бўлган. Унинг 614 ҳ.й. Марвда ҳаёт бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Асарлари: тахминан 60 жилдлик «Ҳазирату-л-қудс» («Жаннат»), «ал-Муъжаз фи-н-насаб» («Мухтасар насабнома»), «Хулосату-л-итраи-н-набавия фи ансоби-л-мусавия» («Мусога мансуб шахсларнинг насаблари ҳақида Пайғамбар я қ и н л а р и н и н г хулосалари», «Зубдату-толибия» («Толиби илмларга қаймоқ китоб»), Китобу-л-мусаллас фи-н-насаб» («Насабномага оид учлик китоб») (17: 1/362).

11. Жаъфар ал-Марвазий (ваф. 274/887 и.)

(Абулаббос) Жаъфар ион Ахмад ал-Марвазий — турли илм соҳаларида нжод қилган, Ахвазда зафот этган. Китоблари Бағдодга олиб борилиб, 274 ҳ.й. ўша ерда сотилган. Асарлари: «ал-Масолик ва-л-мамолик» «Йўллар ва мамлакатлар»), «Китобу-адаби-л-кабийр» Адабиёт бўйича катта китоб»), «Тариху-л-кироат ли таъйиди кутуби-с-султон», «ал-Балоға ва-л-хитоба» Балоғат ва нотиклик»), (Китобу-н-ножим» ;Қарзлар тўловининг

тартиби ҳақидаги китоб») (17: 1/487).

12. Жаъфар ал-Марвазий (ваф. 447/1055 й.)

(Абулхайр) Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Усмон ал-Марвазий аш-Шофиъий — фақиҳ бўлган. У 418 ҳ.й.да Маърат ан-Нуъмон деган жойга келиб, ўша ерда қолган. Асарлари: «аз-Захира фи-л-мазҳаби-ш-шофиъий» («Шофиъий мазҳаби дурдонаси») (17: 1/497).

13. Ҳабаш ал-Марвазий (227/841 йилда ҳаёт бўлган)

Ҳабаш ибн Абдуллоҳ асли ал-Марвазий, яшаган жойига нисбатан ал-Бағдодий — ҳисобчи бўлган. Халифа Маъмун Муътасим даврида ва улардан кейин ҳам риёзат бўйича олим бўлган. Юз ёшдан ошиб оламдан ўтган. Ёзган китоблари: «аз-Зиж ад-Д и м а ш қ и й » (« Д а м а ш қ и й н и н г а с т р о н о м и к жадваллари»), «аз-Зиж а л - М а ъ м у н и й » (« М а ъ м у н и й н и н г астрономик жадвали»), «ал-Абъод ва-л-ижром» («Масофалар ва жисмлар»), «ар-Рақоим ва - л - м а қ о й и с » («Рақамлар ва ўлчовлар»), «Амалу-с-сутуҳи-л-мабсута ва-л-қоима ва-л-мунҳарифа» («Ёйик,

тикка ва эгри-бугри юзалар иши») (17: 1/523).

14. Ал-Ҳасан ал-Марвазий (ваф. 432/1040 й.)

(Абу Али) Аъло — Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Шуайб ал-Марвазий — шофиъий мазҳабининг фақиҳи бўлган. Рабиъу-лаввал ойида вафот этган. Асарлари: «Шарху китоби-л-фуруъ ли ибни-л-Ҳаддоди-л-Ҳусайни-с-Санжий» («Ибн ал-Ҳаддод ал-Ҳусайн ас-Санжийнинг фуруъ китобига шархи») (17: 1/586).

15. Ал-Ҳусайн ал-Марвазий (ваф. 430/1039 й.)

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн Шуъайб ас-Санжий ал-Марвазий аш-Шофиъий — фақиҳ бўлган (17: 1/612).

16. Ал-Ҳусайн аз-Зағвоний (ваф. 559/1164 й.)

(Абу Абдуллоҳ) ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн Яъқуб ал-Марвазий ал-Аздий аз-Зағвоний — муҳаддис бўлган, кўп ҳадисларни ёд олган, араб тилини мукамал билган. 470 ҳ.й. ёки 480 ҳ.й.дан кейин таваллуд топган. Кўп ҳадис жамлаган, ёзган ва тасниф қилган. Жумоду-л-охира ойида вафот этган (17: 1/636).

340 ал-Марвазий

17. Иброҳим ал-Марвазий (ваф. 985 х.й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Башир ибн Абдуллоҳ ал-Ҳарбий — асли ал-Марвазий, яъни марвлик, яшаш ва вафот топган жойига кўра ал-Бағдодий, яъни бағдодлик бўлган. У 985 х.й.да оламдан ўтган. Асарлари: «Далоилу-н-нубувва» («Пайғамбарлик белгилари»), «Ғарибу-л-хадис» («Ғариб хадислар»), «Маносику-л-хажж» («Ҳаж маросимлари») (22: 1/4).

18. Ал-Ҳусайн ал-Моший (ваф. 359 х.й.)

(Абулқосим) ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Моший ал-Марвазий — марвлик таниқли муҳаддис бўлган. Ҳадис илми пешволаридан хадислар эшитган, Марв ва Бухорода хадис ривоят қилган. Унинг исноди билан хадис ривоятлари кенг тарқалган. 359 х.й. Марвда вафот этган (11: 5/173).

19. Сайд ал-Марвазий (ваф. 227/842 й.)

(Абу Усмон) Сайд ибн Мансур ибн Шуъба ал-Хуросоний, ал-Марвазий, ат-Толиқоний, ал-Балхий — муҳаддис, хофиз ва муфассир бўлган. Жужонда туғилган, Балхда катта бўлган, юрт кезган. Маккада истиқомат қилган ва ўша ерда рамазон ойида 90 ёшида вафот этган.

Асарларидан: «ас-Сунан» («Суннатлар»), «Тафсиру-л-Қуръони-л-карим» («Қуръони карим тафсири») (17: 1/770).

20. Сулаймон ас-Санжий (ваф. 257/871 й.)

(Абу Довуд) Сулаймон ибн Маъбад ибн Кусжон ал-Марвазий ас-Санжий — нахвчи, адиб, шоир, тарихчи ва муҳаддис бўлган. Ироқ, Ҳижоз, Яман ва Мисрга борган. Бағдодга келиб, у ерда хадис хофизлари билан мулоқотда бўлган. Зул-ҳижжа ойида вафот этган. Унинг тарихга оид асари бор (17: 1/797).

21. Абдулкарим Марвазий (ваф. 562 х.й.)

(Абу Саад) Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ибн Муҳаммад ас-Самъоний ал-Марвазий аш-Шофиъий ал-Имом ал-Хофиз Абулмузаффар — пешво фақиҳ ва мазҳабларни яхши билувчи ориф муфти бўлган. 537 х.й.нинг зул-қаъда ойида таваллуд топган. Отаси унга кўп ғамхўрлик кўрсатиб, ўзи билан бирга уни ҳам бошқа ўлкаларга олиб олиб борган. У отасидан кўп хадислар тинглаган. Мўътабар ровийларни яхши билган. Кўпинча Имом ал-Бухорий ва Абу Авонанинг «Саҳих», Абу Довуд, Имом ат-Термизий ва Имом ан-Насоийнинг «Сунан» тўпламларини

ҳамда Яъқуб ибн Суфённинг тарихини тинглаган. Хадисларни жону дилдан яхши қурган. Ўзи учун «Арбаъийн» («Қирк хадис») тузган. 617 х.й.нинг охирларида Татарларнинг Марвга бостириб кириши асносида йўқ қилинган. У тасниф қилган асарлардан: «Ансоб ас-Самъоний» («Самъонийнинг насабнома»си) — мазкур китоб ўз соҳасидаги энг катта ва мукамал асар бўлиб, у 8 жилддан иборат, лекин жуда кам топиладиган ноёб манба. «Ал-Имло ва-л-истимло» («Ҳадис имлоси ва имло қилдириб, ёзиб олиш китоби»), «ал-Амолий ал-хамсумиъа» («Беш юз имло қилинган хадис»), «Тариху Бағдод» («Бағдод тарихи») (14: 2/795; 15: 4/161, 179, 242).

22. Абдуррахмон ал-Марвазий (ваф. 283/852 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдуррахмон ибн Юсуф ибн Харрош ал-Марвазий, ал-Бағдодий — муҳаддис, усулчи ва хадис илмида хофиз бўлган. Асарлари: «Жарҳ ва-т-таъдил» («Ровийларни билиш китоби»), «Мунтақо мина-л-масмў би Марв ан машойихи Бухоро» («Марвда бухоролик ровийлардан эшитилган ривоятларнинг сараланган тўплами») (17: 2/127).

23. Абдуллоҳ ал-Марвазий (384-424/994-1033)

(Абу Бакр) Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Абдуррахмон ибн Шужоъ ал-Марвазий ал-Ҳанбалий — фозил инсон, кўп ривоятли, Куфа мактаби меъёрлари бўйича араб тили билимдони бўлган. Асарлари: наҳвга оид "ал-Ибтидо" («Бошланиш») номли рисола ва етти жиддлик "Китоб мухтасар фи илми Аби Ҳанифа" («Абу Ҳанифа илмига оид мухтасар китоб») — муаллиф ушбу китобини "ал-Муғний" («Кифоя қилувчи») деб ҳам номлаган (17: 2/235).

24. Абдуллоҳ ибн Муборак (118-181/736-797)

(Абу Абдуррахмон) Абдуллоҳ ибн Муборак ибн Возих ал-Ҳанзалий ал-Марвазий — отаси турк, онаси хоразмлик, ўзи олим, фақих, муҳаддис, муфассир, муаррих, наҳвчи, тилшунос ва суфий бўлган. Кўп жойларга сафар қилган. Рамазон ойида ғазотдан қайтаётиб, вафот этган. Тасниф этган асарлари: **! К И Т О Б У - 3 - 3 У Ҳ Д** («Зоҳидлик китоби»), «ас-Сунан фи-л-фикх»; «Фикҳдаги суннатлар»), «Китобу-т-тафсир» («Тафсир китоби»), «Китобу-т-таъриф» («Таъриф китоби»), «ал-Бирр ва-с-сила» («Эзгулик

ва силаи раҳм») ҳамда «Китобу-л-жиход» («Жиход китоби») (17: 2/271).

25. Абуллоҳ ал-Марвазий (220-293/835-906)

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исо ал-Марвазий — муҳаддис, хофиз ва фақих бўлган. Арафа кечаси таваллуд топган. Мисрда бир канча муддат яшаган, сўнгра у ердан кетган. Хуросонда шофиъий мазҳабининг тарғиботчиси бўлган. Фатволар чиқаришда ҳам мазкур мазҳабга таянган. Арафа кечаси Марвда вафот этган. Асарлари: 100 жилдлик «ал-Маърифа» («Билиш»), «Китобу-л-муватто» («Осонлаштирилган тўплам») (17: 2/289).

26. Абдон ал-Марвазий (220-293/835-906)

(Абу Муҳаммад) Абдон ибн Муҳаммад ибн Исо ал-Марвазий — муҳаддис, хофиз ва фақих бўлган. Асарлари: 100 жилдлик «ал-Маърифа» («Билиш»), «Китобу-л-муватто» («Соддалаштирилган тўплам») (17: 2/347).

27. Али ас-Саъдий (154-244/771-858)

Али ибн Ҳажар ибн Иёс ас-Саъдий ал-Марвазий — муҳаддис ва хофиз бўлган, кўп сафарлар қилган. Адаб ва

шеърда ижод қилган, ўзи хуросонлик бўлган, Дамашққа бориб, у ерда ҳадис тинглаган. Жумоду-л-увло ойининг ўрталарида 90 ёшдан ўтиб вафот этган. Асарлари: «Аҳкому-л-Қуръон» («Қуръон ҳукмлари»), «Фавоид фи-л-ҳадис» («Ҳадис фойдалари») (8: 5/229; 17: 2/418).

28. Али ал-Марвазий (ваф. 452/1060 й.)

(Алоуддин) Али ибн ал-Ҳусайн ал-Марвазий — ханафий фақих бўлган. Асарлари: «ал-Жомий фи-л-фикх» («Фикхий тўплам») (17: 2/433).

29. Али ал-Марвазий (ваф. 519/1125 й.)

(Абулҳусайн) Али ибн Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Марвазий — суфий бўлган, шеърлар битган. Асарлари: «Қасида фи-з-зо' ва шарҳуҳо» («Изғи харфи қасидаси ва унинг шарҳи») (17: 2/469).

30. Ал-Фазл ал-Марвазий (ваф. 211/826 й.)

(Абу Муоз) ал-Фазл ибн Холид ал-Марвазий — наҳвчи ва қори бўлган. Асарлари: «Китоб фи-л-кироот» («Кироатлар бўйича китоб») (17: 2/622).

31. Абулқосим ал-Марвазий (ваф. 461/1069 й.)

Абулқосим ибн Иброҳим ибн Абдуррахмон ибн Муҳаммад ал-Марвазий

342 ал-Марвазий

ал-Фавроний — факих бўлган. Асарлари: «Шарху фуруъи ибн ал-Хаддод ал-мисрий фи-л-фикҳи-ш-шофиъий» («Шофиъий мазҳаби фикҳига оид бўлган Ибн ал-Хаддоднинг фуруъ ал-фикҳига шарх») (17: 2/636).

32. Мухаммад ал-Марвазий (371/981 йилдан олдин ҳаёт бўлган)

Мухаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Мухаммад ал-Марвазий аш-Шофиъий. У — 371 х.й.да вафот этган Қафқол аш-Шошийнинг шогирди. Асарлари: «ал-Икноъ фи-л-ҳадис» («Ҳадисларга оид қаноатлангирувчи китоб»), «Тафсиру-л-Масъудий» («Масъудий тафсири») (15: 4/138; 16: 5/351, 559; 17: 3/77).

33. Мухаммад Гурганжий (390-484/1000-1092)

(Абуннаср) Мухаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Хомид ал-Гурганжий ал-Марвазий — кори бўлган, Бағдод, Ҳарон, Миср, Дамашқ, Мовсул ва Хуросонда қироат қилган. Зу-л-ҳижжа ойининг 12-куни оламдан ўтган. Унинг кўплаб китоблари бор, жумладан: «Китобу-т-тазкира» («Тазкира китоби»), «Китобу-л-муъаввал» («Умид китоби») (17: 3/84).

34. Мухаммад ибн ал-Варроқ (ваф. 329/941 й.)

(Абу Бакр) Мухаммад ибн Аҳмад ибн Мухаммад ибн ал-Жаҳм ибн Хубайш ал-Марвазий — «ибн ал-Варроқ» номи билан ҳам танилган, факих бўлган. Асарлари: «ар-Радд ала Мухаммад ибн ал-Ҳасан», («Мухаммад ибн ал-Ҳасанга раддия»), «Масоилу-л-хилоф», («Ихтилофли масалалар») «ал-Ҳужжа ли мазҳаби Молик» («Моликий мазҳаби ҳужжатлари»), «Баёну-с-сунна» («Сунна баёни»), «Шарху мухтасари ибн Абдилҳаким ас-сағийр» («Кичик Абдулҳакимнинг мухтасарига шарх») (17: 3/99).

35. Мухаммад ал-Марвазий (ваф. 279/892 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Мухаммад ибн Жобир ибн Ҳаммод ал-Марвазий — муҳаддис, хофиз ва факих бўлган. У ҳадисларни жамлаган ва уларни мохирона тасниф қилган. Шаввол ойида 70 ёшга чиқмай оламдан ўтган (17: 3/189).

36. Мухаммад аз-Зоғулий (472-559/1080-1164)

(Абу Абдуллоҳ) Мухаммад ибн ал-Хусайн ибн Мухаммад ибн ал-Хусайн ибн Али ибн Яъқуб ал-Марвазий аз-Зоғулий — муҳаддис, хофиз, муфассир,

тилшунос ва факих бўлган. МарварруздагЕ Панждеҳ таркибига кирувчи Зоғул кишлоғида таваллуд топган. Марвда яшаб, ўша ерда шуҳрат қозонган. Ҳадислар жамлаган ва уларни тасниф қилган. Куп ёзган Ҳиротга борган. Жумоду-л-охираинг 12-куни оламдан кўз юмган. Асарлари: «Қайду-л-авобид фи-т-тафсир ва-л-ҳадис ва-л-фикҳ ва-л-луғат» («Тафсир, ҳадис фикҳ ва тилшуносликка оид хайратомуз ҳолатлар қайди») — 400 жилд (17 3/258).

37. Мухаммад ад-Дибожий (517-609/1123-1212)

(Абулфатҳ) Мухаммад ибн Саъд ибн Мухаммад ибн Мухаммад ибн Мухаммад ад-Дибожий ал-Марвазий — адиб ва нахвчи бўлган, турли илц соҳаларида ижод қилган. Асарлари: «Шарху-л-муфассал ли-з-Замахшарий» («Замахшарийнинг муфассалига шарх») — у «ал-Мухассал» («Мағз») деб ҳам юритилади, «Шарху-л-инмузаж ли-з-Замахшарий» («Замахшарийнинг инмузажига шарх») — ушбу иккала асар ҳам грамматикага оид, «Манофиъ аъзои-л-хайвон» («Хайвон аъзоларининг фойдалари»), «Конуну-с-Салоҳий фи адвияти-н-навоҳий» («Салоҳийнинг турли

минтакаларга оид дорилар конун китоби»), «Фулкул-адаб» («Адаб кемаси»), «Ҳадоику-д-дақоик фи шархи рисолати аломатил-ҳақоик» («Ҳақиқатлар аломатлари рисоласи шарҳидаги нозик масалалар бўстони») (17: 3/313).

38. Муҳаммад ал-Масъудий (522-584/1128-1188)

(Абу Сайд, Абу Абдуллоҳ, Тожуддин) Муҳаммад ибн Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Масъуд ал-Масъудий ал-Хуросоний ал-Марвазий ал-Панждеҳий аш-Шофиъий фақиҳ, суфий, муҳаддис, адиб ва тилшунос бўлган. Рабиъул-соний ойининг биринчи куни дунёга келган. Миср подшоси Салоҳуддин Лйюбийга таълим-тарбия берган, Мисрдаги мажлисларда ҳадисларни имло қилдирган. Рабиъул-аввал ойида Дамашқ шаҳрида дунёдан ўтган. Асарлари: «Шарху-лмақомот ли-л-Ҳаририй» «Ҳаририй мақомотларига шарҳлар») — 5 катта жилддан иборат, *ал-Эътибор фи носих ва мансухи-л-ҳадис» «Ҳадиснинг носих ва мансух жиҳатлари ахамияти») (17: 3/402; 16: 23, 631).

39. Муҳаммад ас-Санжий (463-548/1071-1153)

(Абу Тохир) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абу Саҳл ибн Абу Талха ал-Марвазий ас-Санжий, аш-Шофиъий — муҳаддис, хофиз ва нотик бўлган. У 463 х.й. (ёки бундан бир оз илгарироқ) Катта Санж қишлоғида таваллуд топган. Хуросон, Ироқ, Исфохон ва Ҳижоздаги кўплаб халқаларда таҳсил олган. Кўп асарлар ёзган, кўп маълумотларни жамлаб, уларни тасниф қилган. Шаввол ойининг 29-куни вафот этган (17: 3/442).

40. Муҳаммад ал-Масъудий (522-584/1128-1188)

(Абу Сайд, Абу Абдуллоҳ, Тожуддин) Муҳаммад ибн Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Масъуд ал-Масъудий ал-Хуросоний ал-Марвазий ал-Панждеҳий — шофиъий фақиҳ, суфий, муҳаддис, адиб ва тилшунос олим бўлган. Рабиъул-соний ойининг бошида туғилган. У ал-Малик ал-Афзал ибн Салоҳуддинни тарбиялаган. Мисрда мажлислар ўтказган. Рабиъул-аввал ойида Дамашқда вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарху-лмақомот ли-л-Ҳаририй» («Ҳаририй битган мақомларга шарҳ», бу — беш йирик жилддан

иборат асар), «ал-Эътибор фи носих ва мансухи-л-ҳадис» («Х,укмлар чиқаришда бошқа ҳукмларни бекор қилувчи ёки ўзининг ҳуқуқий кучини йўқотган ҳадисларга эътибор қаратиш»), «ал-Изоҳ фи жамъи-л-мағриб» («Шом намозини қўшиб ўқиш хусусидаги изоҳ»), «ал-Авзоҳ фи шархи-лмақомот» («Шарху-лмақомот»га изоҳлар») (15: 6/101; 17: 3/402).

41. Муҳаммад ал-Марвазий (682/1283 йилда ҳаёт бўлган)

Муҳаммад ал-Марвазий ал-Астрабодий — «Абу Жаъфар» лақаби билан таникли муҳаддис бўлган. Асарлари: «Мухтасару жомийи-л-усул ли аҳодиси-р-расул ли ибн ал-Асир» («Ибн ал-Асирнинг Пайғамбар ҳадислари тўплами мухтасари») — мазкур асарни 682 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/712).

42. Муҳаммад ал-Марвазий (ваф. 443/1051 й.)

(Абулхайр) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий аз-Зарир (кўр) — фақиҳ, адиб, тилшунос ва наҳвшунос бўлган. Аввал аҳлу-р-раёйга мойил бўлган, кейинчалик эса аҳлу-л-ҳадисларга қўшилиб кетган. Асарлари: «Шарху мухтасари-л-Музний фил-фикҳ» («Музнийнинг

344 ал-Марвазий

фикҳга оид асарининг мухтасарига шарҳ») (17: 3/459).

43. Муҳаммад ал-Марвазий (ваф. 529/1135 й.)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Қошоний ал-Марвазий ал-Ҳасаний — фақиҳ ва тарихчи бўлган. Асарлари: «Ахборул-уламо» («Уламолар хақида маълумотлар») (7: 26; 15: 4/27; 17: 3/699).

44. Муҳаммад ал-Марвазий (ваф. 389/999 й.)

(Абулхайсам) Муҳаммад ибн Маккий ибн Муҳаммад ибн Зуроъ ибн Ҳорун ибн Зуроъ ал-Кашмиҳний — Шарқ ва Ғарбда «ал-Жомиъ» китоби билан машҳур бўлган. Чунки у ушбу китобида Хуросонда олий иснод билан ҳадис ривоят қилган охирги олимдир. Фақиҳ, адиб, ҳудожўй ва зоҳид инсон бўлган. Ироқ ва Ҳижозга борган, у ерда катта шайхларнинг мулоқотида етишган. Фарабр, Марв, Сарахс, Рай, Бағдод, Куфа ва Маккада ҳадис эшитган. У олимлардан ҳадис ривоят қилган, олимлар ҳам ундан ривоят қилганлар. Асарлари: «Расоил» («Рисолалар») (11: 5/75; 17: 3/732).

45. Муҳаммад ал-Марвазий (202-294/817-906)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий — усул ал-фикҳ фақиҳи, муҳаддис ва хофиз (кўп ҳадис ёд олган) бўлган. Бағдодда туғилган, Нишопурда катта бўлган. Мисрда Имом аш-Шофиъийнинг асҳоблари қўлида фикҳ илмини ўрганган, кейин умрининг охиригача Самарқанд шаҳрида яшаган. Асарлари: «ас-Салот» («Намоз»), «ал-Витр» («Витр»), «ал-Вараъ» («Вараъ»), «Қиёму-л-лайл» («Тунги бедорлик»), «ал-Қасома фи-л-фикҳ» («Фикҳдаги барнолик»), «ал-Масоил фи-н-нужум» («Астрономияга оид масалалар») (17: 3/750).

46. Муҳаммад ибн Яздод (ваф. 231/846 й.)

(Абу Абду) Муҳаммад ибн Яздод ибн Сувайд ал-Марвазий ал-Бағдодий — шоир ва вазирларнинг котиби бўлган. Кейинчалик халифа ал-Маъмун уни вазир этиб тайинлаган. Айтишларича, сирли равигада вафот этган. Асарлари: Шеърий девони ва мактублар девони (17: 3/772).

47. Муқотил ибн Сулаймон (ваф. 150/767 й.)

(Абулҳасан) Муқотил ибн Сулаймон ибн Башир ал-Аздий, сўнгра ал-Хуросоний ал-Марвазий — муфассир, мутакаллим, кироат ва тилшунослик

соҳаларидан ҳам хабари бўлган. Келиб чиқиши Балхдан, Басра ва Бағдодга борган ва у ерларда ҳадис ривоят қилган. Басрада оламдан ўтган. Асарлари: «ат-Тафсир ал-кабийр» («Катта тафсир»), «ар-Радд ала-л-қадария» («Қадарийларга раддия»), «ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-қироот» («Қироатлардаги турли йўналишлар ва ўхшашликлар»), «ал-Ақсом ва-л-луғот» («Қисмлар ва тиллар»), «ал-Оёт ва-л-муташаббиҳот» («Муташаббиҳ оятлар») (16: 704/341; 17: 3/905).

48. Носир ал-Умарий (ваф. 444/1052 й.)

(Абулфатҳ) Носир ибн ал-Хусайн ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Қосим ибн Умар ибн Яхё ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Хаттоб ал-Умарий ал-Марвазий аш-Шофиъий — фақиҳ бўлган. Абу Бакр ал-Қаффол аш-Шоший ва Абу Толиб ас-Саълукийларнинг қўлида фикҳ илмини ўрганган. Абу Сайд Абдуллоҳ ар-Розийдан ҳадислар ривоят қилган. Байҳақий ундан фикҳни ўрганган. Носир ал-Умарий Марвда фатволар чиқарган, Зулқаъда ойида Нишопурда вафот этган. Асарлари: «Амоли фи-л-ҳадис» («Имло қилинган ҳадислар») (17: 4/7).

49. Носир ал-Исфаҳоний (ваф. 450/1058 йилдан кейин)

Носир Хусрав ал-Исфаҳоний ал-Кубодиёний ал-Марвазий — ҳаким бўлган, фикҳ ва ҳадис илмини ўзлаштирган. 450 х.й.дан кейин вафот этган. Унинг «ал-Иксир ал-аъзам фил-хикма» («Ҳикматдаги буюк эликсир») деган асари маълум (15: 4/138; 17: 4/8).

50. Наим ибн Ҳаммод (ваф. 229/844 й.)

(Абу Абдуллоҳ) Наим ибн Ҳаммод ибн Муовия ибн ал-Ҳорис ибн Хумам ибн Салма ибн Молик ал-Хузобий ал-Марвазий — муҳаддис бўлган. Марваррузда туғилган, бир муддат Ироқ ва Ҳижозда қилган, у ерларда ҳадис ўрганган. Сўнгра Мисрга бориб яшаган, Муътасимнинг халифалик даврида у ердан Ироққа қочиб кетилиб, Египтнинг яратилган «ал-Иланил-сўроқ қилинган, жавоби маъқул бўлмагани учун зиндонбанд қилинган, тунда ерда ҳибсда вафот этган. Асарлари: «ал-Фитан аз-л-малоҳим» («Фитналарнинг қисқартирилган баротлари») (17: 4/...

51. Ҳорун ал-Марвазий (ваф. 231/774-846)

Абу Али) Ҳорун ибн Ҳорун ал-Марвазий ал-

Бағдодий — муҳаддис бўлган. Ҳадисларни жамлаб, уларни тасниф қилган. Ундан Абулқосим ал-Бағавий, Абу Хотим ар-Розий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Рамазон ойининг охирида вафот этган (17: 4/50).

52. Яҳё ал-Марвазий (ваф. 1255/1839 й.)

Яҳё ибн Холид ал-Марвазий ал-Имодий — фақиҳ бўлган. Унинг «ас-Сирож ал-ваҳҳож фи шархи тухфати-л-муҳтож ли ибн Ҳажар ал-Ҳайсамий» («Ибн Ҳажар ал-Ҳайсамийнинг эҳтиёжмандларга тухфа асарига чарақлаб турувчи чироқ номли шарҳ») деган асари бор (17: 4/93).

53. Нух ибн Абу Марям (ваф. 173/789 й.)

(Абу Марям) Нух ибн Язид ибн Жаъуна ал-Марвазий, сўнгра ал-Кураший («ал-Жомий»да Абу Исма лақаби билан келтирилган) — фақиҳ бўлган. Марвада қозилик қилган, Абу Ҳанифа фикҳий мазҳабига оид масалаларни жамлаган (17: 4/42).

54. Сувайд ал-Марвазий (ваф. 240 х.й.)

Сувайд ибн Назр ибн Сувайд ал-Марвазий. 240 х.й.да вафот этган (8: 5/6/229).

55. Суфён ал-Марвазий

(Ал-Имом) Суфён ал-Марвазий ибн Сайд ас-Саврий ал-Марвазий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/133).

56. Ал-Музаффар ал-Марвазий (ваф. 547 х.й.)

Ал-Музаффар ибн Абулҳасан Ардашер ибн Абу Мансур Қутб ал-Амир ал-Ибодий ал-Марвазий номи билан машҳур воиз бўлган. 547 х.й.да вафот этган (16: 300).

57. Яҳё ал-Марвазий (ваф. 242 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Яҳё ибн Ўктам ибн Муҳаммад ибн Қусай ибн Самъон ибн Шайх ал-Марвазий ат-Тамимий — қозию-л-қузот бўлган. 242 х.й.да вафот этган (16: 198).

58. Яҳё ал-Марвазий (ваф. 258 х.й.)

(Абу Закариё) Яҳё ибн Муоз ал-Марвазий ал-Воиз — тариқат аҳлидан бўлган. 258 х.й.да вафот этган (16: 214).

59. Муҳаммад ал-Марвазий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Лайсий ал-Марвазий. Асарлари: «Икноъ фил-ҳадис» («Ҳадис бўйича қониқтирадиган тўплам») (4: И).

60. Азҳарий ал-Марвазий

Азҳарий ал-Марвазий — у уламолардан,

346 ал-Марвазий/ал-Мурайний/ал-Мазранканий/ал-Музний/л-Мазнувайий

уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (12: 8).

61. Шамсуддин ал-Марвазий (ваф. 522 х.й.)

Шамсуддин Убай ал-Марвазий — 522 х.й.да вафот этган. Асарлари: «Табсира фи-л-хайъат» («Шакл-намунага тушунтириш изох китоби») (5: 18).

62. Иброҳим ал-Марвазий

(Абу Исҳок) Иброҳим ибн Аҳмад ал-Атоий ал-Фалахорий ал-Марвазий — муҳаддис бўлган (21: 457).

63. Мансур ал-Марвазий (ваф. 489 х.й.)

(Абулмаузаффар) Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ас-Самъоний ал-Марвазий ал-Ханафий, кейин аш-Шофиъий — 479 х.й.да вафот этган. Асарлари: «ал-Бурҳон фи-л-хилоф» («Ихтилофга далил») — ушбу асарда 1000га яқин ихтилофли масала ва уларнинг ечимлари жамланган, «ал-Интисор ли асҳоби-л-ҳадис» («Аҳл ал-ҳадис ғалабаси») — ушбу китоб мухтасар шаклда бўлиб, уч бобдан иборат: биринчи боб — аҳли сунна ва-л-жамоага эргашишга тарғиб, иккинчи боб — ҳадиснинг фазилати, учинчи боб — илм дарахти ҳақида (15: 4/173, 202, 242).

852

АЛМУРАЙНИЙ

«Мурайн»га нисбат берилган. Мурайн — Марвацишлоқларидан бири. Мазкур кишлоқкр. нисбат берилган олимлардан:

1. Аҳмад ал-Мурайний (ваф. 300 х.й.)

Аҳмад ибн Тамим ибн Уббод ибн Силм ал-Мурайний ал-Марвазий — уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. 300 х.й. 92 ёшида вафот этган (2: 5/139; 11: 5/268).

853

АЛМАЗРАНКАНИЙ

«Мазранкан»га нисбат берилган, «Мазранжан» деб ҳам юритилади. У — Бухоро цишлоқларидан бири. Мазкур кишлоқкр. мансуб олимлар:

1. Муҳаммад ал-Мазранканий (ваф. 296 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Талха ибн Сулаймон ал-Муродий ал-Обид ал-Мазранканий — бухоролик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 296 х.й.да вафот этган (2: 5/139; 11: 5/275).

2. Аҳмад ал-Мазранканий

(Абу Наср) Аҳмад ибн Саҳл ибн Аҳмад ибн ал-

Мазранжаний — фақиҳ ва воиз бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 5/143).

854

АЛМУЗНИЙ

«Музн»га нисбат берилган. Музн — Самарканд қишлоқларидан.

1. Аҳмад ал-Музний

Аҳмад ибн Иброҳим ибн ал-Ийзор ал-Музний — Самарқанднинг Музидан бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 5/143; 11: 5/277).

2. Иброҳим ал-Музний (учинчи хижрий асрда яшаган)

Иброҳим ибн Сулаймон ибн Абу Доҳа ал-Музний — фақиҳ, мутакаллим ва адиб бўлган, бир неча китоб таълиф этган. Ал-Жохиз ўз асарларида унинг китобларидан самарали истифода этган (17: 1/29).

855

АЛМАЗНУВАЙИЙ

«Мазново»га нисбат берилган. Мазново — Самарканд қишлоқларидан бири.

1. Ал-Фазл ал-Мазнувайий

(Абулаббос) ал-Фазл ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн

Абдуррахмон ал-Мазнувайий ад-Дехкон. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/277).

856

АЛМАЗИНОНИЙ

«Мазинон»га нисбат берилган. Мазинон — Хуросоннинг энг чекка минтақасидаги кичик шақарча. Мазкур жойга мансуб олимлардан:

1. Аҳмад ал-Мазиноний (ваф. 352 х.й.)

(Абу Амр) Аҳмад ибн Маъқал ал-Котиб ас-Сарахсий ал-Мазиноний — Сарахсдан. Сарахс, Бағдод ва бошқа юртларда ҳадис эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 352 х.й.да вафот этган (11: 5/282).

857

АЛМУСТАҒФИРИЙ

«Мустағфир»га нисбат берилган. Мустағ-фир — насафлик нисбат берилаётган шахслар-нинг бобосининг номи. Мазкур нисбага мансуб олимлар:

1. Муҳаммад ал-Мустағфирий (318-374 х.й.)

(Абу Али) Муҳаммад ибн ал-Муътазз ибн Муҳаммад ибн ал-Мустағфир ибн ал-Фатх ибн Идрис ал-Мутаввийий = л-Жаллоб ал-Мустағфирий —

Насафдан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 318 х.й.да таваллуд топган, 374 х.й.да вафот этган (11: 5/286).

2. Жаъфар ал-Мустағфирий (350-432 х.й.)

(Абулаббос) Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Муътазз ибн Муҳаммад ибн ал-Мустағфир ибн ал-Фатх ибн Идрис ал-Мутаввийий ал-Жаллоб ал-Мустағфирий — фазилатли фақиҳ, ҳамма ишни мукаммал адо этадиган маърифатли, сермахсул ва ишончли муҳаддис бўлган. Ҳадис тўпламларини тузган, ажойиб китоблар тасниф қилган. Хуросонга борган, Марв ва Сарахсда бир муддат турган. Насаф ва Бухорода ҳадислар эшитган. Ўша даврда *М о в а р о у н н а х р д а* ҳадисларни тушуниш ва жамлаш, китоблар тасниф қилишда унга тенги бўлмаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 350 х.й.да таваллуд топган, 432 х.й.да эса вафот этган. Асарларидан: «Тавориху Самарқанд» («Самарқанд тарихи») (7: 34; 11: 5/286; 15: 4/296).

3. Муҳаммад ал-Мустағфирий

(Абу Зарр) Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Муътазз ибн Муҳаммад ибн ал-

Мустағфир ибн ал-Фатх ибн Идрис ал-Мутаввийий ал-Жаллоб ал-Мустағфирий — Насаф воизи, илм аҳлидан бўлган хайрли зот эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/286).

858

АЛМУСТАМЛИЙ

«Мустамил»га нисбат берилган. Мустамил — уламолардан х,адис эшитиб, ёзиб оладиган бухороликларга берилган ном.

1. Иброҳим ал-Мустамлий (ваф. 376/986 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Довуд — келиб чиқишига кўра «ал-Бухорий», яшаган ва дафн этилган жойига кўра «ал-Балхий», «ал-Мустамлий» номи билан машҳур муҳаддис бўлган. Балхда вафот этган. Ўзи учун луғат китоби тайёрлаган (1/9)

2. Ал-Ҳасан ал-Мустамлий (ваф. 432 х.й.)

Ал-Ҳасан ибн Абдулмалик ибн ал-Ҳасан ибн Аҳмад ал-Ансорий ал-Мустамлий ал-Яшқурий — бухоролик Бани Яшқур сулоласидан бўлган. Ўз замонидаги Бухоронинг барча шайхларидан ҳадис ёзиб олган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис

348 ал-Мустамлий/ал-Масъудий/ал-Масфароний/ал-Мисноний

ривоят қилганлар. 432 х.й.да вафот этган (11: 5/288).

3. Исмоил ал-Мустамлий (ваф. 434/1043 й.)

(Абу Иброҳим) Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллох ибн... ал-Омулий ал-Музаккир ал-Мустамлий — бухоролик муфассир бўлган. Ибн Абу Исҳоқнинг «Таъарруф ли мазҳаби-т-тасаввуф» («Тасаввуф йўлини таништириш») асарига шарҳ ёзган. У ерда бидъатлар ҳақида батафсил ёзган. Омул ва Жайхун шайхларидан ҳадис эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 434 х.й. 16 зул-ҳижжада душанба куни вафот этган (11: 5/288; 17: 1/378).

859

АЛ-МАСЪУДИЙ

«Масъуд»га нисбат берилган. Масъуд — нисбат берилаётган марвлик шахсларнинг боболари номлари. Мазкур ном билан нисбат берилган олимлар:

1. Муҳаммад ал-Масъудий (ваф. 420/1029 й.)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Масъуд ибн Ахмад ибн Масъуд ал-Масъудий — марвлик хушхулқ фозил

имом, атоқли олим, художўй зоҳид бўлган. Асарлари: «Шарҳу мухтасари-л-Музний» («Мухтасари Музнийга шарҳ») — асар жуда яхши даражада таълиф этилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Марвда вафот этган (11: 5/291; 16: 350; 17: 3/445).

2. Масъуд ал-Масъудий (тав. 483/1090 й.)

(Абулфатх) Масъуд ибн Муҳаммад ал-Масъудий — туғри йўлдаги фазилатли, чиройли амалли, кўп ёдлаган, хулқи гўзал, жуда камтарин зот бўлган. Ал-Мустаффирийнинг «Тариху Насаф» («Насаф тарихи») ва «Китобу-ш-шеър ва-ш-шуъаро» («Шеър ва шоирлар китоби») номли китобларидан мисоллар келтирар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 483 х.й. 12 рабиъу-л-аввалда туғилган (11: 5/292).

3. Масъуд ал-Масъудий (ваф. 520 х.й.)

(Рукнуддин) Масъуд ибн ал-Хусайн ибн ал-Ҳасан ибн Иброҳим ал-Кошоний ас-Сўғдий ас-Самарқандий — фақиҳ бўлган, «ал-Масъудий» номи билан танилган. 520 х.й.да вафот этган. Асарлари: «Шарҳу-л-Жомиъи-с-сағийр ли-ш-Шайбоний фи-л-фуруъ»

(«Шайбонийнинг фуруъ ал-фикҳга оид кичик тўпламига шарҳ») — «Мухтасару-л-Масъудик фи-л-фуруъ» («Масъудийнинг фуруъ ал-фикҳга оид мухтасар китоби») (22: 428).

860

АЛМАСФАРОНИЙ

«Масфаро» («Ҳармузфара»)га нисбат берилган. Масфаро — Марв қишлоқларидан бири.

1. Муҳаммад ал-Масфароний

(Абу Жаъфар!) Муҳаммад ибн Али ал-Масфароний ал-Марвазий — ҳадис илмида ҳофиз бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/149).

861

АЛ-МИСНОНИЙ

«Миснон»га нисбат берилган. Миснон — Насаф хишлоқларидан бири. Унга мансуб олимлардан:

1. Имрон ал-Мисноний (ваф. 281/894 й.)

Имрон ибн ал-Аббос ибн Мусо ал-Мисноний — фақиҳ, қадимги уламолардан эди. Миснон қишлоғидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 281 х.й. рамазон

ойида оламдан ўтган (2: 5/152; 11: 5/298).

862 АЛ-МУСНАДИЙ

«Муснад»га нисбат берилган. Муснад — санадли х.адисларни излаётган бухороликларга ишлатилган. Ушбу номга мансуб олимлар:

1. Абдуллох ал-Муснадий (ваф. 229/844 й.)

(Абу Жаъфар) Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Абдуллох ибн... ал-Жуъфий ал-Муснадий — бухоролик олим имом бўлган. У мактуъ ва мурсал эмас, балки фақат муснад ҳадисларни қатъий туриб талаб қилгани учун одамлар унга шу нисбани берганлар. Асли Миснон қишлоғидан. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 229 х.й. зу-л-қаъда ойида пайшанба куни оламдан ўтган (11: 5/298).

863 АЛМАСВУСИЙ

«Масвус»дан ясалган нисба. У — Марвдаги қишлоқлардан бири. Унга мансуб олимлар:

1. Абдуррахмон ал-Масвусий (ваф. 293 х.й.)

(Абу Сайд) Абдуррахмон ибн Сайд ибн Муҳаммад ибн Ҳозим ал-Масвусий — ушбу қишлоқдан чиққан,

муҳаддис бўлган. Ҳадис излаб, Мисрга борган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 293 х.й.да вафот этган (11: 5/299).

2. Муҳаммад ал-Масвусий (ваф. 293 х.й.)

(Ал-Ҳокон) Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Масвусий — Арслонхон номи билан танилган подшоҳ, у Жайхундан то Хийтойгача бўлган худудда ҳукмронлик қилган. Ҳокимият тизгинини маҳкам ушлаб турадиган жасур ҳукмдор бўлган. Ушбу қишлоқда туғилган ва шу ерга мансуб бўлган. 522 х.й.да вафот этган (11: 5/299).

864 АЛМУЗРУБ

«Музруб»дан ясалган нисба. У — Марв ах^ига мансуб бўлган ва юзида дарра излари қолган одамларнинг умумий номи. Ушбу номга мансуб олимлар:

1. Нух ал-Марвазий

Нух ибн Маймун ибн Абдулхамид ибн Абурижол ал-Ажлий ал-Марвазий. Юзида ўғриларга уриладиган дарра излари мавжуд бўлгани учун уни шу ном билан атаганлар. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/318).

2. Муҳаммад ал-Мазруб (ваф. 218 х.й.)

Муҳаммад ибн Нух ибн Маймун ал-Музруб — ўзининг ишончли эканлиги билан танилган зотлардан бири. Ибн Ҳанбал у ҳақда: «Мен эҳтимол, ёши кичик ва илми кам бўлса ҳам, Аллоҳнинг амрларини адо этишда ундан тўғрироқ одамни учратмадим. Мен Аллоҳдан уни охиратини ҳам хайрли қилган бўлишини сўрайман», — деган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 218 х.й.да вафот этган (11: 5/318).

865 АЛМУОЗИЙ

«Оли Муоз» («Муоз оиласи»)га нисбат берилган. Оли Муоз — Марвдаги катта хонадон. Ушбу хонадон олимларидан:

1. Аҳмад ал-Марвазий

(Абу Ваҳб) Аҳмад ибн Абу Зухайр Саҳё ибн Сулаймон ал-Муозий ал-Марвазий — Оли Муоз хонадонининг аъзоси бўлган. Марвдаги Разик дарёсининг юқори қисмида яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/332).

866 АЛМУАББИР

«Ал-Муаббир»га нисбат берилган. Муаббир —

350 ал-Муаббир/ал-Маъруфий/ал-Маъмароний/ал-Мағконий/ал-Муғноний

Бухоро ва Марв шушдан тушларнинг таъбирини айтиб берадиганларга қўйилган ном. Ушбу нисба билан танилган олимлар:

1. Муҳаммад ал-Муаббир

(Абу Убайдуллоҳ) Муҳаммад ибн ас-Сиррий ал-Муаббир ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/337).

2. Иброҳим ал-Муаббир

Иброҳим ибн Ҳорун ибн Маҳлаб ал-Муаббир ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/337).

3. Рабъий ал-Муаббир
(Абу Абдуллоҳ) Рабъий ибн Жаноҳ ибн Наср ибн Исо ибн Хусрав ал-Кассий ал-Муаббир — тушларни таъвил ва таъбир қилиш бўйича катта олим бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/337).

867

АЛМАЪРУФИЙ

«Маъруф»га нисбат берилган. Маъруф — нисбат берилган бухоролик шахснинг бобоси.

1. Муҳаммад ал-Маъруфий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад

ибн Маъруф ал-Маъруфий ал-Бухорий — Бухоро ва Басрада ҳадис эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/341).

868

АЛМАЪМАРОНИЙ

«Маъмарон»га нисбат берилган. Маъмарон — Марв қишлоқларидан бири.

1. Али ал-Маъмароний
(Абулҳасан) Али ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маъмароний — Абу Ҳанифанинг асҳобларидан бўлган зоҳид, факих, солиҳ ва жуда ибодатли шайх бўлган. Боснобод қишлоғида яшаган. Ҳар йили рамазон ойида шаҳарга бориб, кечалари бардавом бедор бўлар, одамларни ҳам шунга тарғиб қилар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/345).

869

АЛМАҒКОНИЙ

«Мағкон»га нисбат берилган. Мағкон — Бухоро қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Зоҳир ал-Мағконий (ваф. 321 х.й.)

(Абу Ғолиб) Зоҳир ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасиб

ас-Сўғдий ал-Мағконий — Мағкон қишлоғидан. Яхши ҳадис ровийси, ривоятлари тўғри бўлган. Абд ибн Ҳамид ал-Кассийнинг ҳузурда Қуръоннинг тўлиқ тафсирини ўзлаштирган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 321 х.й.да вафот этган (11: 5/353).

2. Исмоил ал-Мағконий (ваф. 380 х.й.дан олдин)

(Абу Али) Исмоил ибн Имрон ибн Мусо ибн Бистом ал-Мағконий ас-Сўғдий — самарқандлик фозил, олим, факих ҳамда араб тили билимдони бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 380 х.й.дан олдин вафот этган (11: 5/354).

3. Али ал-Мағконий (ваф. 412 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Исо ибн Муҳаммад ибн ал-Мунзир ибн Аҳмад ал-Мағконий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 412 х.й.да вафот этган (11: 5/354).

870

АЛМУҒНОНИЙ

«Муғнон»га нисбат берилган. Муғнон — Марв қишлоқларидан бири.

1. Али ал-Муғноний

Али ибн Ҳаммод ал-Муғноний — Муғнон

кишлоғидан бўлган, мункар (инкор этилган). Хадислар ҳам ривоят қилган (11: 5/354).

871

АЛМУҚОТИЛИЙ

«Мук,отил»га нисбат берилган. Муқотил — марвлик нисбат берилган шахснинг бобоси.

1. Абдуллох ал-Муқотилий

(Абу Абдуррахмон) Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Муқотил ибн Муҳаммад ал-Муқотилий ал-Марвазий — марвлик, ривоят қилганда муғомбирлик қилса ҳам, муҳаддис бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (И: 5/360).

872

АЛ-МУҚОТИЛИЙ

«Муқотил» кўчасига нисбат берилган. Муқотил — Самарқанддаги кўчанинг номи.

1. Абдулжаббор ал-Муқотилий (ваф. 514/1120 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулжаббор ибн Аҳмад ибн Наср ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн ал-Қози ал-Мадиний ал-Муқотилий — Самарқанддаги Муқотил кўчасида яшар эди. Фазилатли имом бўлган. У уламолардан, уламолар

ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 514 х.й. ражаб ойининг 14-куни Самарқандда вафот этган (11: 5/360).

873

АЛМИҚНАЪИЙ

«Ал-Микнаъ»га нисбат берилган. Микнаъ — марвлик қурол-аслах, а ясаб сотадиганлар касбининг номи. Мазкур ном билан нисбатланган олимлардан:

1. Ал-Фазл ал-Микнаъий

Ал-Фазл ибн Муҳаммад ал-Микнаъий ал-Марвазий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/369).

874

АЛ-МУЛЖАКОНИЙ

«Мулжакон»га нисбат берилган. Мулжакон — Марв қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа мансуб олимлар:

1. Али ал-Мулжаконий (ваф. 226 х.й.)

(Абулхасан) Али ибн ал-Хдкам ал-Ансорий ал-Мулжаконий ал-Марвазий — фозил инсон бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 226 х.й.да вафот этган (11: 5/381).

2. Ҳамза ал-Мулжаконий

Ҳамза ибн Абдулҳамид ал-Мулжаконий — фозил инсон бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/381).

875

АЛ-МАЛАТИЙ

«Ал-Малатия»га нисбат берилган. Малатия — Озарбайжондан ўтгандан кейин румликлар билан чегара зонаси. Мазкур минтақага мансуб олимлар:

1. Исҳоқ ал-Малатий

Исҳоқ ибн Нужайх ал-Малатий — Бағдодда яшаган, очикдан-очик ҳадис тўқир эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/379).

2. Тамом ал-Малатий

Тамом ибн Нужайх ал-Малатий ал-Асадий — Малатияда таваллуд топган, Ҳалабда яшаган. Ривоят қилган ҳадислари жуда ҳам мункар (рад этилган). Ишончли ровийлардан тўқима ҳадисларни худди улардан эшитгандай ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/379).

3. Зарор ибн ал-Малатий

Зарор ибн Амр ал-Малатий — ривоят қилган ҳадислари жуда мункар

352 ал-Малатий/ал-Малоҳимий

(рад этилган), машхур шахслардан мункар хадисларни ривоят қилган. У ривоят қилган хадислардан хужжат олинмайди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/379).

4. Исҳоқ ал-Малатий

(Абу Яъқуб) Исҳоқ ибн Маҳмуд ибн ал-Жарроҳ ал-Малатий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/379).

5. Муҳаммад ал-Малатий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салим ал-Малатий — Ҳумайрнинг мавлоси ва қадимий жомеъ масжиднинг имоми бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/379).

6. Муҳаммад ал-Малатий

(Абу Хишом) Муҳаммад ибн Иброҳим ибн ал-Аббос ат-Тоий ал-Малатий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/379).

7. Ал-Қосим ал-Малатий

Ал-Қосим ибн Иброҳим ибн Аҳмад ал-Малатий — Бағдодга келган ва у ерда хадис ривоят қилган. У

уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/380).

8. Муҳаммад ал-Малатий

(Абу Сайд) Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Абдуррахмон ибн Суфён ал-Малатий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/380).

9. Муҳаммад ал-Малатий

(Абулҳусайн) Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Абу Шайх ал-Факих ал-Малатий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/380).

10. Сулаймон ал-Малатий

(Абу Айюб) Сулаймон ибн Аҳмад ибн Яҳё ибн Усмон ибн Абу Салоба ал-Малатий ал-Ҳофиз — малатиялик. Дамашкка келган ва у ерда хадис ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (2: 5/224; 11: 5/380).

11. Ғиёс ал-Малатий

(Абулаттоф) Ғиёс ибн Аҳмад ибн Уқба ат-Тамимий ал-Малатий — Малатия жомеъ масжидининг имоми бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/380).

12. Абдулмажид ал-Малатий

(Абулаъло) Абдулмажид ибн Муҳаммад ибн Тоҳир ибн... ибн ал-Ҳорис ибн аш-Шарид ал-Малатий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/380).

13. Муҳаммад ал-Малатий (ваф. 404 х.й.)

(Абулҳусайн) Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ибн Абу Фарва ал-Малатий — кори бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 404 х.йда вафот этган (2: 5/223).

14. Абдулҳолик ал-Малатий (ваф. 575/1179 й.)

Абдулҳолик ибн Абдулжамил ал-Малатий ал-Ғиждувоний ал-Бухорий — суфий бўлган. Унинг «ал-Васоё фи-т-тасаввуф» («Тасаввуф ҳақидаги васиятлар») асари бор (17: 2/69).

876

АЛМАЛОҲИМИЙ

«Малоҳ,им»га нисбат берилган. Малоҳим — бухоролик дoston битувчиларга қўйилган ном.

1. Муҳаммад ал-Малоҳимий (312-395/924-1005)

(Абу Наср) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ибн Мусо ибн Жаъфар ал-Бухорий —

ал-Малоҳимий номи билан танилган, бухоролик олим. Ўз юрти ва Бағдодда ҳадис ривоят қилган. Абдуллох ал-Бухорий қаламига м'ансуб «Рафъу-л-йада이니 фи-с-салот» («Намозда кўлларни кўтариш») ва «ал-Кдроъату халфа-л-имом» («Имомга иқтидо қилган кишининг кироати») китобларидан Бағдодда сўзлаб берган. Ахд ал-ҳадиснинг энг машхур вакилларидадан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. У 312 х.й.да туғилган, 395 х.й. 7 шаъбонда вафот этган (11:5/422).

2. Абдусамад ал-Малоҳимий

(Абулфатх) Абдусамад ибн Али ибн Абу Наср Муҳаммад ибн Ахмад ал-Малоҳимий — солих шайх, бобоси Абуннаср ва бошқалардан ҳадис эшитган. Ровий сифатида «ла баъса бихи» — яъни у ривоят қилган ҳадислар езиб олинган, лекин улар бошқа ишончли ровийларнинг ҳадислари "план солиштирилмагунча тужжат сифатида қабул гтлинмаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/

3. Иброҳим ал-Малоҳимий (ваф. 362/972

(Абу Исҳоқ) Иброҳим :^н Муҳаммад ибн хорун ::н ҳамд ибн Салма ал-

Малоҳимий — бухоролик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 362 х.й. сафар ойида вафот этган (11: 5/422).

877

АЛМУВОНИЙ

«Мувон»га нисбат берилган. Мувон — Насаф кишлоғларидан бири.

1. Усмон ал-Мувоний (ваф. 422/1031 й.)

(Абу Муҳаммад) Усмон ибн Муҳаммад ибн Абулабий ан-Насафий ал-Муваний — факих ва зоҳид бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 422 х.й. зул-каъда ойида вафот этган (И: 5/403).

878

АЛМУДАВИЙ

«Мувадо»га нисбат берилган. Мувадо — Насаф цишлоқларидан бири. Мазкур цишлоққа мансуб олимлар:

1. Муҳаммад ал-Мудавий

Муҳаммад ибн Исом ибн Язид ибн Ҳассон ибн... ибн Авс ан-Насафий ал-Ансорий ал-Мудавий — Мувадо кишлоғидан бўлган. Ибн Башрнинг «ал-Мубтадо» («Ибтидо») асарини ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/403).

2. Муҳаммад ал-Мудавий (ваф. 375/985 й.)

(Абу Али) Муҳаммад ибн Хошим ибн Мансур ибн Юнус ал-Мудавий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 375 х.й. ражаб ойида оламдан ўтган (11: 5/404).

879

АЛ-МИХРАБАНДАҚАШОЙ

«Мих,рабандақашой»га нисбат берилган. Микрабандақашой — Марв кишлоқларидан бири. Бу кишлоққа мансуб олимлардан:

1. Муҳаммад ал-Михрабандақашой (ваф. 473 ёки 474 х.й.)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн ал-Михрабандақашой — фазил имом, художўй, обид ва муфтий бўлган. Кўп ҳадис эшитган. Ал-Можоннинг пастки худудларида яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 473 ёки 474 х.й.да вафот этган (2: 5/269; 11: 5/414).

880

АЛМЕХРИЖОНИЙ

«Мех,рижон»га нисбат берилган. Мех,рижон — Марв кишлоқларидан бири.

1. Матар ал-Меҳрижоний

Матар ибн ал-Аббос ибн Абдуллоҳ ибн ал-Жаҳм ибн Мурра ибн Иёз ал-Меҳрижоний — тобеъий бўлган, Усмон ибн Аффон (р.а.)ни курган. Усмон ибн Аффон уни «узок умр кўрсин», деб дуо қилган. Матар ал-Меҳрижоний 135 йил яшаб, Марвда вафот этган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/271; 11: 5/416).

**881
АЛМИЁНАЖИЙ**

«Миёна»га нисбат берилган. Миёна — Озарбайжондаги юрт. Мароға ва Табриз орасидаги ўртача катталиқдаги шах, ар. Мазкур юртга мансуб олимлар:

1. Али ал-Миёнажий (ваф. 471 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн ал-Ҳасан ибн Али ал-Миёнажий — Ҳамадон қозиси бўлган, ўша ерда шаҳид кетган. Бағдодга бориб, у ерда ҳадислар эшитган ва фикҳ илмидан таҳсил олган. Фазилат ва маърифат соҳиби бўлган. Адаб ва фикҳ илмини тўлиқ ўзлаштирган. Балоғат илмини эгаллаган шоир ва мутакаллим бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят

қилганлар. Душманлари келишиб олиб, 471 х.й.да уни шафқатсизларча ўлдирганлар (2: 5/278; 11: 5/425).

2. Муҳаммад ал-Миёнажий

Кўриниши хушрўй, зехни ўткир, заковатли ва фозил инсон бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/425).

3. Муҳаммад ал-Миёнажий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Али ал-Миёнажий — миёнажлик тўғри йўлдаги солиҳ фақиҳ бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/426).

4. Абдуллоҳ ал-Миёнажий (ваф. 525/1131 й.)

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Миёнажий ал-Ҳамадоний — айнулқузот, фақиҳ, адиб ва суфий бўлган, Ҳамадонда чормихга тортилган. Асарлари: «ал-Ғариб ани-л-автон ила уламоъи-л-булдон» («Мамлакатларнинг уламоларига юртлар ҳақида ғаройиб маълумотлар», араб ва форс тилларида «Зубдату-л-ҳақоик» («Ҳақиқатлар қаймоғи») (17: 2/291).

**882
АЛМАЙДОНИЙ**

«Дарб Майдон»га нисбат берилган. Дарб Майдон — Бухородаги мах, алланинг номи. Ушбу ном билан аталувчи мах, алла Хоразмда ҳам бўлган. Унга мансуб олимлар:

1. Муҳаммад ал-Майдоний (ваф. 339 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Аҳмад ал-Фақиҳ ал-Басир ал-Майдоний — «Дарб майдон»лик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 339 х.й.да вафот этган (11: 5/430).

2. Муҳаммад ал-Майдоний

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Башир ал-Майдоний — «Дарб майдон»лик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/430).

**883
АЛМИРМОҲОНИЙ**

«Мирмоҳ, он»га нисбат берилган. Мирмоҳ, он — Марвдаги к, ишлоқ, лардан бири. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Муҳаммад ал-Мирмоҳоний (ваф. 313/925 й.)

(Абу Язид) Муҳаммад ибн Яхё ибн Язид ибн Матто ал-Мадиний ал-Холидий ал-Мирмоҳоний. Марвда яшаган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. 313 х.й. муҳаррам ойида 86 ёшида вафот этган (11: 5/431).

2. Ал-Фазл ал-Мирмоҳоний

(Абу Муҳаммад) ал-Фазл ибн Атиья ибн Умар ибн Холид ал-Аббосий ал-Мирмоҳоний ал-Марвазий — тобеийлар билан мулоқот қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/431).

884 АЛ-МИЙҒИЙ

«Мийғ»га нисбат берилган. Мийғ — Бухоро қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоқда нисбат берилган олимлар:

1. Абдулкарим ал-Мийғий (ваф. 373 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мусо ал-Еухорий ал-Мийғий ал-Фақиҳ ал-Хднафий — ўз газрининг эътиборли оmlаридан бўлган. Таркидунё қилиб, ::хидона ҳаёт кечирган. - : х о б у - р - р а ғ и й Н и н г чуфтийси, Абу Ханифа г.а.) асхобларининг жешвоси бўлган. Динда

жуда уламолардан эди. У яшаган даврда Самарқандда у каби фақиҳ ва фазилат соҳиби бўлмаган. Саҳиҳ ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 373 х.й.да вафот этган (2: 5/282; 11: 5/433).

2. Абдулмажид ал-Мийғий

Абдулмажид ал-Мийғий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/433).

885 АЛМИЙҒАНИЙ

«Мийған»га нисбат берилган. Мийған — Самарқанд қишлоқларидан бири, унга нисбат берилган олимлардан:

1. Умар ал-Мийғаний
(Абу Хафс) Умар ибн Абулҳорис ал-Мийғаний ал-Қози. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/282; 11: 5/432).

886 АЛМИЛОҚОНИЙ

«Милоқ,он»га нисбат берилган. Милоқон — Марв қишлоқларидан бири.

1. Аҳмад ал-Милоқоний

(Абу Шайба) Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Милоқоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/439).

887 АЛМИНЗИЙ

«Минзйага нисбат берилган. Минз — Насодаги қишлоқ.

1. Али ал-Минзий
(Абудҳасан) Али ибн Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Котиб ал-Минзий — солиҳ суфийлардан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/284).

888 АЛ-МАЙҲАНАЙ

«Майҳ,ана»га нисбат берилган. Майдана — Абивард ва Сарахс ўртасидаги Хобирон қишлоғидир. Ушбу қишлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Асъад ал-Майҳанай (454-507/1062-1114)

(Абу Сайд) Асъад ибн Абу Сайд Фазлуллоҳ ибн Абулхайр ал-Майҳанай — суфий ва аҳли байтдан бўлган. Ҳадисларни эшитиш, уларни излаш ва жамлашга бутун вужудини сафарбар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 454 х.й.да туғилган, 507 х.й. рамазон

356 ан-Норанобозий/ан-Нотифий/ан-Нофахасий/ан-Нофқоний

ойида вафот этган (2: 5/287; 11: 5/439).

2. Тохир ал-Майҳанай

(Абулфатх) Тохир ал-Майҳанай — аҳли тасаввуф ва аҳли байтдан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/287).

3. Садақа ал-Майҳанай

Садақа ибн Абдуллоҳ ал-Майҳанай — майҳанайлик (Абивард қишлоқларидан бири) шайх. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/439).

889

АН-НОРАНОБОЗИЙ

«Норанобоз»га нисбат берилган. Норанобоз — Марв қишлоқларидан. Мазкур қишлоққа мансуб олимлар:

1. Сайд ан-Норанобозий

(Абу Усмон) Сайд ибн Ҳарб ал-Абдий ан-Норанобозий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/443).

2. Ал-Қосим ан-Норанобозий

(Абу Саҳл) ал-Қосим ибн Мужошиъ ибн Тамим Ҳабиб (ёки Хубайб) ибн Убайд ибн Омир ал-Муромий ан-Норанобозий — иена ашариянинг раҳбарларидан бири (ёки ўн икки нақибнинг, яъни

Пайғамбар Муҳаммад авлодлари бошлиғининг бири) бўлган. Қозиларнинг раҳбари этиб тайинланган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/443).

890

АННОТИФИЙ

«Нотиф»га нисбат берилган. Нотиф — марвлик ширинлик тайёрловчи ва сотувчиларнинг касб номи. Ушбу ном билан нисбат берилган олимлар:

1. Амр ан-Нотифий (450-536/1058-1141)

(Абу Х,афс) Умар ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ан-Нотифий — марвлик, мустақим йўлдаги солих шайх бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. Туғилган йили — тахм. 450 х.й., 536 х.й. муҳаррам ойида Марвда вафот этган (И: 5/446).

2. Аҳмад ан-Нотифий

(Абулаббос) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ан-Нотифий ат-Табарий — факих бўлган. Рай шаҳрида вафот этган. Асарлари: бир неча жилдлик «ал-Воқиот» («Воқеалар»), «ал-Ажнос ва-л-фурук» («Турдош ва ажрим масалалар»), «ал-Ҳидоя» («Ҳидоя») — буларнинг барчаси ханафий фуруъ ал-

фикҳига оид китоблардир (17: 1/287).

891

АННОФАХАСИЙ

«Нофахас» (ёки «Нофаҳаш»)га нисбат берилган. У — Марв/Самарканд қишлоқларидан бири.

1. Аҳмад ан-Нофахасий
(Абу Ҳомид) Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нофахасий — нишопурлик бўлган, Нофахасда яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (И: 5/447).

892

АННОФҚОНИЙ

«Нофқон»га нисбат берилган. Нофқон — Марв қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа мансуб олимлар:

1. Муҳаммад ан-Нофқоний

Муҳаммад ибн Убайда ибн Ҳаммод ибн ал-Ҳаззур ибн Иброҳим ибн Саъд ибн Сайд ал-Аздий ан-Нофқоний — мункар (рад этилган) бўлган. Ҳадислар ҳам ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/447).

2. Аҳмад ан-Нофқоний

(Абуннаسر) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдувайх ан-Нофқоний — Миср, Шом ва Ироқ

машоихларидан хадислар ёзган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/447).

3. Талха ан-Нофқоний
Талха ибн аш-Шоҳ ибн Тамим ан-Нофқоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/448).

4. Абдувайх ан-Нофқоний
(Абу Наср) Абдувайх ибн Муҳаммад ибн Абдувайх ан-Нофқоний. Биродари билан Ироқ ва Шомга бориб, у ердан кўплаб китоблар келтирган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/448).

893
АННАЖОКАСИЙ

«Нажокас»га нисбат берилган. *Нажокас* — Шош қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа мансуб олимлардан:

1. Муҳаммад ан-Нажокасий (ваф. 551 х.й.)
(Абулмузаффар) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Аҳмад ан-Нажокасий — «Ироқ фақиҳи» номи билан машҳур бўлган. Балхда яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 551 х.й. Балхнинг ўзида вафот этган (2: 5/302).

894
АННУЖОНАЙКАСИЙ

«Нужонайкас»га нисбат берилган. *Нужонайкас* — Самарканд қишлоқларидан бири. Унга мансуб олимлар:

1. Юсуф ан-Нужонайкасий (ваф. 527 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Юсуф ибн Али ибн ал-Аббос ибн Абу Бакр ибн Солиҳ ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Солим ан-Нужонкасий ал-Усрушаний — Самарқандда яшаган, фақиҳ бўлган, «Масжиду-л-атторин» деган жойда даре ўтган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 527 х.й. Самарқандда вафот этган (11: 5/461).

2. Муҳаммад ан-Нужонкасий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Юсуф ибн Али ибн ал-Аббос ибн Абу Бакр ибн Солиҳ ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Солим ан-Нужонайкасий ал-Усрушаний — Юсуф ан-Нужонайкасийнинг ўғли. Оғир, вазмин ва солиҳ фақиҳ бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/461).

895
АН-НАХЛИЙ

«Нах,л»га нисбат берилган. *Нахл* — Бухоро

қишлоқларидан бири. *Мазкур жойга нисбат берилган олимлар:*

1. Мунайх ан-Нахлий (ваф. 264 х.й.)

Мунайх ибн Юсуф ибн Сайф ибн ал-Халил ан-Нахлий ал-Бухорий. У уламолардан, ундан эса ўғли хадис ривоят қилган. 264 х.й.да вафот этган (2: 5/317; 11: 5/466).

2. Абдуллоҳ ан-Нахлий (ваф. 317/929 й.)

(Абу Абдуррахмон) Абдуллоҳ ибн Мунайх ан-Нахлий — Мунайх ан-Нахлийнинг ўғли. Отасидан ва бошқалардан хадис ривоят қилган. Уламолар ундан хадис ривоят қилганлар. 317 х.й. муҳаррам ойида вафот этган (2: 5/317; 11: 5/466).

896
АННАХВИЙ

«Нах,в» («грамматика»)га нисбат берилган. *Ан-Нах,вий* — араб тили грамматикасини билган марвлик инсонларга берилган ном.

1. Ал-Фазл ан-Нахвий (ваф. 174 х.й.)

(Абу Муоз) ал-Фазл ибн Халид ан-Нахвий ал-Марвазий — Бохиланинг мавлоси бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 174 х.й.да вафот этган (11: 5/467).

358 ан-Нахолий/ан-Нахшабий/ан-Назирий/ан-Наршахий

897 АННАХОЛИЙ

«Нахола» — кепак, элаганда чиқадиган чиқитга нисбат берилган. Ан-Нахолий — Сарахсда элакчилик ва элаш билан шуғулланувчиларга берилган ном.

1. Жаъфар ан-Нахолий (ваф. 400 х.й.)

(Абу Сайд) Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Михрон ан-Нахолий ас-Сарахсий — сарахслик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 400 х.й.да вафот этган (11: 5/471).

898 АННАХШАБИЙ

«Нахшаб»га нисбат берилган. Нахшаб — Жайх,ун ва Самарканд оралиғидаги шах,ар. Мазкур шах,арга мансуб олимлар:

1. Абдулазиз ан-Нахшабий (ваф. 456 х.й.)

(Ал-Ҳофиз Абу Муҳаммад) Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Осим ибн Рамазон ибн Али ибн Афлаҳ ибн Абу Жаъфар ибн Убай ан-Насафий ан-Нахшабий ал-Осимий — ҳадис илми пешволаридан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам

ундан ҳадис ривоят қилганлар. 456 х.й.да вафот этган (2: 5/319).

2. Ҳибатуллоҳ ан-Нахшабий (ваф. 456 х.й.)

Ҳибатуллоҳ ал-Ақфоний — Дамашқга келган ва у ер да ҳадис ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 40 ёшга етмасдан, 456 х.й.да вафот этган (2: 5/319).

3. Аскар ан-Нахшабий (ваф. 245 х.й.)

(Абу Туроб) Аскар ибн Муҳаммад ибн Ҳасин ан-Нахшабий — Ҳотим ал-Асамнинг асҳобларидан, ўз даврининг беназир шайхи бўлган. Илм, футувват, таваккул, зуҳд ва вараъда зикр этилган машойихларнинг энг пешқадами бўлган. 245 х.й. чўлда шерлар уни бурдалаб ташлаган (2: 5/319; 11: 5/473).

899 АННАЗИРИЙ

«Назирияга нисбат берилган. Назир — нисбат берилаётган насафлик шахе бобосининг исми.

1. Юсуф ан-Назирий (ваф. 449/1057 й.)

(Ал-Имом Абу Яъқуб) Юсуф ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн ал-Аббос ибн ал-Фазл ибн ан-Назир ал-Ҳанафий ан-Назирий ал-Мудий — насафлик,

у л а м о л а р н и н г пешволаридан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 449 х.й. сафар ойининг биринчи куни, яъни Насафда тарқалган вабо касалининг охириги куни вафот этган. Жанозасини Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баладий ўқиган (11: 5/478).

900 АННАРШАХИЙ

«Наршах»га нисбат берилган. Наршах — Вобкент яқинидаги Бухоро х,ишлоқ,ларидан бири. Мазкур қишлоқдан чикдан олимлар:

1. Аҳмад ан-Наршахий

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ан-Наршахий — олим ва фазилатли шахе бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/480).

2. Муҳаммад ан-Наршахий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Ҳамдон ан-Наршахий — бухоролик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/480).

3. Муҳаммад ан-Наршахий (286-348/899-959)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн ал-Хаттоб ибн

Шарийк ибн Базий ан-Наршахий — бухоролик бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 286 х.й.да туғилган ва 348 х.й. сафар ойида вафот этган (11: 5/480).

901 АННАРИЗИЙ

«Нариз»га нисбат берилган. Нариз — Озарбайжоннинг Ардабил томонидаги шах, арча. Мазкур шах, арчага мансуб бўлган олимлар:

1. Аҳмад ан-Наризий

Аҳмад ибн Усмон ибн Наср ан-Наризий — ҳадис илмида ҳофиз бўлган, яъни кўплаб ҳадисларни ёддан билган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/324; 11: 5/480).

2. Абдулбоқий ан-Наризий (ваф. 491 х.й.)

(Абу Туроб) Абдулбоқий ибн Юсуф ан-Наризий ал-Мароғий — муттақийлар сардори, ҳудожўй ва зоҳид бўлган. Нишопур шаҳрида муқим яшаган. «Ақил» масжидида имомлик қилган ва даре берган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 491 х.й.да вафот этган (2: 5/324; 11: 5/480).

902 АННАСОИЙ - АН-НАСАВИЙ

«Насо»га нисбат берилган. Насо — Хуросондаги юртнинг номи бўлиб, Сарахс ва Насо ораси икки кунлик йўл бўлган. Бу юртга ан-Насой ва ан-Насавийлар мансубдир:

1. Аҳмад ибн Суфён ан-Насой (256/870 йилдан аввал ҳаёт бўлган)

Аҳмад ибн Суфён ан-Насой, «ал-Марвазий» деб ҳам юритилади, — муҳаддис бўлган, Авн ибн Имора ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Имом ан-Насой, Имом ал-Бухорий, Муҳаммад ибн ал-Мусайяб ал-Ирғиёнийлар ривоят қилганлар. То вафот топгунига қадар ҳадисларни жамлаш ва уларни тасниф қилиш билан машғул бўлган (17: 1/146).

2. Аҳмад ибн Шуайб ан-Насой (215-303/830-915)

(Абу Абдуррахмон) Аҳмад ибн Шуайб ибн Али ибн Синоп ибн Бахр ибн Динор ан-Насой — муҳаддис ва ҳофиз (кўплаб ҳадисларни ёддан билувчи) бўлган. Насода туғилган, кўплаб уламолардан ҳадис эшитган. Нишопур, Ирок, Шом, Миср, Ҳижоз ва Арабистон ярим ороли

ўлкаларига сафар қилган. Ундан кўплаб ровийлар ҳадис ривоят қилишган. Шаъбон ойида Макка шаҳрида вафот этган. Асарлари: «ас-Сунан ал-кубро ва-с-суғро» («Катта ва кичик сунан тўплам»), «ал-Хасоис фи фазли Али ибн Аби Толиб ва аҳли-л-байт» («Али ибн Абу Толиб ва аҳли байт фазилатининг хусусиятлари»), «Китобу-з-зуъафо ва-л-матрукин» (Заиф ва ҳадислари тарк этилган ровийлар ҳақидаги китоб), «Маносику-н-Насой» («Насойнинг маросимлар китоби»), «Жамъу Муснади Молик ибн Анас ва Муснади Али ибн Аби Толиб» («Молик ибн Анас ва Али ибн Абу Толиб муснадлари тўплами»), «Ағробу шуъбаи Суфён», «Асмоу-л-муҳаддисийн» («Муҳаддисларнинг исмлари»), (2: 5/325; 3: 59; 11: 5/484; 15: 4/89,130; 17: 1/151).

3. Хушайш ан-Насой (ваф. 253/867 й.)

(Абу Осим) Хушайш ибн Асрам ибн ал-Асвад ан-Насой — муҳаддис ва ҳофиз бўлган. Рамазон ойи Мисрда вафот этган. Асарлари: «ал-Истикомату фи-р-радд ала аҳли аҳво ва-л-бидаъ» («Х,ою ҳавас ва бидъатларга берилган тоифага тўғри ва одил раддия») (17: 1/670).

4. Лутф Али ан-Насой (1268-1350/1852-1931)

350 ан-Насоий

(Садру-л-афозил) Лутф Али ибн Муҳаммад ибн Козим Амин ас-Суфаро ибн Лутф Али ибн Козим ибн Муҳаммад ан-Насоий ат-Табризий аш-Шерозий — фоний, дониш, адиб, котиб, шоир, луғавий (тилшунос), муаррих, мантикий (мантиқ илми мутахассиси), хаттот деб танилган. Асарлари: «Алқату-ш-Шодий ва булғату-л-Ҳодий», «ал-Калим ва-л-хилм» («Ҳикматли сўзлар ва ҳалимлик»), «ал-Вашиъа фи шайъи мин кутуби-ш-шиа» («Шиа китобларидаги бир нарсага ишора»), «Тухфату-л-лабиб ва турфату-л-адиб» («Донолар тухфаси ва адиблар завқи») (17: 2/674).

5. Зуҳайр ан-Насоий (160-234/777-848)

(Абу Хайсама) Зуҳайр ибн Ҳарб ибн Шидод ан-Насоий, сўнгра ал-Бағдодий — муҳаддис ва хофиз бўлган. Илм излаб, Бағдодга келган ва шу ерда яшаган. Асарлари: «Китобу-л-илм» («Илм китоби»), «Тариху ибн Аби Хайсама» («Ибн Абу Хайсаманинг тарих китоби») — муҳаддислар услубида ёзилган мукамал асар, «Муснад» («Муснад») (15: 4/279; 17: 1/737).

6. Аҳмад аш-Шарафий ан-Насоий (1050-1123/1640-1721)

Аҳмад ибн ан-Носир ибн Абдулҳафиз ибн Абдуллоҳ ибн ал-Махло ибн Сайд ибн Муҳаммад ибн Али ал-Қадамий ан-Насоий аш-Шарқий ал-Яманий — олим ва адиб бўлган. Қозилик қилган. Асарлари: «Манзума фи илми-л-мантик» («Мантик илмига оид манзума»), «Уржуза фи-л-фарк байна-з-зод ва-з-зо» («Зод ва изғи ҳарфлари ўртасидаги фарқ ҳақида ражаз вазнида ёзилган уржуза»), шеърлари ҳам бор (17: 1/317).

7. Фазола ан-Насоий

(Абу Аҳмад) Фазола ибн Иброҳим ат-Тамимий ан-Насоий — ибн ал-Муборак асҳобларининг пешволаридан бўлган. Ҳадисларни ёдлаб, уларга амал қилган. Араб тили ва шеърятни яхши билган. У — Абу Язид Убайд ибн Фазоланинг отаси. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/484).

8. Ҳумайд ан-Насоий (ваф. 247 х.й.)

(Абу Аҳмад) Ҳумайд ибн Занжавайх, исми — Махлад ибн Қутайба ибн Абдуллоҳ, Занжавайх эса унинг лақаби, ал-Аздий ан-Насавий — «ат-Тарғиб» («Рағбатлантириш»), «ал-Амвол» («Мол-дунё»), «ал-Одоб» («Одоб») китобларининг муаллифи, фозил олим бўлган. Ирок, Ҳижоз, Шом

ва Миср шаҳарларини кезган. Кейин ўз ватанига қайтган, фикх ва илм бўйича ўз даврида юртидаги сардорлардан бўлган. Насода Пайғамбар (а.с.) Суннатларига амал қилиб яшашга ташвиқ қилган. Ундан Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом ан-Насоий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 247 х.й. Мисрда вафот этган (2: 5/326; 11: 5/484).

9. Абдулкарим ан-Насоий (277-344/890-955)

Абдулкарим ибн Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий — Абу Абдуррахмоннинг ўғли, мисрлик бўлган. 277 х.й. сафар ойида Мисрда таваллуд топган, 344 х.й.да ўша ерда вафот этган (11: 5/484).

10. Аҳмад ан-Насавий

(Абу Абдуррахмон) Аҳмад ибн Усмон ибн Абдуррахмон ан-Насавий — ишончли ва ростгўй ровий бўлган. Хуросон, Ирок ва Ҳижозга бориб ҳадис ёзган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/485).

11. Абдуррахмон ан-Насавий

(Абу Муҳаммад) Абдуррахмон ибн Баҳр ибн Муоз ан-Насавий ал-

Базоз. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/485).

12. Али ан-Насавий (ваф. 287 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Иброҳим ибн Аҳмад ан-Насавий — насолик бўлган, Ирок., Хижоз ва Мисрда ҳадис эшитган, ўзи ҳам кўпчиликдан ривоят қилган. Масалан, Абу Мисъаб орқали Моликнинг «Муватто» («Соддалаштирилган тўплам») асарини ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 287 х.й. Нас ода оламдан ўтган (11: 5/485).

13. Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насавий

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сайд ибн Зуъайб ан-Насавий — Абу Бакр ибн Абулҳасаннинг отаси, Насонинг раҳбари бўлган. Насо, Марв, Ирок ва Хижозга бориб ҳадис эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/585).

14. Али ан-Насавий

Али ибн Сайд ибн Жарир ан-Насавий. Ундан ўғли Муҳаммад ҳадис ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/485).

15. Муҳаммад ибн Али ан-Насавий

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Али ибн Сайд ан-Насавий — юкорида зикр этилган Али ан-Насавийнинг ўғли. Ўз отаси ва Кутайбадан ҳадислар эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/485).

16. Аҳмад ан-Насавий (ваф. 396/1006 й.)

(Абулаббос) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Закариё ан-Насавий — суфий ва тарихчи бўлган. Асарлари: «Тариху-с-суфия» («Суфийлар тарихи»), «Сиёру-с-солихийн ва-з-зухход» («Солиҳ ва зохид инсонлар ҳаёт йўллари») (17: 1/265).

17. Али ан-Насавий (ваф. 473 х.й.)

(Абулҳасан) Али ибн Аҳмад ан-Насавий — хуросонлик математик ва мантиқчи бўлган. 473 х.й.да вафот этган. Асарлари: «ал-Мукниъ фи-л-хисоби-л-ҳандасий фи-л-ироқайни-л-арабий ва-л-форсий» («Араб ва Форс Ироқидаги геометрик хисоб-китобларга оид ишончли китоб», «Рисола фи-л-мадҳал ила илми-л-мантиқ» («Мантиқ илмига кириш рисоласи»), «ат-Тажрид фи усули-л-ҳандаса» («Геометрия асослари ҳақида ёрқин китоб») (17: 2/403).

18. Муҳаммад ан-Насавий (378-478/988-1085)

(Абу Амр) Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Али ан-Насавий — «қозиларнинг қозиси» лақабига сазовор фақиҳ, муфассир ва қози бўлган. Хоразм қозиси бўлган. Асарлари: «Кутуб фи-л-фикҳ ва-т-тафсир» («Фикҳ ва тафсир китоблари») (17: 3/389).

19. Муҳаммад ан-Насавий (ваф. 647/1249 й.)

(Шихобуддин) Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ал-Мунши ан-Насавий — тарихчи ва ношир, Хоразмшоҳнинг қотиби бўлган. Ҳалабда вафот этган. Асарлари: «Тариху Жалолиддин Хоразмшоҳ» («Жалолуддин Хоразмшоҳ тарихи») (17: 3/470).

20. Иброҳим ан-Насавий (ваф. 519/1125 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Насавий ал-Амидий — шоир, қотиб, тилшунос ва муҳаддис бўлган. Нишопур шаҳрида вафот этган. Сафар қилиб кўп ҳадис ўрганган. Ғарибу-л-ҳадис бўйича китоб ёзган (17: 1/57).

21. Исҳоқ ан-Насавий (293-374/906-984)

(Абу Яъқуб) Исҳоқ ибн Саъд ибн ал-Ҳасан ибн

362 ан-Насойй/ан-Насафий

Суфён ан-Насавий — юқорида зикр қилинган ал-Ҳасан ибн Суфённинг набираси. Ишончли ровий бўлган. Хуросон ва Ироқда ҳадис ривоят қилган. Ундан (яъни, у ривоят қилган ҳадислардан) Абулҳасан ад-Дорақутний танлаб олган ҳадисларни одамлар ёзиб олганлар. У 371 х.й. Бағдодда ҳадис ривоят қилган. Бобоси ал-Ҳасан ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 293 х.й. рамазон ойида туғилган, 374 х.й. Насода вафот этган (11: 5/488).

22. Ал-Ҳасан ан-Насавий

(Абулаббос) ал-Ҳасан ибн Суфён ибн Омир ибн Абдулазиз ибн ан-Нуъмон ибн Ато ан-Насавий аш-Шайбоний — художўй хофиз, ихлосли ва сидқидил имом бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/487).

23. Бақр ан-Насавий

(Абу Тора) Бақр ибн Шуъайб ан-Насавий — Мисрга борган ва ўша ерда вафот этган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/487).

24. Муҳаммад ибн Саъд ан-Насавий (326 х.й.да ҳаёт бўлган)

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Саъд ибн Ҳамувайх ан-Насавий — Ироқ, Ҳижоз ва Яманга бориб ҳадис эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 326 х.й.да Абу Али ал-Ҳофиз Нишопур шаҳрида унинг ҳадисларини текшириб, танлаб олган (11: 5/488).

903

АННАСАФИЙ

«Насаф»га нисбат берилган. Насаф — Нахшабнинг ўзи, ах,олиси кўп, ҳаёлш жуда фаровон йирик шах,ар бўлиб, у Жайх,ун ва Самарканд оралуида жойлашган. Ушбу шақарга нисбат берилаётган олимлар:

1. Иброҳим ан-Насафий (ваф. 294/907 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Маъқал ибн ал-Ҳажжож ибн Худош ибн Язид ибн Дуст ан-Насафий ал-Ҳанафий — Насаф козиси бўлган. Уламолар ва ишончли ровийларнинг пешқадами, Имом ал-Бухорий ижозати билан «ал-Жомийъ ас-сағийр» («Кичик тўплам») ҳамда «ал-Жомийъ ас-саҳийх» («Ишончли тўплам»)ни ривоят қилувчи муҳаддисларнинг энг эътиборлиларидан бири бўлган. Фақиҳ ва муфассирларнинг энг ишончлиси ва фазилатлиси эди. Кўп

асарлар таълиф этган. Суннат ва тафсир жамлаган. У уламолардан уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 294 х.й. зу-л-ҳижжа ойида вафот этган. Асарлари: «ал-Муснад ал-кабийр ва-т-тафсир» («Катта муснад ва тафсир китоби»), «ал-Истиксо фи-з-закот» («Закот бўйича тадқиқот»), «Тафсиру-л-Қуръон» («Қуръон тафсири»), «ал-Муснад фи-л-ҳадис» («Муснад асари»), «ал-Истиксо фи-н-нукот» («Ибораларга оид тадқиқот») — бу асарда диалектика бўйича энг зарурий 40 ҳикматли ибора, насихатомуз ибратли хикоялар жамланган, шунингдек, ғаройиб нодир воқеалар баён этилган. Баъзи олимлар бу асарга шарҳ ёзганлар (2: 5/329; 11: 5/486; 15: 4/80; 17: 1/74).

2. Аҳмад Куъуд ан-Насафий (ваф. 1007/1598 й.)

Аҳмад ибн Абу Бақр ан-Насафий ал-Хазражий ал-Мисрий ал-Моликий — «Куъуд» номи билан танилган. Олим ва адиб бўлган. Назм ва насрда кўпгина асарлар битган. Жумладан: «Манзума фи-н-наҳв» («Грамматикага оид манзума»), «ал-Муқаддима ал-кофия фи-илми-л-аруз ва-л-кофия» («Аруз ва кофия илмига оид ўқувчилар учуй кифоя қиладиган муқаддима») (17: 1/112).

3. Сайд ан-Насафий (ваф. 341/952 й.)

(Абу Усмон) Сайд ибн Пброҳим ибн Маъқал ибн ал-Ҳажжож ибн Худош ан-Насафий — юқорида зикр қилинган Абу Исҳоқ ан-Насафийнинг ўғли. У уз отасидан, ҳижозлик, ироклик, хуросонлик ва мовароуннаҳрлик бир гуруҳ ровийлардан ҳадис ривоят қилган. Ўзи ҳам фазилатли ва ишончли ровий ҳамда адаб ва шеърият соҳиби бўлган. Ундан жуда кўпчилик ҳадис ўрганган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 341 ҳ.й. сафар :йида оламдан ўтган (11: 5 486).

4. Аҳмад ан-Насафий «664/1266 йилдан олдин ҳаёт бўлган»

Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳанафий — фақиҳ :ўлган. Асарлари: «ал-Манофиъ фи фавоиди-н-офиъ» («Нафи тегадиган нарсаларнинг фойда-ларидаги манфаатлар Кнтоби») — ҳанафий хазрабининг фуруъ ал-ғнақхига оид асар (17: 1/219).

5. Аҳмад ал-Маҳмудий ан-Насафий (515/1121 йилдан олдин ҳаёт оулган)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Абулмауайяд ал-Маҳмудий ан-Насафий — фақиҳ, •еутакаллим ва адиб

бўлган. Асарлари: «Назму-л-Жомиъ ал-кабийр ли-ш-Шайбоний фи фуруъи-л-фикҳи-л-ҳанафий» («Шайбонийнинг ҳанафий мазҳаби фуруъ ал-фикҳига оид «ал-Жомиъ ал-кабийр» асарига манзума»), мазкур асарни 515 ҳ.й. муҳаррам ойида ёзиб тугатган ва унга яна икки жилдли шарҳ ҳам ёзган, «Қасида фи илми-л-калом» («Калом илмига оид қасида») (17: 1/317).

6. Маймун ан-Насафий (418-508/1027-1115)

(Абулмаъин) Маймун ибн Муҳаммад ибн Макхул ан-Насафий ал-Ҳанафий — мутакаллим ва усулчи фақиҳ, асли Самарқандда бўлган. Бухорода яшаган. Асарлари: «ат-Тамҳид ли кавоъиди-т-тавҳид» («Тавҳид илмига кириш»), «Баҳру-л-калом» («Калом уммони»), «Табсирату-ладилла» («Аниқ далиллар»), «Шарҳу-л-Жомиъи-л-кабийр ли-ш-Шайбоний» («Шайбонийнинг «ал-Жомиъ ал-кабийр» китобига шарҳ»), «Манохижу-л-аъимма» («Пешкадамлар йўли») — сўнги икки асар ҳанафий мазҳабининг фуруъ ал-фикҳига оид, «Табсирату-л-адилла фи-т-тавҳид» («Тавҳиддаги аниқ далиллар») (15: 4/225; 17: 3/949).

7. Муҳаммад ан-Насафий (600-687/1204-1288)

(Абулфазл, Бурҳонуддин) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳанафий — муфассир, фақиҳ, усул ал-фикҳ олими, мутакаллим, ҳақим ва мантиқшунос бўлган. Тахм. 600 ҳ.й.да таваллуд топган ва 22 зу-л-ҳижжа куни Бағдодда вафот этган. Асарлари: «Шарҳу-л-ишорот ли ибн Сино фи-л-мантиқ ва-л-ҳикма» («Ибн Синонинг мантиқ ва ҳикмат илмларидаги ишоратлари шарҳи»), «Талхису тафсири Фаҳр ар-Розий» («Фаҳр ар-Розий тафсирининг қисқача баёни»), «ал-Фусул фи-л-жадал» («Диалектика фасллари»), «Шарҳу-р-рисолати-л-қудсия би алтихо ал-бурҳония ли-л-Ғазолий» («Ғазолийнинг муқаддас рисола асарига шарҳ»), «Матлаъу-с-саодат» («Саодат гулшани»), «Шарҳу маншаъи-н-назар фи-л-мантиқ» («Мантиқ илмида нуктаи назарнинг шаклланиши масаласига шарҳ»), «Шарҳу кистосил-мизон фи-л-мантиқ» («Мантиқ илмидаги энг адолатли мезон асарига шарҳ») (15: 4/94).

8. Муҳаммад ан-Насафий (ваф. 414/1023 й.)

(Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн

3§4 ан-Насафий

Маҳмуд ан-Насафий — фақиҳ ва шоир бўлган. Шайбон ойида вафот этган. Асарлари: «Таълика фи-л-хилоф» («Ихтилофларга шарҳлар»), шеърлари ҳам бор (17: 1/109).

9. Муҳаммад ан-Насафий (ваф. 344/955 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Закариё ибн ал-Хусайн ан-Насафий — муҳаддис ва хофиз бўлган, ҳадисларни бобларга бўлиб тасниф қилган. Жумоду-л-увло ойида вафот этган (17: 3/303).

10. Муҳаммад ал-Қойний ан-Насафий (ваф. 838/1435 й.)

(Жалолуддин) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Қойний ал-Мавлуд ан-Насафий ал-Ханафий — насафлик муҳаддис ва усул ал-фикҳ олими бўлган. Хиротда вафот этган. Унинг «Ишрокотул-усул фи аҳодиси-р-расул» («Пайғамбар ҳадисларида усул илмининг асослари») (17: 3/449).

11. Исо ан-Насафий (ваф. 385/995 й.)

(Абу Аҳмад) Исо ибн ал-Хусайн ибн ар-Рабиъ ан-Насафий ал-Касбуний — фозил киши бўлган. Тахм. 375 х.й.да вафот этган. Асарлари: «Китобул-л-бўстон» («Гулшан китоби»), «Китобу-д-дурр» («Дур китоби») (17: 2/592).

12. Умар ан-Насафий (461-537/1069-1142)

(Нажмуддин Абу Хафс) Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Лукмон ан-Насафий, ас-Самарқандий —

муфассир, фақиҳ, муҳаддис, хофиз, мутакаллим, усул ал-фикҳ олими, тарихчи, адиб, назмда ижод қилган тилшунос ва наҳвшунос бўлган. Насафда туғилган ва шу ерда ҳадис ўрганган. Ҳажга кетаётиб (ёки ҳаждан қайтаётиб), Бағдодда тўхтаган ва у ерда Исмоил ат-Танухий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Самарқандда яшаган ва ўша ерда жумоду-л-увло ойининг 12-куни вафот этган. Асарлари кўп, жумладан: «Мажмаъу-л-улум» («Илмлар тўплами»), «ат-Тафсир фи-л-Қуръон» («Қуръон тафсири»), «ал-Ақоид ан-Насафия» («Насафийнинг ақида китоби»), «Саҳиху Бухорий»га шарҳ ёзиб, уни «ан-Нажох фи шарҳ ахбори-с-сихох» («Ишончли тўпламлардаги ҳадислар шарҳида эришилган муваффақият») деб номлаган, аш-Шайбонийнинг «ал-Жомиъ ас-сағийр фи фуруъи-л-фикҳи-л-ханафий» («Ханафий мазҳаби фуруъ ал-фикҳига оид кичик тўплам») асарини назмга ўгирган, «Хасоису-л-

луғат» («Тил хусусиятлари»), «Заллату-л-қори фи баёни-л-хато фи кироати-л-Қуръони-л-карим ва анвоъихи ва ҳукмиҳи» («Қорининг Қуръони карим тиловатидаги хатолари баёни, унинг турлари ва ҳукмлари»), «Талбату-т-талаба фи-л-фикҳ» («Талабаларнинг фикҳдаги талаблари китоби»), «Баёну мазҳаби-л-мутасаввифа» («Суфийлар йўли баёни»), «ал-Хасоис фи-л-масоили-л-фикҳия» («Фикҳий масалаларнинг ўзига хос хусусиятлари»), «ал-Манзума ан-Насафия фи-л-хилофиёт» («Насафийнинг мунозарали масалаларга оид манзумаси»), «Татвилу-л-асфор фи таҳсили-л-ахбор» («Ҳдлис тўплаш мақсадида сафарларда узок бўлиш»), «ат-Тайсир фи-т-тафсир» («Тафсирга оид енгиллаштирилган китоб»), «Лаъбату-р-рағоиб ли баҳси-л-ғароиб» («Ғаройиб нарсаларни излаш учун орзулар ўйини») (7: 21; 14: 26; 17: 2/571).

13. Али ан-Насафий (719/1319 йилда ҳаёт бўлган)

Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Бакр ибн Али ан-Насафий, сўнгра ал-Пойкандий — фозил инсон бўлган. Асарлари: Саккокийнинг «Мифтоху-

л-улум» («Илмлар калити») асарининг учинчи қисмига шарх ёзган — «Шарху ми ф то х и - л - у л у м» («Илмлар калити» га шарх»). У ушбу асарни 719 х.й.да ёзиб тугатган (17: 2/515).

14. Азиз ан-Насафий (ваф. 533/1139 й.)

Азиз ибн Муҳаммад ан-Насафий — суфий бўлган. Асарлари: «ал-Мақсад ал-аксо фи-т-тасаввуф» («Тасаввуфдаги энг олий мақсад») (17: 2/378).

15. Абдулазиз ан-Насафий (ваф. 686/1287 й.)

(Азизуддин) Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Насафий — суфий бўлган. Асарлари: «Одобу-с-сулук» («Сулук одоби»), «Зубдату-л-хақоик» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «ал-Мақсад ал-аксо» | «Энг олий мақсад»), «Манозилу-с-соирийн» | «Соликларнинг манзиллари») (17: 2/196).

16. Абдуллох ан-Насафий (ваф. 710/1310 й.)

(Хофизуддин Абулбаракот) Абдуллох нон Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий ал-Ҳанафий - факих, муфассир, усул =л-фикх олими ва мутакаллим бўлган. Жиззахда вафот этган. Асарлари: «Умдату-л-^коид фи-л-калом» ^Калом илмидаги ^кидалар асоси») — ушбу

асарига шарх ҳам ёзиб, уни «ал-Эътимод» («Таянч») деб атаган, «Мадорику-т-танзил ва ҳақоику-т-таъвил фи-т-тафсир» («Тафсирдаги нозил бўлиш ва таъвил ҳақиқатларини англаш китоби»), «Манору-л-анвор фи усули-л-фикх» («Усул ал-фикхда ёруғлик маёғи»), «ал-Кофий фи шархи-л-вофий» («Вофий асарига кифоя қилувчи шарх»), «Канзу-д-дақоик» («Нозик масалалар хазинаси») — сўнгги икки асар ханафий мазҳабнинг фуруъ ал-фикҳига оид манбалардир, «ал-Мусаффо фи-л-хилоф» («Ихтилофлардаги мусаффолик»), «Шарху-л-фикҳи-н-нофиъ ли Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳусайний» («Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳусайнийнинг манфаатли фикҳ асарига шарх»), «ал-М у с т а с ф о» («Сараланган») — ас-Самарқандийнинг «ан-Нофиъ фи фуруъи-л-фикҳи-л-ханафия» («Ҳанафий мазҳаби фуруъ ал-фикҳига оид фойдали китоб») асарига ёзилган шарҳдир, «ал-Мусаффо мухтасари-л-Мустасфо» («Мустасфога битилган мухтасар мусаффо»), «Шарху манзумати Ум ар ан-Насафий фи-л-фикҳи-л-ханафий» («Умар ан-Насафийнинг ханафий фикҳига оид манзумасига шарх»), «Мадороту-т-танзил ва ҳақоику-т-

таъвил» («Сабаби нузул ва таъвил ҳақиқатларининг уланиш нуктаси») (14: 48; 15: 4/119; 17: 2/228).

17. Ал-Ҳусайн ан-Насафий (ваф. 425/1034 й.)

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн Хизр ибн Юсуф ан-Насафий ал-Фишидиржий — факих бўлган. У козилик қилган, Бухорода вафот этган. Асарлари: «Фавоид» («Фойдалар»), «Фатово» («Фатволар») (11: 5/487; 17: 1/549, 609).

18. Ал-Ҳасан ан-Насафий (ваф. 428/1037 й.)

(Абу Али) ал-Ҳусайн ибн ал-Хидр ан-Насафий ал-Факих — унинг «Фавоид» («Фойдалар») деган асари бўлган (11: 5/487; 17: 1/549).

19. Исмоил ан-Насафий (ваф. 448/1056 й.)

(Абу Туроб) Исмоил ибн Тохир ибн Юсуф ан-Насафий — мутакаллим бўлган. «Китобу-л-эътикод» («Эътикод китоби») номли асар таълиф этган (17: 1/367).

20. Жаъфар ан-Насафий (350-432/961-1041)

(Абулаббос) Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Муътазз ибн Муҳаммад ибн ал-Мустағфир ибн ал-Фатҳ ибн Идрис ал-Мустағфирий ан-Насафий — муҳаддис ва муаррих бўлган. Хуросон юртларини кезган.

355 ан-Насафий/ан-Нашкий/ан-Нашавий

Насафда вафот этган. Асарлари: «Маърифату-с - с а х о б а» («Саҳобаларни билиш»), «Далоилу-н-нубувва» («Пайғамбарлик белгилари»), «Фазоилу-л-Қуръон» («Қуръон фазилатлари»), «Тариху Насаф» («Насаф тарихи»), «аш-Шамойил ан-набавия» («Пайғамбарнинг шакл-шамойиллари»), «ат-Тамхид фи-т-тажвид» («Тажвиддаги муқаддима»), «аз-Зиёрот фи китоби-л-мухталаф вал-муъталаф ли Абдилғаний ибн Сайд» («Абдулғаний ибн Саиднинг аниқ ва ноаниқ китобидаги зиёрат боби») (17: 1/498).

21. Макхул ан-Насафий (ваф. 318/930 й.)

(Абу Мутиъ) Макхул ибн ал-Фазл ан-Насафий — фақиҳ, муҳаддис ва хофиз бўлган, ҳадис талабида кўп саёҳат қилган. Сафар ойида оламдан ўтган. Асарлари: «ал-Луълуъот фи-з-зуҳд вал-адаб» («Зуҳд ва адабга оид дурдоналар»), «аш-Шуъаъ фи-л-фикҳ» («Фикҳ жилолари») (17: 3/907).

22. Абдулазиз ан-Насафий (ваф. 533/1138 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулазиз ибн Усмон ибн Иброҳим ибн

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар ибн Ражо ибн Заръа ан-Насафий ал-Ҳанафий — асли куфалик фақиҳ бўлган, Бухорода фикҳ илмини ўрганган. Хуросон қозилигида ноиб бўлган. Асарлари: «ал-Мунқиз мина-з-залал фи масоили-л-жадал» («Мунозарали масалаларда адашишдан қутқарувчи китоб»), «Кифоюту-л-фухул фи илми-л-усул» («Усул илмида уламоларнинг тўхтами»), тўрт жилдлик «ат-Таълиқа фи-л-хилоф» («Ихтилофларга шарҳлар»), «ал-Фусул фи-л-фатово» «Фатволардаги ажримлар», «Равзату-н-носихийн фи шарҳи хутаби-л-арбаъийн» («Қирк хутба шарҳидаги воизларнинг боғчаси») (17: 2/164).

904

АННАШКИЙ

«Нашку Уббод»га нисбат берилган. Нашку Уббод — Марв ҷишлоқларидан бири. Мазкур кишлоққа мансуб олимлар:

1. Муҳаммад ан-Нашкий (тав. 468/1075 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ан-Нашкий — фазилатли, солиҳ,

художўи ва жуда эҳтиёткор фақиҳ бўлган. Бохарзга борган ва у ерда умрининг охиригача яшаган. Одамлар унинг олдига фатволар сўраб, мурожаат қилишар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 468 х.й.нинг рабиъу-л-аввал ойида Марвда таваллуд топган (11: 5/490).

2. Ал-Музаффар ан-Нашкий (491-546 х.й.)

(Абу Мансур) ал-Музаффар ибн Ардашер ал-Ибодий ал-Воиз. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 491 х.й.да таваллуд топган, 546 х.й.да эса «Аскар Мукрам» деган жойда вафот этган (2: 5/330).

905

АННАШАВИЙ

«Нашаво» (баъзан «Нахжавон»)га нисбат берилган. Нашаво — Озарбайжондаги шах, ар. Уни Усмон ибн Аффон (р.а.) даврида Ҳабибуллоҳ, ибн Маслама ал-Фажрий фатх, этган. Мазкур шах, арга мансуб олимлар:

1. Абдуррахмон ан-Нашавий

(Абу Хотим) Абдуррахмон ибн Али ибн Яҳё ибн Муҳаммад ар-Раввос ан-Нашавий. У уламолардан ҳадис ривоят

қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/490).

2. Ҳорун ан-Нашавий

(Абу Мусо) Ҳорун ибн Ҳайён ан-Нашавий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/490).

3. Ҳазодоз ан-Нашавий

(Абулфазл) Ҳазодоз (ёки Ҳаддод) ибн Осим ибн Бакрон ан-Нашавий — Жанзадаги кутубхонанинг хазинабони бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 5/331; 11: 5/490).

4. Силм ан-Нашавий

(Абу Сайд) Силм ибн Бандор ибн ал-Хусайн ан-Нашавий ал-Арманий — Бағдодга борган ва у ерда ҳадис ривоят қилган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/491).

5. Ал-Муфарриж ан-Нашавий

(Абу Абдуллоҳ) ал-Муфарриж ибн Абу Абдуллоҳ ан-Нашавий — ҳадис хофизларидан, яъни жуда кўп ҳадис ёд олган зотлардан ва фақиҳларнинг пешқадамларидан бўлган. У

уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 5/331).

6. Аҳмад ан-Нашавий

(Абу Бакр) Аҳмад ибн ал-Ҳажоф ал-Озарий ан-Нашавий — Дамашқ ва бошқа жойларда ҳадис эшитган, уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 5/331).

906

АННУҚОДИЙ

«Нак,ода»га нисбат берилган. Нақода — фарғоналик нисбат берилган шахе бобосининг исми.

1. Амр ан-Нуқодий (ваф. 525/1131 й.)

(Ал-Имом) Амр ибн ал-Хусайн ибн ал-Ҳасан ан-Нуқодий ал-Фарғоний. Кеш шаҳрида яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 525 х.й. зу-л-қаъда ойининг охириги пайшанба кунини Кешда вафот этган (11: 5/517).

907

АННАҚОЗ

«Нақоз»га нисбат берилган. Нақоз — Шошда тугма, илгак ясовчиларнинг касб номи.

1. Исмоил ан-Нақоз (ваф. 470 х.й.дан олдин)

(Абу Шурайх) Исмоил ибн Аҳмад ибн ал-Ҳасан ан-Нақоз аш-Шоший — олим, зоҳид, фозил, ишончли, ростгўй ва машҳур шайх бўлган. Хуросон юртларини кезган ва у ерларда ҳадис эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 470 х.й.дан олдин вафот этган (11: 5/518).

908

АННАҚҚОЛ

«Нак,к,ол»га нисбат берилган. Наққол — Имом аш-Шофиъийнинг «Рисола» номли асарини элтиб бергани учун хоразмлик чопарга кўйилган ном.

1. Ал-Ҳорис ан-Наққол (ваф. 230 х.й.)

(Абу Амр) ал-Ҳорис ибн Сурайж ан-Наққол — асли хоразмлик бўлган, Бағдодда истиқомат қилган. Имом аш-Шофиъийнинг «ар-Рисола» («Рисола») номли китобини Абдуррахмон ибн Махдийга элтиб бергани учун ан-Наққол лақабини олган. Бағдодда ҳадислар ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 230 х.й. Бағдодда вафот этган (11: 5/519).

909

АН-НАҚАБУНИЙ/АН-НАҚБУНИЙ

«Нақабун/Нақабун»га нисбат берилган. Бухоро кишлоқларидан бири. У «Нақабун» ва «Нақабан» номлари билан юритилади. Мазкур қишлоққа мансуб олимлар:

1. Жаъфар ан-Нақабуний (ваф. 374/985 й.)

(Абулаббос) Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Маккий ибн Ҳажар ан-Нақабуний ал-Хозий — Нақабун кишлоғидан бўлган, ўз кишлоғида ҳадислар ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 374 х.й. рамазон ойининг биринчи куни вафот этган (11: 5/520, 522).

2. Яхё ан-Нақабуний

(Абу Закариё) Яхё ибн Жаъфар ибн Аъян ибн ал-Аздий ал-Пойкандий ан-Нақабуний — пойкандлик бўлган, Нақабун кишлоғида истиқомат қилган. Қуръонга тафсир ёзган. Намоз, рўза, диний расм-русмлар ва олди-соттига оид китоблар таълиф этган. Ироқ ва Ҳижозга сафар қилиб, у ерларда ибн Уяйна ва бошқа уламолар билан мулоқот қилишга муваффақ бўлган. Ундан Имом ал-Бухорий ҳадислар ривоят қилган (11: 5/522).

910

АННАМАКБОНИЙ

«Намакбон»га нисбат берилган. Намакбон — Марвнинг чўл томонида Сажободга яқин жойлашган қишлоқ. Мазкур кишлоққа мансуб олимлар:

1. Билол ан-Имакбоний (ваф. 200 х.й.дан кейин)

Билол ибн Абдуллоҳ ан-Намакбоний — марвлик паст бўйли, ибн ал-Муборак ал-Марвазийнинг суҳбатларидан бахраманд киши бўлган, унинг китобларини ривоят қилиб юрган. Араб тилини билган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. 200 х.й.дан кейин вафот этган (11: 5/527).

2. Аҳмад ан-Намакбоний

(Абу Амр) Аҳмад ибн ал-Қосим ан-Намакбоний — уламолардан ҳадис эшитган, уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/527).

911

АННАВОИЙ

«Наво»га нисбат берилган. Ново — Самарканд қишлоқ-

ларидан бири. Мазкур кишлоққа мансуб олимлар:

1. Маҳдий ан-Навоий (ваф. 1341/1923 й.)

Маҳдий ан-Навоий ан-Нурий — мантиқчи бўлган. ар-Руштий ва Оятуллоҳ ал-Хуросонийдан таълим олган. Нажафда вафот этган. Асарлари: «ат-Тасаввур ва-т-тасдиқ фил-мантик» («Мантиқдаги тасаввур ва тасдиқ») (17: 3/926).

2. Муҳаммад ан-Навоий (Абу Жаъфар)

Муҳаммад ибн ал-Маккий ибн ан-Назир ан-Навоий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/529).

3. Муҳаммад ан-Навоий (Абулхусайн)

Муҳаммад ибн Сайд ибн Уббода ан-Навоий — Самарқандда уламолар ундан ҳадислар ёзишган. Бу воқеа 370 х.й.дан кейин содир бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/529).

912

АННУБАҒИЙ

«Нубоғ»га нисбат берилган. Нубоғ — Хоразм кишлоқларидан бири.

1. Муҳаммад ал-Искофий

Муҳаммад ибн Усон ал-Искофий ан-Нубоғий — кўзи ожиз адиб бўлган (2: 5/354).

913 АННУЖОБОЗИЙ

«Нужобозияга нисбат берилган. Нужобоз — Бухоро қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа мансуб бўлган олимлар:

1. Муҳаммад ан-Нужобозий (ваф. 533/1139 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ан-Нужобозий ал-Бухорий — серибодатли, кўпни курган зоҳид имом, фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Унинг «Мартаъу-н-назар фи фазоили-л-аъмол ва маҳосини-л-ахлоқ» («Солиҳ амаллар ва гўзал хулқларга эътиборни кучайтириш») номли асари бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 533 х.й. жумоду-л-охира ойининг 18-куни оламдан ўтган (2: 5/357; 17: 3/546).

2. Муҳаммад ан-Нужобозий (ваф. 470 қ.й.дан кейин)

(Абулмаҳосин) Муҳаммад ибн Абу Наср ибн Иброҳим ибн Али ибн Убайдуллоҳ ан-Нужобозий ал-Бухорий. Бағдодда яшаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 470

х.й.дан кейин вафот этган (11: 5/531).

3. Муҳаммад ан-Нужобозий (616-668/1219-1270)

(Абулмаузаффар Захируддин) Муҳаммад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Бухорий ан-Нужобозий — усул ал-фикҳ фақиҳи бўлган. Бағдодда яшаган, Мустансирия амирлигининг волийси бўлган. Дамашкка сафар қилган. Асарлари: «Талхису-л-Қудурий фи фуруъи-л-фикҳи-л-ханафий» («Ханафий мазҳаби фуруъ ал-фикҳига оид Қудурийнинг мухтасари»), «Кашфу-л-ибҳом ли рафъи-л-авҳом» («Шубҳаларни кўтариш учун ноаниқ нарсаларнинг фош этилиши»), «Кашфу-л-асрор фи усули-л-фикҳ» («Усул ал-фикҳда сирларнинг очилиши») (17: 3/565).

914 АННУХИЙ

«Нух»га нисбат берилган. Нух, — нисбат берилаётган насафлик уламоларнинг боболарининг номи. Мазкур ном билан нисбат олган олимлар:

1. Исҳок ан-Нухий (433-518 х.й.)

(Абу Иброҳим) Исҳок ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад... ан-Нухий

ал-Хатиб — насафлик фазилатли фақиҳ бўлган. Насафда хатиблик қилган, узок умр кечирган, Самарқандда ҳадис ривоят қилган ва имло қилиб ёздиран. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 433 х.й.да таваллуд топган, 518 х.й.да эса вафот этган (11: 5/531).

2. Исмоил ан-Нухий (423-481 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Исмоил ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Нухий — имом-хатиб ва қози бўлган. Самарқандда ҳадис ёзган, у ерда кўп вақт омма учун ўтирган. Самарқанд минбаридан туриб хутба ўқиган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 423 х.й.да таваллуд топган, 481 х.й.да эса вафот этган (11: 5/531).

3. Иброҳим ан-Нухий (436-511 х.й.)

(Абу Исҳок) Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Нухий ан-Насафий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 436 х.й.да таваллуд топган, 511 х.й.да эса вафот этган (11: 5/531).

4. Муҳаммад ан-Нухий (ваф. 459 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Нух ибн Зайд ан-Нухий — тўрт

370 ан-Нухий/ан-Навахасий/ан-Нурий

фарзанднинг отаси, улардан икки нафарининг васфи юкорида келди, иккисининг васфи куйида келади. У уламолардан хадис ривоят қилган, фарзандлари оталаридан ривоят қилганлар. 459 х.й.да вафот этган (11: 5/532).

5. Муҳаммад ан-Нухий

(Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад ан-Нухий — жуда довюрак, кўркмас ва матонатли ҳамда кўли очик сахий инсон бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/532).

6. Яъқуб ан-Нухий (442-523 х.й.)

(Абу Юсуф) Яъқуб ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Нух ибн Зайд ибн ан-Нуъмон ан-Насафий ан-Нухий — козилар бошлиғи бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 442 х.й.да туғилган, 523 х.й.да эса вафот этган (11: 5/532).

915

АННАВАХАСИЙ

«Навахас»га нисбат берилган. Навхас — Бухоро қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа мансуб олимлар:

1. Аҳмад ан-Навахасий (ваф. 211 х.й.)

Абу Аҳмад Аҳмад ибн Абдулвоҳид ибн Руфайд ибн Ваҳб ан-Навахасий ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 211 х.й.да вафот этган (11: 5/532).

2. Абдулвоҳид ан-Навахасий

(Абу Аҳмад) Абдулвоҳид ибн Руфайд ибн Руфайд ибн Ваҳб ан-Навахасий ал-Бухорий — Аҳмад ан-Навахасийнинг отаси. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/532).

916

АН-НУРИЙ

«Нур»га нисбат берилган. Нур — Бухоро қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Аҳмад ан-Нурий (295/908 й.)

(Абулхусайн) Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нурий — суфий бўлган. Асарлари: «Мақомоту-л-қулуб» («Қалбларнинг мақомлари») (17: 1/302).

2. Исмоил ан-Нурий (ваф. 646/1248 й.)

(Абу Тохир, Шамсуддин) Исмоил ибн Судакин ибн Абдуллох ан-Нурий ал-Ҳанафий — суфий ва мутакаллим бўлган. Асарлари: «Лавоқиҳу-л-асрор ва

лавоқиҳу-л-анвор» («Сирлар ва нурлар иловаси»), «Шарҳу умдати-л-ақоид ли Абдуллох ан-Насафий» («Абдуллох ан-Насафийнинг «Ақидалар асоси»га шарҳ»), «Китобу-с-салот ривая Бишр ибн ал-Валид» («Бишр ибн ал-Валид ривояти асосида тузилган намоз китоби»), «Шарҳу-т-тажаллиёт-ли-илоҳия фи-т-тасаввуф ли ибн ал-Арабий» (Ибн ал-Арабийнинг тасаввуфдаги илоҳий тажаллиётларига шарҳ») (17: 1/365).

3. Ризо ан-Нурий (1215-1288/1800-1871)

Ризоқулихон ибн Муҳаммад Ҳодий ан-Нурий — тарихчи ва адиб бўлган, «амиру-ш-шуъро», яъни, «шоирлар амири» лақабини олган. Шерозда, сўнгра Техронда яшаган, рабиъу-с-соний ойида вафот этган. Асарлари: «Баҳру-л-хақоқиқ» («Ҳақиқатлар денгизи»), «Анвору-л-вилоя» («Валийлик нурлари»), «Анису-л-ошиқийн» («Ошиқлар суҳбатдоши»), «Риёзу-л-орифийн» («Орифлар бўстони»), «Риёзу-л-муҳиббийн» («Суюклилар бўстони») (17: 1/719).

4. Муҳаммад ан-Нурий (ваф. 1273/1857 й.)

Муҳаммад Тақий ибн Муҳаммад Ҳодий ан-Нурий — фозил инсон бўлган. 1273 х.й.дан кейин

вафот этган. Асарлари: «ар-Рисола аш-шихобия фи иложи-л-вабо» («Вабони даволашга оид ёркин ва алангали рисола») (17: 3/181).

5. Муҳаммад ан-Нурий (694/1295 йилда ҳаёт бўлган).

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мубин ан-Нурий ал-Ҳанафий — фақиҳ ва усул ал-фикҳ бўйича олим бўлган. Унинг «ал-Мунтахаб ли-Ахсикатий фи шархи-л-мунтахаб фи усули-л-фикҳ» («Усул ал-фикҳга оид сайланманинг шарҳига ёзилган Ахсикатийнинг сайланмаси») асари бор. У мазкур асарни 694 х.й.да ёзиб тугатган (17: 3/684).

6. Маҳдий ан-Нурий (ваф. 1341/1923 й.).

Маҳдий ан-Навоий ан-Нурий — мантикчи бўлган, ар-Руштий ва Оятуллоҳ ал-Хуросонийдан таълим олган. Нажафда оламдан ўтган. Асарлари: «ат-Тасаввур ва-т-тасдиқ фил-мантик» («Мантиқдаги тасаввур ва тасдиқ») (17: 3/926).

7. Али ан-Нурий

Али ибн Масъада ан-Нурий (11: 5/533).

8. Солиҳ ан-Нурий

(Абу Шуъайб) Солиҳ нон Муҳаммад ибн Шуъайб ас-Санжорий ан-Нурий (11: 5/533).

9. Аҳмад ан-Нурий
(Ал-Ҳоким Абу Наср) Аҳмад ибн Жаъфар ан-Нурий (11: 5/533).

10. Муҳаммад ан-Нурий
(Ал-Ҳоким) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ан-Нурий (11: 5/533).

11 Али ан-Нурий (451-518 х.й.)

(Ал-Қозий Абу Али) ал-Ҳасан ибн Али ибн Аҳмад ибн ал-Ҳасан ибн Исмоил ибн Довуд ад-Додий ан-Нурий — уламолар ундан ҳадис ривоят қилганлар. 451 х.й.да таваллуд топган, 518 х.й.да эса вафот этган (11: 5/533).

12. Аҳмад ан-Нурий (ваф. 417/1026 й.)

(Абу Муқотил) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Нурий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 417 х.й. ражаб ойида вафот этган (И: 5/533).

13. Имрон ан-Нурий (451-518 х.й.)

(Абу Мусо) Имрон ибн Абдуллоҳ ан-Нурий ал-Ҳофиз ал-Бухорий. 451 х.й.да туғилган, уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. 518 х.й.да вафот этган (2: 5/385).

917

АННУЗОБОЗИЙ

«Нузобоз»га нисбат берилган. Нузобоз —

Бухоро қишлоқ^аридан бири.

1. Муҳаммад ан-Нузобозий (ваф. 321 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Сайд ибн Маҳмуд ибн Мусо ал-Хайёт ан-Нузобозий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 321 х.й.да вафот этган (11: 5/534).

918

АННУЗАКОСИЙ

«Нузакос»га нисбат берилган. Нузакос — Хоразмдаги Журжониянинг яқинидаги кичик шах, арча.

1. Ал-Мутаҳҳар ан-Нузакосий (616 х.й.да ҳаёт бўлган)

Ал-Мутаҳҳар ибн Садид ибн Али ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Абулфазл ан-Нузакосий — солиҳ, диндор ва хайрли киши бўлган. Ироқ ва Шомга борган, жуда кўплаб ҳадислар ёзган. Ҳадисни ва унинг ровийларининг исмини тўлиқ ёддан билган. Хоразмдан 616 х.й.нинг охирларида мўғул татарлардан қочиб, Насога чиқиб кетган ва умрининг охиригача ўша ерда яшаган (2: 5/358).

919

АННАВСИЙ - АН-НАВШИЙ

«Нус» («Нусбоя»)га нисбат берилган, баъзан «Ну их» деб х, ам юригилади. У — Марв қишлоқларидан бири. Мазкур жойга нисбат берилган олимлар:

1. Али ан-Нусий (ваф. 410 х.й.дан кейин)

(Абулҳасан) Али ибн Муҳаммад ан-Нусий — фазилатли фақиҳ бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 410 х.й.дан кейин вафот этган (2: 5/359; 11: 5/534).

2. Муҳаммад ан-Нусий (тахм. 460-547/1067-1153)

(Абулфатх) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Сайд ал-Хусайрий ан-Нусий — илм ва Куръон ахлидан, камтарин ва солиҳ шайх бўлган, доимо тиловат қилиб юрган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 420 х.й.дан олдин туғилган, 547 х.й. зу-л-қаъда ойининг 16-куни вафот этган (2: 5/359; 11: 5/535).

920

АН-НАВФАРИЙ

«Навфар»га нисбат берилган. Навфар — Бухоро қ, ишлоқ, ларидан бири.

1. Илёс ан-Навфарий

(Абулмузаффар) Илёс ибн Муҳаммад ибн Исо ан-Навфарий ал-Хатиб. У уламолардан ҳадис эшитган. (2: 5/360).

921

АННАВҚАДИЙ

«Навқадяга нисбат берилган. Навқад — Насаф қишлоқларидан бири.

1. Муҳаммад ан-Навқадий (ваф. 535/1141 й.)

Муҳаммад ибн Мансур ибн Мухлис ибн Исмоил ан-Навқадий — йил бўйи рўзадор зоҳид имом, Самарқандда муфтий ва мударрис бўлган. 535 х.й.нинг рамазон ойида Самарқандда вафот этган (11: 5/538).

2. Муҳаммад ан-Навқадий (ваф. 407/1016 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Сулаймон ибн ал-Хидр ибн Аҳмад ибн ал-Ҳакам ал-Муъаддил ан-Навқадий — содиқ ва ишончли ровий бўлган. Имом ат-Термизийнинг «Сунан» асарини ривоят қилиб юрар эди. 407 х.й. жумоду-л-увло ойининг биринчи куни оламдан ўтган (2: 5/360; 11: 5/538).

3. Иброҳим ан-Навқадий (ваф. 425/1034 й.)

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Нух ибн Муҳаммад ибн Зайд ибн ан-Нуъмон ибн

Абдуллоҳ ибн ал-Хасан ибн Зайд ибн Нух ал-Фақиҳ ан-Нухий ан-Навқадий — Навқадсоза қишлоғидан, тўғрисўз ва адолатпарвар инсон бўлган. У уламолардан уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 425 х.й. зу-л-қаъда ойида вафот этган (2: 5/538; 11: 5/538).

4. Наср ан-Навқадий

(Абуллайс) Наср ибк Омир ибн Х, афс ан-Навқадий. У уламолардан ҳадис эшитган, уламолар ҳам ундан ҳадис тинглаганлар (11: 5/538).

5. Абдулқодир ан-Навқадий (450-527 х.й.)

(Абулфазоил) Абдулқодир ибн Абдулҳолик ибн Абдурраҳмон ибн Қосим ибн ал-Фазл ИБЕ Абдурахим ибн ал-Ҳасая ибн ар-Рабиъ ан-Навқадий — фозил имом бўлган. Бухоро, Макка ш бошқа шаҳарларда ҳадис тинглаган. 450 х.й.да таваллуд топган, 527 х.й.да эса вафот этган (2: 5/360 11: 5/537).

6. Абдуллоҳ ан-Навқадий (ваф. 400 х.й.)

(Абу Муҳаммал) Абдуллоҳ ибн Муҳаммал ибн Ражо ибн Ғирой ан-Навқадий — уламолардан ҳадис ривоят қилган. уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар. 400 х.й.да вафот этган (2: 5/360).

922

АННАВКАДАКИЙ

«Навкадак»га нисбат берилган. Навкадак — Самарканд яқинидаги Иштихон қишлоғи.

1. Аҳмад ан-Навкадакий

(Абу Абдуллоҳ) Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштихоний ан-Навкадакий — кўп ёзган, Қуръонга тафсир тасниф этган. Хуросон ва Ироққа сафар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/539).

923

АННУКАНДИЙ

«Нуканд»га нисбат берилган. Нуканд — Самарканд қишлоқ, ларидан бири.

1. Аҳмад ан-Нукандий (ваф. 524/1130 й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад Абдулвоҳид ибн Тархон ан-Нукандий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 524 х.й. жумоду-л-охира ойида Самарқандда вафот этган (11: 5/539).

924

АННАВАНДИЙ

«Наванд»га нисбат берилган. Наванд — Самарқанддаги дах,анинг номи.

1. Аҳмад ан-Навандий

Аҳмад ан-Навандий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/361; 11: 5/540).

925

АННУВАЙЗИЙ

«Нувайза»га нисбат берилган. Нувайза — Сарахс қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа мансуб бўлган олимлар:

1. Ғиёс ан-Нувайзий

Ғиёс ибн Ҳамза ибн Муҳожир ан-Нувайзий — сарахслик бўлган, Ироққа борган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/540).

2. Муҳаммад ан-Нувайзий (460-543/1068-1148)

(Абу Саъд) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абулхорис ибн Аҳмад ан-Нувайзий ас-Суфий ас-Сарахсий — солиҳ шайх бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 460 х.й.да таваллуд топган ва 542 х.й. охирларида ёки 543 х.й. муҳаррам ойида вафот этган (2: 5/361).

926

АННИЁЗАКИЙ

«Ниёза»га нисбат берилган. Ниёза — Кеш ва Насаф оралиғидаги катта қишлоқ.

1. Аҳмад ан-Ниёзакий (ваф. 379 ёки 399 х.й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Ҳомид ибн Ҳорун ...ан-Ниёзакий ал-Карминий — карманалик олим. Имом ал-Бухорийнинг «ал-Адаб» китобини ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 379 ёки 399 х.й.да Карманада вафот этган (2: 5/380; 11: 5/548).

927

АННИЁЗАВИЙ

«Ниёзо»га нисбат берилган. Ниёзо — Насаф қишлоқларидан бири. Ушбу қишлоққа мансуб Ниёзий, Ниёзавий, Ниёзижий, Ниёзакий нисбаси билан танилган олимлар:

1. Абдуллоҳ ан-Ниёзий (1300-1363/1883-1944)

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ан-Ниёзий — фақиҳ ва мударрис бўлган. Наманганда туғилган ва ўша ерда таълим олган. Афғонистонга сафар қилган, 1330 й. Маккага етиб борган. Тахм. уч йил Мадинада қолиб кетган. Сўнгра Шомга чиқиб кетган. Шундан сўнгра сафарини давом эттириб, Маккага борган ва у ердаги «ал-Мадраса асл-саулатия»да дарё олган. Асарлари «ал-Минҳа ал-илоҳия фи силсилати кутуби-с-суннати-л-

374 ал-Вобакний/ал-Восилий/ал-Вороний/ал-Воззий/ал-Воизий

мухаммадия» [«Мухаммад (с.а.в.) суннатиға оид китоблар силсиласидаги илоҳий инъом»] ва «Фатово» («Фатволар») китоби (17: 2/280).

2. Исмоил ан-Ниёзавий

(Абу Иброҳим) Исмоил ибн ас-Содиқ ибн Абдуллоҳ ибн Сайд ибн Масъада ибн Маймун ан-Ниёзавий — фозил факих ва одамларга нафи тегадиган инсон бўлган (11: 5/548).

928

АЛВОБАКНИЙ

«Вобакна»га нисбат берилган, у — Бухоро қишлоқларидан бири. Унга мансуб олимлар:

1. Ақмад ал-Вобакний

(Абу Ҳомид) Ақмад ибн Маҳмуд ибн Толиб ибн Жит ибн Мусо ибн Саҳл ас-Сарром ал-Вобакний. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/555).

2. Муҳаммад ал-Вобакний

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн ан-Надир ибн Илёс ал-Вобакний — бухоролик бўлган. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/555).

3. Яъқуб ал-Вобакний

(Абу Юсуф) Яъқуб ибн Абу Жундуб ал-Вобакний — Хуросонга борган ва у

ердаги шайхларнинг суҳбатига эришган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/555).

929

АЛВОСИЛИЙ

«Восила»га нисбат берилган. Бу нисба саҳ,обий Восила ибн ал-Асқаннинг Мовароуннаҳ,рдаги авлодлари томонидан кўлланилган.

1. Иброҳим ал-Восилий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Исмоил ибн Зиёд ал-Восилий — мовароуннаҳрлик бўлган (11: 5/556).

930

АЛ-ВОРОНИЙ

«Ворон»га нисбат берилган. Ворон — Табриз қишлоқларидан бири.

1. Ал-Музаффар ал-Вороний (558-621/1163-1224)

(Аминуддин) ал-Музаффар ибн Абулхайр ибн Исмоил ал-Вороний ат-Табризий аш-Шофиъий — усул ал-фикҳ фақиҳи бўлган, Мосул ва Бағдодда фикҳ илмини ўрганган. Бағдоддаги мадрасада мударрис ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Фатволар чиқарган, мунозаралар ўтказган, ҳадислар эшитиб, уларни ўрганган, китоблар тасниф қилган. Жумладан: ар-Розийнинг «ал-Маҳсул

фи усули-л-фикҳ» («Усул ал-фикҳ бўйича тўпланган ҳулоса») асарига уч жилддик мухтасар асар ёзиб, уни «ат-Танқиҳ симти-л-масоили-л-фикҳия» («Фикҳий масалаларнинг дурдоналарини қайта кўриб чиқиш») деб атаган. Шунингдек, «Мухтасару-т-Табризий фи фуруъи-л-фикҳи-ш-шофиъий» («Шофиъий мазҳаби фуруъ ал-фикҳига Табризийнинг мухтасари») (2: 5/400; 17: 3/893).

931

АЛВОЗЗИЙ

«Возз»га нисбат берилган. У — Самарқанд қишлоқларидан бири.

1. Исҳоқ ал-Воззий

(Абу Муҳаммад) ибн Иброҳим ал-Воззий — у уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/561).

932

АЛВОИЗИЙ

Бухоролик нисбат берилган шаҳе бобосининг номи.

1. Аҳмад ал-Воизий (ваф. 383 х.й.)

(Абулфазл) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Халаф ал-Воизий ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 383 х.й.да вафот этган (11: 5/565).

933
АЛВОҲКОНИЙ

«Воҳ,кон»га нисбат берилган. Воҳрон — Марв кишлоқларидан бири.

1. Амр ал-Воҳконий

Амр ибн Ҳафс ал-Воҳконий — муҳаддис бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/565).

934
АЛВАЗОРИЙ

«Вазор»га нисбат берилган. Вазор — Самарканд кишлоқларидан бири. Мазкур кишлоқкр мансуб олимлар:

1. Сибоб ал-Вазорий

(Абу Музоҳим) Сибоб ибн ан-Назир ибн Масъада ибн Бужайр ибн ан-Назир ибн Хубайб (ёки Хдбиб) ибн Абдуллоҳ... ал-Бакрий ал-Вазорий — Самарканднинг раҳбарларидан, унинг энг улуғ, мартабали бошлиқларидан ва афзал кишиларидан бўлган. Фазилатли, диёнатли ва маънавий покиза инсон сифатида танилган. У гўзал асарлар яратган, мулкларидан катта зақфлар ажратган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/424; 11: 5/571).

2. Али ал-Вазорий

(Абулҳасан) Али ибн Умар ат-Тақий ибн Кулсум ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ал-Вазорий. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (11: 5/581).

3. Муҳаммад ал-Вазорий

(Абу Али) Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Ҳинод ибн Ваниф ал-Вазорий — Вазорнинг ҳокими бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/581).

4. Муҳаммад ал-Вазорий

(Абу Амр) Муҳаммад ибн Хотим ибн Абдурраҳмон ал-Вазорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/582).

5. Муҳаммад ал-Вазорий

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Сибоб ибн ан-Назир ибн Масъада ал-Вазорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/582).

6. Аҳмад ал-Вазорий (ваф. 503/1110 й.)

Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Вазорий — Вазор кишлоғининг хатиби ва тўғри йўлдаги солиҳ киши бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 503 х.й.

Бароат кечаси Самарқандда оламдан ўтган (11: 5/582).

935
АЛВАРОЗИЙ

«Варозоняга нисбат берилган. Варозон — Насаф кишлоқларидан бири.

1. Насух ал-Варозий

(Абу Абдуллоҳ) Насух ибн Восил ибн ал-Варозий ан-Насафий — ишончли, художўй, олим ва шайх бўлган. Қутайба ал-Бухорийдан «ат-Тафсир ал-кабийр» («Катта тафсир»)ни эшитган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/584).

936
АЛВАРСОНИЙ

«Варсоняга нисбат берилган. Варсон — Озарбайжоннинг энг чекка х,удуддаги шақар. Варсон билан Болқон оралиғи етти фарсахни ташкил этади. Мазкур шах,арга мансуб бўлган олимлар:

1. Абдулвоҳид ал-Варсоний (ваф. 372 х.й.)

(Абулфараж) Абдулвоҳид ибн Бакр ал-Варсоний — Шом ва Ироққа борган, кўп жойларга сафар қилиб, кўпчиликдан ҳадислар ёзиб олган. Журжонда бўлган, у ерда ҳадис

376 ал-Варсиний/ал-Варудоний/ал-Варзоний/ал-Варсаноний/ал-Варсаниний

ривоят қилган. 372 х.й. Хижозда вафот этган (2: 5/426; 11: 5/587).

2. Али ал-Варсоний

(Абулҳасан) Али ибн ас-Сиррий ибн Сақр ибн Ҳаммад ал-Варсоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/426).

3. Наъим ал-Варсоний

(Абу Наср) Наим ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Алоъ ал-Варсоний ал-Журдоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/588).

4. Муҳаммад ал-Варсоний

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Хузайма ал-Қозий ал-Варсоний — Варсон қозиси бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/588).

937

АЛВАРСИНИЙ

«Варсин»га нисбат берилган. Варсин — Насафдаги шаҳар.

1. Асад ал-Варсиний (ваф. 315/927 й.)

(Абулхорис) Асад ибн Ҳамувайҳ ибн Маъбад ал-Варсиний — олим ва солномачи бўлган. 315 х.й. ражаб ойининг биринчи куни вафот этган. Асарлари: «Китобу-н-нассоб» («Насл-насабга оид

китоб»), «Китобу-л-ажойиб» («Ажойиботлар китоби»), «Ахбору-л-Ҳасан ва-л-Ҳусайн» («Ҳасан ва Ҳусайн ҳақидаги ривоятлар»), «ал-Бустон фи манокими Насаф» («Насаф мадҳидаги бўстон») (2: 5/426; 11: 5/588; 17: 1/346).

938

АЛВАРУДОНИЙ

«Варудона»га нисбат берилган. Варудона — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Идрис ал-Варудоний

Идрис ибн Абдулазиз ал-Варудоний. У уламолардан ҳадис ривоят қилган, уламолар ҳам ундан ривоят қилганлар (2: 5/427; 11: 5/589).

939

АЛВАРЗОНИЙ

«Варзон»га нисбат берилган. Варзон — Бухоро қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоқда мансуб олимлар:

1. Ҳумам ал-Вардоний

(Абу Саъд) Ҳумам ибн Идрис ибн Абдулазиз ал-Варзоний — ўз отасидан ҳадис ривоят қилган, ундан эса бошқалар ривоят қилганлар (2: 5/427; 11: 5/589).

2. Муҳаммад ал-Варзоний

(Абулҳасан) Муҳаммад ибн ал-Фатҳ ибн Назир ибн Умар ибн Сайд ал-Варзоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/589).

3. Муҳаммад ал-Варзоний (ваф. 333 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Яҳё ибн ал-Ашъас ал-Мухтасиб ал-Варзоний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 333 х.й. да вафот этган (11: 5/589).

940

АЛВАРСАНОНИЙ

«Варсанон»га нисбат берилган. Варсанон — Самарқанддаги шахар номи.

1. Бакр ал-Варсаноний (ваф. 351 х.й.)

(Абу Аҳмад) Бакр ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Молик ибн Жаммоъ ибн Абдуллоҳ ибн Фарқад ас-Санжий ал-Варсаноний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 351 х.й. Бухорода вафот этган (11: 5/590).

941

АЛВАРСАНИНИЙ

«Варсанин»га нисбат берилган. Варсанин — Самарқанд дах, аларидан бирида жойлашган.

Мазкур жойга мансуб олимлар:

1. Бакр ал-Варсаниний (ваф. 352 х.й.)

(Абу Аҳмад) Бакр ибн Муҳаммад ал-Варсаниний — кўзга кўринган факих, мунозарачи ва аҳлу-р-раъй вакили бўлган. Самарқандда унинг хадис имло қиладиган жойи ва мунозаралар олиб борадиган халқаси бор эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 352 х.й.да вафот этган (11: 5/590).

2. Аҳмад ал-Варсаниний

(Абу Яхё) Аҳмад ибн Закариё ал-Искофий ал-Варсаниний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/590).

2. Ал-Хусайн ал-Варғажаний (ваф. 366 х.й.)

(Абу Али) ал-Хусайн ибн ас-Сиддик ибн ал-Фатҳ ибн ал-Ҳажжож ал-Варғажаний — ишончли ва ростгўй ровий бўлган. У уламолардан хадис эшитган, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 366 х.й.да вафот этган (И: 5/591).

3. Сайд ал-Варғажаний (ваф. 494 х.й.)

Сайд ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн ал-Маккий ал-Варғажаний ан-Насафий — факих ва фозил киши бўлган. Имом Юсуф кўлида фикҳдан таълим олган. Хадислар китобат қилган. У уламолардан хадис эшитган, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 494 х.й.да вафот этган (11: 5/591).

тўғри. У уламолардан хадис эшитган, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/592).

2. Яхё ал-Варағсарий (ваф. 230/844 й.)

(Абу Закариё) Яхё ибн Муҳаммад ибн Субайх ал-Варағсарий — зоҳид ва обид бўлган. Самарқанднинг Варағсаридеда работга бошчилик қилган. Гўзал асарлар ёзган. Уламолардан хадис эшитган, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар. 230 х.й.нинг рабиъу-л-аввал ойида вафот этган (11: 5/592).

3. Юсуф ал-Варағсарий

Юсуф ал-Варағсарий — кўзи ожиз, тарбиячи устоз бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/592).

**942
АЛВАРҒАЖАНИЙ**

«Варғажан» (баъзан • Варғажан»)га нисбат берилган. У — Насаф кишлоқларидан бири. Мазкур кишлоққа мансуб олимлар:

1. Аслам ал-Зарғажаний

Аслам ибн Маймун ан-Наҳвий ал-Адиб ал-Зарғажаний — зарғажанлик бўлган, араб тилини яхши билган (11: 5/591).

**943
АЛВАРАҒСАРИЙ**

«Варағсар»га нисбат берилган. Варағсар — Самарқанд кишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Иброҳим ал-Варағсарий

(Абулаббос) Иброҳим ибн Мусо ал-Ҳилол ал-Варағсарий — асли келиб чиқиши Марвдан, ўзи Варағсар қишлоғида яшаган. Хадислардан қилган ривоятлари —

**944
АЛВАРАҚУДИЙ**

«Варақуд»га нисбат берилган. Варақуд — Самарқанднинг Карминия (Кармана) қишлоғи.

1. Аҳмад ал-Варақудий

(Абу Аҳмад) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Маҳфуз ал-Варақудий ал-Карминий — китоб орқали Карминияда хадис ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (11: 5/592).

945
АЛ-ВАРКАЙ

«Варкан» (баъзан
«Варка»)га нисбат
берилган. Варка — Бухоро
қишлоқларидан бири.
Мазкур қишлоққа мансуб
олимлар:

1. Муҳаммад ал-Варкай
(ваф. 380/990 й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Бакр ибн Халаф ибн Муслим ибн Ибод ал-Варкай ал-Мутаввийъий — варканлик солиҳ шайх бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 380 х.й. рабиъу-с-соний ойида вафот этган (2: 5/429; 11: 5/593).

2. Муҳаммад ал-Варкай
(ваф. 381 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Ҳафс ибн Аслам ибн Ҳозир ал-Варкай — Варка қишлоғидан. Хуросон, Ироқ ва Ҳижозга сафар қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 381 х.й.да вафот этган (11: 5/593).

3. Иброҳим ал-Варкай

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Мансур ибн Яърабу ал-Варкай. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/593).

4. Шокир ал-Варкай

(Абуллайс) Шокир ибн Хамувайх ибн Қурайш ибн Қайс ал-Варкай. У

уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/594).

5. Довуд ал-Варкай (ваф. 305/918 й.)

(Абу Сулаймон) Довуд ибн ал-Хдсан ибн ал-Хизр ал-Варкай. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 305 х.й. зу-л-ҳижжа ойининг охири куни вафот этган (11: 5/594).

6. Абдулвоҳид ал-Варкай
(ваф. 495 х.й.)

(Абу Муҳаммад) Абдулвоҳид ибн Абдуррахмон аз-Зубайрий ал-Варкай — факих, имом ва зоҳид бўлган. Узоқ умр курган — 130 йил яшаган. Кўп ҳадис ривоят қилган, унинг ҳузурига турли ўлкалардан одамлар келишар эди. У яшаган даврда, ПО йил давомида ҳадислар ёзиб, уларни имло ва ривоят қилган бошқа инсон бўлмаган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 495 х.й.да вафот этган (11: 5/594).

946
АЛВОЗОҒРИЙ

«Возоғр»га нисбат
берилган. Возоғр —
Самарканд қишлоқ-
ларидан бири.

1. Сайд ал-Возоғрий (ваф. 386/996 й.)

(Абу Усмон) Сайд ибн Усмон ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад

ибн Тарвин ал-Возоғрий ас-Самарқандий — ҳадис тўқувчилар сирасидан бўлмаган, лекин ишончли ровий ҳам бўлмаган, у ривоят қилган ҳадисларга таянилмайди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 386 х.й.нинг шаввол ойида вафот этган (11: 5/596).

947
АЛВАЗҒАЖНИЙ

«Вазғажн»га нисбат
берилган. Вазғажн — Насаф
қишлоқларидан бири.

1. Ал-Ҳасан ал-Вазғажний

(Абу Али) ал-Ҳасан ибн Сиддиқ ал-Вазғажний ан-Насафий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/598).

948
АЛВАЗВИЙНИЙ

«Вазвайнин»га нисбат
берилган. Вазвайнин —
Бухоро қишлоқларидан
бири.

1. Ҳожиб ал-Вазвиний
(Абу Муҳаммад) Ҳожиб аз-Зоҳид ал-Вазвиний. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/602).

949
АЛВАСИЖИЙ

«Васиж»га нисбат
берилган. Васиж —
Мовароуннах, рнинг Тур-

кистон тарафларидаги
қишлоқ,

1. Абдусайид ал-Васижий (ваф. 514/1120 й.)
(Абу Муҳаммад)
Абдусайид ибн Муҳаммад ибн Ато ибн Иброҳим ибн Мусо ибн Имрон ибн Исҳоқ ибн Ҳамдувайх Абравайх ал-Афроний ан-Насафий, сўнгра ал-Васижий — «Саъд ал-Малик» лақабини олган. Илм аҳлини ғоятда иззат-икром қилар эди. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 514 х.й.нинг мухаррам ойида оламдан ўтган (11: 5/603).

**950
АЛВАЛВОЛИЖИЙ**

«Валволиж»га нисбат берилган. Валволиж — Бадахшон шах, арларидан бири бўлиб, Балх ва Тохаристоннинг ортида жойлашган. Мазкур шахдрга мансуб олимлар:

1. Абдурашид ал-Валволижий (467-540/1074-1145)

(Абулфатх, Захируддин)
Абдурашид ибн Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Абдураззоқ ибн Абдуллоҳ ал-Валволижий — фозил имом ва ханафий факих бўлган. Самарқандда яшаган, шу ерда ҳадис эшитган ва ривоят қилган. 467 х.й. ўз юртида таваллуд топган ва ўша ерда вафот этган. Вир муддат Кешда яшаган, кейинроқ эса

Самарқандга ўтиб кетган. Балхда фикҳ илмини ўзлаштирган. Балх ва Бухорода уламолардан ҳадислар эшитган, уламолар ундан ҳадислар ривоят қилганлар. Унинг «ал-Фатово ал-валволижия» («Валволижий фатволари») деган асари бор (2: 5/441; 17: 2/143).

2. Исҳоқ ал-Валволижий (ваф. 701/1310 й.)

(Абулмақорим, Захируддин) Исҳоқ ибн Абу Бакр ал-Валволижий — ханафий факих бўлган, фатволар чиқарган (17: 1/240).

**951
АЛ-ВАЛИДИЙ**

«Валид»га нисбат берилган. Валид — нисбат берилган бухоролик шахснинг бобоси.

1. Али ал-Валидий (ваф. 432 х.й.дан кейин)

(Абулҳасан) Али ибн Муҳаммад Али ибн Муҳаммад ибн Довуд ибн ал-Валид ибн Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ал-Валид ал-Баззор ал-Бухорий ал-Валидий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 432 х.й.дан кейин вафот этган (11: 5/615).

**952
АЛВАНАЖИЙ**

«Вана» (баъзан «Ванаж»)га нисбат

берилган. У — Насаф қишлоқларидан бири.

1. Абдуссамад ал-Ванажий (ваф. 450 х.й.дан кейин)

(Абу Муҳаммад)
Абдуссамад ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Ҳорун ал-Ванажий — тўғри йўлдаги солиҳ шайх бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 450 х.й.дан кейин вафот этган (11: 5/616).

**953
АЛ-ВАНАНДУНИЙ**

«Ванандун»га нисбат берилган. Ванандун — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Муҳаммад ал-Ванандуний (ваф. 313 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ)
Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Солиҳ ал-Мукриъ ал-Ванандуний ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 313 х.й.да вафот этган (11: 5/617).

**954
АЛВАНУСОНИЙ**

«Ванусонун»га нисбат берилган. Ванусонун — нисбат берилаётган насафлик шахе бобосининг исми.

1. Ҳаммод ал-Ванусоний (ваф. 311 х.й.)

**380 ал-Ванусоний/ал-Вануфоғий/ал-Вануфахий/ал-Вайбавдий/ал-Ҳадҳодий/
ал-Хурмузғандий/ал-Хурмузфархий**

(Абу Муҳаммад) Ҳаммод ибн Шокир ибн Сура ибн Ванусонун ал-Варроқ ан-Насафий ал-Ванусоний — насафлик, ишончли ровий, эътиборли шайх бўлган. Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийлардан ҳадислар эшитган ҳамда уларнинг икковидан ҳам ҳадис ривоят қилган. Шу туфайли унинг юртида Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг ривоятлари кенг тарқалган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 311 х.й.да вафот этган (11: 5/617).

**955
АЛВАНУФОҒИЙ**

«Вануфоғ»га нисбат берилган. Вануфов — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Қайс ал-Вануфоғий (ваф. 288 х.й.)

(Абу Амр) Қайс ибн Аниф ибн Мансур ал-Вануфоғий ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 288 х.й.да вафот этган (11: 5/617).

**956
АЛ-ВАНУФАХИЙ**

«Вануфах»га нисбат берилган. Вануфах — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Абдуллоҳ ал-Вануфахий (ваф. 280 х.й.)

(Абу Ҳиро) Абдуллоҳ ибн Офия ибн Суфён ал-Вануфахий ал-Бухорий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 280 х.й.да вафот этган (11: 5/618).

**957
АЛВАЙБАВДИЙ**

«Вайбавзо» (баъзан «Вайбавдо»)га нисбат берилган, у — Бухоро қишлоқларидан бири.

1. Яъқуб ал-Вайбавдий (ваф. 375 х.й.)

(Абу Юсуф) Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Закариё ал-Адиб ал-Вайбавдий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 375 х.й.да вафот этган (11: 5/622).

**958
АЛҲАДҲОДИЙ**

«Ҳадх,од»га нисбат берилган. Ҳадх,од — нисбат берилаётган марвлик шахснинг бобоси.

1. Аҳмад ал-Ҳадҳодий

(Абу Али) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулвахҳоб ибн Собит ибн Шидод ибн ал-Ҳод ибн ал-Ҳадҳод ал-Марвазий ал-Ҳадҳодий — ибн Абу Азёл номи билан танилган. Асл келиб чиқишига кўра марвлик, ўзи эса Бағдодда таваллуд топган. У уламолардан, уламолар

ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/630).

**959
АЛ-ҲУРМУЗҒАНДИЙ**

«Хурмузғанд»га нисбат берилган. Хурмузғанд — Марв қишлоқларидан бири.

1. Абдулҳаким Хурмузғандий

Абдулҳаким ибн Майсара Хурмузғандий — «Аҳодису-л-Фитан» («Фитналар ҳақидаги ҳадислар») китобининг муаллифи (2: 5/463; И: 5/634).

**960
АЛ-ҲУРМУЗФАРҲИЙ**

«Хурмузфара» (баъзан «Масфара»)га нисбат берилган, у — Марв қишлоқларидан бири. Мазкур қитлоққа нисбат берилган олимлар:

1. Букайр ал-Хурмузфархий

(Абу Ҳошим) Букайр Моҳон ал-Хурмузфархий — аббосийлар давлатининг ўрнатилишида жонбозлик кўрсатган, халифаликнинг бани Умайядан бани Аббосга ўтишида фаол иштирок этган (2: 5/463; 11: 5/635).

2. Иброҳим ал-Хурмузфархий

Иброҳим ибн Аҳмад ибн Иброҳим ал-Қаззо ал-Хурмузфархий. У

уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (2: 5/463; 11: 5/635).

3. Иброҳим ал-Хурмузфархий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн ал-Баққол ал-Хурмузфархий — Санжга борган (11: 5/635).

4. Аҳмад ал-Хурмузфархий

Аҳмад ибн Қатон ал-Хурмузфархий — ибн ал-Муборак ал-Марвазийнинг китобларини ўқир эди (11: 5/635).

5. Ҳамдувайх ал-Хурмузфархий

(Абулфазл) Ҳамдувайх ибн ал-Фазл ат-Тоҷир ал-Хурмузфархий. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/635).

6. Муҳаммад ал-Хурмузфархий (ваф. 306 х.й.)

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳофиз ал-Хурмузфархий ал-Марвазий — бенуксон, ишончли ва ростгўй ҳофиз бўлган. Ироқ, Хуросон, Шом ва Мисрга бориб, ҳадисларни жамлаган ва уларни қоғозга туширган. Сафар чоғида Имом аш-Шофийнинг китобларини эшитиб, ёзиб олган ва ўз юртига олиб келган. У уламолардан, уламолар хам

ундан ҳадис ривоят қилганлар. 306 х.й.да вафот этган (11: 5/635).

Ёркас қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоқ маису б бўлган олимлар:

961

АЛ-ҲАЗОРАСПИЙ

«Хазорасп»га нисбат берилган. Хазорасп — Хоразм тарафларидаги мустақкам қалъа. Ушбу жойга нисбат берилган олим:

1. Абдуллоҳ ал-Хазораспий

(Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳамза ал-Хоразмий ал-Хазораспий. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/640).

962

АЛ-ҲАВРАҚОНИЙ

Марв қишлоқларидан бири — «Хаврақоняга нисбат берилган.

1. Муҳаммад ал-Хаврақоний (ваф. 306 х.й.)

(Абу Ражо) Муҳаммад ибн Ҳамдувайх ибн Мусо ибн Тариф ибн Рух ал-Хаврақоний. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 306 х.й.да вафот этган. Унинг «Китоб тарихи л-Марвазия» («Марвазийлар тарихи ҳақидаги китоб») номли асари бўлган (11: 5/656).

963

АЛ-ЁРКАСИЙ

«Усрушана»га нисбат берилган. Усрушана —

1. Аҳмад ал-Ёркасий

(Абу Сайд) Уҳайд ибн ал-Ҳакам ибн Худош ибн Арфаж ал-Ёркасий. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/674).

2. Муҳаммад ал-Ёркасий

(Абулфазл) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Ёркасий — Самарқандга келган ва ўша ерда муқим яшаб қолган. У уламолардан, уламолар хам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/675).

3. Муҳаммад ал-Ёркасий (447-520 х.й.)

(Абу Бақр) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Жаъфар ибн Али ибн Аҳмад ибн ал-Музаффар ибн Умар ибн ал-Ҳусайн ибн Абу Бақр ибн Абдулжалил ибн Аҳмад ал-Ёркасий — фақиҳ ва кори бўлган. Самарқандда яшаган, Имом Муҳаммад ал-Хаффофнинг қўлида таълим олган. 447 х.й.да таваллуд топган, 520 х.й.да эса вафот этган (11: 5/675).

4. Муҳаммад ал-Ёркасий

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Ёркасий (11: 5/675).

964
АЛЁНИЙ

«Ёна»га нисбат берилган. У — насафлик шахслар бобосининг исми шарифи. Қуйидаги олимлар шу нисбага мансубдирлар:

1. Абдуллоҳ ал-Ёний (ваф. 326 х.й.)

(Абу Бакр) Абду ибн Абулаббос Муҳаммад ибн Махмуд ибн Мужоҳид ибн Хоф ибн Ёна ибн Килоб аз-Зоҳид ан-Насафий — Аллоҳ таолонинг ердаги солиҳ ва дуолари мустажоб бўладиган бандаларидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 326 х.й.да вафот этган (11: 5/679).

2. Али ал-Ёний (ваф. 396/1006 й.)

(Абулҳасан) Али ибн Абдурахмон ибн Иброҳим ибн Махмуд Мужоҳид ибн Халаф ибн Ёна ибн Килоб ал-Мухмудий ал-Ёний — Омули Жайхуннинг ҳукуматида фаолият олиб борган, Самарқанд ва Бухорода фикҳ илмини ўзлаштирган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 396 х.й. зу-л-ҳижжа ойида вафот этган (11: 5/679).

965
АЛЯЗОХКАСИЙ

«Язохкас»га нисбат берилган. Язохкас —

Фарғона кишлоқларидан бири.

1. Абдулжалил ал-Язохкасий (435-498 х.й.) (Абу Муҳаммад) Абдулжалил ибн Муҳаммад ибн Абдулмавжуд ибн Наср ибн ал-Язохкасий аз-Заҳҳок — Самарқанддаги «Дор ал-Журжония»нинг халифаларидан бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 435 х.й. арафа куни таваллуд топган, 498 х.й.да эса вафот этган (11: 5/685).

966
АЛЯЗДОЗЗИЙ

«Яздозз»га нисбат берилган. Яздозз — «Аллоҳ,нинг инъоми» — деган маънони англатиб, нисбат берилаётган насафлик ва сарахслик шахсларнинг боболари.

1. Муҳаммад ал-Яздоззий (ваф. 344 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Закариё ибн ал-Хусайн ибн Иброҳим ибн Яздод ал-Ҳофиз ас-Саълукий ал-Яздодий — ўз юрти ровийларининг ҳадисларини жамлаган насафлик фозил киши бўлган. Уларнинг насабларини тўлиқ ўрганган, қолдирган илмий меросини бир жойга тўплаган ҳамда уларни бобларга ажратиб, тартибга солган. Бухоро, Самарқанд ва Сўғд

шаҳарлари, Кеш ва унинг атрофларини кезган. Х,адис олаётган шайхларини «яхшилаб элакдан ўтказган». У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 344 х.й.да вафот этган (И: 5/688).

2. Аҳмад ал-Яздоззий (ваф. 409 х.й.)

(Абулаббос) Аҳмад ибн ал-Х,асан ибн Абдуллоҳ ибн Яздод ас-Сарахсий ал-Яздоззий — шайхулислом номи билан танилган сарахслик олим. Чет ўлкаларга сафарлар қилган. У Мовароуннаҳрда уламолардан ўз навбатида, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 409 х.й.да вафот этган (11: 5/688).

967
АЛЯСИРКАСИЙ

«Варсанин»га нисбат берилган. Варсанин — Самарқанд қитлоқларидан бири. Унга мансуб олимлар:

1. Исом ал-Ясиркасий

Исом ибн ал-Фатҳ ал-Ясиркасий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/696).

2. Муҳаммад ал-Ясиркасий (ваф. 268 882 й.)

(Абу Абдуллоҳ! Муҳаммад ибн Ибод ибн Амр ибн Исо ал-

Ясиркасий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 268 х.й. рамазон ойида вафот этган (11: 5/696).

**968
АЛЯШКУРИЙ**

«Яшқурияга нисбат берилган. Яшқур — Сарахс, Марв ва хоразмлик Вало кабиласига берилган ном. Мазкур нисба билан танилган олимлар:

1. Убайдуллоҳ ал-Яшқурий

(Абу Кудома) Убайдуллоҳ ибн Сайд ибн Яхё ибн Бурд ас-Сарахсий ал-Яшқурий — Сарахсда Пайғамбар (а.с.) суннатларини тарқатиш ва унга риоя этишга ташвиқот қилишда жонбозлик кўрсатган зот. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/697).

2. Муҳаммад ал-Яшқурий

(Абу Амр) Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Абу Зарма ал-Яшқурий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар (11: 5/697).

3. Варко ал-Яшқурий

(Абу Башар) Варко ибн Амр ибн Кулайб ал-Яшқурий, «аш-Шайбоний» ҳам дейилган — асли хоразмлик бўлган, марвлик ёки куфалик ҳам

дейилган. Кўплаб шаҳарларда яшаган ва у ерларда уламолардан ҳадислар ривоят қилган. Ишончли ровий бўлган (11: 5/697).

**969
АЛЯҒНАВИЙ**

«Яғно»га нисбат берилган. Яғно — Нахшаб кишлоқларидан бири. Мазкур кишлокка мансуб олимлар:

1. Иброҳим ал-Яғнавий

(Абу Исҳоқ) Иброҳим ибн Маҳфуз ибн Али ибн Исрофил ибн ал-Лайс ал-Яғнавий — яғнолик адиб ва солиҳ муҳаддис бўлган. У уламолардан ҳадислар эшитган (11: 5/700).

2. Аҳмад ибн ал-Яғнавий (ваф. 400/1009 й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Наср ал-Яғнавий — солиҳ, зоҳид ва обид банда бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 400 х.й. рабиъу-л-аввал ойининг 6-куни жума кечаси вафот этган (11: 5/701).

3. Абдурахим ал-Яғнавий (ваф. 555/1160 й.)

(Абу Муҳаммад) Абдурахим ибн Али ибн Ниёзий ибн Али ибн ан-Нуъмон ал-Яғнавий — тўғри йўлдаги адиб бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 555 х.й. рабиъу-с-соний ойининг

ўрталарида сешанба куни вафот этган (11: 5/701).

4. Муҳаммад ал-Яғнавий (433-494 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Тамом ал-Яғнавий ан-Насафий. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 433 х.й.дан кейин таваллуд топган, 494 х.й.да эса Бухорода вафот этган (11: 5/701).

**970
АЛЮХАШУНИЙ**

«Юхашун»га нисбат берилган. Юхашун — Бухоро кишлоқларидан бири. Унга мансуб олимлар:

1. Аҳмад ал-Юхашуний (ваф. 437 ёки 438 х.й.)

(Абу Наср) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ал-Юхашуний — шофиъий мазхабидаги фазилатли факих бўлган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 437 ёки 438 х.й.да вафот этган (11: 5/708).

2. Муҳаммад ал-Юхашуний (ваф. 381 х.й.)

(Абу Бакр) Муҳаммад ибн Ҳам ибн Нокиб ас-Саффор ал-Юхашуний. У Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-саҳих» («Ишончли тўплам») асарини ривоят қилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят

384 ал-Юзавий

қилганлар. 381 х.й.да вафот этган (11: 5/709).

971 АЛ-ЮЗАВИЙ - АЛ-ЮЗИЙ

«Юзо» (ёки «Юза»)га нисбат берилган, у — Нахшаб (Насаф) қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоққа мансуб олимлар:

1. Аҳмад ал-Юзавий (ваф. 417/1026 й.)

(Абу Мукотил) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Мунзир ибн Тамим ибн Санжий ибн Хўжа ал-Юзавий — насафлик бўлган. У Бухоро шайхларидан ҳадис эшитган ва Бухорода ҳадис ривоят қилган ҳамда у ерда ҳадис ёздириш учун имло мажлиси уюштирилган. У уламолардан, уламолар ҳам ундан ҳадис ривоят қилганлар. 417 х.й. ражаб ойида вафот этган (11: 5/709).

2. Муҳаммад ал-Юзий (ваф. 336/948 й.)

